



ЎЗБЕКИСТОН ССР
ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ
◊
ФИЛОСОФИЯ
ВА ХУҚУҚ
ИНСТИТУТИ
◊


ЎЗБЕКИСТОН ССР
ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИНИНГ
АКАДЕМИГИ
И. М. МЎМИНОВ
ТАХРИРИ ОСТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР
«ФАН»
НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ
1964

АХМАД
ДОНИШ
НАВОИРУЛ
ВАҚОЕ



(НОДИР
ВОҚЕАЛАР)



«Наводирул вақое» XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода яшаб, ижод этган таниқли мутафаккир, аждойиб ёзувчи Аҳмад Докишнинг йирик фалсафий, бадиий-публицистик асаридир. Асарда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, илмий, фалсафий, ахлоқий, эстетик ва ҳоказо масалалари кенг ва батафсил баён этилган.

Қитоб бадиий-публицистик стилда, содда, тушунарли, халқ тилида ёзилган; унда қизиқарли услубдаги новеллалар шаклида ҳикоя ва қиссалар кўп. Бу эса асарнинг қимматини оширади, унинг ўқилишини енгилаштиради.

«Наводирул вақое» Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари, шунингдек, классик бадиий адабиёт тарихи билан қизиқувчи мутахассислар, тадқиқотчилар ва барча китобхонлар учун бевосита мақбаладан биридир.

ФОРС-ТОЖИКЧАДАН
А. ҲАМРОЕВ ВА А. ШОКИРОВ
таржимаси

СУЗ БОШИ УРНИДА



урматли китобхон, истеъдодли мутафак-
кир Аҳмад Донишнинг қўлингиздаги
ушбу китоби XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода
ёзилган бўлиб, ўз даврининг фалсафий, ижтимоий-сиё-
сий, ахлоқий ва тарбиявий, шунингдек, табиёт фани
масалаларига бағишланган. Шу сабабли «Наводирул
вақое» XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё халқлари
ижтимоий-фалсафий фикрларини, шунингдек, шу давр-
да Бухоро амирлигида ҳукм сурган феодал давлат тар-
тибларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Наводирул вақое»ни форсча-тожикчадан ўзбек ти-
лига таржима қилиш ва уни нашрга тайёрлаш ишлари
ЎзССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ инсти-
тутининг ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихи секторида
бажарилди. Уни Али Шокиров ва тарих фаилари канди-
дати, доцент Абдурахмон Ҳамроев таржима қилдилар.
Китоб шу асарнинг Бухорода кўчирилган ва ҳозир
ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номи-
даги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида
сақланаётган (инв. № 4266) нусхасидан таржима қилин-

ди. Таржима давомида Аҳмад Донишнинг ўз қўли билан кўчириб ёзилган қўлёзмадан ҳам (бу қўлёзма СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институти Ленинград бўлимининг фондида сақланмоқда, инв. В—716) фойдаланилди.

«Наводирул вақое»нинг асл ҳажми ушбу ўзбекча нусхасидан анча каттадир. Асар ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинган бўлса-да, уни босмага тайёрлашда маълум даражада қисқартирилди. Лекин қайд этиш лозимки, асарнинг қисқарган қисмлари ўрта аср анъаналарига тааллуқли жойлари бўлиб, уларнинг ушбу нашрга кирмасдан қолганлиги асарнинг мазмунига ҳам, авторнинг асосий тарихий хизмати характерига ҳам халаал етказмайди. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, таржиманинг қисқартирилган вариантини нашрга тайёрлашда китобнинг ҳамма боблари тўлиқ сақлаб қолинди ва асардаги ўз даврининг ғоявий-сиёсий, маданий ҳаётини ёритувчи фактларни ўқувчиларга автор ёзгани ҳолда тақдим этишга эътибор берилди.

Асарни нашрга тайёрлашда институтнинг аспиранти Наим Ғойибов иштирок этди.

Институт «Наводирул вақое»ни ўзбек тилига таржима қилишни уюштиришда ёрдам кўрсатганликлари учун ЎзССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг дирекциясига ва илмий ходимларига ташаккур изҳор этади.

Аҳмад Донишнинг ушбу асари ўзбек тилида биринчи марта нашр этилаётир. Шу сабабли унда айрим нуқсон ва камчиликларнинг учраши табиийдир. Муҳтарам китобхонлар, китобнинг таржимаси ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ЎзССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институтига (Тошкент, Братская кўчаси, 33.) юборишингизни сўраймиз.

ЎзССР Фанлар академияси

Философия ва ҳуқуқ

институти

АҲМАД ДОНИШ ВА УНИНГ «НАВОДИРУЛ ВАҚОЕ» АСАРИ ҲАҚИДА



Аҳмад Донишнинг оташин публицист, ўт-кир ёзувчи бўлганлиги олимларимиз томонидан исботланган; аниқ, равшан ва тўғри ёритилган¹.

Бизнинг илмий тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, Аҳмад Дониш XIX асрнинг иккинчи ярми шароитида Бухоро ижтимоий-фалсафий фикрлари соҳасида илғор прогрессив оқимнинг асосчиси, ажойиб маърифатпарвар ҳам эди. У маърифатпарвар бўлганидан, феодал ва амирлик тузумига қарши эди. Аҳмад Дониш Европа, рус маданиятини Бухорога ёйиш йўлида хизмат қилди; халқ оммасининг манфаатлари учун ўзига хос йўл билан курашди. У ўзининг ўша вақт тарихий шароитида илғор сиёсий қарашларини назарий, фалсафий фикр-қоидалар орқали асослашга ҳаракат қилди. У истеъдод-

¹ С. Айниёй, Намунаҳои адабиёти тоҷик, М., 1926; Е. Бертельс, Рукописи произведений Ахмеда Калла, «Груды Таджикской базы АН СССР», III, 1936.

ли олим, файласуф, зўр мутафаккир, ажойиб бир сиймо сифатида оммага манзур бўлди².

* *
*

Аҳмад Дониш яшаган ва ижод қилган йиллар Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро амирлиги ҳаётида ижтимоий-сиёсий воқеалар тез-тез содир бўлиб турган даврга тўғри келади. Типик шарқий-феодал давлатлардан бири бўлган Бухоро амирлиги 1868 йилда чор Россияси билан сулҳ шартномаси тузгандан кейин ўзининг илгариги мустақиллигини йўқотди ва Россия империясига қарам, ярим мустамлака бўлиб қолди.

Ўрта Осиёга рус капитали кириб келиши билан бу қолоқ феодал мамлакатда ҳам буржуа муносабатлари кенгай бошлади.

Бухоро амирлиги чор Россиясига қарам бўлишдан олдин унда ўзаро уруш, низо-жанжаллар содир бўлиб турарди. Чунончи, амир Музаффарнинг итоатсиз бекларга, айниқса, Шаҳрисабз бегига қарши курашини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай ўзаро урушлар, низо-жанжаллар халқ ҳаётида бениҳоя муҳим ўрин тутган суғориш иншоотларини вайрон қилиб, қишлоқ хўжалигига, мамлакат иқтисодига катта талафот етказарди.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганидан сўнг Бухоро амирлигида рўй бериб турадиган бундай ўзаро уруш-жанжаллар ва қул савдоси тугатилди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиншининг прогрессив аҳамиятларидан бири ана шу фактда ҳам гавдаланади.

Амирлик пойтахти — Бухорода ўша вақтларда — XIX асрда — жуда кўп вақфларга эга бўлган 365 мачит, 103

² И. Муминов, Из истории общественной и философской мысли Узбекистана конца XIX и начала XX веков. Издание Узбекского Государственного университета им. А. Навои, Самарканд, 1949, стр. 124.



мадраса бор эди. У даврда руҳонийлар катта моддий маблаққа эга бўлиб, ислом динини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилардилар; сунна, шия можароларини қўзғаб халқ орасида бидъат, жаҳолат, зулматни ёйишга тиришардилар; руҳонийлар амир билан бирликда дунёвий билимлар, янги ғоялар тарафдорларига қарши кескин курашарди. Шаҳарда босмахона ҳам, литография ҳам йўқ бўлиб, аҳолининг деярли ҳаммаси (98 проценти) саводсиз эди. Мактаб ва мадрасаларда асосан қуръон, қуръон ҳақидаги қасидалар ҳамда қонунчилик асослари ўқитилиб, арифметика ва геометрияга оид эса фақат юзаки маълумотлар бериларди. Битта ҳам газета, журнал, театр, клуб йўқ эди. Ҳатто, музика ҳам халқ ўртасида таъқиб этилганди, рассомлик ҳунари эса ғайри диний деб тақиқланган эди. Биронта ҳам касалхона, даволаш муассасаси йўқ эди. Лекин кўплаб мазорлар, «авлиёлар», табиб, жодугарлар бор бўлиб, булар орасида Баҳовуддин мазорининг шайхлари «энг муътабар ўрин»да турарди.

Қалаандарлар, маддоҳлар бозорларда, халқ сайилларида «авлиёлар» ҳаётидан олинган ўта кетган ёлғон-яшиқларни, турли афсонавий, хаёлий ҳикояларни «уста-лик» билан қизиқарли қилиб сўзлаб берардилар. Бухорода кишилар онгини жаҳолатпарастлик оғуси билан заҳарловчи «Сайқалнома» ва бошқа шу каби фантастик ва диний китоблар кенг тарқалган эди. Мана шу идеологик воситалар чиркин ўрта асрчилик, жабр-зулм макони, жаҳолат ва зулмат ўчоғи амирликни сақлашга, оқлашга хизмат қиларди.

Шафқатсиз эксплуатация, ваҳшийларча зулм қилиш, зўравонлик, йирик ер эгаларининг, жаҳолатпараст муллаларнинг ва амир жаллодларининг сурбетларча ўзбошимчалиги халқ оммасини жуда қашшоқлаштириб юборди. Истибдод ҳамма ерда ҳоким эди. Бу аҳвол Бухоро амирлиги аҳолиси ўртасида зулмат ва диний фанатизмнинг ҳукмрон бўлишига сабаб бўлди.

Халқ оммаси ўз орасидан золимларга қарши ботирлар етиштириб берганидек, демократик кайфиятда бўлган зиёлилар ўртасидан ҳам юксак онгли, темир иродали кишилар етишиб чиқдики, булар реакцияон руҳонийларнинг жаҳолатларастлигига қарши—маърифатпарварлик, илм-фан учун, зўравонликка қарши — адолат учун, ёввойиликка қарши — инсонпарварлик — мурувват учун дадил ҳаракат қилдилар. Бухорода ўша замон демократик оқимининг энг машҳур ва етакчи арбоби Аҳмад Дониш эди.

Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилди ва 1897 йилда шу шаҳарда вафот этди. Унинг отаси деҳқонлар орасидан чиққан бўлиб, Суғут қишлоғидан (ҳозирги Бухоро область, Вобкент ишлаб чиқариш бошқармаси территориясида) Бухоро шаҳрига ўқишга келган ва ўқишни тамомлаганидан сўнг Бухородаги мачитлардан бирида муллалик қилган. Аҳмад Донишнинг отаси ўз ўғлини яхши тарбиялади, унга кунт билан билим берди.

Аҳмад Дониш XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги ҳаётидаги барча ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг шоҳиди бўлди; йирик ер эгалари ва судхўрлар деҳқонларни, ҳунарманд ва қулларни қандай эксплуатация қилаётганликларини ўз кўзи билан кўрди.

Аҳмад Дониш ўз туғилган шаҳрида билим олди; математика, геометрия, астрономия, музика, тасвирий санъат, тарих ва фалсафа соҳасидаги билимларни мустақил ўқиб, ўз даврининг илғор, ҳар тарафлама билимли кишиси бўлиб етишди; у ўз замонининг илғор кишиси, ўз элининг содиқ фарзанди, ўз тарихий шароитининг нодир вакили эди.

Аҳмад Дониш Ибн Сино, Умар Хайём, Навоий, Фузулий ва, айниқса, Бедил асарларини қизиқиб ўқиди. Аҳмад Донишнинг Фузулийнинг озарбайжон-турк тилида ёзилган шеърларидан олган парчалари жуда қизиқарлидир. Бу эса Донишнинг Фузулий гоёлари, унинг

астрономия ҳақидаги фикрлари билан қизиққанлигидан далолат беради. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Аҳмад Дониш Фузулийнинг ислом дини қоидаларининг баъзи томонларини туртган шеърларидан илҳомланди.

Дониш Бедил асарларини ўрганди, унинг фалсафий қарашларини, хусусан, коинотнинг абадийлиги, руҳнинг материяга, жисмга муносабати каби масалаларни таҳлил қилишга уринди.

Аҳмад Дониш астрономия асосларини ўрганишга кўп эътибор берди. Ўзининг айтишига қараганда, у астрономияни Мирза Абдулфаттоҳ мунажжимдан ўрганган. Аҳмад Дониш қўлёзмаларидан бирида ўз муаллимининг қуйидаги ривоятини келтиради:

Андак-андак э илм ҳосил кун,
Андаки мойи фарован аст.

Яъни: оз-оздан илм ҳосил қил, оз-оздан фаровонлик юзага чиқади.

Аҳмад Дониш 1856, 1869, 1873 -74 йилларда Бухоро амирининг Петербургга юборган элчилари составида Петербург ва Москвада бўлди; бу ҳол унинг тараққийпарвар социал-фалсафий фикрининг ривожланишига маълум таъсир кўрсатди.

* *
*

Реакция кучлари Аҳмад Донишни дадиллик билан баён қилган илмий фикрлари учун, бу фикрларнинг антифеодал, антиклерикал характерда эканлиги учун таъқиб қилдилар. Бироқ Дониш ўзининг маърифатпарварлик қарашларини асослаш йўлида қатъий ва мағрур олға қадам ташлади.

Аҳмад Дониш кўп асарлар ёзган мутафаккирдир. У ёзган ҳамма асарлар ҳали батамом тадқиқ этиб тугалланганича йўқ. Шунинг учун бу асарлар устида илмий текшириш олиб бориш, шубҳасиз, фойдали бўлур эди.

Адабиёт соҳасида шу кунгача Аҳмад Донишнинг фақат иккита қўлёзма асари: «Наводирул вақое» ва «Бухоро амирларининг тарихи» бирмунча ўрганилган, ҳолос. ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида Аҳмад Донишнинг 16 та қўлёзма асари тўпланган; булардан кўпи авторнинг ўз қўли билан ёзилган асл нусхалардир. Бу ўринда шунини ҳам айтиш керакки, Аҳмад Дониш ҳусни хатда моҳир, номи чиққан хаттот ҳам эди.

Публицист ва мутафаккир Аҳмад Донишнинг қўлёзма асарларидан баъзи бирларини кўрсатиб ўтамиз:

«Маҷмуаи ҳикояти Аҳмади Қалла» — «Аҳмад Қалланинг ҳикоя асарлари тўплами». 1877 йилги бу қўлёзма бошқа бир хаттот томонидан 1902 йилда шу ном билан кўчирилган. Автор бу асарида Ўрта Осиё тарихидаги, хусусан, Улугбек давлатни бошқарган даврдаги энг муҳим ҳодисаларни тасвирлайди, машҳур шоир ва файласуф Жомий тўғрисида маълумот беради³. Бу асарда Аҳмад Дониш муҳим фалсафий масалаларни ўртага ташлайди ва уларни ўзига хос йўл билан ечишга уринади. Асарда калом фалсафаси тўғрисида Донишнинг жиддий танқидий фикрлари баён қилинган.

— Аҳмад Дониш «Ин рисолаи ислоҳ миёни шия ва сунн» («Шиялар ва суннийларни яраштириш тўғрисида насиҳат») деган қўлёзманинг ҳам авторидир. Бу асар унинг диний дунёқарашларга муносабатини белгилаб беришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу асарда Ўрта Осиё тарихи, шия ва суннийларнинг ўзаро курашлари тарихи ҳамда унинг сабаблари юзасидан бой материаллар берилади. Асарнинг мазмуни унинг сарлавҳасидан маълум бўлиб турибди. Асарда диний таълимотлар анализ қилинади ва «ҳақиқатни» билиш йўли текширилади; «ҳақиқий» дин ўрганилади,

³ Аҳмад Дониш, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти-
нинг қўлёзмалар фонди, н.н.в. № 314.

исломга ёки христианликка, ёки будга эътиқод қўювчи ҳар бир киши ўз динини «ҳақиқий» дейиши ҳақидаги ҳикоя таҳлил қилинади, мазҳабларнинг пайдо бўлиши, уларнинг хусусиятлари, улардаги зиддиятлар айтилади; хулоса қисмида диний келишмовчиликлар ҳамда мазҳаблар курашини бартараф қилиш ҳақида маслаҳатлар берилади. Дониш Жалолиддин Румий, Ғаззолий, Жомий, Бедил ва бошқаларнинг фалсафий қарашларини анализ қилади⁴.

Аҳмад Донишнинг 1894 йилда форс-тожик тилида ёзилган юқоридаги асари Ўрта Осиёдаги фалсафа ва социология тарихига оид қимматли материалдир. Бундан ташқари, бу асарида унинг эркин фикрли олим эканлиги намоён бўлади.

Аҳмад Донишнинг ўзбек қабилаларининг тарихи масалалари қизиқтирди. У ўз хатларидан бирида 92 ўзбек қабилаларининг ҳаёти ва тарихига оид маълумотлар тўплаганини хабар қилади.

Файласуфнинг таржиман ҳоли, ижодига доир муҳим маълумотлар унинг «Дафтари тақвим» деган кундалигида кўрсатилган⁵.

Аҳмад Дониш сайёраларнинг ҳаракатини кузатиб, шу орқали тўплаган материаллари юзасидан фикр юритди ва астрономик ахборот тузди; бу ахборот унинг табиий-илмий қарашларини характерлашга ёрдам беради. Шу жиҳатдан автор томонидан 1864 ва 1887 йилларда ёзилган асарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга⁶. Аҳмад Дониш астрономияга оид ёзма ахборотларида ўша вақтда Бухорода ҳали ҳукмрон бўлган геоцентрик системани танқидий нуқтаи назардан ҳар томонлама қараб

⁴ Аҳмад Дониш, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти-
нинг қўлёзмалар фонди, инв. № 2277, 18, 21, 22, 218, 223-бетлар.

⁵ Аҳмад Дониш, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти-
нинг қўлёзмалар фонди, инв. № 6095.

⁶ Аҳмад Дониш, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти-
нинг қўлёзмалар фонди, инв. № 2144, 2941.

чиқди ва гелиоцентрик системани илмий жиҳатдан асослаб беришга уринди.

Аҳмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари асосан унинг шу қўлёзма асарларида баён қилинган; бироқ бу асарлар ҳалигача илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилган эмас.

Аҳмад Донишнинг фалсафий дунёқарашини аниқлаш жиҳатидан унинг «Наводирул вақое» асари муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳмад Дониш ўзидан илгари ўтган файласуфларнинг, биринчи навбатда Бедилнинг баъзи фалсафий қарашларини таҳлил қилди, ўз замонининг қўйган масалаларини ҳал қилишга интилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдинги адабиётларда Аҳмад Дониш ижодига бағишланган бирон махсус илмий иш йўқ; фақат тазкираларда унинг таржимаи ҳолига оид баъзи маълумотларни учратиш мумкин, холос. Совет шарқшунослари, файласуфлари Урта Осиёнинг машҳур публицисти ва мутафаккири ижодини илмий равишда ўрганиб, уни миллион-миллион халқ оммасига тақдим этдилар.

С. Айнийнинг «Тоҷик адабиёти намуналари» асарида (1926) математик ва астроном Аҳмад Дониш таржимаи ҳоли ва ижоди ҳамда унинг «Наводирул вақое» асари тўғрисида қисқача, лекин муҳим маълумотлар бор.

Е. Э. Бертельс «Тоҷик адабиёти тарихини ўрганиш ишларининг аҳволи» деган мақоласида⁷ Аҳмад Қалла феодализмни очиқдан-очиқ ва қаттиқ танқид қилиб чиққан кишилардан биридир деб кўрсатади.

Е. Э. Бертельснинг «Аҳмад Қалла асарларининг қўлёзмалари»⁸ деган асари унинг тоҷик адабиётини ўрганишга бағишланган илмий текишириш асарларидан

⁷ Е. Бертельс, Состояние работы по изучению истории таджикской литературы, Записки ИВАН, 1933, стр. 89—105.

⁸ Е. Бертельс, Рукописи произведений Ахмеда Қалла, «Труды Таджикской базы АН СССР», т. III, 1936.

энг қимматлиси ҳисобланади. Бертельс Аҳмад Қалла-нинг «Наводирул вақое» асарини анализ қилиб, Аҳмад Қалла XIX аср янги тожик адабиётида кўзга кўринган киши эди, деб ҳаққоний равишда қайд қилиб ўтади.

«Намунаҳои адабиёти тоҷик»⁹ (1940) китобида Аҳмад Донишнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар билан бир қаторда унинг «Бухоро амирлари тарихи» асаридан айрим парчалар ҳам босилган.

1946 йилда тожик тилида Улуғзоданинг «Аҳмад Дониш»¹⁰ брошюраси босилиб чиқди. Китоб автори Аҳмад Дониш таржимаи ҳоли ва ижтимоий-сиёсий қарашларига доир қимматли материаллар тўплай олган.

Ушбу сатрлар авторининг 1946 йилда нашр қилинган китобида Аҳмад Дониш маърифатпарвар, рус маданияти тарафдори ва Бедил асарларини танқидий нуқтаи назар билан ўрганган файласуф сифатида таърифланган¹¹.

Аҳмад Дониш ижодини ўрганиш сўнгги йилларда айниқса авж олиб кетди. Кейинги 10-15 йил ичида Ўзбекистон ва Тожикистонда Аҳмад Дониш ижодини ҳар тарафлама ўрганишга бағишланган бир қанча мақолалар, брошюра ва китоблар, фан кандидатлиги ва фан докторлиги диссертациялари ёзилиб, айримлари нашр этилди. Чунончи, З. Ражабовнинг «Из истории общественно-политической мысли таджикского народа во второй половине XIX и в начале XX веков» (Душанба, 1957), яна шу авторнинг «Выдающийся просветитель таджикского народа Ахмед Даниш» (Душанба, 1961), Р. Ҳодизоданинг «Аҳмад Дониш» (Душанба, 1960). О. М. Боҳовуддиновнинг «Очерки по истории таджикской философии» (Душанба, 1961) каби асарларини кўрсатиш мумкин.

⁹ «Намунаҳои адабиёти тоҷик», Самарқанд, 1940.

¹⁰ Улуғзода, Аҳмад Дониш, 1946.

¹¹ И. Муминов, Философские взгляды Мирзы Бедия, Изд. УзГУ, Самарканд, 1946.

1954—1955 йилларда СССР Фанлар академиясининг Фалсафа институти нашр қилган «Очерки по истории общественно-философской и политической мысли народов СССР» номли икки томли китобда Аҳмад Дониш ижодини, унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларини ёритувчи материаллар берилган.

Сўнгги йилларда Аҳмад Дониш асарларини нашр этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Унинг тожик тилида «Парчаҳо аз «Наводир-ул-вақоеъ» (Душанба, 1957), «Асарҳои мунтахаб» (Душанба, 1959), «Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития» (Душанба, 1960), рус тилида «Путешествие из Бухары в Петербург» (Душанба, 1960) китоблари босилиб чиқди. Шунингдек, мактаблар ва олий ўқув юртлари учун чиқарилаётган дарсликларга, шеърий тўпламларга А. Дониш асарларидан намуналар киритилган.

* *
*

Аҳмад Донишдан бизга мерос бўлиб қолган асарлар ичида унинг «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») асари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. «Наводирул вақое» Донишнинг энг йирик асари бўлиб, унда мутафаккирнинг турли масалалар тўғрисидаги фикрлари баён этилган; Дониш ижодидаги ички зиддиятлар, қарама-қарши қонда-шарҳлар ушбу китобда ўз аксини топган. Аҳмад Дониш «Наводирул вақое»да гоҳ ҳаётни куйлайди, гоҳ умидсизлик, дарвишлик оҳангида сўзлайди, гоҳ мавжуд амирлик тартибининг ҳалок бўлиши муқарраб дейди, гоҳ шу чирик, чиркин амирлик тартибини ислоҳ этиш йўлида изланиш ҳаракатида бўлади, гоҳ илм муҳлиси, замонавий фан жарчиси, гоҳида эса эски, диний ақидалар гирдобида айланади.

Шу муносабат билан В. И. Лениннинг Л. Н. Толстой ижодидаги ички қарама-қаршиликларнинг характери тўғрисидаги фикрини эслаб ўтиш ўринлидир; улуғ до-

хийнинг бу фикри Аҳмад Дониш илғари сурган асосий ғояларнинг синфий йўналишини тушуниб олишга ёрдам беради.

В. И. Ленин шу масалага тўхталиб бундай деб ёзган эди: «...унинг давлатга ва полиция-ҳукумат черковига қарши оташин, эҳтиросли, кўпинча, шафқатсиз кескин норозилиги содда деҳқон демократиясининг кайфиятини акс эттиради, асрлар бўйи давом қилган крепостной ҳуқуқ, чиновниклар ўзбошимчалиги ва талончилиги черков иезуитизми, алдаши ва доғулилиги эса шу содда деҳқон демократиясида тоғ-тоғ ғазаб ва нафратнинг тўпланишига сабаб бўлди»¹².

Аҳмад Донишнинг XIX асрдаги Ўрта Осиёдаги «содда деҳқон демократияси»нинг вакили деб характерлаш мумкин. Буни шу билан исботлаш мумкинки, у Бухоро амирлиги усул-идорасини, Бухоро руҳонийлари ва Бухоро аҳолиси юқори табақаларининг кайф-сафоли, бироқ разил турмушини танқид қилди; унинг қарашлари зулм билан вужудга келтирилган тузум асосларини фожия қилувчи энг антифеодал қарашлардир.

Аҳмад Дониш зодагон, юқори табақаларнинг бузуқ айш-ишратларига камбағалларнинг оғир ҳаётини қарам-қарши кўйиб, XIX аср шароитида муҳим фикрлар баён қилди.

Энг муҳими шундаки, Аҳмад Дониш асарларида янгиллик, олга интилиш, замонавий маданият, Европа, рус маданияти, мазлум халқ манфаатларини назар-эътиборга олиш, мамлакат ободонлиги, унинг техника юксалишини чин қалбдан ишташ ғоялари етакчи ҳисобланади. Бу ғоялар «Наводирул вақое»да, айниқса, яққол ва равшан кўзга ташланади.

Мутафаккир ўзининг бу шоҳ асарини бутун умри давомида ёзди. Унга киритилган рисола ва ҳикоялар Дониш ижодининг турли даврларида ёзилган бўлиб, ёзув-

¹² В. И. Ленин, Асарлар, 16-том, 348—349-бетлар.

чи кейинчалик — ўтган асрнинг 70-йилларида — бу рисола ва ҳикояларини мукаммал шаклга келтиришга ҳамда уларни маълум бир тартибга солишга киришди; 80-йилларда эса уларни тўплаб, қўлда ёзиб, китоб шаклига келтирди.

Бу ҳақда Аҳмад Дониш «Наводирул вақое»нинг кириш қисмида мана бундай деб ёзади: «... замона аҳлининг қилган ишлари, уларнинг ҳаракатлари менга ёқмас эди. Жуда кўнглим олиниб, юрагим торайиб кетганда қайғу-аламларимни чиқариш учун дўстларим ёнига қалам кўтариб бориб, қоғоз юзини қоралаш билан шуғулланар эдим. Бу қоғоз саҳифаларини қора қилишимдан ойдин ва равшан маънолар келиб чиқар эди... Менинг мижозимни билганлар шу ёзилган тарқоқ варақларни, тартибга киритилмаган ҳикояларни кўриб: «Агарда бу ёзилган нарсалар шундай қолса, шамолга соврилур, ўтга тушиб ёнур, сувга оқиб кетур; шунинг учун ўз ёзганларининг бошқаларнинг сўзларидан ажратиб, бир тўплам қилиб китоб ҳолига киритгин; сендан шу қолади, дўстларинг учун эсдалик бўлади, йўқлигингда бор бўлиб, ўлганингда тириласан», — дедилар. Ёзганларимни дўстларнинг хоотири деб тарқоқ ҳолдан китобга айлантирдим. Бу китобга «Наводирул вақое» деб ном бердим»¹³.

«Наводирул вақое»нинг мундарижаси бой, хилма-хил бўлиб, ўз ичига илм-фаннинг, фалсафа, ахлоқ, хулқ, социологияга оид масалаларнинг кўп соҳаларини олади. Китоб 23 бобдан иборат. Мустақил асар сифатида китобга киритилган «Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш» ҳақидаги рисола асарнинг энг йирик бобидир (аслида бу рисоланинг ўзи тўрт бобдан иборат бўлиб, биз ушбу нашрда китоб тузилиши тартибини эътиборга олиб, уни бир бобга бирлаштирдик — И. М.).

¹³ Ушбу китоб, 34—35-бетлар.

Аҳмад Донишнинг бу рисоласи муқаддима, уч фасл — қисм ва хотимадан иборат. Биринчи фаслда амир ва раиснинг феъл-атвори ҳамда бошқа давлат арбобларининг халқ билан қандай муомалада бўлишлари ҳақида; иккинчи фаслда амирларнинг аскарлар билан ҳамда давлат арбоблари, давлат хизматчилари қандай йўл-йўриқ тутишлари ҳақида; учинчи фаслда шоҳларнинг юртни, элни идора қилиш усуллари, халқпарвар, мурувватли, инсофли, адолатли, ҳақгўй бўлишлари ҳақида гап боради. Бу жойда Аҳмад Дониш халқнинг одил шоҳ ҳақида хилма-хил орзу-хаёлларини ифодалагани очик кўринади.

Рисоланинг хотимасида Бухоро амирлигидаги мавжуд тартиблар танқид қилинади. Дониш Бухоро амирлигида Чингизхон замонидан қолган эски тартиб асосида иш олиб борилмоқда, шунинг учун бутун давлат аппаратини замона талабига мувофиқ қайта қуриш керак, дейди. Бутун рисола инсонпарварлик ва маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлигидаги мавжуд тартибларнинг ярамаслиги, бундай тартиб узоқ яшай олмаслиги ҳақидаги фикрларини «Наводирул вақое»нинг бошқа бобларида ҳам давом эттиради. Чунончи, у асарнинг бир ерида Пешавор шаҳридаги фаранг ҳокими билан бухоролик бир сайёҳ ўртасидаги суҳбатни баён қилиб, фаранг ҳокими тилидан мана бундай дейди: «Подшоҳларнинг сақланишлари, уларнинг саломат туришлари мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги, сипоҳларнинг ризолигига боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фуқаро оч, сипоҳлар муҳтож, амалдор, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат, бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди»¹⁴. «Тушларнинг таъбири» бобида эса: «... бу тушнинг таъбири-

¹⁴ Ушбу китоб, 274-бет.

ча, дунёда катта инқилоблар бўлади, эски давлат хонадонлари ўзгаради; янги давлат ва янги миллатлар пайдо бўлади»¹⁵, — дейди.

Қўриниб турибдики, олим-файласуф адабий қиёс, истиора ва метафора йўли билан Бухоро амирлигининг оқибат-натижада емирилиши зарур ва муқаррарлигини тушунтиришга уринган.

Асарнинг бошқа боблари турли масалаларга бағишланган. Автор бу бобларда оламнинг абадийлиги, Ер ва Қоинотнинг тузилиши, руҳ ва унинг танга муносабати, ахлоқ, ижтимоий ҳаёт масалаларини, касб-ҳунар ва уларнинг фойдалари, ишқ-муҳаббат, оила ҳамда бола тарбияси каби масалаларни ўртага ташлайди; бу проблемаларни ҳар томонлама ҳаққоний, реалистик равишда ҳал қилишга уринади.

* *

*

«Наводирул вақое» XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда яратилган йирик бадий-фалсафий, публицистик асардир. У бадий асар сифатида, кейинчалик тожик ва ўзбек адабиётининг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Тўғри, «Наводирул вақое» бир сюжетли бадий асар эмас; у ўз ичига бир қанча новеллаларни олган. Лекин бундан қатъий назар, Дониш бу асарини ёзишда ҳамда уни тартибга солишда халқ оғзаки адабиётидан фойдаланган ва классик адабиётнинг қоида-анъаналарига риоя қилган. Ёзувчи муайян воқеа-ҳодисани ҳикоя қилишда, меҳнаткаш халқ тилидан фойдаланишга ҳаракат қилади; воқеа-ҳодисаларни публицистик усулда баён қилганидан сўнг, бу ҳикояни тожикча-форсча шеърӣ

¹⁵ Ушбу китоб, 307-бет.

мисраларда ифодалайди. Дониш баён этилган ҳикоядан чиқарадиган хулосаларини ҳам шеърӣ усулда — қитъа, байт ва фардлар воситаси билан якунлайди. Бу ҳол китобнинг қимматини янада оширади, ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тезроқ ва тўғри тушуниб олишга ёрдамлашади. Донишнинг рус императори Александр II нинг қизи Мариянинг никоҳ тўйини тасвирлаб ёзган, шунингдек, Аделина Патти номли машҳур қўшиқчининг мадҳига айтган қасидалари ўзининг бадийлиги билан ажралиб туради.

«Наводирул вақое» ўзининг тузилиш схемаси жиҳатидан бадий ҳикоялар тўпламига ўхшаб кетади. Асарнинг «Эронлик бир савдогарнинг ҳикояси», «Бир ҳожининг ҳикояси», «Мулла Холматнинг саргузаштлари», «Яна шернинг ҳиммати ва муруввати ҳақида» каби қисмларида баён этилган воқеа-ҳодисалар кичик-кичик новеллалар шаклида юксак маҳорат билан жозибали ҳикоя қилинади.

Дониш бу новеллаларининг ҳар биридан муҳим социал аҳамиятга эга бўлган хулосалар чиқаради. Чунончи, ёзувчи «Эронлик бир савдогарнинг ҳикояси»да океан тўлқинларига йўлиққан кемачиларнинг кўрсатган баҳодирликларини тасвирлаб, инсоннинг куч-қудратини ҳар қандай табиий офатдан устун қўйса, «Бир ҳожининг ҳикояси»да эса саёҳатнинг фойдалари ҳақида фикр юритади; «Мулла Холматнинг саргузаштлари»да халқ орасидан етишиб чиққан чинакам баҳодирнинг паҳлавонлигини таърифласа, «Яна шернинг ҳиммати ва муруввати ҳақида»ги ҳикоясида эса «... агар бировнинг сенга ҳожати тушиб бош эгиб келса, душманинг бўлса ҳам унинг узрини қабул қилиб, ҳожатини чиқаргил; агарда бировдан яхшилик кутар экансан, унга сен ҳам яхшилик қил...»¹⁶ деган ғояни илгари суради.

¹⁶ Ушбу китоб, 304-бет.



«Наводирул вақое» йирик фалсафий асардир. Дониш унда фалсафанинг кўп масалалари бўйича сўз юритади ва бу масалаларни ҳал қилишга уринади.

Аҳмад Донишнинг Ўзбекистон ва Тожикистон калқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихидаги хизматларидан бири шундаки, у схоластик ва сўфи-тасаввуфчиларнинг ўрта аср фалсафасининг баъзи муҳим томонлари ҳақида баҳслашди. У «Наводирул вақое»нинг махсус бир бўлимини оламнинг абадийлиги масаласига бағишлайди. Дониш дунёнинг яратилганлиги ва унинг охири ҳақида қуръонда ёзилган нарсаларни ўқиб фикр қилганлигини гапириб, ўрта аср схоластикаси ва сўфи-тасаввуфчиларининг таълимотларига ишончсизлик туғдирадиган саволларни ўртага ташлайди: «Хўш, қабрга шу ер устидан кирсак ва вақтики келиб қабр ичида яна тирилтирилсак, сўнгра бизни қиёмат аросат майдонига қандай олиб борадилар? Агар биҳишт (жаннат) машриқда ё мағрибда бўлса, у ерга қандай бориб бўлади? Агар устимизда бўлса, унга қандай қилиб чиқилади? Чунки таркибий танимиздаги бу огирлигимиз билан узок йўл юришга қудратимиз йўқдир. Агар миндириб олиб борсалар, бунчалик кўп халққа от-улов қандай етишади?»¹⁷.

Шундай қилиб, Дониш оламнинг абадийлиги тўғрисида схоластика ва сўфи-тасаввуфчилар билан баҳслашди ва бу тўғридаги турли хил «назария»ларни таҳлил қилади. Тўғри, Дониш бу масала тўғрисида ўз қарашларини очиқ ифодалаган эмас. Аммо бу ўринда бир ҳол Донишнинг ушбу масалага нисбатан бўлган муносабатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, у оламнинг таркиби ҳақидаги кўпчилик нуқтаи назарлар устида сўз юритганда ўзининг танқидий фикрларини

¹⁷ Ушбу китоб, 93—94-бетлар.

уларга қарши қўяди, аммо Умар Хайёмнинг ушбу масала ҳақидаги фикрлари билан эса баҳелашмайди ва ўз асарининг шу қисмини Умар Хайёмнинг оламнинг абадийлиги, унинг яратилмаганлиги ҳақидаги мисралари билан тугаллайди. Ана шунга асосланиб, Аҳмад Дониш оламнинг абадийлиги ва унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлиги тўғрисидаги масалада Умар Хайём томонидан баён этилган фикрларга хайрихоҳлик билдирган дейиш мумкин.

Аҳмад Дониш ислом ақидаларини ўз ҳимоясига олиб, айрим янглиш фикрларни танқид қилади ва шу тўғрида ёзади:

«Янглиш бир фикр устида тўхтаб ўтайлик. Бу, охир оқибатда қиёмат бўлиши, ўлганларнинг тирилиши, дўзах ва жаннат ҳақидаги фикрлардир. Дўзахнинг ваҳимасига, жаннатнинг роҳатига ишониш имоннинг бўлигидандир. Ахир, у ёқдан ҳеч ким аниқ хабар келтиргани йўқ! Кетганларнинг ҳаммаси сукутда, улардан ун чиқмайди»*.

Бу парчадан чиқадиган хулоса шуки, Аҳмад Дониш ушбу янглиш деб атаган фикрини хайрихоҳлик билан баён қилади.

Аҳмад Дониш руҳнинг жисмга муносабатини текширганда унинг бу масаладаги фалсафий фикрларининг зиддиятлари янада кучлироқ намоён бўлади. Дониш олдин ўрта асрнинг идеалистик, схоластик фалсафаси — каломга тан беради. Шу билан бирга, руҳнинг жисмга муносабати масаласини ҳал қилишни оғир иш деб тушунганини уқтириб ўтади; тунки бу масалаини ечиш учун аввал руҳнинг нималигини ва у қаерда туришини тушунтириб бериш керак, дейди. Сўнгра эса у бу тўғридаги фикрларини давом эттириб схоластларни танқид қилади.

Аҳмад Дониш фикрича, руҳ икки кўринишга эга.

* Ушбу китоб, 89-бет.

Унингча, биринчиси соф, муқаддас, илоҳий бўлиб, ҳам-ма жисмларга ўз нурини сочиб туради; иккинчи кўринишдаги руҳ «нарсалар дунёсига кирган бўлиб, нарсалар дунёсида мавжуддир».

Аҳмад Дониш руҳи аъзам соф, муқаддас, мавжуд; ундан воқеликка, борликка нур сочилиб туради, дейди. Шу билан бир вақтда инсонда махсус руҳ бор деб ҳам уқтиради: «бу руҳ жисмда барҳаётдир, жисмдан ташқарида бу руҳ йўқдир».

Демак, Аҳмад Донишнинг руҳ ҳақидаги фикри ички зиддиятларга эгадир. Биринчи ҳолда у идеалистик, схоластик фалсафа мавқеида туради (соф, муқаддас руҳи аъзам тўғрисидаги гаплар), иккинчи ҳолда эса феодалийнинг қарашлар асосларини инкор қилиб, бу масалани материалистик тушунишга яқинлашади, бу ўринда у инсон руҳининг жисмга мансублигини иккиланмасдан эътироф қилади. Унинг фикрича, бу хил руҳ жисм сиртида мавжуд бўлолмайди.

Аҳмад Дониш руҳнинг кўчиши — таносух ҳақидаги мистик таълимни шу нуқтаи назардан танқид қилди. Шунини айтиш керакки, унинг танқиди юзаки, ноизчил ва содда характерга эга бўлса-да, бу танқиднинг ўз замонасида прогрессив аҳамияти бор эди. Бу масалаларда у Бедилнинг руҳ ва жисм тўғрисидаги таълимотидан фойдаланди.

Аҳмад Донишнинг таваккул назариясини танқид қилишга қаратилган баъзи фикрлари XIX аср охиридаги Ўзбекистон ва Тожикистондаги тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккурни тушуниб олиш учун бирмунча аҳамиятга эгадир. Аҳмад Дониш ушбу «Наводирул вақое» асарида таваккул назарияси масаласини махсус текширади. Заруриятнинг объектив характерини тани олиб «...заруриятсиз ва сабабсиз ҳеч бир иш бўлмайди»¹⁸, — деб ёзади.

¹⁸ Ушбу китоб, 121-бет.

Шуни назарда тутиш керакки, Аҳмад Дониш заруриятни таваккулчилик деб англайди. Демак, у бу ўринда ҳам ислом идеологиясининг эски, чирик анъанасидан қутула олмади. Шу билан бирга, Аҳмад Дониш таваккул назариясини ҳам танқид қилди. Дониш таваккулчиликка эътиқод қўйиш беҳаракатлик, беҳафсалалик, текинхўрлик, ишёқмасликдан иборатлигини айтиб, мана бундай деб ёзади: «Агар киши ҳар ишни қазо ва қадарга топшириб, ўз ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларни топишга ялқовлик қилса, агар тақдирда менга керакли нарсалар, масалан, уй-жой, хотин, кийим-кечак ва овқат ёзилган бўлса, мен меҳнат қилмасам ҳам ўз-ўзидан келаверади деса, бундай одам ўз йўлини билмаган, дунёдаги энг тубан даражадаги аҳмоқлардан ҳисобланади. Чунки тириклик учун зарур бўлган бу тўрт нарсани топиш ўз-ўзидан бўлмайди; бунинг учун аввал унинг восита ва сабабларини амалга ошириш керакдир»¹⁹.

Аҳмад Дониш кишиларни ғайратли бўлишга, мақсадни кўзда тутилган фойдали ишга қаратишга, ўз хусусий ишларига ўралиб қолмай, қайси йўл билан бўлса ҳам халқ учун фойда келтиришга даъват этади. Мутафаккирнинг фикрича, кишининг қилган саъйи-ҳаракати ёлғиз ўз нонини топиш ва ўз қорнини тўйдириш учун бўлмаслиги керак; касб ва ҳаракатларини нақд нон топиш, кундалик қорин тўйдиришга ўлчаб қиладиган киши энг паст ҳимматли кишидир²⁰.

Шундай қилиб, Аҳмад Дониш таваккул назариясини реакцион феодализм идеологиясига қарши умумий кураш рояси остида танқид қилади.

«Наводирул вақое»да табиат ҳодисаларини материалистик тушуниш моментлари бор, бу тушуниш Донишнинг табиий-илмий қарашларида, айниқса, яққол кў-

¹⁹ Ушбу китоб, 120—121-бетлар.

²⁰ Ушбу китоб, 124-бет.

ринади. Аҳмад Дониш ислом дини мавқеида тургани ҳолда, у диннинг баъзи бир томонларини шубҳали ҳам дейди.

Маълумки, ислом дини дунёни ва дунёдаги барча нарсаларни худо яратган, дунёнинг сирини билиш мумкин эмас деб таълим беради. Аҳмад Дониш бунга айрим ҳолларда қарши чиқади. Бу жиҳатдан «Наводирул вақое»нинг ернинг тузилиши, ер ости маъданларининг пайдо бўлиши ҳақидаги махсус боби, айниқса, характерлидир. Мутафаккир ер ости маъданларининг ҳосил бўлиши ҳақида гапириб, бундай дейди: «Тоғлардаги ҳамма маъданлар ер марказида қамалган иссиқ бугдан пайдо бўлади»²¹.

Аҳмад Донишнинг ер қимирлаши (зилзила) ва унинг оқибатлари ҳақидаги фикрлари ҳам ажойибдир. У: «Ер остида тиқилиб-сиқилиб ётган буғларнинг кучли ҳаракатларидан ўша ерда зилзила пайдо бўлади; бундай тоғ атрофидаги баъзи жойлар ёрилиб сув булоқлари оқади; ёки у ҳароратнинг зарбасидан ер ёрилганда ундан қаттиқ садоли товуш чиқади; тоғ тепаликларининг оралари ажралиб, улардан унгур тешиклар пайдо бўлиб қолади»²²,— дейди. Аҳмад Дониш, шунингдек, Ой ва Қуёш тутилиши ҳодисаларини ҳам табиатнинг ўзидан тушунтиришга уринган, ҳар қандай ғайритабиий кучларни, авлиё-мўъжизакорликни рад этган; илм-фан, техника ривожига кўнгил қўйган, шу соҳада зўр ҳавас, орзу-умид ила ишлашга ундаган.

* *

*

«Наводирул вақое» этика ва эстетикага доир масалаларни ҳам ўз ичига олган асардир. Китобнинг деярли ҳамма бобларида, хусусан «Инсон ахлоқлари ва улар-

²¹ Ушбу китоб, 100-бет.

²² Ушбу китоб, 101-бет.

нинг табиати ҳақида», «Никоҳ одобларининг баёни, ўйланишнинг шартлари ҳамда қайнана ва келин ҳақида», «Ишқ-муҳаббат ҳақида, севишганларнинг одоблари, ҳақиқий ва мажозий ишқларнинг «баёни», «Фарзандларга васият; касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида» бобларида инсон хулқ-атвори, меҳнатга бўлган муносабати тўғрисида бирмунча қимматли фикрлар, ҳикматли маслаҳатлар бор.

Аҳмад Дониш этикаси ишқ-муҳаббат ҳақидаги фикрларида, айниқса, яққолроқ намоён бўлади. Мутафаккир «Наводирул вақое»нинг бир бобида: «Кўнгил ҳар нарсага мойил бўлиб, уни ҳавас қилса, буни ишқ демайдилар. Инсоннинг ҳусн-жамолига кўнгил боғланса, ана шу ишқ дейилади», дейди ва бу соҳадаги фикрини давом эттириб мана бундай деб ёзади: «Бузуқчиликка олиб борадиган ишқ-муҳаббатнинг маданиятга зарба бериши шубҳасиздир. Инсон ўз муҳаббатини шариатдан ташқари ишларга сарф этиши фалокат чуқурига ўзини отиши кабидир»²³.

Мутафаккирнинг меҳнат қилиш ҳақидаги фикрлари ҳам ажойибдир. У ушбу асарнинг бир ерида меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў тополмайди, дейди. Сўнг яна бир ерда ўзининг меҳнат қилиш ҳақидаги фикрларини яқунлагандай бўлиб: «Дунёда заҳматсиз роҳат, танишсиз неъмат топилиши мумкин эмас»,— деб ёзади.

Аҳмад Дониш бу фикрини давом эттириб, дунёда яшаш, меҳнат қилиш учун бирор касб-ҳунарнинг бошини ўшлаш керак, деган ғояни илгари суради. У «Наводирул вақое»нинг «Ўғилларга васият...» қисмида қуйидагиларни ёзади: «...сизларга айтадиган менинг васиятим шулки, сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ўшланглар; шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар... Қайси бир ҳунар, қайси бир

²³ Ушбу китоб, 213—215-бетлар.

касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин»²⁴.

Аҳмад Донишнинг эстетик тушунчалари ҳақида сўз борганда шуни қайд этишимиз лозимки, у эстетиканинг айрим масалалари устида махсус баҳслар олиб бориб, «Наводирул вақое»нинг айрим бобларида санъат ва шоирлик ҳақида ўз фикрларини ифодалаган. Чунончи, у ушбу асарда қуйидагиларни ёзади: «Созанда ўртада ўлтириб чолғусига тортилган торга ёки симга нохун уради. Натижада кишиларнинг қулоғига даранг-даранг, гинг-гинг овозлари эшитилиб туради. Ҳақиқатда эса, бу овозларни таъсир деб айтмайдилар. Ҳақиқий таъсирланиш юзага келганда чолғу ва чолғучи ҳамда унинг бутун ҳаракатлари эшитувчининг кўнглидан кўтарилади»²⁵.

Кўриниб турибдики, Аҳмад Дониш ҳар қандай музикани ҳам ҳақиқий таъсир этадиган музыка қаторига қўшмайди.

Ёзувчининг шоирлик ҳақидаги фикри ҳам қимматлидир. У: «агар шеърда одобдан ташқари сўзлар бўлса, бойлар ва амирларни мақтаб, бошқаларни ёмонлаган бўлса ёки шаҳват нафсини қўзғайдиган, дунё лаззатига, унинг ноз-неъматларига қизиқтирадиган мазмунларни келтирса, бундай шоир сарвари оламнинг айтишларича, шайтон жарчисидир»²⁶,— дейди.

Аҳмад Дониш шеърни муҳак тошига ўхшатади. Унинг фикрича, шоирнинг яхши-ёмонлигини унинг шеъри акс эттириб туради. Шу сабабли, Донишнинг фикрича, шоирлар ҳақгўй бўлишлари лозим. Мутафаккир ана шу мавқеда туриб таъма олиш мақсадида шеър ёзган шоирларга ачинади; бундай шоирлар паст одамларни мақтаб ўз обрўларини оёқ ости қиладилар, дей-

²⁴ Ушбу китоб, 325—326-бетлар.

²⁵ Ушбу китоб, 194-бет.

²⁶ Ушбу китоб, 365-бет.

ди. «Наводирул вақос»нинг «Ўғилларга васият» қисмида бундай деб ёзади: «Шоирнинг тузган муаммосидан ўлимтиқнинг (таъманинг) оти чиқса, унга юз ҳайфдир. Ҳар маънонинг мусаффо, тиниқлик ойнасидан таъманинг шум юзи кўринар экан, у сўз маҳбубининг гул юзига тушган кетмас доғли айбдир»²⁷.

* *

*

Урта Осиёнинг атоқли мутафаккири Аҳмад Донишнинг прогрессив фикрлари ва дадиллик билан баён қилган орзу-умидлари бизнинг буюк совет давримиздагина ҳақиқат ва адолат, меҳнат ва илм-фан, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ленинча дўстлиги тантана қилган замондагина ҳаққоний равишда юксак баҳоланди, бу фикр ва орзулари кўп миллионли китобхонларнинг умуммулкига айланди.

Аҳмад Донишнинг илғор ғояларини унинг замондошлари — Фурқат, Муқимий, сўнгра Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Сиддиқий каби мутафаккирлар — ажойиб фикр эгалари қабул қилиб олдилар ва давом эттирдилар.

ИБРОҲИМ МҶМИНОВ

²⁷ Ушбу китоб, 366-бет.



[АВТОРДАН]



удони улуғлаб, Муҳаммадга раҳматлар айтганимдан сўнг, мен бухоролик Носир ўғли Аҳмад Абу Бакр авлодидандирман. Ёшлигимдан бошлаб замона аҳллари қизиққан ортиқча зийнатли кийим, нақшли салладан юз ўгириб, илм ахтардим; китоб ёзиш, таҳрир қилиш каби қалам юритиш ишлари билан қизиқдим. Ўзим топган фойдали илмларим ва илм аҳлларининг дастурхонларидан териб олганим ҳикматли сўзларнинг якуни идроким хазинасида тўпланган эди.

Агар бирор масалада кўнглимга шубҳа тушса, уни ўзим ўйлаб кўнглимдан далиллар ахтариб ҳал қилар эдим. Ҳар кимдан ҳар бир ҳикматли сўзни эшитсам, агар у қисқа бўлса кенгайтириб, ортиқча узун бўлса, қисқартириб ёзар эдим. Ҳар бир сўз ва ҳар бир ишнинг ҳақиқатини ахтариб, унга юзаки қарамас эдим. Замона аҳли бундай ишларга қобилиятсиз бўлгани ҳолда, мен ана шу ишлар билан шуғулландим. Шунга кўра, бир қанча илмий ҳикоя ва ривоятлар ҳамда эшитган ва

кўрган нарсаларим қоғоз парчаларида ёзила бориб тўпланди.

Замондошларим бу ёзган нарсаларимни олиб ўқир эдиларда, таажжубланиб яна қайтариб берар эдилар; чунки илм-ҳунар бозори, ички ва ташқи бир қанча сабабларга кўра, касод эди. Замона аҳллари китоб ёзмоқ, илм олмоқ кабиларнинг вақти ўтган деб гумон қилар эдилар. Бу ишни қилиш учун кашф этиш кучига ёки авлиёлик қувватига эга бўлиш керак, агар бу икки сифат бўлмаса китоб ёзиш мумкин эмас деярдилар. Ҳолбуки, Эрон, Туркия, Фарангистон (Европа) мамлакатларида ҳар йили турли фан соҳаларида беш юздан ортиқ китоблар ёзилади. Бу китобларнинг ёзувчилари ва улар аталиб ёзилган подшоҳлар бу кун ҳам тирикдирлар.

Замондошларимиз бу китобларни кўрмайдилар, эшитганларига ишонмайдилар, ҳатто ўзлари яшаган ердан бошқа ерларнинг борлигига ҳам ишонмайдилар. (Бирор китоб) саҳифасида ёзилган нарсаларни топсалар, у гарчи асоссиз пуч бўлса ҳам, шунинг қатъий далили деб гумон қиладилар. Шунинг учун кўпчилик бу иш билан шуғулланишни мияси айниганликка жўйиб, бу китобни ёзганим учун менга душманлик қилардилар, қаршилик кўрсатардилар. Менинг ёзган сўзларимни — бу ёлғон сўз, буни бошқалар воситаси билан тўплаган, деярдилар.

Менинг ҳикояларимда ҳикматли, кучли маънога эга бўлган сўзларни учратар эканлар, агар улар олим бўлсалар, ҳасад юзасидан уларнинг ранглари ўчар эди; олим бўлмаганлари эса бу ҳикматли сўзларни бутунлай инкор қилар эдилар. Чунки менинг уст-бошим на олимга ва на жоҳилга ўхшар эди. Уламолар қаторига кириш учун ўзимга оро берадиган салла ва соқол-тароғим йўқ. Жоҳиллар сафига ўтиш учун эса белбоғ билан оingan пичоғим йўқ. Шунинг учун замона аҳлининг қилган ишлари, уларнинг ҳаракатлари менга ёқмас эди.

Жуда кўнглим олиниб, юрагим торайиб кетганда қайғу-аламларимни чиқариш учун дўстларим ёнига қалам кўтариб бориб, қоғоз юзини қоралаш билан шуғулла-нар эдим. Бу қоғоз саҳифаларини қора қилишимдан ойдин ва равшан маънолар келиб чиқар эди. Бошқа китоб ёзувчилар покиза жой, хилват ўрни ахтарганла-ри ҳолда, мен бўлсам кўпчилик ўртасида, хароботлар ичида, мазор ва қабристонларда ҳамда ўртоқларим ҳу-зурларида бўлган чоқларимда олий маънолар эсимга келиб яхшироқ асарлар яратар эдим...

Менинг мижозимни билганлар шу ёзилган тарқоқ варақларни, тартибга киритилмаган ҳикояларни кўриб: «Агарда бу ёзилган нарсалар шундай қолса, шамолга соврилур, ўтга тушиб ёнур, сувга оқиб кетур; шунинг учун ўз ёзганларингни бошқаларнинг сўзларидан ажра-тиб, бир тўплам қилиб китоб ҳолига киритгин, сендан шу қолади, дўстларинг учун эсдалик бўлади, йўқлигинг-да бор бўлиб, ўлганингда тириласан» дедилар. Ёзган-ларимни дўстларнинг хотири деб тарқоқ ҳолдан ки-тобга айлантирдим. Бу китобга «Наводирул вақое» деб ном бердим...

* *

*

...Билгил, бу рисоалар подшоҳларнинг суҳбат қи-лиш тартиби, аркони давлатнинг ўз қўл остидаги ки-шилар билан муомала қилишлари, тирикчиликни чирой-ли ўтказишнинг, бутун тирикчилик ишларининг қўллан-масидир.

Мақсадлари нон топиш, зийнатли кийимлар кийиш-дан бошқача бўлмаган бир неча хушомадгўй кишилар-нинг аралашishiлари туфайли амир ва ҳокимлар эши-гига бориш-келиш қилиш ниҳоят даражада оғирлашган эди. Шунинг учун мен уларнинг суҳбатларидан узоқ-лашиб, улардан сақланар эдим ва ўзимни улардан аяр

эдим; чунки ҳунар эгалари хушомад қилолмайдилар, балки ўзлари хушомадга лойиқдирлар.

Бир куни суҳбатга таклиф қилинганимда уларга қаратиб қуйидаги сўзларни ёздим:

Подшоҳ хизматида турган замондошларимиз хушомадгўйликни ва, шунингдек, келишмаган ишларни ўзларига лозим деб биладилар; мен уларнинг ҳеч бирини ҳам қилолмайман. Агарда подшоҳ қалам аҳлларидан мени ҳарбийлар ичига кириб хизмат қилишимни талаб қилар экан, у вақтда бу давлатни бошқа низомлик давлатлар қаторига киргизиш лозим бўлади.

Лекин халқ ўртасида аскарӣ интизом ўрнатиш машаққатсиз юзага чиқмайди. Шунинг учун мен ўзбекча ва фарангчадан тузилган бир низом ёзайин. Агарда уни амалга оширар эканлар, у вақт мен ҳар куни подшоҳ ҳузурида тўрт соатдан олти соатгача хизматда бўлишга ваъда бераман; қўлимдан ксладиган ва ҳолимга яраша ишларни бажараман. Агарда бу маслаҳатни хоҳламас эканлар, у ҳолда мени кечирсинлар. Чунки от фил юкини кўтаролмаса узрлидир.

Шундай қилиб, мен бу рисолаи ёздим. Аммо рисолаи ёзганимдан сўнг, худо ҳақи, ҳечким мендан уни сўрамади.

[МАМЛАКАТНИ БОШҚАРИШ ВА ХАЛҚНИ
МАЪРИФАТЛИ ҚИЛИШ ҲАҚИДА
РИСОЛА]

Муқаддима



инсон нима учун яратилган, яратилгандан сўнг унинг яхшилиги нимада ва у нима-ни хоҳлаши керак?

...Ҳар ишнинг ҳақиқатини инсон оча олади.

...Аршдан-фаршгача (кўкдан-ергача — *Тарж*), юқори ва қуйида миллион-миллион оламлар яратилган бўлса ҳам, бу кўкариб кўринган кўкда Ой, Қуёш ва юлдузлардан бошқа ҳеч нарсанинг борлиги кўринмайди. Бу бир парча Ер эса юқори оламга қараганда улуг денгиз устидаги бир чўп сингаридир. Бутун қудрат асарлари, ҳикмат сирлари, азал ва абаднинг рамз ва ишоралари Ердагина кўринмоқда. Ер ҳаёт оламининг мадрасаси бўлиб, коинот дарси шундагина ўқилмоқдадир...

Одам яратилганидан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади. Унинг ихтиёри ўзида бўлса, илмсизлик ва дангасаликка бўйин эгмасин, чунки илм ва маърифат руҳнинг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик нафснинг тилагидир.

...Ҳақ йўлдан адашмаслик учун ҳамма одамлар кўнглида бир турли сезги қуввати яратилгандир. Мана шу

орқали одамлар тузуки бузуқдан, яхшини ёмондан ажрата оладилар. М а с а л а н: ўғрилиқ қилиш, одам ўлдириш ва хотинбозлик ёмон ишлар бўлиб, тозалик, раҳмдиллик, қаноат қилиш кабилар яхши ишлардир.

Аввалгисининг ёмонлигини, кейингиларининг эса яхшилигини ҳамма одам билади. Ёмонлик қилиш кишига жазо келтиради, яхшилик қилиш уни рағбатлантиради. Руҳ қуввати яхшиликка буюрувчи ва ёмонликдан сақловчидир, нафс қуввати эса ёмонликка юргизувчи ва яхшиликдан қайтарувчидир. Мана шулардан қайси бир томони ғалаба қилса иккинчи томони албатта енгилади.

...Шуни билиш керакки, одам ўз виждони билан ўзини текшириб кўрса, у тўғри йўл тошганми ёки адашганми, бадбахтми ёки бахтлими эканини била олади. Агар унинг яхшилиги ғолиб келса, у одам бахтлидир; агарда унинг ёмонлиги ортиб кетса, ундай одам бахтсиздир. Борди-ю, яхшилик ва ёмонлик баробар бўлса, азобга қолиши ва ундан қутулиши ҳам шунга нисбатан бўлади. Демак ҳар кимнинг қўлида маълум бир хилдаги эрк бордир. Шунинг учун ҳар киши ҳар вақт ҳаракатда бўлиб, бузуқ ишларга қараганда тузук ишларни кўпайтирсин...

Агарда одам эгри йўлга кирар экан, ҳалокат чуқурига йиқилишини кўнгли сезади. Шундай бўлгач, халқ билан муомала ва алоқа қилишда тўғри йўл тутиш керакдур.

...Подшоҳлар, аскар бошлиқлари, карвон бошилари инсофли, тўғри сўзли ва ишончли бўлишлари устига, бутун яхши сифатларга эга бўлишлари лозимдир. Шундай бўлгандагина улар ўз буйруқларини халқ устида юрита оладилар. Агар подшоҳ ахлоқсиз ва адолатсиз бўлса, у ҳолда унинг амр ва фармонлари ҳамда ҳар хил насиҳат сўзлари халққа таъсир қилмайди. Агар қамчи солиб, аскар кучини қўлланиб қўрқитиш билан сўзини юрита олса ҳам, ҳақиқатда эса ундай подшоҳ бузуқ одамларига ўзи ёрдам қилган бўлади.

Б а й т:

Муҳтасиб кун бараҳна дар бозор,
Қўҳбаро чун зандкий рўй бипуш.

Таржимаси:

Ўз айбини ёполмаган раис бозордаги бузуқ
Хотинларни юзингни ёп деб, қандай ура олади.

Инсон дунёсининг энг зарур, энг аҳамиятли нарсаси подшоҳлар ҳамда ҳукумат арбобларининг адолат ва ахлоққа эга бўлишларидир. Халқ ахлоқининг тузалишидан илгари, подшоҳ ҳамда ҳукумат арбоблари ахлоқининг тузалиши зарурроқдир. Чунки подшоҳ ахлоқлик бўлса, бир шаҳарга эмас, балки бир вилоятга, ҳаттоки, бутун бир иқлимга унинг таъсири ўтади. Шунингдек, подшоҳнинг бузуқлиги ҳам бутун бир мамлакат халқининг бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун подшоҳларга ва давлат арбобларига қўлланма бўлгудек бир китоб ёзиш жуда ҳам зарур бўлди. Подшоҳлар ва ҳукумат эгалари бундай китобдан фойдалансинлар, ҳақиқатни севгучи бошқа одамлар ҳам ундан ўз ҳиссаларини ола билсинлар. Бу китобдан фойдаланишни истамаганларга ҳеч қандай даъвомиз йўқ.

Б а й т:

Мо бараҳбоб нақдижон бахшим,
Жинс маъни бароиғон бахшим.
Ҳар каси кон матоқъ на пазираг,
Нақд ардода боз пас гират.

Таржимаси:

Дўстлар учун аямай биз жон нақдини бердик,
Гавҳар каби сўзларни ҳаққин сўрамай бердик.

Қим агар ёқтирмас экап 'буни
Қайтариб олсин биздан пулини.

Бу рисолада уч фасл бордур:

Биринчи фасл амирлик ва раисликнинг фазилати ҳамда подшоҳлар ва давлат арбобларининг халқ билан қандай муомала қилишлари тўғрисида.

Иккинчи фасл амирларнинг аскарлар билан ҳамда давлат арбоблари, ҳукумат хизматчилари билан қандай йўл-йўриқ тутишлари кераклиги ҳақида.

Учинчи фасл подшоҳларнинг элни идора қилишлари, халқпарвар бўлишлари, ўз қўл остиларидаги фуқароларнинг бутун эҳтиёжларини қаноат қиларлик даражада чиқазиб туришлари ҳақида.

Хотима подшоҳларнинг ўз яқинлари ҳамда маслаҳатчилари билан суҳбатлар ўтказишлари ва мажлислар белгилашлари ҳақида.

Б и р и н ч и ф а с л

Подшоҳлар ҳақ билан ва ҳақ тарафдорлари бўлган халқ билан қандай муомалада бўлишлари керак?

Маълумки, подшоҳ бўлиш, халқ устидан ҳукмронлик қилиш ҳаёт оламида энг улуғ ишлардандир. Шундай бўлгач, бу хизматни подшоҳ илм ва амал билангина бажара олади...

Халққа фойда келтирувчилар, уларга шафқат ва меҳрибонлик қилувчилар улуғ даражага эришадилар. Айниқса подшоҳларнинг олдида адолатли ҳукуматдан ортиқ мартаба йўқдир. Чунки ҳадисда айтилган: «Оди подшоҳнинг бир соатлик қилган адолати бошқаларнинг олтмиш йиллик тутган рўзаси ва ўқиган намозидан ортиқроқдир». Яна бир ҳадисда айтилишича: «Оллога энг яқинроқ ва энг дўстроқ бўлган киши адолатли ва инсофли подшоҳдир». Шундай бўлгач, подшоҳликдан ортиқ худонинг қандай неъмати бордир? Унинг бир соатлик умри бошқаларнинг тамом умридан ортиқ бўлар экан, бундай улуғ неъматнинг қадрига етиб, шукри-

ни қилмасдан халққа зулм қилса, ўз ҳою-ҳавасига берилиб касофат нафсини қондиришга киришса, албатта, унда подшоҳ худонинг қаҳрига, бутун халқнинг лаънат ва нафратига қолиши шак-шубҳасиздир. Модомики шундай бўлар экан, подшоҳ одил бўлиши учун қуйидаги ёзилган ўн шартга амал қилиши лозимдир. Агар бу шартларни бузмасдан ўз ўрнида ишлата олса, у ҳолда, подшоҳ бутун ишларини адолатлик билан бажара олади.

Биринчи шарт. Агар фуқаро билан подшоҳ ўртасида бирор воқеа тугилиб, подшоҳ унга ҳукм қилмоқчи бўлса, у ҳолда подшоҳ ўзини бир оддий кишидек ҳисобласин, подшоҳ эканини ўйламасин. Бошқаларнинг ўзига зиён беришини ёқтирмаганидек, ўзини ҳам бошқаларга зиён етказишини хоҳламасин. Бошқалар фойдасини ўз фойдасидек, зиёнини эса ўзининг зиёнидек кўрсин. Агар шундай қилмас экан, у чоқда хиёнат қилган бўлади...

(Ҳикоя қилишларича,) бир куни халифа Мамун¹ Бағдод қозиси Яҳъё Аксам билан саҳро саёҳатига чиқмоқчи бўлдилар. Шунда боғ кўчаларидан ўтишга тўғри келди. Бораётганларида халифа Мамун кўчанинг соя томонидан юриб, қози Яҳъё эса соясиз, қуёш томонидан юрган. Сўнгра саҳро саёҳатидан қайтаётган чоқларида халифа Мамун кўчанинг қуёш томонидан юриб, қози Яҳъёга эса соядан юришга тўғри келган. Бу ҳолни кўрган қози, эй амир, сиз кўчанинг соя томонига ўтинг, деган. Мамун эса, боришимизда мен соя томонда эдим, қайтишимизда яна мен сояни олиб, сизни қуёшда қолдирсам, бу иш адолатдан йироқ бўлади, деган. Қози, ё амир, бизлар ҳамиша сизнинг соянгизда яшаймиз, бироз қуёшда юрсак нима бўлади деганида, халифа Мамун, сиз бизга нисбатан тутган ҳурмат вазифангизни бажар-

¹ *Халифа Мамун* — Ал-Мамун Яҳъё Ибн Исмоил араб халифалигини ҳукмронларидан бири; у 813—833 йилларда Бағдодда ҳукмронлик қилган.

дингиз, энди биз ҳам адолат чегарасидан ўтишни ўзимизга раво кўрмаймиз, деган.

Иккинчи шарт. Подшоҳнинг эшигида тасмуриб туришган ҳожатли кишиларни подшоҳ кўп зориқтирмасин.

(Шундай ҳикоя қиладилар:) халифа Абдулазиз² бир куни эртадан пешингача эл иши билан шуғулланиб қаттиқ чарчаганлигидан биров дам олиш учун уйига кириб ётган. Буни кўрган ўғли ундан рози бўлмай, эшик олдида бир қанча ҳожатли одамлар қараб турибди; сиз уларнинг ҳожатларини чиқармасдан қандай ухлай olasиз, деган. Отаси эса тўғри айтдинг, деб идорасига чиқиб ўлтирган.

Учинчи шарт. Подшоҳ емоқ ва ичмоқда, кийим кийишда халифалар йўлидан бормасин. Лаззатли таомлар ейишга, қимматбаҳо кийимлар кийишга ўз нафсини ўргатмасин. Чунки ҳар ишда қаноати бўлмаган подшоҳ адолатли бўла олмайди...

Тўртинчи шарт. Подшоҳ ҳукм устида мумкин қадар юмшоқлик билан сўзлаб, заруратсиз ҳолда қаттиқ гапирмасин. Ҳар ишни ҳужжат ва далилларини текшириб, уни эшитишдан ҳеч зерикмасин. Мискин ва фақир кишилар билан ўтириб суҳбатлашмоқдан номус қилмасин...

(Ҳикоя қиладиларки), халифа Мамун давлат арбоблари билан Бағдод кўчасида отлиқ ўтиб кетаётганида олдида бир киши чиқиб, қўлидаги аризасини икки қўллаб юқори кўтарган; бу ҳаракатдан подшоҳнинг оти ҳуркиб, уни ерга урган. Халифанинг соқчи аскарлари у одамни тутиб қаттиқ жазо бермоқчи бўлганларида, подшоҳ уларни бу ишдан қайтарган. Буни кўрган ариза берувчи одам қўрққанидан жони қолмай,

² *Халифа Абдулазиз* — Умар Абдулазиз Арабистонда Уммавийлар давридаги халифалардан бўлиб, 683-720 йилларда яшаган.

ҳаётидан қўл ювиб, жаллод келишини кутар экан, халифа Мамнун қийинлик билан отга мингач, аризасини тараб қилиб ўқигандан кейин, қогоз орқасига сенинг деганингча бу масалани ҳал қилиб берамиз, деб ёзган...

Бешинчи шарт. Подшоҳ бировларнинг кўнглига қараб шариятга қарши ҳеч иш қилмасин ҳамда ҳукм қилишда сустилик ва ёғламачилик билан иш олиб бормасин...

Олтинчи шарт. Подшоҳ ортиқ даражада катталик ва такаббурлик қилиб, халқни ўзидан бездирмаслиги керак, балки уларга ота ҳукмидай меҳрибонлик билан муомалада бўлиб, халқ меҳрини ўзига жалб қилсин. Ана шундай қилганда халқ уни чиндан севиб, ундаи рози бўлади...

Подшоҳ ҳузурига узоқ ва яқиндан келган кишилар уни мақташиб, халқнинг ундан рози эканини айтсалар, бундай сўзларга у кўп алданмасин. Чунки бу хил одамлар хушомад қилиб ёки қўрқишиб бундай гапларни айтишлари мумкин. Шундай бўлгач, подшоҳ яширин равишда ишончли одамлар орқали халқ ичига кириб сиёсат аҳволидан тўғри маълумотлар тўпласин. Халқ ичига кирувчи кишилар подшоҳ аҳволини халқдан сўрасинлар. Чунки ҳар ким ўз айбини истаса халқ тилидан била олади.

Еттинчи шарт. Подшоҳлик, ҳукмронлик шундай нарсаси, икки дунё давлатини ўша орқали топиши мумкиндир. Шунингдек, икки дунёда бахтсизликка учраб, абадий ўчмас ёмон отлиқ бўлиш ҳам шу орқалидир. Шундай бўлгач, ҳар нима деса, ҳар иш қилса, эркин ўз қўлида турган киши бу кунги кунда ҳақ йўлдан четга чиқмай, ҳар ишда катта-кичик демай, инсоф ва адолат билан иш олиб борсин.

Ҳар бир подшоҳ тавфиқ ва инсофлик бўлиб, ҳукмронлик ҳақини адо қилар экан, ундай подшоҳнинг аъло даражалик давлатга эга бўлишида ҳеч шак йўқдир.

Агарда бу хусусда камчилик кўрсатар экан, энг тубанги бахтсизлар қаторига қўшилиши ҳам шубҳасиздир...

(Ҳикоя қилишларича,) Доуд пайғамбар кечалари ўзини танитмасдан халқ ичида юриб, тўғри келган одамлардан, Доуд қандай одам, деб сўрар эди. Бир куни Жаброил одам қиёфасида уни олдидан чиқди. Доуд пайғамбар ундан Доуд қандай одам, деб сўраганида, у кўп яхши одам, бироқ овқатини хазинадан олиб, ўз меҳнатидан емайди, деган. Буни эшитган Доуд ибодатхонага бориб оллога йиғлаб, э худоё, менга бирор ҳунар ўргатгил, деб ёлворган. Олло унга темирчилик ҳунарини ўргатган; дубулға, совут каби уруш қуроллари ясаб, қолмиш умрида ўз овқатини шундан ўтказган.

(Яна ҳикоя қилишларича,) ҳазрат Умар баъзи бир кечалари шаҳарни айланиб, қоровул вазифасини бажарар эди. Агар фуқаронинг бирор кўтир эчкиси ўлиб қолгудек бўлса, қиёматда буни ҳам мендан сўрайдиларми деб қўрқаман, деяр эди. Ана ўша вақтларда Эрон подшоҳи ҳайбатидан дунёни титратган Умарни қандай киши эканлигини билмоқ учун Мадинага махсус одам юборган. У одам эса кўринган кишидан подшоҳларининг саройи қаерда деб сўрар экан. Одамлар эса бизнинг подшоҳимиз йўқ, бошлиғимиз эса ҳозир сенинг ёнингдан ўтиб кетган киши эди, деганлар. Эрон подшоҳи юборган одам Умарни етим болаларнинг боғларини кузатиб чиқиб, бир ҳурмо дарахти остида ухлаб ётганини кўрган ва бу аҳволдан қаттиқ таъсирланган. Бутун дунё подшоҳлари унинг ҳайбатидан титрайдилар, у бўлса бошига таёғини қўйиб, тинчгина ухлаб ётибди...

Саккизинчи шарт. Подшоҳ ҳаминша оқил олимлар суҳбатларига ташна бўлиб, уларнинг насиҳатларини ғанимат билсин. Ҳирсу-дунё, хушомадгўй олимлардан ҳазар қилиб, уларни ўз суҳбатига киргизмасин. Чунки уларнинг мақсадлари подшоҳ нафсини овлаб, макр-ҳийлалар билан мол йиғишдан иборатдир...

Тўққизинчи шарт. Подшоҳ эл-юрт устидаги волий

ва ҳоким каби катта-кичик хизматчиларнинг хиёнатларини текшириб, улардан ҳеч вақт гофил бўлмасин. Қўй терисини кийган амалнараст оч бўриларни халқ устига қўйиб, зинҳор уларга амал бермасин. Агарда хизматчилардан бирининг хиёнатлари маълум бўлар экан, дарҳол уни бошқаларга ибрат бўлгудек жазога тортсин. Булардан бошқа баланд мансаблик амирлар ва давлат арбобларини гоҳо насиҳат ва гоҳо сиёсат билан ҳар қайсисини ўз жойида ишлатиб, уларнинг ахлоқларини ҳам текшириб турсин. Подшоҳ ёлғиз ўзининг инсофли ва адолатли бўлиши билан қапоат қилмасдан бутун давлат арбобларини, айниқса ўз атрофидаги хизматчиларни ҳақликка ва адолатликка ундасин. Уларнинг ҳар қандай зулмларига сукут қилмасин. Амалдорлар ҳам подшоҳ қилган зулмга сукут қилган бўлсалар, жавобгар бўладилар...

Маълумдирки, бировларнинг роҳати учун дин ва охиратини сотган киши энг ахлоқ ва нодонлардан ҳисобланади. Шунини билиш керакки, подшоҳнинг энг ёмон душманлари унинг халққа зулм қилувчи амалдорларидир. Чунки улар ўзларининг тўймас нафсларини қондириш учун подшоҳни ҳалокат чуқурига ташлайдилар. Нафснинг қуроллари ғазаб ва шаҳватдир. Агарда бу иккисини ақлга бўйин эгдирмаса, подшоҳнинг адолатлик бўлиши мумкин эмасдур. Шунинг учун энг ақлли кишиларгина адолатни севадилар. Тўлиқ ақл эгалари ҳар ишнинг ортини ўйлаб, унинг ҳақиқатига яхши тушунадилар.

...Ҳар ким султонлик ва ҳокимликни биз айтгандай тушунмас экан, ундай одам оқил эмасдир. Оқил бўлмаган одам ҳеч қачон одил бўла олмайди. Демак ҳамма яхшиликлар негизи ақлдир.

Учинчи шарт. Подшоҳ такаббурчиликдан, бошқаларни менсимасликдан сақланиб, бунинг устига кўнгли юмшоқ, ўзи тавозелик бўлсин. Агар подшоҳнинг кибри кўн бўлса, бўлар-бўлмас ишларга ҳам аччиғи чиқиб

ғазаб қилади. Маълумдирки, ғазаби келган кишидан ақл кўтарилади, бунинг натижасида пушаймон қиларли кўп ишлар юз беради. Шунинг учун подшоҳ ҳар ишда оғир бўлиб, кўп шошилмай, айниқса, ғазаби келган чоқда ғазабини босмай туриб ҳеч қандай ишга ҳукм қилмасин. Шун билсинки, агарда афу ва карамлик бўлса пайғамбарлар ва авлиёлар ишини қилган бўлади. Агарда бундай қилмай ғазаби билангина иш юргизса, у ҳолда, йиртқич ҳайвон ва газандаларнинг феълени қилган бўлади...

(...Айтишларича,) бир куни Расули оллонинг ҳузурда бировни кўп мақтаб, бу қувватли одам; курашганини йиқитмай қўймайди деганларида: «Курашда йиқитганлар кучли эмас, ғазаби келганда ўзини боса олганлар кучлидир»,— деган. Яна: «Қимки ғазаби келганда аччиғини ютса, роҳатда яшаганида — ҳаққини унутмаса, қудрати етганида — ҳақидан ортиқчасини олмаса, шундагина унинг имони тўлиқ бўла олади»...

...Мана шу ўн шартлар ичида бир қадар хабарлар ва ибратли ҳикоялар ўтди. Буларнинг эса адолат йўлини севганлар учун фойдали бўлишига ҳеч шак йўқдир. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам, бу сўзларни тили ўқиб, қулоғи эшитиб қолса, оз-кўп бўлса ҳам фойдадан ҳоли бўлмас деб ўйлайман.

Иккинчи фасл

**Подшоҳлар ўз амирлари билан қандай
муомалада бўлишлари, юрт устида турган
амалдор ва ҳокимларнинг подшоҳларга
қилган тансиқ ва тортиқлари ҳақида**

Маълумки, давлат ва салтанатнинг қурилиши учун фуқаро жамияти ва вилоятлар тузилиши керакдир. Бунинг учун мамлакат ободлиги ҳамда етарли аскарнинг бўлиши лозим; чунки буларсиз ҳеч бир давлатнинг сақланиши мумкин эмасдир. Аскарсиз подшоҳ бўлмайди,

хазинасиз аскар яшай олмайди. Халқ кўпайиб ободонлик бўлмаса, хазина бойлиги кўпаймайди. Мамлакат обод бўлмагунча фуқаро жамияти бўлмайди. Мамлакатнинг ободонлиги эса тоғларнинг яқинлиги, дарё сувларининг етарлик даражада узилмай оқиб туриши ҳамда булоқ ва қудуқ сувларининг кўпайиши билан бўлади. Ҳукамолар айтганларки, қайси шаҳарда қуйидаги беш нарса бўлмаса ҳеч оқил одам ундай жойда турмас эди:

Биринчидан, кучли ҳамда одил подшоҳ бўлиши керак. Чунки подшоҳ золим ёки кучсиз, заиф бўлса, мамлакатда ёмонлар кўпайиб, қўшни ҳукуматлар унинг ерига тажовуз қила бошлайдилар. Ундай жойдан тинчлик кўтарилади.

Иккинчидан, амалдорлар ва ҳокимлар инсофлик бўлишлари лозим. Агарда булар золим бўлсалар, подшоҳлари одил бўлса ҳам, юрт хароб бўлиб, қишлоқ халқи жондан тўйиб вайронгарчиликка учрайди. Подшоҳ буларни била туриб сукут қилган бўлса, у ҳолда ўзи ҳам золимларга қўшилган бўлади.

Учинчидан, ҳар бир шаҳарда етарли ҳозиқ табиблар бўлиши керак. Агар шаҳар булардан холи бўлса, кўп одамлар, ички ва ташқи сабабларга кўра, бетоб бўлиб ҳалок бўладилар. Бундай бўлгач, жамият бузилади.

Тўртинчидан, шаҳар халқи мусофирпарвар ва ғарибсевар бўлиши керак. Агар булар ичида меҳмондўст, хайри-эҳсонлик кишилар кўп бўлса, узоқ ва яқиндан келувчиларга осонлик туғилиб жамият кўпаяди. Агар шаҳар халқининг мусофирсевмас ва нон бермасликда номи чиққан бўлса, ундай шаҳарга четдан келувчилар бўлмай, энг сўнг бундай шаҳарнинг номи йўқолади.

Бешинчидан, дарёдан чиққан катта-кичик ариқлардан ~~оққан~~ сувлар мамлакат деҳқончилиги учун етарлик даражада мўл бўлиши керак. Ҳаёт оламида энг керак-

ли зарур нарсa ҳам шудир. Ҳар қандай шаҳар бўлса ҳам, агарда суви етарлик бўлмас экан, кўп ўтмай ундай шаҳарнинг хароб бўлиши шубҳасиздир.

...Давлат салтанати тахт устида ўлтирган бир шахс кабидир. Бу тахтнинг қурилиши беш нарсасиз мумкин эмасдур.

Биринчидан, инсоф ва адолат — тахтнинг ўзи; аскар ва халқ, оқар сув ва хазина — бу тўрт нарсa тахтнинг тўрт оёғи. Агар булардан бирортаси бўлмас экан, бошқалари ҳам ўз ўринларида қололмайдилар. Бу эса давлат тахтида ўтирган салтанат шахсининг юз тубан йиқилиши демакдир. Чунки хазинасиз аскар яшай олмайди; хазина эса халқдан тўпланади, халқ бўлса сувсиз ҳосил ололмайди. Хазинаси етишмаган давлат аскарни куч билан ишга солиб, халқ молини босиб олиб келтиради, охири халқ ундан нафратланиб, унинг аскарлари тарқала бошлайди. Бундай ҳукумат оз фурсатда тор-мор бўлиб, ундан бадномликдан бошқа ҳеч нишон қолмайди. Шундай бўлгач, подшоҳ маданиятнинг мана шу тўрт асосини доимий суратда қўлда сақлаши керак эканлигини ҳеч қачон унутмасин. Подшоҳлик тахтига ўтирган кунидан бошлаб бу мамлакатнинг суви қаердан келиб, қаерга кетишини тушуниб, уни сақлаш чорасини кўрсин...

Юртнинг ободлиги хазинанинг тўлиши демакдир. Хазина бойлиги эса давлатнинг бутун шароити билан тўлиқ аскарий қувватга эга бўлиши демакдир. Бусиз салтанат яшай олмайди. Подшоҳ мамлакат ва халқ ҳуқуқларини шу куч орқали бажара олади. Демак, подшоҳнинг ёрдами билан ҳамма халқ ер-сувлик бўла олади.

Хазина бойлиги билан мамлакатни душманлардан сақлайдиган етарлик даражада аскар тайёрлаш подшоҳнинг вазифасидир. Агар керак бўлган вақтда деҳқонга сув етказиб беролмаса ёки карвон йўлларини қароқчи ва ўғрилардан тозалай олмаса, унда подшоҳ-

нинг халқдан ушур ва хирож олиши дуруст эмас. Подшоҳ бошлиқ бутун сипоҳлар фуқароларни яхши кутолмай, уларга тирикчилик буюмларини етказиб бера олмас эканлар, у ҳолда халқ устидан олиб еган ва ичганлари ҳалол эмасдир.

...Подшоҳ аскарларни халқнинг икки хил тоифасидан — биринчиси қалам эгалари — ёзувчилардан, иккинчиси қиличли сипоҳлардан тайёрлаши лозимдир. Мамлакатнинг қирим-чиқимларини текшириш, халқ ичидаги жанжаллик ишларни битириш кабиларни қалам эгаларига топширсин. Уруш-талашлар ҳамда душмани даф қилиш каби ишларни қурол эгалари — сипоҳларга буюрсин. Салтанатнинг энг муҳим ишларидан бўлган бу икки ишни бир-бири билан аралаштирмасин. Ҳар бирини ўз аҳлига топширсин. Мамлакатнинг кенглиги ва ундан унадиган ҳосилотнинг маҳсулотига қараб аскар тутсин... Шундай бўлгач, подшоҳ ўз мамлакатининг тамом ҳосилотини ҳисобга олиб фақир, мискин ва етимларнинг ҳақларини ҳамда амалдор ва хизматчиларнинг нафақаларини ўшандан чиқаргандан сўнг қанча қолганига қарасин. Бу қолган маблағ билан қанча аскарни таъмин қила олади, ана шунга қараб аскар олишга киришсин.

Бу ўринда энг зарур нарса аскар маоши учун қанча сарф бўлади, уларга берилиши керак бўлган маблағ қанчага етади — шунини аниқлай билишдир. Хазина сарф бўладиган ўринларига ҳам қараш керак. Хазинадан бериладиган маблағларнинг бир қисми мамлакатдаги фақир ва мискинларга кетади. Булар ожизлик, қарилик, касаллик ёки бошқа бирор сабаб билан кундалик оватларини ҳам топиб ейишга кучлари етмай қолган заиф одамлардир. Бундай одамларнинг бекорга зое бўлиб кетмасликлари учун, уларнинг кундалик нафақалари хазинадан берилади. Аммо ўзи соғлом бўлиб, қўлидан ва тилидан ўзига ҳамда халққа фойда келтира оладиган бўлса, ундай одамнинг байтул молга ҳеч қандай

ҳаққи йўқдир. Масалан, у одамнинг биладиган бирор хил ҳунари бўлса, бекорга юрмай ўз ҳунарини қилиши керак. У одам сипоҳ ёки қалам эгаларидан бўлса-ю, етишмовчиликдан ўз тирикчилигини ўтказолмай қолган бўлса, ўзи хизматга толиб бўлса ҳам, аммо ўз ишида комил бўлмаса — ундай одамни аскар сафига хизматга олиб, унга ўртача маош берсинлар. Агарда у одам ўз ишида комил бўлса, унга аъло даражада нафақа тайинлансин...

...Дунё тирикчилиги мол биландир; молни эса шоҳу гадо — ҳамма баробар топиши керак. Бу эса бекор юриш ёки бекор қўйиш билан битмайди. Бутун дунё халқининг ҳар қайсиси турли хил ҳаракатда бўлса ҳамки, аммо ҳаммаларининг мақсадлари мол топишдир. Бундан бошқа эмас. Чунки ҳар кимнинг қиладиган касби кун кечириш учун унинг қурган алоҳида тузоғидир. Шунга кўра, касб қилувчининг ҳам алоҳида номи бўлади. Гоҳида султон ўзини мулк олувчи атаб халқдан бож олади; гоҳида ўзини мулк эгаси атаб, ердан хирож талаб қиладир. Табиб эса дори бериб қадам ҳаққи оламан дейди. Шоир бировларни мақтаб ундан мукофот умид қиладир. Фатвочи бўлса, китоб кўриб берган фатвосига кўз ҳақи оламан дейди. Тил ҳақи, тарозу ҳақлари ҳам шунга қараб айтилган сўзлардир.

Н а з м:

Бағайир аз мол касро нист коми,
Ва ли ҳар як бувад биниҳода номи,
Ниёзу ҳадя гўян даш фақирон,
Хирожу бож гўян даш амирон.
Ғараз номаш баҳаржо дар миёнаст,
Тарозий маҳфилу нақлий баёнаст.
Басад номаш агар хонанд ду нист,
Чу нику бингарий ғайраз яки нист.

Таржимаси:

Мол топишдан бошқа эрмас нияти,
Ўзларига қўйса ҳам ҳар хил оти.
Ниёзу ҳадя деб олгай фақирлар,
Хирожу бож деб айтгай амирлар.

Ғараз номини турлик айлагайлар,
Ва ли ундин ҳамма мол пойлагайлар.
Икки бўлмас агар юз ном қўйсанг,
Ушал бирдир агар яхши қарасанг.

Яна шунга ўхшаш подшоҳ қалам аҳллари устига ҳам бир раис қўйсинки, ҳар ишда ихтиёр унинг қўлида бўлсин. Азлдан бошқа ишларда подшоҳдан изн сўрамасин. Ҳар турлик илмларга унинг олими бўлиши шартдир. Шунинг билан баробар шариатнинг ҳикматлик ҳукмларига ҳам етук бўлиши лозимдир. Агар бундай одам топилмас экан, у чоқда икки раис қўйишга тўғри келади. Бирини шариат устига қўйилса, иккинчиси илмий ходимлар чиқариш, фатво бериш, маҳзар ҳамда васиқа хати ҳужжатларини ёзиш тартибларини ўргатиш (маҳзар — қозихоналарда даъволар устига ёзиладиган хатлар — *Тарж.*), мерос молларини ворисларга шаръий йўл билан тақсим қилиш, нужум илмининг таълимоти, соғлиқни сақлаш учун тиббий мадрасалар очиш, шеър илми (шоирлик), китоб чиқариш, ҳисоб илми, ҳандаса илми, ҳусни хат илми, наққошлик ва рассомлик каби-лар билан шуғулланади. Шу илмий даражаларнинг ҳар бирига ўзига яраша маош тайинлансинки, то ўша даражага етмагунча у маошга ҳеч ким таъма қилмасин. Масалан, ғараз қилсак, комил хуш хат ёзувчи ёки ўт-кир шоирнинг йиллик маоши ўрта холиқлар нафақаси даражасида уч ярим минг танга бўлса ва улар халқ ўртасида маълум ҳамда машҳур бўлган турли хатларни яхшилаб ёза олса, ишро ва имло қоидаларида хато қилмаса, ана шундагина уларни комил дейилиб, улар юқо-

ридаги маошни олишга ҳақли бўла оладилар. Шоирнинг комили эса турли вазнларда шеър айта олади; назмни насрга, насрни назмга айлантира олади. Тибда ва нужумда ҳам ишлар шундайдир. Хаббишифо деб юмалоқ қилгани ёки маъжунни фалосифа қилишни билгани учун табиб бўлолмайди (хаббишифо — бош оғриққа бериладирган дори; маъжунни фалосифа эса кўп дори-лардан таркиб топган концентратдир — *Тарж.*).

Ёки кундалик тақвим ёзиб чиқаришни, ой бошини тайинлашни билиш билан мунажжим ҳисоблана олмайди. Агарда бирор киши бир жуфт байтни айта олса ёки бир парча қоғозга чиройли қилиб хат ёза олса бунисини яхши хушхат, унисини эса шоир деб бўлмайди. Яна шуниси ҳам борки, агарда бирор одам шу илмларга ўзини аҳиллигини даъво қилар экан, у чоқда бадое раиси ундан имтиҳон олиб кўрсин. Синовдан ўтгач, ўз ҳолига яраша ойлик ёки йиллик маош тайинласин. Чунки у бу билан қизиқиб кундан-кун илм ошириб ўз илмини камолга етказсинки, мамлакат ҳунармандлар билан ҳусн-га киради.

Мамлакат келинга ўхшайди, ҳар хил ҳунармандлар эса унинг зеби зийнатларидир. Булар ҳар қанча кўпроқ бўлсалар, мамлакат ҳам шунчалик зийнатланади.

Салтанат интизоми ҳақида айтилган бу сўзлар эса иътидолга яқинроқдир. Подшоҳ буни кўргач, яна бу ҳақда ўзи фикр юритиб кўрсин. Агарда мамлакат низо-мини бундан ортиқроқ қилган бўлса, билсинки мамла-катнинг ободонлигини оширибди. Агарда бундан кам қилган бўлса, билсинки, мамлакатни хароб қилишга ки-ришибди.

Подшоҳлар учун ахлоқлар ичида энг зарурроғи зий-рак ҳамда тийран фикрли бўлишликдир. Чунки мамла-кат сиёсатларининг энг нозик жойларигача бориб етиш учун шундай бўлиш керак. Ҳар бир ишга подшоҳ юзаки қарамай, унинг негизига кўз солсин. Ҳар бир ишни ўр-нини топиб қўйсин. Мамлакатнинг турли ишларини ара-

лаштириб юбориб унга бепарволик қилмасин. Масалан, мамлакатни бир шахс деб тасаввур қилсинким, унда ҳам одамларда бўладирган ҳар хил касалликлар пайдо бўлади. Албатта, уни даъволаш лозим. Сиёсат даражалари эса касалга берадирган дори деб ҳисобланиши керак. Подшоҳ ўзини шу дориларни ишлата оладирган табиб деб билиши лозим. Касал қанча кучли бўлса унга шунча кучли дори топа билиши керак. Масалан, баъзи бир бош оғриғи борки, устидан дори суртиш билан оғриғи кўтарилади. Баъзи бир касаллар борки, унинг иложи устидан суртиш билан бўлмайди, унга ичини сурадирган дори бериш керак. Шунга ўхшаш мамлакат касалларини баъзи бири қўрқитиш билан, баъзиси уриш, қамаш билан, баъзиси ўлдириш ва осий билан даволанади. Шунга ўхшаш агарда бир узув оғриси, шунинг ўзига хос илож қилиш керак бўлади ёки шу иллатга сабаб бўлган унинг моддасини топиб унга илож қилиш керак...

Мамлакатда яшайдиган ёмон одамлар носур ярасига ўхшайдилар. Мамлакатнинг яхшилари эса соғлом ва саломат узувлар кабидир. Носур яраси ҳам бир узувдан иккинчи соғлом узувга юқиб ўтганидек, яхшилар ҳам ёмонлар хулқини оладилар. Бунинг иложи эса носурнинг иложидир. Ҳар бир нарсанинг алоҳида бир хил фойдаси бор, алоҳида бир турлик иши бор. Шунга ўхшаш туслар, ёруғликлар хилидан кўриладиган нарсаларни кўз кўра олади. Товушлар хилидан эшитиладиган нарсаларни қулоқ эшитади. Мана шунингдек, ҳар бир нарсанинг махсус бир иши бордирки, у ишда иккинчисининг даҳли йўқдир. Шунинг учун кўз кўради, қулоқ эшитади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган иш қила олади. Шунга қиёс қилиб, мамлакатда ҳар ишнинг ортидан қараб, пайқаб юрадиган бадое раис каби бир қоровул зарурдирки, кишиларнинг жавҳарини таниб султонга кўрсатиб, турсин, султон ҳам бу ҳақда худога қараб иш қилсин. Худо бир кишига қайси ишни берган

м. 7 бўлса, султон ҳам у кишига ўша ишни берсин. Яъни худо у кишига қандай илмни кўпроқ берган бўлса, шунини диққат билан кузатсин. Масалан, кимда-кимнинг сўз қуввати, фаҳм қуввати кўпроқ бўлса, ундай одамни элчиликка тайинласин. Қайси одам шижоатли ва ҳайбатли бўлса, ундай одамни аскар бошлиғи қилиб, душманга қарши урушга ва қалъаларни олишга чиқарсин. Агарда инсофли ва диёнатли бўлса, қозилик, ҳокимлик мансабларини шундай одамларга берсин. Агарда олий ҳимматли ва ақлли бўлсалар, унда вазирлар ҳамда амирларни шундай одамлардан сайласин... султон шутартибга риоя қилмас экан, мамлакатининг ишлари бузилади...

...Подшоҳ учун зарур бўлган ишлардан яна бири аскарларни доим тайёр қилиб туришдир. Подшоҳ улар аҳволини ҳамма вақт текшириб турсин. Мамлакат атрофида душман йўқ бўлган тақдирда, ўзини аскарга эҳтиёжсиз деб билмасин. Кундалик эҳтиёжсизлигига қараб кейинги муҳтожлигини унутмасин...

Қутилмаган жойдан душман бош кўтариши мумкин. Ундай чоқда тарқалган аскарни йиғиб душманга қарши чиқиб бўлмайди.

Донишмандлар: бўлғули ишлар келиш олдидан хабар бермайдилар, балки тўсатдан, ўйламаган чоқда эшикдан кириб келадилар, деганлар.

Қ и т ъ а:

Кишвари роки у шуд ситаъ аз кор,
Надиҳади назим ною куст дигар.
Чун дарояд ба хужра азроил,
Чи кунат косаи фулус дигар.

Таржимаси:

Мамлакат аскарлари таралмиш эса,
Қарнаю сурнайнинг йиғолмас уни.
Хужрага азроил кириб келса,
Не қилар у фулус шарбатини.

Подшоҳ ва унинг вазирлари ҳамда амир лашкарлари токи аскарнинг давлатга қилган хиёнатини кўрмагунча уни жазога буюрмасинлар. Чунки кўпчилик бундай ишларни кўрар экан, подшоҳнинг миждози ҳар хил бўлиб турар экан деб гумон қилади. Аскарликка ишончлари қолмайди...

...Аскар бошлиғи шундай сифатларга эга бўлиши керак:

Биринчидан, шиждоатли ва баҳодир бўлсин.

Иккинчидан, тўғри фаҳмлик ва ҳар ишга тез тушунадиган бўлсин.

Учинчидан, бошидан иссиқ-совуқ ишлар ўтган, тажриба кўрган бўлсин.

Тўртинчидан, ботирлик қилган чоғида қилич ва милтиқдан, ўт ва сувдан парзо қилмасин.

Бешинчидан, зийраклик ва донишмандлик билан оғир кунларда ҳар ишнинг тегига тездан тушунадиган бўлсин.

Олтинчидан, иш кўрган, марака ва майдонга тушган, бир неча баҳодирлар билан тўқнашган бўлсин.

Агар шундай сифатларга эга бўлган киши аскар бошлиғи бўлар экан, шундагина аскарни сақлаб, зиён ва заҳматга қолдирмай, душманни енгиб шон ва шарафга эришади.

Султон яна қуйидагиларни эсда тутиши керак:

Биринчи — душман тарафига эмас бошқа томонга юриш қилмоқчи бўлиб овоза тарқатсин. Кўринишда ўша ёқнинг йўлларини, пасти-баландликларини сўраган бўлсин, аммо яширинча қасд қилган душман устига юриш ҳозирлигини кўрсин. Гоҳо душманни ғафлатда қолдириш учун тескари томоннинг отини атаб ҳам қўйсин. Масалан, Эронга юриш қилмоқчи бўлса, Туркистонга боришини билдирсин. Бундай иш жаҳонгирлик ҳавасига тушган подшоҳларгагина шартдир.

Иккинчи — сафар асбоби бутунлай тайёр бўлмагунча йўлга чиқмасин. Давлат арбоблари, аскар бошлиқлари

фалон асбоб борми дейдирган сўзларга ўрин қолмасин.

(Дейдиларки,) амр Ибни Лайс (Хуросон подшоҳи — *Тарж.*) сафарга чиққанида бўш қанорларни туяларга юклатиб бирга олиб юрар экан. Бунинг сабабини ҳеч ким билмас экан. Бир вақт йўлда кетаётганида олдидан бир дарё чиққан ва унинг кўприги бўлмаган. Буни кўриб амр Ибни Лайс дарҳол қанорларни тош ва тупроқлар билан тўлдириб сувга ташлашга буюрган; шунда кўприкдай бўлгач, аскарлар унинг устидан ўтганлар.

Учинчи — ҳар кун аскарнинг кўнгли кўтариладиган ишлар қилсин, яъни аскарга инъом ва эҳсонни ортиқчароқ қилиб, бошлиқларига эса бошдан оёқ кийимлар кийгизсин. Уларнинг кўнглига ёқадигандек ваъдалар бериб, аскарларнинг руҳини кўтарсин. Ҳар куни аскар борадиган бозорларни текшириб турсин, токи баққоллар, туячилар, бовурчи ошпазлар аскарнинг керак яроқ ва ем-хашакларини етказмай, уларни толиқтириб қўймасин.

Тўртинчи — подшоҳ аскарларнинг аҳволидан бир нафас бўлса ҳам хабарсиз қолмасин. Ҳушёрлик билан аскарларни текшириб турсин. Чунки фитна-фасод ишлари кўпчилик бир жойда турган вақтида бошқа вақтларга қараганда кўпроқ қўзғалади. Агарда қўзғалиб кетса, уни босиш оғирлашади. Шундай бўлгач, бошқа вақтлардан кўра, бундай кунларда сиёсат ҳайбатини кўрсатиб туришни лозим билсинлар; токи аскарларга қўрқув тушиб ўз ҳадларидан ташқари қадам қўймасинлар. Бундай сафарларда подшоҳ ўз роҳатини истамай, кўпчилик қаторида юришни лозим тутсин. Шундай қилмагунча аскарнинг аҳволидан керагича хабардор бўла олмайди. Яширинча махсус кишилар халқ ичини ора-лаб, иттифоқ ва нифоқларини султонга етказиб турсинлар. Ёки султон танилмайдиган ҳолда бўла олса ўзи юриб бу ишларни текширар экан, ундай ҳолда яна яхшироқдир. Қисқаси бундай кунларда ёмон-яхшини инъом ва эҳсон билан кўнглини овлаб ўзига жалб қил-

син. Аскарлари ташвишда, ўзи бўлса уруш олдида турган ҳолда султоннинг роҳат кутиши лойиқ бўлмайди. У эса қўлга ҳам кира қўймайди...

Бешинчи — қўшиннинг ораул бошлиқ (авангард бошлиғи — *Тарж.*) мансабига кўп яшаган, кўпни кўриб тажриба ўтказган, сўзи силлиқ, баҳодирлиги аниқ, халққа ёқимли кишидан қўйсин. Уруш тажрибасини олмаган, бу йўлда меҳнат ва машаққатлар тортмаган телба-тентаклардан ораулга бошлиқ қилмасин. Чунки улар озгина қийқириқ-сурсурон кўрсалар орқага қайтиб, аскарни қолдириб, душмандан қочадилар.

Олтинчи — ҳар куни, балки ҳар соатда душмanning ҳолидан, имконият борица, хабардор бўлиб турсин. Аммо ўзининг ҳолидан душмanning хабардор бўлишига ҳеч йўл қўймасин.

Еттинчи — мумкин бўлар экан душман билан келишиш йўлини тутсин. Ҳар ҳолда шароитига қараб сулҳга розилик билдирсин. Зинҳор урушни бошловчи бўлмасин. Аскарининг кўплиги, мол ва яроқ-жабдуқнинг мўллигига ишонмасин.

Саккизинчи — агар ночор ва мажбурият орқали урушадиган бўлинса, аскар қапчалик пизомли ва тартибли бўлса, душман устидан шунчалик тез ғалаба қилади.

Тўққизинчи — аскарнинг турадиган ўрнини яхши пайқасин. Имкон бўлар экан, қуёшга, бўрон ва шамолга, қор, ёмғир ҳамда дўл кабиларга қарши туришдан сақлансин.

Унинчи — фатҳий зафар озроқ бўлсада, шунга қаноат қилсин. Қочган душмanning ортига тушиб кўп қувғин қилмасин. Чунки шундай қилганларнинг иши тескари айланиб, аввалда енгган бўлсалар ҳам, сўнгра енгилганлари кўпдир. Яна душмандан бутунлай кўнгила тинчитмагунча, ўлжа-мол йиғишга аскарларни қўймасин. Чунки душман бир қадар ўзини ўнглаб олиб қайтадан ҳужумга ўтиб, ғалаба қозонган ҳоллар кўп бўлган.

Яна подшоҳда икки хислат бўлиши керак; унинг бириси ҳиммат, иккинчиси ҳайбат; токи бу билан тарқалган дўстлар жам бўладилар, йиғилган душманлар эса тарқаладилар... Лекин султон ҳар вақт ҳимматини ҳайбатидан илгари тутиши лозимдир. Чунки ҳиммат билан душманлар дўст бўлганига ўхшаш, ҳайбат билан дўстларнинг душман бўлишлари ҳам бордир.

Қ и т ъ а:

То шоҳ сари ганжу жавоҳир накушояд,
Аз ҳар тарафи шоҳ сипоҳ менашавад жам.

То нурфишон менашавад шамъ ба мажлис.
Парвона фароҳам наравад пешу паси шам.

Таржимаси:

Ганжу жавҳар эшигин очмаса шоҳ,
Мамлакат аскарн йиғилмас экан.

Ёруғин сочмаса шам мажлис аро,
Парвона учиб бошидан айланмас экан.

...Яна лозимдирки, такаббур кишиларни подшоҳ ҳукмат ишларига аралаштирмасин. Чунки подшоҳ халқнинг нафратига қолади. Халқ хоҳ яхши, хоҳ ёмон ҳамма ишларни подшоҳдан кўради. Улар ҳокимлардан ва мамлакат катталаридан нафрат қилар эканлар, подшоҳларига лаънат айтадилар.

Шунга ўхшаш, масалан, бир кишининг савдо мижозлиги ва унинг бадқилиқлиги халқ ўртасида машҳур бўлса, ундай одамни ҳам давлат хизматига олмасинлар. Чунки ҳар соатда мижози ўзгариб турганлигидан сўзининг тутуриғи қолмай, халқ билан муомаласи бузилади ва унинг сўзига ишонмайдилар.

Яна подшоҳ салтанатдан илгари кимга илтифот қилиб юрган бўлса, салтанат даврида ҳам ундай одамга илтифот қилсин; балки унга аввалгидан ҳам ортиқроқ

илтифот қилсин. Чунки бу билан бошқаларнинг ҳам кўнгли подшоҳга мойил бўлади...

Подшоҳ бир булоққа ўхшайди, бошқалар бўлса шу булоқдан чиққан ариқчалардир. Агарда шу булоқнинг суви ширин бўлса, ундан чиққан ариқчаларнинг суви ҳам, албатта, ширин бўлади. Агар аччиқ бўлса, улар ҳам — аччиқ. Шунга ўхшаш халқ ҳам ҳар ишда подшоҳларга қарайдилар. Шундай бўлгач, подшоҳ адл-аҳсонлик ва яхши ахлоқлик бўлсин. Унга фуқаролар ҳам эргашсинлар.

Подшоҳнинг хотири тиниқ кўзгуга ўхшайди. Ҳар кимнинг ўзидаги бор қобилиятининг нақши унинг кўзгусида кўринади. Мана шунга кўра одамларнинг қайси бири қайси ишга ярарлигини била олади. Шундай бўлгач, ҳар ишни ўз бажарувчисига топширади.

Подшоҳ адиблар, шоирлар, тарихчиларни тарбия қилиши лозимдир. Чунки подшоҳлардан қоладиган мерос уларнинг яхши номлари бўлиб, у қанчалик кўп қолса, салтанат хонадонларига шунчалик фойдалидир. Яна, давлат хизматини шуларга топширишда ёки уларга мансаб беришда юриш-туриши халққа ёққан, иш соҳасида ўзини танитган лаёқатли кишиларни эътиборга олсин. Яна подшоҳнинг тили бир бўлганидек, унинг сўзи ҳам бир бўлиши керакдир. Чунки тил дилнинг хабарчисидир. Дил эса, дўстлик ёки душманликнинг чиқадиган жойидир. Шундай бўлгач, подшоҳ икки юзли бўлса, халқ ҳам икки юзли бўлади. Бундан чиқадиган натижа, дўстлик бўлиниб, душманлар бирлашадилар ва шундай бўлиб охири давлат қўлдан кетади...

...Мамлакат учун фойдали бир иш подшоҳ хотирига келар экан, уни амалга оширишга дарҳол киришмасин. Аввал ўзи шу иш устида фикр юргизиб, сўнгра уни машваратга қўйсин. Агарда уни машварат ҳам тўғри топар экан, бисмилло деб бу ишни бошласин.

Подшоҳга лозимдирки, катта бир машваратхона очсин. Бундай иш ҳозирги низомлик давлатлар ичида

мамлакат туттишнинг энг муҳим ишларидан ҳисобланади. Мамлакат халқининг турли табақаларидаги одамлар ичидаги энг ақлли ва энг илмлиларидан у машваратхонага аъзо сайлаб, уларга маош тайин қилсин. У жойга йиғилган машваратчилар халқнинг ҳамда давлатнинг манфаатини кузатиб фикр юргизсинлар. Улар нима нарсага иттифоқ қилган бўлсалар, у ишни амалга оширсин. Машваратхонада доимий туришлари лозим эмасдир, балки сайланмиш одамлар шу машваратхонага ҳар кун икки-уч соат тўпланиб мамлакатни фойда ва зарарларини текшириб турсалар кифоядир. Мамлакат ободлиги ва халқнинг манфаати устида бир ишга улар иттифоқ қилган бўлсалар, уни султонга тақдим қилсинлар. Агарда у ҳам шу иттифоққа қўшилса, имзо қилиб, амалга оширсин. Чунки кўп ақллар бир ерга йиғилсалар, кўп вақтда хато чиқмайди. Агарда бу маслаҳат мажлисини подшоҳ ҳузурда очсалар, баъзилари уялганидан ва баъзилари салтанат даҳшатлари босганидан ҳақ сўзни очиқ айтишга тортинадилар ёки султоннинг райига қараб бу иш тўғри ёки нотўғри деб айта олмайдилар. Балки султоннинг райи хато бўлса ҳам уни тўғри деб айтишга мажбур бўладилар. Энг яхшиси бундай вақтда подшоҳ ўз деганига қарамай, кўпчиликнинг маслаҳати тўғри бўлса, ўшаларга қўшилсин. Яна, дўст-душманга яхши муомалада бўлсинки, бундан дўстнинг муҳаббати ортиб, душманининг адовати камаяди. Кўпни кўрган, тажриба ўтказган қариялардан маслаҳат сўрасин.

Подшоҳ давлат арбобларини, салтанат устунларини яширинча текшириб, уларнинг яхши-ёмон ишларидан ҳамда тирикчилик ва аҳволларидан хабардор бўлсин. Чунки билиб бўлмайди, келишмаган ишлардан бирор нарса қилиб юрган бўлсалар, яна у яширин парда остида қолмасин...

Султон атрофдан келган вакиллар ва элчиларни ўзига яраша ҳурмат қилсин. Элчи юборган подшога

ҳар қанча душманлиги бўлса ҳам унинг номи айтилган чоқда одоб ва ҳурмат билан тилга олсин. Бу иш эса ҳар икки томоннинг тотувлашишига сабаб бўлади.

...Подшоҳ чет мамлакатга элчи юбормоқчи бўлса, унинг юборадиган элчиси теран фикрли, ўткир тилли, ширин сўзли, юмшоқ хулқли бўлсин. Бунинг устига ҳар сўзни ўз ўрнида сўзлайдиган бўлсин. Элчининг бораётган жойидаги халқнинг динига ва расми-одатларига тушунган киши бўлиши шартдир. Чунки элчилар уларни юборган подшоҳларининг тиллари кабидирлар. Тилнинг юмшоқлиги эшитганлар дилларининг юмшашига сабаб бўлади...

Подшоҳ сабабсиз ҳеч кимнинг дилига озор берувчи бўлмасин. Чунки уни халқ ўз тинчлиги ва эркин яшаши учун бу улуғ даражага кўтарган. Подшоҳ уларга озор берар экан, иш тескарисига айланади. Ўтмишдаги подшоҳлардан бири бир авлиёга мен қиёмат азобидан қўрқаман деганида, бу дунёда оллодан қўрқиб зулм қилмасанг у дунёда ҳеч нарсадан қўрқмайсан, деган.

Айтишларича, тўғри ишли бир амалдор Искандар олдида ўз сўзини исботлаб тортинмай гапирган эди, Искандар сен мендан қўрқмайсанми, деган. У, нега қўрқайин; тўғри ишлаган одам худодан ҳам қўрқмайди. Кишининг қўрқиши уни қилган хиёлати ва подшоҳнинг зулмидан бўлади; менда хиёлат, сизда эса зулм йўқ, деган...

Заиф душмандан чўчиб, ундан сақланиш керак. Чунки у иложини топмаса, жонини ҳам аямайди. Чунончи, мушук ҳар қанча кучсиз ва заиф бўлса ҳам, мажбур бўлиб йўлбарсга тўқнашар экан, ночор, ўзини унга уриб, чангал солиб, кўзини ўяди... Подшоҳ кичик душманнинг улғайишига йўл қўймасин. Шунинг эса туттиш керакки, шахматда пиёдани қўйиб берсанг, тепага чиқиб фарзин бўлади.

Бутун мамлакат ишларини давлат арбобларига ишониб, ташлаб қўймасин. Езувчилар ва хабар етказувчи-

лар билан қаноатланиб, уларга ишни ташлаб қўйса, улар ҳам ўз роҳатлари билан бўлиб халқ ишларидан кўз юмсалар, у чоқда кўп ўтмасдан мамлакат бутунлай хароб бўлиб, давлат қўлдан кетади. У ҳолда подшоҳ шикоят қилувчилардан ранжимасин — гуноҳни ўзидан кўрсин. Аҳвол шундай бўлгач, унинг бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас; шунинг учун мана бу сўзни яхши айтганлар:

Б а й т:

Чу бедод карди тавқу мадор,
Ки номат ба неки равад дар диёр.

Таржимаси:

Агар зулм қилсанг умид этмагил,
Қолар деб жаҳонда мендан яхши от.

Подшоҳлик вақтида подшоҳ халқ билан шундай муомалада бўлсинки, вақти келиб подшоҳликдан тушса ҳам жафо кўриб хижолатда қолмасин. Эсда тутилсинки, қанотидан ажралиб, учолмай ерга тушган арини кўрганлар босиб бошини эзадилар...

Учинчи фасл

Подшоҳларнинг халқ билан қиладиган муомалалари
ва фуқароларнинг ҳожатларини имконият борича адо
қилишлари ҳақида

Подшоҳ шуни билсинки, мамлакатнинг кирим-чиқими бор. Қирими фуқаролардан олинадиган ҳосилотдир. Чиқими эса аскар ёки шунга ўхшаш ишларга сарф бўладиган пуллардир. Қирим бўлмагунча чиқим бўлмаслиги ҳаммага маълум. Шунингдек, раиятсиз салтанатнинг бўлиши ҳам мумкин эмасдир. Подшоҳдан халқ марҳаматли бўлиб ёрдам кўрмагунча ер жойига йиғилиб ободончилик бўлмайди. Шундай бўлгач, подшоҳ-

ларнинг фуқароларга мушфиқ ва меҳрибонлиги ўз давлати ва салтанатининг ободонлиги демакдир. Султон ҳар қанча адолатли ва шафқатли бўлса, фуқароларга тинчлик ва омонлик бўлиб, шунинг натижасида деҳқончилик ва ободонлик ривожланади.

Бир мамлакатда тинчлик ва мўлчилик бўлиб, бунинг овозаси атрофга тарқалса, буни эшитган савдогарлар, ҳунармандлар ва олимлар ҳар томондан кела бошлайдилар. Бундай шаҳарга атрофдан келувчилар кўпайиб улар ҳар хил мол олиб келадилар. Бу билан мамлакат обод бўлиб, хазина бойлиги ортади...

Яна ҳар бир бадавлат кишилар ва халқ устидаги ҳоким амирлар ўзларидан бошқа подшоҳларнинг салтанати ва бу дунёнинг ноз-нсматлари замондан-замонга ўзгариб, бор бўлиб-йўқолиб, бири келиб ва бири кетиб турганини кўз олдиларига келтирсинлар. Бундан ибратланиб, имконият бор экан, халққа яхшилик қилиб, ўзларидан сўнг яхши ном қолдирсинлар.

Агар султон халққа адолат қилишни истар экан, биринчидан, ўз устида фуқароларнинг ҳақи борлигини яхши тушуниб, ҳар бирини ўз ўрнида адо қилсин. Иккинчидан, халқнинг ҳожатларини имконият борича чиқариб турсин.

Салтанат хизмати учун керакли кишилар икки хилдирлар: қалам эгалари — хизматчилар ва қурул эгалари — аскарлар. Буларда қолганлари эса яна иккига бўлиниб, булар деҳқонлар ва ҳунармандлардир. Подшоҳ буларнинг устига адолатли бир раис сайлаб қўйиши лозим; токи ўзаро даъво ҳамда жанжалларни у тугатсин. Иккинчи, уларнинг ушур ва хирожларини олиб, бутун молия хизматларини бажариб туришга адолатлик кишилардан закотчи тайинлансин. Бутун йўлларни ҳузатиб, ўғри, йўлтўсар ва қароқчилардан тозалаб, тинчликни сақлаш учун йўллар позирини сайлаб қўйилсин. Халқ бозорларидаги гарози ва бошқа хил ўлчовларда хиёнат бўлмаслиги ҳамда бозор нархининг ҳар хил

бўлмаслиги учун ишончли одамлардан бозор оқсоқоли тайинлансин. Халқнинг уй-жойини, мол-дунёсини кеча ва кундузги хиёнатлардан сақлаш учун миршаб бошлиғи сайлансин. Деҳқонларга ва чорвадорларга уларнинг экин-текинларини сувдан қолдирмаслик учун моҳир кишилардан мироб боши қўйилсин. Подшоҳ буларни ҳар вақт текшириб турсин. Токи қози ва раислар пора-хўр бўлмасинлар; закотчи кишиларнинг молларидан ошнқча олмасин; йўллар нозири қароқчиларга йўлдош бўлмасин; бозор оқсоқоли хиёнатчи бўлиб, ҳаромхўрлик қилмасин; миршаб бошлиғи уйқучи бўлиб, ёмонларга ёрдам бермасин; сув бошлиғи сувни сотишга ўрганмасин. Шунингдек, юқоридаги бошлиқларнинг ҳаммаларига етарлик даражада хазинадан маошларини тайин қилсин. Акс ҳолда, хазинанинг киммига ўғрилиқ қилиб, унинг баракасини қочирадилар...

Агар подшоҳ теран фикрли, етук кўзли бўлса, бундай одамларни айттирмасдан ўзи таниб олади; ўртага киша қўйиб арзи додини айтиш хижолатидан уларни қутқазган бўлади. Ҳамда ҳар иш ўз эгасига топширилиб, омонат ўз жойига етади. Шунинг натижасида мамлакат ишлари бутунлай тартибга солинади. Чунки ҳимматли кишилар мансабни сўраб элмайдилар.

Б а й т:

Агар ҳаст март аз ҳунар баҳравар,
Ҳунар худ бигуяд на соҳиб ҳунар.

Таржимаси:

Ҳунарлик кишилар гапирмайдилар,
Қараб тур, ҳунарнинг ўзи гап урар.

Амал сўрашлик ноқислик аломатидир. Истиғно қилишлик комиллик белгисидир. Подшоҳ эса аслда комилдир, шу сабабли у истиғно қилувчиларни суриштириб топиши керак.

Подшоҳлар етимларнинг оталаридир. Шундай бўлгач, подшоҳлар етимларга ўз оталаридан ҳам ортиқроқ ғамхўрлик қилишлари лозимдир; токи подшоҳ ота билан фақир отанинг фарқи бўлсин... Етимлар баловатга етгунча подшоҳ улардан инъом қўлини узмасин. Имконият борича эҳсон эшигини очиқ тутсин.

Подшоҳлик қилиш иш катта ишдир. У доим уйғоқ ва сергак бўлиши керак. Шариатнинг зоҳирий ва ботиний маъноларига яхши тушуниб сўнгра ҳукм қилсин. Ёмон олимлар ҳақни ботинга аралаштирганларини шунда билади. Чунки кўп олимлар ҳавоё нафсларига қараб ёки бирор мансаб, даражани қўлга киритишга қизиқиб, шариатнинг ботинига қарамай, зоҳирига қараб фатво берадилар; бу билан кўп ҳақиқатларни бекитадилар. Подшоҳга малол келмасин деб ҳақ сўзни айтмайдилар. Ўзларича оят ва ҳадислардан йўқ маъноларни топишиб, бунинг натижасида бир қанча бидъатларга йўл очадилар. Агарда султон била туриб шунга рози бўлар экан, уларнинг гуноҳларига, у ҳам шерик бўлади. Яна шунини билсинки, бир бидъатнинг жорий бўлиши юз бидъатнинг келиб чиқиши демакдир...

...Подшоҳ соғлом кишиларни ялқовланиб, бекор юришга қўймасин; иш ҳақини тўлаб, подшоҳлик ишларида ишлатсин. Уларни, мажбурий бўлсада, йўл тузатиш, кўприк солиш, катта бинолар қуриш каби ишларга йўлласин. Акс ҳолда, булар ўғриликка, қимор ўйнашга ўрганадилар. Касб қилишга ожиз бўлганларни дорилхўжизмга йиғиб, байтулмолдан уларнинг маошлари тайинлансин. Бундай қилмаганда улар халқдан тиланиб, уларга ташвиш берадилар. Имконият борича, буларни ҳам ўзларига яраша ҳар хил ҳунарга ўргатсинларки, уларнинг умрлари бекорга ўтмасин.

Замонамиздаги низомлик давлатларда бундай кишиларни тарбиялари учун турли чоралар кўрилмоқда. Чунончи, Русияга қилган сафаримда бир куни мен уларнинг тарбияхонасига кирганимда, бир гунг қизни кўриб,

хат тахтасига отинг нима деб, ёзиб сўрадим. Қиз тахта-га отим фалон деб ёзди.

Подшоҳлар фуқаролари билан подшоҳдирлар. Агар улар халқни ранжитсалар, уларни койиб озор берсалар, унда ўз давлатларига душман бўладилар. Подшоҳлар ҳамма халқнинг бошлиғидир. Подшоҳ бадхулқ, дилозор кишиларни халқ устига қўймасин. Чунки халқ ёлғиз унинг ўзини қарғамасдан подшоҳни ҳам қўшиб қарғайди. Подшоҳ ақлли бўлса, халқига озор беришни ўйламайди...

...Қатталиқнинг шукри шулки, кичиклар гуноҳини кечирсин. Баланд ҳимматли кишилар мискинлар молига қўл урмайди. Зулм кўрувчиларнинг ҳаққини олиб бер, золимларнинг тишларини синдир...

Қулоғинг эшита олса, ўликнинг суяги шундай дейди: Эй одам, мен ҳам сенингдек бир одам эдим, тириклигимда умримнинг қийматини билмай, уни бекорга ўтказдим.

Б а й т:

Чу моро бағафлат бушуд рўзгор,
Ту борий дами чанд фурсат шумор.

Таржимаси:

Қадрини билмай кечирдик умрни,
Билмадик биз, сен ганимат бил уни.

Ҳар ким бировни ранжитмас экан, у ҳеч кимдан қўрқмайди. Чиён ўзининг ёмон феълидан қўрқиб қочади. Мушук беозорлигидан уйда амин яшайди. Бўри ўзининг ёмон феълидан саҳроларда сарсон. Ҳаромзодаликларидан ўғри ва қароқчилар тоғ-тошларнинг ўнқир-чўнқирларида бекинадилар. Яхши феъли бўлсанг, бошқалардан ортиқроқ бўласан...

...Қачонки табиат эътидол (мувозанат)дан чиқар экан, дастлаб ҳар бир жисмнинг чет ёқаларига нуқсон

ета бошлайди. Шундай бўлгач, мамлакат чегаларини ҳар вақт қаттиқ кузатиб туриш подшоҳга лозимдир. Чунки қайси бир узув заифланса, касал ўша жойга ҳужум қилади. Шунинг учун заифланган узувни кучайтириб туриш зарурдир. Хорижий душманлар ҳам шундай жойларни мўлжаллайдилар. Яна, бир мамлакат ёки бир тоифага зулм етган бўлса, бошқаларига қараганда кўнроқ шуларнинг риясини қилиш лозимдир. Чунки мамлакат устида бирор воқеа пайдо бўлса, бузуқлик дастлаб шундай жойдан бош кўтаради...

Яна подшоҳ ўз атрофидаги давлат арбоблари, бошлиқлар, мамлакатдаги катта-кичик ҳамма хизматчиларнинг мизожига яхши тушувсин. Аммо ўзининг табиати қандай эканлигини ҳеч ким билмасин. Акс ҳолда, мамлакатнинг улуғ ишларида булардан алданиб қолиши мумкиндир.

Подшоҳнинг зоҳирда икки кўзи бўлганидек, ботилда ҳам икки кўзи бўлиши керак. Бир билан мамлакатнинг ҳолига қарасин, иккинчиси билан мамлакатнинг молига қарасин. Агарда подшоҳнинг зоҳирдаги икки кўзидан бири бўлмаса, унинг ишида камчилик рўй беради. Шунга ўхшаш, унинг ботилидаги икки кўзидан бири бўлмаса, мамлакат ва давлатга зарар етади...

Хулоса шулки, подшоҳнинг салтанат юргизиши учун зарур ишлар жуда кўпдир. Буларнинг ҳаммасини ҳар вақт кўзда тутиб, кўнгилда сақлаш қийин, албатта. Шунинг учун мен улардан ўн тўрт қондани танлаб олиб, қуйида баён қилдим. Подшоҳ буларни доимо кўз олдида тутсин, давлат ва салтанат ишларини ушбу ўн тўрт қонда асосида қурсин. Агар шундай қилар экан, мамлакат ишлари яхши бўлиб, салтанат асослари кундан-кунга мустаҳкамланади.

Биринчи — подшоҳ давлат арбобларидан кимнинг даражасини кўтариб, ўзига яқин қилган бўлса, у киши ҳақида айтиладиган ҳақ ва ноҳақ сўзларнинг фарқига етсин. Маълумки, султонга ким яқин бўлса, албатта, ун-

га нисбатан ҳасад қилузчилар кўпаяди. Подшоҳнинг унга қилган илтифотларини кўролмай, икки орани бузиш учун ҳар турли чораларни кўрадилар, унинг зарарига ёмон сўзлар тўқиб подшоҳга етказадилар. Бундан мақсад давлат орттириш эмас, ўз ҳасадларини чиқаришдир. Бирда эмас-бирда подшоҳнинг мижози ўзгариб, унга ноҳақ муомала қилар экан, ана ўшанда ҳасадчилар мақсадга етган бўладилар.

Б а й т:

Машнов, сухани ҳар касу, бишнов сухани ман,
Гар боби ғараз рост, зиҳарбоби сухан ҳо.

Таржимаси:

Ҳеч ким сўзини эшитма, мендин эшит бу сўзни,
Сўзлар экан ҳасадчи ҳаргиз уни эшитма.

Иккинчи — подшоҳ ўз кенгашларига ҳасадчи, чақимчи ва ифвогар кишиларни йўлатмасин. Бундай одамлар подшоҳ кенгашларига йўл топиб қолар эканлар, кўп фитна ва фасодларга сабаб бўладилар. Халқ устида подшоҳга жосуслик қилиб, катталарнинг обрўларини тўқиб, юртни тинчсизлантирадилар. Подшоҳ бундай бузуқ сифатларнинг бирор кишида борлигини билар экан, унинг чақимчилигидан жаҳонга ўт тушмасдан илгарироқ, сиёсат шамшири билан унинг чорасини кўрсин.

Б а й т:

Оташи ро ки халқ сўзат аз онг,
Жуз бакушдан илож напазирад.

Таржимаси:

Қайси ўтким, кишини куйдиргай,
Учиришдан бўлак иложи қани.

Учинчи — подшоҳ давлат арбоблари ва мамлакат устидаги амир ҳокимлари билан яхши муомалада бў-

либ, ўрталаридаги дўстлик бузилмасин. Салтанатнинг улур ишлари дўстларнинг бирлик ва иттифоқликлари билангина бажарилади. Агар улар ўртасида келишмовчилик бўлса, давлат ишлари ҳеч вақт илгари босмайди.

Тўртинчи — подшоҳ душманнинг ҳар қанча усталик билан айтган юмшоқ ва силлиқ сўзларига алданмасин. Шунга ўхшаш хушомад билан ялишиб ёлворганига ҳам ишонмасин. Чунки душман ожиз қолганида ҳар ёққа бошини уриб, ҳар ёқадан бош чиқаради; аммо қандай аллозга кирмасин, ёмонликдан бошқа нарсани ўйламайди.

Бешинчи — подшоҳ ахтарган гавҳарини қўлга киритар экан, бўшлиқ қилиб, зинҳор, уни қўлдан чиқармасин. Чунки уни иккинчи қўлга киритиш қийин ва бу ҳақда ҳар қанча кўп ўқинишлар қилса ҳам фойдаси йўқдир...

Олтинчи — подшоҳ ҳар қандай оғир ва қўрқинчли аҳволга тушса-да, енгиллик ва шошқалоқлик қилмасин. Балки оғирлик ва сабрлилик кўрсатиб кенгаш билан иш олиб бурсин. Шошқалоқлик ва енгилликнинг зиёни кўпдир...

Еттинчи — подшоҳ тадбирининг жиловини ҳеч қачон қўлдан чиқармасин. Агар душманлардан бир нечалар унга қарши қасд қилиб иттифоқ тузсалар, уларнинг бири билан келишиш чорасини кўрсин. Шундай қилганда «уруш-алдаш» деган нақлга амал қилинган бўлади. Душман макр-ҳийла билан қурган биноларини подшоҳ ҳам макри-фириб болталари билан бузиб ташласин. Бу ҳақда ақллилар бундай деганлар:

Н а з м:

Аздоми макри ҳасм баҳийлад тавон гирихт,
Қад яслу ҳул ҳадида бил ҳадида.

Таржимаси:

Душманинг макр айласа, андин қутул ҳийла билан,
Тузатур бўлсанг темирни — ур темир базғон билан.

Саккизинчи — бошқа душманлардан кўра ҳасадгўйдан кўпроқ сақланиш лозим. Уларнинг тил ёғламачилик сўзларига ҳеч вақт алданмаслик керак. Чунки ҳар кимнинг кўкрагидан ҳасад кўчати жой олган бўлса, у зиёндан бошқа мева бермайди...

Тўққизинчи — подшоҳ гуноҳкорларни афу қилиш ва уларни инъом қилишни ўзига одат қилсин. Атрофидаги хизматчиларни арзимаган ишга қўйиб бермасин...

Ўнинчи — подшоҳ ҳеч кимга зарар етказишни ўйла-масин; гарчи бирор кишини ёмон кўрса-да, унга ёмон-лик қилмасин. Агар ундан бирор кишига зарар етар экан, «ёмонликнинг жазоси ўзига ўхшаш ёмонликдир» деган нақл ҳукмига мувофиқ, унга жазо бериш лозим-дир. Агар подшоҳ иложини топса, олам аҳолисининг бошига эҳсон ёмғирини ёғдирсин.

Б а й т:

Ник ар кун бажойту ники кунанд боз,
Вар бат кун бажойту азбад батар кунанд.
Им рус ҳасти азбаду азник биҳабар,
Рузи бувадки азбаду никат хабар кунанд.

Таржимаси:

Яхшилик қилсанг агар, сен ҳам кўрарсан яхшилик,
Гар ёмонлик қилсанг, сенга ёмонроқни қилар.
Гар билмасанг яхши, ёмонлик қайсидир
Билгулик кунлар эса олдиндадур — бир кун келар.

Ун биринчи — подшоҳ ўзига келишмаган ва подшоҳ-ларга лойиқ бўлмаган ишларни қилмасин. Кўпинча одамлар ўз ишларини қўйиб, ўзига муносиб бўлмаган ишларга киришадилар, сўнгра уни битиролмай ўз иш-ларидан ҳам қуруқ қоладилар...

Ун иккинчи — подшоҳ ҳамма ишларда оғирлик ҳам-да чидамлиликини ўзига лозим деб билсин. Ҳар қандай қаттиқ бўронлар бўлганда ҳам ундан тебранмасин.

Ун учинчи — подшоҳ давлатнинг муҳим ишларини ишончли, тажрибали кишиларга топширсин. Ишончсиз, алдамчи кишилардан сақлансин. Чунки салтанат саройидаги одамлар ҳар ишда ишончли бўлмасалар, давлат сирлари яхши сақланмайди. Подшоҳга яқин кишилар ёмон бўлсалар ва подшоҳ уларнинг сўзларини эътиборга олса, бундай одамлар турли ғаразлар билан кишиларни подшоҳга чақиб, уларни ҳалок қилишдан тортинмайдилар.

Б а й т:

Ходими подшоҳ амин бошад,
То варо мулк равноқ афзояд.
Вар кунанд зониби хиёнат рў,
Мулк вайрон шавад зишуми у.

Таржимаси:

Подшоҳ ходимлари гар бўлса амин,
Унинг давлати кундан-кун ортар.
Гар бўлсалар фитна, хиёнатчи,
Мулк вайрон, иш орқага тортар.

Ун тўртинчи — подшоҳнинг салтанат соҳасида кўрган кулфатлари ва бу йўлда тортган машаққатлари унинг ҳимматига таъсир этмасин. Ҳар қанча жабру жафолар кўрса ҳам тогдек оғир бўлиб, кўнглини чўктирмасин...

Хотима

Подшоҳ ўз яқинлари ва суҳбатдошлари давлат арбоблари билан қандай муомалада бўлиши, уларнинг мажлисларининг қай тартибда ўтиши лозимлиги ҳақида, шунингдек, уларнинг ташқи халқ билан алоқалари, ички оилавий ишлари ҳақида бир тартибнома тузиш зарур бўлди. Шу мақсадда ушбу хотимани ёздим. Чунки султоннинг муомаласи давлат ўрдасида интизомли

ва тартибли бўлса, бутун мамлакат ва халқнинг шунга қараб тартибга киришлари шубҳасиздир. Халқ ҳар ишда подшоҳларига ва ҳукуматларига қарайди деган ҳадис мазмунига мувофиқ, амир ва ҳокимлар бошлиқ подшоҳга қараган ҳамма амалдорлар ва мансабдорлар ҳар ишда ўз подшоҳларига эргашадилар.

Яна шуни ҳам билиш керакки, Туркистон ва Мовароуннаҳр султонларининг шу кундаги тутган аскарлари ясов ва юсунлари аслда Чингизнинг ясов ва юсунларидан олингандир. Чингизхон халқ кўзида ўз салтанатини ҳайбатли кўрсатиш учун шу ясовни қурган эди. Чунки у ҳаддан оша золимлиги устига, бир қанча машҳур мамлакатларда ғалаба қилиб, уларни ўзига қаратган эди. Дунёнинг ҳар томонидан унинг ўрдасига подшоҳлар, элчилар узилмай келишар эди. Ҳар жойда ғалаба қозонган киши бошқаларнинг ундан ҳам ғолиб бўлишидан қўрқади. Шу сабабли Чингизхон ўрдадаги соқчилар ва тўсқовуллар бошлиғи қилиб эшик оғаси қўйишга мажбур бўлган. Токи халқ ўз ихтиёрича унинг олдига кира бермасин; ёки жондан кечган бир киши унга ёмонлик қасд қилмасин. Яна йўлда кетаётганларида пўшт-пўштчилар сафар бошлиғи қилиб салом оғасини тайинлайдилар. Буларнинг вазифалари подшоҳга пиёдаларни яқин келтирмаслик, уларни узоқроққа суриб, отлиқларни отлардан тушириш эди. Шундай қилиб, бу юсунлар Туркистоннинг кейинги хонларига мерос бўлиб қолди. Бу юсунлар шундай даражага етдики, бир ўлканинг кичик хонлигига эга бўлганлар ҳам бу қондани ташламадилар.

... Дунёда ҳар қандай меҳнат (чунончи оддий меҳнаткаш бўлиш), гўлаҳлик қилиш номус иш эмасдир. Чунки у хизмат ҳақини олади. Ҳақиқатга келганда, шоҳ-гадо ҳаммаси ҳам хизматчидир. Подшоҳ бутун мамлакатга соқчилик қилиб, кузатиш ҳақини олади. Мамлакат қозилари эса халқнинг даъво жанжалларини битирганлари учун ҳақ оладилар. Ҳақиқат, ҳаёт маслаҳа-

тига кўра, хасис нафс, хасис ҳунарни истайди. Агарда паст одамлар салтанат ўрдасига тўпланар эканлар, улардан хушомадгўйлик, эгилиб-букилиб тилёғламалик қилишдан бошқа нарса чиқмайди. Агар улар бир эшикдан ҳайдалсалар, иккинчи эшикдан бош чиқарадилар. Бир хизматда юриб юзига шапалоқ, бўйнига мушт ёйишдан ор қилмайдилар. Бундай одам хушёқмасликдан касб қилишга бўйин эгмайди. Унда ақлнинг йўқлигидан мамлакат ва давлатга фойдали бирор яхши сўз унинг хаёлига ҳам келмайди.

Бу хилдаги одамларнинг салтанат ўрдасига тўпланиб олишларига сабаб шуки, улар ўзларининг дангасаликлари туфайли бирор касб ва ҳунарнинг уддасидан чиқолмасликларини яхши биладилар. Уларнинг ҳеч нарсага ақллари етмаса ҳам, бир амаллаб султон хизматига кириб олсалар бас — кунлари подшоҳликда ўтаверади. Чунки ўрданинг хизматлари шу кунгача аниқ бир интизомга кирмаганлиги уларга маълум. Аммо кимки у ерга борар экан, от ва тўнлик бўлиши аниқ. От миниб ўрдага бориб, султонга салом қилишни ҳар қандай ақлсиз киши ҳам бажара олади. Агар ўрда хизматчиларининг мартаба ва даражалари тайинлик бўлиб, ўша мартаба ва даражага етиб мансабдор бўлиш учун муайян илм-ҳунар эгаси бўлиш зарур шарт қилиб қўйилса эди, бундай кишилар салтанат ўрдасига кириш у ёқда турсин, мамлакатнинг четларида ҳам туролмас эдилар.

Буларнинг давлатхоҳликлари шу даражадаки, агар босмачилар бир мусулмоннинг хонадонини босиб, молларини талар, қаршилиқ кўрсатганларни ўлдирар экан, шу ҳолда мазлумларнинг дод-фарёди султоннинг қулоғига етиб, бу нима воқеа деб сўраса, ҳеч воқеа бўлгани йўқ, фақат бир хотин эри билан уришибди, деб қўяқоладилар. Шунга ўхшаш бозорларда нархларнинг қимматлигидан ҳамма нарса камайса, ҳамма нарса арзон, ҳеч ким уни бозордан олмай қўйди, дейдилар. Рост айтадилар, чунки баҳо баланд бўлгач, уни ҳеч ким

ололмайди. Ёки бирор шаҳарлар, ё бир қишлоқ аҳолиси султон ва унинг аскарлари оёқ остида қолиб, жонларига теккан бўлса, бу шаҳарнинг халқи подшоҳнинг қадамларига мунтазир, кўзлари йўлда интизорлик тортишади дейдилар.

Яна булардаги бир хусусият шундаки, улар ҳунарли кишиларни ва ақл эгаларини хоҳламайдилар. Агар улар подшоҳ даргоҳида бирор ҳунарли кишини кўрар эканлар, дарҳол у ҳақда фисқу-фасод қиладилар. Улар қуёш келар экан, сояга жой қолмайди деб қўрқадилар. Шу сабабли улар бу даргоҳда бизга ўрин қолмайди деб ҳунарли кишига бир камондан отилган ўқдек ҳаммалари осиладилар. Шу билан унинг бозори касодга учрайди. Агар бу одам қилич аҳлларида бўлса, бу кишида мустақиллик даъвоси бор, агар иш унинг қўлига тушса, оламни тўполон қилади, дейдилар. Агар у одам қалам аҳлларида бўлса, савдо мижоз, мияси йўқ, сўзининг ҳам маъноси йўқ дейдилар. Агар ҳунармандлардан бўлса, уларнинг салтанат ишлари билан ҳеч алоқалари йўқ, подшоҳлик низомлари билан дурадгорларнинг нима ишлари бор, уларга арра ва тешадан гапириш керак, дейдилар. Агар у одам деҳқонлардан бўлса, унга курак ва кетмондан гапириш лозим, бошқа ишни ҳавас қилиши унинг ўз ҳаддидан ошишидир, дейдилар. Қисқаси шуки, ҳеч кимни султонга мамлакат ва давлат фойдаси ҳақида гапиришга қўймайдилар. Ёки бирор муҳим ишни маслаҳат тариқасида ўртага ташлашга ҳам розилик бермайдилар. Шундай бўлиб, мамлакат ва давлатнинг улуғ ишлари ёпилганича парда тагида қолади. Натижада давлат ишларига халал етиб, тартибдан чиқади; давлат тузумининг иш учи йўқолиб, ўз маслаҳатларидан адашадилар. Гумроҳлик даштига кириб, ундан қутулиш йўлини йўқотадилар.

Улар ажаллари етиб ўлгунларича тинчлик билан нон топиб ея олмайдилар. Чунки бу балони бошларига ўзлари тилаб олганлар. Авзалда аҳмоқлик билан от, тўя

ва ноннинг ишқида у ёқ-бу ёқдан хатлар келтириб, воситалар кўрсатиб султон хизматини ўзларига ихтиёр қилганлар. Шу билан улар хизматчилар қаторига кириб олганлар. Сўнг билдиларким, султоннинг тўни хазинада, от мирохурнинг оғилида, нон амирнинг омборида экан. Яна шунга тушунилдики, подшоҳларнинг эшигидан киши ўз ихтиёрича кетадиган ёки у ерда ҳам ҳар хил сўзни тортинмасдан айтадиган жой эмас экан. Шу зайлда, ноилож, бир қанча вақт хизматда бўлиб, сўнгра восита ва хушомадлар билан бирор мансабга лаёқатлигини билдириб ариза берар экан, нон талаб қилса, хизмат қилсин — деган жавобни олади. Нон етмаса қандай хизмат бўлади дея олмайди. Ноилож бошқалар қилган нифоқ ва хушомадни бу ҳам ихтиёр қилади. Сафарда ва ҳазарда султон рукобида югура беради. Жони оғзига келганда бирор мансабга эга бўлиб, аранг бирор ноннинг четини тишлашга эришади. Қайси мартабада бўлса ҳам, қайси мансабга етса ҳам бу кишининг давлатнинг фойда-зиёни билан иши бўлмайди. Бутунлай ҳимматини от, тўн ва ўз мансабини сақлаш йўлига сарф қилади. Ўриндан олиниб нонсиз қолишидан роят қўрқади. Шуниси қизиқки, бу киши шунчалик қизғин ҳаракатларда бўла туриб, яна бир оғиз нонини тинчлик билан сёлмайди. Подшоҳ эшигида, сафарда, ҳазарда ҳориб-чарчаб югургани-югурган.

Шуниси қизиқки, султон ҳам катта-кичик ҳар хил одамлардан бунча кўп халқ бу даргоҳга йиғилганини кўриб, уларнинг бундай зўр қизиқиш билан келиб-кетишларига, юриб-туришларига қараб, улар бу неъмат—давлатга ташаккурларини билдириб, ўз ризоликлари билан келаётирлар деб ўйлайди. Агар оламда шу бизнинг йўлимиздан яхшироқ йўл бўлса эди, уни бу одамлар кўрсатган бўлар эдилар, биз ҳам унда ўша йўлга юрар эдик. Агар тутган йўлимиз тўғри бўлмаса, булар рози бўлмас эдилар; шундай бўлгач, бизнинг йўлимиз тўғри, маслаҳатимиз яхши экан деб хурсанд бўлади.

Чунки шунча йиғилган халқнинг ҳаммаси тўғри йўлни тополмайдиган даражада ақлсиз эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Агар булар ичида ўзича ўқиб-билиб, замона ўзгаришларини кўриб бир оз ақл топган кишилар бор бўлса ҳам унинг оғзи юмуқ ва сукутдан бошқа чораси йўқдир. Урнидан олиниб неъмат даргоҳидан ҳайдаламап деб у ҳам сўзни гапиролмайди.

Агар подшоҳ ўз пойтахтида бўлса, халқнинг арзи додидан зерикиб, уларнинг жавобига улгуролмай юраги сиқилади. Чунки ҳоким ва амирлардан тортиб ҳеч ким бирор ишни султондан ижозатсиз қила олмайди. Бутун халқнинг ғалваси доим султон бошига келади. Бундан ҳам зерикиб, бир оз бўлса ҳам дам олиш учун саҳро саёҳатига чиқади. У жойда ҳам яна шу тўполонлар бошланади. Бир қанча кишиларга тегишли маошларини бериб уларни ҳам сафар тўдасига қўшиш керак бўлади. Бунинг устига халқнинг келиш-кетишлари кўшилиб, тинчсизлик яна ҳам ортади. Ночор бу ердан ҳам кўчиш керак бўлиб, давлатга қарашли бўлган узоқ ва яқиндаги қишлоқ ҳамда шаҳарларни сайр қилишга чиқади. Шундай қилиб, сафарда ва ҳазарда султонга ҳеч бир ерда тинчлик топилмайди. Султонда тинчлик бўлмагач, қолган сипо ва фуқаролар ҳам бесаранжом бўладилар. Бунинг сабаби подшоҳлик ишларини қўлидан иш келмайдиган ноаҳл кишиларга топшириб қўйилганидир. Улар давлат ишларини тартибга кирита олмайдилар. Йложсиз ҳамма ишлар яна султоннинг ўз қарамоғида қолади. Натижада сипоҳлар султонга қараб бирор жойда тўхтаб ором ола билмайдилар. Чунки булар ўзларининг ақлсизликларидан султонни шу йўлга солиб, энди бунинг ҳақ ёки ноҳақлигини ажратиб, вақтхушлик қилиш йўлларини ҳам билмайдилар. Фуқаролар ҳам подшоҳга ҳожатларини етказиб, ўртада бўлаётган хусуматлик ишларини ўз жойида тугата олмайдилар. Шундай бўлиб, ҳамма ишлар ўз вақтидан ўтиб битмасдан сургалиб қолади. Хулоса шулки, хизматчилардан

бирор одам мансаб олмоқчи экан ёки бир жанжаллик иш бўлиб уни тугатмоқчи экан, агар шу вақтда подшоҳ ҳазарда бўлса, ўн беш кун ёки бир ой кутмагунча унинг иши тугамайди; агар сафарда бўлса уч ойсиз иш битмайди. Энди бу жамоанинг ақлсизлигини исбот қилиш учун бошқа далил келтиришнинг ҳожати йўқдир. Агар буларда ақлдан бирор нишона бўлса эди, оқил одамларни олдиларига солиб, шуларнинг йўлбошчилиги билан давлат ишларини юргизар эдилар. Яна ўзларининг ҳам қадрлари ортиб, ишлари эса тартибга солинар эди. Ақлдиларнинг раҳбарлиги остида хизмат қилсалар тинчлик билан нонларини топиб еяр эдилар.

Оқил одам ҳар ишнинг тагига тушуниб уни ўз вақтидан қолдирмай бажаради. Хизматчиларни сабабсиз ранжитмайди, уларнинг тирикчилигидан бепарво бўлмай нонларининг ғамхўрлигини қилади. Киши дунёда ўз роҳати учун ҳар хил ҳаракатларни қилади. Ўзини тинчитиш учун мол топади. Оқил одам бўлса, мол-дунё топаман деб ўзини азобга солмайди... Ақлли кишилар етарли ризққа қаноат қиладилар. Агарда бундан ортиқчасини талаб қилар эканлар, уни ўзлари учун эмас, халққа фойда келтириш учун қиладилар... (...)

...Агар ақлдиларнинг даражалари султон олдида аниқланса ва ҳар қайсиларининг ўринлари белгилик бўлса, уларнинг султон ҳузурига кириб-чиқиш вақтлари тайинланса, у чоқда ҳеч бир ақлли одам султон суҳбатидан қочмайди. Агар ишлар шундай тартибга солинар экан, ҳамма илм аҳллари, ҳунар эгалари султон оstonасига йиғиладилар; ҳар қайсилари ўзларида бор ҳунарларини кўрсатадилар ва ҳар ким ўз ҳунари ҳамда камоли билангина мартабаси ошиб, султонга яқин бўлади. Мана шунда мамлакат обод бўлиб, хазина бойлиги кун сайин ортади. Бунинг натижасида салтанат мустаҳкамланиб давлат қаторига киради.

Бунинг учун эса салтанат тутиш ва давлат қуриш ҳақида бир низомнома тузилиши, албатта, лозимдир.

У низомномада султоннинг ҳайбат ва дабдабасидан сўз очилмайди. Ўша қонунга тўғри келмаган одамлар эса салтанат даргоҳига киритилмайди. Ақл ва ҳунар эгалари хизматга чақирилмасалар ҳам ўз хоҳишлари билан хизматга, суҳбатга талабгор бўладилар. Бу низомнома тузилганда Чингизнинг низом қондалари ҳам ташланмайди, балки бу унга қўшимча бўлиб, уни тўлдиради. Ана шундай бўлганда давлат ишлари тартибга тушади, подшоҳ ва унинг сипоҳ ҳамда фуқаролари тинчликда ҳаёт кечирадилар...

Подшоҳ шу даражада олий ҳимматли бўлиши керакки, унинг олдида олтин билан тупроқ баробар бўлсин. Урнини топар экан, сарф қилишдан ҳеч тортинмасин. Подшоҳнинг ахлоқли бўлиши шулки, ҳар синф одамларига нисбатан баробар очиқ юзли, юмшоқ сўзли бўлиш лозимдир. Агарда подшоҳ шундай бўлса ҳар кимнинг ҳам унга хизмат қилгиси келади.

Подшоҳ, подшоҳликдан тутган мақсади нима эканлигини ва унинг атрофидаги ўрда хизматчиларининг талабларини назарга олиб иш олиб бориши керакдир. Султон талабининг энг улуғлари эса вилоятни мустаҳкамлаш, ўз давлатидан фойдаланиш, ўлгач дунёда яхши ном қолдиришдир. Бу ишлар эса халқсиз ва аскарсиз бўлмайди. Мамлакатдаги давлатнинг муҳим ишларини бажаришда иш кўрган, тажриба ўтказган одамлар керакдир. Шундай бўлганда подшоҳнинг қўли бир оз бўлса ҳам бўшайди, ўз давлатидан баҳра топа олади. Хазиналар молга тўлиб, хайр-эҳсон эшиги очилар экан, ундай подшоҳнинг яхшиликда номи чиқади. Ҳамма ҳам унга хизмат қилишни ўзига шараф деб билади. Аммо ўрда хизматкорларининг асл талаби эса қўлга бойлик киритиш, ер-сув кўпайтириб обрў қозониш, халқ ичида юрт бошлиғи бўлиш, хуллас — ўзларининг орзуларига етишдан иборатдир. Аскарлар эса маърака ва майдонларда жонбозлик қилиб, кўкракларини ўққа тутадилар. Бунинг сабаби мавжуд нақд фойдани қўлдан чиқар-

масликдир. Энди бу сўзлардан маълум бўлдики, султонлар ўз атрофларидаги хизматчиларини, аскарларини тинчлантириб уларнинг дунёвий турмушларини яхшиламагунларича ўзлари ҳам салтанат ва давлатларида роҳатга эриша олмас эканлар. Шундай бўлгач, подшоҳлар сафарда, ҳазарда ҳамма вақт халқ тинчлигини изловчи бўлсинлар. Халқ тинчланмагунча ўзларига роҳатни ҳаром деб билсинлар.

Б а й т:

Насояд андар диёрий ту каст,
Ки осойиши ҳеш хоҳию бас.

Таржимаси:

Агар подшоҳ эл ғамини кўп емас,
Қўл остида ҳеч бир киши тинчимас.

Энди бунинг иложи шулки, султон кўпчилик халқ ризолиги ва давлат улуғларининг маслаҳатлари билан ўзига икки вазири доно сайлаб олсин. Бирини мамлакат кирими, иккинчиси эса мамлакат чиқимини ҳисоб қилсин. Бу иккаласининг даражалари бошқа хизматчиларнинг ҳаммасидан юқори турсин. Бутун ҳарбийлар устидан бошчилик қилиш учун аскар амирини сайласин. Иккинчи бутун қалам аҳллари устига яна бир раис тайинласин. Бу сўнгги иккаласининг даражалари аввалги иккаласининг даражаларидан пастроқ бўлсин. Бу тўрт бошлиқ мамлакатнинг тўрт устунларидирлар. Буларнинг ҳукмлари ўз қўлларида бўлиб, қатл ва азилдан бошқасини подшоҳдан сўраб ўлтирмасин. Яна ўрда хизматчиларига раҳбарлик қилиш учун муширлик мансабига бир кишини тайинласин. Унинг эса бу юқоридагилардан даражаси яна тубанроқ бўлсин. Балки ўзини уларга ходим даражасида тутсин. Юқоридаги тўрт бошлиқдан келган ариза ва баённомаларни ўз вақтида султонга етказиб, жавобини қайтарсин. Ҳарбийларнинг

азл-насаб ишлари бўлса амири лашкарга топширилсин. Бутун қалам аҳллари: қсзилар, муфтилар, мударрислар кабиларнинг ишлари ўз раисларига топширилсин. Қирим вазири мамлакат қиримларидан, чиқим вазири эса чиқимларида, амири лашкар ўз қўл остидаги ҳарбий ишлардан ва раису уламо ўзининг қилган ишларидан ҳар кунда бир маротаба ёки ҳафтада икки маротаба ўрда муширига маълумот бериб, султонга етказсин. Шу билан султон ҳам мамлакатда бўлаётган кундалик ишлардан хабардор бўлиб турсин. Агар бу аризалар султонга қабул бўлса, унга ўз қўли билан нишон қўйиб, ҳисоб дафтарига қайд қилсин. Бўлмаса аксини билдирсин ёки шубҳали жойи бўлар экан, уни сўраб тушунсин. Агар шу айтилган тартибга мувофиқ иш олиб борилса, давлат ишларида енгиллик юз бериб подшоҳ ҳам анча тинчийди. Яна ўзига зарур бўлган вазифаларни ҳам қилишга улгуради...

Агар подшоҳнинг эътиқоди бўш бўлса, унинг кўнглида бўлмағур ваҳималар пайдо бўлиб, қўрқувга тушади. Мамлакат ихтиёрини, подшоҳликнинг муҳим ишларини бошқаларга топшириб қўйишни бемаънилик деб билади. Давлат арбобларининг унга қарши чиқишларидан қўрқиб ёки унинг ўрнига бошқа бировнинг қўйилишини ўйлаб, бутун салтанат ва давлат ишларини ўз қўлида сақлайди. Ҳамма ишга ўзи эга бўлади. Шунинг билан бутун умри меҳнатда қолиб, ҳеч бир иш ўз ўрнида бажарилмайди. Агар давлат тартибларидан, салтанат сиёсатидан халқ норози бўлиб, ғалва кўтарар экан, подшоҳни хазина ҳам, лашкар ҳам сақлаб қололмайди. Агар халқ ундан рози бўлар экан, аниқ билсинки, ҳеч ким унга қарши бош кўтара олмайди. Агар кўтарса, тор-мор бўлади.

...Подшоҳ вақти-вақти билан мамлакат бўйлаб сафарга чиқиб туриши лозимдир. Агар султоннинг сафardan мақсади фуқароларнинг камчиликларини кузатиш ва уларнинг кўнгилларини кўтариш бўлса, бир йилда:

бир, жуда бўлмаганда, икки йилда бир марта бўлса ҳам кифоя қилади. Агар мамлакат майдони кенг бўлса, у ҳолда ҳар уч йилда бир марта айланиб туриш керак... Яна мамлакат ичидаги йироқ-яқин сафарларда тўп ва аскар олиб юришга ҳеч қандай ҳожат йўқдир. Ўз мамлакати ичида буларни сургаб юриш давлатнинг кучсизлигини билдиради. Бу эса ички ва ташқи душманларни журъатлаштишларига сабаб бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Пойтахт ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқлар бир неча даҳлизлик бир катта уйдан иборатдир. Уйдан даҳлизга чиқишда тўп ва аскар олиб юриш келишмайди. Агар ўз мамлакати бўйлаб саёҳатга чиққанида уларни олиб юришдан мақсад халқни қўрқитиб, уларга ҳайбат кўрсатиш бўлса, бу ҳам бемаъналикдир. Чунки тўп олиб юриш қўрқоқлик аломатидир. Ўзи қўрққан одам халқни қандай қўрқита олади?! Бунинг устига заруратсиз иш учун ортиқча харажат ва чиқим бўлади...

...Подшоҳ давлат ишларини олиб боришда муайян бир тартибни жорий этиши ва унга қатъий равишда риоя қилиши лозим. Чунончи, подшоҳ ўз маҳкамасига киргач, ўрда мушири ички ишлар вазири ва бошқа раисларнинг аризаларини дарҳол подшоҳга топшириб, уларнинг жавобини чиқарсин. Ундан сўнг пойтахт ташқарисидаги қўрғон бекларининг, ҳоким ва амирларнинг ариза ва маълумот қорозларини подшоҳга тутиб, буларнинг жавобларини ҳам тегишли ерларга етказсин. Шундан сўнг подшоҳ ишлари раис ва вазирларга тушиб улар билан битмаган ёки адолатсиз бўлган фуқаро ва ҳожандмандларни йўқласин. Келган аризалар орқасига фалон вазир ёки амир бундаги ишни бажарсин деб ёзсин. Ёки бу иш неча таъҳирига тушди деб сўрасин; ёки киши юбориб иш битирмаганларни текширсин. Бу мажлисда ўрда мушири бошлиқ унинг хизматчилари ва бошқа маҳрамлар ҳозир бўлиб туришлари лозимдир. Шундан сўнг подшоҳ маҳкамасидан чиқиб мажлис

жойига келиб ўтирсин. Бу мажлисда имтиҳондан ўтган олимлар, шоирлар, тарихчилар, адиблар иштирок этсинлар ва бу мажлисда мамлакат аҳволи, халқ ҳаётига доир турли масалалар муҳокама қилинсин.

...Хуллас, подшоҳ давлат ишлари билан шуғулланиш, шахсий ишларини бажариш учун қатъий бир тартиб жорий қилсин ва уни доимо бажарсин... (...)

...Подшоҳ қаҳр-газаб қилиб, жазо ишларига қаттиқ қўллик билан киришмасин. Чунки уриш, ёриш, ўлдириш йиртқич ҳайвонларга хос хусусиятлардир. Кўпинча қўрқитиш ва чўчитиш билан қаноатлансин. Дили юмшоқ, ўзи қўрқоқ кишиларга кўз олайтиб қўйишнинг ўзи ҳам етиб ортади. Кўнгли қаттиқ, раҳмсиз кишиларни уриш, қамаш, оч қўйиш, пулга зориқтириш кабилар билан жазолаш керак.

Яна подшоҳ ўз хизматчиларини, ҳар қандай хатолари бўлса ҳам, ёрғу қилишга буюрмасин. Агар султон давлат хизматчиларидан ёрғу қилиш йўли билан мол олса, ҳақиқатда бу моллар султон зўрлик қилиб олган фуқароларнинг молларидир, уларнинг ўз моллари эмасдир. Бундай молни хазинага аралаштириш хазинанинг баракасини учиради. Натижада хазина моли ноҳақ ўринларга сарф бўлади. Агар бу одат ташланмас экан, султон хизматига ҳеч ким қизиқмайди. Хизматчилар ўртасида султоннинг илтифотига ҳам ишонч қолмайди. Чунки у султон хизматига мол топиш учун кирган бўлиб, мақсади қўлга кирмагач, хизматга кўнгли қизиқмайди. Ўғрилиқ билан бўлса ҳам мол тўплашга қизиқади. Агар унинг қўлига бирор хизмат топирилар экан, кейинги кунимда керак бўлар деб хазина ҳақи, фуқаро ҳақи бўлса ҳам унга қарамай ўзи учун мол тўплашга уринади. Аслда эса ёрғу одатининг ўзи ҳам келишмаган бир қизиқ ишдир. Чунки бир одамнинг моли бутунлай йўқолади. Бу молнинг тўртдан бири ҳам султонга етмайди. Бир қисmini ўғри олиб, яна қолганини ўзидан орттириб бир

тўп қароқчиларга ҳам беради... Бу эса ақлга тўғри келмайдиган бир ишдир. Агар бу мусодиранинг устида подшоҳнинг ўзи турса, бир қадар дуруст бўларди. Султон бу иш устида ўзи туролмайдиган бўлса, яхшиси бундай фойдадан кечиши лозимдир.

Султоннинг салтанат тутиб ўтиришдан мақсади мол йиғиб, халққа нон ва маошларини беришдир. Давлат ҳокимияти халқнинг нонини ва молини ўринсиз тортиб олиш учун қурилмагандир...

Бир саёҳатчи Пешавор шаҳрида бўлиб, инглиз томонидан қўйилган шаҳар ҳокими билан суҳбат қилганида, ҳоким қуйидагиларни айтган:

...Подшоҳларнинг ҳимматлари конлардан олтин ковлаб, денгиздан гавҳар чиқариб, уларни халққа сарф этиш ва шу билан дунёни ободон қилишдир. Дунё ободлиги эса тоғларни кесиш, ариқлар чиқариш, конлар топиш кабилар билан бўлади. Бу ишларни юзага чиқариш учун фуқароларни кўпайтириш, халқ қудратини кучайтириш керакдир. Ердан чиққан унумнинг ўндан бирини олиш шарти билан кишиларга ер бериш — подшоҳлар иши эмас; бу деҳқонлар ва савдогарларнинг ҳунарларидир. Агар подшоҳларнинг ҳам фикр ва ҳунарлари шундай бўлар экан, ундай подшоҳларнинг фуқаролардан нима ортиқлиги бор? Агар ортиқликлари бўлса, у ҳам шулки, улар фуқаролардан бойроқдирлар. Бу эса яна фуқароларнинг моллари билан бўлади.

Ўшанда саёҳатчи шаҳар ҳокимининг бу сўзларини тасдиқлаган ва ўз навбатида деганки, биз яшаб турган Ер юмалоқ бўлиб, уни сув ўраб олган. Ердаги ва сувдаги ҳамма жониворларнинг маошлари шу икковидан — ер ва сувдан ҳосил бўлади. Сув денгиздан чиқиб, буғланиб юқорига урилади. Сўнг қор, ёмғир бўлиб яна ерга тушиб, денгизга қуйилади. Ердан егулик нарсалар униб чиқиб, бутун жониворлар ундан овқатланадилар. Агар улардан ошиб қолар экан, ихтиёрли ёки ихтиёрсиз, яна ерга ем бўлиб, қайта бошдан ердан

чиқиб, уларга овқат бўлади. Бу айланиш, ўзгаришларда бир томчи сув ёки бир сиқим тупроқ ҳам камаймайди. Шундай бўлса ҳам бутун ҳаёт оламига овқат шу тупроқ ва сувдан етиб туради.

Пешавор шаҳрининг ҳокими саёҳатчининг бу сўзларини эшитиб сукут қилган ва унга тўғри гапирдинг, деган.

Танбеҳ. Бутун ишлар ўзгариб, замона фитна-фасодга тўлган, кўнгилга ҳеч иш сиғмайдиган вақт бўлса ҳам, бу олий маъноли сўзларни ва фойдали ишоратларни ҳақиқатнинг рассоми, илм ва маърифатнинг наққоши бўлган қаламим ёрдами билан китоб варақларига ёздим. Замонамиз ва турган шаҳримиз бундай китоб ёзишга ёки шунга ўхшаш асар тасниф қилишга ёрдам бермас, балки улар бундай ишларга тўсқинлик қилар эдилар. Амирларимиз, ҳокимларимиз ва уларнинг суҳбатдошлари аҳмоқ одамлар бўлганларидан кулгилик ва хушомадгўйликдан бошқа нарсаларга қулоқ солмас эдилар. Мабодо қулоқ солиб эшитиб қолсалар, бу қандай хурофий сўзлар, буни ким айтган, буни ким қилмолади дейишиб, унинг қийматини туширар эдилар; унга афсонавий сўзлар деб баҳо берар эдилар.

Бу китобни эшитиб қолганларида ўзларига ёққан ширин-шакарларини дарҳол қабул қилар, талхларини эса ундан ажратиб ташлар эдилар. Дори ширин бўлса, овқат ўрнига ўтиб, қорин тўйғизишдан бошқа фойдаси камроқдир. Аммо дори аччиқ бўлса, кўпинча дардга даво бўлади; буни улар тушунмайдилар. Аччиқ дорини ютиш оғир бўлса ҳам, унинг фойдаси кўпроқдир; у мижозни ўзгартириб, ичган кишида янги бир кайфият пайдо қилади. Лекин аччиқ дорининг фойдаси уни ичгандан кейин — у медадан ўтиб, бутун баданга тарқалгандагина билинади. Шунга ўхшаш ҳақ сўзлар аччиқ тил билан айтилади. Ширин сўзлар эса кўнгилда кўп туриб қолмайди. Масалан, бировга агар сен гуноҳ қилсанг, дўзахга тушасан дейилса, бу сўз эшитувчини

таъсирлантириб, дилини титратади. Агар сен гуноҳ қилмасанг, жаннатга борасан дейилса, бу сўзнинг таъсири у қадар кучли эмас; ваҳолонки, ҳар иккисининг ҳам маъноси бирдир. Шундай бўлгач, рост сўз айтувчилар, эшитувчиларга таъсир қилсин деса, сўзни ачитиб айтиши керак. Агар бундай қила олмас экан, у ҳолда жим туриши лозим. Чин сўз аччиқ бўлиб, кўнгилларга унинг ҳайбати тушади. Хушомад сўз эса ширии ва кулги билан ўтади.

Подшоҳлар олдида кўпинча кўрқиб, ҳақ сўзни айта олмайдилар. Бу эса имоннинг бўшлиғи ва чин эътиқод йўқлигининг аломатидир. Бундай кишилар подшоҳ ҳам худонинг бир бандаси эканлигини эсларидан чиқарадилар. Подшоҳнинг ўлимга ҳукм қилишидан кўрқадилар. Ахир ўлмайдиган ҳеч одам борми? Шундай бўлгач, ўлимдан кўрқишнинг ҳеч фойдаси йўқ. Одам бола-сига албатта бир ўлим бордир. Унинг икки бор дунёга келиши мумкин эмасдир... (...)

...Шундай экан, султонга ҳақ сўзни айта олмай, унга тўғри йўлни кўрсата олмай ўлтириш энг ортиқ даражада ҳимматсизлик, ниҳоятда аҳмоқлик ва нодонликдир. Ўзини ва бутун халқни кўра-била ҳалокат чуқурига ташламоқ дили кўрларнинг ишидир. Қуруқ хушомадлар, бемаъни мақташлар билан давлат ишлари ривожлана олмайди. Балки бундай ишлар натижасида мамлакат хароб бўлиб, хилофат ва салтанат давлати бутунлай вайронликка йўлиқади.

Мана шу ерга келгунча ўтган халифа ва султонларнинг давлат тутиш, низом ва тартибларини ва шу кунлардаги хорижий давлатлар — Эрон, Рум, Рус ва Фаранглар кабиларнинг низомномаларини ва уларнинг ҳоким ва амирлари бу тўғрида тутган равиш ва рафторларини ёздим. Туркистон султонлари ўзларига қўлланма ва дастуруламал қилсин деб уларни бу китобда баён қилдим. Улар (меннинг ушбу баёнимдан) ҳозирга қадар, қандай одамлар салтанатни идора қилганларини,

бундай улуг давлат кимлар қўлида ўйинчоқ бўлганини, давлат даргоҳидан оқил одамларнинг нимага қочиб кетганларини биладилар. Энди қочганларни кечириб, уэрларини қабул қилсинлар. Давлат тахтига чиққан, халқ устига кўтарилган одамларни қайси табақадан эканини текширсинлар.

Агар султон шу низомномага амал қилишни истар экан, оқил одамлардан бир жамоасини маслаҳатга чақирсин. Бунн ўқиб тушунгач, бу сўзларнинг ҳақ эканлигига ҳукм қилсин. Агарда бунинг камчилиги бўлса тўлдирсинлар, ортиқчаси бўлса қисқартсинлар. Бузуқ жойларини тузатиб, сўнгра уни амалга оширишга буйруқ берсинлар. Ёки султон оқил ва олимларга бу рисолаи текшириб чиқишни буюрсин. Улар рисолаининг тузук ва ёки бузуқ эканини кўздан кечириб, мақсадга яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқласинлар.

Шундай бўлганда ҳам мен аниқ биламанки, улар бу рисола ҳақида тўғри фикр юритмайдилар. Уларнинг ҳаммалари бир оғиздан туриб бу рисолада айтилган нарсаларнинг маъни йўқ, пуч, сирти ялтироқ бўяма сўзлардир дейдилар. Бу хаёлий нарсаларни мамлакатда амалга ошириб бўлмайди. Агар бу сўзлар амалга оширилар экан, бундан мамлакатга зиён, салтанатга зарба етади деб исботлашга уринадилар. Улар, қола берса, бу ясама уйдирма сўзлар кимники деб сўрайдилар. Агар борди-ю, фалон кишиники десалар, кулиб, масхара қилиб, ажабо, у одамга қоғоз-қалам ва чизғичдан гапириш керак эди, подшоҳга насиҳат қилишни, давлат интизомини тузишни у кишига ким қўйибди, дейдилар.

Уларнинг бу айтганлари тўғридир. Бутун умрлари давомида ўз истаганларича яшаб юрган одамларни қандай қилиб интизомга солиб бўлади? Ахир, бурни тешилмаган, ўз ихтиёри билан жангалларда ўтлаб юрган лўк туяни бурнига қандай қилиб ин ўтказиб бўлади? Бу оқил одамлар деганларимиз қийинчиликлар кўриб имтиҳондан ўтган, доно раҳбар қўлида тарбиялан-

ган оқиллардан эмаслар. Улар ясама ва бўяма оқиллардирлар. Шунинг учун улар бу сўзларга таслим бўлар эканлар, ўзларига зарар етишдан, обрўларининг тушишидан қўрқадилар. Улар бу сўзларга таслим бўлсалар, касод бозорига учрайдилар. Чунки улар буни билмас эдилар, шунинг учун айтмаганлар. Ёки била туриб, бирор ғаразга кўра, яширганлар. Қандай бўлмасин, мамлакатнинг тузилишига, давлат тузумининг низомли бўлишига ҳаракат қилмайдилар.

Бунинг бирдан-бир кескин чораси шулки, султон ҳукуматга алоқаси бўлмаган, давлат ишларига аралашмаган, халқ ичидаги илмли, ахлоқли ва фаросатли одамлардан бир қанчасини ўрдага йиғсин. Сўнгра подшоҳ улардан шу рисоладаги низомнома сўзларининг ҳақ ёки ноҳақлиги ҳақида маслаҳат сўрасин, сизлар нимага илтифот қилсанглар, биз ҳам шунга амал қилиб, давлат ишларини ўша йўл билан олиб борамиз, десин. Мана шундагина хамирдан қил суғирилгандай, ёлгон ростдан ажралади. Бундан бошқа чоралар билан ҳақиқатга етишиш мумкин эмас. Чунки подшоҳнинг қаҳр-ғазабидан қўрқиб қолган амалдорлар ҳақ сўзни айтмайдилар. Подшоҳ бундай ишларни бизга кўрсатиб, бизни синамоқчи, бунинг тагида бир макрнинг бўлиши эҳтимол, шу баҳона билан бизни жавобгарликка тортиб, мансабимиздан туширмоқчидир дейдилар.

Бу сўзларни жамлаб, ушбу рисолаи ёзишимга яна бир сабаб шулки, подшоҳлардан бошқа ҳар кимга бу рисола етса ва у бунга тушуниб ундаги сўзларга амал қилса, бунинг китоб ёзувчига савоби бўлур деб ўйлайман. Чунки дунёда оилага эга бўлмаган одам кам учрайди. Одам бир юртга ёки бир маҳаллага, ҳеч бўлмаганда ўз қавм-қариндошларига бош бўлади. Шулар билан қилган муомалаларида шу рисолада кўрсатилган тартибни амалга оширса, тирикчиликни инсоф ва адолат билан ўтказди.

Ўтмишнинг ҳикмат эгалари, донишмандлари айтган-

лар; биров бирор илмни ёки бирор ҳунарни ўрганса, ундан халқ фойдалансин учун уни юзага чиқарсин. Ҳеч кимдан уни қизғанмасдан, китобларга ёзиб қолдирсин; токи кўпчиликка тарқалиб, ундан халқ фойдалансин. Фойдали ва ҳикматли сўзлар кишилар томонидан қадрланиш-қадрланмаслигига қарамай, китоб бўлиб ортида қолсин. Ўзи ўлгандан сўнг ҳам билганлар кўриб, ундан фойдаланадилар. Шундай бўлгач, ундай одам тириклигида ҳам халққа фойда етказган бўлади. У ўлгач ҳам халқ унинг китобидан фойдаланади. Билмаганларга ўргатишдан, билганлардан сўрашдан номус қилмасинлар. Билмагани бўлса кимдан бўлса ҳам сўрасин. Ёзганларини ҳар кимга кўрсатсин. Агар камчиликлари бўлса яшириб қолмасин.

Афтоб (Платон), Арасту (Аристотель), Сўқрот (Сократ) каби буюк устозлар дарс устида баъзан ўз шогирдларидан ўрганар эдилар. Уларнинг кўнгилларини кўтариб, зеҳнларини очиб мақсадида улардан ўрганганларини шогирдларига билдириб қўяр эдилар.

* * *

Маълум бўлсинки, бир вақтлар кўнглимга халқдан узоқлашиб, дунёни тарк этиб, ҳеч кимга аралашмаслик талаби тушган эди. Хилватдан хилватга ўтиш учун ҳар қанча қасд қилсам ҳам, буига нафси шайтон тўсқинлик қилар; бу дунёнинг нақш-нигорини кўз олдимга келтириб зийнатлар эди. Ана шу сабаб бўлиб, дунё суратхонасининг ҳақиқатида чуқур фикр қилдим. Душманинг, яъни нафси шайтоннинг ҳужжатларини зеҳнга келтириб, уларнинг далилларини буздим. Улар сўздан ожиз қолишиб, бутунлай енгилб мағлуб бўлдилар. Шунда мен яна матлабга қарата юз қўйиб, бу йўлда бир неча қадам илгари босдим. Аммо менда маданият ҳикматларини юзага чиқариш қуввати бор бўлганлиги, лекин қилган қасдимга ярарли қобилият йўқлиги учун мени у

йўлдан қайтардилар ва менга: «Сен дунёнинг ишоратларини билдиришга сайланган кишисан, дунё сирларини, даражаларини ўзингда сақлаш учун келган эмасан»,— дейдилар.

М и с р а:

Наҳарки сар на тазошад қаландари донад.

Таржимаси:

Сочини олмаган ҳар ким қаландар бўла олмайди.

* * *

(...) Янглиш бир фикр устида тўхтаб ўтайлик. Бу охир оқибатда қисмат бўлиши, ўлганларнинг тирилиши, дўзах ва жаннат ҳақидаги фикрлардир. Дўзахнинг ваҳиммасига, жаннатнинг роҳатига ишониш имоннинг бўшлигидандир. Ахир, у ёқдан ҳеч ким аниқ хабар келтирган йўқ! Кетганларнинг ҳаммаси сукутда, улардан ун чиқмайди. Шундай бўлгач, икки-уч кунлик дунёнинг ноз-неъматларидан фойдаланиш ғаниматдир. Хаёлий сўзларга берилиб, ҳозирги нақд дунё роҳатларидан қуруқ қолиш оқиллар иши эмасдир...

(Яна бир тушунмаслик, хато фикр бор. У ҳам бўлса,) оллонинг бизнинг тоат-ибодатларимизга ҳожати йўқдир. Худо, унга тоат қилмасак ҳам, гуноҳларимизни кечириб жаннатга киргиза олади. Биҳишт (жаннат) биз учун, дўзах эса кофирлар учун яратилган деб эътиқод қилиш қуръон сўзига очикдан-очик қарши чиқишдир (...)(...)

...Инсон бутун умри давомида ҳожатсиз яшай олмайди; тириклик ҳожатлари ҳеч қачон тугамайди. Шунинг учун баъзи болалар ота-оналарининг бутун давлатларига эга бўлсалар ҳам, улардан етарлича рози бўлмайдилар. Бунинг устига ота-оналарининг қилган инъом ва эҳсонларига миннатдорчилик билдирмайди.

лар. Бундай болаларнинг ота-оналари киприклари билан ер ёриб, не-не машаққатлар кўриб уларни боққан бўлсалар ҳам, ота-оналарининг бу ишлари болаларининг кўзига кўринмайди. Улар, боқмай чораси борми, кўр бўлиб боқади-да, дейдилар. Бу гап тўғридир. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ота-она ўз оилаларининг солиб олган қуллари ёки ёлланган малайларидир. Қулнинг кўрган кулфатлари хўжасининг кўзига кўринмаганидек, ота-онанинг тортган машаққатлари ҳам уларнинг болалари кўзига кўпинча кўринмайди. Агар бу сўзнинг тўғрилигига тушунмоқчи бўлсанг, инсоф қилиб ўйлаб кўрчи, сен отангга нима қилгансан? Шунини ўйлава эсингдан чиқармаки, отангга нима қилган бўлсанг, болангдан ҳам шунини оласан.

Б а й т:

Бу бажойи падар чикарди хайр,
Ки ҳамон чашмдори аз писарад.

Таржимаси.

Сен отангга ҳар на қилдинг яхшилик,
Қут болангдан яхшиликка-яхшилик.

(...) Майхўрлик фитна-фасоднинг уяси бўлиб, ҳамма бузуқчиликлар шундан келиб чиқади. Майхўрлик базмларида хунук воқеалар юз бериши мумкин. Оқиллар эса бундай ишларга йўл қўймайдилар. Агар майхўрлик доимий машғулотга айланса, ундай кишилардан дунёвий ишларни кутмаслик керак. Чунки маст бўлиб юрганлар дунё ишларининг ҳеч бирига ярамайдилар (...) (...).

ДУНЁ ТАРИХИ ВА УНИНГ ҚАДИМЛИГИ ҲАҚИДА

Дунёнинг қачон яратилганлиги ва ўшандан бери, қанча вақт ўтганлиги ҳақида ҳукамоларнинг ўзаро қарама-қарши фикрлари жуда кўпдир. Булар ичида ҳинд, хитой ва форс ҳукамоларининг фикрлари машҳурроқдир. Ҳиндларнинг айтишича, дунё йилларининг ўтиб туриши тўрт даврга бўлингандир. Ҳар бир даврнинг узунлиги қирқ уч лак¹, йигирма минг йил шамсия² бўлиб, бу эса тўрт қаринга³ бўлинади. Аввалги қаринни ростжак⁴ деб атайдилар; бунинг узунлиги шамсия ҳисоби билан 17 лак йигирма минг йилдир. Иккинчи қаринни таратиё⁵, дейдилар; бунинг муддати эса ўн икки лак, олтмиш минг йилга етади. Учинчи қаринни давомис⁶ дейдилар; бу эса саккиз лак, олтмиш минг йил бўлади. Тўртинчи қарин калжак⁷ бўлиб, бу-

¹ Лак — юз минг.

² Шамсия — Қуёш системаси йили

³ Қарин —

⁴ Ростжак —

⁵ Таратиё —

⁶ Давомис —

⁷ Калжак —

} Олам тарихининг даврлари — Тарж.

нинг муддати тўрт лак, икки минг йилдир. Уларнинг ҳисобларига кўра, бир минг икки юз ҳижрия тарихида биз калжак қаринда турамиз. Яна шу йили энг юқоридаги икки юлдуз саври буржида қирон бўлди, яъни қўшилишди. Бу қариндан тўрт минг тўққиз юз саксон тўрт йил ўтиб, ундан тўрт лак, йигирма етти минг, ўн олти йил қолди. Қачонки, калжак қарнининг қолган йиллари ҳам тамом бўлса, юқоридаги тартиб бўйича оламнинг иккинчи давраси бошланади. Уларнинг тахминларича, оламнинг яратилишидан бошлаб шу кунгача бир ирб⁸, тўқсон беш курур⁹; эллик саккиз лак, тўрт минг тўққиз юз саксон тўққиз йил ўтган бўлади. (Бир миллиард, тўқсон беш миллион эллик саккиз юз тўрт минг тўққиз юз саксон тўққиз — 1.095584989).

Хитой ва уйғур ҳукаюларининг тахминларича эса, оламнинг яратилишидан бошлаб бу кунгача етти минг етти юз олтмиш тўрт дун, икки юз тўқсон беш йил ўтгандир. Булар йилларнинг ўтишини уч даврга бўладилар. Учинчи даври — «шангун»дан шу кунгача етмиш олти йил ўтган. Буларнинг ҳисобича, ҳар «дун» ўн икки минг йилдан иборатдир. Бу уч давр тамом бўлса, яна айланиб қайта бошдан тушади дейдилар.

Аммо форс ва ажам ҳукаюларининг айтишларича, оламнинг ҳар давраси уч юз олтмиш минг йилдир. Шу давра тамом бўлгач, яна қайтадан давра бошланиб, шу муддат ўтгунча давсм этади. Буларнинг айтган даврлари эса сабъан сайёра юлдузлари ҳамал буржининг биринчи нуқтасида тўпланган вақтидан бошланади. Форс ва ажамликларнинг тахминларича, дунё яратилганидан бошлаб, шу кунгача бир лак, саксон тўрт минг, тўққиз юз саксон саккиз йил ўтган.

Олам тарихи ҳақидаги бу фикрлар оламнинг қадимийлигига боғлиқдир. Бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам,

⁸ Ирб — миллиард.

⁹ Курур — миллион

албатта, тахмиийдир. Қарасаларки, осмон жисмлари юлдузларнинг ҳаракатлари даврий тариқасида экан. Бундай ҳаракатнинг боши ва охири бўлмаса керак. Уларнинг ҳаракатлари мағрибдан-машриққа тўғри бўлиб, уларда ҳеч ўзгариш ва бузилиш йўқ; бир хилда айланадилар. Буларнинг айланишига бошқа бирор нарса туртки бўлаётганга ўхшамайди. Шунда бу ҳаракатлар осмон жисмларининг ўз талаблари орқасида бўлаётир, деб гумон қилишган. Шунинг билан улар оламнинг қадимийлигига мойил бўлганлар (...).

...Ҳинд, хитой ва форс ҳукамолари оламнинг қадимийлигига зўр эътиқод қиладилар. Чунки оламнинг ҳақлигига ишониш қиёматнинг бўлишлигини тан олишдир. Бу эса диний фармонларни бажариб, унга бўйсуншни тақозо қилади. Қиёматнинг бўлиши илоҳий китобларда ёзилган. У ҳукамолар эса бу сўзнинг рост чиқишидан қўрқиб, оламнинг қадимийлигини исбот қилмоқчи бўладилар. Чунки қадимийлиги исботланган нарсанинг йўқолиши мумкин эмасдир... Мана шунинг учун улар оламнинг қадимийлигини қайд қилиб, бу жаҳон ҳеч қачон йўқ бўлган эмас ва йўқ бўлмайди, бу олам доим бор бўлади; биздан илгари ҳам бу дунёга одамлар келиб ўтганлар ва яна келадилар; балки биз ҳам бир неча марта келганмиз ва яна келамиз; бу иш чексиз ҳолда давом этади дейдилар (...).

* *

*

...Дунёнинг яратилганлиги ва унинг охирати ҳақида қуръонда ёзилган нарсаларни ўқиб фикр қилдим. Хўш: қабрга шу ер устидан кирсак ва вақтики келиб қабр ичида яна тирилтирилсак, сўнгра бизни қиёмат арасот майдонига қандай олиб борадилар? Агар беҳишт (жаннат) машриқда ё мағрибда бўлса, у ерга қандай бориб бўлади? Агар устимизда бўлса, унга қандай қилиб чиқилади? Чунки таркибий танимиздаги бу оғирлигимиз

билаи узок йўл юришга қудратимиз йўқдир. Агар миндириб олиб борсалар, бунчалик кўп халққа от-улов қандай етишади? Ана шу масалалар устида фикр юртиб, дилимга мурожаат қилдим. Ундан олган жавобларимни қуйида ёздим. Чунки бу масала оламнинг қадимийлигига алоқадордир.

Сарвари олам жаннатнинг усти оллонинг арши деганлар. Бу гапнинг маъносидан аршнинг қадимийлиги ва унинг фоний эмаслиги келиб чиқади. Бундан ташқари олло ер ва осмонни етти кун ичида яратди деган оятдан ҳам коинот яратилмасдан илгари аршнинг борлиги ва уни 'бутун коинот йўқотилган тақдирда ҳам мавжуд бўлиб қолишлиги маълум бўлади (...) (...).

ЕРНИНГ ТАРКИБИ, ЕР ОСТИ МАЪДАНЛАРИНИНГ
ЯРАТИЛИШИ ВА УНГА АЛОҚАДОР СУЗЛАР
ҲАМДА САМАНДАР ҚУШИНИНГ
БАЕНИ ҲАҚИДА

ир куни яқин дўстларимдан бири деди: Бу кеча мен катталардан бирининг мажлисида бўлдим. У ерда ҳар табақали кишилар бор эди. Мажлис аҳлларидан бири: «Мен фалғар ўлкасининг тоғ ичларига кирдим; у ерда бир чуқур кўрдим, ундан ўт қайнаб кўкка кўтарилиб туради»,— деди. Унинг ҳикоясига қараганда, ўт рангли майда қушлар ўт билан юқори кўтарилиб яна ўт билан пастга тушиб кетар эканлар. Бу қушларни самандар деб айтар эканлар. Энди бу самандарлар ўт ичида қандай яшайдилар? Сиз бу ҳақда нима дейсиз? Бунга ишона оласизми? У мажлис аҳлларидан қаноатланарлик сўз эшитмагач, бу тугунни ечишни сенинг тугун ечар тирноғингга, тош ёрар ўткир фикрингга қолдирган эдим, деди. Мен унга айтган жавобларимни бу варақлар юзига ёздим:

Олам саёҳатчиларидан бири айтган Фалғар ва Фон тоғларининг шарқ томонидан кирдим; бу тоғлар ер юзидаги тоғларнинг энг улканларидан ҳисобланади. Буларнинг боши Хитойда бўлиб, давоми Самарқанд ва Бухоронинг жанубидан ўтади ва Эрон тупроғига киради. Бу

тоғларда оллонинг чексиз қудрат ва санъатларига далил бўлгудек кўп ажойиб ва ғаройиб нарсаларни кўрдим. Улардан бири шуки, бир баланд тоғ бошининг энг юқори чўққисида кенг ва текис бир майдонга чиқдим. Унинг устида бир ғор бўлиб, ғорнинг хумнинг оғзидек тешигидан қуёш рангидаги ўт ўн газ юқорига отилиб турарди. Бу тешикдан қаттиқ сиқилиб чиққан ўтнинг даҳшатли овози бир фарсах¹ ердан эшитилар эди. Бир оз фурсат ўтгач, отилиб турган ўт ғор остигач тушиб кетиб, бир оздан сўнг яна ўшқириб юқорига отилиб чиқар эди. Бу ҳол пўлат эритиб, тўп қуйиб турган ишхона каби даҳшатли кўринар эди. Ғорнинг атрофидаги беш-олти газ ер мисдек қизиб турганлигидан, унга яқинлашишнинг имкони йўқ эди. Шу тоғларда яшайдиган халқлар эса хамирларини келтириб шу тешик атрофидаги қизиган тошларга ёпиб нон пиширар эдилар. Гоҳи чоқларда ўйин-томоша кўриш учун хамирдан майдалаб тешик оғзига ташлар эдилар. Ўт кўтарилган чоқда ўт шаклли майда қушчалар учқунга аралашиб ҳавога кўтарилиб парвонадек ўт ичида учиб юрар эдилар; Гоҳида тешик оғзидagi хамир ушоқларини олиб яна ўт ичига кирар эдилар. Агар қушлар бирор сабаб билан ўтдан чиқиб қолсалар, балиқ сувдан чиққандек, шу дамдаёқ ўлиб қолар эканлар. Уларнинг суратлари эса сичқонга ўхшаб, усти ўт ранги — қизил, кўкраги оқ, сариқ; қаноти, қуйруғи ва тўрт оёғи бўлган. Рангининг қизиллиги ва икки қаноти бўлмаганда сичқондан унинг ҳеч фарқи бўлмаган. Сўзи шу жойга етгандан сўнг бу ҳақда сен нима дейсан, у ўт қаердан чиқади? Ўтнинг ўчмай ёниб туришининг сабаби нимада? Ўтнинг ичидa майда самандар қушчалари қандай яшайдилар? Улар нимадан пайдо бўлганлар деган саволларни берди. Сўнг мен унинг саволларига қуйидагиларни айтдим:

¹ Фарсах — масофа ўлчови бўлиб, бир фарсах қарийб 8 километрга тенгдир — *Ред.*

Билмоқ керакки, гоҳида яшнаб, гоҳ вақтда бўзариб турган бу еримиз юқори ва қуйи оламнинг марказидир. Фалаклар, Ой, Қуёш ва юлдузлар унинг атрофидан айланадилар. Тухум қобиғи жўжа чиқариш учун ичидаги мағзини асраганидек, ҳамма фалаклар уни асраб, тарбия қиладилар. Шунинг воситаси билан ер қорнида уч моволид, яъни ҳайвонот, набодот, маъданиёт яратилади. Буларнинг яратилишлари эса кавни фасод, яъни бузулиш ва тузилиш қонунига асосланмишдир. Тузилишнинг бошланиши иссиқ билан ҳўлликдан бўлганидек, бузулишнинг сабаби эса совуқ билан қуруқликдан бўлади. Бу тўрт унсурнинг аралашганидан турли сифатдаги нарсалар вужудга келади. Ақл ўлчови билан жисмлар оламининг яратилиш йўли шундаки, фалакил бўруж, яъни саккизинчи фалакнинг ўтлик уч бурчидан доим иссиқлик тушиб туради. Шунга ўхшаш унинг ҳаволик уч бурчидан тўхтсвсиз совуқлик, сулик учбурчидан ҳамиша ҳўллик, тупроқли учбурчидан эса доимо қуруқлик тушиб туради. Аммо бу тўрт унсурнинг тушиши кетма-кет бўлиб, ораларида ҳеч вақт узилиш бўлмайди. Энди бу осмонлар ва улардаги юлдузлар ўз даврларини керагинча етказганларидан сўнгга бу тўртовни ойнинг фалаги остида тўпланиб аралашадилар. Буларнинг энг енгил ва тиниқлари ўт, ҳаво орқали юқоридан жой олиб тўхтайдилар. Буларга қараганда оғир ва қуюқ бўлганлари эса тупроқ ҳамда сув бўлиб пастликда туришга қарор толади. Булар ичида энг оғир ва энг қалинроғи тупроқ бўлганидан, ҳаммадан тубанроқда жойланиб, ҳаёт оламининг маркази ҳисобланади. Қолган учови тухумнинг пўсти сариғини ўраганидек, Ернинг атрофини ўраб, доимо ернинг ички ва ташқи тарбияси билан шуғулланадилар. Бундан эса таркибли жисмлар пайдо бўлади. Демак, бу тўрт унсурнинг қўшилиши ва аралашилишидан Ер юзага чиқади...

Бечора тупроқ қоқ ўртада турганлигидан, қолган уч унсур унинг атрофига мажбурият ила уюшадилар. Чун-

ки уларнинг орқаларидан қамчилаб турадиган ҳайдовчилари бордир. Шунинг учун уларнинг ҳаммалари ихтиёрсиз юриш билан марказга қараб юзланадилар. Темирчи ишни тезлатганида болгани сандонга қандай тез туширса, юқоридан ерга тушиб чиқини ҳаракатлари бундан ҳам тезроқ бўлиб туради. Бу ҳаракатлар жуда тез бўлганидан, улар кўзга кўринмайди. Бу унсурларнинг ерга тушишлари тўхтовсиз бўлганидек, ердан юқорига кўтарилишлари ҳам тўхтовсиздир. Булар ичида ўт унсури соф ва енгил бўлганлигидан, ҳаммадан илгари марказга етиб, бу заиф тупроқни марказдан қўзғаб, уни тарқатиб юбориб, жойини ўзи эгаллайди; тупроқни эса юқори кўтаради. Ўт марказга етиб ўз таъсирини кўргазгандан сўнг, сув ҳам тўхтовсиз ўзининг оғирлик ва сустлигидан, марказ томонга жўнаб, ўт кўтариб чиқарган тупроқни босади ва яна марказга ҳайдайди. Ич томондан ўт тупроқни туртиб яна юқори суриб чиқаради. Шундай қилиб, остидан ўт, устидан сув — икки орада қаттиқ суришишлар юзага келади. Бунинг натижасида марказга тушган ўтнинг устки томонига ёпишиб тўпланган тупроқ ўт ва сув ўртасида пишиб тошга айланади... Юқоридан ўт моддалари марказга тўсиқсиз тушиб туриши ҳамда инсон ва ҳайвонларга макон бўлиши учун ернинг тўртдан бирини очиқ қолдирдилар. Бу ерга тушган сувлар эса ер ости ва усти ҳароратнинг таъсиридан тарқалиб, унинг усти қуруқ бўлиб туради.

Ер ости ўти марказга етганида ундан қуюқ буғ ажралиб қолиб, унинг мусаффо, тиниқ суюқлиги дастлаб чиққан юқори жойига қайтади. Сув марказ атрофига етса, унинг лойқаланганлари у жойдаги ёпишқоқ балчиққа қўшилади. Соф тиниқлари эса ҳаво табиа­ти билан булоқлардан, ер тешикларидан, тоғ ораларидан келиб чиқади. Ортиқчалари эса оқиб бориб улуғ денгизга қўшилади. Шунга ўхшаш ҳаво ҳам табиятнинг қистови остида ер қатламлари орасига кириб, унга бошқа моддалар қўшилиб қуюлади ва ҳайвонлар, ўсимлик-

лар ва маъданларнинг мағизларига кириб сингади. Унинг соф, тоза суюқлари у жойдан сачраб чиқиб ўт кураси остида ўз марказига қўшилади.

Бизнинг бу исботимизга кўра, Ернинг ичи уч табақадан таркиб топган бўлади. Биринчи табақаси қуруқ тупроқдирки, бунинг тўртдан уч ҳиссаси денгизга ботмишдир. Иккинчиси ёпишқоқ лой табақасидир. Бу эса юқоридан тушган ҳўллик воситаси билан тупроқ лойга айланиб, тош табақасини ўраб олмишдир. Учинчиси сахро тош табақасидир. Бу эса ер остида қизғин буғ бўлиб ҳўлланган тупроқни пишириб, уни тошга айлантиргандир. Аммо ер марказининг ўзи эса қизғин, сассиқ буғ билан тўлдирилган ва у ичи бўш тарвузга ўхшайди...

Бундай қизғин иссиқ буғнинг ер марказида қамалиб туришида неча минглаб ҳикматлар бордир. Чунончи, бу ҳикматларнинг бири Ер атрофининг ичкари ва ташқаридан катта тоғлар билан мустаҳкамланишидир. Акс ҳолда, ташқаридан дарёларнинг мавжлари, ичкаридан буғларнинг ҳужумлари бўлиб, бечора ерни парчалаб юборар эдилар. У ҳикматларнинг яна бири шуки ер устидаги бунча кўп улуг тоғлар шу марказда қайнаб қизиб ётган буғларнинг таъсиридан пайдо бўлиб, ернинг аъзосига тоғлардан мих қоққандай бўлиб ернинг тарқалиб кетишидан сақлайди. Ана шунинг воситаси билан тоғларнинг бағрида халқ фойдаси учун маъданлар ва ҳар хил қимматбаҳо асл тошлар пайдо бўладилар.

Қуруқликдаги ва денгиз ичидаги тоғларнинг пайдо бўлишига сабаб ўт унсурининг тўхтовсиз тепадан ер марказига тушиб, яна ўз жойига қайтиб чиқишидир. Мана шу чоқда унинг энг енгил соф ва тоза қисми тош қатламининг ёруғларидан, ернинг бўшлиғидан йўл топиб юқорига кўтарилади. Ер устидаги тутун ва буғларга аралашиб ўзининг софлиги ва енгиллигини йўқотганлари эса йўл топиб чиқолмай, ер марказида қамалиб қолади. Лекин унда ҳам юқори томонга интилиш кучи

бўлганлигидан доим юқори чиқишга йўл ахтариб, шу ёққа томон тортилиб туради. Унинг шу ҳаракатларидан тош қатламларида ёрилишлар ва айрилишлар пайдо бўлади. Қаттиқ қизиган тандир дарз кетиб ёрилганидек, тош ҳам дарз кетиб ёрилади. Марказда қамалиб турган буғлар шу ёриқлардан йўл топиб юқори кўтарилади. Лекин юқоридан марказга узлуксиз тушиб турадиган рутубатлар унга тўсқинлик қилганлигидан ташқарига чиқиб кетолмайди ва ўзида бўлган иссиқлик кучи билан турган жойининг атрофини тошга айлантиради. Натижада тош табақаси остидаги ёпишқоқ лой ичида тоғ пайдо бўлади. Агар бу ёрилиш, ажралишлар кенгроқ бўлса аввалги тоғнинг атрофидан ва унинг устидан иккинчи бир тоғ униб чиқиб тупроқ қатламининг ичида туради. Агар у ёриқлар яна ҳам каттароқ ва кенгроқ очилган бўлса, ундан пайдо бўлган тоғлар ҳам катта бўлиб, денгиз ичидан ёки қуруқликдан бош чиқариб, ўз катталикларига қараб юқори кўтариладилар. Агар бу тоғларнинг тағларидаги моддалардан уларга мадад етиб турса, улар борган сайин улуғлашадилар. Акс ҳолда, денгиздагилари сувдан бош чиқаролмай узоқ йиллар ўтгандан сўнг сувга ем бўлиб йўқолади. Шу каби қуруқликдаги тоғларни ҳам, агар остидан модда етишиб турмаса, ҳаво еб тугатади.

Ўтган ҳукамолар тоғлар ичидаги маъданларнинг пайдо бўлишларини қуёш нурининг таъсиридан деб билганлар. Ақли комиллар бу сўзни қабул қилишдан чекинадилар. Ҳақиқатда эса тоғлардаги ҳамма маъданлар ер марказида қамалган ўша иссиқ буғдан пайдо бўлади. Унинг тартиби шундаки, марказдан чиққан қизғин буғлар тоғ томирларига тарқалади. Ундан йўл топиб чиқиб кета олмаса узоқ замонлар тоғ бағрида ётиб пишиб етилади. Агар у қамалган буғ суюқ ва енгил бўлса, ундан ёқут, олтин, кумуш каби қимматбаҳо маъданлар пайдо бўлади. Агар у оғир ва қуюқ бўлса, ундан темир, мис каби маъданлар туғилади. Тоғлар ва маъ-

данларнинг яратилишида қуёшнинг хизмати ҳаммадан кўпроқ десак, у ҳолда, ўтган ҳукамоларнинг сўзлари ҳам тўғри бўлади.

Булоқ сувлари ва тоғ устларидаги ғор ва чуқурликларнинг пайдо бўлишларининг сабаби шулки, тоғларнинг оғирлигидан ёпишқоқ лой табақасида ёки қуруқ тупроқ табақасида бирор жой ёрилиб ажрайди. Лой табақасида ёки тупроқ табақасидан бир қанча ери бир томонга сурилиб ўрни очилиб қолади. Бунинг сабаби эса ҳароратлик буғнинг ер марказидан юқорига кўтарилиши ёки тоғнинг баъзи бир жойлари бўшашиб кетганлигидир. Шундай бўлгач, тош табақаси остида йиғилган суюқлик ёки тупроқ табақаси тагида қамалган буғ қайси томондан бўшлиқ, юмшоқ ер топсалар, шу ёққа қараб ё чиқиш, ёки тушиш ҳаракатини қиладилар. Ер остида тикилиб-сиқилиб ётган буғларнинг бундай кучли ҳаракатларидан ўша ерда зилзила пайдо бўлади. Бундай тоғ атрофидаги баъзи жойлар ёрилиб сув булоқлари оқади; ёки у ҳароратнинг зарбасидан ер ёрилганда ундан қаттиқ садоли товуш чиқади. Тоғ тепаликларнинг оралари ажралиб, улардан унгур, тешиклар пайдо бўлиб қолади.

Баъзан ҳароратли буғлар ернинг чуқурроқ жойларида қамалиб қолади. Бу ҳам бир ҳикматдан холи эмасдир. Яна бир неча булоқлардан оққан сувлар бир ғорга кириб ер ости йўл билан иккинчи бир жойдан чиқиб булоқ бўлиб оқади. Гоҳида қуриб қолган бир булоқдан қаттиқ шамол ёки ўт, ёки тутун чиқиб туради. Ёки ўт шуъла уриб турган тешикларнинг ўти ўчиб, яна ундан сув чиқади. Бунинг пайдо бўлиши шундайки, ер ости марказидан ёрилиб тоғ чўққисигача унинг дарзи кетган бўлади. Баъзан ўт йўллари тўсилиб, сув йўллари очилганда сув булоқ шаклида оқади. Гоҳида сув йўллари бекилиб, у тешиклардан ғариллаб ўтлар сочилади. Ўтнинг ғариллашининг сабаби эса бу ўт тешигининг ик-

кинчи томонидан шамол урадиган яна бир тешик борлигидандир.

Бу ўтнинг шуъла уриб алангаланиб ёниши ер қорнида қамалган баъзи бир ёнувчи моддаларнинг аралашуvida бўлади. Йўқ эса темир ва тошлардаги ўтлар каби марказдаги ўтнинг ранги ҳам, шуъласи ҳам бўлмайди. Бизнинг ост-устимиздаги ўтлар ҳам рангсиздир. Қачон бир-бирларига қаттиқ урилганларида, улардан ўт пайдо бўлиб, ердаги нарсалар билан аралашгандан сўнг, унга ранг кириб, куйдириш кучига эга бўлади.

Энди самандар қушига келсак, бу қушнинг яратилиши тўғрисида менинг ақлимга келган илҳом шулки, бу жонивор аслда чўл сичқонларидан бўлиб, бирор сабаб билан тоғ бағрига кириб, нимадандирки, чиқар йўли тўсилиб, унда қамалиб қолгандир. Тоштешар тишлари билан ҳар томонга йўл солсада, чиқиш учун йўл тополмайди. Ер остига қамалган тутун буғлардан тўпланган ширали, ёгли моддалардан озиқланади. Бу сичқонлар узоқ ётган қор тагида пайдо бўладиган қуртлардек, тоғ қорнида пайдо бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Сўнгра ер ости марказидан ёрилиб, бу тоққа дарз тушади. Марказдан чиққан иссиқ буғ доим буларни уриб турганлигидан, шунга ўрганадилар. Бора-бора бу сичқонларнинг тупроқлик таркиблари ўт таркибига айланиб, ўт мижоз бўлиб қоладилар. Ер ҳайвонидан чиқиб ўт ҳайвонлигига ўтадилар. Улардаги сичқонлик сифатлари бутунлай йўқолади. Сўнгра улардан қанот ва қуйруқ ўсиб чиқади. Шундай қилиб, бу жонивор сичқонликдан қутулиб қушга айланади. Шу ўт алангаси атрофида тухум қўйиб бола очади. Шам атрофида учувчи парвопалардек бу қушлар шу ўтнинг шуъласида айланиб учиб юрадилар. Ризқларини ҳам шу атрофдан топиб ейдилар. Лекин уларнинг ўт ичида тухум қўйиб у жойдан бола очиб чиқишлари ақлдан узоқдир. Чунки пўлат тоғлари чидай олмай, эриб турган бир тандир

ичида у қандай чидай олади? Агар марказнинг рангсиз ўти ичида ётиб тухум қўяди десак, бу иш мумкиндир. Чунки у ўтнинг куйдириш кучи йўқдир.

Бизнинг қилган тадқиқотларимиз юнон ҳукамоларининг мазҳабларига мувофиқдир. Бутун ҳукамоларнинг айтишларича, ернинг шакли куравий, яъни юмалоқдир. Фалаклар унсурлари дол ўртасида ҳеч нарсага суянмай муаллақ турадилар. Фаразларнинг тоғ ва сувларни сайёҳат қилган олимлари ер курасини айланиб ости-усти ва жануби шимолларини неча мартадан ўлчаб чиққанлар; ернинг юмалоқ тўп шаклида эканлигини ақлий далиллар билан исбот қилганлар. Мана шу кунларда инглиз давлатлари томонидан уларнинг бир неча сайёҳ олимлари шимолий ва жанубий қутбларни текшириб чиқишга буюрилган бўлиб, улар эса ҳозир ўша томонларни текшириш устида турадилар (...).

РУҲ ВА УНИНГ ТАНАГА МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

Бир куни қабристонни зиёрат қилмоқчи бўлиб ҳужрамдан чиқдим. Кўчадан ўтиб кетаётсам, бир эркакнинг чалчиқ сув ичига йиқилиб ётганига кўзим тушиб қолди. У чалчиқ сув ичига қулоғига ботиб кетганлигидан нафас ололмай қолган, шу сабабли бошини гоҳ кўтариб, гоҳида ташлаб жон талашмоқда эди. Унга ёрдам қилай деб ҳарчанд ҳаракат қилсам ҳам бўлмади; унинг аянчли аҳволидан қаттиқ таъсирланиб ўтиб кетдим. Зиёратдан қайтишимда қарасам у бечоранинг жони чиқибди. Буни кўриб ўлиш ва тирилиш, жоннинг танга муносабати ҳақида чуқур фикр юритдим. Кўнглимга келиб қулоғим эшитганларни бу варақ юзига ёздим.

Биров сендан тўққизинчи фалак нима деб сўраса, арш деб жавоб берасан. Агар унинг юқорисини сўраса, жавоб тополмайсан. Чунки ақл ўзидан юқори бўлганига йўл топиб ифода қилолмайди. Аммо ақл ўзидан тубандагиларни идрок қилиб, улар ҳақида бурро жавоб бера олади. Шунинг учун аршнинг юқорисидан гапиришга ақлнинг ҳадди йўқдир. Шунга ўхшаш руҳ иши

ҳам арш устида бўлганлигидан унинг ҳақиқатини билишга ақл қодир эмас. Инсон ўз руҳининг нима эканлигини билишга ожизлик қилар экан, бутун коинотни яратувчи улуг тангрининг ҳақиқатини шу қисқа ақли билан қандай била олсин? Шунинг учун инсон оллонинг зоти тўғрисида фикр қилишдан қайтган...

Руҳ шундай басит гавҳардирки, у ҳаёт оламини яратиб, ажойиб ва ғаройиб санъатларни юзага чиқишига воситадир. Оламдаги юлдузлар, унсурлар, ҳайвонот, набодот ва маъданиёт руҳ туфайли ободдир. Руҳ иккига ажратилиб, энг аълоси ва энг мусаффоси инсонга сингдирилган. Энг тубан даражадаги қуйқумлари инсон учун яратилган ҳайвонларга берилган. Инсонга сингдирилган руҳ доимо қолади, ҳайвонлардаги руҳ эса уларнинг жисм ва таркибларини қувватлаб, инсон хизматларини бажо келтириш учун ато қилинган...

Қадим оламдан юборилмиш бу руҳнинг ақллардан нафсларга, нафслардан фалакларга, улардан юлдузлар, унсурлар, ҳайвонот, набодот ва маъданиётга ўтиши ички тарафдан бўлиб, маънавий ўтиш ҳисобланади. Юқориги нарсаларга руҳнинг тўкилиши эса фақатгина ҳаёт оламини пайдо қилиш учундир. Юқори ва қуйидаги бунча кўп қурилган дўконларнинг ўз вужудлари матлуб эмас. Шунинг учун уларни сақлаб туришнинг ҳожати йўқдир. Масалан, денгиздан ажратилган сув кўл бўлади; кўлдан катта анҳорлар чиқади. Ундан ариқлар оқиб, бора-бора чуқур ва сойларга тушиб йўқолади. Аммо шу орада қанча боғу бўстонлар обод бўлади; экин, зироат, дарахтлар ва ҳар хил ўсимликлар униб чиқади. Ёки кулол бир қанча тупроққа сув солиб, уни лой қилади. Сўнгра ундан кўза, хумча ва косалар ясаб чиқаради. Кулолнинг мақсади ана шу асбобларни пишириб чиқариш эди. Бу мақсад қўлга киргандан сўнг унга сарф бўлган сувни улардан чиқариб олиш кулолнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Инсондан бошқа таркибли жисмларга киритилган руҳлар ҳам шунга ўхшайдилар.

Руҳ воситаси билан уларнинг жисм танлари қувват топиб, инсонга хизмат қиладилар ёки инсон учун сарф бўладилар. Аммо инсон эса оллонинг халифасидир. Худо унга амри наҳл қилиб, ёмонлиги учун азоб, яхшилиги учун савоб беришга ваъда берган. Шундай бўлгач, инсоннинг вужуди албатта йўқолмаслиги, унинг ҳамisha бор бўлиб туриши лозимдир...

Руҳнинг баданга алоқаси шуки, тан чироғнинг ёғи ва унинг пилтасига, руҳ эса пилтага тушган шуълага ўхшайди... Бу чироғни маслаҳат билан ясайдилар. Унинг баъзи бири яхши ёруғ беради, баъзисининг шуъласи хира бўлади; айримлари узоқ жойларни ҳам ёритгани ҳолда, айримлари эса бир уйни ҳам ёрита олмайди.

Бу чироғлар тайёр бўлгандан сўнг, абадий ҳаёт қуёшидан бир шуъла сачраб пилтага туташади ва қалб чироғини ёндиради. Энди бу қалб чироғининг бирдек ёниб туриши учун унинг асл таркиблари чироғнинг асбоблари сақлангандек ўз кучини йўқотмай, ўртача ҳолда сақланиб туриши лозимдир. Бу зарурий ҳолат эса ички ва ташқи сабабларга кўра, кундан-кунга озая боради. Шунинг натижасида жисм чироғининг шуъласи ҳам тадрижий равишда пасая бошлайди; бора-бора ёғи ва пилиги тугаган чироғдек ўчиб қолади. Ана шуни ўлди—вафот бўлди дейдилар. Инсоннинг таркибий аъзолари комил зарурий ҳолатда бўлса, нужум қонунларига риоя қилинса, маънавий ва жисмоний тарбияси қувватли бўлса, бундай боланинг умри табиийга етиб, 120 йил яшайди. Бунчалик узоқ умр кўриш учун емак-ичмакка, тиббий қонунларга қаттиқ риоя қилиш ҳамда мижознинг соғлом бўлиши шартдир...

Руҳнинг табиий манбаи юракдир. Юрак қаттиқ гўшдан ва кемирчак ҳамда чарви ёғлардан таркиб топгандир. Юрак суратининг санобар шаклида бўлиши аторутдан¹, аъзосининг бир-бирига тутшиб туриши

¹ Аторут — Меркурий

зуҳалдан², қоринчаларида қон сақлаши миррихдан³, шаклининг мўътадил ва чиройлилиги зуҳрадан⁴, ранг олиши ойдан, бақо ва жилоси, ҳаёт қабул қилиши қуёшдан, бутун аъзосига ҳаёт нурининг етиши муштаридандир⁵. Агар шу етти тарбиячи юлдузлардан бирортаси ўзига хос бўлган касалликларга учраб, унинг қуввати заифлашса улардан тарбия олиб турган юракка ҳам нуқсон етади.

Ўрни нуқсонлик бўлганидан руҳни ўзига етарли миқдорда қабул қилмаган; унга қараб руҳ ҳам оз миқдорда бўлса ҳам қабул қилинганича у жойга киради. Руҳнинг жойлашган қолипида узоқроқ туриши ёки ундан тезроқ чиқиши унинг ва у кирган узурнинг куч-қувватига боғлиқ. Дилга кирган бундай руҳ, агар ундан чиқар экан, эгасига унинг ҳеч қандай дарди-алами сезилмайди. Кишини ўлар чоғида талвасага тушиб кўп қийиналишининг сабаби шуки, инсоннинг ҳаёти учун зарур бўлган тўрт хил модда бордир: ҳарорат, бурудат, рутубат ва юбусатлардир. Мана шу моддаларнинг ўлчовлари бузилиб бир-бирларидан ортаётган бўлса, дилнинг мижози бузилади. Ҳаёт йўлини қабул қилишликдан дилга тўсқинликлар тушади. Мана шу тўрт унсур орасидаги иттифоқсизликдан тортишувлар пайдо бўлса киши жон талашиб талваса қилади. Демак, мижознинг бузилиши тўрт модданинг қайси бири ғолиб бўлса ўшандан пайдо бўлади. Масалан, бирор бетоб одам менинг касалим иссиқдан деб ўйлаб совуқлик қила бериб, юрагининг мижози учун зарур бўлган ҳароратни қолдирмай яна бунинг устига бир кўза совуқ сувни ўз бошидан қуйиб юборган бўлса ёки, аксинча, бир табақ ўтми устидан тўкса, ана шунга кўра руҳ қушининг қафаси бўлган тан қолипи бузилади. Буни кўриб руҳ дарҳол асли ва-

² *Зуҳал* — Сатурн

³ *Миррих* — Марс

⁴ *Зуҳра* — Венера юлдузи

⁵ *Муштари* — Юпитер.

танига қараб учади. Чунки тан қафасининг соғлом бўлиши шу тўрт унсурнинг баробар тенглашиб туришига боғлиқдир. Шу тўртовидан тобланган ип билан руҳнинг оёғини боғлайдилар. Руҳ бу банддан бўшар экан, шу ондаёқ ўз жойига парвоз қилиб, таннинг тор қафасидан қутулади.

Агар ҳаёт оламидаги ҳамма жонли нарсалар ўз ҳаётларини олло нурининг шуъласи тушганлигидан топган бўлсалар, инсондан бошқа ит, эшак, тўнғиз каби ҳайвонларга ёки бўри, айиқ, йўлбарсга ўхшаш йиртқичларга ҳам шу нурдан етиб турса, у ҳолда шундай пок ва муқаддас бўлганиб хорланмайдими десалар, бунга жавоб шулки, руҳлар иккига бўлиниб уларнинг бири таркибсиз басит, иккинчиси эса мураккабдир. Бутун коинотга оллодан тушган дастлабки ҳаёт нурининг шуъласини басит руҳ дейдилар. Аносур оламини пайдо қилиб асли мақсад бўлган инсонни ер юзига чиқариш учун арш остидан бошлаб фалаклар, юлдузлар, ой ва қуёшларга ўтган руҳларни мураккаб руҳ деб атайдилар. Шунинг воситаси билан унсурлар олами, яъни ўт, сув, тупроқ ва ҳаво пайдо бўлиб, ўзининг қудрат ва сапъатини кўрсатиш учун бу тўрт унсурдан таркиб қилиб инсонни яратади. Энди бу мураккаб руҳнинг энг аълоси ва энг мусаффо тинигидан инсоннинг жасадига киргизадилар. Энг тубанги даражадаги лойқасини тўнғиз, ит, эшак каби паст ҳайвонларга киргизади.

Мураккаб руҳ аввалги баситлик вақтидаги софлик сифатини йўқотганлигидан, уни тозалаб бурунги ҳолига қайтариш хизматини инсонга топширгандирлар. Ой фалаги остида яшайдиган ҳар бир жонли нарсани бирор ишга лойиқлаб яратадилар. У нарса дунёга келганидан сўнг ўша ўзига лойиқ ишни вужудга келтиришга мажбурдир. Бу дунёнинг ишхонаси шулар билан ободон бўлади. Масалан, ўлиш-тирилиш, кенглик-торлик, ҳўллик-қуруқлик кабилардир. Ўт қуритади, сув ҳўллайди, эшак ишлайди, туя юк кўтаради, йўлбарс ва шу каби бошқа

ҳайвонлар йиртқичлик қилиб кун кўрадилар. Қисқаси жонли ва жонсиз дунёдаги ҳамма нарсалар нима учун яратилган бўлсалар, ўша ишни қиладилар. Шунга ўхшаш одамлар ҳам дунёни иморат ва зироатлар билан обод қиладилар. Аммо ҳайвонларга кирган руҳлар уларнинг ўзларига мослашгандир. У руҳларнинг воситаси билан уларнинг танилари тарбия топиб, нима ишга яратилган бўлсалар, шу ишни бажарадилар. Қачонки бу тартиб бузилса, шу билан ўзлари ҳам йўқ бўладилар. Чунки улардан кутилган мақсад амалга ошгач, уларни сақлашга ҳожат қолмайди. Аммо инсон жасадига кирган руҳ инсондан ажрагандан сўнг ҳам йўқолмайди...

Ҳар кимга ҳар на берилган бўлса, албатта, у нарсани бирор ҳикматдан холи эмасдир. Қуёшнинг нури боғ-бўстон, тоғ ва чўлларга тушганидек, ҳар яхши ёки ёмон ерларга тушар экан, бундан унга нима нуқсон етади? Шунга ўхшаш инсон жасадининг шаҳоват ва касофатларига ёки унинг нажиз ва палидлигига у илоҳий оламида туриб шуъла ташлаган пок руҳга ҳеч бир зиён етмайди. Қайси жой ва қандай ер бўлса ҳам ўз нурини ташлаб уларни яратиш унинг вазифасидир.

Б а й т:

Нуқсон зиқобиласт ва гарна алад давом
Файзи ифода аш ҳамма танро баробараст.

Таржимаси:

Қобилиятдин эрур нуқсони ҳар бир нарсанинг
Йўқ эса фази илоҳий барчага бирдек етар.

Инсон ва ҳайвонларнинг руҳлари дастлабки ҳолида равнақ ва сафелик бўлса ҳам, у олий муқаддас мақомдан эниб даражама-даража пастга тушиб фалаклар, ой, юлдузлар ва унсурлардан ўтиб, инсон ва ҳайвон жасадларига киргунча кир бўлиб, чиркинланиб илгариги ҳусни жамолидан ажрагандирлар. Балки руҳ қайси жасад-

га кирса, уни ўша жасадга мослаштириб киргизадилар. Шундай бўлгач, баъзи ҳайвонларга кирган руҳга ҳеч қандай хорлик ва ҳақорат етмайди. Аммо таносух мазҳабини⁶ тутганларнинг эътиқодларича, ҳайвонларга кирган руҳлар ҳайвонларнинг даражаларига кўра ҳақорат ва азоб тортадилар. Чунки руҳнинг ҳайвон жасадига кириши аршдан-фаршга тушиш, гавҳарни ахлатга ташлаш, яхши, покиза кишиларни сассиқ ва палид ўринга қамаш демакдир. Албатта, бу қамалишдан руҳга ҳақорат ва азият етиши шубҳасиздир, дедилар.

(Уларнинг фикрича), агар инсон ич-ташқини тоза тутиб, риёзат, меҳнат чекиб тангрига тоат-ибодат қилса, унинг руҳи юқориги оламнинг ақл ва нафсларига ўхшаб қолади, яъни ўз аслига тортиб, фаришталар билан алоқа бўллайди. Бундай одам ўлса ҳам унинг руҳи доимий роҳатда бўлади. Демак, унинг жаннати ҳам шудир. Агар одам бундай қилмаса, еб-ичиб, ухлаб ва ҳар хил ҳайвонийлик билан шуғулланиб, шу билан умр ўтказиб ўлган бўлса, яъни қайси бузуқ сифатни ўтказиб умр ўтказса, бундай одам ўлгандан сўнг унинг руҳи ўша сифатга эга бўлган ҳайвоннинг гавдасига кириб жойлашади; у ҳайвон ўлса яна шунга ўхшаш ҳайвон жасадига киради. Шундай қилиб, ўлиш ва руҳнинг кўчиб юриши давом этаверади; натижада бундай одамнинг руҳи абадий азобда қолади, дедилар. Демак, у одамнинг дўзахи ҳам шундай бўлади. Масалан, бир одамнинг мижозиди зиногарлик, емак-ичмаклик, ҳирси шаҳват ғолиб бўлса, бу одам ўлганидан сўнг унинг руҳи, улар эътиқодича, тўнғиз танига бориб киради. Чунки юқоридаги ёмон сифатлар шу ҳайвонда кўпроқдир. Агар унда уруш, ёриш, ўлдириш каби сифатлар ғолиб бўлса, ўлгандан сўнг унинг руҳи бўри ёки йўлбарс каби йиртқич ҳайвонларнинг жасадига кириб азобланади.

⁶ *Таносух мазҳаби* — руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги схоластик таълимот тарафдорлари.

Агар одам ақлсиз, бефаросат бўлса ва охират ишига тўллик билан қараса, унинг руҳи эшак танига киради. Шундай қилиб, ёмон ахлоқ эгаларининг руҳи шу хулқадаги ёмон ва йиртқич ҳайвонларга киради, дедилар. Умар Хайём шу рубойида уларнинг ақидаларидан хабар берган:

Р у б о й :

Эй рафта у боз омада хумгашта,
Номад зи мёни мардумон гум гашта.
Нохун ҳамма жамъ омада ўсум гашта,
Риш аздарий кул омада ў дум гашта.

Таржимаси:

У ўлган қайтадин ҳавон бўлубдур
Ва лекин ўртада номи ўчибдур.
Туёқ қилмиш анинг тирноқларини,
Сақоли кетига қуйруқ бўлибдур.

Таносуҳ мазҳабининг моҳияти ҳам оламнинг қадимийлигига асослангандир. Уларнинг мақсадлари авом одамларни ҳақ йўлдан адаштиришдан бошқа иш эмасдир. Йўқ эса инсоннинг қоматига лойиқлаб бичилган бу гавҳар либосни эшак ва тўнғиз каби ҳайвонларга қандай кийдирадилар? Илоҳий халифасининг мажлисида ёндирилган бу чироғни у шайтоний ҳайвонларнинг қоронғи қудуғига қандай қамай оладилар?

Таносуҳ мазҳабидагилар эътиқодларича, инсон руҳи икки ҳолга эгадир. Агар киши риёзат билан тоат-ибодат қилса, шу орқали фаришталар оламига эришиб руҳий лаззатланади. Агар бу даражага ета олмаса, пастлик оламидаги палид руҳларга қўшилиб қутулмас азобга йўлиқади. Улар шундай эътиқод қилсалар ҳам, бу мазҳабдагиларнинг қуруқ сўзлардан бошқа ҳеч бир амалий ишлари йўқдир.

Маълумдирки, инсон ўз нафсининг талабига кўра, еб-ичиб ухлашни, ҳар хил лаззатли нарсалардан фойдаланиб, нафси шаҳватини қондиришни истайди. Тоатибодат ва яхшилик қилишни унинг нафси севмайди. Дўзах билан қўрқитиб, жаннат билан қизиқтирилмас экан, яхшилик қилишга ҳеч ким ўрнидан қўзғолмайди. Шунинг учун қуръонда томуғ азобларининг қаттиқлиги, ундаги илон-чиён, ўтли занжир ҳамда кишанлар, қабр-ни сиқиш, ундаги мункар ва накр фаришталарнинг сўроқлари, уларнинг ўзлари ва гурзиларнинг ҳайбатлари, қиёматнинг шиддати ва унинг ҳисоб-китоблари баён қилингандир. Инсон ана шуларни эшитиб, ўқиб турса ҳам ундаги ғафлатнинг ғолиблигидан, аранг беш вақт намоз ўқишга ярайди. Закотларни эса шарият буюрганча адо қилолмайдилар. Рўза тутиб, унинг уддасидан чиқа олмайдилар, ҳажга боришдан нима фойда бор дейдилар; бу ишларни қилиш лозимлигини баъзан тилдагина айтадилар. Оллоҳ биз мусулмонмиз деганига ишонмаймиз, уларни амри наҳи қилиб, албатта, синовдан ўтказамиз деган; оллоҳнинг бу қўрқинчли сўзига аниқ ишонмайдилар. Энди шундай бўлган, таносух мазҳабидагиларнинг юқоридаги сўзларига қандай ҳожаат бор? Улар агар инсон узлат тутиб, риёзат, ибодат ихтиёр қилса, оз еб, оз ухласа, юқори оламдаги ақл ва нафсларга алоқа боғлайди; агар бундай қилмаса, пастлик оламида бўлган ёмон ҳайвонлар қаторига кириб, шунда қамалиб қолади дейдилар. Бу сўзни эшитувчиларга шундай десам бўладики, юқори оламдаги ақллар ва нафсларни биз билмаймиз; уларни кўрганимиз йўқ, уларнинг қандай нарса эканлиги бизга номаълум. Шундай экан, емай-ичмай, ухламай ўзимизни уларга ўхшатишдан бизга нима фойда? Емай-ичмай дунё роҳатидан маҳрум бўлиб инсон жасадида юрганимиздан кўра, еб-ичиб, ғам ва қайғудан қутулиб ҳайвонлар қаторида яшаганимиз биз учун, албатта, яхшироқдир. Қийик бўлиб торларда, яхши ўтлоқ жойларда ўтлаб яйрасак

қандай яхши! Йўлбарс бўлсак, ҳаммага ҳайбат солиб, жангал ва тўқайлар подшоҳи бўламиз. Айиқ ёки тўпғиз бўлсак, тилаганимизни еб, лаззатланиб, орзумизга етамиз. Агар учар қуш бўлсак, тоғдан-тоққа, боғдан-боққа учиб-қўниб қандай томоша ва сайрларни кўрамиз.

Таносухчиларнинг ўз мазҳабларини ривожлантириш учун қилган ташвиқот ёки тарғиботлари эса юқоридаги сўзлар билан тор-мор бўлади. Уларнинг бу қилган ташвиқотларига эшак охирдан бош кўтариб ҳам қўймайди...

БУЛАЖАК ИШЛАРНИНГ АЛБАТТА АМАЛГА ОШИШИ ҲАҚИДА¹



енинг бу сўзларим ҳам сир бўлиб қолмасин: йигитликнинг ўрта даврларида замонавий фазлу камолга эга бўлганлигимдан, замондош илм аҳлларимиздан ҳар тўғрида устунлик қилар эрдим. Ёшлигим жунуни устига илму ҳунар ғурурлиги қўшилиб, мамлакатимиздаги энг олий даража мансабга ўзимдан бошқа ҳеч кимни лойиқ кўрмас эдим. Катталики ва мансабпарастлик ҳаваси димоғимга анча ўрнашган эди. Ҳолбуки, бизнинг замонамизда илм-фазл бозори

¹ Аҳмад Дониш ижодини, айниқса унинг «Наводирул вақое» асарини ўрганишда мутафаккирнинг ислом идеологияси ҳукм сургани даврада яшаганлигини унутмаслик зарур. А. Дониш ўз даврининг фарзанди сифатида бу идеологиядан, ислом ақидалари таъсиридан четда яшай олмас эди, албатта. Чунончи, мутафаккир «Наводирул вақое»нинг ушбу бобида дастлаб инсон тақдири худо томонидан азалдан белгилаб қўйилган деган маънода нотўғри фикр юритади, лекин шу билан бирга, бобнинг кейинги қисмларида киши меҳнатсиз, касб-ҳунарсиз бахтли бўлолмайди деган жуда тўғри хулосага келади. А. Дониш дунёқарашининг бу хил ички зиддиятлари китобнинг бошқа бобларида ҳам учраб туради — *Ред.*

жасотга учраганлигидан, замондошларимиз олдида ҳеч қандай даражага эга эмас эдим. Уларнинг олдида қадрим ҳам йўқ эди. Ҳеч ким мени бирор мартаба ёки мансабга лойиқ кўрмас эди. Маймунлар орасида ёлғиз юрган ваҳший одамдек ғариб бўлган эдим. Илм ва ҳунарим орқали халқ ичида даражам кўтарилиб, катта давлат ва мансабга эга бўламан деган орзу ва ҳавасларим бор эди. Улардан ҳеч қандай натижа чиқмагач, орзуларим ўз-ўзидан йўқолди. Одамларда давлат ва мансаб топиш учун турли ҳаракатларни кўрар эдим. Уларнинг бу тўғрида қилган саъйи ва тараддудларини яхши текшириб турардим. Қарасам, бир қанча кишилар ҳар қанча талаб қилсалар ҳам истаган нарсаларини топа олмас эдилар; баъзан бирор ҳаракатсиз, истаксиз кишиларга югурганники эмас, буюрганники деганларидек, ўша нарсанинг ўзи келарди. Буни кўргач, давлат топиш учун қилган саъйи-ҳаракатларимни тўхтатиб, тақдирга қаноат қилдим. Емонликка буюрувчи нафсим яна мени фойдасиз ҳаракатларга солиб қийнамасин деб ҳақиқатни баён қилиш учун инсонлар устида тақдирнинг қандай жараён этишини кўрсатиш мақсадида қазо ва қадарнинг исботи, бўлғулик нарсанинг албатта бўлиши кераклиги, уни қайтаришга қилган саъйи ва ҳаракатнинг фойдасизлиги, дуо ижобат бўлишининг кечиктирилиши ҳақида қуйидагиларни ёздим...

Бизга берилган илмлар баъзи нарсаларнинг жузъий ишларидагина бўлади. Қоинот соҳасидаги ҳар бир нарсанинг пайдо бўлиши неча хил ҳикмат ва маслаҳатга боғлиқдирки, ундан бир қарич ҳам ўзгармайди. Бўладиган ҳар нарса ўз вақтидан бир нафас ҳам илгари ёки кейин бўлмайди. Шу сабабли халқнинг фойда қилиш ёки зиёндан қутулиш учун қилган ҳаракатлари баъзан тўғри бўлиб чиқади, баъзида эса беҳудага кетади. Чунончи, фалон одам фалон касал бўлиб, фалон дори ичиб соғайибди; ёки фалон ҳунарманд фалон касбни қилиб

давлатга етибди; ёки фалон гадо фалон дуони ўқиб бой бўлибди дейдилар. Гоҳида кишининг саъйи-ҳаракати унга тўғри келмайди. Шунинг учун одамлар фалон касал фалон дори ичиб ўлибди, фалон бой фалон касбни қилиб ёки фалон молни олиб зарар кўрибди дейдилар. Агарда халқнинг ҳаракати тақдирга мос келса касал соғаяди, фақир дуодан, бой касбдан давлатга эришади.

Б а й т:

Тақдир чу собита аст, тадбир чи суд?
Жуз бандагию ризоу таслим чи суд?
Пайваста зибими оқибат милузи
Инкор чи буданист азбим чи сул?

Таржимаси:

Тақдир ҳақдир; бандага тадбир қилмоқ не фойда?
Ризо бўлиб бўйсунмоқ — бундин бошқа не фойда?
Иш ортини ўйларсан, ёмонми деб қўрқарсан,
Тақдир бўлса ул ишга қўрқинингдан не фойда?

Қазо ва қадар фармони олдида ризо бўлиб бўйсунмоқдан ўзга ҳеч кимнинг чораси йўқдир. Бошга бало келганда дод-вой қилишнинг фойдаси йўқдир. Келмакчи, бўлмакчи ишлар саъйи-ҳаракат билан илгари кетмайди. Бўлмас, келмас нарсаларни ҳеч ким макру ҳийлалар билан бўлдиролмайди.

Б а й т:

Ҳар дилки зи ҳукми рафта фарсуда шават,
Афсуски фарсудан беҳуда шават
Зероки ҳар ончи будани ҳохат буд
Гар жаҳд куни варна куни буда шават.

Таржимаси:

Қайси дил тақдир ишига ғам еса,
Беҳуда қилган бўлур у ишни дил.

Бўлғулик бўлмай қолурга чора йўқ,
Майли унга саъйи қилма, майл қил.

Агар бировнинг дунёдан тақирлик билан ўтишига тақдири кетган бўлса, у киши қанчалик касбу ҳаракат қилгани билан бойликка ета олмайди. Агар етса, тутиб туролмайди. Агар тақдирда у киши бой бўлувчилардан бўлса, ҳар қанча сарф ва исроф қилса ҳам камбағал бўлмайди. Агар бўлар экан яна бойлик топа беради. Аввал бой кейин гадо бўлишига ёки бунинг аксига тақдир этилган бўлса ҳар бири ўз вақтида бўлади. Ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам аввалгиси кейин, кейингиси эса аввал бўла олмайди. Масалан, якшанба куни кулги, душанба куни йиғи бўладиган бўлса, буларнинг ҳар бири ўз ўрнида бўлаверади; ҳеч қачон олмашинмайди... Худди шунингдек, ҳеч кимнинг ризқи осмондан тушмайди; уни меҳнат қилмай топа олмайди, ҳаракат қилмаса ҳеч ким мақсадига ета олмайди. Деҳқон ер ҳайдаб уруғ сочмагунча хирмон кўтармайди; қўл-оёғини ҳаракатлантирмагунча бир тишлам нон оғзига кирмайди.

Б а й т:

ۛ Ризқ ҳар чанд бе гумон бирасад,
Шарти ақл аст жустан аз дарҳо.
Гарчи кас бе ажал нами мирад,
Ту маров дар деҳоний аждарҳо.

Таржимаси:

Кундалик ризқинг гумонсиз етса ҳам,
У сабабсиз бўлмагай касб айлагил.
Гарчи ўлим бўлмаса-да ажалсиз,
Аждаҳонинг оғзига сен кирмагил.

Шундай бўлгач, сабабсиз ризқ қайдин келади десак, бунга жавоб шулки, киши дунёда яшаб туриши учун унинг тўрт унсурдан таркиб топиб, тенгланган мижозининг доим соғлом бўлиши шартдир. Бу эса емак-ичмак-

ка боғлиқ бўлар экан, ҳар ким ўз маошини топиб ейишга мажбурдир. Агар шунга ҳам ялқовлик қилиб ўз юкини ўзи кўтармай, бошқалар устига ортар экан, ундай одам инсонлик шарафини йўқотиб, кишилиқ қаторидан чиққан бўлади. Чунки ҳар бир инсон учун молу жонини сақлагудек жой, иссиқ-совуқни қайтаргудек кийим, танжонига мадат бўлгудек таом, кўнгли тинчланиб улфат бўлгудек хотин зарурдир. Ҳаёт оламида тўрт унсур қўшилиб бирлашмагунча инсоннинг вужуди пайдо бўлмаганидек, юқоридаги тўрт нарса қўлга кирмагунча эса инсон маданият оламида жамоат қаторига кириб яхши яшай олмайди. Кейин, қайси бир киши касб ҳаракат қилиб турган бўлса ҳам, бу тўртовининг баъзисини топса ҳам баъзи бирини топа олмайди. Масалан, бир одамнинг уйи бор-у, хотини йўқ ёки нони бор-у, либоси йўқ бўлади.

Аммо кишилар тирикликларида юқорида айтилган тўрт нарса билан қаноат қилмайдилар. Нақши нигорли уйлар, боғу бўстонлар, қул ва чўриларга эга бўлишни, лаззатли таомлар ейишни ҳавас қиладилар; қозонлари қайнаб, ошхоналари обод бўлиб туришини хоҳлайдилар. Агар уларнинг бу талаблари тақдирда ёзилган бўлса, бу нарсаларни топиш йўллари ҳам улар учун осондир.

Тақдири келишган одамнинг ўзи ҳам кераклича ҳаракатга киришади. Масалан, у киши ҳоким ва амирлардан бўлса, яхши от, йигит, яроқ, уруш, чопиш каби ишларга кўнгли қўяди. Агар у одам қози ва муфтилардан бўлса, унинг саъйи-ҳаракати ёзиш-чизиш, фатво китобларини тўплаш, ҳукм дафтарларини тартибга солиш каби ишларга сарф бўлади. Агар у одам савдогарлардан бўлса, унинг иши раста ва бозорларда югуриш, бойлар ва савдогарлар билан алоқа қилиб, уларнинг хизматларини қилишдан иборатдир...

Агар худо бировни яхшилиқка етказмоқчи бўлса, аввал унинг кўнглига яхшилиқка етказадиган сабабларни солади. Агар ёмонлик кўриш керак бўлса, у ўз их-

тиёри билан ёмонлик сабабларини ахтаради. Агар сен яхшилик учун қилинган кўп ҳаракатларнинг охири ёмонликка айланади десанг, шунга ўхшаш, ёмонликка қилинган ҳаракатлардан яхшилик келиб чиқади десанг ва бу нега шундай бўлади деб сўрасанг бунга жавоб шу: агар киши яхшиликка етаман деб қилган ҳаракатидан ёмонлик топса, зоҳирда бу иш ёмон бўлса ҳам, ҳақиқатда эса у учун яхшиликдир. Масалан бир бой одам тижорат қилиб юриб, пулидан ажралиб камбағал бўлиб қолса, билсинки, унинг хайрияти ҳам шундадир. Ғаввоз дарё тегига чўкиб дурни қўлга кирита олса, бу унинг ҳаракатининг натижасидир; агар дурни топа олмай сувдан қуруқ чиқса, бу ҳол кўринишда ёмон бўлса ҳам, ҳақиқатда унинг учун бир яхшилик бордур. Кўп кишилар борки, уларнинг кўнгилларига салтанат ҳаваси тушиб қўзғолон кўтарадилар, бунинг натижасида хонмон, балки бошларидан ҳам ажраладилар. Кўпгина савдогарлар бордирларки, қилган тижоратларидан зарар тортиб, синиб, фақирликка тушадилар. Ҳолбуки ҳар икковлари ҳам худо тарафидан кўнгулларига тушган талаб билан бу ишга киришган эдилар. Бу қандай бўлди десанг бунга жавоб шуки, киши кўнглига тушадиган талаблар ҳаққоний ва нафсоний бўлиб иккига бўлинадилар. Агар киши ҳаққоний талаб билан ишга киришган бўлса, унинг мақсадга етиши шубҳасиздир. Ҳаққоний талабнинг аломати шуки, ҳақлик тарафдор бўлиб кўнглига бир талаб тушади ёки ташқаридан ҳақ талабдорлари бўлганлар уни қўзғайдилар, натижада у бу ишни севса-севмаса, чор-ночор, бунга киришади.

Нафсоний талабнинг белгиси шуки, ҳирсу шаҳват, мансабпарастлик уни бу ишга ундайди. Агарда бу ишни қўлга киритса, у ўз орзу ҳавасига етган бўлади. Ҳаққоний талабнинг яна бир аломати шуки, агар кишининг бойликка, давлатга қобилияти бўлса у ҳолда бу одам амирлик, ранслик, қозилик каби вазифалар учун керак воситаларни топишга ва унинг учун зарур бўлган илм-

ларни билишга ўз-ўзидан қизиқади. Масалан, биров уни котибликка тайинлаймиз демаса ҳам, унинг ўзи имло ва иншо ишлари билан қизиқади. У илмнинг ҳозир ва ғойиб аҳллари билан алоқа боғлайди. Ёки бировнинг кўнглида қози ёки раис бўлиш фикри бўлмаса ҳам, фатво илмларига ҳужжат ҳамда васиқалар ёзиш ишларига маҳорати бўлади. Ёки бирор кишининг хаёлига бой бўлиш, савдогарлик қилиш келмаган бўлса ҳам, у ақлли, эс-ҳушли бўлганлигидан бу касбнинг аҳллари унга маслаҳат қиладилар ва унга тижорат муомалаларида катта ишларни топширадилар. Бу воситалар билан у кишининг иши ривожланиб, ҳар қайсиларининг ўз йўлида даражалари тараққий топиб ё амир, ё қози, ёки катта бой бўладилар. Пафсоний талабнинг очик аломати шундаки, кишида юқоридаги ишларни бажариш қобилияти бўлмаса ҳам, манманликдан ёки хасадгўйликдан фалонча ундай қилиб бундай давлатга етди, менинг ундан пима камлигим бор; мен ҳам шундай саъйи-ҳаракатларни қилсам ундан ортиқроқ давлат ва обрўга эга бўламан дейди. Агар бунинг шу қилган саъйи-ҳаракати тақдирга тўғри келиб қолса бу ҳам истаган неъмат ва давлатига етади.

Ўтганлар айтганлар: «Агар сан талаб қилмасанг, худо сенинг кўнглингга талабни солмас эди. Талаб берган худо мақсадни ҳам беради. Талаб ва топиш ҳар доим бирга юради. Талаб ва топиш эгизакдирлар; булар бир-бирларидан сира ҳам ажралмайдилар. Агар ажралар экан, бу қобилиятсизликнинг натижасидир».

Агар киши ҳар ишни қазо ва қадарга топшириб, ўз ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларни топишга ялқовлик қилса, агар тақдирда менга керакли нарсалар, масалан, уй-жой, хотин, кийим-кечак ва овқат ёзилган бўлса, мен меҳнат қилмасам ҳам ўз-ўзидан келаверади деса, бундай одам ўз йўлини билмаган, дунёдаги энг тубан даражадаги аҳмоқлардан ҳисобланади. Чунки тириклик учун зарур бўлган бу тўрт нарсани топиш ўз-ўзидан

бўлмайди; бунинг учун аввал унинг восита ва сабабларини амалга ошириш керакдир.

Жаҳоннинг ободлиги, маданиятнинг тараққиёти тамомила сабабга боғлиқдир. Инсон ўзига етарли ризқни топганидан сўнг ҳам унга қаноат қилмай, кундан-кунга неъматини кўпайтириш, давлатини ошириш учун сайъи ҳаракат қилади. Тириклик ўтказиш учун етарли бўлган бу тўрт нарсага камдан-кам киши қаноат қилиб, у билан чегараланади. Кўпчилик эса бу тўрт нарсага қаноат қилмай, ортиқча дунё тўплашга ҳаракат қилади. Агар бу ортиқча неъмат ва давлатни топиш учун қилган ҳаракатлари тақдирига тўғри келиб қолса, у нарсани қўлга кирита олади; йўқ эса ҳар қанча қилган ҳаракатлари ҳаммаси бекорга кетади. Яна у меҳнат ва машаққатлар билан топган мол-дунёси ёки унга етган мансаб ва даражаси доим хавф остида туради. Масалан, риёсат ва ҳукумат мансаблари муссдирасиз бўлмайди. Тижорат ва зироат ишларидан ҳам ҳамма вақт фойда чиқа бермайди. Чунки дунё неъматларининг асалига кулфат ва меҳнат заҳарлари аралаштирилгандир...

Дунёдаги роҳат ва лаззатлар нафснинг истаги бўлганлигидан, инсон табиати уларни ҳамма вақт талаб қилади. Меҳнат ва лаззат ҳамманинг мижозига ёқмаганлигидан, кўнгиллар ундан нафратланади. Шунинг учун мансабдан олинган ҳоким, ўриндан туширилган қози, зиён кўрган деҳқон, синган савдогар сабрсизлик билан аввалги мавқеларини қўлга киритишни истайдилар. Ахир, заруриятсиз ва сабабсиз ҳеч бир иш бўлмайди. Масалан, ҳоким бир йил ҳукм суриб, икки йил маъзур бўлади. Синган савдогар бирмунча йилдан сўнг яна сайъи-ҳаракатга келиб, асбоб-ускуналарини қўлга кирита олса, яна бой бўлиб давлатига етади. Ерини сел олиб зарар кўрган деҳқоннинг ерлари бирмунча йилдан сўнг обод бўлади. Бу сўзлар агар тақдирда ёзилган бўлса, уни ўзгартириш учун қилинган ҳаракатлар чанг-тўзон каби бекор бўлиб кетади. Бу ёзилган

сўзларни ҳеч вақт илгари ёки кейин қилиб бўлмайди, балки бу ишга сабрсизлик қилиб норози бўлган одамларнинг ишлари илгари юришмайди, аксинча, уларнинг кўпчилиги умрларини муҳтожлик ва хорлик билан кечирадилар. Бундай кишилар паст даражали майда касбларни қилишга бўйин эгмай, олий мансабларга кўз тикадилар. Ҳолбуки оламнинг одатига кўра, бирданига юқори даражага етиб бўлмайди. Нарвондан томга чиқмоқчи бўлган киши пастки зиналардан бошлаб юқори зиналарга кўтарилади, сўнгра том устига чиқади. Шунга ўхшаш амирлик, ҳокимликни истаган одам дастлаб уларга навкар бўлиб хизмат қилиши лозимдир. Ёки бир шаҳарга ҳоким бўлишни истаган одам аввал бир қишлоқ бошлиғи бўлишга розилик бериб иш бошлаши керак. Сўнгра секинлик билан юқори даражаларга кўтарила олади. Агар бир одам ҳар бир ишга яроқли бўлиб, ҳар қандай мансаб ва даражаларни эгаллашга қобилиятли бўлса, бунинг устига илм-фазл ва ақл эгаси бўлса-ю, аммо у амир ёки вазирлик вазифасига кўтарилмаган бўлса ва у бунинг сабабларини излашга киришмаса, билсинларки, бу киши энг олий ҳимматли одам экандур. Қачонки давлат ва салтанат нокаст ва нолойиқ кишилар қўлига ўтса; қозилик, раислик илмсиз саводсизлар қўлида қолса; иш устидагилар инсофсиз ва диёнатсиз бўлсалар, шундай одамларгина мансаб ва даража учун талашадилар. Оқил-олим кишилар эса мансаб ва даража талашиб юришни ўзларига лойиқ кўрмайдилар. Чунки давлат тепасидаги саводсиз, нолойиқ кишилар оқил одамларнинг қадрига етиб, инсофга келмайдилар. Натижада оқиллар ночор ҳолда ўзларини четга тортиб, ишга аралашмасликни ихтиёр қиладилар; бундай пасткашларга эгилиб хизмат қилишга рози бўлмайдилар.

Б а й т:

Ризаи ризахури хиш нахохам хўрдан,
Борий анборкаши худ на тавонам бардош.

Таржимаси:

Юндихўрларнинг емасман салқитин,
Ҳеч нокастни кўтармасман юкин.

Бундай одамлар умидларини узмасдан фурсат кутиб туришлари лозим. Улуғ таягри яхшилик эшигини оқиллар юзига очса, нокаст ва нодонларнинг давлат дафтарларини йиғиштириб юзига хат тортса, ана шу чоқда оқил одам озгина ҳаракат қилиш билан ҳам мақсадни қўлга кирита олади. Лекин бундай улуғ ҳимматга эга бўлган киши бу дунёнинг неъмат ва давлатларига кўнглини боғламасдан, уни тарк қилиб, ҳақиқий давлат ва салтанатга етишиш талабида бўлсин...

Агар у киши илмсиз бўлса, бунинг ўстига унда раҳбарлик ишларига қобилият бўлмаса, лекин шунга қарамай, у баланд мартабаларга интилса, ўз ҳолига яраша касб-ҳунар қилишга унамаса, ишламай нон ейиш, бекор ётиб давлатга эришишни ўйласа, бундай одамни қоҳил ва жоҳил деб атайдилар. Бу одам кўп ўтмай фалакнинг фалокатига учраб хор ва зорликда қолади. Чунки тирикчилик учун ҳар ким ўзига яраша касб қилиши лозимдир. Масалан, амирлик талаб қилган киши ақлли, тадбирли ва саҳоватли бўлиши билан бирга, ёвжорак, баҳодир бўлиши зарурдир. Ўткир тилли, очиқ сўзли, чуқур фикрли, ақли комил бўлган кишилар вазирликка лойиқдирлар. Қозилик ва раисликни талаб қилувчилар ақлли-фаросатли бўлишлари билан, фатво ва даъво илмларида олий маълумотга эга бўлишлари лозимдир. Мана шундай одамларда бўлган бу хислатлар уларга касб ва ҳаракат ўрнига ўтади. Тирикчилик учун меҳнат қилиш демак одам ички ва ташқи куч қувватини сарф қилиб эртадан кечгача курак, кетмон кўтариб ишлаш ёки бозор ва расталарда тинмай югуриб юриш эмасдир. Балки умрини бекорга ўтказмай, халққа фойда етказарлик бирор бир касб, бирор ҳунар билан шуғуллансин. Ҳозирча ундай ишга эҳтиёж бўлмаса ҳам ҳаёт олами

ҳожатсиз бўлмайди. Шоирлар, хаттотлар, котиблар фа-
соҳад ва балоғат бобида айтилган китобларни, назм ва
наsr билан ёзилган адабий сўзларни тўплашлари ло-
зим; муҳандис ва мунажжимлар нужум ва ҳандаса қои-
да-қонунларини ўрганишлари, ҳарбий ва аскарӣ сипоҳ-
лар ўз ишлари учун зарур бўлган ҳар хил яроғ ва жаб-
дуқларни тайёрлаш, юриш-туриш ва от миниш кабилар-
га моҳир бўлишлари зарур; ана шу ишлар ўша одам-
ларнинг асосий касблари ҳисобланади. Уларнинг билган
касб-ҳунарлари ўз замонларида касодга учраган бўлса
ҳам, даври келиб, замон айланиб яна бозорларининг
ривожланиши мумкиндир. Ёки ўзидан сўнгра келган ин-
сонлар ундан фойдаланиб қолсалар ҳам ажаб эмасдир.
Масалан, шундай ҳикоя қиладиларки, Хорун ар Рашид
халифа сафар йўлида кетаётганида кўчат экиб юрган
кишига учраган; ундан бу нима кўчат деб сўраганида,
ёпғоқ кўчати деган. Бу қачон ҳосил беради деб сўра-
ганида 20 йилларда ҳосилга киради дегач, сен ўзинг
қариликдан алжиб қолибсан, шунча меҳнат қилиб эк-
канинг билан фойдасини кўролмасанг, сенга ундан нима
фойда деб савол берган. Ушанда чол, экиб кетганлар-
нинг мевасини биз едик, энди биз ҳам экиб кетайлик,
ўзимиз еёлмасак ҳам ёсшқалар есин, деган. Халифага
бу сўз хуш келиб, унга минг танга инъом қилган. Буни
кўриб чол кишилар эккан кўчатларининг мевасини кўп
йиллар ўтгач еганлар, ман эса бу эккан кўчатимга ами-
рул мўминнинг илтифот қуёши тушиши билан унинг ҳо-
силини едим деганида, амир яна минг танга беришни
буюрган.

Бу ҳикоядан фойда шулки, маданиятдан кутилган
мақсад қайси йўл билан бўлса ҳам халқ учун фойда
келтиришдир. Кишининг қилган саъйи-ҳаракати ёлғиз
ўз нонини топиш ва ўз қорнини тўйдириш учун бўлмас-
лиги керак; касб ва ҳаракатларини нақд нон топиш,
кундалик қорин тўйдиришга ўлчаб қиладиган киши энг
паст ҳимматли кишидир. Ҳиммати қорнидан ортмаган

хайвонсифат одамлар қорин тўйдиришга ярамайди деб олий даражадаги санъат ва ҳунарларга қарамайдилар. Улар қорин тўйдириш учун энг паст, жирканч ишларни қиладилар. Шунинг учун улар мамлакатга, ипсоният оламига жиддий фойда келтирувчи санъат ва ҳунарларни ривожлантирмайдилар. Ҳунар ва санъатлар ичида энг яхшиси ақл ва руҳ гавҳарларига жйло бериб ўни қувватлашдир. Киши ақл тажрибасини оширса, руҳини покласа у, шубҳасиз, йлм ва ҳунарнинг қадр-қийматига етади. Шунинг учун соф руҳлик, оқил одамлар бошқа одамлар у ёқда турсин, ҳатто подшоҳларга ҳам керагидан ортиқча бош эгмайдилар. Балки халқнинг эҳтиёжи доимо уларга тушиб туради. Мана, кўрмайсанми, дунёнинг муҳим ишлари, айниқса, салтанат ва давлат ишлари ақлли кишиларнинг ёрдамисиз битмайди. Қайси салтанат-давлатнинг қонда ва қонунлари ақл тадбирига мослаштириб қурилмаган бўлса, ундай давлатдан ҳеч вақт яхшилик кўра олмайдилар...

...Ҳар бир касб эгаси ўз ҳунарини яхши кўради. Одил подшоҳлар фуқароларига муҳаббат билан қарайдилар. Мана шуларга ўхшаш худо ҳам ўз бандаларини дўст тутганлигидан, уларга зарарли ишларни раво кўрмайди, уларни фойдали ишларга буюради. Шунинг учун тангрининг фармонлари уларга фойдали, ман этганлари эса уларга зиёнлидир. Қуръондаги олло мўминларини севади, мўминлар ҳам уни севади деган оят шуни ифода қиладди. Масалан, подшоҳ агар халқнинг кўнглига қараб уларни ҳаддан ташқари эркин қўяр экан, халқнинг ахлоқи бузилиб, ҳеч ким подшоҳга итоат қилгуси келмайди ва давлат ишларига зарба стади. Давлатнинг олиқ-солиқларига бўйин эгмай, ушр хирожларини ўз вақтида бермайдилар. Натижада ишлар тескарисига айланади. Мана шунинг учун яхшиликка амр қилиш, ёмонликдан қайтариш султон ихтиёрида бўлиб, халққа қайси иш фойдали бўлса, шунга қараб сиёсат юргизади. Ана шундай қилганида маданий ишлар тар-

тибга тушиб, мамлакат ободроқ бўлади. Шунинг учун улуғ тангрим дунёни обод қилиш учун дунё ишларини турли ҳолларга келтириб туради. Бировга яхшилик, бировга ёмонлик, бирига ғойда еткизса, иккинчи бирига зиён; бировга кенглик бўлса, яна бировга торлик бўлади. Тириклик ҳожати кўп бўлганлигидан ҳар ким ўз ҳожатини ўташдан ожиз қолиб, бошқаларга муҳтож бўлади. Шу ҳожатдан қутулиш учун халқ бир-бирларига ёрдам берадилар. Агарда камбағал бўлиб пулга муҳтож бўлмаса бойнинг хизматини қилмайди. Касалнинг дуоסי қабул бўлиб шифо топса, табиблар бекор қоладилар. Агар ҳамма халқ художўй бўлиб тарки дунё қилсалар, дунё ишлари тартибдан чиқиб хароб бўлади. Шу сабабли худо бандаларига нима бериш, нима бермаслик ишларини ўз идорасига олган. У ҳаёт оламида ҳар бир ишни ҳикматга мувофиқ, ўз ўлчовидан ортиқ ҳам, кам ҳам қилмай юргизиб туради. Шундай қилиб, халқнинг барча талаби ва унинг саъйи-ҳаракати оллонинг хоҳлаганича бўлиб чиқади.

Б а й т:

Ҳар кибини муроду роҳати ҳиш,
Аз ҳама халқ бешитар тоат.
Вон муяссар шавад багушишу ранж,
Гар қазо баҳшаду қадар ҳоҳад.
Духтар андар шикан писар на шавад,
Меҳтарироки дил писар хоҳод.

Таржимаси:

Кимни кўрсанг жаҳонда тинмайди,
Ҳар ким ўз роҳатини истайди.
Тангри агар у ишни хоҳламаса
Кўп югурган билан етолмайди.
Ота кўнгли ўғил тилар эрса,
Она қорнида қиз ўғил бўла олмайди.

Бузоро қозиси Иноятулло маҳдум ақлий ва нақлий илмларга моҳир киши эди. Бир куни ўзининг ўтмишдаги аҳволидан гапириб ўлтириб менга деди: илм ўрганиб юрган ёшлик кунларимда сўфилик маъзабига кўнглим қаттиқ боғлаимиш эди. Тарки дунё қилиб, бола-чақали бўлмай, шу йўлга киришга кўп шавқлик бўлиб, доим тасаввуф аҳллари даврасига боришни хоҳлар эдим. Лекин қачон сўфилар суҳбатларига бориш ниятини қилсам, бирор баҳона чиқиб амирлар ўз ҳузурларига мени чақирар эдилар. Бунинг натижасида менга қозилик мансабини топширдилар. Сўнг кўп ўтмай мени қози аскар қилдилар. Сўнгра бир оз ҳаракат билан қозиюл қуззот² бўлдим. Сўфилик йўлидаги қилган саъйи-ҳаракатларим эса тақдирга тўғри келмагач, ундан ҳеч қандай натижа чиқмади, деди...

Хулоса шулки, азалдаги ёзувга қараб бир қанчаларни мадраса ва хонақоҳлардан маҳкама ва майхоналарга ва яна бирмунчаларни маҳкама ва майхоналардан мадраса хонақоҳларга киргизадилар. Ҳақиқатда эса халқнинг ихтиёри тақдирнинг қўлида, у қаёққа айлантирса шу ёққа юмалаб юраверадилар; фойдали нарсаларни кўпайтириш, зиёдли нарсалардан сақланиш учун ҳеч кимнинг комил ва куч-қуввати йўқдир. Ҳар ким ўзи учун бир озгина ихтиёрий қувватга эгадир. Масалан, совуқнинг зарарини кийим кийиб ёки ўтга исиниб ўзидан йироқлаштира олади; тавақдаги таомдан, дарахтлардаги мевалардан узиб олиб фойдаланади. Аммо катта ишларда ҳеч нарса қила олмайди; ундайларда унинг ихтиёри йўқдир. Масалан, денгизда кетаётганда кема фарқ бўлиш ҳолига келса ёки карвонни талон-торож қилиш учун қароқчилар ўраб олса киши бундай фалокатлардан қутулиш кучига эга эмас. Ёки узоқ чўлларда қаттиқ совуқда қолиб исиниш иложи топилмаса, бундай балога учраган кишилар ўлимдан бошқа қутулиш учун

² Қозиюл қуззот — қозилар бошлиғи.

қандай чора қила оладилар. Уларнинг қутулишлари тақдирда ёзилган бўлса, бирор баҳона билан кема чўкиб кетмай ҳалокатдан қутуладилар. Ёки қароқчиларга кутилмаган бир офат етиб улар тарқаладилар. Ё етарли ўтинга эга бўлганлар келиб қолиб совуқда қолганларни ўлимдан қутқазадилар. Агар тақдирда бундай бўлмас экан, уларнинг ҳаммалари ҳалок бўлиб, ўзларидан бу балони даф қила олмайдилар...

Қ и т ъ а:

Агар муҳаввли ҳолий жоҳонниён нақазост,
Чаро мажорий афъол барҳилофий ризост.
Хазор нақш барорад замона ў набувад,
Яки чунонки дар оинаи тасаввури мост.

Таржимаси:

Ирода бўлмаса қодир эгамдин,
Жаҳонда ким қилур бу ўзгаришни.
Жаҳон наққоши минг хил нақш қилгай,
Қачон ўйлар биров рози бўлишни.

Юқорида айтмиш сўзлардан биров гумонга тушиб банданинг яхши-ёмон ҳамма ишлари тақдирга боғлиқ бўлса, бандага касб ва ҳаракат қилишнинг нима фойдаси бор деса, бунга жавоб шулки, бандалар яхши-ёмон йўлларга юриб, унинг натижасини кўришга ихтиёрлари бордур. Масалан, яхшилар суҳбатларига бориб тоатибодатга кирсак, биз ҳар икки дунёда бахтлилардан бўламиз; агар фосиқ-фожир, ёмон одамларга қўшилиб нафси шайтон сўзига кирсак, ҳар икки дунёда ҳам унинг жазосини тортамиз. Дунёнинг барча ишлари сабабга боғлиқдир. Тақдирнинг қандай эканлиги ҳеч кимга маълум эмас; бахтлими ёки бахтсизми уни ким била олади. Шунинг учун кишилар бахтли ишларнинг сабабларини қилиб унга киришишлари албатта лозимдир. Агар тақдирда ёзилган бўлса, шу сабаб билан унинг

мақсади қўлга киради. Йўқ эса ёзилмаганлиги маълум бўлади. У ҳолда банда ўзининг хайриятлигини билиб, тақдирга бўйсуниши вожибдир...

Юқорида айтилганидек бу дунё меҳнат кони бўлганлиги учун дунё турмушида паст-баланд бўлиш, муҳтож, бой ва камбағал бўлиш, касалланиш, буларнинг устига ўлим мусибати бордир. Дунёда яшаган ҳар бир одам бу ишларни кўрмай иложи йўқдир.

Инсонлар дунёсидаги турмушнинг бундай ҳар хил бўлиб турланиши устига дунёнинг қурилиши ҳам оллонинг ҳикматидандир. Бу ишларга кимдир бўйсуниб, кимлардир қарши турадилар; кимлар эса ишониб, кимдир уни инкор қилади. Мана шу ҳоллар юзага чиқиб оллонинг ғазаб ва раҳмат сифатлари халқ ичида ошкор бўлади. Мана шу тафовут орқали халқнинг ҳожати бир-бирларига тушиб улар ёрдамлашадилар. Маданият усуллари, жамият қоидалари ана шу билан қарор топади...

Аммо дунёнинг тирикчилик ғамидан кофир ва мусулмон ҳеч бири қутула олмайди. Дунёдаги турмуш ғамларига ҳаммалари шерикдирлар...

Ҳасадгўйлик, кўролмаслик, иттифоқсизлик, такаббурлик каби бузуқ, ярамас ишлар бошқаларга қараганда мусулмонлар ичида кўпроқдир. Кофир аҳллариининг иттифоқлари уларнинг бир-бирларига қилган ёрдамлари шунга ўхшаш бир қанча яхшилик ишлари борки, уларнинг ўндан бирини ҳам мусулмон номини олганлар қила олмайдилар. Масалан, улардан бирорталари касб қилишдан ожиз бўлиб, муҳтожликда қолса унинг гадолик қилишига йўл қўймай, дарҳол етарли даражада унга ёрдам қиладилар. Агар тижоратидан зиён кўрса камчиликларини тўлдириб, сармоя ва касб асбобларини тайёрлаб муфлисликка тушишдан уни қутқарадилар. Агар сафар йўлдоши йўл устида касалланиб қолар экан, тузалгунча ёки уйига етиб келгунча у билан бирга бўладилар. Ана энди мусулмоёман деган кишиларга қаранг!

Мусулмонларда шундай одамлар борки, сафарда йўлдошининг жони бўғзига келганда ҳам унинг томоғига бир қатра сув томизгиси келмайди; касбдан ожиз қолганларга ёрдам қилиб уларни гадоликдан қутқозишни хаёлига ҳам келтирмайди. Агарда биров тижорат ишларида зиён кўрар экан, даъво, жанжаллар билан унинг ҳовли-жойларини соттириб, муфлис гадо қилиб, балки гўлаҳга киргизмагунча кўнгли тинчимайди. Бунинг устига бир қанча сўзлар айтиб, ўзининг ёмонлигидан бу балого йўлиқди; бу балоларни кўришга унинг ўзи лойиқ эди: бундан ҳам баттарроқ бўлсин деб таъна ҳам қилишадилар. Шунингдек, ҳоким ва амалдорларнинг жабр-зулмлари, ўлим-етимнинг кўплиги, касб ва тижоратнинг зиёнга учраши, бир-бирларига дўстлик ва иттифоқликнинг йўқлиги, мана шунга ўхшаш офат ва балолар бошқаларга қараганда мусулмонларда кўпроқдир...

ОҚИЛЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ВА АҲМОҚЛАРНИНГ ДАВЛАТИ ҲАҚИДА

ен китоб ёзувчи йигитлик вақтимда ёшликнинг шўхлиги билан ҳар турли орзу-ҳаваслар димоғимга ўрнашган эди. Замондошларим қизиқиб эришолмаган ўринларни назарим илмас эди. Мен ҳавас қилиб ёқтирган катта мансабларни менга бермас эдилар. Шу ҳолда юриб ёшим қирққа етганда дунёнинг паст-баландини тушуниб, озроқ кўзим очилди. Илгариги ёшлик ғурури билан қилган дағдағаларим кўнглимдан кўтарилди. Қундалик топилганига қаноат қилиб, бир бурчакда умр ўтказар эдим. Орамизда бориш-келишимиз узилмаган улфатларим келишиб, мени бундай ҳолга тушганлигимни кўриб ҳайрон қолишардилар. Сенда шу қадар илму фазл, ақл ва дониш бўла туриб, нега бундай оғир кунга қолдинг, нима учун давлат арбоблари билан алоқа қилмайсан; агар улар сенинг бу ҳолингдан хабар топсалар, бу хорликдан сени қутқазиб иззат авжига чиқарар эдилар; чунки сен иззат ва ҳурматга лойиқ киши эдинг деб мен учун ғамхўрлик қилишар эдилар. Дўстларимнинг ҳар қайсиларига бирор турли уэр айтиб уларни юпатар эдим. Аммо кўнгли-

да мени ёмон кўриб юрадиган ҳасадгўйлар бу ўз феълининг ёмонлигидан шундай қийинчиликка қолиб балога йўлиқди; нон, ҳолва ейиш қўлидан кела туриб, ўз ихтиёри билан уни ташлаган киши дунёда борми; нон, ҳолва топиб сйиш осон эмас, бундай одамнинг қўлидан қаёқдан келади деб айтар эдилар. Уларнинг менинг ҳақимда айтган сўзларидан зерикиб оқил одамлар нега кўпинча фақирлик, муҳтожлик тортадилар ва нима учун аҳмоқлар давлатга эга бўлишлари ҳақида қуйидаги рисо- лани ёздим. Бундан сўнг кимки менинг ҳақимда сўзлар экан, бу рисо- лани қўлига бериб, жавоби шу деб ўзим ёнбошлаб ётар эдим.

Шундай қилиб, оқилларнинг меҳнати, аҳмоқларнинг давлати ва буларнинг сабаблари ҳақида ёзилмиш рисо- ла мана будир:

...Одам алайҳиссаломдан тортиб шу кунга қадар ўтган асрларда ақлли кишилар, илм-фаъл эгалари доимо офат ва балоларга йўлиқиб келганлар. Оқил ва доноларнинг ўзларига яраша даража ва мансабларга эга бўлганлик- лари ҳеч бир тарихда ёзилмаган. Илгариги пайғамбар- лардан тортиб то ҳозиргача ўтган оқил ва доноларни ҳар бир замоннинг катталари — амир ва ҳокимлари масхара қилишиб, уларнинг ҳикматли сўзларини қабул қилмаганлар. Балки ундай комил одамларни мияси қу- риган, савдон мижоз, мажнунсифат кишилар деб си- фатлаганлар...

Гоҳи вақтда нима бўлиб бирорта оқил одам қўлига давлат келар экан, ундан роҳат топиш нари турсин минг хил офат-балоларга йўлиқади. Шунинг учун ўтган шоирлар фалакнинг вафосизлигидан алангалик шеър- лар айтиб, кўп шикоят қилганлар.

Б а й т:

Гар бар фалакам даст будий чун яздон,
Бардоштами ман ин фалакро зимён.

Аз нав фалаки би гар чунон сохтами,
Козада бакони дил расиди осон.

Таржимаси:

Худодек қудратим етса фалакка,
Кўтариб ташлар эрдим якка-якка.
Ясардим янгидин шундай фалакни,
Етарди яхшилар шунда тилакка
(Умар Хайём).

Б а й т:

Он худон ки ши бу бало сохт,
Ёр фазилат ҳамидиҳад, ё бахт.

Таржимаси:

Ёр-кўкни яратган ул олло
Ё ақл бергуси, ё бахтни
(Саъдий).

Б а й т:

Фалак ба мардиму нодон деҳад зимомии мурод,
Ту аҳли фазлию дониш ҳамин гуноҳад баст.

Таржимаси:

Аҳмоқ одам қадриши кўкка кўтаргай бу фалак,
Илму ақлинг бор эса, сенга етарли шу булоқ
(«Лисонут тайр»).

Эрон подшоҳи Нуширавон ўз вазири Бузурж меҳрдан дунёнинг ажойиб ишларидан нима кўрдиг деб сўраган. (Фирдавсий шоир унинг тилидан):

Б а й т:

Библирсит гуфто чидиди шигифт,
Казон бартуро зимда наттавон грифт.
Чунин гуфт бошоҳ бузурж меҳр,
Ки як сарши гифта астгардон сипиҳер.

Яки мард бини ту бодаст гоҳ,
Расида кулохаш баабри сиёҳ.
Ки у дасти чабро надонад зирост,
Ба панжиш фузуни надонад зигост.
Як аз гардиши осмони баланд,
Ситора бигуяг ки чунасту чанд,
Фалак раҳнамунаш басахти бувад.
Ҳама баҳри у шур бахти бувад.

Таржимаси:

Бузурж меҳрдин сӯрди Нуширавон:
Не кӯрдинг қизиқроқ, ани қил баён.
Деди унга: э, шоҳи қутлуғ қадам,
Ажабдир жаҳон ишлари ҳамма дам.
Биров ким бўлибдур анга бахтиёр,
Қўлин солса дарёга гавҳар топар.
Ўзи билмагай ўнг қўлин ёки сўл,
Санай олмагай бешдин ортиқни ул.
Яна бир киши берки доно эрур,
Анин илмидин барча эл баҳр олур.
Қуёшга етиб илми андин ўтар,
Фалакдан ўтиб юлдуза ҳукм этар.
Ва лекин ани бахтидир қоп-қаро,
Анинг қадри арзанча йўқ эл аро.

Энди бу қандай иш; бундай бўлишининг ҳикмати нимада? Нега замона нокастни тарбия қилиб, ножинсларни кўтаради; тубанларни ўстириб, ёмонларга ривож беради? Ҳеч қандай камчиликлари кўринмаса ҳам, яхшилар доим тубан даражада турадилар. Ишга қобилияти бўлмаса ҳам, ёмонларнинг даражаларини кўтарадилар. Сен эса замонамиздаги бахтсизларнинг раисидирсан. Дунёнинг даража ва мансаблари сенинг кўз олдингда сувсиз қудуқ каби кўринади. Ўзинг муфлислик ҳолида туриб, халққа ҳожатсиз бўлиб кўринасан. Уларга аралашмай суҳбатларидан қочиб, хилватни ахтара-

сан, йўқ эса амирлар, ҳокимлар сенинг суҳбатингга толибдурлар. Давлат арбоблари ҳар вақт мажлисингни орзу қиладилар. Агар бирор қадам илгари интилсанг, баланд мансабларга етар эдинг; чунки сенинг бир оғиз сўзинг билан қанча одамлар даража топдилар. Қаторда йўқ бирмунча кишилар сенинг ёрдамнинг билан мақсадга етдилар. Ёки, билмайман, асли яратилишда сенинг жиғилдонинг тор бўлиб, иқбол неъматлари унга сирмайдими? Ёки киши югургани билан анқони шикор қилолмаслигини билиб, қўл узатган билан баланд дарахтдан мева узолмаслигини кўриб, ҳамма нарсадан умидингни узиб, бир бурчакка кириб ўлтирдингми?

Б а й т:

Қас натовонанд гирифт домони давлат базур,
Гушиши бефойда сурма ба чашмони кўр.

Таржимаси:

Ҳеч киши давлат қушини тута билмас куч билан,
Кўр кўзга фойда бермас қанча сурма тортган билан.
Мана буни ҳам яхши айтганлар.

Б а й т:

Ки гуфт пиразан аз мива мекунанд парҳиз?
Друғ гуфт ки дасташ на мирасад бар шох.

Таржимаси:

Қим айтди бу кексанинг мевадин парҳизи бор деб?
Қўли етмасдан айтган; қип-қизил ёлғон сўзидир бу.

Ёки ҳимматинг баландлигидан унча-мунча паст ишларга бош экиннг келмайдими? Чунки арслон буғу овлашдан қолиб, тулки ва шоғол сайлига назар солмайди; дарё бўйида турган чанқоқ киши кўлмак сувга қизиқмайди. Оқиллар сендан донолик умидини қиладилар. Чунки ақл эгаларининг, фазлу ҳунар соҳибларининг

очиқ аломатлари шулки, дунёдан бошқалар роҳат ва неъмат топсалар, уларга ундан меҳнат ва машаққатлар етади. Бу тўғрида сени ҳаммадан илгари кўрамиз. Дунёдаги пасткаш, аблаҳларнинг даражаси доим кўтарилади. Қандайдир йўл билан улар давлат ва неъматларга эга бўладилар. Оқил ва донишмандлар эса кўпинча меҳнат ва машаққатга қоладилар. Бунинг сабаби недур? Бу тўғрида сенинг қандай фикрларинг бор дегач, бу ҳақдаги фикрларимни шу варақ юзига ёздим:

Худо қуръонда: «Бандаларнинг тирикчилик ишлари дунёда қайси ҳолда бўлишини, унинг қандай ўтишини белгилаб қўйдик; уларнинг ризқларини ҳар кимнинг ўзига яраша қилиб бўлдик; бой пули билан, камбағал кучи билан бир-бирларига ёрдамлашсинлар деб бировнинг ризқини кенгроқ, бировнинг ризқини эса торроқ қилдик»,— деган. Шунга қараганда ҳар кимнинг дунёдаги кўрар куни, тунни азал тақдирда тўқилиб, бичилиб қолган бўлса ҳам, улардан қайси бирини хоҳлаб олиш ихтиёрини банданинг қўлига бергандир. Агар подшоҳ гадоликни хоҳлар экан, ихтиёри ўзида; агар гадо подшоҳлик истар экан, унинг ҳам бунга етиши мумкиндир. Чунки ҳар ким бирор ишга чиндан киришса, уни қўлга кирита олади. Тинмай қоққан кишига эшик очилади. Шуниси борки, бой одамнинг фақирликни хоҳлаши учун унинг ҳиммати жуда баланд бўлиши керак. Бой бўлишни истаган фақир эса меҳнат машаққатларини кўтариши лозимдир. Меҳнат ва машаққатни кўтаришга бардош бера олмаганлар фақирликни ихтиёр қиладилар. Меҳнатни роҳат кўриб, унинг талабидан чарчамаганлар бойликка ета оладилар. Чунки давлатга етмак касб ва ҳаракатга боғлиқдир. Камбағаллик эса тарки дунё қилиш ёки дангасаликнинг натижасидир. Чиндан ҳаракат қилган кишилар дунё топиш у ёқда турсин, давлат ва салтанатни ҳам қўлга кирита оладилар...

Ҳоят кўп меҳнат ва машаққатлар билан қўлига бойлик киритиш ҳамда анчалик хавфли ишларни қилиб

давлатга етишиш ақл ва ҳикматга лойиқ эмасдир. Кўп-дан-кўп қаттиқ азоблар тортиб давлатни қўлга киритганлар ҳам ундан ҳеч қандай роҳат ва лаззат кўролмасдан, охири кўп ҳасрат-қайғулар тортиб ўлганлар. Ҳар кимда ақл етакчиси бўлса, у кишини хатарли жойларга киришдан қайтариб туради, ҳар ишда сабр-қаноат қилишга буюради.

Шундай бўлгач, давлат ва салтанат кўпинча ақлсиз қора ботирлар қўлига ўтиб қолади. Ёмонларнинг давлати яхшиларнинг офати эканлигига шубҳа йўқдир. Бинобарин, яхшилар хорлик ва зорликда қолиб, меҳнат-машаққатлар уларга нонхуруш бўлади. Чунки товус, какликлар лойда ётган ўлимтикка назар солмайдилар. Балки унинг сассиқлигидан жирканиб, этак ва енгларини йиғиштириб ўтадилар. Аммо қарға-қузғунлар, болтаютар қора қушлар ўлимтикни кўрганларида севинчлари ичларига сиймай, ўзларини унинг устига отадилар. Агар биров унинг чангалидан қутулиб қолар экан, бошқаларини унга чангал соладилар. Бир шоир шундай деган.

Б а й т:

Ақлу давлат қарини як дигаранд
Ҳар ки ро ақл нист давлат нист.

Таржимаси:

Ақлу давлат бир-биридан ажралмас
Ақли йўқлар давлат қушин тутолмас.

Бу байтга кўра, баъзи бировлар давлат топиш ақлга боғлиқ экан деб тушунган бўлсалар ҳам, шоирнинг асли мақсадини билмаганликларидан, хато фикрлар қиладилар. Бу байтнинг ҳақиқий маъноси эса ақл ишораси билан сайъи-ҳаракат, меҳнат қилиб давлат органишдир...

Ақлнинг ҳақиқатига ҳеч кимнинг илми етган бўлмаса ҳам, инсоннинг даража ва мартабаларига кўра, улар

учга бўлиниб, уч сифатга ажратиладилар. Улар муоди³, маоши⁴, бахими⁵ дейилиб, ҳар бири ўзига хос ном билан аталади. Яна уларнинг ҳар бирлари аъло, авсат, адно бўлиб уч даражани эгаллайдилар. Муоди ақлнинг адноси маоший ақлнинг аълосидир. Маоши ақлнинг адноси бахими ақлнинг аълосидир. Бахими ақлнинг адноси ҳайвонлар ақлининг аввалидир.

Ҳаёт оламига кўра, ақлнинг алоқаси қуёш нуридек ҳаммага баравардир. Лекин унинг таъсири кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Аммо ақлнинг бундан ортиқ ёки кам бўлиши ақлнинг ўзидан бўлмайди. Чунки унинг тоби қуёшга ўхшаш ҳаммага бир хилдир. Ақл басид бўлиб, унда бўлиниш қобилияти йўқдир.

Энди юқоридаги сўзлардан маълум бўлдики, оқил одамлар ўзларига етарлидан ортиқча мол-дунё йиғиш билан шуғулланмайдилар. Оқил одамлар кундалик ризқларига қаноат қилиб яшайдилар. Ақлсизлар эса бутун кучлари билан ҳаракат қилганликларидан, мол тўплаб дунё топиб давлатга етадилар. Бирини озга қаноат қилиб, ўлмас овқат билан тинчликда умр ўтказади; иккинчиси эса бунга қаноат қилмай, эрта-кеч югуриб, эшакдек ишлаб, мол тўплаб, бойликка эришади. Лекин унинг бу иши осонлик билан қўлга кирмайди. Бу йўлда кўп меҳнат ва машаққатларни тортиб, хор-зорликларни кўради. Яна бу ортиқча топган молни ўзи учун эмас, бошқалар учун тўплайди. Чунки ҳар қандай киши бир кеча-кундузда уч мартадан ортиқ таом ея олмайди. Агар бундан ортиқ ер экан, бу одамнинг меъдаси бузиладиган ва унда касаллик пайдо бўлиб ўлим оғзига келтиради. Демак, ортиқча йиққан моллар, албатта, у одамнинг ўзиники бўлмайди. Улиш олдидап ёки унинг кетидан у молларга бошқалар эга бўладилар. Энди шундай бўлгач, мол тўплашнинг натижаси ейиш-ичиш, жимо қи-

³ *Муоди* — охират (у дунё) ақли.

⁴ *Маоши* — дунёвий ақл.

⁵ *Бахими* — ҳайвоний ақл — *Тарж.*

лиш, халога бориш кабилардангина иборат бўлиб қолади. Ҳақиқий инсонлар эса бу ҳар учовига ҳеч вақт қизиқмайдилар. Бу тўғрида от ва эшакдан тортиб энг тубанги ҳашаротларгача шерик бўлишдан ор қиладилар. Шунинг учун оқиллар осонлик билан топиладиган озгина нарсага қаноат қиладилар. Аммо ақлсиз жоҳиллар эса нафс ҳаволарига эргашиб, касб ва ҳаракатлар қилиб жонбозлик билан мол йиғиб, давлат топишга астойдил қизиқадиладар. Чунки улар ҳаётнинг мақсади деб еб-ичишни, лаззатланишни, нафсни қондиришни тушунадилар. Агар ҳар одам ўзини аввали ва охирига ибрат кўзи билан қарар экан, дунёдан роҳат излаш, катталик ва такаббурчилик қилиш у ёқда турсин, бошини ҳам юқори кўтара олмас эди. Бу фоний дунёнинг ҳамма давлат ва неъматларини қўлга киритиш учун аввал унинг асбобларини тайёрлаш лозимдир. Чунки олло инсонни яратмасдан илгари унинг фойда ва зарарларининг сабабларини тайёрлаб, нима қилиш ёки қилмаслиқнинг ихтиёрини инсоннинг ўзига бергандир. Агар бунда унинг амри-наҳрига қаршилиқ кўрсатмаса, бошқа ишларида нега буни қилдинг ёки қилмадинг деб олло ҳеч кимдан сўрамайди. Масалан, мол топиш давлатга етишишнинг сабабларидан бири подшоҳлар ва ҳокимлар хизматида бўлишдир. Агар одам хизматни ўринлатиб жойига қўяр экан, албатта, талабига етади. Агар талабига етмаса, демак, бу унга топширилган хизматни астойдил бажарилмаганлигининг оқибатидир.

Мисра:

Хизмат туро ба кунгиран кибриё барад.

Таржимаси:

Хизмат сени арш устига олиб боради.

Шунга ўхшаш, тижорат ишида ҳам ўртача йўл тутса, пулини ўринсиз сарф-харажатлардан сақласа, кундан-

кунга моли кўпайиб, давлати ошиши шубҳасиздир. Тижорат қилиб мол тополмасликнинг сабаби эса тижорагнинг шароитига тушунмаслик, унинг қоида-қонуларини яхши бажара билмасликдир. Агар деҳқончилик ишини қилувчилар бу касб изидан юриб ўз эшигидан кира олсалар, бир ботмонга юз ботмон оладилар. Шунингдек, ҳунармандлар ҳам кирим-чиқимларини сақлай олсалар, ўзларига етарли бўлганидан кўпроқ мол топадилар.

Оқилларнинг подшоҳ хизматидан қочишларига энг биринчи сабаб шулки, подшоҳларга яқинлашганда жонга хатар, танга зарар келиши мумкиндир. Султонлар олдида хизмат қилганлар биринчи қадам қўйишлариданоқ ўз эркларида ажраладилар. Ҳар ишда султон ризолигини ўз ризоликларидан устун қўядилар. Бу тўғрида хизматчиларда мутлақо ихтиёр қолмайди. Инсоннинг бу ҳолга келиши тириклай дўзахга тушиш, абадий азобга қолиш демакдир. Шунинг учун ҳукамолар ўзингга ўхшаш бировнинг хизматида қўл қовуштириб, олтин камар боғлагандан кўра арпа нон еб тинчгина уйда ўлтириш яхшироқ деганлар.

Қ и т ъ а:

Ситои жома агар кўҳна хаст ё азов,
Дутои нон агар азгандумаст ё азжов.
Бачахор гўшаи деворий худ ба ҳотири жамъи,
Қи кас на гўяд аз инжо беҳизу, онжо рав.
Ҳазор бор накутар ба базди ибни ямин,
Зиффарий мамлакатий Қайқубоду Қайхусров

Таржимаси:

Янги, эски кўйлак, иштон, бир чопон,
Хоҳ буғдой, ё арпа — иккиси ҳам нон.
Тўрт девор ичра ўлтирсанг тинчгина,
Тургил ердан демаса, ё юр бу ён,
Бу ямин олдида бу иш яхшидир
Минг бор Қайқубот, Қайхусров давлатидан.

Оқил одамлар тижорат ишларидан ҳам сақланадилар. Чунки у билан шуғулланувчилар кўпинча сафарда бўлиб, меҳнат-машаққат тортадилар. Тоғ-тош, кўл-чўллар ва хавфли йўллардан юришга тўғри келади; бунинг устига ўғри, босқинчилар, йиртқич ҳайвонлар уларни доим ташвишлантиради.

Ф а р д:

Сайёд нахар бор шикори орад,
Бошад ки, якируз фаланг аш бидаррад.

Таржимаси:

Овчиларнинг тўрига ҳар кунда тушмайдир шикор,
Гоҳи бир чоқлар бўлурки, они йўлбарс ов этар.

...Қариндош-уруғ, ёр-дўстлардан ажралиб, халқдан ўзини йироқлаштириш инсоният маданиятига қаршилик қилишдир дейдилар. Бундайлар касбнинг маънисига, маданиятнинг ҳақиқатига тушунмаптилар. Касб қилиш ва маданий бўлишнинг маъниси ички ва ташқи куч-қувватларни бутунлай ишлатиб, кетмон чолиб, лойга ботиб ёки эртадан кечга қадар иш ортидан югуриб юриш эмасдир. Балки касбнинг чин маъниси тирикчиликка етарли ҳаракат қилишдир. Маданиятли бўлиш эса инсонлар хоҳи қўли, хоҳи тили билан ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари демакдир...

Б а й т:

Мурғий лохутию, маҳбуси табоъе мондаи,
Шоҳ бози қудсию дар жифаи мойил чароб.

Таржимаси:

Муқаддас қуш эдинг, қутқар ўзингни,
Нечук қўйдинг ўлимтиikka юзингни.

Шундай бўлгач, оқил одамлар ҳимматларининг баландлигидан, ишнинг ҳақиқатига тушуниб, дунёнинг ноз-неъматларига назар солмайдилар. Дунёнинг давлат ва роҳатларини қўлга киритиш учун қимматбаҳо умрларини унга сарф қилмайдилар. Бошқалар давлат деб тушунган ва унга ета олмаслик ҳасратини чекиб юрган нарсаларни оқил одамлар офат деб биладилар. Уларнинг кўзларида дунё давлатининг қадр-қиймати бўлмаганлигидан, унга етиш йўлларини бошқаларга кўрсатиш учун қалам юргизмайдилар. Чунки давлат ва неъматнинг шартлари тинчлик билан роҳатда бўлишдир. Дунёнинг давлат ва неъматларини топганлар эса булардан маҳрумдирлар. Ўйлаб кўр, роҳати ва тинчлиги бўлмаган давлат нимага арзийди? Модомики шундай экан, уни давлат дейиш аҳмоқликдан бошқа нарса эмасдир.

Баҳими ақлига эга бўлганлар кўпчилик халқни ташкил этади; дунёни обод қилувчилар ҳам шулардир. Агар булар ҳам дунёнинг ноз-неъматларига берилиб, шаҳват нафсларини қондириш учун ҳалол, ҳаром демай ҳар ишга киришсалар, оллонинг амр наҳрига қарамай шу ҳолда дунёдан ўтсалар, дўзахнинг тутантириқ ўтини бўлишларига ҳеч шубҳа йўқдир. Чунки бундай одамлар шайтоний шаҳват ўтларини алангали қилиб, ўзларидаги раҳмоний нурларни ўчирган бўладилар. Одатда бундай одамлар ўтган пайғамбарлар ва авдиёларнинг сўзларини нафсларининг орзу-ҳавасларига қарата жўядилар. Оз бўлса ҳам, дунёнинг лаззатини кўришни ғанимат биладилар. Дунё топиш, мол тўплаш керак деган гапни оғизларидан туширмайдилар.

М и с р а:

Ба дунё тавон охират ёфтан.

Таржимаси:

Дунё топсанг, охиратни топарсан.

Бир кунлик бўлса ҳам салтанат учун жон қурбон қиладилар.

М и с р а:

Салтанат гарчи ба як лаҳза бувад муғтанам аст.

Таржимаси:

Бир нафаслик салтанат ғаниматдир етганга.

Шунинг учун ҳар нарсани ўйламасдан, олди-ортига қарамасдан, дунё лаззатларига берилиб, ўзларини парвонадек ўтга урадилар. Подшоҳларнинг хизматларига киришда адил кунларининг аччиғини ўйламайдилар; даража ва мансаблари кўтарилиб, подшоҳнинг яқинларидан бўлган чоқларида ўзларига ўхшаганларни назар-писанд қилмайдилар, балки уларнинг мол-дунёларини ёрғу қилиб, ўзларини қоронғи назорат остига оладилар. Агар Ҳиндистон ёки Фаранг сафарига чиқмоқчи бўлсалар, дарҳол ўз фойдаларини ўйлаб, у ёқдан олинадиган зар-ишакли кийимларнинг баҳосини аниқлайдилар. Аммо йўл азобини, чўлларда пойлаб юрган қароқчиларни, денгизда тўлқин бўлиб кеманинг ғарқ бўлишини хотирларига келтирмайдилар. Деҳқончилик ёки боғдорлик деганда эса, ҳар хил ширин меваларнинг товоқларда тўлиб-тошиб турганини ёки турли донлар билан омбор-ҳаммаларининг тўлганини кўз олдиларига келтирадилар-у, курак, кетмон кўтариб қум-тупроққа ботиб юрган кунларидаги тортган ташвишларини ўйламайдилар. Қисқаси шулки, дунё ҳирси уларнинг кўзларига ғафлат пардасини тортади. Бунинг натижасида қўрқинчлик ишларга, ҳатто, ўлимга ҳам парво қилмай ўзларини отадилар. Оз-кўп мол топиб, энди давлатга етдим деб турганларида, кутилмаган жойдан бирор офат пайдо бўлиб, шунча жонбозлик қилиб топилган мол ёрғу бўлиб, талон-торожга кетади. Ёки вафот этиб мол-

ларни меросга қолади, ўзи эса бошини кафанга чулғаб мазор сари йўл олади (...).

...Одамнинг ошқозонига кўп бўлса 200 мисқол ошу, сув сиғади. Ҳукамолар бир кеча-кундузда бир мартаба ейишга буюрадилар. Аммо табиблар ҳар ўн икки соатда, авомлар эса тўғри келган вақтда ейдилар. Агар одам бу қонунга бўйсуниб, 200 мисқол ошу, сув ўлчовини яхши сақлар экан мижози ҳам мўътадил ҳолда бўлиб, умри табиийга еткунча тани соғлиқ билан ўтади. Масалан, ўттиз мисқол ноннинг ўн драми қуруқлик бўлади; ўн драм асал унга иссийқлик беради, ўн драм сув уни ҳўллайди. Бироз ёғ қўшилса яна силлиқроқ бўлади. Агар одамнинг овқати шу тартибда бўлса, унинг мижози тенглашиб, тан соғлом бўлиб юраверади. Лекин инсоннинг ҳайвоний сифати ғалаба қилганлигидан, ғафлат ва шаҳватидан енгилиб, емак-ичмак ўлчакларини яхши тута олмайди. Ақл тизгинини шаҳват нафсига топширади. Қачон таом кўрар экан, ўзини тута олмай, унга парвонадек ташланади. Натижада узоққа бормай тан иморатига ҳалал етиб, тишлари тўкилиб, ошқозони эскиради. Бунинг оқибатида ички ва ташқи қуввати бўшашиб, кўп касалликларга йўлиқади.

Одам ҳар куни уч мартаба овқат ейишга одатланган бўлса, ўшанда олти юз мисқол ошу, сув еб-ичган бўлади. Шунда унинг кундалик чиқими бир тангадан тушади, Агар лаззатлироқ таом емоқчи бўлса, бунинг чиқими ҳам икки тангадан ортиб кетмайди. Шу билан бир кеча-кундузлик умр ўтади. Агар танингга қувват бўлиб, ўзинг тикка тургудек ҳалол ризқ топиб ер экансан, қиёматда унинг ҳеч ҳисоб-китоби йўқдир. Агар ифрот ёки тафрит тарафига ўтсанг, худо олдида хижолатда қоласан. Чунки яратганининг маслаҳатига кирмай, ўз билганингни қилган бўласан. Яратувчи сенинг тан таркибингни шундай мустаҳкам ясаган эдики, агар уни ўз қиёмида сақласанг эди, ҳукамоларнинг айтишича, минг йиллар унга ибодат қилар эдинг. Сен эса шаҳват

нафсингга берилиб, қўлингга кетмон олиб, шундай мустаҳкам қурилган бинонинг пойдеворини қазий бошладинг. Натижада унинг чидам қувватини олтмиш-етмиш йилга келтирдинг... Ваҳолонки, ҳаётдан мақсад еб-ичиш эмас, балки еб-ичишдан мақсад ҳаётни сақлаб қолишдир...

Б а й т:

Шикам суфиро забун карду фарж,
Ду динор баҳарду он кард харж.
Яки гуфташ аз дустон дар нухуфт:
Чи карди бадон ҳар ду динор гуфт.
Ба динори аспунт рондам нашот.
Ба дигар кашидан шикамро сумот.
Фуру моягӣ кардаму аблахий
Нашут он яки пур ин тихий.

Таржимаси:

Қилди расво сўфини қорни билан нафси анинг,
Иккисига икки тиллосин сарф этди, билинг.
Яширинча сурди бир дўсти: не қилдинг иккисин?
Айтмаган бирла билурман қилган ишни билгусин.
Деди: эй дўстим, бири бирла чиқардим шаҳватим,
Қолгани қорнимга кирди, топдим андин лаззатин.
Нафси шайтон йўлига кирдим ҳамоқатлик билан,
Бири тўймас, бири бўш қолмас қанча қилганинг билан.

Гуноҳ ишларни қилмоқ фақир учун ёмон, аммо ғанига айниқса ёмонроқдир. Масалан, бой одам зино қилса унинг жазоси фақирникидан оғирроқ бўлади. Чунки хотин ёки чўри олишга унинг қудрати етади. Шунинг учун ундай одамнинг узри қабул қилинмайди. Бойга қараганда фақирга енгилроқ жазо берилади. Чунки у кундалик ризқини зўрға топиб, муҳтожликда ҳаёт кечирилади...

Мол-дунё уни танимаганлар учун ширин, таниганлар учун эса ачкиқдир. Агар замона айланиб, давлат ва салтанат бир дона оқил одам қўлига ўтса, бу давлатдан у ҳеч вақт лаззатланиб роҳат топа олмайди. Чунки оқил одам доим олди-ортини ўйлаб, кўнгли ташвишланиб туради. Шундай бўлгач, ҳар қандай давлат устиде турса ҳам унинг лаззатидан баҳра топа олмайди. Чунки дунёнинг нафси тилаган лаззатли нарсаларидан ё ақли, ёки шаръий томондан уни қайтарувчилар борадур. Бундай одамнинг кўнглига доим буни қил ёки буни қилма деган илҳомни солиб турадилар. Агар бирор номуносиб ишни қилар экан, ақл унга розилик бермайдиги; қилмаса нафси ором олмайди. Шундай бўлиб, унинг кўрган давлати ўзига татимайди. Шунинг учун ҳам оқил одамлар дунёнинг давлат ва мансабларини ўз ихтиёрларича талаб қилмайдилар. Агар талаб қилар эканлар, халқни тинчлантириш ва ҳақиқатни юзага чиқариш учун қиладилар.

Аммо, худо сақласинки, агар давлат ҳукмронлигини нодонлар қўлига тушса, улар бутун ихтиёрларини нафс-шайтонга топширадилар. Ўз хаёлларича дунё лаззатларидан нафсларини қондирмоқчи бўлиб, ҳар қандай бузуқчилик, шаҳватпарастлик каби ёмон ишларга киришадилар. Охири ўзлари ҳам бирор балога учраб ҳалок бўладилар... Кимнинг нафси-шайтониси ҳаддин ошиб, бошини юқори кўтарар экан, қаҳр тўқмоғи билан уриб бошини паст қиладилар.

Энди шу ерга еткунча айтилган сўзлардан маълум бўлдики, оқилларнинг бу дунёда давлат ва неъматларга эга бўлмасликларига, нодон ва ғофилларнинг эса дунёда давлат ва даража топишларига уларнинг феъл-атворлари сабаб эмас экан. Балки ҳар иккови ҳам бойлик ва камбағалликни ўз ихтиёрлари билан топадилар. Шунингдек, биров касб эгалласа-да, кўнглида мол тўплашга қаршилиқ туғилиб, мол тўпламайди. Ик-

кинчисининг кўнглида ундай қаршилиқнинг йўқлигидан касб ва ҳаракат қилиб давлатга эришади.

Юқорида айтилган сўзларнинг хулосасига кўнгилдан бир мисол келтириб, унинг маъносини яна ҳам равшанроқ қилиб кўрсатамиз. Фараз қилайликки, хазина ва дафинаси мўл, ловулашкарли, куч-қувватли, олий ҳимматли, хайр-саҳоватли бир улуғ подшоҳ ўзининг давлат хизматчилари, саркорлари, чокарлари, аскар бошлиқлари, яхши-ёмон, дўст-душман — ҳамма фуқароларини бир катта боққа зиёфатга чақирди. Бу боғнинг ҳар томонидан сувлар оқиб турибди; боғда турли хил гуллар қийғос очилган; жамбил, райҳонларнинг ҳидлари ҳамма ёқни қоплаган; турли-туман мевалар хил-хил пишиб етилган, боғнинг ичида зебу зийнат, олтин, кумуш, инжу, маржон, лаъл ва ёқутлар билан безатилган шану-шавкатли қаср саройлари қад кўтарган. Буларнинг қаршисида подшоҳнинг ўрдаси бўлиб, у ерда ўзига хослаб пойтахт бинолари қурилган. Мана шундай боғ олдига ҳамма чақирилганлар йиғилиб келдилар. Шу чоқда подшоҳ томонидан бир киши чиқиб жар солиб дедикки, кимки султон билан суҳбат қилишга қобилиятли бўлса, мажлис одоблари, сўз мақомларига яхши тушунса, ундай одам султон ҳузурига кириб у билан суҳбат қилсин... Аммо бу суҳбатга ярамаганлар эса, агар уларнинг султонга қадр-хизматлари ўтган ёки илгаридан бери ундан алоқасини узмаганлар бўлса, бу ясалган қасрнинг олий иморатларига кирсинлар. Қолган кўпчилик авом халқ эса бу ёққа кириб, хоҳлаган жойларида ўлтириб, севган меваларини есинлар.

Бу буйруққа кўра, давлат ва салтанат хизматларида бутун умрларини ўтказган, қадрдон давлат хизматчилари боғ ичидаги ўзларига тайинланган олий бино ва қасрларга кирдилар. Ундаги кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ноз-неъматларни кўриб, ақлларида адашиб, икки дунёни ҳам эсларидан чиқардилар. Очилган гул, райҳонлар, ҳар ёққа қараб оққан анҳорларнинг томо-

шасига ботиб, ҳар қадамда пишиб турган меваларни еб, бутун ҳислари билан боғнинг роҳати ва лаззатларига берилдилар. Буларнинг бир жамоаси султон суҳбатига қобилиятли, султон мажлисининг шароитига тушунган, ҳар сўзни ўз ўрнида ишлатадиган оқил ва доно одамлар эди. Булар эса боғнинг зебу зийнат ва ноз-неъматларига қарамадилар. Бир нафасли султон суҳбатини ҳаммадан ортиқ кўришиб, султон қасрининг остонасига йиғилиб келдилар. Султон уларни кўриб, бунча кўп ноз-неъматларга қарамай, нега менинг суҳбатимни хоҳладинглар деганда, сизнинг дийдорингиз бизга ҳамма нозу неъматлардан ортиқдир деганлар. Бу сўз подшоҳга маъқул бўлиб улардан рози бўлди; уларга ҳеч кимнинг кўнглига келмаган инъом ва эҳсонларни қилди. Яна улардан султонга ёққан, қадр-хизматлари унга ўтган бир жамоа одамлар туриб, бу кўринган олий биноларни чиқиб кўрайлик, бизнинг султонимиз меҳмонлари учун қандай зиёфат ва қандай ноз-неъматлар тайёрлагандир деб қасрнинг юқорисига чиқдилар. Подшоҳ хизматчилари уларни ноз-неъматларга ботган, гул-райҳонларга ўралган, ўзларига хослаб аталган жойларга ўлтурғуздилар. Султон тарафидан уларни қутлуглаб, айш-ишрат, ноз-неъматларга фарқ қилдилар. Булардан яна бир гуруҳ одамлар бу жойнинг қандай яхши эканлигини, ундаги мавжуд ноз-неъмат, зеб-зийнатларнинг кўплигини эшитганлар ва султоннинг уларга қиладиган илтифот ва меҳрибончилигини билган эдилар. Лекин табиатларининг оғирлиги, жасадларининг қўполлигидан, аввалгилардек юқори қаср меҳмонхонасига чиқа олмадилар. Ночор ҳолда, боғ ичида кўпчилик авом халқ орасида қолдилар. Аммо юқори қасрда тайёрланган неъмат ва лаззатларни билганликларидан, боғдаги мевалар ва ундаги неъматлар уларнинг назарларига илинмас эди. У ердаги мевалар, гулу райҳонларга илтифот қилмай, сув бўйидаги дарахтлар соясида хафа бўлиб ўлтиришиб, агар биз ҳам юқоридаги меҳмонхоналарга

чиқа олганимизда ҳамма ноз-неъматлар оғзимизга келар эди; энди эса ё ўзимиз боришимиз ёки уларни талаб қилишимиз керакдир; талаб билан топилган неъмат эса меҳнатдир дер эдилар...

Аммо боғ ичига кирган кўпчилик авом халқ эса султон суҳбатининг шарофати ва у мажлисининг лаззатини ҳеч ҳам эсламас эдилар. Балки подшоҳ суҳбатида бу ноз-неъматлардан кўнглимиздагидек қониб ея олмас эдик деб, боғнинг неъматларидан истаганларича еб-ичишга киришдилар. Ўзлари тўйсалар ҳам кўзлари тўймасдан, олиб кетиш учун мевалардан ҳар қайсилари кўтаролмаслик даражада тўпладилар. Нафсига эга бўла олмаган баднафслар ниҳоят кўп еганларидан, ош қозонлари бузилиб, ичлари сура бошлади. Баъзилари эса кўричак ва ҳайза касалликларига йўлиқиб, вафот қилганлари ҳам бўлди. Ўлмай қолганларининг эса ичлари суриб, боғ-бўстон, чаманзор ва гулзорларни булғадилар. Ниҳоят, боғбонлар уларни ҳайдаб боғдан чиқардилар ва илгариги жойлардан ҳам торроқ ва оғирроқ жойга киргиздилар.

Боққа кирган бу кўпчилик авом халқ ичида боғ неъматларига очкўзлик қилмай, ўзини сақлаб, оз еб-ичиб, ўз мижозларини бузмаганларни уларнинг ичидан ажратиб олиб, султоннинг фармони билан, юқориги меҳмонхоналарга, ҳурмат кўраётган яхши меҳмонларга қўшдилар.

Мисолдан кўриниб турибдики, айтилган боғ ҳамма-нинг ўртасидаги бир боғ бўлиб, ундаги мевалар ва ноз-неъматлардан фойдаланиш боққа кирганларнинг ўз ихтиёрларда бўлди. Биров ўзини сақлади, оз еб-ичиб қаноат қилганидан мижози бузилимай тани саломат қолди. Яна биров ўзининг очкўзлигидан тартибсиз еб-ичиб, олиб кетиш учун ҳам кўп нарсга тўплади. Бениҳоя кўп еб-ичганликларидан уларнинг мижозлари бузилиб, саломатликларидан ажралдилар. Ундайларни боғдан ҳайдаб

чиқардилар; йиққан нарсалари эса ўша жойда қолиб кетди...

Тани соғлом, узрсиз кишиларнинг гадо бўлишлари уларнинг дангасаликларининг натижасидир. Дунё боғидан қандай фойдаланиш ҳар кишининг ўз ихтиёрида эканлигини юқоридаги мисолдан яхши тушунгандирсиз! Бу мисолдаги ишорат сўзларига оқил одамлар, айниқса, тез тушунадилар. Аммо саводсиз одамларнинг бунга тушунишлари қийинроқдир. Шунинг учун бу мисолдаги ишоратларни айтиб ўтамиз. Боғ деганимиз дунёдир. Султон эса ҳақиқий подшоҳ — худо. Суҳбатга лойиқ бўлганлар пайғамбар ва авлиёлардир. Юқори меҳмонхонага чиққанлар тақводор яхши бандалардир. Сув бўйидаги дарахт соясида ётувчилар озига қаноат қилувчилардир. Қасал бўлиб қолиш касофат нафсининг ғалабасидир. Кўп еб-ичиш ва йиғиш-йиғиштириш очкўзлик билан дунёга қизиқишдир...

ИНСОН АХЛОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАБИАТИ ҲАҚИДА



Малъум бўлсинки, бир куни кишиларнинг ахлоқи ҳақида фикр юргиздим. Инсон миждозлари ва уларнинг табиатларининг бир-бирларига ўхшамаслиги ҳақида ўйлаб чуқур фикрга кетдим. Чунки тенгдошларим ва замондошларимдан қайси бирининг илми, ақли ортиқроқ бўлса, одамлар ўшандан кўпроқ норози бўлиб, унга қарши гапирар эдилар; уларга ёмон ахлоқларни ағдариб, орқаларидан гийбат қилар эдилар. Менинг олдимга келувчиларнинг ҳам баъзилари иқрор, баъзилари эса инкор эдилар. Бунини кўргач, мен ўз ҳаққимда гумонга тушдим. Агар ўзимни аҳмоқларга ўхшатсам, халқ менинг оқил ва донишмандлигимга гувоҳлик беради. Халқ сўзига ишонай десам, бир жамоа одамлар эса мени мажнун сифат ва савдон дейдилар. Шунинг учун ким ақлли, ким ақлсиз; ким олим ва ким жоҳил эканлигини аниқлаш учун дил ойнасига қарадим. Унда кўрган нарсаларимни қаламга олиб, варақлар устига чиздим.

Шундай қилиб, инсон ахлоқларини ажрата билиш ва инсон ахлоқи табиатларининг неча хил бўлиши ҳақидаги фикрлар қуйидагичадир.

Ҳадисда олтин, кумуш, маъданлар каби инсон ҳам бир маъдандир, дейилган. Ер қорнида бир-бирига ўхшамаган ҳар турли маъданлар бордур. Шунга ўхшаш, инсон ҳам ички ва ташқи қувватларига кўра, ҳеч бирлари иккинчи бирларига ўхшамайдилар. Баъзилари олтин, баъзилари эса кумушдек ёқимли бўладилар. Баъзиларининг диллари темирдек қаттиқ, баъзилари қўрғошиндек юмшоқ; ҳеч маъдан ҳар қанча ишлатилган билан ўз сифатини йўқотиб, иккинчи маъданга айланмайди. Шунга ўхшаш, инсон ҳам ҳар қанча тарбия кўрмасин, асли яратилишидаги сифатидан бутунлай ажралиб кета олмайди. Хулоса шулки, ҳаёт дунёси, жонли нарсалар уч турли сифатга эгадир. Булар ҳайвоний, шайтоний ва малаконий сифатлардир. Бу уч қувватни бирлаштириб, ҳосил бўлган хамирдан бир жонли нарса яратиб, унинг отини инсон деб қўйганлар.

Б а й т:

Одамизода турфа маъжунист,
Каз фаришта сиришта ваз ҳайвон.
Гар кунад майли ин шавад бад аз ин,
Вар равад суйи он шавад бе ҳазон.

Таржимаси:

Одам боласи қизиқ бир маъжун,
У ҳам фаришта сифатли ва ҳам ҳайвон.
Яхшисидур фариштадин ортиқ,
Ёмондан ҳазар қилур шайтон.

Агар оламнинг атрофини, дунёнинг ҳўлу қуруғини ахтариб чиқсанг, бир рангда ва бир хулқда бўлган икки одамни топа олмайсан. Бутун жаҳонда икки одамнинг истаган мақсади бир хилда бўлишини ҳам кўра олмайсан; ҳар ким ўзига фойда топишда ёки ўзидан зарарни қайтаришда унинг ўзига хос бир турли тутган

йўли бордур. У ҳақда ўйлаган ўзининг бир фикри бўлади.

Б а й т:

Ин халқки, дарҳамаст ажзои ҳамад,
Ҳар чанд ҳам оғуш бувад жойи ҳама
Биттабаъ баҳам чу товамъ бодонанд
Қаз яг дигараст дур дилҳои ҳама.

Таржимаси:

Халқ аъзолари бир хил эрур,
Қўринишда бир-бирига эл эрур.
Қўш мағиз бодом мисоли бўлса турган жой-
лари,
Бир-биридан кўп узоқдир барчасин кўнгул-
лари.

Дунёда баъзи кишилар шундай олий ҳимматли бўладиларки, хонларнинг тахтига қадам, подшоҳларнинг тожиги назар ташламайдилар. Ой фалаги остидаги барча нарсалардан кўз юмадилар; фаришталар оламига қўшилмагунча ҳеч жойда тўхтамайдилар. Баъзи бир одамлар эса шундай паст табиатдирларки, гўлаҳнинг кулига булғаниб ётишни санжобу самур¹ тўшакларига ўралиб ўлтуришдан яхшироқ кўрадилар. Қайковус² тахтига минншдан сипиринди ахлат устида ёнбошлаб ётишни ортиқроқ биладилар. Яна бир хил одамлар борки, улар яхшилик сифатларида фариштадан ортиқдирлар. Аксинча, баъзи бирларидан эса ит ҳам яхшироқ кўринади. Яна бир жамоалари тажрид йўлини тутганликларидан, Марям ўғли Исодек бўлиб фаришта сифатига жирадилар. Ва бир қанчалари Хоруд³ ва Моруд⁴ қилиғини қилиб, унинг касофати билан Бобир шаҳрининг

¹ Санжобу самур — энг қимматбаҳо мўйна.

² Қайковус — Эрон подшоҳларидан бирининг номи.

қудуғига қамаладилар. Ва бир нечалари илмдан шоту ясаб осмонга чиқмоқчи, ҳийла фанидан манжаниқ қилиб юлдузга етмоқчи бўладилар. Агар макр тўрини қўлига тутса, уни ёйиб ҳийла тузоғини қуриб, анқони тўрага туширадилар. Агар маккорлик авжига чиқса, қиёмат кўпригини бузиш учун каманд ташлайдилар. Агар баҳодирлиги тутиб уни кўрсатмоқчи бўлса, арслон эғнидан тўнини сидирадилар. Улардан баъзилари шундай гўл ва аблаҳки, оёқ усти, тоvon остиларини кўролмай, кўрлардек, ҳар томонга қараб қўл, оёқ узатадилар. Баъзи бирлари эса узоқни кўрганликларидан тўққиз фалак ўлчагини олиб, юлдузларнинг юриш ҳисобини чиқарадилар.

Қоинот оламининг чексиз ажойиб ва ғаройиблари бордурки, ҳар куни ҳеч кимнинг кўнглига келмаган, ақли эшитмаган воқеалар содир бўлиб туради. Шунга ўхшаш, бир ҳовуч тупроқдан ясаиб, инсон аталмиш шу ожиз ҳайкалдан ҳар нафасда ажойиб илмлар, ғаройиб ҳунарлар юзага чиқиб туради.

Ҳақиқатда эса инсон улуг оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир. Агар виждонан ўйлаб қарасанг, шу кўримсиз гавданга қанчалик ҳикмат ва маслаҳатларнинг яшириниб ётганлигини биласан; бугина эмас, бу тубсиз денгизда юз мингларча ҳақиқатлар тўлқинланиб турганини ҳам аниқ кўрасан... Агар тафаккур дарёсига чўмсанг, етти осмонни хаёлинг қутичасига жойлайсан; агар хаёл қувватини ишлатсанг, етти қават ерни фикрнинг токчасига сиғдирасан; агар қаҳр-ғазабинг келса, йўлбарсни мушукдай ҳам кўрмайсан; агар меҳрибонлигинг тутар экан, бечора чумолини кипригинг устида сақлайсан; агар саҳийлигинг жилва қилса, кийган тўнингни муҳтожга бериб, ўзинг яланғис қоласан; агар бахиллигинг тутса, қумурсқа оғзидати

* *Хоруд* — } Моҳир жодугарлар, сеҳргарларнинг номлари — *Тарж*
Моғуд — }

донни талашасан; такаббурлигинг тутса, ўзимдан бошқа ҳеч ким бош кўтармасин дейсан; агар ҳиқду ҳасадинг қўзғалса, офтоб ёруғининг ерга тушганини кўролмайсан. Агар инсонни қайтармай ўзига қўйиб берсалар куфрда Фиръон⁵ ва Намрутдан⁶ қолишмайди. Агар уни хоҳласалар, имонда Жунайд ва Боязиддан ўтади. Агар унинг даражасини кўтариб қудратини оширсалар, унда худолик даъво қилиш фикри туғилади. Шундай қилиб, инсон ажаб қизиқ бир жамоадирки, фикр калавасининг ипи минг хил бўлиб ундан чувалади. Агар қизилни хоҳласанг, кўк чиқади. Ҳар ким ўзини севганлигидан, ўз ақлини комил деб билади. Ўзидан бошқани кўрмаганлигидан ўз боласи чиройлик кўринади. Бўлмаган илмларига суяниб ўзларини Афлотун ва Ибн Сино деб ҳисоблайдилар. Қила олмаган тақволарига ўзларини шайхулислом деб биладилар. Комил, ақлли кишининг ортидан у ақлсиз, у савдон, у мажнуун деб бир қанча сўз қиладилар; яхшиларни кетидан ёмонлаб юрувчилар ҳам кўпдир.

Шундай бўлгач, ким ақлли, ким ақлсиз, ким тўғри йўл топган, ким эса адашган эканлигини ҳеч ким ажрата олмайди. Чунки бир жамоа душманлик либосида тоат-ибодат қиладилар; иккинчи бир жамоа тақво чопонида фисқу фасод билан шуғулланадилар. Бир жамоанинг кишилари, масалан, Эшвойни замонамизнинг ақлли кишиси деб билсалар, яна бир қанчалар уни нодон ва аблаҳ деб танийдилар. Бир бўлак одамлар Тошвойни яхши десалар, бошқалар уни ёмон дейдилар. Албатта, ҳар икки тарафнинг ҳам сўзларини тўғри ёки нотўғри дейишга ақл бормади. Айни замонда бир томоннинг айтгани ҳақ, иккинчисиники эса ноҳақ бўлиши керакдир. Шундай бўлгач, шакка тушган одам ўзини қайси томонда эканини била олмайди. Уни йўлни

⁵ *Фиръон* — } Қадимги Миср ҳокимларининг номлари — *Тарж.*
⁶ *Намрут* — }

топгани ёки ундан адашгани унга маълум эмас. Инсонлар ўртасида ташқи қарама-қаршиликлар, бир-бирига тўғри келмаган мазҳаб ва маслаклар ана шундай пайдо бўлади. Шу сабабли ақллини ақлсиздан, йўл топгани эса адашгандан ажратиш учун бир қоида лозимдир. Ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан ажратмоқчи бўлсалар, ана ўша тарозига солиб тортишлари керак. Шу билан кимнинг қандай эканлигини ажрата оладилар. Чунки ҳар ким ўз ақлига қараб бировни ақлли ёки ақлсиз деса бу билан у одамнинг ҳақиқатда ақлли ёки ақлсиз эканлиги маълум бўлмайди. Ёки бир одам ўз кўнглида бировнинг тутган йўлини ёки унинг эътиқодини тузук, ё бузуқ деб ҳукм қилса, бу ҳам тўғри бўлмайди. Бундай ҳолларда масалани шу қоида тарозисига солиб имтиҳон қилиб кўрсинлар; ана ўшанда ҳақ ботилдан, яхши ёмондан ажралади; ҳеч бир оқил ақлсиз, ҳеч бир йўл топган йўлдан адашган бўлиб чиқмайди.

Бу ажиб ишдирким, биров оламнинг ҳақиқатини билиш учун илм денгизининг энг чуқур жойларига шўнғийди, лекин ўшанда ҳам унинг ҳақиқатини била олмайди. Иккинчи биров эса ўз мақсадига етиш учун асбоб-ускуналарини, имконият борича, яхшилаб тайёрлайди; лекин ўшанда ҳам ўз мақсадига ета олмайди... Аммо оллонинг қудрат ва санъат ишхонасининг ривожини парда остида давом этаверади. Агар ишнинг ҳақиқати очилиб, оламнинг сирлари устига ёпилган парда кўтарилиб сир ошкор бўлса, тирикчилик учун ҳеч ким ҳаракат қилмайди. Дунё ишлари бўшашиб, кишилик жамиятлари бузилади. Чунки у чоқда халқ нима учун яратилганлигини, дунёга нимага келганлигини билиб олади. Шунинг учун ҳам дунёга келганлар рафлат пардаси остида яшашга мажбур бўлиб, ўз ёнларини кўра олмайдилар. Йўқ фойдани, ҳаёлий роҳатни умид қилиб, ҳаракат остида жон олиб, жон берадилар. Шу билан бу дунё корхонаси равнақ топиб ривожга киради... Бу корхонанинг эгаси бўлса, бундай ишларни

давом эттирувчи хизматчиларга тайинланган кундалик ҳақни албатта етказди. Инсон, ҳар куни ҳақини олиб тургач, корхона ишчиси ҳисобланади. Қачон ишдан бўшар экан, дам олиб роҳатланади...

Кишининг ақлли ёки ақлсизлигининг аломати етарлидан ортиқча дунёга кўнгил қўйиш ёки қўймаслигидадир. Дунёга дўст бўлган дарвешни фақир демайдилар. Айни замонда Сулаймон пайғамбар шунча давлат ва салтанат билан фақир бўлган. Агар бундан ҳам ортиқча ақл топиб, бу али Афлотун ақлига етган бўлса ҳам ўзини қўллаб, охират азобидан қутқара олмайди. Балки ундай ақл эгасининг оёғига кишан бўлади. Ундай ақл дунё сирларини очиш ва ишчи асбобларини кўпайтириб, бу корхонани ривожлантириш учун берилгандир... Эшитмаган эдингми, Афлотун ўлар чоғида дунёдан қандай ўтдинг, уни қандай деб билдинг, деб ундан сўраганларида, ихтиёрсиз келган эдим яна ихтиёрсиз кетаётирман, дунёдан шуни билдимки, ҳеч нарсани билмаган эканман, деган...

* * *

Умидсизликдан кейинги севинчлар ҳақида маълум бўлсинки, мен ёзувчи бир қанча вақт вафиқ илми ва унда айтилган дуолар ҳамда ҳарфларнинг ҳаваслари билан шуғулландим. Бу илмнинг кўрсаткичи таъсири билан бошимга келган офат ва балоларни қайтармоқчи бўлдим. Шу илмнинг қондаси бўйича мақсадларимга етиш, офат ва балоларни даф қилиш учун кўрсатилган дуоларни ўқиб, буюрилган ёзув-чизувларни қилиб кўрдим. Аммо булардан ҳеч қандай фойда чиқмагач, бу илм аҳлларида нафратланиб, бу тўғрида тўплаган жабр-дуоларни ва унинг рақамлари ёзилган қалам ва дафтарларимни йиғиштириб, иккинчи уларга қарамай қўйдим. Дунёдаги яхши-ёмон, оғир-енгил бутун ишлар тақдирнинг буюришига қараб бўлар экан дедим. Тақ-

дир ёзувида қандай бўлса шундай бўлади; у ўзгармас экан, уни ўзгартиш учун банданинг қилган ҳаракатлари фойдасиз деб ишондим. Аммо ўзим кўп жойларда бало ва офатлардан қутулган эдим. Бундай пайтларда бу балодан фалончининг воситаси ёки фалон ишнинг ёрдами билан қутулдим деб ўйлар эдим. Оллонинг ёрдами ва унинг балодан сақлаганлиги кўнглимга ҳеч келмас эди. Чунки банданинг яхшилик ва ёмонлиги тақдирда ёзилганича бўлади; халқнинг дуоси билан ўзгармайди. Уларнинг талабларига қараб олло тақдир қилган ишни ҳеч қачон бузмайди, дердим. Лекин қуръондаги олло хоҳлаганини ўчиради, хоҳлаганини қолдиради; ловҳул маҳфуз ҳам унинг ихтиёрида деган сўзларга тилимда иқрор бўлсам ҳам, кўнглимда аниқ ишона олмас эдим. Шунга ўхшаш, кўпчилик халқ ҳам худо раззоқ, ўлим ҳақ деб тилларида айтадилар, лекин дилларида унга аниқ ишона олмайдилар. Агар жазман ишонсалар эди, дунё ишига киришиб ҳеч ким касбга қўл урмас эди. Улар бу айтган сўзларига кўнгилларида жазм эътиқодлари йўқлигидан, ўлимни орқага ташлаб, ризқлари учун касб ва ҳаракат қиладилар.

Б а й т:

Гар рузие кас музди тараддуд мебуд,
Аз байзан зоғ жумла анқо мируст.

Таржимаси:

Тараддуд-ла топса киши ризқини, билгилким,
Чиқарди қарға-қузғун тухмидан шаҳбозу, анқолар.

Агар бир кишининг тақдирига мунча йил умр кўради, ҳаракат ёки ҳаракатсиз бунча чиқим, бунча кирим бўлади, фалон даражали давлатни эгаллайди, унга бундай мўлчилик ё торчилик бўлади, ўтга куйиш ёки сувга ботиш каби офатларга йўлиқади деб ёзилган бўлса, ўша кишининг умри тугагунча шу ёзувдаги нарсалар ўзгармайди, илгари ҳам, кейин ҳам бўлмайди деб

Ўйлар эдим. Ёзувдаги тинчлик ва омонлик кунларида ҳар қанча фисқу фасод, бузуқчилик ишларини қилса ҳам, унга ҳеч қандай ҳалал етмайди; агар ёзувдаги бало ва офат кунлари келганда минг дод-фарёд қилса ҳам ундан қутула олмайди; унинг бу тўғрида қилган дуолари ҳеч фойда бермайди деб бир қанча замон шу эътиқодда бўлдим. Мана шу орада бир неча йиллар ичида ёлғизгина оллонинг ёрдами билан ўлим-йитим офатларидан қутулган бўлсам ҳам, уни бошқа сабабларга силтов қилиб, худодан кўрмадим.

Уша оғир балоларнинг биридан қандай омон қолганимни сўзлай: ёз кунларининг бирида сув тошқин вақтларида Самарқанд Даҳбедидаги ҳовлидан чиқиб, бир зарурат билан дарёдан ўтмоқчи бўлдим. Илгари ва сўнг бундай катта сувларни кечиб кўрмаган эдим. Сартарош куёвдек бошимда салла, оёғимда кавуш-маҳси, эғнимда қатма-қат тўн. Шу ҳолда бир отга миниб, икки-уч сувчи билан сувга кирдим. Сувнинг бир-икки шоҳобчасини кесиб ўтдик. Лекин дарёнинг ҳайбатини кўриб рангим ўчиб, теракнинг баргидай титрай бошладим. Ҳали катта дарёга етмай туриб усти бошим бутунлай ҳўл бўлди. Сувни кўриб қўрққанымдан тинмай худони ёд қилар эдим. Шундай қилиб, дарёнинг энг кенг ва ўрталиғига етганда, қарасам, дарё ҳайқириб, ишқириб қаттиқ оқмоқда экан; бу оқишга қараганда тоғни ҳам ағдариб кетар деб ўйлардим...

Шундай жойга келдимки, от устида ўлтирган бўлсам ҳам, сув менинг белимга чиқди. Отимнинг гоҳида қулоғи, гоҳида бўйни кўринар эди. Бу ҳолни кўриб ҳушим бошимдан учди, жонимдан умид узиб, эгарнинг қошини маҳкам тутиб калиман тайиба ўқир эдим. Шу чоқда бирданига отим сувга ёнбошлади. Менинг эса эсим кетиб, ўзимни билмай қолдим. Энди ўлиб, у дунёдан бош кўтариб, жазо ёки сазойимни кўраман деб ўйладим. Олам кўзимга тўла сув бўлиб кўринди. Дарёнинг нариги чети кўринмас эди. Бир қанча фурсат ўт-

гач, ҳушимга келиб, кўзимни очиб қарасам, дарёнинг у томонида ётар эдим. Йўлдошларим усти бошимни ечиб ёйиб қўйибдилар. Ўшанда менинг отим сувга ёнбош бўлган эди. Мен қандай ўлмай қолдим деб улардан сўрасам, отинг сувчил экан, сувчил от қаттиқ оққан сувларда ёнбошлайди; ўзингнинг ҳам сувга анча баҳодирлигинг бор экан, дедилар. Мен бўлсам, худо ҳақи, ҳушим кетганлигидан сувдан қандай ўтганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳушим кетган жойдан қирғоққача беш минг газча келар эди. Йўлдошларим сени худо сақлади, дедилар. Ажалим етмаган экан, мени бу сувчилар отим билан ўртага олишиб сақлаб қолишибдилар, дедим.

Яна шунга ўхшаш бир воқеани айтайин: аҳли ислом ва аҳли насоралар қўшилган йўлдошлар билан бир сафарга чиқиб, Жом тоғига етдик. Аравада тўла юк билан ёлғиз ўзим ўлтирган эдим; ер-кўкнинг нозик масалалари устида фикр юритиб маъно денгизига ботган эдим. Шу орада йўлдошларимга қарасам улар араваларини тўхтатиб, аравага тушиб-чиқиб турибдилар. Мен уларни ўз ҳожатлари учун тушибдилар деб ўйладим. Аравакаш ҳам бу ишдан хабарсиз экан. Шу орада аравамиз тарақлаб бир оз юрганда сўнг қарасам, олдимиздаги аравалар кўринмай қолибди. Шундан сўнг бир оз юриб бир жар ёқасига келдик. Жарнинг чуқурлигидан, унинг таги кўринмас эди. Қарасам йўлдошларимиз ҳаммаси пиёда бўлишиб аравалардан юкларини туширибдилар, аравакашлар бўш аравани судраб кетаяптилар; отлиқлар ҳам орқаларидан тушмоқда эдилар. Буларни кўриб менинг аравакашим ҳам аравадан тушаман деб йиқилиб, отнинг жилови қўлидан чиқиб кетди. Шундай ёнбағирлик ёмон йўлда оғир юкли аравани пастга қараб от олиб қочди. Тоғ устидан учиб тушган ҳарсанг тошлар бутун йўлни қоплаган эди. Араванинг гилдираклари гоҳи у тошга, гоҳи бу тошга урилар эди. Бу ҳолни кўргач, ақлим бошимдан учди.

кўнглимни ўлимга боғладим. Араванинг тез кетаётганлигидан, ўзимни пастга ташлай олмадим. Буни кўрган орқадаги отлиқлар ҳам чопиб келмоқда эдилар. Агар ўзимни аравадан ташласам ё гилдираклар тагида, ёки отларнинг туёғи остига тушиб қолишим шубҳасиз эди. Олдимда эса, ниҳоят чуқур, дарахтзор бир сой кўримоқда эди. Мана шу ҳолда туриб чин кўнглим билан ёлвориб худога дуо қилдим; орқамни юкка бериб, икки оёғимни араванинг аршига маҳкам тақаганимча ажал аждарҳосининг олдига қараб кетавердим. Шу чоқ гилдирак катта тошга урилиб, арава жардан сойга қараб йўл олди. Энди мен тошдан тошга урилиб, майдаланиб, гўштарим дарахт шохларига илиниб, қушларга ем бўладиганга ўхшайман деб қаттиқ қўрққанлигимдан эсдан кетибман. Бир замондан сўнг кўзимни очсам, бир булоқ бошида мени ётқизиб юзимга сув пуркаяпган экан. Ҳушимга келгач, ҳамма йўлдошларим мени айбладилар. Бизнинг аравадан тушганимизни кўриб туриб сен нега аравадан тушмадинг дедилар. Бизлар пиёда юролмаган жойдан сен қўрқмай аравада кетишга қандай журъат қилдинг дедилар. Ажалим етмаган экан, араванинг гилдираги тошларга урилиб, ўшанда ҳам ағдарилмаганлигидан мен омон қолдим дер эдим.

Яна шунга ўхшаш бир воқеани айтайин: бир йили шаҳарда қаттиқ вабо пайдо бўлиб, одамлар ўла бошладилар. Баъзи уйларда касалларга сув бергудек киши, гоҳи маҳаллаларда жаноза кўтарадиган одамлар ҳам қолмаган эди. Бир куни бозордан келаётганимда димоғимга вабо шамоли урди. Мен ҳам соғлиғимни йўқотдим. Уйга келишим билан қаттиқ иситма бошланиб, олти соат давом этди. Тандаги бузук вабо моддаларини чиқариш учун ё қон олдириш, ё жуллоб ичиш керак эди. Буларни қилишга пул бўлмаганлигидан, бунинг иложини имсоқ билан қилмоқчи бўлиб тоза ният қилиб шу куни ҳеч нарса емадим. Кечқурун ифтор вақти ўзимда анчагина енгиллик сезганлигимдан кўнглим очилиб уч

дона анжир билан уч тишлам нон еб оғиз очдим. Иккинчи кун иситмадан қутулган бўлсам ҳам, яна тўрт кунча рўза тутдим. Шунинг хосияти билан бу иллатдан омон қолдим деб ўйладим.

Шунга ўхшаш, қўрқинчли ажал оғзидан доим оллонинг ёрдами билан қутулган бўлсам ҳам, уни худодан бўлганини биямай, билсам ҳам аниқ ишона олмай юриб ёшим 55 ларга етди. Шу орада яхши-ёмон ишларни кўп тажрибадан ўтказдим. Дунёнинг паст-баландини кўриб, аччиқ-чучугини тотдим. Дунёдан кўнглим совиб, амир ва ҳокимлар суҳбатларидан ўзимни тортиб, қаноат бунжигга кириб ором олмоқчи бўлдим. Нима бўлиб яна шу йилларда мен тиш оғриғи бўлдим. Агар бир ой оғриғи босилса, икки ой оғриғи кучаяр эди. Йилнинг кўп қисмини тиш оғриғи билан ўтказар эдим. Ҳар хил дориларни қилиб кўрдим, аммо ҳеч қайсиси фойда бермади. Доридан фойда кўрмагач, бир неча тишимни суғуртириб ташладим. Тиш оғриғи дардидан еб-ичганим татимас эди. Оғриган тишларимни қаттиқ сўриб, ундан уч-тўрт қатра қон чиқарсам, шу баҳона билан ўн-ўн беши кун оралаб оғриғи тўхтар эди. Аммо оғриб турган вақтларда жароҳатлаш, игна санчиш каби чораларни қилсам ҳам, ундан қон чиқара олмас эдим. Тишим оғриб юрган кунларимда ваболи бузуқ ҳаво бутун халқнинг мижозига ғалаба қилган эди. Бунинг устига ўзим рўза тутган эдим. Шу сабабдан мижозим бузилиб, саломатлигим йўқолди. Кун иссиқ, ҳаво қуруқ, қорин очликдан мижозим бузилган ўхшайди деб ўйлаган бўлсам ҳам, текшириш натижасида бундай бўлмай, балки бузуқ ҳаводан бўлганлиги маълум бўлди. Тўрт соат шундай қаттиқ иситма бўлдимки, унинг қиздиришидан вужудим эриб кетгандир деб ўйладим. Ўша куннинг эртаси ҳам олти соат қалтиратиб, яна қиздирди. Шунинг билан мижозим, куч-қувватим заифлашиб кетганлигидан, висол рўзасини тутишни эплай олмадим. Кўнглим маъюс бўлди. Тоҳарат қилиб, оллога ёлвордим; бир неча кун ўтгач,

тиш оғриғим ҳам, бошқа дардларим ҳам соғайиб кетди... Аммо бир ҳафта ўтгач, тиш оғриғи қайтадан яна бошланди. Бир қанча ўткир дорилар қўйиб кўрсам, бир оз тўхтагандай бўларди-ю, яна қўзғалар эди. Шу тиш оғриганича юриб рамазонга етдик. Рўзанинг мижозга еткузган қуруқлиги билан ҳам оғриғи енгилланмади. Бир вақт яна оғриғи кучайди. Дарднинг зўридан бошдан оёғимгача титроқ босди; чидай олмаганимдан гоҳи туриб, гоҳи ўлтириб, гоҳида ётар эдим. Бир кун икки кун ичидан сўнгра янгидан тоҳарат олиб икки ракат нафил номозини ўқидим. Бошимни ерга қўйиб оллога ёлвордим. Э дардларга шифо бергувчи, ялиниб-ёлворувчиларга раҳм қилгувчи, мен кучсиз, заиф бир қулдурман, менга қийин бўлган ишлар сенга осондир. Бу дарднинг ташвишидан тоат-ибодатларимнинг йўли тўсилди. Ҳар кун икки кун навбат сени эслаб бошимни ерга қўйиб, сенга сажда қилар эдим. Минг турли хаёл васвасалари билан бўлса ҳам намозимни туриб адо қилардим. Энди уни ҳам ўлтириб ишорат билан ўташга олиб келдинг; эй, тангрим, ўзинг сайлаган пайғамбаринг ҳаққи, менга шифо бериб бу балодан қутқаз дедим. Ҳайтовур тилагим қабул бўлди; тиш оғриғидан қутулдим. Шундан сўнг умр бўйи иккинчи тиш оғриғини кўрмадим. Дуоларни қабул қилувчи олло бандаларининг дуосини қайтармай қабул қилишини шунда билдим... Лекин одам ҳар вақт дуо қилмовчи экан, қайси ишда бўлмасин, кўпчилиكنинг фойдасини кўзлаб дуо қилиши лозимдир (...).

**НИКОҲ ОДОБЛАРИНИНГ БАЁНИ,
УЙЛАНИШНИНГ ШАРТЛАРИ ҲАМДА ҚАЙНАНА
ВА КЕЛИН ҲАҚИДА**

Менинг дўстларимдан бири дунёдан хотинсиз ўтишни, бола-чақа бандига богланмай умр ўтказишни яхши кўрар эди. Тақдирнинг тортиши билан бир куни мендан уйланиш тўғрисида кенгашиб маслаҳат сўради. Шу сабаб бўлиб, никоҳнинг фойда-зиёнларини очиқ кўрсатадиган ва замондошларимизга қўлланма бўлгудек бир нарсга ёзишга тутиндим, чунки шариат китобларида ҳар икки томонга ҳам далил бўлгудек ҳадислар кўпдур. Агар бу иш ҳақиқатда шариат буйруғи билан бўлар экан, нега оқиллар хотинларнинг яхши томонларини кўп ёқламайдилар, балки хотинларнинг ёмон томонларини кўрсатиб қанча китоблар ёзганлар, уларнинг яхшиликлари тўғрисида келтирилган сўзлар бўлса ҳам у сўзлар ғоят оз бўлганлигидан йўқдек кўринади (...).

...Маълум бўлсинки, дунё биноти бузилиш ва тузилишдан иборат. Унинг бузилиши тузилишидан кўпроқдир. Шунинг учун давлат офат ва севинч, қайғу ва роҳат, меҳнат ва ободлик билан бирга бўлади... Дунё-

да меҳнат билан роҳатнинг алмашилиб туриши фалак-нинг ҳикмати бўлиб, жамият маданиятининг хизмати, жаҳоннинг ободонлиги шунга боғланмишдир...

...Энди эр ва хотин ўртасидаги муносабат устида бир оз тўхтайлик.

Эр никоҳнинг аввалги ойида ҳеч нарсани ўйламайди. Қараса, уйи ясалган, уй-жойи чанг, тупроқдан тозаланган; овқати олдида, сарви-қомати қўйнида, қайнараси уй хизматида. Буни кўрган эр хотинсиз ўтган умрим бекорга ўтган экан деб қайгиради; ёнига ким келса, кимни кўрса уни уйланишга қизиқтириб умрларингни бекорга ўтказманглар, тириклик боғининг меваси хотин экан деб оғзидан асал томади. Қулса кундай очилиб кетади, ким бўлса унга кўраётган роҳатларини айтади.

Келин ҳам никоҳнинг биринчи ойида бошдан-оёқ ипак кийимларга ўралиб, турли зеб-зийнатлар билан оройиш бериб хизматда бўлади. Чунки у ҳам никоҳишидан ҳайронликда қолиб, турмуш наъшасидан гарқ бўлади.

Келин-куёв шу хилда иккинчи ойга кирадилар. Бу ойда келиннинг тенгдошлари, уруғ-аймоқлари уни табриклашга келиб, ўлтиришиб эринг сенга қандай муомала қилади, нималар келтириб берди деб сўрашадилар. Келин менга бундай муомала қилади, ҳалво, писта, бодом, ипак кийим ва шунга ўхшаш чиройли, ярашиқли нарсалар келтирди, дейди. Ўшанда келиннинг тенгдошлари ва уруғ-аймоқлари сен эринг нима келтирса, шунга кўнадиганга ўхшайсан; эрингни шу вақтдан бошлаб қўлингга олиб ол, сенга фалон нарса, пистон кийимликлар олиб берсин, дейдилар. Келин эса мен уяламам, бундай сўзларни қандай қилиб айтаман, дейди. Шунда улар келинга гап ўргата бошлайдилар: шу ясанганингча юраверсанг эрингнинг кўнгли тинчланиб, кийим-кечаклари кўп экан деб сенга қарамайди; бу кўрпаларингни кўриб ҳеч қачон янги кўрпа-тўпак қилиш ёдига ҳам

келмайди. Бундай сўзлар кўпинча келиннинг опасидан чиқади.

Бу сўзларнинг таъсиридан кундан-кунга ишлар ўзгара бошлайди. Бечора қуёв ясатилган уйдаги асбоб-ускуналарнинг кундан-кун озайганлигини кўриб ҳайрон бўлади. Кўзига ўтдай кўриниб, чўғдек ясалиб турган қайлиғининг қилиғи ҳам ўзгариб, юзи, уст-бошидаги зийнатлари ҳам камая бошлайди. Қуёв кўзига кўринмаган нарсаларни ювишга ёки янгилашга бергандир деб ўйлайди. Беш-ўн кун ўтиб, у нарсалардан дарак бўлмагач, ўртадаги уялиш, тортинишларни йиғиштириб, қуёв сўз бошлайди ва уйнинг асбоб-ускуналари, турли рангли полослар қаёққа кетди деб сўрайди. Бўйнингдаги, қулоқларингдаги безаклар ҳам кўринмайди. Устингдаги ички-ташқи ипак либосларингни нима қилдинг. Бугунги кунда уйимиз мусибатли уйларга ўхшаб қолди. Ўзингга нима бўлди? Кундан-кун қовоғинг очилмайди. Рангларинг саргайиб кетаяпти, лабларинг оч қолган кишидек кўкариб кетибди. Турмушимизга нима бўлди? Оби-ошнинг ҳиди ҳам чиқмайди! Хотин бир оҳ тортиб, уйга солинган полослар акамники эди. Бўйнимдаги ва қулоқларимдаги зеб-зийнатлар опамники эди. Уйдаги нарсаларни онам ҳар кимдан омонат олиб келтирган эди. Шунинг учун улар энди сен эрли, уй-жойли бўлдинг деб ҳар қайсилари берган омонатларини олиб кетдилар, дейди. Қолаверса кир ювай десам совуним йўқ, овқат пиширай десам ёғ-гуруч йўқ; ночор ҳаммамиз оч ўлтирибмиз, бирор маслаҳат бўлар деб сизнинг келишингизни кутиб турибмиз, дейди.

Бу сўзларни эшитган қуёвнинг ҳуши бошидан учиб, нафаси томоғига келиб тиқилади. Дарҳол ўрнидан туриб тирикчилик ҳаракатига киришади. Жонини гаров қўйиб бўлса ҳам уч-тўрт ойлик овқат тайёрлайди. Сўнг-ра уй ускуналари, хотинига зебу-сирғалар олиш пайига тушади. Ўша кунларда ёри-жўраларидан, қариндош-уруғларидан қайси бирига учраса, саломатлигини сў-

раб, шошилиш ишим бор эди деб тўхтамай ўтаверади. Шундай қилиб, жонини жабборга бериб, уй асбоблари, хотинининг жиҳозларидан бирмунчасини аранг тайёрлаганда хотини бу нарсаларни ёқтирмаган бўлиб, буниси бундай, униси ундай экан; бу нарсаларингиз менга лойиқ эмасдир, фалон мардикорнинг, фалон киракаш ёки машкобнинг хотини ёки қизининг кийимлари булардан яхшироқдир, дейди. Қелтирган бу сирғангиз ўн тангага арзимаёди; фалончанинг мартабаси сиздан паст бўлса ҳам, у одам хотинига юз тангалик сирға олибди деганида, куёвнинг димоғидан дуди чиқиб, ақлидан адашади...

Бешинчи ойларда қайлиғнинг ҳаммомга бориш учун сендан рухсат сўрайди. Ҳаммомга кетишда тулкидек турланиб, қайтишда аждарҳодек бўлиб келади. Пешанаси тиришган, қоши чимирилган. Ҳа, нима бўлди десанг, қандай бахти қаро, толеим шум эканманки, сенинг қўлингга тушибман. Ҳаммомда фалончанинг хотинини, фалончанинг қизини кўрдим. У билан ўн хотин бирга ҳаммомга борибдилар. Ортидан хизматчилари ҳар хил таомлар, кўнгил очувчи неча хил шакарли шарбатлар келтирдилар. Атрофини ўраган хотинлар уни ҳурмат қилиб, оёғини ерга тегдирмадилар. Бир неча қутида ҳидли совунлар, шишаларда ҳар хил атирлар бор. Фалончанинг хотини кийган нарсалардан, фалончанинг таққан зийнатларидан кўзлар қамашади. Мен бўлсам гадоларнинг хотинидек бир бурчакда ўзимни панага олиб ўтирдим. Ҳаммомдаги хотинлар менга илтифот қилиш нари турсин, қайрилиб ҳам қарамадилар. Ҳўл бориб, куруқ қайтдим, дейди.

Қисқаси шулки, агар келин-куёв бировларнинг гапларига, фисқи-фасодларига кирар эканлар, уларнинг ширин турмушлари бузилади, ораларига совуқлик тушади (...).

...Уйланишдан, хотин олишдан ҳамманинг мақсади бир хил эмасдур. Баъзилар айш-ишрат қилиш, шахват-

нафсини қондириш учун уйланадилар; баъзилар хотин олган бой бўлар экан деб, унинг молига қизиқадилар; яна бир хил одамлар фарзанд талаб бўладилар. Баъзи бир одамлар гуноҳдан сақланиш учун уйланадилар, яна бир қанчалар уй-рўзғор ва саранжомликларини ўйлайдилар...

Замондошларимиз, ўз одатларича, баланд мартабали бой қизларга уйланишга қизиқадилар. Унинг асл-насабинини, ахлоқини суриштирмайдилар. Хотин бой қизи бўлгач, катта мол-дунёси билан эр уйига келади. Баъзан бу хотин қизлигида унга тенгдош қизлардан бир нечалари давлатли ва мансабли эрларга теккан бўлсалар, у улардан ҳам баландроқ жойларни мўлжаллаб, масалан, фалон қиз ҳар соҳада менга ета олмас эди, вазирга хотин бўлди; унга қараганда мен амирга жуфт бўлишга лойиқман деб юради. Шундай чоқда у пастроқ мансабдаги эрга чиқиб қолса, эрининг даражаси кўзига паст кўриниб, кўнгли ундан рози бўлмайди. Энг сўнг оралари бузилиб мен кимман-у, сен кимсан дейишга боради. Шу билан эрининг айши бузилиб, бўйдоқлигидаги тинчгина роҳатидан ажралади. Шунинг учун хотиннинг молига кўз тикиб уйланган одамдан кўра аҳмоқроқ киши йўқдир...

Фарзанд талаблар эса ўз замондош-тенгдошларининг яхши фарзандлари бор эканини кўриб ҳавас қилиб уйланадилар. Бироқ, кўпинча, жоҳил одамлар ўз нодонликларидан беҳабардирлар; улар ўзларидаги айбларни ҳам билмайдилар. Айтган сўзлари, қилган ишлари ҳар қанча ёмон бўлса ҳам, кўзларига яхши бўлиб кўринади. Шуниси қизиқки, аҳмоқ одамлар бошқаларни ақлсиз деб фаҳмлайдилар ва фалонча аҳмоқдан шундай ақлли бола тугилди, мендай ақлли одамдан қандай доно бола туғилар экан, дейдилар. Агар мен хотин олсам менинг фарзандим бу шаҳарнинг раиси ёки замонанинг Абу Алиси бўлур деб ўйлайди. Уйланганидан сўнг эса ҳаром-хариш еб-ичганлигидан ёки хотини билан ёмон му-

муносабатда бўлганидан, ундан шум, безори, ўғри бола туғилади. Шунинг учун ҳам болаларнинг бадбахт бўлишларига кўпинча ота-оналарнинг палидликлари сабаб бўлади (...).

Суҳбатдошим менинг бу гапларимни эшитиб, сенинг бундай далилли сўзларингни эшитганлар, бу ёзганларингни ўқиб кўрганлар уйланишни ихтиёр қилмайдилар. Агар шундай бўлар экан, сарвари оламнинг никоҳ ҳақида айтган ташвиқот сўзларига нима дейсан? Чунинчиси, сарвари олам хотин олишда барака бор, никоҳланиш менинг йўлимдир; дунё ишларидан мен севадиганларимнинг биринчиси хушбўй нарсалар, иккинчиси эса хотин олишдир; мўмин умматимнинг тили зокир, дили шокир бўлиб, хотини марзия бўлсин; уйланиб кўп бола топсин деганлар, деди.

Бунга жавобан мен унга айтдим. Уйланмаслик ҳақидаги фикрлар сизга-бизга тегишли эмас. Айтмоқчимизки, одам сабрли ва яхши ахлоқли бўлмаса ҳалол мол топиб, ҳалол касб қилмаса бундай одамнинг уйланмагани яхшидир. Ундай одам уйланса дунё ва охиратига зарар етказади.

Қолаверса қуръон оятларининг қоидалари арабларнинг кўпчилигини ташкил этган бадавий қабилаларининг одат ва эътиқодларига кўра айтилган. Шундай бўлгач, никоҳ ҳақида айтилган фикрлар ҳам араб хотинларининг ахлоқ ва одобларига қараб айтилган бўлиши мумкиндир (...).

Никоҳнинг ўзи бир суннат бўлса ҳам, у ўз ичига бир неча суннатларни олади. Масалан, хотиннинг бадфеъалигига сабр қилиш, уларнинг режадан ташқари ишларини кўтариш, уларга очик юзли, юмшоқ сўзли бўлиш, нафақаларига мўлчилик қилиш, диндаги зарур бўлган нарсаларни ўргатиш ва булардан бошқа яна бир қанча суннатлар бордир. Аммо буларнинг ҳеч бирини шариат айтганидек бажара олмайдилар...

Қайнана ва келин ўрталаридаги муносабат устида

гап борганда шуни айтиш лозимки, келин ва қайнана ўртасидаги хусуматнинг нимадан бўлиши анча чигал масала бўлиб, уни ҳар ким ҳам аниқлай олмайди. Қолаверса, бунинг сабабини кўрсатиб айтилган оғзаки сўзлар кишини қаноатлантирмайди.

Қайнана ва келин ўртасидаги адоват икки нарсадан келиб чиққандир. Унинг бириси ҳақ, иккинчиси ноҳақдир. Қайнана ва келин ўртасидаги жанжалларнинг чегараси, айтган сўзларининг тўхтаи йўқдир. Улар уруш-талашларда фойда-зиён чиқишини суриштирмай, ҳеч нарсанинг тайини бўлмаса-да, бир-бирларига осилишгани осилишган. Ақлий-нақлий далиллар келтирганинг билан уларнинг хусуматини тўхтатиб бўлмайди. Нима учун урушганларини ўзлари ҳам билмайдилар...

...Уй-рўзгор ишларида эр-хотин ўрталарида аччиқ-чучук сўзлар ўтиб, ҳар хил паст-баланд ишлар бўлиши мумкиндир. Қисқа ақлли хотин буни дoston қилиб, ота-она ёки бошқа қариндошларига етказди. Улар ҳамият қилган бўлиб, аҳмоқликларидан оғизларини кўпиртириб келишмаган сўзларни айтадилар. Сен қизимизга ундоғ дебсан, бундоғ дебсан, ўзинг кимсан; бизга куёв бўлганингга шукур қилмай яна уни урушининг ҳам борми? Аҳволинг шу экан, нега хотин олдинг деб уни хафа қиладилар. Билибми ёки билмайми — ҳар ҳолда шундай қилувчилар бор. Эр-хотиннинг орасига аҳмоқ одамгина тушади. Чунки эри-хотиннинг уруш-талашлари бир кечакундуздан наруга ўтмайди (...).

...Дунёда минг эрга бергусиз хотин, бир хотинга олгусиз эрлар кўпдир. Аммо дунёда шундай кишилар ҳам кўп учрайдики, улар хотинларни писанд қилмайдилар ва улар устидан ифво қилиб юрадилар. Шуларнинг шумлигига қолиб бечора хотинлар бадном бўлиб эл оғзига тушадилар. Бундай кишиларнинг ёмонлигини ёзиб, китоб-дафтарларни тўлдириш лозим эди. Лекин буни татимаганлар билмайдилар. Балки бутун ёмонликни хотинлар устига юклайдилар.

Кўпинча хотинсиз кишилар, баъзан, ҳатто хотинли кишилар ҳам ўринсиз сўзларни айтадилар; фалонча хотинидан енгилиб, қайнанасига бўйин эгиб, хотини олдида ота-онасининг қадрини йўқотибди, нега хотинини талоқ қилиб, ундан ажралиб кетмайди, дейдилар. Эркакларга ўхшаш хотинларнинг ҳам нафслари бордур. Хотинлар ўзларини эркаклардан кам кўрмайдилар. Шунингдек, хотинларни ноҳақ уришга, талоқ қилишга шарият ҳам йўл қўймайди. Онасининг ҳақсиз ифвоси билан хотинини ранжитиш тўғри эмасдур. Бу тўғрида онасидан оқ бўлди ёки уни ранжитди дейишнинг ўрни йўқдир. Чунки онанинг ҳақлари ҳам чекли бўлиб, бир неча шартларга боғлиқдир...

Шуни билиш керакки, уйланишдан асл мақсад насл қолдиришдир. Уйланувчи одам оллога ибодат қилувчи ва халққа ёрдам берувчи бандаларнинг кўпайишини ният қилсин. Агар шундай ният билан уйланган бўлса, оила ҳаракатида қилган меҳнат ва машаққатлари ибодат қилиш ўрнига ўтиб, унинг амал дафтарига савоб ёзилади... Ер юзида инсонлар қанчалик кўпайса, худонинг бандалари ҳам шунчалик кўпаядилар. Сарвари оламнинг уйланишлари, бола чақаларинг кўпайсин, мен қиёмат куни умматларимнинг кўплиги билан фахрланаман деган сўзлари ҳам шуни исботлайди. Шундай бўлгач, ҳақ йўлига кирувчи бандаларнинг кўпайишини ният қилиб, уйланувчи одамлар, албатта, улуғ савобга эга бўладилар. Шунинг учун уламолардан бир қанчалари пикохланиш нафл ибодатдан ортиқдир деганлар...

Уйланишнинг фойдаларидан бири бола топиш бўлиб, бунинг яхши фазилатлари кўпдир... Кишининг фарзанди инсофли бўлса, отаси ўлса ҳам унинг яхшилиги, тоат-ибодатлари ўлмайди ва боланинг дуосидан унга фойда етиб туради. Шунинг учун сарвари олам яхши болани отанинг узилмас садақаси деганлар...

Уйланишнинг яна бир фойдаси шундаки, киши ўзини ҳаромдан, кўзини номаҳрамдан сақлаши учун имконият

туғилади. Қўпинча бўйдоқ кишилар ўзларини хотинларга қарашдан, кўнгилларини ёмон хаёллардан сақлай олмайдилар. Яна бир фойдаси шуки, эр ва хотин бир-бирларига мунгдош бўлиб улфатлашадилар. Унсурий моддалардан таркиб топганлигидан, ҳар қандай киши ҳам ишдан, тоат-ибодатдан чарчаб зерикади. Бунинг билан дил кўзида хиралик пайдо бўлиб, ҳақиқатни кўролмайди. Хотин-болалари кўпайишиб ўлтиришсалар, отанинг кўнгли кўтарилади, ҳордиғи чиққандек бўлиб қуввати янгиланади. Чунки киши юраги санубар шаклида яратилмиш бир парча қаттиқ гўшт бўлиб, унинг миждози соғлом бўлиб, табиатдан ўз ҳиссасини олиб тургандагина илм-кашфиётга ярай олади...

Уйланишнинг яна бир фойдаси шундаки, уй ичи хизматларини эрлардан кўра хотинлар яхши бажарадилар. Агар хотини бўлмаса, ичкари ва ташқарининг ҳамма ишлари ўз устига тушиб, илму амалга вақт топа олмай қолади. Шунинг учун дунёда имондан сўнгра солиха хотиндан яхшироқ ҳеч бир неъмат йўқдир, деганлар.

Б а й т:

Зани хубу фармон бали порсо
Кунад марди дарвишро подшо.

Таржимаси:

Хотин бўлса яхши ва порсо,
Гадо эрни ул қиладир подшоҳ.

Яна бир фойдаси шулки, хотин олиш, оила қилиш катта гуноҳлардан сақлайди. Банданинг баъзи бир гуноҳлари бордурки, онланинг меҳнат ва машаққатларидан бошқа ҳеч бир нарса унга кафил бўла олмайди.

Хотинлар билан уй-рўзгор ўтказиш учун қуйидаги одобларни яхши сақлаш лозимдур. Булардан бири хотинларга хушхулқилик билан муомала қилишликка одатланиш; ақлига, динига зарар келмайдигандай бўл-

ган хатоларни афв қилиш, уларнинг сўзларида ва ишларида қилган ношукурчиликларига сабр қилишдир. Агар хотини айтишқоқ бўлиб, кўп гапирар экан, унинг дориси индамасликдир. Сарвари оламнинг энг охирги нафасларида лаблари пичирлади. Қулоқ солсалар шу уч оғиз сўзни айтиб умматларига васият қилдилар: биринчиси намозни узманглар, чунки у руҳнинг ғизосидир; иккинчиси ўз қўл остларингдаги кишилар билан яхши муомалада бўлинглар; учинчиси сизларга қарам бўлган хотинларга яхшилик қилинглар, ким аёлига хушмуомалада бўлса, энг яхши киши шудир.

Иккинчиси шулки, киши хотин-болалари олдида очиқ юзли, хушхулқли бўлсин; уларнинг ақлига яраша иш қилсин. Расулу олло аёлларига тегишиб, унга ёққудек сўзларни ҳаммадан кўпроқ айтар эдилар. Ҳар ким ўз оиласи ёнида боладек, ташқарига чиққанида эрдек бўлсин. Уйга кирганида кулиб, чиққанида ҳайбатини бузмай сукут қилсин; борини еб, йўғини сўрамасин. Аммо хушхулқ бўламан деб оила олдида ҳайбати йўқолгудек даражага тушмасин...

Ҳар ким ўз оиласи устида тажрибали табибдек бўлиши лозимдир. Унга қўллайдиган давони ўзи биладирган бўлсин. Оилавий ишларнинг энг зарур асоси сабрли, ҳар нарсани кўтарадиган бўлишдир... Ҳар ким ўз хотинини бошқа номаҳрамлардан, албатта, қизғониши лозимдур. Шунга қарамасдан, бу масалада ортиқча қаттиқ кетмаслик керакдир. Чунки сабабсиз ҳар ишда хотинидан даргумон бўлиб ўзи ташвишга қолади. Рашкдан мақсад хотинни ёмон йўлга киришининг олдини олишдир...

...Хотинининг одобсизлиги қанчалик ҳаддидан ошса ҳам, эри бунга сабр қилиши лозим. Уруш-жанжал, ғазаб устида хотинини талоқ қилмасин; талоқ қилмоқчи бўлса, юмшоқлик билан узр айтиб талоқ қилсин. Агар хотин ўзи розилик берса, эри унга ҳадъя бериб унинг кўнглини хуш қилсин, жудолигига афсусланиб узр

айтсин. Мусулмончилик шулдурки, хотинни талоқ қилгандан сўнг, у хотиннинг айбини ҳеч кимга айтмасин. Хотиндан ажралмоқчи бўлган кишидан нега ажралаясан деб сўраганлар, у эса киши хотинининг сирини ажралиш пайтида айтмайди, деган. Талоқ қилгандан сўнг яна ундан нега бундай қилдинг деб сўраганлар; ўшанда у энди бошқанинг хотини билан менинг нима ишим бор, деган.

Биз шу ерга келгунча эр устига юкланган нарсалар ҳақида ёздик. Аммо хотин устига юкланган шартлар эса бундан ҳам каттароқдир... Хотин, аввалам бор, эрининг айбини ёпиб, сирини ҳеч кимга айтмасин; эр-хотин ўрталарида ўтган гапларни бошқа хотинлар олдида сўзламасин; ўзига оғир келса ҳам ҳар ишда эрини севинтиришни истасин; эрига меҳрибон бўлиб, ўзига ва эрининг молига ҳаргиз хиёнат қилмасин... Эрининг нимаси бўлса ва у ташқаридан нима келтирса, ўшанга қаноат қилиб ортиқча талаб қилмасин; ҳар қандай хизмат ўз қўлидан келар экан, уни узрсиз бошқага буюрмасин. Сендан нима кўрдим каби сўзлардан зинҳор сақлансин. Ҳар қандай оғирчилик кўрганда ҳам уни тилга келтириб, эридан талоқ сўрамасин...

ФАРОМУШХОНА ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯ

Бир кун бир қанча дўстларим билан бир зиёфатда ўлтиришимга тўғри келди. Уй эгаси сафар кўрган, саргузаштли одам эди. У кўрган билганларини айтишга киришди. Мен бўлсам унинг сўзларига ибрат қулоғимни солиб ўлтирганлигимдан, шу суҳбатда мезбоннинг айтган сўзларини кечалаб қаламга олдим. Эрталаб келиб суҳбатдошларимга уни тақдим қилдим. Ҳаммалари таажжубда қолишиб, менга ёзганларининг ҳаммаси тўғри, сен ёзган маъноларнинг ҳеч қайсиси бизнинг фикримизга келгани йўқ; айниқса, саводсиз, ўқимаган кишидан эшитган сўзларни гоёт ҳақиқат билан тасвирлабсан, бу ишни бажариш учун эса илоҳий қувватга эга бўлиш лозимдир; бу оллонинг фазлидир; бу фазлни олло севган бандасига беради, дедилар.

(Шундай қилиб, фаромушхона ҳикояси мана будир):

Бир кун шаҳримизнинг энг илғор йигитлари йиғилиб, олий табақа ҳисобланган ҳасаб-насабли зотлардан таркиб топган бир мажлис кечаси қурилди. Мажлис аҳли зирофат шевасида замонанинг атоқли кишилари, нук-

тошунослик боғида асрнинг кўзга кўринган одамлари эди. Мажлиснинг айши-асбоблари тап-тайёр. Ишрат лозимлари келтирилган, гул-гул рангли майлар қуйилган биллур қадаҳлар ўртада айланмоқда эди. Бирмунчалари майга хумор бўлган, бир қанчалари андин ўзини қондириб, чолғучи тирноғи ила созига заҳм солур.

Б а й т:

Қандил булуру шамъи кофур,
Ҳар гуша муфоди ояти нур.
Мажлис зифруғи шам гулшан,
Чун руз шаби сиёҳ равшан.

Таржимаси:

Биллур қандилда ёнди шамъи кофур,
Бу уйга тўлмиш эрди шамъдин нур.
Қоронғу кеча кундек эрди равшан,
Чароғнинг ёруғи мажлисда гулшан.

Ҳар хил сўз китобларининг фасли боби бошланган эди. Гоҳи сўз замоннинг бузуқлигидан борса, гоҳиси сува нон топишнинг қийинлигидан борар; биров амирларнинг эшаклигидан зорланар, бошқа биров динини сотган олимларнинг хиёнатидан гапирар, яна бири эса сламнинг ажойиботидан, одам болаларининг янгида-янги ижод қилмиш ҳунар санъатидан гурунглашар эди..

Б а й т:

Қилки илоҳий чу рақам зад сувар,
Маъдани фазлу ҳунар омад башар.
Арсан офоқ азу зебиёфт,
Ҳар ақди мушкул азу вошигофт.

Таржимаси:

Яратди қудратидин барча олам,
Бериб илму ҳунар халқ этди одам.

Шу одам қилди дунёни иморат,
Берибдур анга ҳар хил зебу зийнат.

Шу пайт уй эгаси — мезбон йигит ҳам мажлисга келиб ўлтирди. У жаҳон кўрган, бошидан иссиқ-совуқ ўтган, аччиқ-чучукни тотиган, рус, фаранг ерларини кезган, кўп мол-меросларини ҳар хил ишлар қилиб йўқотган, фикри очиқ, ақли ошиқ бир олижаноб йигит эди. Мезбон гул рангли, ўт алангали шароб қадаҳини кўтаргач, унинг таъсиридан фикр эшиги очилиб, хаёл хазинасида яширинаётган сирларни гавҳар ва дурлар каби мажлис устидан сочди. Кўнглидаги дарди қўзғолиб қаттиқ бир оҳ тортди, сўнг мажлис аҳлига қараб: эй, мухтарамлар, замонамизнинг сараланган зотлари, мамлакатимизнинг маърифатпарварлари деб мурожаат қилди. Ҳолбуки, буларнинг ҳар бирлари фақат ўзларидagina фазлу-камол бор деб биладилар; ўзларини Ибн Сино ёки Афлотун деб чоғлайдилар. Лекин юз ҳайфки, улар ҳали дунёни кўрмаганлар; она қорнидан тушиб ипак йўргакка ўралган кўзи очиқ, оғзи юмуқ чақалоқлардек ўз бешигини уй, бешиги қўйилган хонани эса олам деб ҳисоблайдилар.

Б а й т:

То ба дуккону хона дар гарави,
Ҳаргиз э ҳом одами нашави.
Биравандар жаҳон туфарруж кун,
Пешовон руз каз жаҳон бирови.

Таржимаси:

Ўй дўконига боғланур бўлсанг,
Хом қолурсан, одам бўлолмайсан.
Жаҳонни айланиб томоша қил,
Бир куни кетганинг билолмайсан.

Улар «фи», «дар», «аъло», «бар»ни¹ илм дейдилар. «Дар Самарқанд гурба ях нахурад» деган сўзни «муз» деб биладилар. Шу икки сўзни билиш билан ўзларини билимдон ҳисоблаб, бошқаларни эса билмайдиган деб чоқлайдилар. Қўпчилик омийлар ҳам уларни етук илмли деб билиб, уларнинг этакларига осиладилар. Яна шуниси қизиқдирки, шунчаликкина илму-ҳунарларига ишониб, давлат ва мансаб ўринларини талаб қиладилар; биз давлат даражаларига, мартабаларига лойиқмиз деб ўз тенгдошларига шовқин соладилар. Агар унга етг олмасалар, нега бизнинг истагимизча бўлмади деб замондан зорланадилар.

Б а й т:

Мурғики хабар надорад аз оби зулол,
Минг қор дар оби шўр дорад ҳамма сол.

Таржимаси:

Қуш туну кун шўр сув ичар экан,
Билки, у ҳеч билолмас сув таъмини.

Бойқушлар, уя қуриб олган шўртупроқлар, шунингдек, чор девор жойлардаги қарға-қузғунлар ўзларини товусдек чиройли деб биладилар. Қаерда ваҳший ҳайвонларнинг ғавғоси кўп бўлса, шоғол товуши ноқус замзамасидек эшитилади. Мажлис аҳли майхўрликни, шароб ичишликни ҳаддидан ошириб юборганликларидан хомуш бўлиб қолган эдилар. Лекин бутун танлари очиқ қулоқдек бўлиб мезбон сўзини эшитишлари билан бўйин томирлари сакраб чиқиб, бошларини кўтардилар. Ғазаблари қўзғолганлигидан мезбон билан жадал баҳс бошладилар: ҳой ноинсоф, нима деб, нимани жовраяп-

¹ «Фи» арабча сўз бўлиб, форсчада «дар», арабчадаги «аъло» сўзи эса форсчада «бар» дир. Бу ўринда А. Дониш шу икки сўзнинг арабча ва форсча эквивалентларини билиш билан ўзларини олим деб ҳисоблайдилар демоқчи — *Тарж.*

сан, шу биз турган еримиздан, шу кўринган осмонимиздан бошқа ер ва осмон бор дейсанми?! Фаранг деганинг нима? Хитой қаёқда? Қрим қайси? Татар ким? Макка нима? Агар булар ҳақиқатда бор бўлса, у вақтда тасаввуф шоирларининг қўлондиқ сўз истилоҳларидир. Юздан, зулфдан, холу хат, жаму васлдан булар билан киноя қиладилар. Ўзларидан эса бирор маъно чиқмайди. Бу ном ва мақомларни ким бориб кўрипти. Буларни ер юзида бор дейишлик Жобулқо, Жобулсо шаҳарларини бор дейиш кабидир. Бу шаҳарлар халқ оғзида машҳур бўлса ҳам, ҳақиқатда эса бу шаҳарларнинг ўзи йўқдур. Анқонинг ўзи йўқ, оти бор; шунга ўхшаш, халқ ҳам бу икки шаҳарнинг қуруқ исми билан қаноат қилади. Сенинг айтишингга қараганда, биз турган шаҳар ва қишлоқлардан бошқа шаҳар ва қишлоқлар ҳам мавжуддир. Агар сен уларга борган бўлсанг, қаёққа борганингни ва нималар кўрганингни айтиб бергин, дедилар.

Мезбон бу сўзларни эшитгач, унинг аҳволи ўзгарди; бошидан нашьаси учиб кайфи қочди. У ўзича кўнглида ўйлар эди; булар замонамизнинг фозиллари, шу сабабли бу азизларнинг айтган сўзлари тутуруқсиз бўлмаса керак. Ёки мен борган ерлар, кўрган кишиларим тушимда кўрган нарсалар бўлиб, хаёлий кўринишлармикан? Агар шундайдир десам, бунчалик узоқ йўл босиб ўша жойларга бордим, у ердан яна бу ерга қайтиб келдим; агар бу ерда бўлар эканман нега у ерга бордим? Агар у жойга борган бўлсам, бу ерга қандай қилиб келдим. Бу хилдаги воқеаларни қисса ва тарихларда кўп ёзганлар. Масалан, бир одам булоққа тушган эмиш; сувдан шўнғиб чиқса, ўзини бир саҳрода кўрганмиш; у ерда уйланиб, болалар кўриб, кўп йиллар яшаганидан сўнг, яна бир кун икки ерда сувга тушиб шўнғиса, аввалги жойидан келиб чиққан эмиш... Бундай ишларни сўфилар тилида баста замон, яъни замоннинг кенгайиши дейдилар. Бу ҳодисаларнинг табиат ой ва кунлари би-

лан алоқалари бўлмай, илоҳий йилларга боғлангандирлар. Чунки табиатнинг усти илоҳий замонда мозий, мустақбал, азал ва абад демак йўқдир. Бу нарсалар у ерга сигмайдилар. Шунга ўхшаш, мен кўрган ва билганларим ҳам баста замонда бўлган бўлиши мумкиндир. Агар шундай бўлса, кўрган-билган нарсаларимни, бошимдан ўтказган ишларимни бу одамларга қандай айтса бўлади? Туш ва хаёлларимни сўзлагандай бўлсам, ҳар қадамда тўсқинликка йўлиқишим мумкин. Унда яна ҳайронликда қоламан. Энди маслаҳат шулки, улардан бир неча нарсаларни сўраб кўрайчи, бунга нима жавоб берар эканлар. Агар улар мендан ҳам бирор нарса сўрасалар, шунга қараб кўрган ва билганларимдан айтиб бераман. Акс ҳолда хомуш бўлиб, сукут қилганим яхшидир.

Б а й т:

Ба пири расидан дарақсойи юнон,
Бадугуфтам э онки бо ақлу ҳуши.
Ба мардум чиббеҳтар ба ҳар хол гуфтар,
Ҳамуши хамуши хамуши хамуши.

Таржимаси:

Юнон элида сўрдим ёши улур қаридин
Дедим, жавоб бер бунга, эрсанг ақлу ҳушлик:
Дунёда қайси иш яхшидир кишига, айғил?
Деди: барча ишлар яхшиси — индамаслик.

Сўнгра уй эгаси — мезбон йигит сўз бошлаб дедики, эй, азиз муҳтарамлар, ажаб бир қизиқ сўз айттингизки, сизнинг бу сўзингиз мешинг кўнглимдаги сўзларни ҳам унуттирди. Бу еримиздан ва бу шаҳримиздан бўлак шаҳар ва ер йўқ деган сўзингизнинг ҳақиқати бўлса, у холда Фарангдан, Эрон ва Хитойдан келиб, бозор ва расталаримизда савдо-сотик қилаётган савдогарлар ва бошқа мусофирлар кимлардир? Ажабо, улар қаердан

келганлар? Айни замонда уларнинг ҳар биридан сўрасангиз, мен фалон иқлимдан ва фалон шаҳардан келдим, дейдилар.

Мажлис аҳли унинг сўзидан кулишиб, ажаб аҳмоқ одам экансан; шу шаҳардан, юрган кишилардан бошқа жой ва кишилар бор деб ўйласанг нотўғри қиласан; кўзингга турли ерлардан келган бўлиб кўринган одамлар ҳақиқатда одам эмас, балки одам суратида бўлиб кўринган шайтонлардир, дедилар. Улар билан сўзлашишлик эса киши кўнглида фалонча ундай деса, мен мундай дейман; агар у бу саволни берса, мен бу жавобни бераман деб ўйловчи одамнинг сўзлари кабидир. Ҳақиқатда эса ўша ўйловчидан бошқа киши йўқдир, дейдилар.

Буни эшитган мезбоннинг бошидан ҳуши учди, илгаригидан ҳам қаттиқроқ ҳайронликка тушди. Кўзи жовдираб нима дейишини билмай оҳ тортди; жунун савдоси миясига ўралиб жинни бўлаёзди. Суҳбатдошлари буни кўргач, унга қарашиб, кел бу гапларни қўй, рост-ёлгонинг бўлса ҳам, кўрган-билганларингдан сўзлаб бер. Тушингда нима кўрдинг айтиб бер, дедилар. Бу сўздан мезбоннинг яна қони қайнади, мажлисдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Меҳмонлар ҳай-ҳай дейишиб, унинг этагига осилдилар. Нима сўзласанг айт — ишонамиз, қулоқ соламиз, қаршилигимиз йўқ деб ёлвориб-қистаб, уни сўзлашга мажбур қилдилар. Мезбон ночор ҳолда кўрган-билганлари ҳақида, Фарангистон, Рум ва Русда бўлаётган ажойиб-ғаройиб ҳунар ва санъатлар, темир йўллар, пароходлар, телефон-телеграфлар, катта-кичик ҳар хил тўп-туфанглар, аскарӣй интизомлар, юз фарсах йўлни йигирма соатда юрадиган машиналар — хуллас, барча илму-ҳунар ҳақида сўзлай кетди ва дедикӣ, буларнинг барчасини қаторлаштириб батафсил айтиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ, негаки бу нарсаларни яқин кунларда биз ҳам кўрамиз; улар ҳамма шаҳарларга етиб келади.

Буни эшитган суҳбат аҳли чидаб туролмай, унинг сўзига қарши чиқиб, ажабо, бизнинг давлатимиз аскардан бошқа давлат аскар, бизнинг уруш санъатларимиздан бошқаларники ортиқ бўлиш имконияти бормикан деб, унинг сўзини тўсар эдилар. Уларнинг инкори кўпайиб кетгач, агар менга ишонмасанглар мана бу кишидан сўранглар деб ҳар бир сўзига мени гувоҳ қилар эди. Мен ҳам шундай пайтда кўрган-билганларимни гапириб, унинг сўзини қувватлар эдим. Ҳар икковимизнинг гапимизни эшитавериб, охири инкор қилишдан озроқ бўшашдилар. Бу хабарларнинг рост бўлиб чиқиши мумкиндир, деган хулосага келдилар.

[Мезбон йигит айтганидек, ҳақиқатан ҳам, у мамлакатларда пайдо бўлган янгиликларни бир марта кўриш билан киши ишона олмайди, балки уларни қайта-қайта кўргандан сўнггина кўнглидаги гумон кўтарилади. Масалан, бир йили элчилар ҳайъатига қўшилиб Русия империясининг пойтахтига боришимга тўғри келди. Ўшанда қиш чилласининг бошлари эди; бизни подшоҳ боғига таклиф қилдилар. Уч газга яқин қор тушган эди. Совуқнинг қаттиқлигидан оғиз-бурунларимиздан чиққан нафасларимиз музлаб қолди. Шу аҳволда боққа етдик. Қарасак ҳар хил гул-райҳонлар очилган, катта дарахтлар гуллаган, сувлар оқиб турибди; биз кўрмаган ҳар хил қушлар чирқиллашиб шохдан-шохга учиб-қўниб юришибди; баъзилари уяларида тухум босиб ётишибди, баъзилари эса бола чиқараётирлар. Бу боғнинг усти бутунлай ойнак билан ёпилиб, унда ёз ҳавоси, кўклам мавсуми сақланган эди. Боғнинг кенглигини 16 таноб деб мўлжал қилдим. Мен бу ерга бир неча марта кирганлигимдан, боғдаги нарсалар мен учун кўп ҳайрон қоларли эмас эди. Аммо мендан бошқа йўлдошларим қаҳратон совуқдан тўсатдан ёз фаслига кириб қолганликларидан ҳушлари учиб ҳайрон бўлиб қолдилар; бу гуллар, бу дарахтлар қўғоз ва латталардан ясалган ясама ва бўяма бўлса керак деб уларни ушлаб, ҳидлаб

кўришиб, мендан сўрашар эдилар. Мен бу кўринган дарахтлар, бу чиройли очилган райҳон гуллар масну эмас, балки маҳлуқдир дер эдим. Ўзим ҳам биринчи кўришимда шуларга ўхшаб анграйиб қолган эдим].

Хўш, ўз сўзимизга қайтайлик. Зиёфат қилувчи мезбон деди: менинг кўрганларимдан бири шулки, Фарангистоннинг ҳамма катта шаҳарларида махсус солинган олий бинолар бордур; ул уйни ўз тилларида фаромушхона деб айтадилар. Ҳафтада бир-икки кун уйга киришга рухсат берилиб, бошқа кунларда уй ёпиқ бўлади. У жойнинг девонхонасида шу ишга бошлиқ бўлган кишилардан бир нечалари ўлтирадилар. Қимки уйга киришни хоҳлар экан, аввало ана шу кишиларга учраши керак. Улар қарайдилар; агар у кишининг бу ерга кириши лозим топилса, қўлига барот хати бериб, ундан бир тилло оладилар, сўнгра унга уйга киришга рухсат берадилар. Икки-уч соатлик суҳбатдан сўнг қайтиб чиқади. Ана шу кундан бошлаб у уйга кирувчининг ахлоқи бутунлай яхшиликка айланади. Бу жамиятга кирган кишиларни фаромушони деб атайдилар. Унга аъзо бўлган кишилар ёлғон сўзламайдилар. Уларнинг ҳар хил ахлоқсизликдан ва нифоқдан йироқ бўлишлари шартдир. Улар карамли, раҳм-шафқатли, ҳалим ва меҳрибон бўлишлари керак.

Ул уйга кирган фаромушонийлар бир-бирларини ўзларидан ортиқроқ кўрадилар. Динлари ва миллатларини ҳар хил бўлишига қарамасдан ўз йўлларида жонларини ҳам аямайдилар. Бирининг олтин-кумуш ақчасини иккинчиси сўрамасдан олиб сарф қилишга эркилдир. Уларнинг ўрталарида сўраб олиш йўқдир. Қизиғи шундаки, бу жамиятдан қайси бирлари ўша уйда бир мартагина кўришган бўлса бас — сўнг бир-бирларини қаерда кўришмасин, бу киши фаромушоний экан деб, дарҳол танишадилар. Кўп йиллар бирга юрган йўлдошлардан ҳам меҳрибонроқ бўлиб суҳбатлашадилар. Мол-жонларини бир-бирларининг оёқларига отадилар.

Мезбон сўзини шу ерга стказгач, бир нафас тўхтаб олди ва сўнг деди: Калькутта вилоятида фил устига қўйиб ясалган тахт устида келаётган фаранг губернаторни кўрдим; у эса фаромушонийлардан экан. Кўчада кетаётганида йиртиқ-ямоқ чопон кийган, сочи ҳурпайган бир фаромушоний тўсатдан унинг олдидан чиқиб қолди. Кўзи унга тушиши билан филдан ирғиб тушдида, унинг олдига югуриб борди, ҳурмат билан кўришгандан сўнг филга бирга минишиб, уйига олиб кетди...

Ҳаммадан ажойиброқ томони шундаки, кимки, фаромушоний бўлар экан, у ердан чиққанидан сўнг унинг ҳақиқатини ва у ерда кўрган-билганларини ҳеч кимга гапирмаслиги шартдир. Агар ундан фаромушхонанинг ҳақиқатини сўрасалар, сен ҳам ўзинг кириб кўр, деб жавоб беради. Бу тўғрида ҳинд ҳукумати кўп кишиларни ўлдирди, ўлим билан қўрқитиб кўрди, аммо ҳеч ким боши кетса ҳам фаромушхона сирларини айтмади. Бир қанча кишиларга агар фаромушхона сирларини билиб берсанг, бунча пул, бунча тилло берамиз деб уларни фаромушхонага киргизиб кўрдилар. Аммо кирган одамлар қайтиб чиққанларидан сўнг товоқ-товоқ тиллолардан юз ўгириб, кўздан ғойиб бўлдилар. Бу ишнинг ҳақиқати аниқ маълум бўлмагач, халқ ҳам у ерга киришга қўрқиб қолди. Шунинг учун у уй очилган кунлари унга гоҳи бир-икки киши кирган бўлиб, гоҳида у ҳам бўлмас эди. Фаромушоний бўлган киши қайси миллатдан бўлмасин, уни кофирликка ҳукм қилар эдилар.

Фаромушонийлар ҳам бошқаларни одам қаторида санамас эдилар. Аммо уларнинг ёлғон гапирмасликлари, хиёнат қилмасликлари бутун халқ ичида машҳур эди. Шунинг учун барча ҳинд маҳкамаларида агар давонинг гувоҳи фаромушонийлардан бўлса, унинг гувоҳликларини сўзсиз қабул қилар эдилар. Чунки тажрибада улар ҳеч қачон ёлғон айтмасликлари исбот этилган эди. Улар бошқаларга нисбатан ҳаққоний ва адолатли

муомала қилар эдилар. Шунинг учун уларнинг халқ олдида ҳурматлари сақланар эди.

Мезбон сўзини шу жойга келтирганида мажлисда ўлтирганлар: сен нега у уйга кирмадинг, дедилар. У, Ёлғиз эдим, дин ва мазҳабимга зиён етмасин деб қўрққанымдан кирмадим, деди. Сўнгра мезбон мажлис аҳлига қараб, сизлар ҳозирги кунда мамлакатимизнинг олим ва фозиллари эрурсизлар, бу ишда қандай фикрлар кўнгилларингизга келди? Фаранглар бу найранглари билан нима нарсани яширганлар? Ўз давлатларига бундан қандай фойда етказмоқчилар? Дунёда шундай дин ёки шунга ўхшаш мазҳаблар борми? Илму ҳунар ва ҳикмат фақат фаранг ҳукамоларидами? Нима сабабдан бизнинг олимларимиз бундай билимларга қизиқмайдилар, яна ҳушсиз гаранг бўладилар! Ёки бизлар одам боласи эмасмизми, деган эди, бу сўроққа мажлис аҳли жавоб топа олмай бошларини тубан солишди. Бошқа жавоб айтишнинг ўрни бўлмагач, ночор иқдор бўлиб, биз турган шаҳарлардан бошқа шаҳарлар ҳам борга ўхшайди, ўша жойларда биз билмаган шундай илм-ҳунарларнинг бўлиши мумкиндир, дедилар.

Мезбон мажлис аҳлининг иқдор бўлганлигидан журъатланиб, оғзини кўпиртириб яна сўзга киришди. Рус ва фаранг давлатларининг шон-шавкатларини тортинмасдан мақтаб, биз яшаб турган ўзбек давлатининг асоссиз қурилишларини ва интизомсиз аскарий тузумларини ўртага солди. Бу шаҳар уламоларининг оламдан хабарсиз бўлиб, кулгили илмлар билан шуғулланиб, охири минг афсус ва надоматга сабаб бўлишларини кўрсатди. Буни эшитиб ўлтирган бутун мажлис аҳли хижолат терига гарқ бўлди.

Сўнг улар менга қараб ишора қилдиларки, сен жаҳонгашта одамсан, ҳар ишнинг ҳақиқатига тушуна оласан; бунинг айтган сўзларининг қандай эканлигини яхши тушуниб турибсан; энди биз томондан бирор жумла сўз тузиб бунинг оғзини ёғламасанг, у бизни хижолатга

қолдирди; ёки бунинг айтган сўзларининг хатоларини топиб, унинг олдини тўссанг, ҳаммамизнинг кўнглимиз очилур эди, дедилар. Сўнгра мен унга қараб, бу азиз дўстларимизнинг ҳузурларида уларни... кўпам мақтай-верма; бир нарсани билмаслиги билан кишининг ақли ва илмининг озлигига ҳукм қилиб бўлмайди, дедим.

Менинг бу гапимга жавобан мезбон менга қараб, ундай бўлса, улар бу илму ҳикматларни қандай топдилар деб савол берди. Ўшанда мен: улар бу илму ҳикматлардан оз бўлса ҳам аввалдан хабарлари бор эди; илгариги ҳукамолардан қолган мерос воситаси билан ёки ўзларининг илму ҳаракатлари билан топган эдилар, сўнгра фикрга-фикр улашиб ўшаларни орттириб юзага чиқардилар, дедим. Киши илмли-ҳикматли бўлиши учун ҳамма илмларни билиши шарт эмасдир. Инсон ҳар қанча кўп билса ҳам, яна ноқисдир. Қуръонда сизларга кўп илм берилмади; илмдан озгина берилди, дейилган. Яна шуни айтиш керакки, ҳар жойнинг бир хосияти, унинг аҳлларининг бир ишга қобилиятлари бордир. У ернинг ҳукамолари ўз эл, ўз ерларининг миждозларига қараб ҳар даврда илм-ҳунар кашф қиладилар. Масалан, турк ҳукамолари учун фаранг ва ҳинд ҳукамоларининг илму ҳикматларини ахтариб топиш кўп зарур эмасдир. Бунинг акси ҳам шундоқдир. Чунки ҳар бир халқнинг фойда-зиёнига қараб юқориги оламдан ҳукамоларнинг кўнгилларига илму-ҳунар кашфиёти илҳом бўлади.

Инсонга қаттиқ ҳожат талаби тушмагунча бир ишга кириша олмайди. Ундай ҳожатларнинг қийинчилиги ҳалигача бизда туғилмади. Агар у қийинчиликлар туғилар экан, мақсадга етишиш учун биз ҳам бор кучимизни ишлатсак, бизга ҳам ўша илмнинг илҳом бўлиши шубҳасиздир. Бизнинг қўл остимиздаги ерларда темир йўллар солиб, оташ аравалар юргизишнинг ҳозирча ҳожати йўқдир. Чунки бу ерларни оз муддат ичида отуловлар билан айланиб юриб ҳам ҳожатимизни чиқара оламиз, бу тўғрида бизга ҳеч қандай қийинчилик иш

йўқдир. Агар биз ҳозир темир йўллар қуриб оташ арава юргизиш ишига киришар эканмиз, кўп қийинчиликлар кўришимизга тўғри келади. Чунки бизнинг бу ерларимиз дунё ободончилигининг ўртасига тушгандир. Бизнинг ерларимиз дарахтлар, қир-адрлар ва тоғлар билан қопланган. Бир темир йўлни тузатиб келтириш учун қанча боғ-чорбоғларни, кўп экинзорларни бузиб ўтиш лозим бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг ўт кемаларига ҳожатимиз тушгудек денгизимиз йўқдир. Биздаги ҳамма сувлар оқар дарёлар бўлиб, уларнинг устига кўприк қурсак, қайиқ-кемалар ясасак, ҳожатимизга ярайди. Шу сабабли бизнинг олимларимиз янги нарсаларга халқ ҳожати тушмагач, уларни юзага чиқариш учун ҳаракат қилмадилар. Аммо Рум, Фаранг ва Рус мамлакатлари бўлса, ерларининг кўплиги, йўлларининг узунлиги, жаҳонгирлик ҳаваслари билан ўрталаридаги узлуксиз уруш-талашларнинг бўлиб туриши ва ҳоказо ана шундай ҳожатлар у мамлакатлардаги ҳукамоларнинг ўзларига зарур бўлган илму ҳунарларни ўйлаб чиқаришларига мажбур қилди. Натижада ана шу мажбурият орқали бутун дунёга илм-маориф эшиги очилиб, янгидан-янги ҳунар санъатларини оламга тарқатдилар. Бинобарин, уларнинг биздан ҳеч қандай ортиқликлари йўқдир. Қисқаси шулки, улар ҳаракат қилиб изладилар — топдилар. Бизлар бўлсак изламадик — топмадик. Излашлик, изламасликда ҳар икки томоннинг ҳам сабаблари бордур. Ҳукумат ишларининг кенгайиши ҳам ҳаракатга боғлиқ бўлиб, у ҳам ихтиёрий ишдир.

Б а й т:

Нуқсон зи қобил аст ва гарна алад давом,
Файзу карамаш ҳамма касро баробар аст.

Таржимаси:

Ўзимизда билсангиз, кўп камчиликлар бор эрур,
Йўқса раҳмат ёмғири ёққай баробар барчага.

Замонамизда янги чиқа бошлаган ҳунар ва санъатлар ҳақида сўз шулки, фаранглар ҳеч қачон талабдан тўхтамадилар...

Оламнинг сирини билмаган кўнгли кўрлар бу қора тупроқни нима учун яратди экан, дея олмайдилар. Бу ўйилган бир тўда тупроқ ҳақиқатда эса устуни қалин кўл босган ўтдир. Бу тўдаланган тошларнинг бағри тўла олтиндир. Бу кир бўлган садафнинг қўлтиғида гавҳар дурлари бор. Шунинг учун юнон ҳукамолари Ернинг устидаги қора чопонига қаноат қилмай, унинг қорнида яширинган хусусиятларини юзага чиқардилар. Турли дарахтлар, мевалар, ҳар хил ўсимликлар ва уларнинг очилган гуллари, қимматли тош ва маъданлар, ер ости маъданларидан қайнаб чиққан булоқ сувлари — мана шу нарсаларни илмий йўл билан текшириб, эришган натижаларини китоб қилиб ёздилар. Ҳар бир нарсанинг гавҳарини чиқариб, уни шишаларда сақладилар...

Бунга ҳам тўхталмасдан, ҳар нарсадан фойдаланиш ва ҳар зиёндан қутулиш керак деб, ўлимга ҳам қарши чоралар топмоққа киришмоқдалар. Киши нега осмонга учолмас экан?! Бунинг ҳунарини топиш мумкин, дедилар. Бу санъатни юзага чиқариш учун жиддий ҳаракатлар, сунъий йўллар билан ясалган жасадларга қушлардан олинган руҳ қувватини киргиздилар. Шу мақсадда ясалган асбоблар билан олтмиш фарсах юқорига кўтарилиб учдилар. Расатхоналарни ривожлантирдилар. Уларнинг воситаси билан ой, муштари, зуҳал юлдузлари устида тоғлар, мағоралар, булоқ сувлари, ҳайвонлар борлигини исботладилар. Улардан ҳам юқори оламдаги нарсаларни текшириш учун чора изламоқдалар. Қисқаси шулки, улар ҳўл-қуруқдаги табиатнинг яширин сирларини, сув бағрини, ер қўйнини ахтариб юриб, кўп маънолар топдилар. Масалан, кимёгарлик, мисни олтин қилиш каби санъатлар бизнинг ўртамизда анқо каби юти бор, ўзи йўқ деб ишонишган эди. Булар эса, бўёқчи

ипакларни хумдан ҳар хилга бўяб чиқаргандай, катта заводлар воситаси билан ер остидаги олтин, кумушларни ўз конларидан шундай чиқармоқдалар. Инсоннинг ўлмай қолишининг ҳам имконияти бордир. Ҳавода учишга келсак, бу иш унинг асбобларини топган кишиларга ҳеч қийин эмасдир.

Бу илму-ҳунарларнинг юзага чиқишига олимлар ажабланмайдилар. Аммо оқилларнинг бу ишларга ажабланишларининг ўзи таажжублидир. Чунки аносир оламида кашф қилувчилар ҳақиқий ҳукамолардан ҳисобланмайдилар. Балки ҳақиқий ҳакимлар оламнинг паст-баланд бутун моддаларини билганларидан сўнг, уларнинг нима учун яратилганлари ҳақида фикр юритиб, бу нарсаларнинг аслини излайдилар. Бу сувларнинг қайси дарёдан келаётганлиги, бу гулларнинг қайси гулзорда ўсишлиги каби масалаларни билишга уринадилар. Йўқ эса, бу коинот майдонига кирадиган ажойиб ва ғаройиб илму ҳунарлар азалдан абадгача оқилларнинг ақлига, кашфиётчиларнинг кўнгилларига келган илҳомлар доим ловҳул маҳфуздан мисол оламининг ойнасига уларнинг суратлари тушиб туради. Уламо ва ҳукамолар бутун фикр ва қувватларини сарф қилиб илм дарёсига чўкмасалар, ана шу чоқда мисол оламининг ойнасига тушиб турган суратнинг акси фикр қимаётган ҳакимнинг кўнгул кўзгусига тушади. Бунинг асбоби тайёрлангач, кўнгилдаги билинган нарса юзага чиқиб кўзгуда кўринади. Шаҳарлик ёки қишлоқлик бўлсин, заки ёки гул бўлсин, буни қабул қилишда ихтиёрлари бордур. Мисол олами деб табиат олами билан ғайб оламининг орасидаги барзахни айтадилар. Бу эса икки юзли бўлиб, унинг бир юзи мужаррат оламига², иккинчи юзи муқаят оламига³ қарайди. Бу барзах эса оллонинг бандаларига қилган улуг фазлу карамидир. Чунки ора-

² Мужаррат олами — жисмоний олам.

³ Муқаят олами — руҳий олам — Тарж.

да бу барзах бўлмаса, инсонлар барча илмларини тўғридан-тўғри ловҳул маҳфуздан олишлари лозим бўлур эди. У жойдан илм олишга жисмоний оламнинг қобилияти йўқдир. Чунки руҳ тажоррут сифатига кирганидан сўнггина унга ловҳул маҳфуздан илм олиш йўли очилади. Ҳамма нарсаларнинг ҳақиқати унга ўшанда маълум бўлади. Аммо жисм оламига боғланиб таркиб топган нарсалар эса улвий, сифлий оламининг ўртасида бир юзи бу томонга қаратилган барзах кўзгуси воситаси билан илм оладилар. Илмсиз жисмоний оламнинг обод бўлиши мумкин эмасдур. Аносир аҳллари тажрид оламидан воситасиз ҳеч илм ололмайдилар. Шунинг учун тажрид олами билан таркиб оламига восита қилиб ўртага барзах кўзгусини қўйдилар. Азалнинг лавҳига утру бўлганлигидан ундаги бор илмлар бунга акси уриб тушиб туради. Ҳар замоннинг файласуф олимлари фикр қувватини ишлатсалар, ундаги илм аксини кўнгил ойнасида топа оладилар. Сўнгра кўнгилларидаги илм назариясини асбоб воситаси ила амалга оширадилар.

Барзах ойинасининг таажжубларидан бири шулки, ундан ҳар қанча илм олингани билан ундаги илмлар ҳеч камаймайди. Мисол оламининг кўзгусида янгидан-янги, бир-биридан ажиброқ илмлар пайдо бўлиб тураверади. Оламнинг умри тамом бўлгунча бу иш шу ҳолда давом этади...

Сўз шу ерга етганда мезбон туриб сенинг бу сўзларингга мен таслим бўлдим, деди. Бу соҳада ҳақининг қисқалигига, имон аҳллариининг ақллари тўғри эканлигига энди аниқ ишондим, деди. Бу соҳада ҳақиқатан ҳам мени қаноатлантирдинг. Лекин мен айтган фаромушхона ҳақида қандай ўйлаганинг бор, бу ҳақда нима фикр қиласан деганида, мен бу санъатнинг асли асоси ва унинг ўзига хос бир натижаси бўлиши керак, бунга ўхшаш қизиқ ишлар қисса ва китобларда кўп ёзилган, дедим. Масалан, Низомийнинг «Ҳамса»сида шундай ҳикоя қилинади: бировнинг уйига қоп-қора

кийим кийган бир киши келиб меҳмон бўлди. Уй эгаси меҳмондан унинг аҳволини ва қора кийим кийишининг сабабини сўраганда, у Фарангистоннинг энг ичкарисиди бир шаҳар бордурки, уни қора кийимлилар шаҳри деб атайдилар; ўша шаҳарга кимки борса, у ҳам қора кийимли бўлади, мен ҳам шуларданман, деган. Бир муддат ўтгач, уй эгаси савдойилиги билан сайёҳатга чиқиб ўша шаҳарга бориб қолган. Ўша ерлик бир одам билан дўстлашгандан сўнг, ундан ўша ерликларнинг қора кийимларининг сабабини сўраган. У киши бу шаҳарда бир минора бор, унга бир сават осиб қўйилган, ким шунга ўлтирса минора тепасига чиқиб қолади, бир фурсат ўтгач, у одам қора кийимли бўлиб минорадан тушади, деган. Шундан сўнг бу киши ҳам дўстининг ёрдами билан саватга ўлтириб минорага чиққанидан сўнг қаердандир бир бургут келиб, уни кўтариб яна бир ажойиб шаҳарга олиб кетган; у ерда бир қанча вақт ўтказгандан сўнг яна бир сабаб билан у одам ўзини минора устида кўрган. Сўнгра уни минорадан тушириб олганлар. Қараса, борди-келдига бир соатча вақт кетибди.

Бу ҳикоя афсонавий бўлиб кўринса ҳам, лекин бўлиши мумкин бўлмайдиган иш эмасдир. Фаранглар бундай ишларга кўп қизиқадиладар. Ҳатто бир шаҳар ёки бир иморат ясаб, унда ақл ҳайрон қолурлик қизиқ нарсаларни бино қилишлари мумкиндир. Масалан, мен — мазкур китобни ёзувчи — императорнинг қишлоқ боғига кириб, ундаги ажойиб нарсаларни кўриб ақлим лол бўлди. Кўрган нарсаларимни қаламга олмоқчи эдим, бироқ чиққанимдан сўнг уларнинг кўплигидан, қайси бирини ёзишимни билмай қолдим. Шунга ўхшаш Афлотун юнон ҳукамоларининг раиси эди, у ҳаётни сақлаш учун кўп ҳаракатлар қилди, аммо уни тажрибада қўлга кирита олмай дунёдан ўтди. Кейинги олимлар эса бу тўғрида қилган чуқур илмий текширишлар натижасида унинг тақдирини топдилар. Макиён товуқни қиймалаб,

уни қайтадан тирилтирдилар. Лекин давлат томонидан бу ишни юзага чиқазиш ман қилинган. Фаранглар ўша уйга мисол оламини кўрсатадиган асбобларни қурган бўлишлари ҳам мумкин. Унинг ичида катта биллур дурбин ойналардан қурилган бўлса, барзах оламида ажойиб ва ғаройиб шаклдаги суратлар, янгидан-янги чиқаётган илму фанлар ўтмишдаги ва келгусидаги аҳволлар у ойналар воситаси билан кўринадилар; унда кўринган нарсалар вақти билан ер устида ҳам пайдо бўладилар. Ёки у уйда илм ҳикмат билан шундай бир ичимлик тайёрланган бўлиши мумкиндирки, кимки ундан ичар экан, ақлий ва ғайбий ишлар унинг кўзига кўриниб кўнглига тушади... Фаранглар бундай ҳикматларни кўрсатишга жуда уста келадилар. Чунки улар илму ҳунарлари орқали Ой остидаги ўт, сув ва ҳаводан тортиб ҳамма нарсалар устидан ғалаба қилганлар. Ўз фойдалари учун уларни ўзларига бўйсундирдилар. Топган ҳикматларини тажриба қилиб амалга оширдилар. Чунки кашфиёт ишлари икки йўл билан топилиши мумкиндир. Бири риёсат билан шуғулланиш, иккинчиси эса асбобга боғланишдир. Аммо ислом ҳукаmolари умрларини асбобга сарф қилмадилар. Агар унга сарф қилсалар, талабдан қолардилар. Ёки умрлари кифоя қилмай ноқисликда қолишдан қўрқадилар. Чунки камолга етиш учун энг аввалги шарт, талаб қилувчининг қобилиятидир. Агар ойнани минг қаватлаб қўйилса ҳам, унинг нариги томони ёруқ мусаффо бўлиб кўриниб турар эди. Агар ойнанинг олдига темир ёки бошқа нарса қўйилса у ёни қоронғи бўлиб, ёлғиз ойнадан бошқа нарса кўринмайди. Шунинг учун ислом ҳукаmolари риёсат йўлини яқин кўришиб ана шу йўлни ихтиёр қилдилар. Юнон ҳукаmolари эса кашфиёт ишларида асбобларни восита қилдилар. Уларга керакли яроқларни тўпладилар. Бир ҳикматни юзага чиқариш учун уларнинг қанча ота-боболарининг умрлари тугади. Фикр-фикрга улашиб, унинг натижасида асрлар ўтгандан сўнгра бошқа бировнинг

ҳаракати билан бир ҳикматли санъат юзага чиқади. Ақли ҳикматларни кашф қилишга куфрнинг тўсқинлиги йўқлиги учун риёзатга берилган ҳинд жўғилари ўз кашфиётларини аршга етказиб, ўз китобларида ёзибдилар.

Яна бири шулки, ғайб ишларидан хабардор бўлишлик жинлар воситаси билан ҳам мумкиндир. Мисол оламини палит арвоҳларини бўйсундириш йўли билан ҳам кўриш мумкин. Аммо фаромушонийларнинг сир яширишларининг сабаби шулки, бундай ўринларга кирганларидан сўнг ғайб ишларидан бирор нарса кўзларига кўринган бўлса, уни тилга келтириб сўзлаб беришдан ақллари ожиз қолади. Масалан, бир киши ҳайрон қолурлик томоша-ўйинни кўрганидан кейин, кўрганларини тартиб билан сўзлаб беролмайди. Чунки кашфия ишларини кўрса бўлади, аммо уни айтиб тушунтириш учун сўз топиб бўлмайди, деганлар. Негаки, ақл олган нарсалар кўз кўрадиган нарсаларга ўхшамайди. Ана шунга кўра, манимча, у найрангхонага кирган кишилар у жойда кўрган нарсаларини айтиб беришдан ожиз қолиб, сукутни осон кўрадилар.

Яна шулки, бундай ишларнинг сирларини билишга ақлсиз одамлар кўпроқ қизиқадилар. Ақлли кишилар гумонли ва хатарли жойлардан ўзларини сақлайдилар. Ақлсиз кишилар эса хавфли ишларга киришишдан кўп тортинмайдилар. Бундай жойга кириб қолган ақлсиз одамлар у жойда кўрган ажойиб ва ғаройибларни қандай айтиб бера оладилар? Кўп кишилар ҳатто кўзлари билан кўрган нарсаларни ҳам бошқаларга айтиб бера олмайдилар. Масалан, бир киши ўта кетган чиройли, хуш қилиқ, ҳусн-жамоли тўлишган бир маҳбубани кўрган бўлса ёки турли гул-райҳонлар очилган, булбуллар сайраган, созандалар нағма қилиб турган бир бўстонга кириб томоша қилган бўлса, у ердан топган лаззатларини, унинг кўнглига тушган ўша чоқдаги сезгиларини тили билан бошқаларга айтиб бера олмайди.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Созанда ўртада ўлтириб чолғусига тортилган торга ёки симга нохун уради. Натижада кишиларнинг қулоғига даранг-даранг, гинг-гинг овозлари эшитилиб туради. Ҳақиқатда эса бу овозларни таъсир деб айтмайдилар. Ҳақиқий таъсирланиш юзага келганда чолғу ва чолғучи ҳамда унинг бутун ҳаракатлари эшитувчининг кўнглидан кўтарилади. Сўнгра нафис ва нозик нағманинг ҳайулоси кумуш сувидек ёки оппоқ сутдек сизилиб мисол олампдан тушади. Том тўйнуғидан тушган қуёш нурининг найзаси каби, нафис нохун нозик торга етиб тўхтади. Узоқ-узоқлардан келган мунгли нола қулоққа урилади. Киши гоҳида хаёлида чолғу чалади. Аммо созанданинг ўзи кўринмайди; унинг устида бошқа бир чолғучи пайдо бўладикки, у эса Зухро юлдузининг руҳи ҳисобланади. Мана шундай таъсирлар кўпинча тиниқ, нафис кўнгишлардагина пайдо бўлади. Лекин уни сўз қилиб, қаламга келтириб ёзиб бўлмайди...

Б а й т:

Тук харди ман мурасса кор гаштам,
Ту гуфти ман гуҳар гуфтори гаштам.

Таржимаси:

Сандин мадад етганда, қилган ишим зийнатли,
Сандин илҳом олганда айтган сўзим гавҳардек.

Киши сурат ва сифатини ҳар шаклга солиб, ҳаммага ибрат бўлгудек ишларни жонли равишда халққа кўрсатса, яхши-ёмон ишларни уларнинг кўз олдига келтирса, яхшилиқнинг натижаси ноз-неъмат, ёмонлиқнинг оқибати азоб-уқубат эканини кўрсатса, халқнинг кўзи очилиб, ундан ибратланади. Инсонлар бир-бирларига раҳм-шафқатли, ватандош ва жинсдошларига меҳрибон бўладилар. Аммо халқ ичига фаромушийлик маслагин тарқалиб кетса, инсонлар шу ҳикмат остида тарбиялан-

салар, бундан давлатга, мамлакатга фойда келадими-йўқми — бу иккинчи масаладир. Меним фикримча, кўпчилик халқ фаромушоний маслагига кирса, давлат интизоми бузилади. Тарки дунё бўлиб, ҳеч ким иш билан қизиқмайди. Шунинг учун бундай маслак, бундай найрангларни халқ ичига тарқатмаслик лозимдур.

Лекин фаранглар буни шу кунгача ман қилмайдилар. Уларнинг айтишларича, оламда бу маслак ривож топса, бутун халқлар тинчлик ва роҳатда яшайдилар. Чунки подшоҳлар жаҳонгирлик ҳавасларидан қайтадилар... Халқ лашкар тортиш, уруш, қурол-жабдуқлар тайёрлаш, тўп-тўфанглар ўрнатиш, кема ясаш каби меҳнатлардан озод бўлади. Ҳеч ким кундалик овқатидан ортиқчасига қизиқмайди. Бу эса бир оз ҳаракат билан қўлга кириши мумкин бўлган нарсадир. Бу маслакка кирган подшоҳ ва гадоларга мол-дунё манзур эмасдир. Ҳаммалари бир-бирларига раҳмли ва меҳрибон бўладилар. Ҳожат тушганда молларини ҳам бир-бирларидан аямайдилар. Ҳеч бир миллат иккинчи бир миллатга, ҳеч бир давлат иккинчи бир давлатга тажовуз қилмайди. Халқ ўртасида улфат ва муҳаббат пайдо бўлади. Топган нарсалари билан бир-бирларига ёрдам қиладилар.

Уларнинг айтишларича, бу маслак халқ учун фойдалидир, шу сабабли бу ҳикматни халқ ичига тарқатиш лозимдир. Шунинг воситаси билан ақлий ишларни кашф қилиб, дунёнинг вафосизлигини ва ўзларининг нодонликларини биладилар. Дунёнинг ноз-неъматларини қизғанишдан, ўринсиз ҳаракат қилишдан тўхтайдилар. Уруш-талашлар ўртадан кўтарилади. Инсонлар уч-тўрт кунлик омонат дунёнинг тирикчилигини тинчлик билан ўтказадилар, бир-бирларининг қадрларига етиб, ўзаро меҳр-шафқатли бўладилар.

Фаранглар ҳам шунга ўхшаш сўзларни ўз газеталарида ёзиб айтганларки, худо ер устидаги инсонлар дунёдан бир текисда барабар фойдалансинлар деб

уларга дунёни бағишлаган. Ер устидаги барча халқлар бир-бирлари билан тенг ҳолда яшашлари, ер юзидаги ерларни теппа-тенг бўлиб олиб, улардан бир текисда фойдаланишлари лозимдур. Одам ато ўлгандан сўнг унинг болалари бу ерларни мерос сифатида теппа-тенг бўлиб олиб, адолат билан улардан фойдаланганлар. Сўнгра замон ўтган сайин, халқлар ўзгарганлар; ўз қўлларидаги ерларга қаноат қилмай, бир-бирларининг ерларини босиб олишга киришганлар... Инсоф қилиб ақл юритганда, ҳар ким ўз ерига қаноат қилиши лозимдир. Кучлилар босиб олган ерларни ўз эгаларига қайтарсинлар. Ҳар ким бу ишдан бош тортар экан, одамгарчилик йўлида фарздурки, кучлилар ҳаммалари бир иттифоққа бирлашиб, унинг бурнини ерга ишқаб, кучлидан кучсизнинг ҳаққини олиб берсинлар. Шундай бўлганда, инсонлар ўртасида уруш-талашлар бутунлай йўқолади. Подшоҳлар ўрталаридан душманликлар кўтарилиб, қон тўкишлар тўхтайди. Бунинг натижасида барча халқлар тинчлик билан муросатда яшайдилар. Ҳақиқатда эса бутун дунё одамнинг кўнглини ранжитишга арзимайди.

Баъзи давлатлар бу масалага жавобан, агар бу қонун ижро қилинар экан, яна ҳам каттароқ қийинчиликлар туғилади, дейдилар. Негаки, ҳеч ким осонлик билан мол-дунёмдан кечдим демайди ва бу ишга чин дилидан киришмайди. Бу тартибни ўрнатиш учун қон дарёсини тўлқинлантириб оқизишга тўғри келади; шунда ҳам ўйланган ишнинг рўёбга чиқиш-чиқмаслиги маълум эмас. Баъзи давлатларнинг ана шу фикри билан жаҳон майдонига ташланган бу қизғин талаблар бир даража пасайиб қолган эди. Масаланинг аслига қарасак эса фаромушхона қурилиши лозимдир. Қисқаси шулки, дунё яратилиб, ер устига одам насли тарқалгандан бери ажойиб ва ғаройибларга тўлган бундай замон ҳеч қачон ўтмаган ва ҳеч бир тарихда кўрилмагандир. Агар фақат сўнгги асрларда юзага чиққан янгиликлар ёзи-

лар экан, илгариги бутун оламда ўтган ажойиб ишлар бунинг олдида йўқ қатори бўлиб қолади...

Табиат оламининг шу кунгача очилмаган сирлари озгина қолган эди. Энди бутунлай очилиб юзага чиқди. Очилмай қолган бошқа сирларни ҳам қўймай очадилар... Ҳадисда энг ёмон одамлар устига қиёмат бўлади дейилган... Агар ҳаёт оламида очилмаган бир сир қолса, ер устида бир мўмин тик турса, қиёмат-қойим бўлмайди...

Кўча, бозор бошларида шариятдан ташқари ҳаром-ҳариж, фисқу фасод ишлар очикдан-очик қилинмоқда. Бошдаги салла, минорадан айтилган азондан бошқа ислом аломати қолмади; сўзлари ва қилган ишлари бошқа-бошқа бўлиб, улар ўртасида ер билан осмондай фарқ бор... Ислом халифалари шаҳват нафсларига берилиб, айшу ишратга киришдилар. Дин амонати топширилган диёнат асровчи уламолар эса мансабпарастлик балосига чўмиб кетиб, улар ҳам золим, фосиқ амирлар-ҳокимларнинг хизматларида уларнинг ёрдамчилари бўлиб қолдилар...

Лекин атроф оламда бўлаётган ишларга қараганда ҳамда фалакиёт илмининг аломатларига кўра, ҳижрийнинг уч юз ўн учинчи йилда оламда катта бир ўзгариш юз бериши кутилади. Яна ҳар ишни билгучи оллонинг ўзи билади. Ғайбни билгучи оллонинг менинг кўнглимга солган илҳоми шудир.

ЭРОНЛИК БИР [САВДОГАРНИНГ] ҲИКОЯСИ

Хаж сафаридан келган бир биродарим ҳикоя қилиб деди: Ҳиндистонда бир бой одамни кўрдим. Унинг давлат-ҳашамати киши ҳайрон қоларлик даражада бўлиб, мол-дунёсининг ҳадди-ҳисоби йўқ эди. 200 дан ортиқ қуллари, соҳибжамол канизак, чўрилари бор эди. Уй турмушини, ўтириш-туришларини, еб-ичишдаги дастгоҳларини ҳинд подшоҳлари ҳам қила олмас эдилар. У билан ўртамизда дўстлик алоқаси бор эди. Бир куни мен ундан бунчалик кўп мол-дунёни қаердан топдинг, буларни меросдан ёки касб-тижоратдан топиб бўлмайди; Қоруннинг хазинаси, Жамшиднинг давлатини қўлга киргиздингми, ҳар қанча катта сарф қилганинг билан ҳам бу давлат камаядиргандек эмас; бунинг устига ўзинг ҳам кўп ортиқча касб-тижорат ишларига киришиб, фойда-зиёни суриштирмайсан деб сўрадим. У менинг саволимга очиқ жавоб бермагач, буни билишга яна кўпроқ қизиқдим.

Қўймай ҳа деб сўрайверганимдан сўнг, бир куни менга қараб деди: менинг бошимдан юраклар титрайдиган, жонлар ачинадиган узун бир воқеа ўтгандир;

эшитган одам унга чидаб тура олмайди, ҳатто, унга ишонмайди деб ўйлайман дегач, мен яна ҳам қизиқиб, бошингдан ўтганларни айтиб бер, мен ундан ибратланиб тажриба орттирай ҳамда сенинг айтганларинг мен учун эсдалик ва қўлланма бўлиб қолсин деб унга яна ҳам қаттиқроқ ёпишдим.

Шундан сўнг у ўтмишдаги ишлардан бошлаб сўзга киришди ва деди: Мен аввалги ҳолимда тижорат қилиб мол топиш учун Хуросондан чиқдим. Бу мақсадга етишиш учун фарангча, немисча тил ўрганиш зарур бўлганлигидан Франция пойтахти Парижга бордим. У ерда бир-икки йилча турдим; ҳар куни савдо ишларидан бўшаганимдан сўнг тил ўрганиш ва савдо муомалаларига керак бўлган ҳисобот, шунингдек, бошқа зарур бўлган илмларни ўрганиш учун махсус мактабга кириб ўқидим. Чунки Фарангистонда тил билмаган киши тижорат қилолмайди, улар билан аралашиб кетолмайди. Кўп фурсат ўтмай хат-саводим чиқиб, немисча, фарангча тилларни ўрганиб, тижорат ишларига комил бўлдим.

У ердан чиқиб савдо ишлари билан Англия пойтахти Лондонга бордим. Бу шаҳарнинг катталари, савдо ва тижорат арбоблари билан кўришиб, танишиб уларнинг ўрталарида кўп обрў қозондим. Тижорат йўлидаги ишларим илгари босиб савдо аҳллари билан қилган муомалаларим кундан-кунга ривожланди. Кўп муддат ўтмай каттагина сармояга эга бўлиб, мол-мато устида савдо юргизардим...

Лондон шаҳари эса бутун Англиянинг энг улуг шаҳри деб ҳисобланади. Ер юзида учта катта шаҳар бўлиб, уларнинг биринчиси Лондон, иккинчиси Франция пойтахти Париж, учинчиси эса Русия пойтахти Петербург дейдилар. Буларнинг олдида бошқа шаҳарлар қишлоқдай бўлиб қолади. Жон ҳисобига қараганда, Лондоннинг халқи Румда яшаган халқдан икки баробар ортиқ дейдилар. Париж халқи бунинг учдан бирича ҳам чиқмайди. Шунинг учун Лондонни шаҳар дейишдан кўра

бутун бир мамлакат дейиш тўғрироқдир. Бу ерда ҳандаса ҳисоби билан ҳар саккиз дақиқада ажали етганлардан бири ўлиб, ҳар беш дақиқада эса бир бола туғилиб туради, дейдилар. 20 йилдан бери ҳар йили уч юз минг киши Америкага ҳижрат қилиб турар экан. Шундай бўлса ҳам, шу муддат ичида илгариги ҳисобга қараганда саккиз юз минг киши ортган. Бу шаҳарда юз минг эрсиз хотин фоҳишалик билан умр кечиради. Ҳисобга олинган ўн мингдан ортиқ майхоналари бор. Буларга ҳар кун бир курур халқ кириб майхўрлик қилурлар. Тўққиз юз киши ичида бир жинни бўлишлиги тахмин қилинади. Ўттиз мингга яқин киссакесар ўғриси бордин. Шаҳарнинг тақсимот ҳисобига кўра, 1206 нафар одамга бир нонвой нон беради. 1553 киши бир қассобдан гўшт, 1800 киши эса бир баққолдан сабзавот оладилар. Қисқаси, Англия пойтахти Лондонда беш курур халқ шундай яшайди.

Шу кунларда олинган жон ҳисобига кўра, бутун ер юзида яшаётган халқнинг сони 90095000000 дир. Булардан европаликлар — 180000000, янги дунё — америка халқи бундан 300 йил илгари 60000000 миллион бўлиб, бу пухшани ёзган чоқларимизда америкаликларнинг сони 2 баробардан ҳам ошган деб эшитдик. Булардан ғарбликларнинг сони 600 миллионга етади. Бу ёзилган сонларнинг ҳаммаси куфр аҳлидир. Мусулмонлар эса зангининг кўз оқидек бўлиб Осиё иқлимида яшайдилар. Буларнинг сон-саноклари беш курурга аранг етишади.

У одам бир нафас жим бўлиб, ўз ҳикоясини яна бошлади ва деди: Лондоннинг атоқли савдогарлари ва бир қанча ҳунарманд санъаткорлари билан ҳамкорликда кўп мол-матолар олиб, баъзимиз Ҳиндистон иқлимидаги Калькутта вилоятига, баъзиларимиз эса Туркистон, Сирдарё томонларига тижорат қилиш учун Ўртаер денгизига тушдик. Кемаларимиз ўт ва шамол билан юрадиганлардан эди. Ҳар қайсиларини ўз ўринларида

ишлатар эдилар. Бир жойда шамол билан юрадиганга, яна бир ерда эса ўт билан юрадиганига тушар эдик.

Лондон шаҳрининг жуғрофий ўрни ғарби шимолда бўлиб, Калькутта эса шарқи жанубдадир. Шу кетишимизда денгизда ўртача ҳисоб билан 90 даража йўл юришимиз керак. Денгиз қирғоқларига тушиб дам олиш кунлари қўшилса, 18 ой давомида сув устида юришга тўғри келади. Шундай қилиб кетар эканмиз, гоҳи ўн кун, гоҳида бир ойлаб кемадан тушмай сузганимиз-сузган. Денгиз бўйи шаҳарлари келганда кемадан тушиб, савдо-сотиқ қилиб, у ерда уч-тўрт кун туриб дам олганимиздан сўнг, яна кемага ўлтириб жўнаймиз.

Бир куни денгизда кетаётганимизда кемачи сув бошчимиз [бу киши европалик бўлиб, икки кўзи йўқ эди; аммо денгиз илмида устозлик даражасига етган тажрибали моҳир одам эди] дедик, бу кунлари тилаганимизчалик шамол бўлиб туради, шуни ғанимат билиб, ўт кемаларимизга дам берайлик, сафаримиз узундир, ундаги машина ва асбоблар заифлашиб қолиб, сафаримизда камчилик юз бермасин. Бу гап барчага маъқул тушиб елкан чодирларини очдилар. Кема бошлиғи кеманинг юриши ҳақида хизматчи шогирдларидан ҳар соатда маълумот олиб борар ва узун арқоннинг учига қўрғошинли асбоб боғлаб, уни сувга отар ва сув ости-дан чиққан лой мазасини кўриб, ҳа энди фалон денгизга ва фалон жойга етибмиз деб айтиб турар эди. Шундай қилиб, икки кеча-кундуз жануб томон юриб кетдик.

Учинчи куни денгиз тўлқинланиб бодбон (шамол билан юрадиган кема — *Тарж.*) кемамизнинг ҳаракати ўзгарди. Кемамиз бир томонга тортилгандай бўлаётир деб кемачимиз хавфга тушди. Бу кема нега тўғри юрмайди, ўз юришини йўқотиб қўйди дегач, дарҳол, ўт-кемага ўтдик. Кема бошини қанча шарққа ёки шимолга қаратиб бурсалар ҳам кемамиз яна жанубга қараб ай-

ланиб қолар эди. Ваҳолонки, ўт-кеманинг олдини анча-мунча бўрон-шамоллар тўсолмас эди; у тогдек тўлқинлар келиб урилганда ҳам, тўлқинлар устига чиқиб тўхтовсиз ҳар саккиз дақиқада бир ярим фарсах йўл юра олар эди. Нима бўлдики, энди у ўзининг тўғри йўлидан юролмай қолди!

Шунда кемачимиз денгиз тагига арқон ташлатди; 500 газли арқон сув остига етмади. Бунни кўрган кемачи шошиб қолиб, соч-соқолини юлиб, юзларига ура бошлади. Эй дариг, бизни ғафлат босган экан, юрар йўлимиздан адашиб ҳеч бир кема келмаган жойга келиб қолибмиз. Одам қовмини ҳалок қилган ғазаб бўронига йўлиқибмиз. Ҳай дариг, биз ҳам энди ҳалок бўламиз деб оҳ-воҳ қилган эди, бунни кўрган бутун кема аҳли йиғи ва зор қила бошладик. Ҳаммамиз қаттиқ хавф остида қолиб, ўз ўрнимизда қотиб қолдик. Ҳаммамиз кемачининг этагига осилиб, худо ҳақи, бу ишнинг ростини айт, қандай жойга келиб қолдик, қаёққа қараб кетаётимиз деб йиғладик.

Ўшанда кемачи дедик: денгизнома китобида улуг океанда жанубий қутбга яқин хатти устиворан эллик даража арзи жанубида бир гирдоб бор, у бир ойлик ердан кемаларни ўзига тортади деб ёзилган. Унинг ёнида бир тоғ бўлиб, минорадек денгиздан ирғиб чиққандир. Ўша тоғни Искандар минораси, ундаги гирдобни эса Искандар гирдоби деб атайдилар; чунки Искандардан бошқа ҳеч ким бу ерга келмаган, келганлар эса ундан омон қайтмаганлар. Ҳатто, Искандар ҳам ҳукамоларнинг ҳикмати орқали, кўп асбоб-анжомлар воситаси билан бу гирдобдан аранг қутулган экан. Дарё кезувчи кемалардан қайси бири бу гирдобга йўлиққан бўлса, қайтиш йўлини топа олмай, ундан ҳеч хабар бўлмай йўқолиб кетган.

Кемадагилар бу сўзларни эшитгач, қўрқувлари яна ҳам ортиб, йиғига тушдилар. Кемачининг ўзи ҳам гоҳида биргалашиб йиғлар, гоҳида эса қазодан нола ва

афғон қилиб, унга қарши туриб бўлмайди, оллога таваккал қилиб сабр қилишдан бошқа чорамиз йўқ, деяради.

Б а й т:

Бо қазо кори зор на тавон кард
Зин сабаб кори зор на тавон кард.

Таржимаси:

Қазога қаршилик қилма, унинг чораси йўқдир,
Худога қил таваккал, бўлак чораси йўқдир...

Худога шукурки, қўлимизда бирор йилга, балки кўпроққа ҳам етарли озиқ-овқатларимиз бор. Шунинг эҳтиёт билан сарф қилайлик, чунки умримиз қанча бўлса, ризқимиз шунчадир, буни худо яхши билади... Раисимизнинг бу сўзлари бизга бир оз тасалли бўлиб, ейишничишимизни эҳтиёт билан тежай бошладик, таомларимизни тарозига солдик, лекин кеча-кундуз раҳмли парвардигоримиз даргоҳига бош қўйиб нажот тилар эдик.

Маллоҳ ҳам ҳаким ва донишманд киши эди. У қазо ва қадарни баён қилиб, бундай қўрқинчли ишлардан оллонинг лутф-карами билан талай одамларнинг қутулганликларини айтиб бизларга тасалли берар эди. Қўп одамлар оллонинг лутф-карами билан йиртқич ҳайвонлар оғзидан, ўтдан, сувдан, каллакесар қароқчилардан ва яна бир қанча хавф-хатарлардан қутулиб қолганлар. Шунга ўхшаш, биз ҳам жон олғучи, одам егучи бу ажал гирдобидан қутулиб қолсак ажаб эмас, дер эди.

Шундай қилиб, кемамизнинг юриши борган сари отган ўқдек тезлаша борди. Бизлар бўлсак, жон ваҳмидан унсиз, сувсиз ҳар қайсимиз кеманинг устунларига канадек ёпишиб қолган эдик. Шу ҳолда ўн кеча-кундуз сузиб, ажал гирдобининг ичига кириб келдик. Унинг ҳайқирган ҳайбатини кўришимиз биланоқ ўлимга кўнгил қўйиб, жондан умидимиз узилди. Қарасак денгиз-

нинг бир фарсахлик жойи ўртасида катта бир ҳовуздек гирдоб қайнама тарновдан тушгандек пастга тушиб борарди. Оғзига нима нарсаси тўғри келса, уни дарҳол ичига тортарди. Бизнинг кемамиз эса ниҳоятда катта бўлиб, унинг устига бир қанча кемачаларни палтар қилиб боғлаган эдилар. Кемамизнинг улуғлигидан уни гирдобнинг ютишига имконият йўқ эди: Тоғдек бўлиб турган бир тўп кемалар билан ул қонхўр ҳовузнинг атрофида паркордек давра уриб айланиб турар эдик.

Баъзан аждарҳодек дамига тортаётган гирдобнинг оғзига келиб қолар эдик. Ҳар бир нафасимизда қўрқувдан жон бериш азоби юз берар эди. Ҳозир балиқларга ем бўламиз ёки сув йўли билан ер қўйнига тушиб йўқоламиз дер эдик. Шу ҳолга етганимизда бу бало гирдобнинг ағдарилиб-тўнтарилиб қайнаганлигидан ёки қаттиқ бўрон шамолининг кемага ўрганлиги сабаб бўлиб, у аждарҳонинг оғзидан қутулиб, яна ҳовуз атрофида чарх урар эдик. Бу айланишларнинг зарбасидан кемага палтар қилиб боғланган қайиқларимиз парчаланиб гирдоб аждарҳосининг дамига тортилиб йўқолди. Биз тушган улкан кемадан бошқа ҳаммасини ютиб йўқотди.

Шу ҳолда жон талвасаси билан уч кеча-кундуз ўтди; бош айланиб, кўз тиниб, жонимиздан умид узиб, ақлимиздан адашиб қолдик. Денгиз тўлқинларининг узлуксиз уриб турган зарбалари остида биз ўлтирган кемага ҳам путур етди бошлади. Ана шундай оғир ва ўлим олдида турган чоғимизда оллонинг ёрдами етиб, унинг лутфи карами билан бир кучли бўрон кўтарилди. Бу кучли шамол бизга ёрдам учун юборилган экан. Биз эса бу раҳмат шамолини танимаганимиздан, уни ажал бўрони деб дунёдан умидимиз узилган эди. Денгиз тўлқинининг қаттиқ урилганидан сачраган сув пуркиндилари ҳавони қоплаб олам кўзимизга қоронғилашди. Палтар кемалардан ажраб енгиллашган катта кемамиз тўлқиннинг кучи билан, оғиздан туф дегандек, бир ирғиган эди, отилган ўқдек тоғ тагига етиб тўхтади. Ку-

тилмаган сабаб билан ажал аждарҳосининг оғзидан қутулганимиз учун ҳаммамиз оллога шукр ва саждалар қилдик.

Кўп кунлардан бери таом юзини кўрмаган эдик, балки ўлиб янгидан тирилгандай бўлиб, энди озиқ-овқат ейишни эсладик. Ҳаммамиз ўлтиришиб тўйганимизча еб-ичдик. Қарасак, ҳисобсиз кўп кемалар тоғ тагида уйилиб ётибди. Бир хили чириган, қайси бири синиб парчаланган эди. Бизнинг кемадаги йўлдошларимиз 18 киши бўлиб, шу ерга еткунча 12 киши вафот қилган эди. Кемачилардан ҳам 3 одам ўлган эди. Булардан бошқа бир неча одамлар ўз молларини қизганиб, моллари юкланган палтар кемаларга ўлтирган эдилар. Улар моллари билан бирга гирдоб аждарҳосига ем бўлдилар.

Ўлим қўрқувидан қутулиб, бир-икки кун дам олганимиздан сўнг тоғ атрофида йиғилиб қолган кемаларни томоша қилишга чиқдик. Айланиб юриб ҳар бир кеманинг ичига кирдик. Қарасак, баъзи бир кемаларнинг одамлари ўлиб, танлари чириб, тупроққа айланиб, қуруқ суякларигина қолибди. Мол-дунёлари эса қўйганларича тахланиб турипти; буларнинг аҳволини кўриб кўп йиғлашдик. Оғзи бекилган катта сандиқларнинг ичи тўла аъло моллар; лекин уларнинг ҳаммаси чириб ишдан чиққан. Анбон-яхдонларда сақланган озиқ-овқатлар чириб-сасиб кетган. Хулоса шулки, бу кемалардаги мол-мулк, олтин, кумуш, ҳар хил қимматбаҳо асл тошлар, инжу-маржонлар каби нарсаларнинг ҳисоби йўқ эди.

Ана шу хароба ичида битта янгироқ, унча зарар кўрмаган бир кемага кўзимиз тушди. Югуриб бориб, унинг ичига кирсак, уйларнинг бирида уч киши ётган эди; уларнинг иккови ўлган, бировининг рамағида ҳали жони бордек кўринди. Дарҳол кема бошлиғига хабар қилган эдик, чопганича югуриб келди. Тажриба қилиб кўргандан сўнг, ҳалиги кишининг жони борлиги аниқланиб, таом беришга буюрди. Мижозига қараб буюрган таомдан оғзига томизиб турдик. Бир оздан сўнг у ўзига

келди. Бир неча кундан сўнг эса ундан ҳол-аҳвол сўрадик. Ўшанда у деди: биз ҳам сизларга ўхшаш бир неча кишилар билан Ҳиндистондан чиқиб кемага ўлтирдик. Бир куни тескари шамол кўтарилиб, кемамизни шу гирдобга келтириб урди. Бизлар кемада 21 киши эдик. Озиқ-овқат, сувларимиз етарли эди. Йўлдошларимизнинг баъзилари қўрқувдан ва баъзилари ажаллари етганидан ўлиб кетдилар. Ана ўша одамлардан сўнг ёлғиз мен қолдим, деди.

Ҳисоблаб қарасак, уларнинг бу балога гирифтор бўлганларига 7 йил бўлибди. Сўнг ундан озиқ-овқат масалалари қандай бўлди, деб сўрадик. У ўз жавобида: эҳтиёт юзасидан ўзимиз ҳам кўп олган эдик, қолганларини мана бу атрофда ётган кемалардан йиғиштирдик, ҳали ҳам бўлса бу кемаларда кўп йилларга етарли озиқ-овқатлар топилади, деди. Кема раиси ундан бу балодан қутулишнинг иложи борми, бу тўғрида бирор ҳийла ўйлаб кўрдингларми деганида, у: ҳай қариндошим, бу гирдоб сув йўлининг оғзидан очилган гўрнинг даҳанасидир; бунинг чангалидан ким қутула олади деб зор-зор йиғлади. Унга қўшилиб ҳаммамиз йиғладик. Чунки ўлим хабари ўлимдан кучлидир.

Сўнг маллоҳимиз жанубий қутбнинг нишонларини биздан сўради. Кечалари юлдуз санаб юриб, билганимизча унга тушунтирдик. Ўшанда бу жойнинг баландлиги 60 даражадан ошиқроқ экан, инсоннинг қадами етмаган жойга келибмиз, энди бу ердан қутулишнинг ўлимдан бошқа чораси йўқдир, деди.

Биз ҳалиги кишидан: сен биздан кўп ой-ю, йиллар илгари келиб бу жойда кеча-кундузларни ўтказгансан; албатта, умид кўзи билан термулиб ҳар томонга қарагандирсан, шунда бу денгизда киши қизиқарлик нима ажойиботларни кўрдинг деб сўрадик. Жавобан у: кеча қоронғусида денгиз ҳайвонларидан йиғлагандек ва кулгандек бўлиб ҳар турли овозлар эшитилади; сув юзи кўк юзи каби юлдузларга тўлади. Ҳайвонлар ойдин ке-

чаларда сув устига чиқишиб ўйнайдилар; тун қоронғусида уларнинг кўзлари чироқдек ёнганлигидан, денгиз усти чироқзор бўлади; аммо бу каби ажойиботлар улуғ океanning бошқа жойларида ҳам бўлиши мумкиндир, деди. Яна сўзида давом этиб дедик, булар ичида ҳаммадан ажойиброғи ва ҳайрон қолғудек ҳодиса шулки, ҳар йили маълум бир вақтда бениҳоя улуғ гавдали бир жонивор пайдо бўлиб, тўғри келиб шу гирдобга киради ва унда икки-уч кун ётади. У келар экан, денгиз тўлқинланиб, сувлар тоғдек ҳавога кўтарилади. Унинг тўлқинларидан тоғ тағида тўпланган кемалар бир-бирларига урилиб, парчаланиб ишдан чиқади. Бу жониворнинг улуғлиги шундайдирки, масофаси бир фарсах келган шу гирдоб айланмаси у келиб кирган чоқда тинчланади. Ул жонивор келиб кириши билан қайнаб турган қозонга совуқ сув қуйгандек гирдобнинг ишқирш-пишқиршлари босилиб, ҳамма ҳаракатлари тўхтайди. Қачонки бу жонивор гирдобдан чиқиб денгиз томонга жўнар экан, бирор соат ўтгандан сўнг гирдоб яна аввалги аслига қайтади; денгизнинг аввалги тўлиб-тошиб тўлқинланиши тўхтайди. Мен кўрган денгиз ажойиботларининг энг улуғи шулардир, деди.

Бу ҳикоядан сўнг фаранг муаллими танимизда жонимиз борича бу балодан қутулиш учун чора излашимиз лозимдир деб, бизларга шу атрофда ётган кемалардаги темир-терсакларни қолдирмай йиғиб келтиришга буюрди. Уч-тўрт кун ичида у ерда бўлган темирларни келтириб чошлаб ташладик. Орамизда мунажжим, темирчи ва табиблар бор эди. Маллоҳ ўша жониворнинг қай вақт гирдобга кириб ётишини сўради. У одам, қуёш жанубий бурчакнинг мунтахосига бориб, ернинг тўғри теласига етганида жонивор гирдобга киради, деди. Шундан сўнг, маллоҳ мунажжимдан ҳозир қуёшнинг қайси бурчакда турганини сўради; мунажжим нужум ҳисобига кўра, қуёш мезон бурчининг ўрталиғида, деди. Сўнг маллоҳ темирчиларга узунлиги уч юз газдан беш юз

газгача занжирлар тайёрлаб, у занжирларнинг бош халқаларига ўткир учли темир қозиқлар боғлашга буюрди. У жониворнинг келар вақтигача кемамиз темирчиларнинг дўконига айланмиш эди. Бироқ биз маллоҳнинг бу ҳикматига тушунмас эдик. Бу занжирлар билан кемаларни тоққа боғлаб ўлгунимизча шу ерда кун кечиришнинг чорасини кўрмоқчи бўлса керак, деярдик. Шунингдек, маллоҳ бошқа кемалардан ейишга яроқли озиқ-овқатларни ўз кемамизга ташитди. Унинг амри билан ўз кемамиздаги камчиликларни қолдирмай, имконият борича, тузатдик. Энди у жониворнинг келар вақти яқинлашган эди.

Маллоҳ оллодан умид қилиб бир иш бошлаймиз, ҳозир бўлиб тайёр туринглар, деди. Сўнг маллоҳ деди: у жонивор келиб гирдоб ичига кириб тўхтаб, денгиз тўлқини босилиб сув тинчиганда ё қутулиш, ё ўлиш деб занжирлар солинган қайиқларга ўлтириб денгизга тушамиз, бу жониворнинг қаерига яқинлашсанглар шу жойига темир қозиқларни етганича қоқинглар, чунки бу жонивор гирдобдан чиқиб қайтар вақтида бизнинг кемамизни судраб кетиб, бу балодан қутулишимизга сабаб бўлса ажаб эмас. Маллоҳнинг ўйлаганини, нима қилмоқчи эканини биз энди билдик.

Қуёш сайри жади бурчининг биринчи нуқтасига етганида, денгизда ўзгаришлар юз бериб, сув тўлқинларидан тоғлар кўтарила бошлади. Биз эса синган кемаларни атрофимизга тўплаб ўз кемамизни мустаҳкамлаб олган эдик. Шу ҳолда у жониворнинг келиш аломатлари пайдо бўла бошлади. Сув мавж уриб, тўлқинлар тоғдек бўлиб осмонга отилар эди. Денгизнинг ишқириб-ҳайқирганидан қулоқларимиз қар бўлаёзди. Сув пуркиндиси ҳавони қоплаганлигидан, жаҳон кўзимизга қоронғилашди. Бизнинг кемамиз сув устидаги кўпикдек денгиз устида ўйнар эди. Бизлар эса худога ёлвориб йиғи ва зор билан ҳар қайсимиз бир устунга осилиб олган эдик.

Шу ҳолда бир кеча-кундуз ўтди. Сўнг денгиз усти текисланиб, сув тип-тинч бўлиб қолди. Қарасак, тоғдек бир дум-думалоқ нарса гирдобга кириб, қопқоқдек уни қоплапти. Гирдобни ёпган бу жонивор нафас олиб турар эди. Ҳар бир нафас тортганида сув найза бўйи тубан тушиб, нафас чиқарганида найза бўйи кўтарилар эди. Зўрдан-зўр чиққан эди, бечора гирдоб ҳам бу жониворнинг оғиз гирдобига тушиб қамалиб қолди. Биз ҳам шу фурсатдан фойдаланиб маллоҳнинг буйруғича, занжирларни олиб қайиқларга тушдик. У жониворга етишимиз билан, унинг тўғри келган жойига темир қозиқларни қоқа бошладик. Бу қозиқларнинг кучли занжирлари кемамизга қаттиқ боғланган эди. Темир қозиқларни бозғонлар билан уриб қоққанимизда гўё тоққа қозиқ қоққандай ссзилар эди. Жониворнинг танасига бир газли михларни қоқсак-да, у, ҳатто, пинағини ҳам бузмас эди.

Орадан уч кун ўтгач, жонивор гирдобдан чиқиб кетиш учун ҳаракат қила бошлади. Биз ҳам кемамизни боғланган жойлардан бўшатдик. Озиқ-овқат ва керакли нарсаларимизни иккинчи кемага солиб, уни занжирлар билан ўз кемамизга маҳкам боғладик; сувдан, шамолдан сақланиш учун кема атрофини чодирлар билан ўраб бекитдик. Ҳар мушкулни осон қилувчи оллога ўзимизни топшириб, нима бўлар экан деб, жонимизни ҳовучлаб қараб турдик.

Бир пайт тоғ ҳаракатга келгандек ёки бир орол ўрнидан қўзғолгандек бўлиб кетди. Қарасак, ҳалиги жонивор бизнинг кемамизни етаклаганича ўқдек олиб жўнади. Гоҳида сувга шўнғиб сув ости билан кетар эди; у ҳолда кемаларимиз тинчиб, ўзимиз ҳам роҳатланиб қолар эдик. Гоҳида эса тоғдек бўлиб олдимизда кўриниб сув устида кетар эди; у чоқда бу жониворнинг ҳаракати билан денгиз даҳшатли тўлқинга келиб, жонимиздан қўл ювар эдик. Чунки у жониворнинг ҳар бир иңтилишида денгизга осмондан тоғ ташлагандек бўлиб;

сачраб чиққан сув мавжлари атрофимизни ўраб олган-лигидан, сел олган жойнинг ўртасида қолган ёлғиз кишидай бўлиб кўринар эдик.

Шу ҳолда жонивор бизни уч кеча-кундуз судраганича олиб кетди. Бу муддатдан сўнг, аршада ўлтирган кема қоровули қирғоққа яқинлашганга ўхшаймиз деб маллоҳга хабар берди. Чунки ҳавода қушлар, олдимизда улур тоғларнинг учлари кўрина бошлаган эди. Ўшанда маллоҳ: энди ҳозир бўлинглар, агар тоғ томонга бораётган бўлсак, қўйинглар, унга яқинроқ бораёлик; агар бошқа томонга қараб йўналадиган бўлсак, у чоқда қадалган занжирларни у жонивордан бўшатишлар, ўз эркимиз билан тоққа борамиз, деди. Жонивор гоҳ сув остида, гоҳида эса сув устида сузиб бориб кўринган тоққа яқинлашганимизда иккинчи томонга қараб бурилди. Маллоҳ қаттиқ қичқириб занжирларни бўшатишлар деди, аммо тўлқиннинг даҳшатидан кемадан чиқиб занжирларни жонивордан бўшатишга улгуролмадик. Шу орада, қаттиқ кетаётган кемамиз бор кучи билан тоққа урилиб парча-парча бўлди. Жонивор занжир қадалган парчаларни судраганича кетиб кўздан ғойиб бўлди. Мен эса жон аччиғида кема қайиқларининг бирига ёпишдим. Ўлдим-ўлдим деганда, тоғ тагига келиб йиқилдим. Бирор соатча ҳушсиз ётганимдан сўнг кўз очиб қарасам, йўлдошларимдан икки киши менга ўхшаб парчаланган тахталарга осилиб қуруқликка чиқдилар. Қолган йўлдошларимизнинг нима бўлиб, қаёққа кетганларини билолмадик.

Ҳушимизга келиб, эсимизни йиққанимиздан сўнг томоша қилиб айланиб, тоғ устига чиқдик. Бу жойда ҳеч қандай ўсимлик кўринмади. Аммо тоғ шундай асил тошлар билан тўлган эдики, лаъл, ёқут, олмос, зумрад забаржадларнинг кўплигидан ер юзи кўринмасди. Ҳар хил рангда товланадиган асл тошлар, қимматбаҳо гавҳарлар, ҳар хил рангда очилган гуллардек кўзга кўринар эди. Бу жойнинг кенглигини ҳар томони бир фар-

сах келар деб мўлжалладик. У ернинг ғорлари, ўйилган чуқурлари турли гавҳар тошлар билан тўла эди. Сел юрган сойлар ичида тўлиб ётган дур-гавҳарларнинг сони-ҳисоби йўқ эди. Аввалдан бери жовоҳирфурушлик ўз касбим бўлганлигидан, асл тошларни танишда анчагина усталигим бор эди. Шунинг учун булар ичидан тахлаб юриб саккиз пудча жавҳар тош териб олдим; уларнинг ичида ҳар донаси эллик минг тиллаликлари ҳам бор эди.

Йўлдошларим ҳам истаганларича олдилар, хуржунхалталаримиздаги озиқ-овқатларимиз қолиб бошқа нарсаларимиздан бутунлай ажраган эдик. Шунинг учун шошилиб яна қайиқларимизга тушдик. Шимолга қараб икки кун юрганимиздан кейин бир оролга келдик. Қарасак бу ер турли ўсимликлар, ҳар хил мева ва гули райҳонлар билан тўла эди. У ерда тўйгунча еб-ичиб, озиқ-овқатга ярарли нарсалардан ғамлаб олиб, яна денгизга тушдик. Қисқаси, ажалимиз етмаган экан, оролдан-оролга ўтиб юриб, 15 кун деганда денгиз қирғоғига етдик ва Калькуттанинг ғарбидан келиб чиқдик. Бу жойда бир муддат яшагандан сўнг ўша жавҳарлардан бирмунчасини чиқариб олтимиш минг рупияга сотдик. Шунинг пулига тирикчилик учун керак бўлган асбоб-ускуналар, қул ва чўриларни олиб шу ерда туришни ихтиёр қилдик. Қолган жавҳарларим ҳали шундайича турипти. Ҳиндистоннинг кўп савдогарлари мен билан алоқа қилишиб, мен билан тижорат қиладилар. Ана меннинг бойликларимнинг асл дастмоҳси ўша жавҳарлардир...

ИШҚ-МУҲАББАТ ҲАҚИДА. СЕВИШГАНЛАРНИНГ
ОДОБЛАРИ, ҲАҚИҚИЙ ВА МАЖОЗИЙ
ИШҚЛАРНИНГ БАЕНИ

Бир кун ишқ-муҳаббат устида сўзлашиб ўлтирганимизда дўстларимдан бири менга қараб деди: бизга бир жумбоқни ҳал қилиб берсангиз. Бу, ишқ деган бало кишига қаёқдан келиб ёпишади, бу дардининг ҳам яхши-ёмони борми? Баъзи бировлар ундан ҳеч қутула олмайдилар, бошқа бировлар эса ишқ деган нарсани тушларида ҳам кўрмайдилар. Бундай одам ишқ ва муҳаббатнинг нима эканлигини ҳам билмайди. Ишқ-муҳаббатга йўлиққанлар баъзан кўп зиёнлар кўриб, маломатга қоладилар. Уни билмаганларни эса одам қаторига қўшмайдилар. Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак, дейдилар. Бунга йўлиққанларнинг дунё ва охиратлари зиён кўради. Кўп кишилар шуни билсалар-да, яна кўнгилларини ишқ-муҳаббатга боғлайдилар. Энди, бизга шу нарсани айтингки, бунинг тузогига тушмасликнинг чораси борми; тушгач, бу балодан қандай қутулса бўлади?

Мен унга жавобан дедим: ишқ-муҳаббатнинг ҳақиқати табиати севган нарсасига мойил бўлишдир. Бу эса шаҳват қувватининг жозибасидан пайдо бўлади. Шунга

кўра, одам боласидан ҳеч ким бу сифатдан ажрай олмайди. Лекин ҳар кимнинг бир нарсага майли, ҳар Мажнуннинг ўз Лайлоси бордир. Ҳар ким ўз кўнгли севган нарсани топар экан, шунга қувониб юраверади. Кўнгил ҳар нарсага мойил бўлиб, уни ҳавас қилса, буни ишқ демайдилар. Инсоннинг ҳусни жамолига кўнгли боғланса, ана шу ишқ дейилади. Бу дардга йўлиққанлар кўпинча ўзларини ҳалок қиладилар. Ишқ сўзи «ашқа»дан олингандир. «Ашқа» эса бир хил чирмовуқ ўсимлик бўлиб, ҳар қандай ўсимликка чирмашса, уни қуритмай қўймайди.

Агар кишининг ишқ-муҳаббати аслида кучсиз яратилган бўлса, ундай киши еб-ичиб, ухлашдан бошқа нарсани ҳавас қилмайди. Агар кишида бу қувват кучли бўлса, ундай одам юқори одам аҳлларига қўшилмагунча кўнгли тинчимайди. Бу, инсондаги ишқ-муҳаббатнинг энг аъло даражадагисидир...

Ишқ энг тубан, ўрта ва юқори бўлиб, учга бўлинади. Ишқ ҳар бир одамда унинг нафси тилаганича бўлиши, шунингдек, унинг ҳисобсиз бўлиши ҳам мумкиндир. Масалан, дунёда бойлик, мансабпарастлик, савдо-тижорат, салтанат-ҳукумат, аморат ва ҳунармандлик, деҳқончилик, боғдорчилик, илм-ҳунар, нағма-наво, созандачилик, ҳусн-жамоли баркамол қиз ва хотинлар ва ҳоказо нарсалар бордир. Шу сабабли ҳар кимнинг ҳаваси ҳар хил ишларга тушади. Инсон нафси тилаган нарсага эга бўлишни хоҳлайди. Оламнинг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳамма сирларини билгиси келади. Тан олами, жон олами ҳукм юргизишни истайди...

Ҳар қандай нафс ҳам фойдали нарсаларга етишишни, зарарли нарсалардан сақланишни ва улар устидан ёлиб чиқишни истайди. Кишилар ўртасидаги ошиқ-маъшуқлик ҳеч қандай қурол-асбобсиз пайдо бўлади. Аммо, салтанат ва ҳукумат ошиқлари эса ўз мақсадларига етишиш, халқни бўйсундириш учун тўп-тўфанг ишлатадилар, мол-дунё хазиналарига муҳтож бўлади-

лар. Улар аскарӣй куч ишлатмагунларича мақсадларига эришолмайдилар. Ҳар қанча куч ишлатиб ғалаба қозонсалар ҳам, яна бир тарафдан унга қаршиликлар кўзғолиб, норозиликлар туғилиб туради.

Ишқ-муҳаббат салтанатида, ошиқ-маъшуқлик муомаласида эса бундай бўлиши мумкин эмас; балки улар бир-бирларидан ҳамиша рози бўлиб, бу иш билан фахрланадилар. Ҳусн-жамолли, зебо бўйли, ноз-карашмали меҳрибон ёри унга бўйсуниб, унинг қучоғида ётса, ошиқ бундан нега фахрланмасин? Маъшуқ олдида ошиқ мол-жонини аямай турса, нима деса унинг амрини бажарса, бундан маъшуқ ҳам, албатта, фахрланади...

Сўзимиз шу ерга етганида суҳбатдош дўстим менга қараб деди: сенинг бу сўзингга кўра, ишқнинг кўзғолиши шаҳват қувватидан экан; шундай бўлгач, ошиқ-маъшуқлар топишиб қолсалар, уларнинг иши фисқу фасодга айланади. Демак, ишқибозлик инсоннинг офати, шарриятдан ташқари иш бўлганлигидан, оқил одамларнинг ундан сақланишлари лозимдир. Модомики, шундай экан, бир илож қилки, маҳбубларнинг суҳбат мажлисларидан йироқ бўлиб, бу балодан омон қолишнинг чораси топилсин, деди.

Шунда мен унга дедим: нафсни сақлаб, поклик билан ишқибозлик қилиш жуда қийин ишдир. Шарм-ҳаёси кучли бўлган кишилар, шаҳвоний қувватлари заиф бўлганлар, ҳайвонмижоз, ақлсиз, гўл кишилар ва ана шу хил сифатлардаги одамлар бу дарддан омон қолишлари мумкин. Синчиклаб қарасанг, ишқ-муҳаббат кўпчилик халққа аралашганликдан келиб чиқади. Халққа аралашган кишининг кўзи ва кўнгли ўзига лойиқ кўз ва кўнгилни излайди.

Б а й т:

Хоҳи ки бакас дил на деҳи,
Дида бу банд.

Таржимаси:

Қўнгил бермай десанг ҳеч кимга, билгил,
Қўзингни юмгилу ундан қутулгил.

Агар киши халққа аралашмай, бутунлай узлатда кун кечирар экан, у ҳолда бу балодан қутула олади... Халққа аралашмасдан эса унга ёрдам қилишнинг имконияти йўқдир. Аралашгач, муҳаббатсиз бўлиш мумкин эмас. Бузуқчиликка олиб борадиган ишқ-муҳаббатнинг маданиятга зарба бериши шубҳасиздир. Инсон ўз муҳаббатини шариатдан ташқари ишларга сарф этиши фалокат чуқурига ўзини отиши кабидир.

Бир тулкининг боласи онасидан: агар мен душманга йўлоқиб қолсам ундан қутулиш учун нима қилишим керак, деб сўраган. Онаси боласига жавоб бериб: душмандан қутулишнинг ҳийлалари жуда кўп; аммо инингдан чиқмай ўлтирсанг, сен уни кўрмасанг, у сени кўрмаса ҳаммадан яхшиси ана шу, деган. Шундай бўлгач, киши суратга эмас, балки маъноли ишққа боғланса, яъни ҳамма нарсани ўз ҳақиқати билан билишга, халқ учун илму ҳунар орттиришга қизиқса, ишқнинг энг аълоси шудир. Сурат ишқига гирифтор бўлган одамлар охири маломатга қолиб, душманларини севинтирадилар.

Халққа аралашишдан ишқ келиб чиқади... Агар ошиқ ва маъшукнинг ҳар иккаласи ҳам риёзат аҳлларидан бўлсалар, у ҳолда фисқу фасоддан сақланишлари мумкин. Аввалам бор, бундай одамларда ишқибозлик бўлмайди. Ишқибозлик шахват қувватидан қўзғоладиган нарсадир; риёзатли одамларда эса бу қувват синдирилгандир.

Ишқ-муҳаббатнинг манбаи емоқ-ичмоқлик бўлиб, унинг ашёсини тайёрлаш учун бир қанча ҳаракатларга эҳтиёж туғилади. Шу сабабли, олло таолло емоқ-ичмоқнинг узилмас иштаҳасини инсоннинг вужуди билан бирга яратган. Шу иштаҳани қондириб туриш учун инсонлар доим ҳаракатда бўлиб, дунёнинг ободонлигига

сабаб бўладилар. Майшат асбоби қўлга киргандан сўнг яхши еб-ичиб, дунё неъматларидан лаззатланадилар. Борган сайин бунга қизиқиб, ҳаракатлари кучаяди. Шў баҳона билан дунё иморати ҳам ривожлана боради.

Одамнинг еган таоми аввал медага тушади, ундан жигарга ўтиб ҳазм бўлганидан сўнг жимой шаҳвати қўзғолади. Шаҳватни шарият буюрганича бўшатиш учун никоҳли хотин бўлиши керак. Унга яраша уй-анжом, рўзғор, хизматкор, боғ-бўстон, тижорат-зироат, аморат бўлмоғи лозим; бу нарсалар ҳар кимнинг ҳаракатига қараб бўлади. Бу нарсалар бўлмас экан, киши сатанг маҳбубларга боғланиб, шаҳвоний ишларни шариятсиз бажаришга уришади. Хоҳ ҳалол, хоҳ ҳаром бўлсин, бу икки йўл асбоб-ускуналарини тайёрлаш оворалиги билан юриб, киши охири ўзини ҳалокат чуқурига етказди. Инсоннинг бу ҳаракати ҳақиқатга тескари бўлиб, инсоннинг яратилиш мақсадидан четдадир.

Б а й т:

Талсам нараси ба каъбаи аъробий,
Қим раҳки ту миравий ба Туркистон аст.

Таржимаси:

Орқанг қиблагадир, қандай етарсан кабага,
Элтар сени бу йўл охир Туркистонга.

...Энди аниқланган ҳақиқат шулки, ишқ-муҳаббат йўлида фисқу фасоддан сақланиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бундан ўзини узоқ сақлаш ҳам кўп қийин ишдир. Дунё маконини зийнатлаш учун бундан ортиқ ривожланган ҳеч дўкон йўқдир. Энди бу ҳалокат чуқурига тушганлар абадий шаҳоватдан қутулишлари учун тавба ва истиғфор қилишларидан бошқа чора йўқдир...

Ошиқ-маъшуқларнинг табиати ва шаҳват қувватлари бир-бирларига қанчалик тенг келса, улар ўртасида ке-

лишмовчилик бўлмайди. Агар ҳар икки тарафнинг шаҳвоний талаб қувватлари бир-биридан ортиқ ёки кам бўлса, ораларида келишмовчилик пайдо бўлади. Ешлик даврининг ўтиши, ҳусн-жамолининг кетиши ёки унинг бузилиши каби сабаблар билан ҳам ўртадаги муҳаббатга зиён етади. Агар ошиқ-маъшуқларнинг ўрталарида ҳар икки томондан ҳам кўнгил қолгудек ҳеч бир иш ўтмаса, мол-жонларини ўртага ташлашдан айнамасалар, унда бундай муҳаббат ўлгунча ҳам узилмай давом этади. Ўртадан ишқнинг сабаби кўтарилса ҳам, унинг муҳаббати кўтарилмайди.

Сўз шу ерга келганда ҳалиги суҳбатдош дўстим менга қараб деди: ишқ ҳақида айтган сўзларингнинг ҳаммаси тўғри. Энди сен менга шуни айтчи, ишқибоз киши қандай маъшуқни талаб қилиши ёки кимга ишқибоз бўлиши керак? Бу йўлга киргандан сўнг маҳбубнинг кўнглини топиш учун нима ишлар қилиш керак?

Ўшанда мен дедим: ишқибозлик йўлида маломатдан ўзга саломатлик йўқдир. Шунга қарамасдан, ақлли одамлар унга йўлиқиб қолсалар ҳам, ундан кўп зарар кўрмайдилар. Ҳукамоларнинг айтишларича, ишқибозлик қилиш учун бир неча шартларга риоя қилиш лозимдир. Булар ичида ҳаммадан аввалгиси ва энг зарури ошиқнинг дунё бойлиги масаласида мард, олиҳиммат бўлишидир; вақти келганда ошиқнинг кўзига олтин билан тупроқ бирдай бўлиши керак...

Б а й т:

Ҳар ки зар дид, сар фуруд орад,
Бар тарозуйи оҳамин душ аст.

Таржимаси:

Кимки олтин кўрса, унга эгилур.
Бўйни темир бўлса агар, мум бўлур.

Иккинчидан, ошиқ олим бўлиб, ҳар хил илму ҳунардан хабардор бўлиши шартдир. Айниқса мусиқа ил-

мида, чолғу ва ашула куйларида баҳравий бўлиши зарурдир. Бунинг устига заргарлик, тикувчилик, рассомликдан хабари бўлсин.

Агар маҳбубининг рассомликка ҳаваси тушса, дарҳол уни ўргатсин; маҳбубининг хотирида малоллик юз берса, дарҳол созини қўлига олиб, мунгли оҳангни жўр овоз қилиб, унинг кўнглидаги хафаликни тарқатсин.

Учинчидан, ошиқ ҳамма ўртасида танилган, ҳурмат-обрўга эга бўлиши шартдир. Агар у обрўсиз кишилардан бўлса, маҳбуби бадном бўлиб, кишилар олдида ҳурматсизликка учрайди.

Ҳам ошиқ, ҳам маъшук ҳимматли, асл одамлар бўлишлари керак. Шундай бўлганларида дўстлик ҳақиқатларини ўз ўрнига қўя оладилар.

Маъшукнинг энг зарур шарти шулдирки, у номусли ва ифбатли бўлсин, бошқалар билан алоқа қилишдан ўзини узоқ тутсин... Чунки ошиқ-маъшукликнинг қизғанишсиз, рашксиз бўлиши мумкин эмасдир. Маъшук ошиқнинг кўзига бирдан-бир ягона дўсти бўлиб кўринсин. Ишқ қонунида агар маъшук ошиқнинг рухсатисиз уч кундан ортиқ бошқа одамлар билан аралашар экан, ошиқ норозилик билдиришга ҳақлидир.

Яна бир шарти шулдирки, маъшук ҳам олиҳимматли асл зот бўлсин. Акс ҳолда, ҳар кимлар билан бордикелди қилиб, муносабат боғлаб, ўринсиз ишларга юриб, ўз ошиғини ҳаром қилади. Паст ҳимматли маъшуқлар ошиқларнинг ҳолига қарамайдилар. Ҳимматли маъшуқлар эса ошиғининг крим-чиқимига қараб, унинг сармоясига зарар етмагудек қилиб иш буюрадилар. Бундай бўлмаганда, ошиқнинг сармоясига зиён етиб қарздор бўлиб қолса, унинг маҳбуби бадном бўлиб қолади. Чунки одамлар, ана у бечора фалончининг ишқида бор нарсаларидан ажралиб, гўлаҳда ўлтириб қолди деб, ошиқнинг маҳбубини бадном қиладилар. Яна бир шарти шулки, маҳбуби балоғатга етган бўлиб, яхши-ёмон ажратадиган бўлсин.

Б а й т:

Маъшуқий хурди сол надонад тариқи ишқ
То ғунча нашугуфад ба каси бў нами ди ҳад.

Таржимаси:

Ёш бўлса, кўнгил берма, ишқ йўлини билмас,
Гул ғунчасин очмагунча ҳид чиқармас.

Ошиқ ва маъшуқнинг ҳар икковига ҳам риоя қилиш лозим бўлган одобларнинг бири шулдирки, ҳар қайсиси ўз дўстига қаноат қилиб, ҳар гулнинг булбули бўлавермасин. Маҳбубнинг биттадан ортиғи ошиқнинг дини ва дунёсига ҳалал етказиши.

Қачонки, бировнинг кўнгли бировга мойил бўлса, аввал унинг ахлоқини, ўртада бўладиган сарф-харажани текшириб кўриб, урдасидан чиқишига кўзи етгандан сўнг унга кўнгил боғласин. Йўқса, ҳаммага кулги бўлиб қолади. Маъшуқнинг харидорлари қанчалик кўп бўлмасин, ўз ошиғидан бошқа ҳеч ким билан алоқа қилмагани яхшидир. Чунки ошиқлар кўпайиб кетса, ишқибозлик даври ўтгач ўз обрўйига зарба етказиши мумкин. Агар маҳбуб ҳар қанча давлат ва мансабга эга бўлса ҳам, уни кўрган одамлар кечагина бундай эди деб, унга таҳқиқ кўзи билан қарайдилар.

Агар маъшуқнинг харидорлари кўпайиб кетса, улар билан яхши муомалада бўлиб, ҳар бирини синовдан ўтказсин. Қайси бирининг ахлоқи яхшироқ бўлиб, илму ҳунарга эга бўлса, ўшани ихтиёр қилсин. Агар маҳбубанинг мақсади илму ҳунар ўрганиш бўлмаса, минг кишига маъшуқ бўлса ҳам бир чақалик фойда топа олмайди; балки халқ ўртасида таъна ва маломатга қолади.

Ошиқ ҳам маъшуқни синовдан ўтказиши лозим. Агар маъшуғи синовдан яхши чиқса, ошиқ маъшуғи учун керак бўладиган барча нарсаларни тайёрлаб бериши лозим. Агар ошиқ маъшуғини синамасдан илгари

ҳамма нарсаларни унинг олдига тўкиб-сочиб ва ҳар ёқдан уни эҳтиёжсиз қилиб қўйса, буни кўрган маъшуқнинг нафси тугён қилади. Натижада у ўз ошиғини кўзига илмай, унинг қадрига етмайди. Чунки маъшуқлик даври ёшликнинг тўлиғидир. Бу чоқдаги маҳбубларнинг ақл-фаросатлари етилмаган, хом бўлади; шу сабабли улар кўп узоқ ўйламай балога қолган ошиқларнинг оғир ҳолларидан хабарсиз қоладилар. У бўлмаса, ундан яхшироқ, мол-жонини аямайдиган яна бошқаси топилаверади, дейдилар. Афсуски, бу ҳусн бозорининг умри қисқа; у уч-тўрт кунликдир, холос. Аммо, ҳусн бозорининг қизиқлиги, ундаги харидорларнинг кўплиги бир мавсум эканлиги ва унинг тез ўтиб кетиши ҳақида кўп ўйламайдилар. Натижада икки ўртага совуқлик тушиб, иш тескарисига айланади... Шундай қилиб, ошиқ маъшуқни тажрибадан ўтказганидан сўнг, яхшилик мукофоти яхшиликдир деган қуръон ҳукмига кўра, унинг ҳақида ишқ-муҳаббат талабини яхши сақласин.

Ҳусн-жамолларини дастмоя қилиб ўзларини сотиб юрувчилардан ғоятда сақланиш лозимдир... Ундайларга илинган одамларнинг турмуши бутунлай харобаликка учраб, халқ ўртасида бадном бўладилар. Бу шундай бир қора доғдирки, уни умрбод ювиб кеткизиб бўлмайди.

Агар инсон нафсининг тилагига юрар экан, бу юҳони ҳеч нарса билан тўйғизиб бўлмайди. Бир ёқдан қанча кўп бериб турсанг, иккинчи ёқдан яна кўпроқ бер, деб туради. Агар, фараз қилайлик, дунёда татимаган бирор нарсаси қолса, ўшани ҳам татиб кўришни истайди. Айниқса бозорларда, ҳаммомларда шу ишни касб қилиб ўлтирганларнинг тўрига тушсанг борми, бутун хонумонингдан ажралиб ҳалок бўласан. Агар уларнинг хоҳишларича иш қиламан десанг Қорун сингари давлатли бўлсанг ҳам, унинг исрофига бардош бера олмайсан. Булар билан алоқа тутганлар доим ғам-ғуссадан қутула олмайдилар. Шундай бўлгач, нафс ҳам ор-

зусига етмайди. Агар у ўн танга сарф қилиб, бир кечалик маъшук келтирса, эртасига бошқа биров ўша маъшукни беш тангага олиб борганини эшитиб қолади. Шу сабабли доим ташвишда бўлиб, хафаликдан қутулмайди.

Чин ишқ-муҳаббатнинг аломати шулки, ҳар икки тараф ҳам бир-бирларининг алоқа қилишларини истаб, бир-бирлари билан кўришишга муштоқ бўлиб турадилар. Инсон нафси бундай суҳбатдан, алоқадан, албатта, лаззатланади. Ўзини бозорга солган маъшукларга боғланган кишининг нияти бошданоқ бузилиб, фасод қилишни истайди. Дўстлик даражасини сақлаш уларнинг кўнгилларига келмайди. Шундай бўлгач, бу иш уларнинг дини ва дунёсини хароб қилиб, ўзларини ҳалокат чуқурига улоқтиради.

Ишқибозликнинг яна бир шарти шулки, ошиқ ўз маъшуғининг олдида бошқа бир маҳбубнинг феълини, хусн-жамолини ҳеч мақтамасин. Чунки ошиқ маъшукни қанчалик қизганса, маъшук ҳам ошиғини шунчалик қизғанади... Агар маъшук ошиғининг кўнгли бошқага мойил бўлганини билар экан, маъшукнинг рашки қўзғалади. Шунинг билан ишқибозлик қондасига халал етиб, ошларига пашша тушгандек бўлади. Ёки маъшук ҳам иккинчи бир ошиқ топишни ўйлаб охири ишлари жудоликка айланади.

Агар ошиқ бошқа бир маъшук топиб, унга кўнгил берса ва бу ҳол унинг аввалги маҳбуби билан қилган муомалаларида сезилса, бу ишни ишқибозлик фатвосида катта гуноҳ ҳисоблайдилар. Бу ҳолда маҳбуби ундан узилиб кетар экан, муҳаббат мазҳабида унга ҳеч қандай тўсиқлик йўқдир. Агар ошиқ-маъшуклардан бирови ҳақпарастликка мойил бўлиб, ҳақиқатан ҳам товба қилар экан, иккинчиси уни кечириб, бу ишни афв этсин... Агар маъшуғи сабрсизлик қилса, бошқа ошиқ талаб қилишга ҳақи бордир. Йўқ эса муҳаббат ҳаққини охиригача олиб борсин.

Шуни ҳам билиш керакки, агар ҳаёт оламида ишқи-бозлик бўлмас экан, ҳусн-жамол чироғи ёнмайди. Маҳбубларнинг ҳусн-жамоли ошиқларнинг оҳ-воҳлари билан камолга етиб, кўзларга зийнатли кўринади. Ошиқларнинг ҳусн талашиб, уни қизғанишлари эса ҳусн эгалари учун бу улур неъматдир. Айниқса унинг ошиғи олим ва фозиллардан бўлар экан, маъшуқ уни ўзидан қайтарса, нонтепкилик қилган, худо берган неъматни қўл орқаси билан урган бўлади.

Ҳеч ким ҳусн неъматига бошқани шерик қилгиси келмайди, шунингдек, ҳусннинг беақлларга насиб бўлишини хоҳламайди. Маъшуқ ошиқнинг мартаба ва даражасини доим кўз олдида тутиб, унинг ҳурматини сақлаши лозимдир. Ошиғи унинг олдида ўзини ҳар қанча хор тутиб, маъшуғининг қўл-оёғини ўпиб турса ҳам, бунга мағрурланиб кўнгил қоладиган бир иш қилиб қўймасин. Бундай иш қилишлик узоқ йиллар давом этиб келган дўстликни илдири билан юлиб ташлайди. Ёки бу ишни қилган киши пировардида узр айтиб, тавба қилиб хижолатга қолади. Маҳбублар бу қоидага ғоят қаттиқ риоя қилишлари лозимдир. Эшитган эмасмисиз, Хорун ар Рашид ўз вазири Жаъфарга ишқи ортиб, унинг оёғига бошини қўйиб, томоғи тагидан ўпар эди. Сўнг ундан бир одобсиз иш кўриб эди, унинг бўғзига пичоқ қўйди.

Яна шулки, агар ошиқ Абу Али ёки Афлотун бўлса ҳам, маъшуқ олдида ўзини бола қаторида кўриб, унинг ҳоли-руҳини сақлаши лозимдир. Йўқса, муҳаббат алоқаси маломатга айланади. Ошиқнинг мартабаси эса бошқа кишиларнинг унга қилган муомалаларидан маълум бўлади. Буни кўрган маъшуқ ҳам шунга қараб у билан алоқа қилсин. Масалан, ошиқ мол-давлатга эга бўла туриб, маъшуғининг олдида ўзини молсиз гадо-лардан қилиб кўрсатса, унинг сўзига қараб унга гадо ва муҳтожларнинг муомаласини қилмасин. Агар олим ва донишманд ошиқ ўзини нодон ва илмсиз қилиб бил-

дирса ҳам, маъшуқ уни авомлар қаторида кўрмасдан,
унинг ҳурматиини сақласин.

Ф а р д:

Тариқи дил рабои сад жаҳон найранг меҳоҳад,
Ба ҳусни мағз, на тавон пиш бурдан нозаниниҳо.

Таржимаси:

Дилраболик саҳл эмас, минг хил анинг найранги
бор

Ҳар юзи силлиқ суролмас, нозанинлик даврини.

Маъшуқ емоқ-ичмоқ, кийим-кечак каби нарсалардан
истигно қилар экан, бу яхши ишдир. Аммо дўстликни
оширадиган ишлардан тортиниб унга тўсқинлик қилма-
син... Аммо ошиқнинг маъшуққа истигно қилиши ҳеч
бир тўғрида дуруст эмасдир. Шундай бўлса ҳам маъ-
шуғига малол бўлгудек ишлардан албатта сақланиши
лозимдир. Ҳафтада бир-икки бор кўришиб суҳбатлашар
эканлар, шунга қаноат қилсинлар. Агар бунга қаноат
қилмай, маҳбубидан ажрамай, кеча-кундуз ишқибозлик-
ка киришиб кетса, дин ва дунёсидан бутунлай ажралиб,
ўзи харобликка учрайди. Чунки инсоннинг яратилиши-
дан кутилган мақсад тоат-ибодат воситаси билан кўн-
гил ойнасига сайқал бериб, нафсини ёмон хулқлардан
тозалашдир. Ёки жаҳон ободлигига хизмат қилиб, унга
ўз ҳиссасини қўшишдир. Нафси ҳавас йўлига кириб
кетиб ишқибозлик қилиш инсонни асл мақсадидан
йироқлаштиради... Лекин суҳбат орзуси маҳбуб томони-
дан бўлса, ошиқ уни дарҳол қабул қилиши ва унинг
ризосини исташи лозимдир. Чунки ноз-истигно маҳбуб-
ларга ярашади. Ошиқлар ноз-истигно қилсалар совуқ
кўринади.

Қ и т ъ а:

Дар жаҳон даҳ чиз душвор аст назди оғаҳий,
Кас тасаввур кардами, оң мешавад дил би ҳузур.

Нози-ошиқ, зуҳди-фосиқ, базми-мумсик, хазлу-разл,
Шеваи маҳбуби бад шаклу назар бозуйи кўр.
Лахни совти би усулон, бахси илми аблаҳон,
Меҳмони батақлиду, гадон базур.

Таржимаси:

Огаҳий олдида ўн ишдур ёмон,
Жирканур андин кўнгил кўргач ҳамон.
Ошиқ нозидир бири, зуҳди-фосиқ сўнгиси,
Аҳмоқ одам ҳазлидир, мумсикнинг берган базмиси.
Ҳусни йўқларга ярашмас ноз-истигно қилиш,
Кўр кишиларга ҳунукдир қош учириб кўз қисиш.
Қим хуш овоз бўлмаса, ҳаргиз ашула айтмасин,
Ақли йўқ аҳмоқ кишилар илмдин сўз очмасин.
Қимки эргашиб меҳмонга борса, анинг қадри кетар,
Соғ йигит қилса гадолик унга кўп хорлик етар.

Агар ошиқ олий табақалардан бўлиб, суҳбат вақтидан кечикиб қолса, маҳбуби унга истиғно қилмасдан ўзи борсин ёки киши юбориб уни чақирсин. Чунки у маҳбубга малол келишидан чўчиб кечиккан бўлади ва унинг бу қилмиши ошиққа келишмаган истиғнодан ҳисобланмайди. Хулоса шулки, ишқ балосига йўлиққан одам маъшукнинг кўнглини топиб, унинг ҳурматини сақлаши лозим; маҳбуб эса муҳаббат ипининг узилишига йўл қўймаслиги зарур. Чунки муҳаббат бошқага сочилиб кетмаслиги учун дилдор дил берган одамнинг дилини кутиши керакдир... Улфат ва муҳаббатнинг давом этиши учун ҳар икки томоннинг ҳасаб-насабда, илму фазлда бир-бирларига яқинроқ бўлишлари шартдир...

Ишқ-муҳаббат балосига учраганлар гўнг тепа устида ўсган ўсимликдек юзи чиройли, ичи қора лойдек пасткаш ҳаромзодаларга йўлиқиб қолмасинлар. Бундай маъшуклар ишқибозлик ҳақини кўп сақлай олмайдилар. Қичкина бир сабаб билан ёки ҳеч бир сабабсиз орала-рида бўлиб ўтган суҳбатни унутадилар.

Менинг дўстларимдан бири ҳикоя қилиб деди: ишқибозлик кўчасида юриб кўрмагани қолмаган, ўзи олий табақадан бўлган бир одам мен билан ошна эди. Бир куни у менга насиҳат қилиб дедик, ҳар ким қурумсоқзодалар билан ишқибозлик қилар экан, ундай одамнинг маъниси йўқдир. Яна у дедик, пасткаш маҳбублар билан суҳбатдош бўлиш яхши одамларга ҳаромдир. Мен унга қарши туриб, бу гапингизнинг сирларини очиб, зарarli жойларини кўрсатиб берганингизда эди, яна ҳам яхшироқ, ибратлироқ бўлур эди, дедим.

Шунда у яна сўз бошлади: бир вақтлар ҳавасга берилиб ошиқлик йўлига кирдим, сўнг бир пасткашга муҳаббатим тушиб, унга кўнгил бердим. У юзи гулдек очилган, тишлари дурдек терилган, сочи қоп-қора амбардек, кўзи шахло бир нодири даврон эди. У билан мажлис қурмоқчи бўлсам унамади; не-не нарсаларни олдига тўкиб, не-не гапларни гапириб уни кўндирдим. Сўнг базм бисотини қуриб, ҳар хил айш-ишрат асбобларини келтирдим.

Лаъл рангли хушбўй шароблар айланиб турибди, ўртада кўнгил истаган барча ноз-неъматлар тўкиб ташланган, какликлар сихга тортилиб ошиқлар дилидек кабоб бўлаётир, тамбур ва дуторлар созланган, кобиллик чолғучилар, кашмирлик ўйинчилар хушовоз навлари, шўх рақслари билан кўнгил торларини чертмоқдалар, қисқаси барча ўйин-кулги асбоблари ҳозирланиб хурсандчилик эшиклари очилган эди. Шундай бўлса ҳам кўзим маҳбуб жамолига тикилган, кўнглим вайронаси унинг хаёли билан обод эди. Лекин ундан менга ҳеч бир илтифот йўқ эди. Писта, бодом, новвот, ҳар хил ҳолваларни олдига қўйсам, уларга қўл учини ҳам тегизмай қовоғини солиб ўлтирар эди. Сўз айтсам уни тескарисига айлантириб аччиғи чиқарди. Чолғу созини, хонандаларнинг хуш овозларини эшитиш нари турсин, балки юзини ўгириб қулоғини бекитар эди. Аммо ҳеч

чорам йўқ, унинг ишқи мени енгганлигидан, бу ўнғай-сизликларга чидашга мажбур эдим.

Шу ҳол билан ўлтириб мажлисимиз охирига етди. Ичган арғувон шаробларимиз мажлис аҳлининг димоғига ўралди. Баъзилари маст, баъзилари ҳушёр, бир нечаларини уйқу босган, бир хиллари эса бир ухлаб уйғонган эдилар. Буни кўриб ўрнимдан туриб, ўз ҳужрамга кирдим. Бу гадоё қизига атаб атлас-шоҳи кўрпалардан тиззагача баланд қилиб жой солиб чиқдим. Қарасам, бу маҳбуб кетмоқчи бўлиб турибди. Тун кеч бўлди, йўлда тўсқовўл миршаблар бор, ётиб қол деб ёлвордим, юзини ўгириб йиғлашга бошлади. Агар ётиб қолсам минг турли фитна чиқараман деб қасам ичди. Унинг бу сўзидан сўнг, бир фитна кетиб, минг фитнадан қутулиш яхшидир деб уни қўйиб юбордим.

У чиқиб кетгач, бунинг бир сири бордур, уни билиш керак деб, яширин чиқиб ортидан эргашдим. У тез-тез юрганича шаҳарнинг чорсусига етди. Шу ернинг қоровули оёқ шарпасидан бошини кўтариб, эй ҳаромзода қайси вайронада қолиб кетдинг деди-ю, яна бошини буркаб олди. У эса қоровулнинг устида шамдек қотиб йиғлаб, термулиб турарди. Бир оз вақт ўтгач, қоровул ўрнидан ирғиб туриб унинг ёнбошига уч-тўрт тенди, кейин қўлини осмонга кўтариб, э худо, бу гадозоданинг чангалидан мени қачон қутқазасан деб, фаҳш ишига киришишга тараддуд қила бошлади. Шунда мен келиб аёлнинг қулоғидан тутиб, ёмонга яхшилик ярашмас, палидлар покларга келишмас деган сўзни рост айтганлар, дедим.

Қ и т ъ а:

Нафс ба ақл ошно нашавад,
Зоғро нафрат аст аз тўти.
Сифларо гар ҳазор ганч дефи,
На шавад ром жуски бо лутти.

Таржимаси:

Нафси шайтон ақлга дўст бўлмас,
Қарғалар тўтидан қилур нафрат.
Сифларга юз хазина бергандин,
Яхшидир бўлса лутига улфат.

Шундай бўлгач, ишқ-муҳаббатда ҳар ким ўз тенги билан бўлиши шартдир. Агар киши бу балодан йироқ бўлишни хоҳлар экан, емоқ-ичмоққа берилмаслиги, халққа кўп аралашмаслиги лозим. Агар бу эшиклар нафс тилаганича очик турар экан, ишқ балосидан қутулишлари қийиндир.

(Аммо шуниси ҳам борки) халққа аралашмай, ундан узоқ юрувчилар бундан ҳам юз тубан гуноҳларга йўлиқадилар. Мол тўплаш, хазина қилиш учун ёлғон сўзлайдилар, қанчадан-қанча макру ҳийла ва хиёнат ишларни қиладилар. Ўз фойдаларини ўйлаб, қанча кишиларга зиён етказадилар. Булардан бошқа яна кўп гуноҳлар қиладилар, Чунончи, етимлар молга хиёнат қиладилар, вақф ерларидан ноҳақ фойдаланадилар, ҳаммадан ёмони ўлчов ва тарозилардан ўғирлайдилар ва ҳоказо. Аслини олганда, бу гуноҳлар олдида ишқибозлик гуноҳи ҳеч нарса эмас. Аммо ишнинг ҳақиқати-га қарасанг, бу ҳам лозим эмасдир. Бироқ бу ишларни қилишга қилиб, сўнг юзингни дунёга ўгириб, тақводорлик даъвосини қилар экансан, бу сўзингнинг ёлғон эканлигига ҳеч шак йўқдир.

Б а й т:

Пок доман чун зияд бечора э,
Кў фитода то гирибон дар ва ҳал.

Таржимаси:

Лойга ботса-ю, ёқасигача киши,
Қандай айтур: лой эмасдур этагим.

Бу сўзни кундалик ўлмас овқатга қаноат қилган, дунёни тарк этган тажрид аҳлларида бошқалар даъво қилар эканлар, уларнинг сўзлари қуруқ, тил учида ай-тилган ёлғон сўз эканлиги шубҳасиздир.

Авом одамлар дунё кофирнинг жаннати, мўмин-нинг дўзахи деган ҳадисга таяниб, кофирлар дунёда ғам-қайғусиз яшайдилар, мол-дунёлари кўп, айш ва роҳатда турадилар, деб ўйлайдилар. Ҳақиқатда эса ундай эмасдир. Улар ҳам тирикчилик қилишда меҳнат ва роҳатни қўша кўрадилар. Бу ҳақда нима кўрган ва билганларимиз бўлса, қуйида ҳикоя қилиб ўтамиз.

АБДУЛҚОДИРБЕКНИНГ ЭЛЧИЛИГИ ҲАМДА
РУСИЯНИНГ ТҶИ ВА БАЗМЛАРИДА КҶРИЛГАН
АЖОЙИБОТЛАР ҲАҚИДА

Бухоро давлатининг фармониға кўра, императорнинг¹ тўй чақириги муносабати билан Абдулқодирбек додхоқ ҳайъатида кўп совғатортиқлар олиб Россияға бордик. Петербургга етишимиз билан бизни ўзимизга лойиқ ва муносиб бир жойга тушириб, кўп иззат ва ҳурмат кўрсатдилар. Хушхат ёзувчилардан Қозимбек деган кавказлик бир кишини бизга тилмоч қилиб тайинладилар. Қозимбек билан маслакдош бўлганимиз учун орамизда дўстлик алоқаси боғланган эди. Чунки бундан илгариги келган сафаримизда ҳам икки-уч навбат Қозимбек билан кўришиб, танишган эдик.

Бир кун Қозимбек мен билан гаплашиб ўлтириб деди: Қашғар элчиси Туроббек хизмат билан келган эди. Шунда Петербургни таърифлаб бир неча байтдан иборат шеър ёзган экан, қарасам маъно ва вазн томо-

¹ Император Александр II нинг қизи Мариянинг тўйи назарда тутилмоқда — ред.

нидан келиштиролмапти. Шундай бўлса ҳам мен уни таржима қилиб подшоҳга кўрсатган эдим, кўнгли хуш бўлди. Сен ҳам бир неча байтлик шеър ёзгин, шеърингда подшоҳнинг қизи билан қуёвининг исмларини ҳам киргизгин, шунингдек, шеърингдан тўйнинг тарихи чиқадиган бўлсин, мен уни таржима қилиб подшоҳга тақдим қилсам, у сафарларингиз учун ярашарли бўлиб, подшоҳга ҳам хуш келур. Шунингдек, бу восита билан сизлардан илгари келган ўзбек элчиларининг айблари ҳам ёпилиб қолур деди. Қозимбекнинг сўнгги сўзининг маъноси шуки, Бухоро султонлари Русия давлатига элчи юбормоқчи бўлсалар замонга тушунмаган, илмсиз, содда кишиларни юборар эдилар. Чунки элчиликка тушунган, билимдон одамлардан бориб қолса, салтанатимизнинг сирларини сўраб қолган тақдирларида айтиб қўяди, бу билан давлатимизнинг тартибсизлиги, аскарларимизнинг низомсизлигини душманларимиз билиб қоладилар, деб кўрқар эдилар. Ҳолбуки, бу хил ҳаракатларнинг ўзи низомсизликдан бошқа нарса эмасдир.

Мен Қозимбекнинг таклифига жавобан йўл ҳордиғи чиққандан сўнг жавоб айтмоқчи бўлиб, унинг таклифнинг ижросини беш-ўн кун кечиктирдим. Аммо у мени ҳар кўрганида, қани айтганингни келтир, уни ўқиб кўриб мазмунини кўздан кечирай, дерди. Унинг бу қилигидан у мени шеърга ожизлигимни билиш учун қистаётган бўлса керак, деб гумон қилардим. Ҳеч қўймагач, бир куни ундан подшоҳнинг қизи ва қуёвининг исмларини сўрадим. Қуёвининг исми Альфред, қизининг исмини Мария деб айтди. Альфред фаранг подшоҳи малика Уқториянинг ўғли эди.

Бу икки исмда тўққиз ҳарф бўлганлигидан қуёв-келин ва шахзодалар ҳамда уларнинг тўйлари мақтовини қилиб, тўққиз байтлик бир шеър ёзиб тайёрладим. Шеърнинг тавшеъ қондаси бўйича, ҳар байтнинг бош ҳарфига шу тўққиз ҳарфдан бирини келтириб, бу икки исмдаги ҳарфлар билан тамомладим ва энг охирги

байтда таъмия усули билан тўй тарихини чиқаздим ва
сўнг байт ёзилган қоғозни Қозимбекка бердим.

Н а з м:

Моҳи буржи шараф он дўхти шахи оламгир,
Кард бомуштари саъд қирон аз тақдир.
Ин на он ақди никоҳ хастки ақли даррок,
Ҳусни анжومي варо кард тавонад тақрир.
Рангҳо жумла намуданд зуҳур аз макман,
Бўйҳо жумла гирифтанд буруз аз тастир.
Як жаҳон жам шуда хур пари дар маҳфил,
Ҳамма дарҳусну сабоҳат дувуми бадри мунир
Ин на он сур бувад дида бувад дар сад қарн,
Чашми анжум рақами тоқияи чархи пир.
Лаби соқи зиммаи лаъл шуда шаккар риз,
Чашми шоҳид зи карашма ба жигарҳо зада тир.
Фалак анбошда азбаҳри муборак боди,
Зи савоқиб, басари халқ гуҳар хойи хатир.
Рафт овозаи ин базм баақтои жаҳон,
Кард кар гуши малак гул-гулаи ною нафир.
Дида барқомати ў дид савод аз тарих,
Худ кужо рафт аз он қад фатонат тахмир.

Таржимаси:

Тўлини ой эрди шарафли подшоҳнинг қизлари,
Бахт-давлат эргашиб, ёр ўлди анга муштари.
Ақл етмас бу никоҳ тўйини васфин қилмоққа,
Лол ўлур, ҳайрон қолур кўрса агар шоир Анвари.
Ранги бўлик нозанинлар, тоза очилмиш гунчалар,
Сарви қад сиймин баданлар, ҳар гулистон гуллари.
Анжуман базмига ҳур қизлар келиб ўлтирдилар,
Юз қадам ердан келарди мушки анбар ҳидлари.
Бу каби шону шарафлик тўйни зоди кўрмаган,
Ўтмиш эрса кўп замонлар бу фалакнинг кўзлари.
Ҳурмидур ёким паридур, нозанинларни кўринг,

Арғувон майни ичиб очилди гулдек юзлари.
 Не сатанглар лабларин тишлаб туриб май сунсалар,
 Қелди бўлғай олдинга жаннатда турган ҳурлари.
 Ҳар қарашда ўқ отар ошиқни бағрин тешгали,
 Бўйнига таққани дур оққан кўзимнинг дурлари.
 Тўйни табрик этгани кўк аҳли шўриш қилдилар,
 Чочила чочди фалак осмондаги юлдузлари
 Етти иқлимга етибдур бу тўйининг овозаси,
 Ўйнатур кўк аҳлини базмида чолган созлари.
 Барча тарих ҳарфларидан гар чиқса бўлса кужо,
 Бўлди тарих қад фатонат таҳмирнинг ҳарфлари.

Маълум бўлсинки, таъмия усули билан абжад ҳисобча «қадди фатонад таҳмир»идаги ҳарфларнинг сонидан «кужо» ҳарфларининг сони чиқариб ташланса, қолгани тўйга тарих бўлади¹.

Қозимбек бу байтни рус тилига таржима қилиб, подшоҳга тақдим қилгач, подшоҳ буни кўп хуш кўриб, мени 34 дона майда бриллиант кўзли, ғоятда зийнатланган, уч мисқолли олтин узук билан мукофотлади... Бир ҳафта Петербургда, уч кун Москвада чирғобонлик қилдириб, сайри томошага бўюрди.

Бу тўй ўтгунча ўйналган найранг ва ўйинларнинг ҳадди-ҳисобини олишга ҳар қандай ҳисобчилар ҳам ожиз эдилар. Масалан, улардан бири шулки, бир кечаси бизни подшоҳ ўрдасига никоҳ мажлисига чақирдилар. Бу бинонинг узунлиги 240 газ, эни 220 газ бўлиб, 4 қаватли, ичи ва ташқариси зийнатланган тиллакор иморатлардир. Дарё тарафининг бошидан охиригача деразалар қўйилган. Бинонинг шимол томонидаги бу дарё улуг океандан ажралиб чиққан бўлиб, унинг Масков, Самара, Макриё томонларигача чўзилиб кетган

² Аҳмад Дониш император Александр II нинг қизи Мариянинг тўйи муносабати билан Бухоро ҳукумати делегацияси составида Петербургга 1873—1874 йилларда саёҳат қилган; тўйнинг ўтиши ҳам ама шу даврга тўғри келади — *ред.*

бир тармоғи бордир. Дарёнинг икки четини оқ мармар тошлар билан ишлаб чиққанлар. Сув бўйига тушадиган жойларда тошдан ишланган зиналар бор...

Ҳар 15 газ жойда олти бурчакли ва саккиз бурчакли ёки юмалоқ қилиб ялтироқ тошдан ясалган икки газ кенгликда пиёдалар учун ўтадиган кўприклари бор; ҳар икки кўприк ораси безатилган панжаралар билан туташтирилган. Булардан ташқари, дарё устида ҳар бўлими 20 газ келадиган 14 бўлимли улуғ бир кўприк солганлар. Кўприк икки қанотли дарвозадек бўлиб, ҳар бир кема келганида очилади, чиққанида эса ёпилиб туради. Бу кўприк киши сурати кўринадиган ялтироқ мармар тошдан ясалган. Тош, тахталарнинг жияклари кўзга кўринмайди. Бунинг кенглиги тахминан 25 газ бўлиб, пиёда ва отлиқларнинг қатнайдиган йўллари алоҳида-алоҳида бўлганлигидан, ундаги юриш йўллари тўртга ажралмишдир. Бу кўприкнинг ҳар икки тарафи ҳам санъатли панжаралар билан зийнатланган.

Бинонинг шимол тарафидаги иморатлар подшоҳнинг арки бўлиб, унинг остидан дарё суви ўтиб туради. Арkning жанубида эса аскарый жиловхоналар бор. Эллик минг аскар сиғадиган олди очиқ кенг майдонда отлиқ ва пиёда аскарлар машқ қиладилар. Арк дарвозаси яқинида ҳар хил рангли тошлардан ясалган баландлиги эллик газ чамаси бир минора бордир. Унинг тепасига қанот ёзиб турган бир фаришта суратини қўйибдилар. У сурат масихрухуллонинг кўкдан тушишини кутиб турмоқда эмиш.

Шарқ томони пишиқ гиштдан солинган иморатлардир. Унинг ости бутунлай подшоҳлик сайисхонаси, усти эса бошдан охиригача боғ-бўстон бўлиб, унда турлитуман райҳон гуллар очилган. Кўкалам майдонлар, яшнаган катта-кичик ариқларда сувлар оққан, ҳар хил қушлар сайраган, баъзи дарахтлар гулламоқда, баъзилари эса мева тугмоқда, пўндиқ бодом каби дарахтлар гул тўкмоқда; боғ ичида кўм-кўк ясама тоғлар қад кў-

тариб яшнаб турарди. Шу томондаги иморатларнинг эшиклари доим боққа қаратиб очиб қўйилган; боғчанинг усти эса бутунлай ойнаклар билан ёпилиб, унда баҳор ҳавосини сақламишдирлар. Бу боғча йил-ўн икки ой куз хазонини кўрмай доим кўкламдагидек яшнаб туради. Дарёдан олинадиган сув фонтан бўлиб отилиб чиқиб, яна дарёга қуйилади. Бу боғни кўрганлар уни дунёда ясалган биҳишт деб ўйлайдилар.

Ўрданинг ғарбий томонида буюк бир кўча бўлиб, унда муҳандисхонанинг олий бинолари бордир. Бу биноларда ҳар хил илм-фанларга мутахассис олимлар, сиёсий давлат арбоблари йиғилишиб мамлакатнинг тараққиёти, давлатнинг ривожини ҳақида маслаҳат ўтказадилар. Шу жойда қарор бўлиб, қабул қилинган нарсалар мамлакат қонуни бўлиб амалга оширилади.

Қисқаси, ўрдага келганимиздан кейин зиналардан чиқиб, болохоналардан ўтиб катта бир зол-уйга кирдик. Бу уй ниҳоятда зийнатлик, узунлиги 55 газ, эни 30 газ чамалик эди. Ўз қадримизга муносиб жойга ўлтирғиздилар. Бу зол-уйнинг қурилиши бир-бирига қарама-қарши тушган тўрт айвондан иборат бўлиб уларнинг ўрталари қўшилган эди. Бунинг ичида жило берилиб тиниқ тошдан ясалган 60 та устуни бор. Буларнинг остустларига тўрт бурчак, саккиз бурчак, айланма шаклларида сангтарошлик санъатлари берилган. Гуллик устунлар ўрнатилган уй ўртасида тиллакор биллурий катта қандиллардан саккиз донаси осилган; ҳар қайси-сида юздан ортиқ кофурий мумшамлар ёндирилган. Бу уйнинг бошдан-оёғи олтин суратлар билан тўлдирилган.

Ана шундай зийнатлаган уйда руҳбонлар бошлиқ давлат арбоблари, бош қўмондонлар, шаҳар улуғлари, никоҳ шоҳидлари Исо ва Марям суратлари ҳузурда никоҳ маросимини ўтказдилар. Бизлар ҳам меҳмонлик ҳурмати билан шу мажлисда ҳозир бўлдик. Аммо бугун бу уйни шундай зийнатлаган эдиларки, унинг ажойиб ва ғаройибларини айтишга ақл ожиздир. Уй ичида ёқил-

ган чироғларнинг ёруғлигидан унинг ичи кундузгидек ёритилмиш эди. Гул тувакларида ҳар хил гуллар очилган; ҳар турли гуллаган гул дарахтлари гулдонларга ўрнатилган эди. Уйнинг ичига очилган ва очилмаган гул ва гулбунлар тартиб билан шундай тизилганки, баҳортўлиғида яйраб-яшнаб турган барча манзара бир чаманзорга киргандек сезилур эди.

Устунларнинг ҳаммасига очилиб турган печак гуллар ўтқазилиб, печаклар уйнинг шипигача чирмашган эди. Яна бир қатор ўрама шамлар қўйилган. Устунларнинг бош гирвагида эни бир қариччалик бўлган тилла шамдончалар айланасига терилган; ҳар бир эшик ёнида одам бўйи катта ойпалар қўйилиб, уйнинг икки томонига уч бошли девор шамдонлари ҳам ёндирилган. Ҳар бир ойна остига ўрнатилган сандал устида олти бошли, саккиз бошли шамдонлар ёндирилган.

Уйнинг бир тараф деворига суяб саккиз газлик бир кўтарма (балкон) ясаганлар. Кўтарманинг уч томони очилган печак гуллари билан ўралган эди. Бирор газчалик кўтарилган тахта супада бир қанча чолғучи ва қўшиқчилар ўлтиришиб, турли чолғуларни чалишар, кўплаб қўшиқлар айтишар эдилар.

Бу залнинг учдан бири очиқ эди. Ана шу очиқ жойда катталарнинг хотинлари эркаклари билан бир-бирларининг бўйин, белларини ушлашганлари ҳолда, қўл ташлаб, оёқ уриб, айланиб ўйнашар эдилар. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда зебу зийнатли кийимлар кийиб ясанишган. Ҳар рангда товланган нафис, энг қийматбаҳо нарсаларни қават-қават кийган бўлсалар ҳам, кийимларининг тагидан баданлари кўриниб турар эди. Кийган кийимларининг этаклари, ёқалари, икки қулоқ, бош устлари ясама гуллар билан безатилган, атирланган эди. Хиром қилиб зал айланиб юрганларида Зухра юлдузидек бир хирмангул ҳар тарафга оқиб тўкилмоқда эди. Бу юлдузчалар чироғ ёруғида қулоқ-бўйинларига тақилган олтин, олмос, марварид каби ялтираб, юлдуз-

лар учгандек кўринар эди... Аёлларнинг кўпчилиги товусдек кенг этакли кўйлак кийган эдилар. Баъзи улуғ одамларнинг хонимлари юрар экан, этаклари бирон нарсага илиниб ёки оёқ остида босилмасин деб орқаларидан бир хизматчи хотин уни кўтариб юрар эди.

Император ўзига қарашли катта-кичик хотин-болалари билан мажлис ўртасида ўлтирар, баъзан зални айланиб, ҳар бир стол ёнига келганида ўлтирганларга бош эгиб, табодур қилиб, яхши ўлтиринглар, вақти хушлик қилинглар, деб ўтар эди. Яна бир йўли келганида никоҳланаётган қизининг қўлидан ушлаб айланиб юриб меним олдимга келди ва менга қараб: сенинг маликабону васфида ёзган мақтов шеърингни ўқиб, сендан кўп хурсанд бўлдим, чунки у шеърда сен энг олий маънолик сўзларни келтирибсан, бизнинг ҳузуримизда сени кўп мақтадилар, сен донишманд шоирлардан эмишсан; бу мамлакатларга икки-уч марта келган экансан, нега бизнинг тилимизни ўрганмадинг, деди. Ўшанда мен: сизнинг давлатингизга ҳар вақт келсак, бизни кўп ҳурмат қиладилар. Сайри томошага буюриб, корхона, ишхона, ажойиб ва ғаройиб жойларни кўрсатиб айлантирадилар. Бу томошаларни қўйиб ўқиш-ўрганишга киришай десам, кўнглим унамайди. Чунки иккинчи марта келолмай қолсам, давлат ва салтанатларингизнинг шаън-шавкати, бу маданиятнинг ажойиб ва ғаройибларини кўролмай қоламан, дедим. Бу сўзим унга ёқди шекилли, бош эгиб яхши қилгансан, деди.

[Тўй ўтгандан сўнг император қизини куёвига қўшиб фаранг ерига жўнатмоқчи эди, кетиш вақти яқин бўлганлигидан уни юпатиш учун кўча-кўй, томоша боғларида уни ўзи билан бирга олиб юрар эди. Қаерда мени кўриб қолса: бу сени мақтаб тўй гавҳарларини назм олмоси билан тешиб тизимга ўтказган кишидир, деб мени қизига кўрсатар эди. У ҳам менга кулимсираб, бош қимирлатиб илтифот қилар эди. У ернинг одатига кўра, кичиклар улуғлар билан учрашганда таъзим қил-

моқчи бўлсалар, бош кийимларини олиб яланг бош бўладилар. Унга жавобан улуғлар ҳам ризоликларини билдириб, бошларини қимирлатиб қўядилар].

Хулоса шулки, кечаси соат 11 гача шу хилда нағманаво, рақс-самоларни қилиб ўтказдилар. Сўнг одамларни еб-ичиш учун тайёрланган ички уйга таклиф қилдилар. Бу катта золнинг бошдан оёғигача уч қатор қилиб хонтахталар ўрнатилиб, атрофига курсилар қўйилган; хонтахталар устига оқ дастурхонлар солинган эди. Ҳар икки газ жойда олти бошли тилла ҳалли шамдонларда мумшамлар ёндирилган; ҳар хил, ҳар турли ҳолвалар, табиий ва сунъий мевалар, писта ва бодомлар, биллурий шишалардаги оқ, сариқ, қизил рангдаги ичимлик шароблар биллурий оқ пиёлаларга қўйилган эди. Чинни товоқчаларга турли-туман емишлар тўлдирилган. Ҳар икки шамдон ўртасида бир гулдон бўлиб, очилган ҳидли гуллар билан тўлдирилган. Зол бўйи солинган бу узун хонтахтанинг икки тарафидан қарама-қарши бўлиб эр-хотинлар ўлтирдилар. Ҳар бир кишига олтин дастали бир пичоқ, бир дона кумуш қошиқ ва бир пўлат вилка, уч дона қўл артадиган қўйилган эди. Буларнинг бирини тизза устига ёзадилар, яна бири билан қўл, оғизни артадилар, учинчисига эса пичоқ ва қошиқларни суртадилар.

Хизматчилар кумуш, чинни идишларда турли хилдаги таомларни кетма-кет келтириб қўяверадилар. Бу таомлардан ким қайсисини хоҳлар экан, олдидаги товоқчага ундан солиб еяр эди. Дастурхон устига тизилган баҳоси беш тангачалик ҳар хил олий шароблардан ичиб турадилар. Қайси товоқча бўшар экан, хизматчилар дарҳол уни ювиб келтириб қўядилар.

Подшоҳ эса энг олий либослар кийган, тилла бўйинбоғлар осган ҳолда гоҳ ўзи, гоҳ аёли билан хонтахта ростланган расталар орасидан айланиб юрар, ўлтирганларга қараб, қўл ва боши билан ишора қилиб, яхши енглар, яхши ўлтириб хушвақт бўлинглар деб

Ўтарди. Кўп юриб чарчаганида қайси стулда қари чол ва кампирлар ўлтирган бўлса, шуларнинг кўнгилларини кўтариш учун уларнинг ёнларига бориб, улар билан гаплашиб ўлтирар эди.

Кеч соат 12 да рухсат олиб, ўз қўшхонамизга келдик. Сўнгра ўлтириб шу мажлиснинг нақ ўзини тасвирлаб назмга келтирдим (уни ҳикоя охирида келтирдим).

Яна шу тўй кунларида Франциянинг пойтахти Париждан Потти номли созанда ва қўшиқчи бир хонимни келтирган эканлар. Тўй ўтгунча туриш учун унга бир лак танга хизмат ҳақи тўлаганлар. Унинг қадди-қомати келишган, ҳусни жамоли ниҳоятига етган эди. Унинг хуш овози камолига етганлигидан, инсонлар ўртасида унинг ҳеч тенгдоши йўқ эди. Фаранг ҳукамолари, тиббий олимлари, агар бу хотин ўлар экан, унинг бўғзини ёриб, томоқларини текшириб кўриб бунчалик хуш овоз бўлишнинг сабабини билишга қарор берган эканлар. У қайси бир базм мажлисида бўлса, халқ ундан ва унинг ашуласидан бошқа нарсага қарамас эди. Қиймати юз тангага етарли табақ-табақ ясама гулларни келтириб унга тақдим қилар эдилар. Шу базм мажлисида бу хотинга ўн минглаб танга инъом қилган кишилар кўп бўлди. Бундай мажлис кечаларида у Париж париси шундай ясаниб-безаниб чиқар эдики, ақл унинг унсурий жасадининг нима эканлигини била олмай ҳайронликда қараб қолар эди. Ғайб олаmidан келган фариштами ёки жасадланган руҳми деб ўйлар эдилар.

Томошахонага кириб ўлтирганимиздан сўнг найрангхонанинг пардасини кўтарадилар. Парда кўтарилиши билан кўм-кўк, соф, тиниқ осмон кўринади. Шарқий ёки ғарбий томонида ой ҳам чиқиб турган бўлади. Панжара олдида яшнаган кўкатлар, очилган гуллар ишқи пачакдек бўлиб ҳар томондан осилиб турарди. Шу орада ҳавода кўринган айвон ичидан гул ва гиёҳларни ораб ниҳоятда ҳусн-жамолли, оппоқ кийинган, оёқлари тиззасигача очиқ, қўллари елкалари билан яланғоч,

бўйин-бошлари эса турли гуллар, инжу марваридлар билан безанган бир паризод чиқиб келади. Унинг икки юзидан икки тўлин ой ялтираб кўринади. Лекин бу ойлар парда ортига қўйилганлигидан, ўзлари кўринмай, уларнинг нурлари ул гуландомга шуъла сочиб турар эди. Унинг тобиши билан гўзалнинг бошидан-оёғи ялтирар эди. Мана шу хилдаги зеб-зийнатлар билан кўриниб, ишқириб, сизғириб, овозини турли куйларга солиб қўшиқ айтганида, томошабинлар оҳ-воҳ садоларини кўтариб тўхтовсиз чапаклар чалар эдилар. Унинг садоси зерга тушганида булбул ва саъвалар сайрашдан тўхтар эди. У овозини бамга қўйганида, найнинг товуши карнайдек эшитилур эди. Ўзини бошқача ясаб чиқиш ва бир оз дам олиш учун парда туширилар экан, томошабинлар нола-фигон қилишиб, узлуксиз қарсаклар урар эдилар. Томошабинларнинг кўнгилларини овлаб, парда ичидан югуриб чиққан ҳолда кулимсираб таъзим қилиб, яна парда ичига кирганида, аввалгидан ортиқроқ фигонлар кўтарилиб, тўхтовсиз қарсакбозлик бўлар эди. Яъни халқ тезроқ чиқа қолгин, ой юзингни биздан яширма, мажлисоролик қилгил деб нола қилар эди.

Шу ҳолда бир ҳафта ўтгандан сўнг, унинг қўлига етмиш минг сўм нақд оқча бериб, уни Америкага жўнатдилар (уни ўша ёққа чақирган эдилар). Бу хонимнинг талаби билан унинг тавсиф ва мақташ ниятида шу бир кеча байтларни қаламга олдим. Чунки бу хоним менинг малика ҳақида мақтаб ёзган шеъримни газета-ларда ўқиб, кўп ажабланиб қизикқан экан ва бу шеърнинг шоири ким деб сўраб, мени таниган экан.

Н а з м:

Потийи Парижий он сарви қад зуҳра жабин,
Дар табассум суйи доман зидаҳан гул мерихт.
Зулфи пурчин ҳами ан дар ҳами ў дарбуни гўшт,
Обрўйи тари азбхави сумбул мерихт.
Лахну овози вағе он сонки бағуши ушшоқ,

Гаҳ ҳуши саъва чақчақаи булбул мерихт.
Аз Петербург азимат чуба амриқо кард,
Нолаҳо аз сару аз по ҳама гул-гул мерихт.

Таржимаси:

Бадр юзли, сарв бўйли, Поти отли ҳур қизи
Келди Париждин бу тўйга; Зухра юлдузнинг ўзи.
Гар кулар бўлса, бу қизнинг оғзидин гул сочилур,
Бир боқар бўлса сенга, жонинг олур чўлпон кўзи.
Гажжалак зулфи анинг чиқмиш эди соч остидин,
Тўлин ой кўрса уялгай ул парининг гул юзин.
Ун солиб куйлар эса ошиқнинг жонин оладур,
Кулса дурлар очилур болдин ширин айтган сўзи.
Янги дунё бормаға чиқди Петербург шаҳридин,
Халқнинг оҳи билан бўлди қоронғу кундузи.
Ҳурмидур, инсонмидур ёки паризод наслидир.
Оймидир, Чўлпонмидир, ё Зухра бўлгай юлдузи.

Бу тўйнинг ажойиботларидан яна бири шудирким, узунлиги 6 минг қадамлик муз устида муздан катта бир иморат қурганлар; айвонлар, тоқи-равоқлар, гулдор токчалар, шамдон, гулдонлар — ҳаммаси муздан ясалган. Муздан тарашланган шамдонлар ичига чироғлар ёндирилган. Кенглиги ўн таноб келадиган муз устида соф муздан катта бир гулзор тартиб берганлар. Гул туваклари, барглари, чечак ва гунчалари — бариси муздан ясалган. Барглари остида яшил биллур шамдонлар, гуллар тагида қизил, сариқ, кўк ва ҳар хил рангда биллур чароғдонлар қўйиб шамлар ёндирилган. Қараган кишига шамлар кўринмайди, аммо уларнинг шуллари музларга акс уриб турар эди. Гулзорлар очилган гуллар билан тўла. Чаман-чаман бўлиб томошабинлар кўзига яйраб-яшнаб кўринган нарсаларнинг ҳаммаси муздан ясалган.

Шу муз-боғ ичида уч-тўрт соат мушакбозлик қилдилар. Ҳар хил рангли мушаклар ҳавога кўтарилиб,

осмонни қоплади. Оқ, қизил, сариқ, зангор тусли «юлдуз»лар бирдан кўтарилиб, ҳаво юзини ёпар эди. Ендирилган чироқлар, отилган мушаклар ёруғлигидан ер устидаги зарралар ҳам кўринар эди. Ҳисобсиз халқ бу муз иморатларга чиқиб, муз чаманларини оралаб сайру томоша қилиб юрмоқда эдилар. Бир қанчалари муз устида сирғаниб ҳар хил ўйин-ҳунарларни кўрсатар эдилар.

Бизлар ҳам ўз тўпимиз билан дарё устидаги олий иморатларда ўлтириб буларни томоша қилар эдик. Рус императорининг янгидан тахтга ўтириши муносабати билан рус ҳунарманд ва донишмандлари бу мустарошлик санъатини янги ихтиро қилган эканлар. Бунга ўзлари ҳам фахрланар эдилар.

Фарангистондан бу тўйга бир неча найрангчи-ўйинчилар чақирилган. Буни эшитиб бизлар ҳам ўйинхонада ҳозир бўлдик. Биринчи кўрсатган найранги шу бўлди: уч дона столча келтириб, ҳар бирининг устига ярим шишадан шароб қўйдилар. Сўнгра найрангчи қўлидаги таёқчаси билан шишаларга ишорат қилиб эди, ундаги шароблар ўз-ўзидан биридан иккинчисига ўтиб қўйила бошлади. Иккинчи бир бўш шишани томошабинлардан бирининг қўлига бериб, оғзини маҳкам беркитиб тур, деб буюрди. Найрангбознинг қўлида бир неча тангаси ҳам бор эди. Уни халққа кўрсатиб санади. Унинг неча тангалиги ҳаммага маълум бўлди. Шундан сўнг ўзи ҳалиги шиша тутган одамдан анча йироқда туриб тангаларни кафтига қўйди. Сўнг тангалардан бирини олиб шишага ишорат қилиб эди, танга қўлидан ғойиб бўлиб, нариги одам қўлидаги оғзи берк шишада пайдо бўлди. Ҳатто танганинг шиқирлаб шишага тушаётган вақтдаги товушини ҳамма эшитди. Шундай қилиб, найрангчининг қўлидаги ҳамма тангалар жиринглаб шишага тушди. Сўнг шишани у одамнинг қўлидан олиб тангаларни ерга тўкди; буни кўрган халқ ҳайрон қолди. Бундан сўнг бир кишининг бошидан дўпписини олди.

Дўппи ичида ҳеч нарса йўқлигини халққа кўрсатди; силкиниб қўлида ва қўлтиғида ҳам ҳеч нарса йўқлигини билдирди. Сўнг енгини қўлтиғигача шимариб ялаңғоч қўлини дўппи ичига солди ва ундан бир қучоқча қизил қуш парини чиқарди. Бундай парларни сипоҳлар, амирлар бошларига тақар эканлар. Яна қўлида ҳеч нарса бўлмаганини кўрсатганидан сўнг, дўппига яна қўл солиб бир дона биллур коса чиқарди; бундан ҳам ҳамма ҳайрон бўлди. Сўнг уч ўрам қоғозни шамда куйдириб эди, ундан уч дона каптарга ўхшаш қушлар учиб чиқиб, халқ олдига қўнди. Сўнгра бир одамдан оқ рўмол сўраб олиб, уни чироққа тутиб куйдириб юборди. У одам рўмолини талаб қилар эди, иккинчи бир рўмолни куйдириб, унинг кули ичидан аввалги рўмолни олиб берди. Бундан ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Яна бир табақча тупроқ солиб халққа кўрсатди ва шу тупроқдан гул-лола ўстириб чиқараман, деди. Дарҳақиқат, хиёл ўтмай ундан гул-лолалар чиқиб очилди.

Сўнг бир ўргатилган итни келтирдилар ва ёзилган кўп ҳарфларни бир табақча солиб қўйдилар. Шундан сўнг итнинг муаллими кимнинг отини айтса, ит табақдан ҳарфларни олиб ўқиғудек қилиб уни тузар эди. Бундан сўнг фаранг, Рум, Италия ва немисларнинг байроқларини ёйиб қўйдилар. Итнинг муаллими Рум султони-нинг байроғини келтир деб итга буюриб эди, ит қатор қўйилган байроқлар олдига бориб бир оз қараб тургач, Рум султони-нинг байроғини тишлаб келтирди. Шундан кейин уч ўйинчи итни келтириб, уларга учта курси қўйдилар. Бу итлар айланиб томошабинларга таъзим қилганларидан сўнг тўғри келиб курсиларга ўлтирдилар. Мажлис четида бир шоти бўлиб, муаллим итларни унга чиқишга буюрди. Итларнинг бири чиқиб, бири тушиб уларнинг қилган ҳаракатлари тезлигидан, итлар шотига тўқилгандек кўринарди. Яна уч итни отга ўхшатиб, уларга жабдуқ ёйиб от шаклига киргиздилар. Юганлар солиб эгарладилар, сўнг зангилар шаклидаги

одам суратларини уларга миндирдилар; шу ҳолда улар мажлис аҳлини айланиб, от бўлиб чопар эдилар. Қўлларида тутган ногора чўплари билан рус, фаранг усулига чалиб ўйнаганларида ҳамма ҳайрон қолди. Итлар ҳам ҳар ўйин тугаганида мажлис аҳлига таъзим қилиб, ўз курсиларига келиб ўлтиришар эди. Кейин катта бир оқ итни ўйинга солдилар, ит икки оёғини кўтариб ўйинхонани қайта-қайта айланар, ногора усулига қараб оёқ тепиб ўйинга тушар эди.

Франциядан келган от ўйинчиси ўттиз газли мудаввар ўйинхона майдонида отнинг қулоғидан қуйруғигача икки оёғини бир томонга ташлаб, бирор жойга қўлини теккизмай ўлтириб от чопар эди. Отнинг ҳамма ерида ўлтириб чопганича ўйинхонани икки-уч айланар эди. Яна от устида тикка туриб, бир оёғини кўтарар, иккинчи оёқ ва қўллари чопаётганида ўйнаб турар эди. Ҳаммадан қизиғи от устида ўйинчи қиз билан бел тутишиб бир-бирларини устидан сакраб ўтиб, яна от устига тушар эдилар. Бу ҳаракатлар от чопаётганида бажарилганлигидан ҳаммани ҳайрон қолдирар эди.

Сўнг уч ҳалқалик икки газ арқонни ўйинхона ўртасига тортганларидан кейин бир дарбоз унга осилиб, турли ўйинлар кўрсатди. Оёқ бармоғини ҳалқага илинтириб бошини тубан солиб осилганича турар эди. Яна бошини юқори кўтариб қўл тутиб осилиб ўйнаб, чиғириқ ёғочидан неча турли ўйин-ҳуналарни кўрсатар эди. Шу орада ипларни ўраб олиб, боши билан сувга шўнғигандек ўзини юқоридан ташлаб юборар ва иккинчи ҳалқани тутиб олар эди. Иккинчи арқонда ҳам ҳар турли ўйинлар кўрсатиб туриб, бирданига ўзини ташлаб юборганида уни кўрган томошабинлар энди у ўлди, ерга парчинланди, ўн жони бўлса ҳам қутула олмайди, деб турганларида у бир неча умбалоқ ошиб келиб, учинчи арқонни тутиб қолар эди. Бунда ҳам турли ўйинларни бажариб иккинчи айвонга ўтганида бутун томошабинлар офаринлар айтиб, қарсак урар эдилар.

Гоҳи вақтда бу дорбоз ердан тўрт-беш газча кўтарилган сим дорга чиқиб ўйнар эди. Дор устига тортилган ингичка сим устида туриб, ўлтириб, ётиб қўл-оёғидан ўзини осиб яна сим устига тикланарди. Шу ўйинлар ўртасида мисдан қилинган уч дона тўпни бирдек тўхтатмай юқори ирғитиб, яна тутиб олиб ўйнар эди. Сим устида тўхталиш учун бутун ўйини лангар ўрнини тутар эди.

Қисқаси, бу тўйда кўрсатилган турли хил масхарабозликлар, ҳунар, санъат ва найранглар инсон ақлига сиғмаслик даражада эди. Уларни ёзиб қаламга олишдан ҳар қандай одам ҳам ожиз қолади. Бу тўй пойтахтда қилинганидан сўнг, император амри билан, Москвага ҳам тўй бермоқчи бўлдилар. У ерга бизни ҳам таклиф қилдилар. 92 фарсах масофани тўрт соатда юрдик.

Таржимон Қозимбек талабига кўра, императорнинг бу тўй базмларини тасвирлаб, назм риштасига тизиб қаламга олдим. Уни русчага таржима қилиб, ҳамма газеталарга бердилар.

М а с н а в и й:

Жаҳондору давру кавну макон,
Ҳамма воқифи ошкору ниҳон.
Жаҳонро дамизони адл офарид,
Ба адил ончибуд будами шуд падид.
Шаҳи адл дар мулк ноиб худост,
Шаҳонро бажуз адл миллат кужост.
Зишоҳон ҳамин адл пурсанду баст,
На аз дину давлат на аз даст раст.
Ба адласт афзуни мул кужо,
Итооти халқу вуфуври сипоҳ.
Жаҳонро бажуз адл на тавон грифт,
Амирию бозулм бошад шигифт.
Далин асру овод шаҳи мулки рус,
Қито кард бар тахти шоҳи жулуст.
Чу жуз адлу раафат шиораш набуд,

Хама рубаъи маскун мусахҳар намуд.
Александр он шоҳи хуршид фар,
Хидири замон, хисрави бахру бар.
Чи хушку читар зийри дасти ту анд,
Сари сарварон жумла пасти ту анд.
На тиги ту мулки Искандар грифт,
Балаз боҳитар то баҳовар грифт.
Сазад гар ба афло сои кулоҳ,
Ба ҳукми ту андар равад меҳру моҳ.
Аносирки олам баду қоимаст,
Қивомаш на аз зоти у доимаст.
Ҳама зири дасти худованду бас,
Жузу нест доррандаи ҳеч каст.

.

Петербурғ то поитахти тушуд,
Беҳишти Эрам аз забанҳо бишуд.
Замин нест у вож гуни самост,
Қи дар ҳар қадам аҳтари пурзиёст.
Дарин шаҳр ҳур кас набинад буруз,
Зи бисёри ҳусни олам фуруз.
Зиюши чароғон ва шабҳои тор,
Замин чун само осмон чун ғубор.
Хусусан дарин аҳди қаз амри шоҳ.
Муқорин баҳангашта биржису моҳ.
Маҳи буржи иззат малики замон,
Бу ду дурри яктову шуд тов амон.
Ба ақдаш фалак иқди парвин бирихт,
Басураш ғамаз пишмардум гурухт.
На кайвон дарин базим буд ё сиён,
Буданди ахтарон жумла чамак замон.
На бир жис аммо ма аз сар ниҳод,
Қи баҳром ҳам лаб баҳанда қушод.
На хуршид машъал бадаст омад аст,
Қиноҳид беҳешу маст омадаст.
Зи дасти аторуд қалам у фитод,
Маҳи пушти ҳам даст бар дар ниҳол.

Жаҳон кухан ёфт ранги нави,
 Ки жуст нағмаи ўду най наш нави.
 Даррун дар иморати шахс ошиён,
 Муфаррақ бар айвон зар устивон.
 Қанодили зар фаришҳои харир,
 Таки похазу шолҳои хасир.
 На шолҳои дар бар гадоён кунанд,
 Азон жомау чатри шоҳон кунанд.
 Чунун жоки дорад зифр довси ёд,
 Набошад магар боғи зотил имод.
 Наёби бадин хубую бар тари,
 Дару саф-саф андар хазорон пари.
 Ҳама гул узорон боранги буй,
 Ҳама мох дидору хуршид руй.
 Ҳама турҳои мушаббак бабар,
 Ҳама гул бадомону кокул басар.
 Зи гул харяки хирмони сабз шох,
 Гирибон кушоданд домаи фарох.
 Миёни на чун фикри дониш на ҳиф,
 Ва ли пок таб анду порсах латиф,
 Нишинанд жонҳо бихизад зижой,
 Чу хизанд дилҳо барафтад зипой.
 Дар ин базим қаволу раққосу соз,
 Ҳама дил фирибу ҳама сарви ноз.
 Чу ойна софу оби сафид,
 Тани ботани меҳ торуз дид.
 Ту гӯи ки базми пур аз хур буд,
 Қисахну саро жумла пур нур гуд.
 Зи найрангу созу симоу суруд,
 Питирбуғро сур як ҳафта буд.
 Паст онгоҳ шаҳи рият намоз,
 Ба Масков кашид олати базму соз.
 Чи шаҳрики бозуш шаш фарсах аст.
 Ба боғи Ирам ҳам бару ҳам на ҳаст.
 Се рузу шабон шаҳр оростанд,
 Зи ҳошоки ғамхона пир останд.

Чарогону айвон ба гардун расид,
Рухи ахтару маҳ сешаб кас надид.
Зану мард, фаужи, сифоҳу амир,
Пан дидани шак баҳам дастгир.
Сафандар сафаз ҳар тараф сат ҳазор,
Ба иқболу дидору шоҳ интизор.
Ҳама сар ба раҳна тавозъи кунон,
Ғирви дуо рафта то осмон.
Ба динҷоҳу из тоба ўрду расид,
Ба давлат саро вақти давлат каши.
Дарон дан ки сури чунин жарф буд,
Шито фасл сарду замин барф буд.
Ба сяхро зисарди нафас аз гулу,
Чу бирун шуди худ на гашти фуру.
Вари хонохо буд хуррам баҳод,
Зилола райоҳин зи гул кўқсол.
Ба ҳар сури фавеора ў обшор,
Зиту тию булбул садан дар ҳазор.
Баҳам оташу об жам омада,
Бадидан ҳама нури шамъ омада.
Дар ин хонаҳо суфраҳо ду қатор,
Бари ҳам кашида сад андар хазо.
Ба балои ҳар як зижому қадаҳ,
Музили ғам асбобҳои фараҳ.
Авонии зар косоҳои булур,
Табабҳои чинни зисим оби ҳур.
Ҳама мемаҳо тоза оварда буд,
Ҳама нуқулҳо мушк парварда буд.
Нашаста бадавр аз дусу гул руҳон,
Ҳама нор пистону, ширин забон.
Зану мард бо ҳам назар бозу маст,
Ҳама ринду озадау майпараст.
Шаҳи бо чунин мулку жоҳу азим,
Ҳами рафт чун мезбони карим.
Пиёда ҳама рафт бо хону хон,
Ки фурсат равандаст хуш бигузaron.

Ишорат хами кард дил хуш кунид,
Мабодоки хотир мушавваш кунид,
Чу ин базм бирун буд астори ақл,
Ки душувори тақриру мушкил ба нақил.
Бали фикри дониш ки муҳо шигофт,
Ба тахмири ижмолияш роҳ ёфт...

Таржимаси:

Жаҳонни яратган улуғ тағридир,
На иш бўлди эрса анинг амридир.
Бу оламни қурмуш адолат уза,
Тарозу тушурмуш бутун ер юза.
Худо ноибидур адолатли шоҳ,
Анинг сояси гар эрур додхо.
Адолатли бўлса агар подшоҳ,
Ёзилмас анинг отига ҳеч гуноҳ.
Адолат билан мулк обод эрур,
Адлсиз киши тахтдин ташланур.
Адлсиз жаҳонни тута олмағай,
Агар тутди эрса, узоқ турмағай.
Ушал ким Раси мулкига шак эрур,
Ҳамиша анинг қилмиши адл эрур.
Ўтирмуш кимарса Раси тахтига,
Адолатлик эрди алар бахтига.
Александр Искандар иккинчиси,
Бўйин сўнмуш эрди жаҳон барчаси.
Сенинг ҳукминга бош қўйибдур замон,
Анинг учун сенга бахт эрур то омон.
Сенга бўлди тасхир бутун ер юзи,
Шунинг учун бўлибсен Искандар ўзи.
Фалак узра қўйсанг кулоҳинг сенинг,
Ярашур сенга андин ошурганинг.
Аносирки андин бу олам тўлар,
Ҳаёт ишлари барчаси андин бўлар.
Вужуди анинг келмамиш ўзидан,
Яралмиш эрур барчаси изидан.

.
 Петербург шахри сенга пойтахт,
 Анинг чун анга ёрдур икки бахт,
 Эрам боғи бу шаҳардек бўлмағай,
 Буни кўрган киши ани суймағай.
 Нишони буни ер эмас, кўк эрур,
 Анингдек бунинг юлдузи кўп эрур.
 Кўролмас эрсанг қуёш кундузи,
 Ҳисобсиз кўрарсан қуёшдек қизи.
 Қоронғу кечаларда ёнса чироғ,
 Солур кўпни кўксига юз мингча доғ.
 Етиб шул замон подшоҳ амридин,
 Бўлибдур бу кун бир жис ойга қарин.
 Анинг ҳусни васфига етмас гумон,
 Тоқ эрди бу кун бўлдилар тов амон.
 Фалак қилди ақлин таманно анинг,
 Чочилғуси бўлди сураё анинг.
 Унинг тўйида қочди элнинг ғами,
 Қутулмиш эди ғамидан олами.
 Фалак қозиси эрди ул муштарин,
 Бошидан олиб иргитиб дастарин.
 Бу тўй базмида қўл солиб ўйнади,
 Эсиркиб эмиш ҳар ёна ағнади.
 На бир жис бу ишда ёлғиз эди,
 Кўриб базм баҳром кулмуш эди.
 Фалак ёндириб бу қуёш машъалин,
 Кўрибмиш эди зуҳранинг маслигин.
 Аторуд бу базм ичра ҳуши кетиб,
 Юборди қўлидин қалам иргитиб.
 Кўриб ой базмида ҳур қизларин,
 Яширмиш эрди доғлик юзларин.
 Жаҳонга тўлиб эрди кўрку чирой,
 Бу қандай тўй эрди кўринг ҳойи-ҳой.
 Қулоққа кирар уди найлар унинг,
 Дутори, сеторлар чолур танбури.
 Қурулмиш эди бу бино олти қад,

Ҳама устма-уст эрди, қатма-қат.
Фалакка етар эрди айвонлари,
Булутга тиралмишдир устунлари.
Бу устунлар эрди ҳама зар нигор,
Эмас зар нигор, балки заррин девор.
Қандиллар олтин, осилмиш эди,
Ипакдан гиламлар солинмиш эди.
Бу янглиғ эди жойи жаннат нишон,
Жаҳонда йўқ эрди анга ўхшаган.
Бўйинга тақишган асл дурлари,
Турар анда мингларча ҳур қизлари.
Боридур очилган гулистон гули,
Тўлиқ ой қуёшдек эрур ҳар бири.
Қўрингай либос остидан танлари,
Етар юз қадамдин алар ҳидлари.
Бош узра солмиш мушаъбид тўри,
Этак гулга тўлмиш, бели кокили.
Бели қил каби кўп ингичка эди,
Сўзи шаккару, лаблари бол эди.
Гапирса тили дур нисор айлагай,
Кулумсиб кўзи юз хумор айлагай.
Бу базм ичра тўлган бари ҳур эди,
Еру осмон барчаси нур эди.
Чолғу, қўшиқчи, ўйинчилари,
Бу тўйга йиғилмиш пари қизлари.
Бири чалса қолун, бири арғанун,
Бу базми ичра ўйнардилар куну тун.
Петербургда ўтди бу тўй ўн куни,
Томоша қилиб тинмайин кун-туни.
Кейин чиқди ёрлиқ бориб Москава,
Яна тўй бериб анга ўтказмага.
Билинг шаҳри Масковни хон балқидир,
Анинг кенглиги олти фарсах эрур.
Кеча-кундузи ила кўриб туздилар,
Ҳам ул тўйни уч кунда ўткиздилар.
Чароғон бўлиб бўш ери қолмади,

Фалакдек чироғ тўлди кам бўлмади.
Чароғон эди Масков уч кунгача,
Бўлиб базми, ўйинлар куну тунгача.
Кеча-кундузини киши билмади,
Фалак ой юлдузларин кўрмади.
Шу чоқда хабар бўлди шоҳ чиқди деб,
Петрбурғдин Москава юрди деб.
Асогир ани тўсгани фож уриб,
Денгиз тўлқинидек сипоҳ мавж уриб.
Бутун халқ дарё каби оқдилар,
Шаҳаншоҳ келмиш деб ошиқдилар.
Бари бош ялангдир тавозе қилиб,
Дуонинг садоси фалакка етиб.
Шу савлат, шу шавкат билан юрдилар,
Ани қўндириб ўрдага қўйдилар.
Шунингдек кўриб бўлди тўй кунлари,
Ҳаво кўп совуқ, қиш узун тунлари.
У ютган кумушдек эди қори муз,
Совуқдан кўринмас кўзи, қайси юз.
Совуқнинг кучин қандайин бил сано,
Нафас чиқса қайтиб киролмас яна.
Ва ли уй ичида баҳор ўхшаюр,
Чамандек бўлиб лолалар очилур,
Учиб саъва, булбуллари сайрашур,
Оқар сув, отар сувлари кўп эрур.
Қўйилмиш бу уйларга хон тахтаси,
Қабобу, шаробу, таом барчаси.
Ҳар усталда қўймиш неча хил шароб,
Бири қип-қизилдир, бири дурри ноб.
Кўтарган қадаҳ ғам юзин кўрмагай,
Анинг кўнглида қайғудин қолмагай.
Оёқ олтин эрди пиёла биллур,
Қиши ичганда аксин анда кўрур.
Бу хонтахтага ўлтириб, айланиб,
Пари чехралар, сарви қадлар келиб.
Юзи олмадек, кўксида нори бор,

Гапирса анинг оғзида боли бор.
Қўша ўлтирур эру хотинлари,
Олур бир-биридан асих кўзлари.
Яна шунча давлат билан маҳлиё,
Келур ҳамманинг устига бир қатор.
Дебон хуш келибсиз бу фурсат ўтар,
Ғанимат билингки, бу кун хуш кечар.
Ишорат қилиб дер эрди: дилхуш қилинг,
Бу дам хушлигини ғанимат билинг.
Қилолмас бу тўйнинг киши таърифин,
Ёзолмайди ҳеч кимса мингдан бирин.
Магар Дониш этмиш анинг васфини,
Бўлак кимса билмас эди қадрини...

РУСИЯГА ҚИЛИНГАН ЯНА БИР САФАР ҲАҚИДА



Сайд Абдулфаттоҳ тўра Абдулқосимбий билан биргаликда элчилик хизмати билан яна Бухородан Русияга бордик. Уларнинг одатлари бўйича, атрофдан келган элчиларни шаҳарни айлантириб, заводлар, ишхоналар, томошахоналар, мактабхона ва олий иморатлар ҳамда шу каби жойларни кўрсатар эканлар. Булардан ташқари, хазина, дафина ва қўрхоналарни ҳам томоша қилдирар эканлар.

Русиядаги ҳар бир шаҳарда базмхона бўлиб, уларда ҳар кеч соат 12 гача турли ўйинлар бўлиб туради. Нағма-наволар қилган, рақси самога тушган паричеҳра хотинлар, сочлари сумбулдек сочилиб, юзлари қизил гулдек очилган сарв қомат қизлар томошабинларнинг кўзларига жилва бериб, кўнгилларига роҳат етказиб мажлисни қиздирадилар. Булардан ташқари, бу базмхоналарда ҳар турли шуъбада найранг ўйинлари (иллюзия) ҳам ўтказилади. Ўйинхоналарга хоҳлаган кишилар кириб, ўз ҳолларига яраша белгиланган жойларда ўлтирадилар. Ўйин тарқаганда, томошабинлар ўлтирган ўринларига қараб билет ҳақини тўлаб чиқадилар.

Бу мамлакатда ҳар нарсани йиғиб, хазина қилиб халққа кўрсатадилар. Масалан, ўлик, тирик ҳайвонлар, учар қушлар, қанотли парвоналар каби капалак ва бошқа турли жониворлар махсус биноларда сақланиб, бу биноларнинг эшиклари томошабинлар учун ҳамма вақт очикдир. Тиббиёт, ташрихот фанларидан маълумот бериш учун ҳайвон ва инсон жасадларининг қуп-қуруқ суяклари махсус хоналарга қўйилган, шунингдек, ўлик туғилган болаларни шишаларга солиб сақлаганлар. Одамнинг лутфалик (эмбрионлик — *Тарж.*) ҳолидан бошлаб туғилганигача бўлган ўзгаришларини кўрсатиш учун уларни махсус дори билан дорилаб, ҳар бирини айрим шишаларга солиб қўйганлар.

Қалам тебратувчини вазият тарафидан бир кечалик базм мажлисига таклиф қилдилар. Буни саврония деб (собрание) атар эканлар. Бу базмга тўрт киши бўлиб бордик. Қарасак мажлис Русиянинг катталари, уларнинг хону беклари билан тўлган эди. Шунингдек, мажлисда келишган, бошдан-оёғигача зийнатга ўралган ой юзли хотинлар, кўкраклари олмадек кўтарилган, янги очилган гулдек, каклик юришли қизлар, сарв бўйли, зебо юзли йигитлар, қизлардан ҳам чиройли ўспиринлар ҳам ўлтиришган эдилар. Бир олий иморатли бинога кириб келдик. Унинг ичида санъат билан солинган бир қанча катта-кичик уй ва ҳужралари бор эди. Бу уй ва ҳужралар ойнакорли бўлиб, эшик дарчаларига ипак пардалар осиб туширилган; ичкарисиди зийнатли каравотлар қўйилган, тўрт тарафида одам бўйи ойнаклар қўйилган бўлиб, улар орасида қимматбаҳо гулдон ва шамдонлар бор. Уй ва ҳужраларнинг девор ва шиплари, ост-уст томлари турли расмлар солиниб зийнатлангандир. Шу мажлисда мингдан ортиқ ҳар хил шамлар ёндирилган. Чироқнинг кўплигидан, кечаси кундузга айланттирилган эди.

Ой юзли, сарв бўйли, нозик бадан маҳбублар ясанишиб зол ичида хиром қилур эдилар. Юрганларида ўйин-

чи кийиклардек ҳар тарафга қараб тўлғаниб, буралиб юрар эдилар. Қатма-қат кийган нафис ипак либослари ул нозанинларнинг нозик оқ бадалларини ёполмас эди. Баъзилари бошдан-оёқ бўйларига қора ипак тўр тортиган эдилар. Буларни кўрганда уларнинг ҳусн-жамолларига, ишва ва нозларига қараб ақллар ҳайрон, тиллар лол бўлар эди. Ҳайб олаמידан тушган руҳларми ёки биҳиштдан дунёга юборилган ҳур қизларми булар деб ўйлайсан киши...

Бизлар бўлсак, ҳаммамиз оғзимизни очиб атрофга қараб ҳайрон бўлиб қолдик. Бу жой қаер бўлди, бу нима ҳолдур ўзи? Ажабо, ҳозир келаётганимизда-ку, туи қоронғиси бўлиб, ёмғир савалаб турган эди, бирданига жун чиқиб кундузга айландими? Ёки бу ажойиботларни тушимизда кўраётирмизми деб, кўзимизни тоҳида уқалаб ҳам қўяр эдик... Шу ҳолда ҳайрон қолганимизча анқайишиб илгари юрсак ҳам қаерга бориб, қайси ўринга ўлтиришимизни билмас эдик. Чунки бизни бошлаб келтирган тилмочимиз бир суқсур бўйин нозанин билан сўзлашиб орқароқда қолган эди... Шу ҳолда турганимизда ортда қолган тилмочимиз етиб келиб, бизларни бу ҳайронликдан қутқарди. Мажлис тўрига қўйилган курсиларга келтириб ўлтирғизди. У одамга ҳаммамиз ташаккур айтиб, жим ўлтирдик.

Уйнинг тўрида ердан бир ярим газча кўтарилган катта шоҳсупа бор эди. Унга бошдан-оёқ расмли пардалар тортилган бўлиб, унинг ортига катта биллур қандил осилиб, юздан ортиқ шамлар ёндирилган эди. У жойда тўлин ойдек сарв қадли бир тўп қизлар мажлис аҳлига ўзларини кўрсатиш учун тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Улар томошабинларнинг батамом йиғилишини кутиб турар эдилар.

Шоҳсупанинг остида ердан икки қаричча кўтарилган яна бир супа бўлиб, унинг устига катта бир стол қўйилган, стол жуда зийнатланиб, икки четига иккита катта тиллакор шамдон ёндирилган; унинг устига рус-фаранг

оҳангида чалинадиган нағма-наъво ва созларнинг усуллари ёзилган дафтар ва китоблар қўйилган. Мажлис аҳлларидан бирор эркак ёки аёлнинг созандалик фанидан хабари бўлар экан, хоҳласа шу супа устига чиқиб халққа қараб бир неча тавозе ва тамолуқлар қилганидан сўнг, юмшоқ курси устига ўлтириб бирор оҳангда нағма-наво қилиб берарди. Агар қўшиқчи ёки ҳикоячилардан бўлса, супа устида тикка туриб у ҳам ўз ҳунарини кўрсатар эди. Агар томошабинлар уларнинг қайси биридан таъсирланиб, уни хуш кўрсалар, қарсаклар чалишиб ундан рози бўлганликларини билдирар эдилар. Агар кўпроқ қарсак уриб, ундан яна тинглаш истagini билдирсалар, ул ижрочи қайтиб чиқиб мажлис аҳлига қайта таъзим ва тавозелар қилганидан сўнг яна созини қўлига олиб, бўлакчароқ бир оҳангни бошлар эди. Агар бундан сўнг яна аввалгидай қарсаклар бўлса, учинчисига киришар эди. Буни тамомлаши билан томошабинлар қарсакни яна авжига чиқарар эдилар. Аммо у эса супадан тушиб, ўз жойига келиб ўлтирар эди. Буларнинг чалган нағма-наъволари, айтган байту ғазаллари мажлисга алоҳида ҳусн берар эди.

Бу мамлакат хотинларининг либослари белларигача тор бўлиб, белдан пасти эса кенгдир. Этаклари шундай кенгки, унинг кенглигидан ўзлари уйга кирсалар, этаклари ҳали даҳлизда қолур эди. Белига ипакдан тўқилган белбоғлар боғланган бўлиб, ундан янги ойга ўхшашикки шохча чиқарилган. Белбоғни қаттиқроқ тортиб боғласалар, у шохчалар бел атрофидаги ипак кийимларни кўтарганлигидан, кўпирма бўлиб кўринади. Унинг устидан қизил, қора, кўк тўрларни бошларига, елкаларига ёпадилар. Яна бошларига янги узилган гулдек бир даста ясама гул қилиб, уни қош четларидан келиштириб боғлайдилар. Хурмо донаси узунлигида бўлган гавҳар кўзли олтин сирға тақадилар; қоронғи кеналарда унинг шуъласи тушиб, ярқираб ёниб туради. Маҳбубларнинг қулоқ учлари ниҳоятда тиниқ бўлган—

лигидан, ундаги қоннинг қизиллиги ва унинг ҳаракати сиртидан кўришиб турар эди. Шундай эсб-зийнатли нозанинлар ўринларидан турганларида ақл димоғ токчасидан учиб чиқишга интилади. Улар ўтирганларида жон-дил ҳужрасига кириб тинчланади. Ажабо, бу қандай нафис санъат ва улуғ қудратки, инсон тоғининг булоғидан чиққан бир қатра палид сувдан бундай ажойиб гуллар бу қора тупроқ устида очилмишдир!

Шундай қилиб, бир фурсатдан сўнг бу нозанин ўйинчи қизлар парда тортиб, гул юзларини халқдан яширадilar. Парда орқасида ўзларига оро берганларидан сўнг ғойиблар ҳозир бўлинглар, тарқалганлар йиғинлиглар, томошабинлар тайёр бўлинглар, бизлар яна ўйин кўрсатамиз деб занг чаладилар. Бирданига парда кўтарилади. Юқорида кўм-кўк бўлиб осмон кўринади. Шарқ-ғарбнинг бирида ёруғ ой чиқиб, осмон тўла юлдузлар чарақлайди. Кўз етмас кенг майдонда ҳисобсиз улуғ дарахтлар, эгиз тоғлар, олий иморатлар кўринади. Бу пари чеҳра қизлар ўзларини фаришта суратига киргизиб, баъзиси қанот ёзиб боши юқори осмонга қараб учмоқда, баъзи бирлари боши тубан ғайб оламидан ер устига тушиб келмоқда, баъзиси эса бир оёқ устида туриб иккинчисини орқасига тўғри тортган қуш қўйруғи қилиб қанот остига ёзиб гул чекма этакларини очиб бир қўли бошига эгилган иккинчи қўлини ерга қаратиб чўзган ҳолда ҳаммалари мажлис аҳлига хомушлик билан қараб турадилар...

Шундай бўлиб, бирор соат ўтгандан сўнг парда тушиб, яна ўзларини бошқачароқ қилар эдилар. Бу навбатда ҳаво ўзгарган, булут қоплаб бўрон кўтарилган, чақмоқ чақиб момақалдироқ бўлиб қор-ёмғир, дўллар ёққан. Шу орада зилзила бўлиб, иморатлар чайқалган; бунинг зарбидан денгизлар тўлқинланиб кемалар гарқ бўлган. Кема аҳлининг сувга ботаётганида дод-вой қилишиб, нола қилганларини кўриб мажлис аҳли ҳам йиғлашар эди.

Бу найранг ўтгандан сўнг парда туширилиб, ўзларини яна бошқа хилда ясаб чиқдилар. Бу чиқишларида нағма-наъволар куйланди, қизлар рақсу самога тушиб ўйнадилар. Бунини айтишдан ақл ожиз қолиб, тиллар лол бўлади. Шоҳсула саҳнини бир оёқлаб неча қайта айландилар. Икки оёғини жуфтлаб олиб, чарх уриб, икки газча юқори кўтариладилар. Уларнинг менга ёққан энг яхши рақслари баму бак-бак-бам; ёки бак-бак-бам зарбига келгани эди. Бу мажлисда гоҳи оташбозлик қилиб мушак учирар эдилар. Гоҳида ҳайбатли ҳайвонлар, даҳшатли жониворлар, девлар, аждарҳолар, ҳар турли денгиз махлуқлари кўрсатилар эди.

Шу ҳолда, мажлис соат 12 да тамом бўлди. Мажлисда тун бўйи ҳар жойда тайёрланган чой, қаҳва, арақ, шароб ва кабоблар, ҳар хил ҳолва, писта, бодом каби турли емишларнинг ҳисоби йўқ эди...

* * *

*

Петербург шаҳрининг катта растасининг узунлиги бир фарсах, эни 55 газгача келади. Катта кўчанинг икки тарафида боши булутга теккан, бошдан-оёқ олти етти қаватли иморатлар бор. Девор тагида, кўчанинг ҳар икки томонида эни тўрт газча ердан бир қарич банд қилиб пиёдалар учун мрамор тошдан йўл ясаганлар. Бу йўлларнинг келар-кетари ўз олдида бўлиб, йўл юрганлар бир-бирларига қарши келмайдилар. Бу икки йўлдан кейин аравалар учун олти қовурға қилиб ёғочдан чатилган махсус ўн газлик бир кўча чиқарганлар. Юрганда араваларнинг товуши чиқмасин деб кўчани ёғочдан ясаганлар. Кўчанинг ўртасида майда қайроқтош терилган 15 газлик яна бир кўча чиқарилган; бундан отлиқлар ва аскарлар юрадилар. Кўча сувларининг оқиб тушиши учун ҳар 15 газлик жойда оғзи темир панжаралар билан қопланган чуқурлар қилинган. Ҳар бир

газ ерда ғўла чўяндан ясалган понусдонлар қўйилган бўлиб, унда тун бўйи газ лампаси ёндириб қўйилади.

Бу ошёналик иморатларнинг ҳаммасининг таги дўкон, сарой, раста ва бозорлардан иборат. Уларда турлитуман Европа молларини сотадилар. Агар бир дўкондан ўн минг тиллалик мол олсанг, ундан ҳеч нарса олинмагандек бўлиб туради. Тушдан сўнгги соат учдан бошлаб тун ярмигача бу ернинг бозори қизиб, кўчалар ҳайит кунларидек кишилар билан тўлади.

Шарқдан ғарбга чўзилган бу узун растанинг ерлари ҳолатда тозалигидан чиннидек ялтираб туради. Агар қор ёғиб қолса, дарҳол маҳбуслар келтирилиб, уни тозалайдилар. Миниб юриладиган ва араваларга қўшилган отларнинг сони қанчалик кўп бўлмасин, тозаловчиларнинг тайёр турганликларидан ҳеч жойда уларнинг тезаклари кўринмайди. Гулчеҳра паризодларнинг этакларига нам юқмасин деб йўлакларни лиф супургилари билан доим супуриб турадилар.

Бу растада кишилар бир-бирларига қарши келиб тўқинишмайдилар. Арава ва пиёдаларнинг йўллари алоҳида-алоҳидадир. Ҳар ким ўзига белгиланган йўлдан юради. Бу шаҳарда қичқириб сўзлашиш ёки бировни узоқдан чақириш айб ҳисобланади. Бирор киши кўчанинг нариги томонидаги танишини чақирмоқчи бўлса, кўча бошидаги қоровуллар орқали уни тўхтатади.

Мен бу сафарга ибрат олиш учун чиққанлигимдан, ҳар бир нарсага диққат билан қарар эдим. Менинг кўзимга кўпчилик халқ ғамгин бўлиб кўринар эди. Менинг билишимча, бундай ҳол кишилар ўртасидаги ҳасаддан келиб чиқар эди. Чунончи, Иваннинг хотини ўн минг тиллалик уст-бош кийиб олти отли аравада юради-ю, Васьканинг хотини ҳар жиҳатдан ундан тубанроқ яшайди. Ёки бировнинг бойлиги ҳаддан ташқари зиёда, айш-ишрат асбоблари ҳам муҳайё, лекин эри келишмаган. Ёки ҳар иккаласи ҳам келишган-у, уларда майшат асбоблари йўқдир. Ана шундай тафовутли кишилар

бир-бирларига ҳасад қиладилар. Турмуш тўғрисида бир-бирлари билан рақобатда бўладилар; бир-бирларидан ошириш қасдида ҳар кун от-арава, кийим-кечаларини тузатиш оворагарчилиги билан бандлар. Ҳеч бирлари ўз турмушларига рози бўлмайдилар. Шу қадар зеб-зийнат қилиб, ўзларига оро бериб турсалар ҳам, ғам-ғуссанинг кўплигидан юзлари сарғайиб, еган-ичганлари юзага чиқмайди. Бир-бирларига қилган рашк, ҳасадларнинг кўплигидан доим қайғу-ҳасратда бўладилар. Базмхона, ўйинхонадаги аҳвол ҳам шунга қиёсдир...

Аммо шуниси аниқки, мол топиш, дунё тўплаш билан роҳат кўриш мумкин эмасдир. Агар дунёда мол тўплаб бой бўлишни роҳат деб билувчилар бор бўлса, улар ҳайвонлар даражасига тушган одамлардир. Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас. Бой кишиларнинг кўрган роҳатлари эса охурига солинган кунжарани кўриб қувонган ҳўкизнинг роҳатига ўхшайди. Деҳқон ҳўкизига кунжара бериб қувонтиради-ю, эрта-саҳардан унинг бўйнига бўйинтуруқ солиб, калтаклаб қўш ҳайдайди. Ҳўкиз эса оғилдаги кунжарани кўраркан, ўшанга маҳлиё бўлиб қувонганидан саҳарда қўшга қўшилиши, говрон калтак ейиши унинг эсига ҳам келмайди.

[БИР ҲОЖИНИНГ АЙТГАН ҲИКОЯСИ]

Саёҳатнинг фойдалари ҳақида

Бир вақт уч-тўрт киши бўлиб подшоҳ хизмати билан сафарга чиқдик. Баъзан ҳикоя айтиб кечани тонгга улар эдик. Бир туни менинг йўлдошим кўрган-билганларидан узун бир ҳикоя айтди. Унинг ҳикоясида сафарнинг фойдалари, хотинларнинг хислатлари, подшоҳ ва ҳукумат сиёсатлари ҳақида бир қанча фойдали сўзлар бор экан. Уйқумиз келиб ётмоқчи бўлдик; ҳамроҳим бош қўйиши билан ухлаб қолди. Менинг уйқум қочиб, ухлай олмадим. Шунинг билан айтилган ҳикояни бошдан-оёқ ёзиб, сўнгра ухладим. Эрталаб турганимда ёзганларимни унга кўрсатган эдим, сен ўша сафарда бирга эдингми деб ҳайрон бўлди.

(Ўша ҳикоя мана будир):

Қози Яҳё Бақохўжа ўғли Бухоро раиси эди. У билан ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқдик. Ўшанда саёҳатчилардан бир ҳожи унга ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтибди: ҳаж сафаридан қайтишда Ҳиндистон саёҳати учун кемага тушиб, Ҳинд денгизи билан Калькутта, Қинваж ўлкасига келдим. Бир неча кун маҳаллий ҳинд-

лар ичида турдим. Аммо тил билмаганлигимдан кўп қийналдим. Олиш-сотиш ишларида мен учун кўп қийинчиликлар юз берди. Форсча тил биладиган кишини ахтарсам топилмади. Охири пешаворлик бир савдогарга учрадим. У мени ўз ҳужрасига олиб борди. Сўнг менга бу ердан тезроқ чиқиб кетиб, бошқа бир тил биладиган жойга боришимга маслаҳат берди. Йўлларда зарурат бўлиб қолса қўлланурсан деб, ҳинд тилида энг керак бўлган сўзлар ёзилган бир дафтарчани ҳам берди. Юриш йўлларимни белгилаб, аввал Жалолободга борасан, сўнг Пешаворга бориб, ундан Кобулга ўтасан деб тайинлади ва бир оз ҳадя ҳам бериб мени узатиб қўйди.

Йўлда кишилар билан сўзлашмоқчи бўлсам дафтарчамни очиб, унга қараб баъзан тўғри, баъзида янглиш гапирар эдим. Бунни кўриб мени масхара қилиб кулишар эдилар. Мажнун одамга болалар эргашиб олгандек қаерга келиб дафтаримни очсам, дарҳол одамлар мени ўраб олар эдилар. Мендан сўз сўраб, олган жавобларидан кулишар эдилар. Бу тўғридан кўп сўкишлар эшитиб, кўп шапалоқлар еб, жонимдан ҳам тўйдим. Ҳар қанча ҳаракат қилсам ҳам, Пешавор ва Кобул томон кетадиган карвон йўлини топа олмас эдим.

[Елғиз ўзи мусофир бўлиб, яна у жойнинг тилини билмаса, бундан ортиқ қийин иш йўқдир. Шунинг учун маданият мактаблари ҳар хил тилларни ўқитиб, ўртади. Мен ўзим император пойтахти Петербургда бўлганимда бир кеча уйқудан уйғонсам, кўчадаги халқ югуришиб бир томонга қараб кетиб борар эди. Сўрасам, бир ерда ёнгин бўлаётганини билдирдилар. Мен ҳам уйқу аралаш нима хаёлдадир кўчага югуриб чиқдим. Қарасам, бир арава аравакаши билан тайёр турган экан; русча гапирган киши бўлиб «огонь пойду» дедим. Бу сўзим жуда англашиларли бўлмаса ҳам ёнгин бўлаётган ерга олиб бор деганимни билдирдим. У ҳам мени дарҳол аравасига ўтиргизиб ўт чиққан маҳаллага ет-

кизди. Аравадан тушиб имо-ишора билан кутиб тур, кетиб қолма деган сўзни билдиргандек бўлдим.

Ёнғин устига бориб, ўт ўчирувчиларнинг асбоб-ускуналарига қараб, уларни томоша қилиб узоқроқ юриб қолибман. Бир қанча фурсатдан сўнг қайтиб чиқдим. Қарасам кўпчилик тарқаб озгина киши қолибди. Ҳавони қалин булут босиб қаттиқ қор ёға ётибди. От-аравамни ахтариб топа олмадим. Бўш турган аравага тушдим ва ҳайда деб ишора қилдим. У менинг қаерга боришимни билмай, тўғри келган томонга қараб отини чоптирди.

Келишимда тун ойдин, ҳаво очиқ эди, юлдузларга қараб қайтар жойимни белгилаб қўйган эдим. Бироқ қайтишимда қор ёғиб турганидан қаёққа боришимни биллолмай қолдим. Келишимда шарққа томон юриб келган эдим, энди ғарбга қараб юриш керак эди. Аравачи эса яна тўғри шарққа қараб от солди. Ғарбга қайтариш учун мен унга ҳар қанча ишорат қилсам ҳам, у сўзимга тушунмади. Қетаётиб йўлда ҳар жой-ҳар жойда тўхтаб, сени қаерга олиб борай деб русча гапирар эди. Мен унга форсча жавоб берар эдим. У эса чидай олмасдан мени сўкар эди. Мен ҳам унга қарши лаънат айтар эдим. Бироқ гуноҳ ўзимда эди. Ҳадеб аравадан туш деб қистар эди. Тушсам иккинчи мени миндирмай ташлаб кетишини билиб, дард деса бало деб тушмай ўтиравердим. Агар аравадан тушиб пиёда қолсам миршаб мени ушлаб, қамаб қўяди деб қўрқардим.

Шундай қилиб, беш соатча арава устида ўлтириб қолдим. Шунда ҳам қор қаттиқ ёғиндан тўхтамади. Қорнинг кўп ёққанлигидан бошдан-оёқ қорга кўмилдим. Йироқдан келаётган одам киши кўзига қор чўққисидек бўлиб кўринар эди. Тун яримдан ўтганда, мени кўчада қолдириб ўзи ичкаридаги бир ҳовлининг эшигини қоқди. Аммо ҳеч ким товуш бермади. Буни кўриб мени қаттиқ ваҳима босди. Агар эшикни очсалар мени шу ерда қолдириб кетади, агар кўчага ташлаб кетса, миршаб қўл оёғимга кишан солиб қамаб қўяди, дер эдим.

Аравакаш эшикнинг очилишидан умид узгач, яна аравага ўлтириб, мени сўка-сўка отини ҳайдаб кетди. Аммо мен сўз қайтаришга мадорим қолмай сукут қилишга мажбур бўлдим. Қор тагида худога нола қилиб, агар шу балодан мени қутқарсанг ҳою ҳавас кўчасига иккинчи йўламайин, дердим. Шу орада аравакашга илҳом келиб, мени миршабхонага олиб келди. Мендан шикоят қилиб, бу одам менинг аравамга миниб олди, аммо у тил билмас экан, мен ҳам унинг тилини билмаганимдан уни қаерга олиб боришни била олмай, кўп овора бўлдим, деди. Миршаб менинг устимга келиб русчалаб сўзлади. Мен ҳам «Моя посланник человек», яъни мен элчининг йўлдошиман, агар мени «Большой» растага элтиб қўйса, қўшхонамни ўзим топа оламан, дедим. Қандай бўлса ҳам миршаб менинг сўзимга тушунди. Аравачини койиган бўлиб, бу одам мусофир экан, элчилар билан келган бўлса керак, элчихона катта растада, подшоҳ ўрдасига яқин; сен эса бу кишини паст кўчаларда айлантириб юриб, кўп овора қилибсан; ҳали ҳам тезда бу одамни ўша ерга элтиб ташла, деди. У ҳам «чечас» деб шу соатда мени катта растага келтириб сафаротхона ёнига тушириб қўйди.

Бу қиссадан мақсад шуки, агар мен уларнинг тилини билсам эди, узун тун бўйи бунчалик қаттиқ азобга қолмаган бўлур эдим. Энди ҳикояга қайтайлик].

Ҳалиги тил билмас ҳожиги ҳикоясини давом эттириб деди: ҳинд тилида қийналганимга қўтир бир эшакка миниб, шаҳардан чиқдим. Олдимда катта бир тоғ кўринди. Йўлдошим йўқ бўлса ҳам, ёнимда иккита тўплончам бор эди. Савдогар оғайним кўрсатган томонга қараб юравердим. Кенг далага чиққанимдан сўнг унинг белгилаб берган йўлидан ҳам адашиб қолдим. Бир чиғир йўл билан юравериб тоғ ичига кирдим. Қарасам у тоғда ариқлар оқиб турибди, гул-лолалар очилган, ҳар хил мевали дарахтлар пишиб ётибди, тоғ таги-

дан билқиллаб булоқ сувлари чиқиб турибди, сарв-ар-
ғувон шохларида турли хил қушлар чирқиллаб, сайра-
шиб юришибди. У ернинг чаман-чаман бўлиб очилган
гуллари мушки амбардек хуш ҳидлар сочиб, у ерни
Эрам боғига тенглаштирар эди. Буни кўриб оллога кўп
шукурлар қилдим. Дўзахдан қутулиб, биҳиштга кирган-
дай бўлдим. Ғурбат сафарининг ранжу аламларини,
ҳинд тилида сўзлашишда тортган машаққат ва меҳнат-
ларни унутдим.

Сўнг келишган бир булоқ бўйига тушиб, таҳорат
қилиб, парвардигоримга ташаккур ибодатини ўтаганим-
дан кейин тоғ боғчасини айланиб томоша қилдим. Узум,
анжир, писта, анор, бодомлардан тўйганимча еб, бир-
мунчасини йўл озиғи қилиб олдим. Бечора эшагим бун-
дай жаннат яйловидек жойга еганини билиб, тинмас-
дан ўтлашга киришди. Қолмиш умрида ўзига еткудек
куч-қувват тайёрлаб олди. Мен ҳам унга миниб яна
йўлга тушдим.

Шу юрганимча юриб, тоғлар ичида бир неча пасту
баланд жойларни босиб ўгдим. Бир ингичка йўл билан
юравериб борган сайин ичкарига кирмоқда эдим. Гоҳи-
да гули райҳоннинг кўплиги, ҳар хил дарахтларнинг
қалинлигидан юрар йўлимни ҳам йўқотар эдим. Шундай
қилиб, кун ботишга яқинлашганида яна бир кўкаламзор
майдон — кенг бир ерга етдим. Унда турли ўсимликлар
ётилиб, зумрад рангли бўлмиш эди. Ҳар томонда ариқ-
ларда эриган кумушдек бўлиб сувлар оқмоқда эди. Бу
жойнинг атрофи чўққилари кўкка тиралган эгиз тоғлар
билан ўралган. Тоғ тагига келиб қарасам, уч газ келгу-
дек бир тош ялтираб кўринди. Шу жойда ётишни их-
тиёр қилиб, эшакни ўтлашга қўйдим.

Тош устига сажжода солиб, яратувчининг ибодатига
машғул бўлдим. Кун ботиб, кечанинг қора пардаси ер
юзини қоплаб олди. Эшагимни келтириб тош тагига боғ-
ладим. Йиртқичлардан сақланиш учун олдимга улуғ

бир ўт ёқиб қўйдим. Чунки зиёдли ҳайвонлар кечаси ўтга яқин келмайдилар, деб эшитган эдим.

Ўтпарастрлардек ўтни айланиб турганимда тош тагига боғланган эшагим жони борица тўхтовсиз ҳанграй бошлади. Унинг нохуш садосидан тоғу тошлар акс садо берди; атрофда узоқ-яқин тоғларнинг кўплигидан, юз эшак ҳанграгандек эшитилар эди. Эшакнинг бундай қаттиқ ҳанграган шум товушини эшитиб, қўрққанлигимдан қўл-оёғим титрай бошлади. Бунинг сирини билиш учун тошнинг четига келиб қарасам, эшагим жуда тоқатсиз бўлиб ўзини ҳар томонга ташлаётган эди... Бунга нима бўлди деб тоғ орасидаги қалин тўқай ичига синчиклаб қараб, бир ҳайбатли ҳайвоннинг келаётганига кўзим тушди. Ўзи қора ҳўкизга ўхшайди; кўкраги кенг, боши катта, оёқлари фил оёқлари каби йўғон, кўзлари қуёш косаси каби ялтираб ёнади. Узун қуйруғи бор, ерга уриб ҳайқиради. Аммо ўтнинг шуъласидан яқин кела олмай турибди. Унинг ортида ҳар хил бошқа ҳайвонлар ҳам кўринади.

Бу ҳолни кўриб турган еримда қотиб қолдим. Тош устидан юмалаб тушишимга оз қолди. Нима қилишимни билолмай, қуръон оятларидан ўқиб тўрт томонга дам солар эдим. Худога нола қилиб, калима ва тайибани оғзимдан туширмас эдим. Чунки ажал шамоли эсиб, юзимга уриб турар эди. Қуръон оятларини баланд овоз билан ўқийверган эдим, илгариги ҳайбатли ҳайвон ҳаракатларини бир оз тўхтатиб, кўкрагини ерга қўйиб бизга қараб турди. Бу ҳолни кўриб оллонинг қуръони таъсир қилган ўхшайди деб, товушим борица қироат билан қуръонни тўхтамай ўқийвердим. Иккинчи ёқдан ўт яна улуғроқ ёниб турсин деб ўтга ўтин ҳам ташлаб қўяр эдим. Қисқаси, шу кечада тўхтовсиз қуръон ўқиб, жон талашиб чиқдим. Гоҳида у жониворга қараб, хушонад қилиб, хуш келдинг, мени сенга ҳеч қандай ёмонлигим йўқдир, сен ҳам зиён ишни ўйлама, деярдим.

Шундай қилиб, минг хил қўрқинчлар билан бу тунни ўтказдим.

Тонг отиб кун чиқа бошлаган эди, у жонивор бизга зиён қилишдан воз кечиб тўқайга кириб кетди. Мен ҳам фурсатни ганимат билиб, хуржунни эшакнинг устига солиб жўнамоқчи бўлдим. Қарасам, эшагимнинг ҳам қўрққанидан жони чиқаёзган экан. Бошини кўтаришга ҳам кучи қолмабди. Иложсиз, юкимни елкамга қўйиб йўлга тушган эдим, бир оз юрганимдан сўнг эшагим ҳанграганича ортимдан чопиб келди. Дарҳол устига миниб йўлимда давом этдим.

Шундай қилиб, неча кеча-кундузлаб тоғ ичида юриб, оёқ остимда тўшалган ҳар хил гулларнинг очилиб ётганини кўриб борардим; бир-биридан қизиқ, ажойиб ва ғаройиб нарсаларга дуч келардим. Ҳар турли лаззатли мевалардан еб, ширин мағз данакларни чақар эдим. Бу тоғлар ичида бир турли мева кўрдим, унинг катталиги беҳидек бор эди. Уни ёрса ичидан бир пиёлача энг лаззатли шарбат чиқар эди; уни эса ўз ўрнида ичар эдим. Хуллас, бу тоғларнинг чиройлилигини, унинг ноз-неъматларининг фаровонлигини кўриб мен биҳиштга кириб қолдим чоғи, бундай жой дунёда бўлмаса керак, деб гумон қилар эдим. Отамиз алайҳиссаломдек биҳиштда ёлғиз юрганим учун ўтган кунги йиртқич ҳайвонлар ёдимга тушиб, кўнглимни қўрқув босар эди.

Бир куни йўл юриб бир қайноқ булоқ устига келиб-етдим. Қарасам, тоғ белида тўрт устун устига қурилган ғоятда чиройли бир тахт турибди. Устига инак кўрпа ёпилган, унда бир одам ётибди. Буни кўриб худога шукр қилдим; менга йўлбошчи йўлдош топилди деб ўйладим. Яқинига бориб салом берсам, жавоб бермади. Бу не ишдир деб тахт тагидан унинг устига чиқиб қарасам, ҳалиги кўрганим тошдан ясалган сурат экан. Монидек моҳир рассомлардан бири ҳайкалтарошлик санъатини жаҳонга эсдалик қилиб бу тош устида қолдирибдур. Буни кўрган ҳар бир киши, албатта, тирик деб гумон

қилар эди. Ундан умидим узилгач, яна эшагимни ҳайдаб йўлга тушдим.

Бир неча кун юрганимдан сўнг атрофи гуллар билан ўралган, ҳеч жойда кўрилмаган гули райҳонлар яшнган, кумушдек оқ сувлар ҳар ёқлама ариқлардан оқиб турган кенг бир майдонга келиб етдим. Қарасам, майдон ўртасида тошдан ясалган баланд бир супа турибди. Супа устида темир қозиққа боғланган бир эшак кўринади. Унинг олдида сафар асбоби, озиқ-овқатлар солинган халта-хуржунлар ётибди. Бунини кўриб, бирор йўлдошга етиб келганга ўхшайман; ўзи ўтин теришга ёки ов қилишга кетганга ўхшайди, келиб қолар деб, уч-тўрт соатча кутиб ўтирдим. Келавермагач, нима эканини билолмай ҳайрон бўлдим. Сўнг билсам, уни йиртқич ҳайвонлар ўз маконларига олиб кетган эканлар. Дарҳол у ерда турган хуржун-халталарни ағдардим; юз эллик рупия пул, икки дона фаранги тўппонча, бир дона тилла соат, бир халтачада озроқ чой, қанд, иккинчи халтачада нон ва яхна гўшт бор эди. Бу нарсалар менга она сутидек ҳалол деб, уларни олдим. Қарасам, бу ердаги эшак менинг эшагимдан кучлироқ ва семизроқ кўринди. Юкларни унинг устига ортиб ва миниб йўлга тушдим. Олдимда уч йўл пайдо бўлди. Каттароғида ҳайвон излари кўринар эди. Бу эшакни мингач, ўз эшагимни ўша майдонда қолдирган эдим. Бир оз юрганимдан сўнг ҳанграганича ортимдан ўз эшагим чолиб етиб келди. Бу жонивор ҳам ёлғиз қолишдан қўрқар экан.

Хуллас, бу тоғлар ичида 17 кун юрдим. Аммо ободон шаҳар йўлига чиқа олмадим. Мен саёҳатчи бўлиб дунёни кўп кезиб, кўп ерларни кўрган бўлсам ҳам, бундай хушҳаво, мусаффо жойларни кўрмаган эдим. Гоҳ кўнглимга шу тоғлар ичида ватан қилиб, қолган умримни шу жойда ўтказсам деган фикрлар келади. Лекин ёлғизлик ваҳшати мени бу фикрдан қайтарар эди. Шу тоғ сафарида қанча кун юрган бўлсам, ҳар ерда йиртқичларга йўлиққанымда тўппончалардан ўқ отиб, улар-

ни ўзимга яқинлаштирмадим. 18 кун деганда келаётган йўлимнинг оёғи узилди. Пайқаб қарасам, бир улуг тоғ тепасида турибман. Тоғ шунчалик баланд эдики, сайёр юлдузлар бу тоғ устига тегиб ўтар эди.

Б а й т:

Ҳиш тангро бар осмон дийдам
Сари худро ба фарқадон дидам.

Таржимаси:

Кўкда кўрдим ўзимни,
Юлдузларга сурдим юзимни.

Шимолдан жанубга қарасам, бир улуг дарё оқмоқда. Дарёнинг у томонида йироқдан ободон ерлар кўрилади. Қўшчилар, чўпонлар чумолидай бўлиб кўзга илинадилар. Тоғнинг дарё томони типпа-тик кўтарилганлигидан, қалъанинг деворидай бўлиб қолган. Устидан туриб улкан бир тошни юмалатдим. Бирмунча фурсатдан сўнг тошнинг сувга тушган товуши эшитилди. Кейин у ердан шимолга қараб юрдим. Икки эшакни навбати билан алмаштириб минар эдим.

Бир қанча баланд-паст ерлардан ўтиб, энг сўнг тоғдан далага тушдим. Қарасам, бир чўпон қўйларни ёйиб ўзи бир сув бўйида ўлтирар экан; унинг ёнига бориб бирор соат дам олганимдан сўнг ундан Жалолобод йўлини сўрадим. Чўпон, ана ҳу қорайиб кўринган жой Пешавор шаҳридир, Жалолободни орқангда қолдириб келибсан, деди. Сўнг гапини давом эттириб, сенинг юриб келган йўлинг кўп қатнов йўл эмасдур, у йўлдан ҳеч ким юрмайди, унда йўлбарс, айиқ, бўри ва ҳар хил йиртқич ҳайвонларнинг уяси бор; худо сени сақлаб, йиртқичларга йўлиқмай, омон қолибсан; дастлабки чиққан ерингдан агар Жалолобод орқали Пешаворга келмоқчи бўлсанг, эллик кунлаб йўл юришинг керак бўлур эди; узоқ йўлни яқин қилибсан, қанча қўрқинчли, сув-

сиз чўллар, узун дашти биёбонларни кўрмасдан ўтибсан, деди. Бунни эшитиб худога кўп шукурлар қилдим. Сўйг у билан хушлашиб Пешаворга қараб юрдим.

Шаҳарнинг яқинига етганимда ниҳоятда олий иморатли катта бир сарой ёнидан ўтишга тўғри келди. Фаранг либос кийган эшик оғалари эшик ёнида саф тортиб турган эдилар. Мен эшагимни минганимча, тўғри сарой ичига кирмоқчи бўлдим. Қоровуллар мени ҳой тўхта, қаёққа бораётирсан, кимда ишинг бор, деб тўхтатишди. Мен бу сарой эгаси билан кўришмоқчи эдим, энг зарур ҳолиятим бор, дедим. Мен бу сарой эгаси ҳинд ҳокимларидан бўлиб, албатта, улуғ киши бўлиши керак; менда тилла зийнатли икки дона тўппонча бор, шуларни бу кишига тортиқ қилсам, тирикчилигим учун бирор енгиллик иш бўлур, деб ўйлар эдим.

Қоровуллар бу жой малика томонидан қўйилган фаранг губернатори—Пешавор ҳокимининг саройи дедилар. Мен ҳам кўп яхши, менинг мақсадим унинг дийдорини кўришдир, дедим. Қоровуллар ичкарига кириб, менинг айтганларимни ҳокимга етказдилар. Ҳоким мени кирсин деб буюрган экан, олиб кирдилар. Олий иморатлар билан ўралган кенг майдонда фаранг ҳокими курси устида ўлтирган эди. Ҳинд, фаранг хизматчи болалар унинг олдида саф тортишиб турган эдилар. Тилмоч келиб мени унинг олдида йўллади. У эса менинг ҳолимдан, ватанимдан сўради. Мен унга бурро жавоб бера бошладим. Ўзим бухоролик, ҳаждан келаётган бир одамман; Пешавор шаҳаридан ўтаётиб, сизнинг ҳузурингизга кириб ўтишни лозим кўрдим. Остонангизга икки дона тўппонча совға олиб келдим. Бу шаҳарни кўрганим шудир, ҳеч кимни танимайман; бу жойдан кетгунимча бирор жой тийинлармикинсиз деб умид қиламан, дедим. Нима ҳунаринг бор деб сўради. Ҳеч қанақа ҳунарим йўқ, аммо чиройли хат ёзаман деб, икки тўппончани олдига қўйдим.

Тўлпончаларни қўлига олиб кўриб, кўп хурсанд бўлди, чунки қадрига етса арзийдиган яхши нафис мол эди. Унинг ҳар томонига қараб менга ёқадиган лойиқ совға келтирибсан, сен жаҳонгашта саёҳатчи, кўпни кўрган, яхши одамга ўхшайсан, шу сарой ичида қайси уйни ёқтирсанг кириб ўлтиргин, агар хоҳласанг шаҳар мадрасаларидан бирорта ҳужрани тайинлаб берай, деди. Эшик олдида қоровули йўқ, кириб чиқишим осонроқ, менга мадраса яхши бўлур эди, дедим. Хизматчилардан бирини чақириб, мени унга топширди.

Биз у билан бир мадрасага келдик. Хизматчи мутавалли ва мударрислар билан сўзлашиб, бир яхши ҳужрани бўшатишиб менга топширдилар. Шу орада яна бир хизматчи бир бўхча кийим-кечак, кўрпа-тўшак, ҳужра яроқларини келтириб берди. Емак-ичмак, ўтин, сув, ҳужрага керакли нарсаларни тайёрлашни мутаваллига буюрди. Булардан бошқа, ҳожи нимани сўраса, сўзсиз берилаверсин, бунинг турмушига ҳеч ким ҳалал бермасин, ҳожи истаганича тирикчилик қилсин; бу ерда турганича ҳукм шундайдир деб, ҳаммаларига топшириб кетди.

Мен бўлсам сафарнинг меҳнат ва машаққатларини кўп кўрган, ғурбат диёридан ғам-қайғу шарбатини кўплаб ичган бир киши эдим. Бирданига бундай тайёр давлатга етиб, роҳат тахтига миниб қолганимга ишоналмай, бу кўрганларим ўнгимми ёки тушимми деб хаёл сураб эдим. Сарв бўйли, қора кўзли, ширин сўзли, нозининг ҳинд маҳбублари атрофимни ўраган эдилар. Ой юзли, қуралай кўзли канизаклар хизматимда эдилар...

Шу зайлда бу жойда бир неча кун яхшилаб хордиқ чиқардим. Кўнглим қандай таомни истаса, ўша овқатни тайёрлаб беришарди...

Ҳар икки кунда фаранг сардори мени ўз суҳбатига чақириб, кўп ҳурматлар эди. Баъзида фаранг катталарининг қизи ва хотинлари йиғилган мажлисларга ҳам

бирга олиб борар эди. Бу базмда ўтган ўйин-кулгилар, нағма-наволарни айтишдан тил ожиздир. Ажаб ишки, ўзи қаерда ўлтирса, менга ҳам ўз ёнидан жой кўрсатар эди.

[Сафар аччиқлигини татиш, сафар азобини тортиш қийин бўлса ҳам, гоҳида шунга ўхшаш давлат топишга сабаб бўлиб қолиши ҳам бордир. Сарвари олам умматларини саёҳатга қизиқтириш учун сафар қилинглари — соғлом бўласизлар ва ўлжа топасизлар, деган. Бу ҳадиснинг мазмуни тўғридир. Сафарда касал киши соғаяди, чағай киши мол топади...

Юқориги ҳадиснинг устунги маънисини шудир. Остинги мазмунини олсак, сафар ёмон ахлоқнинг тузалишига сабаб бўлади. Бунинг устига саёҳатчи одам олимлардан бўлса, илмига илм қўшилиб, тажрибаси ортади. Агар дунё талаб бўлса, шу ҳожига ўхшаб излаган орзу-ҳавасига етади].

Энди яна ўз сўзимизга келайлик. Ҳожи ҳикояни давом эттирди: бир куни фаранг сардори мени ўз ёнига чақириб, сен бу шаҳарда мусофирдирсан, киши ҳар ишга чидаса ҳам бекорчиликка чидай олмайди, яна сен ҳам ишсизликдан бекор ўлтириб хафаланиб қолмагин, деди. Мен сизнинг давлатингизда кундузни роҳат, кечани ишрат билан ўтказмоқдаман, соҳиб, дедим. Агар зериккан бўлсанг, сенинг хатинг чиройли кўринади, мен учун Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобини кўчириб беришга ҳафсаланг борми, деди. Мен, бош устига, қандай йўл билан бўлса ҳам сизга хизмат қилиб беришга кўз тутар эдим, лекин буни сизга журъат қилиб айтолмай юрардим, яхши бўлди, бу китобни кўчириб сизга тақдим қилайин, дедим.

Сўнг унинг буйруғи билан ёзиш-чизиш учун керакли яроқларни тайёрлаб бердилар. Олти ой муддат ичида бутун «Шоҳнома» китобини ёзиб олдига келтирдим. Бунини кўриб кўп хурсанд бўлди. Тоза нарсадан уч кийимлик рахт, яна қимматбаҳо бир либос, олтин суви билан

зийнатланган олти отар бир тўфанг, икки минг рупия калдор менга инъом қилди. Шундай қилиб, саккиз ой ўтди. Сўнг менга ватаннинг муҳаббати, ёр-дўст, қавм-қариндошлар билан кўришмоқ ҳаваси кўнглимга тушиб, шунча ноз-неъматларнинг ҳеч бири кўзимга кўринмай қолди. Демак, устимиздаги кўк гумбазнинг чархи икки кунгина бировнинг тилагича айланар экан, сўнгра тўрт кун унинг тескарисига айланади. Бу айланишда эса бошқалар муродларига етадилар. Чунки ҳаёт оламида давлат билан зиллат навбатлашиб келади. Эгиз болалардек буларнинг иккови бирга туғилади.

Туркистон томонига кетмоқчи бўлиб бир кун сардор ёнига рухсат сўраб келдим. Ўзининг хос ўлтирадиган уйига чақириб, менга кўп насиҳат қилди. Шу диёрларда туришимга маслаҳат берди. Агар хоҳласанг ўзим бош бўлиб, яхши оиладан сени уйлантириб қўяй, деди. Ушанда мен агар сардори соҳиб рухсат берса, ўз ватанимга бориб уни зиёрат қилсам, у ердаги алоқаларимдан биратўла узилиб, хизматингизга қайтиб келсам, дедим.

Сўнгра сўзни бошқа ёққа айлантириб, Бухоронинг крим-чиқимларидан сўраб, Бухоро мулкининг деҳқончилиikka яроқли қанча ери бор, деди. Мен, шарқи ва ғарби 15 фарсахча, шимоли ва жануби эса 8 фарсахча келар, Самарқанд унинг сўл сони, Насаб унинг ярми, дедим. Бухоронинг қанча аскари бор? Тинчликда уч минг, уруш кунлари 12 минг, қўшимчалари билан 20 мингга етади, дедим. Бу қўшиннинг озиғи қанча? 12 ман¹ бугдой, дедим. Уни қаёқдан олади? Ушр ва хирождан, дедим. Ёмғир ёғмай, экин унмасачи? Халққа солиқ солинади, дедим. Улар фақир бўлсаларчи? Амирлар, бойлар ёрғу қилинади деган эдим, қаттиқ кулиб, ундай бўлса фуқаро ҳамда сипоҳлар ҳукуматдан ранжийдилар

¹ Ман — ўлчов бирлиги бўлиб, бир ман бир ботмон (8 пуд) дир — *Тарж.*

ва улар камбағаллашадилар, деди. Қолаверса, шундай бир вақтда бирор томондан душман чиқса, шу сипоҳлар билан уларга қандай қарши тура олади дегач, мен бизнинг атрофимизда кучли душманларимиз йўқ, борларига биз ғолибдирмиз, дедим. Агар душман чиқиб қолсачи? Бундай фаразий ишларга берилиб, кўнгилни ташвишлантириш оқиллар иши эмасдир, бу куннинг фикрини қилиш лозим, эртангини эса эртага қолдириш керак, дедим.

Шунда сардор дедик, эҳтиёт чораларидан узоқ туриш давлат қонунига сиғмайди. Чунки дунёдаги ҳодисалар хабарлашиб келмайдилар, балки тўсатдан келиб чиқадилар... Подшоҳларнинг сақланишлари, уларнинг саломат туришлари мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги, сипоҳларнинг розилигига боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фуқаро оч, сипоҳлар муҳтож, амалдор, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат, бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди. Отаси яшаса ҳам болалари унинг ўрнига ўлтиролмайдилар. Ҳукумат интизоми бутунлай бузилади. Подшоҳнинг хазинаси раъиясининг моли билан тўлиши уй устидан тупроқ тушириб ичини суваш кабидир. Бунга ўхшаш мамлакатни ҳукумат, давлат дейиш тўғри эмас. Балки уни гадолар подшоҳи, ожизлар ҳукумати десалар, тўғри айтган бўладилар.

Шундан сўнг у, Бадахшон сизлардан қанчалик йўлдир, деб сўради. 80 фарсах келар, дедим. У кимга қарайди, деди. Юзаки бизга бўйсунса ҳам, у жойнинг ҳукумати ўзидан, дедим. Нега подшоҳларинг у жойни қўлига киргизмайди, деди. Мен, у ердан тошдан бошқа нима ҳосил чиқади, дедим. Буни эшитиб, қўлини-қўлига уриб кулди. Сизлар ажаб одам экансизлар. Ҳукумат олтин билан қурилади. Дунёда ҳеч ким, сизларга ўхшаб, тайёр олтиндан қўл тортмайди. Сизлар олтинни олтин чиқадиған жойдан изламайсизлар, балки олтин чиқмайдиган жойдан ахтарасизлар. Бадахшон шундай

Ўлкадирки, унга қуёшнинг тарбия назари доимо тушиб туради. У жойда кўк султонининг тўрт хазинаси бордир. Унсурларнинг тенглашганлигидан, унда кўп миқдорда тилла, ложувард, лаъл, ёқут конлари бордурки, унга эга бўлиб, бу тўрт конни қўлга киритган кишининг давлати тўрт давлатга тенг келади, балки ундан ҳам ошади. Биздан у ерга олимлар бориб, у конларни текшириб кўздан кечирганлар. Уларнинг айтишларича, у ерликлар ундан фойдаланиш йўлларини билмайдилар. Тошсиниғига, сопол парчаларига қаноат қиладилар. Тарихнинг маълумотларига кўра, ўтган замонда Бадахшон конларининг бирдан ҳар томони беш қаричдан келадиган катта бир лаъл тошини топганлар. Уни подшоҳ ўз хазинасида сақлатган. Бундан жинлар хабар топишиб, Бадахшонни тошбўрон қилганлар, баъзи жойларга ўт қўйиб куйдирганлар. Бу ишдан халққа кўп зарар етган. Сўнгра азайимхонлардан бирови жинлардан бирига йўлиқиб, бу зулм сабабини ундан сўраганида, бизнинг подшоҳимиз шу лаълни ўзига тахт қилмоқчи бўлади, агар бу балодан қутулай десанглар, уни фалон тоғ бошига элтиб қўйинглар, деган. Уларнинг айтган жойига шу лаъл тошини олиб бориб қўйгач, бу балодан қутулганлар. Ҳиндистонни олишдан мақсадимиз ҳам Бадахшонни қўлга киритиб, у конлардан фойдаланишдир. Бу ҳақда Русия давлати билан музокара қилмоқдамиз. Биз билан унинг орасини тўсиб турган бир тоғ —уч кунлик йўл қолди. Шу тоғдан тўғри ўша конларга йўл солиб чиқмоққа ҳаракат қилаётимиз, деди.

[Унинг айтганидек, 1298 ҳижрий йилида Қобул тўполонидан сўнг, амир Абдурахмон хон фаранг одамини Бадахшонга киритди. Лекин фаранглари Ҳиндистон заботидан бўшай олмаганлари учун кончилик ишларига ҳалигача киришганлари йўқдир...].

Энди яна ўз сўзимизга қайтайлик. Ҳожи ҳикоясини давом эттириб деди: сардордан рухсат олиб, у билан хўшлашиб чиқдим. Чиқар вақтимда йўл учун берган

нарсаларидан ташқари, қўлимга бир хат ҳам қилиб берди. Хатда бу фалончи ҳожи бизнинг меҳмонимиз ҳамда бизга кўп хизмат қилган одамдир. Балхга боргунча йўлдаги ҳукумат арбоблари, қалъа соқчилари бу одамни ҳурмат қилсинлар. Хавфлик жойлардан йўлбошчи аскар қўшиб ўтказиб қўйсинлар, дейилган эди.

Ҳокимнинг ишоратига кўра, унинг гуломлари менга бир яхши семиз йўрға хачирни миниб кетишим учун бердилар. Ўзимнинг икки эшагимни ҳам келтириб менга топширдилар. Эшакларим семириб ҳўкиздай бўлиб кетган экан. Ҳар икковини Пешаворда 160 рупияга соғдим. Хачирни миниб карвон қофиласи билан Балх шаҳрига саломат келдим. Балхга етгунимча йўлда ҳокимлар, сипоҳлар мени кўп ҳурмат қилдилар. Улар мени меҳмон қилиб, кетар чоғимда юз рупия, эллик рупия, қолаверса устига яхши нарсалар қўшиб ҳадялар берар эдилар. Туркистон тупроғига келганимда беш минг рупи пул ва минг рупиялик тоза нарсаларим бор эди.

Биз тўққиз киши бўлиб борардик. Амударёдан ўтишимиз билан 13 отлик қароқчи туркман устимизга от қўйди. Онадан туққандай қилиб, бутун эғни-бошимизни ечиб олдилар; ялиниб-ёлвориб, оёқ-қўлларини ўпиб, арағ жонимизни омон қолдирдик. Отга ёпадиган шолчаларнинг эски-тускилари билан авратимизни ёпиб, оч қолиб, чанқоқлик тортиб, йиқилиб-туртиниб, ўлдим-ўлдим деганда Қарки қўрғонига етдик. Шодмонбек деган одам у ерда волий экан, унга йиғлаб арз қилдик. Унинг буйруғи билан қароқчиларни тутиб келтирдилар. Қароқчилар игнамизгача йўқотмай, барча нарсаларимизни бекка топширдилар. Бундан биз кўп хушвақт бўлдик. Ҳар қайсимиз ўз молимизни таниб, уни ўзимизга қайтариб беришни кўрғон бегидан сўрадик. Ҳоким эса сабр қилинглар, мен буни яхшилаб текширай деб, ўғриларни чақириб бу молларни сизлар шулардан олдингларми ёки бошқаларданми деб сўраган эди, қароқчилар чўлда биз бир қанча кишиларни яланғочлаб ол-

дик, буларми ё бошқами танимаймиз, дедилар. Ҳоким бу сўзларни эшитгач, бизга қараб шовқин солди. Бу молларни биз сизларга гувоҳ ва исботсиз бера олмаймиз, ҳазрат амирга буни арз қиламиз, қани нима буюрадилар, деди. Шунда биз ҳой бегим бизлар бир-бирларимизга гувоҳмиз деган эдик, сизларнинг гувоҳликларинг қабул эмасдур, балки сизлар ҳам ўғри бўлсанглар биз уни қаёқдан биламиз, деди. Ҳар қанча ялиниб-ёлвориб, йиғлашиб ҳам кўрдик, фойда бермади.

Б а й т:

Шуни дам гўсфандиро бузурги,
Раҳонид аз даҳону дасти гурги.
Шабон гаҳ корд бар ҳал қаш бимолид,
Равони гўсфанди азвай бинолид.
Ки аст чанголи гурган дар рабуди,
Чу дидам оқибат худ гирг буди.

Таржимаси:

Эшитдим бир киши қутқазди бир қўйни,
Бўри оғзига кирган эрди бўйни.
Ушал кун кечқурун шул қўйни сўйди,
Буғуз остига ўткур тигни қўйди.
У қўйнинг жони йиғлаб, нола қилди,
Қўзидин оқди ёши жола қилди.
Қутултирган эдинг бўри қўлидан,
Қутулмас бўлди жоним сен бўридин.

Молимиз тегиб қолармикин деб умид қилиб шү ерда бир неча кун судралиб юрдик. Ҳоким ёнига ҳар келганимизда ундан кўп ёмон ҳақорат сўзлар эшитдик. Охири бизга аниқ маълум бўлдики, ҳоким шу қароқчиларнинг сардори, улар эса буларнинг чокарлари экан. Энди кетайлик десак, йўлкирага ҳам пул йўқ эди. Ўртага бир неча кишиларни восита қилиб, ҳокимдан аранг беш-ўн тангадан пул олдик.

Шу билан кўп хорлик-зорлик тортиб, минг машаққат, меҳнатлар кўриб, ўлай-ўлай деганда гадолардек

Бухорога кирдик. «Хубби ватаним — чиқарди кўтанам» деган ўзбекларнинг мақоли бизга тўғри келди. Мен ҳам шу хижолатлик билан ўз ватанимга кирдим. Қарасам, меҳрибон онам дунёдан ўтибди. Ундан кичик бир ҳовли менга мерос қолибди. Минг турли машаққат ва тахликалар остида жон талашиб, зўрға шу йилни ўтказдим.

Б а й т:

Мо озмуданим дарин шаҳр бахт хиш,
Берун кашида бояд азин вирта рахт хиш.

Таржимаси:

Синаб эрдим бу шаҳарда бахтимни,
Кўтармасам бўлмас энди рахтимни.

Ҳали ҳам бўлса Ҳиндистонга қайтиб кетганим яхши, нонтепкилик қилиб у ердан келган эканман, бу жойда кун кўролмайдиганга ўхшайман дедиму, ҳовличамни дарҳол сотдим. Керакли сафар тайёрлигини кўриб тездан йўлга тушдим. Манзилдан манзилга кўчиб, анча ой-кунлар ўтказиб, насибам тушган экан, қилган ваъдамга мувофиқ, Пешаворга келиб, тўғри фаранг сардорининг хизматига етдим. У мен билан аввалгидан ҳам иссиқроқ, муҳаббат билан кўришиб, мендан сафар машаққатларини, йўлда юз берган қизиқ воқеаларни бирма-бир сўради. Мен ҳам бошдан-оёқ тортган машаққатларимни, кўрган ҳодисаларимни қолдирмай айтиб бердим. Ўшанда у менинг ҳолимга раҳми келиб, Туркистоннинг интизомсизлиги ҳаммага маълум эди, Русия мамлакати орқали кетганимда мунчалик машаққатларга қолмаган бўлар эдинг, деб менга кўп меҳрибонлик қилди.

[Ажабо, мусулмонларга бошқалардан кўра, насоро-лар меҳрибондирлар деган қуръон сўзи албатта ростдир. Насоро халқи ўз ўрталарида қилмаган меҳрибонлик ва юмшоқликни ислом аҳлларига қиладилар. Агар

Ўзингизнинг давлат арбобларингиз ёнига илм-ҳунар аҳлларида бўлган бирор одам икки-уч қайта кирса, уни оғирсинади. Аммо насоро катталарида тамоман бошқача; ҳар кўришганларида аввалгидан ҳам яхшироқ муомала билан кўришадилар.

Масалан, мен бир марта Русияда бўлганимда улуг хонлардан бири таржимон дўстим Қозимбек орқали мендан толе масаласини сўради. Мен уни неча қайта рад қилиб, кечирим сўрадим. Бироқ иккинчи бир мажлисда менга шундай адабий сўзлар билан тамоллуқ кўрсатиб, мени лол қилди. Бу мамлакатларнинг арзи бизнинг зичларимизда йўқдир, деди. Шунда мен агар бу таржимон осмон курасини (глобусини) топса, бу масалангиз устида бирор нарса ёзиб маълумот беришим мумкин, дедим.

Бир куни ташқарида юриб қўшхонамга келсам, (Қозимбек) ер ва кўкнинг икки дона янги курасини келтириб токчага қўйиб кетибди; сўрасам, Қозимбек келтирган экан. Сўнгра Қозимбек келганида унга бир дона кура етар эди, сиз икки дона келтирибсиз, дедим. У, вазирнойримиз Страмахов олдида эдим, эрталаб туриб кетмоқчи бўлдим. У мендан қаерга борасан деб сўради, мен фалон фарангнинг дўконига бориб, ундан бир дона кура олиб, фалончига элтаман, иши тугагандан сўнг қайтариб эгасига элтаман, дедим. Шунда у, элчиларга берилган нарсани қайтариб олмайдилар, бу иш номусдир; бир эмас, икки курани олиб бор, ҳадя тариқасида унга бергил, куранинг ақчаси хазинадан берилажак, деди. Мен ҳам ўз навбатида бу куралар баробарига унга бирор нарса тортиқ қилишим керак эди, лекин ўзимда унга лойиқ нарса бўлмаганлигидан унинг ҳақиқа мақтаб уч-тўрт байт айтиб тақдим қилдим.

Б а й т:

Истрамахов кони маҳак зебари улум,
Дар қабзу баста амири кафи осифи замон.

Диданд халқ шираму ҳичҳам надода анд,
У, шъериман надиду ато кард бедарон.
Аҳли карам |бо аҳли ҳунар симу зар диҳанд
Ў гирд карду до баман илм кун факом
Яъни на дар хўр ту вад нақди мулку мол
Қўи замин бадасти туб бодоу осмон.

Таржимаси:

Страмаховдир билингким илмининг зийнати,
Ҳам шаҳаншоҳ олдида осифдек эрди ҳурмати.
Қўп кўриб халқ шеърими ҳеч ким ато қилган эмас,
Лекин ул кўрмай туриб кўп нарсa инъом айлади.
Ким сахий бўлса бсрар шоирлара олтин, кумуш,
Ул йиғиб бирдан бутун оламни эҳсон айлади.
Яъни сенга кўрмадим лойиқ бу дунё молини,
Ери кўп бўлсин, қўлингда, сен буни олғин деди.

Бу шеър унинг қўлига тегиб мазмунига тушунгандан сўнг, бир ерда кўришиб қолиб сўз қадрига етганлигидан оғиз, юзимни ўпиб, ялаб кетди. Илмга керак нарсалардан сенга нима лозим бўлса, менга айтгин, бариин тайёрлаб берурман, ватанингга борганингдан кейин ҳам зарур бўлган нарсаларни ёзиб юборсанг у ерга ҳам юбораман, деб мени кўп қистади. Агар таманинг хорлигидан ўзимни сақламаганимда эди, беш-олти минг тангалик ажойиб асбобларни ундан олган бўлур эдим.

Бизнинг вилоятларимизда эса шоирларимиз тортиқ умиди билан шу каби шеърлар айтиб бойлар, амирлар ҳузуридан ўтказсалар, қуруқ баракалло эшитадилар, мукофот ўрнига солинган қовоқ, совуқ сўз оладилар].

Яна ўз сўзимизга келайлик. Сайёҳ ҳожи давом этиб деди: фаранг сардори менинг сўзларимни эшитганидан сўнг яна аввалгидек турар жойимни, ҳар ойлик маошимни тайинлаб, ўзимни китоб кўчиришга буюрди. Ўз девонхонасига бирмунча хушхат ёзувчиларни йиғиб, қуръон, ҳадис ва тафсирларни ёздирар эди. Яна бир

қанча ёзувчилар қасос (қисса ва дoston—*Тарж.*), тарих китобларини ёзишга буюрилмиш эдилар. Баъзилар бу ёзилмиш асарларни фарангча, немисча тилларга таржима қилар эдилар. Бир жамоа одамлар мардикор бўлиб ишлаб арава билан тош тошиб, денгизга тўкар эдилар. Бир неча кунлаб ишлаб, денгиздан икки-уч газ ер очсалар, кўтарма қилиб, устунлар ўрнатиб, устига иморат солар эдилар. Ишчиларга ҳар куни беш рупия берилар эди.

Бир куни сардордан битта дўкон ясаш учун негашунча кўп чиқим қиласиз, бунинг устига қанчадан-қанча ислом китобларини кўчирувчиларга ойлик тўлаб, уни кўчиртираётирсиз, буларнинг сизга нима фойдаси бор, деб сўрадим. Ўшанда у менга қараб деди: буларнинг сирига сизлар тушунмайсизлар... Бизларни дунёни обод қилиш учун келтирганлар. Шунинг учун биз қуруқлик ва сувлик ерларни кезиб янгидан-янги ерлар топамиз, тоғ-тошлар, дашт-саҳроларни кезиб конлар чиқарамиз. Дунёда ҳар хил динлар, турли маслаклар кўпдир. Ҳар ким ўзи тутган динини, ўзи юрган йўлини тўғри деб билади. Уларнинг қайси бири ҳақ, қайси бири ботил, қайсиси тўғри, қайсиси эса эгри эканлигини текшириб кўришимиз керак. Қайси дин ҳақли бўлса, шунга кириш, қайси йўл тўғри бўлса, шунга юриш керак. Дунё халқлари дунёдан фойдаландилар. Бироқ уни ўзича ташлаб қўйдилар. Обод қилишга киришмадилар. Унда харобалик юз бериб яшашга ярамайдиган ҳолга келадди. Агар боғни тарбия қилмай ташлаб қўйсанг, йил сайин унинг мева бериши озайиб, сўнг у бутунлай қуриб қолиши шубҳасиздир. Сизлар тоkning узумини ейсизлар, аммо унинг томирини қурт еб, шохини совуқ уриб кетиши билан ишларинг йўқ... Биз ерни фойдасиз чўпхаслардан тозалаб, турли экин экиб, уни фойдаланишга яроқли қиламиз. Агар бир дўкон ўн минг танга билан тайёр бўлса, унинг неча турли фойдаси бордир. Масалан, биринчидан, шаҳарнинг кўркини оширади, иккин-

чидан, савдогарлар учун тайёр жой, учинчидан, дўкон
ҳақи учун ҳар йили беш юз танга ижара тўланади; шу
зайлда ижара йиғилиб турилса, ўн йилда давлат хази-
насига катта кирим бўлади, деди.

Шу ҳолда китоб кўчириш хизматида бирор йил тур-
ганимдан сўнг, яна саёҳат ҳаваси кўнглимга тушиб,
сардордан рухсат сўрадим. Тилагимнинг қатъийлигини
билиб, ночор рухсат беришга мажбур бўлди. Кетар вақ-
тимда яхши рахтлардан кийимликлар, йўлдаги ҳукумат
одамларига номланган топшириқ хатлар бериб, хўшла-
шиб узатиб қўйди. Агар ўз ватанингга боролмай қолиб,
ҳар вақт қайтиб келсанг, яна турар жойинг шу ер бўл-
син деб, менга кўп илтифотлар қилди.

Мен унинг хизматида турли ўйин-кулги ва ҳою-ҳа-
васларга ортиқча сарф ва харажатлар қилган эдим.
Шунга қарамасдан, бир йил ичида минг рупия сармоя
орттирган эканман. Шу билан йўлга тушиб, Ҳиндистон
усти билан юриб Мисрга етдим. Бу ерда бир неча қофи-
лани кутиб туришга тўғри келди. Қарасам, бекор юриб
бор сармоямни еб қўядиганга ўхшайман. Шунинг учун
бозордан ҳар хил совун, атир, узук ва сирға, ип ва иг-
на ҳамда шунга ўхшаш нарсалардан олиб бир идишни
тўлдирдим; уни кўтариб Мисрнинг катта кўчаларини,
бойлар маҳалласини эртадан кечгача айланиб юриб;
нарсаларимни ўн, йигирма, ўттиз барабар фойдасига
сотсам ҳам қаноатланмас эдим. Кечқурун нарсасиз му-
софир такиясига келиб ётар эдим.

Бир кун одатдагидек Миср кўчаларида айланиб
юриб, кенг бир майдонга келибман. Қарасам, унинг бир
томонида зийнатли олий бир иморат бўлиб, унинг эшиги
ёнида қоровули ҳам бор эди. Мен тўғри шу ерга келиб
ичкарига кирдим. Чунки бу ернинг одати бўйича мусо-
фир ҳожиларнинг сарой ичига киришларига қаршилик
кўрсатмайдилар. Мен ҳам ҳеч кимга қарамай, тўғри
саройга кириб кетавердим. Сарой ичини айланиб юриб,
мен мусофир ҳожиман, атир-совун ва бошқа нарсала-

рим бор, кўп берсанг қайтармайман, озига қаноат қиламан деб баланд овоз билан ҳайқириб юрганимда, юқорига кўзим тушди. Қарасам, тўлини ойдек бир хотин дарчадан бошини чиқариб менга ноз-ишва қилиб, ҳожибобо нималарни сотасан, саватингда нималар бор, дейиши билан жонсиз суратдек тикилганимча қотиб қолдим ва хоним истаганингизнинг ҳаммаси бор, агар жон истар экансиз, уни ҳам шу сават ичидан топиб бераман, дедим.

Шундан сўнг бир канизак югуриб тушиб, хоним сендан нарсалар олмоқчи ва сени ичкарига чақираётир деди. Бу хушхабарни эшитиб танимга қайтадан жон кирди. Мен ҳам, бош устига деб, юқорига, ичкари томон кирдим. Қарасам, қасрнинг ичи дур ва гавҳарлар билан зийнатланган, дарчаларига ипак пардалар туширилган, духоба-бахмал тўшаклар солинган, кумуш каравотлар, парқу тўлдирилган курсилар, олтин, кумуш шамдон ва гулдонлар қатор терилган, тилла қандиллар осилган, чинни табақлар, биллур косалар, кумуш идишлар тоқчаларга тизилган. Уй ичига солинган ипак нарсалар, бахмал бисотларнинг ҳусни жамолига фалак рашк қилар эди. Уй ичидаги нақш-нигордан Эрам боғи хижолат бўлар эди. Мен бу жойнинг муҳташам зийнати кўриб, ҳайронликдан оғзим очилганича қолди. Бу ерга қандай келиб қолдим деб ҳайбат босиб, қўл-оёқларим титрай бошлади.

Ул нозанин санам менинг ҳолимни кўргач, гулдек очилиб ширин тил билан: ҳожибомолини кўрай, яқинроқ келтир, деди. Қўлимни адаб билан кўксимга қўйиб, нарсаларимни ёнидаги стол устига элтиб қўйдим. Менга, юмшоқ курси устига ўлтир деб, ишора қилди. Таъзим қилиб бориб ўлтирдим. Менинг ватаним ва эл-юртимдан сўради. Чиройли жавоб бердим. Сўнгра бу жой кимнинг саройи, билдингми, деб савол бериб, ўзи жавобини ҳам айтди: бу Миср волийсининг саройи, мен унинг хотинлари орасида ҳурматлигидирман...

Хоним билан дилкаш суҳбат қилдик. Хонимга суҳбатим ёқиб қолиб, айш-ишрат мажлисини қуришга буюрди. Мен учун турли таомлар тайёрлаб келтирдилар. Еб-ичиб бўлганимиздан сўнг, хоним, сен шу ерда туришни истасанг унинг чорасини қиламан, сават кўтариб кўча-кўйни айланиб юришдан қутуласан; бу уйнинг даҳлизида бир жой бор, бутун шаҳар халқи шунинг тагидан ўтади, агар сен у ерда ўлтирсанг ҳеч зерикмайсан, кўчага чиқишга ҳам эҳтиёж қолмайди, қолаверса, яна сенга ҳозир минг тилла бераман, деди. Мен амирнинг саройида қандай қилиб бунга журъат қилиб бўлади, миршаб томининг ортида туриб, ўғриликини ким ўйлай олади, бу ишни ақлидан адашган, мияси айниган кишигина қилиши мумкин, дедим. Ўшанда хоним: бу тўғрида кўнглингга ҳеч ташвиш тушмасин, деди. Шу орада канизаклар бир бўҳча бош-оёқ ипак кийимлар келтириб, кийгизиб мени чўғдек ясантириб қўйдилар...

Шундан сўнг канизаклар яна шароб, кабоблар ва ҳар хил таомлар келтирдилар. Олдимизга писта, бодомлар тўкдилар. Нағма-наво, рақсу самолар қилдилар. Шу ҳолда маишат қилар эдик, бирданига амир келиб қолди. Амирнинг мен билан суҳбат қилиб турган хотини ҳам шошилганича уст-бошини аранг ўзгартириб, ўзига зийнат бериб, менга сен хотиржам бўл, хизматингда канизаклар турадилар, сен бизнинг волийимизни томоша қил деб, пастга тушиб кетди.

Мен болохона ойнасидан амирнинг аҳволига қарар эдим. Сарой саҳнига курси ва столлар келтириб қўйган эканлар; амир шунга келиб ўлтирибди. Устига фарангча либос, бошига қуш қаноти қадалган тақия кийган экан. Тўлин ойдек, сарв бўйли, нозик хотинлар юқориги уйлардан тушишиб, ҳаммалари амирга салом бериб, таъзим қилдилар. Амирнинг бурни осмонга кўтарилган; такаббурлик тумшуғини чимириб, хотинларининг ҳаммасига кўз қири билан қараб, ҳеч бирига очилиб гапирмас эди. Хотинлар эса дам-бадам унинг илтифотига

интизор бўлишиб, таъзимга бош қўядилар. Шу орада амир хотинларидан шароб сўраб, ўзи хаёл сўриб қолди. Ҳамма хотинлари гул рангли шаробларни биллур косаларга тўлдириб тутганларича амирга термулиб қараб туришар эдилар. Бир оз фурсат ўтгандан сўнг шунча паривашлар ичидан менинг маҳбубимга ишорат қилди. У минг ноз-карашмалар билан келиб, косани амирга берди. Шаробни симириб косани унга қайтарди. Маҳбуб шаробнинг қолганини ичиб, орқаси билан юриб келиб ўз жойида тикка турди. Шу хилдаги ярим соатча вақтдан сўнг амир чиқиб кетди. Мен унинг такаббурилигига, ҳарамдаги хотинларининг унга қилган муомалаларига ҳайрон қолдим...

Қисқаси, ой юзли бу нозанин маҳбубнинг кўрсатган манзилида қирқ кунча яшириниб ётдим. Бу кунларнинг ҳаммасида ҳам бошим айш-ишратдан чиқмади. Охири кўнглимга эл-юртим, ёр-биродарларимнинг муҳаббати тушиб, ул маҳбубдан кетиш учун рухсат олдим...

Шайтоннинг тузоқ тўрларидан саломат қутулганимни ғанимат билиб, тезгина ҳужрамни йиғиштириб, савдогарлар кемаси билан денгизга тушиб, Одесса орқали Москвага келдим. Русияда бир неча кун турганимдан сўнг, Туркистон карвонига қўшилиб Тошкентга келдим. У вақт Тошкент амир Насруллога қарар эди. Яхши нарсалардан совға-салом қилиб ҳокимни кўргани келдим. Мен ҳушхат котиб бўлиб, жаҳон кўрганлигимдан мени ҳукумат хизматига олдилар. Хизматда кундан-кунга мартабам ошиб, даражам кўтарилди.

Мени Тошкентдан бир томони рус, бир ёғи Хитой тупроғига етгунча, Қизилжар билан бутун Дашти Қипчоқ арқа қозоқларига ҳоким қилиб, қўлимга ёрлиқ бериб жўнатдилар. Бутун чорва ва мол закотларини ҳар йили йиғиб олиб, хазинага топшириб туришга буюрдилар.

Бир неча ёрдамчи кишиларни олиб, қозоқ элати ичига кирдим. Амирлик, ҳокимлик тахтини қуриб, мен сиз-

ларга катта хўжайин бўлдим деб, ҳар томонга киши чоптириб, ҳар ёққа жар солдирдим. Мисрда юриб нафси шайтонни қондирган эдим. Эндиги умримда ақл тизгинини ҳою-ҳавас қўлига бермай деб, қанча тиришганим билан унинг уддасидан чиқа олмадим...

Қозоқларнинг расм-одатлари бўйича, улар бир жойда ўлтиравермайдилар. Қайси ер сувли, ўтли бўлса, шу жойга кўчиб борадилар. Ҳар ойда даштдан-даштга, тоғдан-тоққа кўчиб юрадилар. Мен ҳам шулар билан бирга кўчиб юришга одатландим. Ҳукумат давлатига, айш-ишрат лаззатларига аввалгидан ҳам юз чандон берилиб кетдим. Шаҳарнинг узоқ-яқинлиги хаёлимга ҳам келмас эди. Бир куни эски жойимиздан кўчиб, бир тоғ этагига келиб қўндик. Бу жойда гуллар очилиб, кўкаламзор бўлганлигидан ер ҳам осмондек ям-яшил эди. Ҳар жой, ҳар жойда қора уйлар тикилган, яшил бахмал тўшалган, ер устига қизғалдоқ туслик қолинлар солинган, уларнинг устида қозоқ қиз-жувонлари ўйнашиб, қўшиқ айтишар эдилар. Мен бўлсам подшоҳдек тўрда ўлтирар эдим.

Бир куни гапдан гап чиқиб бу ердан Тошкент қанча кунлик йўл деб сўрадим. Бириси икки ойлик йўл деди. Бунини эшитиб ҳушим бошимдан учди. Бу ердан ўз ватанимга қандай бора оламан деб, кўп ғам босиб, ҳайрон бўлдим. Шу орада қозоқ тўралари, уларнинг бий ва додхоҳлари бир куни менга дедилар: сиз бизга амир-девонбеги бўлиб, хон томонидан юборилган кишисиз; сизнинг мижозингиз бизга тўғри келиб қолди. Энди сизни ўзимиздан уйлантириб қўямиз, сиз энди амирлик ишини ташланг; бизга имом бўлиб, дин ўргатинг, бутун қозоқ халқига сизни мулла қилиб оламиз. Бу ишни сизнинг амирлигингизга ҳеч қандай зиёни йўқдир. Балки даражангиз ошиб, мартабагиз кўтарилади.

Уларнинг сўзларини қайтариб бўлмагач, мен уларга дедим: сўзларинг тўғри, яхши маслаҳат ўйлабсизлар. Лекин имом бўлишлик жуда улур ишдир, имом олло-

нинг ҳанифасидир. Менинг буйруғимни бажариб, айтганимни қилмасанглар, кофир бўлиб қоласизларми деб қўрқаман, чунки сизларга мулла бўлувчи оллонинг амри билан имом бўлади. Ундай одамга Жабраил алайҳиссалом ёки илҳом паришталари кўкдан тушиб олладан буйруқ келтириб турадилар. Имомнинг амри бўлгач, уни бажармовчилар кофир бўлиб қоладилар.

Буни эшитиб, барчаси бошларини ерга қўйиб, сенинг буйруғингдан ҳеч чиқмаймиз, сенинг буйруғингни худонинг буйруғи деб биламиз, деб ҳаммаси қасам ичди. Сўнгра мен учун ясалган-безалган икки уй, эллик туя, икки юз қўй, бир қанча кигиз, гилам, кўрпа-тўшак, уй асбоб-ускуналарини менга топширдилар. Катталарнинг қизларидан танлаб бир қизни олиб бердилар. Менинг турар жойим ўрдага ўхшаб қолди. Келди-кетдиларим кўпайиб кетди. Эр ва хотинлардан иборат бир тўда кишилар хизматимда бўлиб, эшик олдида доим туришар эди.

Буларнинг вақтсиз кириб-чиқишларидан зерикиб, бир куни катталарни йиғдим, менга бу кеча кўкдан қиз-келинлардан танлаб сенга навкар қилиб қўйсинлар, кўчганда-қўйганда улар сен билан бўлсинлар, уларга сен илм ўргатгин, қайси бирини кўнглинг севса қаршилиқ қилмасин, гуноҳкор бўлиб қолади, сендан рухсатсиз ҳеч ким ёнингга кирмасин, эшигингга қоровул қўймасинлар, сенда кимнинг ҳожати бўлса, шулар орқали еткирсин деган илҳом келди, деб айтганимдан сўнг, улар жонимиз билан қабул қилдик деб, қиз-келинларни йиғдилар. Мулланинг хизматида бўлиб нима деса қабул қилинглари деб қаттиқ тайинладилар. Шундай қилиб, ҳусни жамолли, энг чиройли қирқ нафар қиз-келинларни ўзимга навкар қилдим. Фаранг сардорининг тартибидек бир уйни ўзимга хослаб хилват қилиб ясаб қўйдим. Қайси бирига кўнглим мойил бўлса, ўша билан хилватхонамда суҳбат ўтказардим...

Ҳар қачон кўчганимизда бу қизлар безаниб-тўзаниб йўрға от, туяларга минишиб, атрофимни ўраб олишиб йўл юрар эдилар. Қайси жойга қўнмоқчи бўлсак, энг яхши жойни танлашиб, менинг уйимни ўша ерга қуришар эди. Шу бўлиб булар ичида беш йил туриб қолдим. У ёқ-бу ёққа кўчганимда 20 туя менга етмайдиган бўлди.

Охири бу хилдаги суҳбатлардан жуда безор бўлдим. Уйин-кулги, фисқ-фасод ишларидан ҳам тўйдим. Еган-ичганларим, қилган айш-ишратларим татимай қолди. . .

...Дарҳол йўл тараддудини кўриб Тошкентга қараб жўнадим; шаҳарга кириб тўғри амир саройига келдим. Менга ёрлиқ бериб бутун Дашти Қипчоққа волий қилиб юборган ҳоким билан кўришмоқчи бўлдим. Бироқ мен кўрган, мен билган кишиларнинг бирортаси ҳам кўзимга кўринмади. Бутун ишлар бошқача, қаёққа борсам экан, кимдан сўрасам экан деб турсам, сенга ким керак эди деб мендан сўрадилар. Мен ҳоким билан кўришмоқчи эдим, дедим. Ҳокимнинг ким деганларида, фалончи дедим. Ушанда бири: э, бу қаландарнинг чеккан нашаси миясини айлантириб қўйибди, уни бу ерда уриб ҳайданглар деган эди, ҳай-ҳай дегунимча бош-оёғимга уч-тўрт қамчи уриб, сен қаерда юрган одамсан, бу замон Қўқон хони Шерали хоннинг замонидир. Ҳозирги ҳоким фалончи деган киши, Қўқон амирларидан, фалон тарихда келиб Тошкентни урушиб олди. Сен сўраган одам Бухоро амири томонидан қўйилган ҳоким эди. Ўша тўполонда ўзига қарашли бир неча кишилар билан қалъа деворидан ташлаб қочган эди, ўлдими-қолдими — ундан бизнинг хабаримиз йўқ. Жонинг борида қоч, йўқол, қорангни кўрсатма; оёғингга кишане соладилар, қассоб қўйни осгандек дорга осиб ўлдирадилар, дедилар.

Бу сўзни эшитишим билан уларга раҳмат айтиб чиқдим; бахтимга Бухорога кетаётган саёҳатчилар бор

экан, шуларга қўшилиб, саломат Бухорога келдим. Бухорога келганимда белимга тугилган уч юз тилладан ортиқ пулим бор эди...

[Бу ҳикоядан саёҳатнинг фойдаларини, мамлакатни идора қилиш, салтанат ўрнатишнинг тартиб ва низомларини билдик].

МУЛЛА ХОЛМАТНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Хаётда кам учрайдиган ишлардан бири йиртқич, ваҳший ҳайвонларга йўлиқишдир. Инсоннинг йиртқичлар, йўлтўсар қароқчилар қўлига тушиб, улардан омон қолиши ҳам ҳаётда кам учрайди. Қийинчилик кетидан енгиллик келар деганларидек, китобларда шунга ўхшаш воқеалар кўп ёзилган. Уларнинг баъзи бирларини ўқиб, бу нарса ақлдан узоқ деб ўйлаймиз. Аммо ўз замонамизда содир бўлаётган баъзи бир ишларни кўриб, ўқиган ёки эшитган ишларимизнинг ҳам ҳақиқатан бўлиб ўтганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жумладан, шундай ишлардан бирини ҳикоя қилайлик.

Бир дўстимнинг ҳикоя қилишича, Бойсунда мулла Холмат деган кўп яшаган, кўпни кўрган гавдалик бир кекса одам бор эди. У ёшлигида тиним билмаган, баҳодир одам экан. У ўзининг йигитлик давридаги қилган ишларини, айиқ ва йўлбарслар билан тўқнашиб қолиб, улар билан олишганларини менинг дўстимга гапириб берганида, дўстим ҳайрон бўлиб қолар экан.

Уша мулла Холматнинг айтишича, бир куни тоғ ортидаги элатда катта бир тўй бўлиб, ҳаммалари шу

тўйга чақирилган эканлар. Мулла Холмат ҳам қишлоқ одамлари билан тўйга бориб, қайтаётган чоғида йўлдошларидан ажралиб қолибди. Бундан мақсади эса тоғ ичини айланиб, уч-тўрт кун ов қилиб қайтиш экан. Милтиғини олиб тоғ ичига кириб, қанча каклик ва бир қанча кийик отгач, овга қизиқиб кеч бўлиб қолганини билмай қолибди. Қоронғи тушиб қолганлигидан манзилига етиб боришнинг иложи бўлмай, тоғ ичида ётиб қолишга тўғри келибди. Қулайроқ жой ахтариб у ёқ-бу ёққа юрар экан, бир тоғнинг этагида битта катта дарахтни кўрибди. От солиб бориб қараса, келишган текис бир жўкламзор экан. Бир булоқдан шишадек сув чиқиб кўкатлар устига ёйилиб оқмоқда экан. Бу кеча шу ерда ётмоқчи бўлиб отини ўтга қўйиб, дарахт устига чиқибди, дарахт катта бўлганлигидан, унинг устидан ўзига ва отига жой ҳозирлабди. Чунки бу тоғда ҳар хил йиртқич ҳайвонлар борлигини аввалдан билар экан... Кун ботгач, отининг тўрт оёғини ғунча қилиб боғлаб, бир қўйни тортгандек, уни дарахт устига тортиб чиқарибди. От гўё фаросатли бўлганидан унинг мақсадини билиб, ёнбошлаганича, оёқлари боғланган ҳолда қимирламасдан ётаверибди. Ўзи эса таҳорат олиб, қолган намозини дарахт устига чиқиб ўқишга киришибди. Милтиғини қўйиб балодан ўзинг сақлагин деб, худога сиғинар экан.

[Бу ҳикояга мен аввал ишонмаган эдим. Агар одамнинг тани пўлатдан бўлса ҳам отни ундай қилиб кўтаролмас керак деган эдим. Бироқ бир куни Бедилнинг «Чор унсур» китобида ёзилган унинг амакиси Мирзо Қаландарнинг минган оти чарчаб қолганида, бир сойдан иккинчи сойга отини ўзи кўтариб ўтганлиги ҳақидаги сатрларни ўқиганимдан сўнг, ҳар даврда шундай кучли одамлар онда-сонда чиқиб қолар экан, деб ишондим].

Қисқаси, мулла Холмат ухламай туриб, тоғ тарафидан тошларни бир-бирига уриб келаётган катта бир

хайвоннинг шарпаси эшитилибди. Кечаси ойдин эди. Пойлаб қараса, ҳўкиздай катта бир йўлбарс мулла Холмат ётган томонга қараб келаётган экан. Унинг кўзлари чироғдек ёниб, ҳар қадам қўйганида катта-катта тошлар қуларди.

(Бу воқеани мулла Холмат мана бундай ҳикоя қилади): дарҳол тўфангни қўлга олиб, пилтани тутатиб шер кўриб қолса қўрқиб қочармикан деб, юқори кўтариб турдим. Бироқ у қочмасдан тўполон қилганича тўғри келаверди. Унинг катталигига қараганда бир-икки ўқ билан йиқиладиган эмас эди. Шу келишида дарахтга чиқмоқчи бўлиб икки-уч сапчиб чиқолмагач, аччиғи билан дарахтга чангал солди. Унинг зарбидан шундай катта дарахт қаттиқ шамолда силкингандай бўлди. Унинг ҳайбатидан отим титраб қон сийиб юборди. Қарасам, иш бўлмайдиганга ўхшайди; дарахт устидан шерга қараб таъзим қилдим. Эй жонивор, мен сенга бу кеча меҳмон; сенга ёмонлик қилиш менинг ниятимда йўқ. Агар сенга қасд қилган бўлсам, қўлимдаги милтигим билан отмасмидим, деб яна бошимни эгиб ялингандай унга қараб букилар эдим.

Шундай қилаверганимдан сўнг шернинг ғазаби босилди. Беш-олти қадам пастроққа бориб аччиғи босилганини кўрсатиб менга қараб ўлтирди. Яна мен унга хушомад сўзлар билан қўшиқ айтиб ёлворар эдим. Шер қўйруғини қимирлатди-да, сўнгра кўкрагини ерга бериб ётди. Шу ётганича тонг отдирди. Ётган жойида менга қараб қўли билан ишорат қилар эди. Нима қилишимни билмай, ҳайрон бўлиб турсам, яна у менга қаратиб қўлини чўзар эди. Бир оз нон билан яхна гўшт ташладим; ҳидлаб кўрди-да, унга қарамай, яна қўлини узатди. Нима қилар экан деб милтиқни олиб кўрсатган эдим, ўшани бер дегандай қилиб дарахт тагига келди. Ночор милтиқни ҳам олдиға ташладим. У ёқ-бу ёқларини, қўндоқ ва ўтхоналарини синчиклаб кўриб, кейин уни майда-майда қилиб синдирди. Синиқларини узоқларга эл-

тиб ташлади. Бунн кўриб қилган ишимга кўп пушаймон бўлдим. Жон сақлайдиган қуролимни қўлим билан душманга топширдим, энди ўлганим шу бўлса керак, дедим.

Бироқ шер мендан рози бўлгандай кўринди; бош, кўзларини юргизиб мен ташлаган нон, гўштни кўтариб энди сенга зиёним йўқ, сендан рози бўлдим, ўз йўлингга кетавер дегандек ишорат қилиб, мендан анчагина узоқроқ жойга бориб қараб турди. Мен худога таваккал қилиб, дарахтдан тушдим, сўнг отимни ҳам тушириб, унга миниб олдим. Шер йўл бошлагандек бўлиб олдим-га тушиб юра бошлади. Кета туриб, гоҳида менга қараб қўяр эди. Мен ҳам унинг ортидан юриб, бир неча сойларни ўтганимиздан сўнг йўлга тушдим. Шер бўлса, мени кузатиб тоғ чўққисида қараб турди. Қуролим йўқлигини билиб, бошқа йиртқич ҳайвонлардан мени сақламоқчи бўлса керак, деб ўйладим. Ажабо, ҳайвон ичида ҳам вафодор, мурувват феълликлари бўлар экан!

[Бу қиссадан ҳисса шулки, кишининг ажали етмаган бўлса, жон олғувчи душман ҳам дўст бўлади; заҳар ичса, сутдек сингади; йўлбарс унинг йўлдоши бўлиб йўл бошлайди; нон еган ерини йиртқич ҳам унутмайди].

Б а й т:

Гар шави дар даҳони ширу паланг,
На хурандат магар бирузи ажал.

Таржимаси:

Арслон оғзида бўлсанг ҳам агар,
Ажалинг етмаса ей олмас экан.

Яна шу Холмат полвоннинг ҳикояси: қиш кунн совуқ қирчиллаган; тоғу даштларни қор қоплаган, ташқи совуқ ички иссиқликдан шафақ юзи қип-қизил бўлган эди. Тўфангни қўлга олиб, қорга ботмаслик учун оёққа ёғоч ковуш кийиб тоғ ичига қараб юравердим. Тоғ та-

гидаги кенг яйловга етдим. Қор юпқароқ тушган текис бир жойда ҳўкизде катта уч айиқ рақсу само қилиб ўйнар эдилар. Бири ясовуллардек қўлига калтак олиб, икки оёғида тикка турибди; иккинчиси хатиблардек бўлиб, ривочнинг шохларидан бошига катта дастор ўрабди; яна бири ривочнинг баргидан чолғу ясаб, уни чертгандек бўлиб найрангбозлик қилиб, одамларни масхара қилгандек бўлур эди. Калтак ушлаган айиқ шерикларини ҳай-ҳайлаб, ўйинга қизиқтирар эди. Бошига дастор боғлагани овоз чиқариб, нағма қилгандек бўлур эди. Яна бири қўлларини кўтариб, икки оёқлаб ўйинга тушар эди.

Мен буларнинг ҳолини кўриб, ниҳоят ажабланганлигимдан, бирор соатча томоша қилиб ўлтирдим. Лекин улар меннинг қараб турганимни сезмади. Ниҳоят, совуқ мендан зўр чиқди; ўйинчи айиқни нишонга олдим, чунки унинг териси бошқалариникидан яхшироқ эди. Қулоғининг тагини мўлжаллаб, тўфангга ўт бердим. Милтиқ овози чиқиши билан дасторлик айиқ бошидан дасторини улоқтириб ташлаб қочди. Калтак тутган ясовул айиқ ўқдек устимга ҳужум қилиб, тўфангни тўлдиришга фурсат бермай, тўфангга осилиб қўлимдан куч билан тортиб олди ва тоғ тошига уриб майда-майда қилди. Калтаги билан мени урмоқчи эди, қўлидан тортиб олдим. Шунда у ўзимга отилди. Иккимиз бирдан қучоқлашиб қолдик. Мен чап қўлим билан кекирдагидан бўғиб олдим ва бошини эгиб, оғиз солишга қўймадим. Агар бўғзидан тута олмаганимда, у мени ҳалок қилар эди. Курашга тушган икки паҳлавондек бирор соатча олишдик. Аксига шу кун иёнимда пичоғим ҳам йўқ экан; бўлганида биқинидан уриб тезроқ қутулар эдим. У кўп зўрлик қилиб кўрди, бироқ оғзи осмонга қаратилганлигидан ҳеч нарса қила олмас эди. Мен уни секин-аста суриб бориб, тоққа яқин келтирдим, сўнг бир қўлим билан бўғзидан тутганимча иккинчи қўлим билан соқидан ушлаб даст кўтариб тоғ чўққисига шун-

дай урдимки, бели қарс этиб узилиб, оғзини бир-икки оғиб жон берди. Терисини шилиб олиб, шаҳарда олти-миш тангага сотдим.

[Ортиқча ботирлик жунумнинг бир хили бўлса-да, турли балолардан қутулишга сабаб бўлади].

Яна мулла Холматнинг ҳикояси: мен ёшлигимда илм оламан деб Бухоро мадрасасига бордим. Шундай ўта кетган қашшоқ эдимки, кеча ва кундузни оч ўтказардим. Тагимга бўйра, бошимга ғишт қўйиб дарс ўқир эдим. Ёшим 23 га етганда Бухорода Шукурбек деган тунда юрувчи ўғри борлигини эшитиб қолдим. Одамлар унинг жабридан уйларида ётолмай қолибдилар. Унинг гавдаси филдек, ҳайбати арслондек эди. Тош билан урушда жуда моҳир бўлиб, донғи кетган эди. Тош билан дарахтга урса, дарахт белидан синар эди. Кечаси унга икки юз киши ҳам бас келолмас эди. Унинг отган тошидан қанча миршабларнинг кўкраклари тешилган, довулчиларнинг юраклари эзилган. Аммо кундузи уни ҳеч ким кўролмас, тунда эса у уккидай уясида чикар эди. Мен деган баҳодирлар, оти чиққан паҳлавонлар унинг йўлини тўсиб кўрганлар, аммо ундан ҳаммалари ожиз қолиб, аранг қочиб қутулганлар. Лекин бу ўғри шунчалик довурак, мардум озор бўлиши билан бирга, у олий ҳимматли мард ҳам эди. Бахил, нон емас, хасис бойларнинг молларини босиб олиб, ожиз ва муҳтожларга берар, илм аҳллари, мадраса талабаларига кўп ёрдам қилар эди.

Бир куни султоннинг амрига кўра, миршаб кимдаким Шукурбекни тутиб берса, унга юз тилла мукофот берамиз деб, жар солди. Буни эшитгач, қашшоқлик жонга текканидан ҳамда ўз кучимга ишониб, шу хизматни уддасидан чиқсам, ҳам номим чиқади, ҳам обрў-йим ошади ва юз тиллалик бой бўламан; агар матлабни қўлга киргизолмай қурбон бўлсам, шу тирикчиликнинг меҳнат ва машаққатларидан ўзимни қутқариб, яна яхшиликка эришаман деб, маслаҳат учун мударрис

домла ёнига кирган эдим, у ҳай-ҳай, зинҳор бу ҳаёлни
ўйлама, нима бало сен васвас бўлиб қолдингми, унинг
қорасини кўрмай туриб жонингдан ажраласан; йўл-
барсни тулки қандай ов қила олади, филни бўри сайд
қила олмайди; қанча-қанча баҳодирлар шу ҳаёлни қи-
либ, охират сафарига жўнадилар, деди.

Б а й т:

Хар ки бофулод бозу панжа кард,
Соиди симини худро ранжа кард.

Таржимаси:

Пўлат қўллик кишига панжа солма,
Ҳалок бўлиб, ўзингни ранжа солма.

Ушанда мен кишининг куч-қуввати, бахт-давлати
доим сақланмайди, галаба қозониб душманни енгиш
тақдирнинг ёрдамига боғлиқдир; Рустами дostonдек
жаҳон паҳлавони Шағотнинг ўрасига тушиб ҳалок бўл-
ди; Асфондиёри Рўянинтан баҳодирликда қандай марди
майдон эди, иқболи қайтган эди, Рустамнинг отган ўқи
унинг икки кўзига қадалиб кўр қилди, дедим.

Б а й т:

Сайёд нахарбор шикори орад,
Бошад ки, якки рўз палангаш ба даррад.

Таржимаси:

Овчиларнинг ови юрмас ҳар куни,
Балки ўлгай ов қўлида бир куни.

Даҳрнинг фойдали куни бўлганидек, унинг зарарли
куни ҳам бордир. Ажаб эмас, менинг ишим ўнгидан ке-
либ, унинг иши тескарисига айланган бўлса, шу баҳона
билан давлатга эришишим ҳам мумкин, деб ўйладим.
Бари бир, бу ҳужранинг тўрт девори ичида ўлтирганим

билан ҳеч қачон унинг шипидан нон тушиб, осмондан бугдой ёрмайди. Ризқнинг келиши ҳам банданинг касб ва ҳаракатига боғлиқдир. Менинг бу ишим ҳам ризқ эшигини очиш учун қилинган бир касбдир. Сарвари олам, касб қилувчи одамни худо дўст кўради, деганлар.

Б а й т:

Ризқ ҳар чанд бегумон би расад,
Шарти ақл аст жустан аз дарҳо.

Таржимаси:

Шубҳасиз, ризқинг ҳамма вақт етар,
Шарт шулки, унга эшик қидириш керак.

Шундан сўнг мударрис домла сенинг айтганларинг дуруст лекин:

Б а й т:

Агарчи каси бе ажал наҳоҳад мурд,
Ту маров дар диҳони аждарҳо.

Таржимаси:

Ажали етмаса киши ўлмас,
Аждарҳо оғзинга биров кирмас.

Шунга қарамасдан, сен бу ишга қаттиқ киришибсан, қанчалик гапирганимиз билан бу ниятингдан қайтмайдиганга ўхшайсан; хайр энди, худо ёринг, ниятинг йўлдошинг бўлсин, деб фотиҳа берди. Ундан рухсат олиб, тўғри амири Асаснинг уйига бордим. Мени тиланиб юрган бир фақир деб билган бўлса керак, домла нима иш билан келдингиз, деди. Мен Шукурбекни кимда-ким тутиб берса, мунча тилла бераман деб жар қилдирган экансиз, шуни эшитиб шу хизматни бажаришга ва айтганингизни олгани келдим, дедим. Асас менинг

бу сўзимдан кўлди, чунки қорним очлигидан қоним қочиб, рангим ўчган эди. У менинг гапимни мутоиба деб билиб, менга нон, сув келтириб беришга буюрди.

Ушанда мен, кўринишимга қараманг, неча кунлардан бери овқат еганим йўқ, очман, аввал менинг қорнимни тўйғазинг, сўнг хизматга буюринг, дедим. Шундан сўнг палов қилишга буюрди. Шомдан сўнг паловни олдимга келтириб қўйдилар. Паловни еб, табақни ялаб қўйдим. Агар Шукурбекни тутиб келтирсанг, юз тилла нақд бераман, буниси сенинг қадам ҳақинг деб, беш юз танга пул берди.

Хуфтондан сўнг уч-тўрт киши бўлиб кўчага чиқдик. Йўлдошларимдан унинг қаерда бўлишини ва қаерда у билан учрашишимизни сўрадим. Улар уни ҳеч ким ўз кўзи билан кўра олганича йўқ; аввал унинг йироқдан отган тоши гувуллаб келади, бу унинг келаётганидан дарак беради; ундан сўнг юз қадам ердан, оқ кийимли бўлганидан, оқарган қораси кўринади; қўлида йўгон калтаги, белида ханжари ва бир халта тоши бор; шер олдидан қорақулоқ юрганидек унинг олдидан отган тоши юради; унинг тоши ғириллаб келар экан, ҳеч ким унга бардош бера олмайди, дедилар. Шу билан Хўжа Муҳаммад Паррон мазорининг тоқи остидан юриб, шаҳар чорсусига етган ҳам эдики, ковуш бозорининг рас-таси томонидан гувуллаб отилган тош товуши чиқа бошлади. Миршабларнинг аҳволи ўзгариб, чидаб ту-ролмасдан довулларини тўхтатиб, ўзларини панага ол-дилар.

Менинг қоним қайнаб, ботирлигим қўзғолиб, уни кўзимга илмай, у ҳам менга ўхшаган киши бўлса керак, уни ахир пўлатдан ясамагандирлар деб мардоналик билан юрганимча, унинг қаршисига етиб бордим. У менга сен кимсан деб бир ҳайқирган эди, ботирлигим шундай қўзғолдики, ер-кўк кўзимга кўринмай қолди. Агар қўлимдаги калтагим билан бошига солсам, мияси чиқиб кетади, яхшиси оёғига уриб ярадор қилиб, қўл-оёғини

боглаб Асас ёнига олиб бораин деб, менинг ким эканимни мана энди биласан деб калтагимни кўтарган ҳам эдимки, чапдастлик қилиб арслондек устимга ташланиб, кекиртагимдан тутиб, ўзимни ростлаб олгунимча қўймай, ерга уриб, тоғ босгандай кўксимга чиқиб ўлтирди. Бошимдан дудим чиқиб, жонимдан умид уздим. Ялтираган ўткир ханжарини бўғзимга тақиб туриб, исмингни айтиб қол, ҳозир жаҳаннамга кетасан, деди. Ушанда мен, ҳай айланай, мен бир ғариб мусофир бола эдим, қашшоқлик дардидан юз тиллага қизиқиб бу ба-лога йўлиқдим. Ўзим эса бойсунлик, Бухорога ўқиш учун келганман, отим Муллахолдир, дедим.

— Сени бу ишга ким қизиқтирди,— деб сўради.

— Асас амир, ким Шукурбекни тутиб келтирса, унга юз тилла бераман деб элга жар солди, фақирлик дарди жондан ўтиб кетганлигидан, сени тутиб берсам шунча кўп тиллага эга бўлар эканман деб, ёш жонимга қасд қилишга ўзим сабаб бўлдим, дедим.

Бу сўзларни айтиб бўлгунча, унинг оғирлигидан нафасим тикилиб жоним чиқаёзди.

— Сўзинг рост, мен ҳам шундай деб эшитган эдим; сен бир мусофир гуноҳсиз киши экансан, оч қолган бўри ўзини йўлбарсга уради. Энди мен сенинг жонингни ўзингга бағишладим, аммо шарт шулки, бу кеча мен билан бўлиб, айтган сўзимдан чиқмайсан, иккинчиси кўзимга кўринмай бу шаҳардан чиқиб ўз ерингга кетасан деган эди, мен йиғлаб нима десанг шуни қилайин, дедим. Буюрган ишингни жоним борича бажарайин деб ялиниб-ёлворганимдан сўнг, устимдан турди. Гўё тоғ кўтарилгандай бўлди. Қалтираб, титраб кетидан эргашдим. Тўғри Кўкалдош мадрасасига келиб бир ҳужра эшигини қоқиб эди, бир мулла бола югуриб чиқиб, таъзим билан қани ичкарига деб таклиф қилди. Ҳужрага кирганимиздан сўнг Шукурбек ундан егани ниманг бор, деб сўраган эди, бор нарсаларни айтди. Бу нарсалар меҳмонимиз билан бизга етмайди; фалон қассобга

бориб бунча гўшт ол, ош асбобларини мўл қилиб келтиргин, яхшилаб ош қил; бу кун менинг ҳам қорним оч, деди.

Мулла бола югурганича чиқиб кетиб, ҳаял ўтмай қайтиб келди ва ошга уринди. Ўртамиздаги ваҳшат улфатликка айланиб ҳар ёқдан гаплашиб ўлтирдик. Ҳар биримиз ўз куч-қувватимизни айтиб, кўрсатган баҳодирлигимизни ўртага солдик. Мен тоғ, чўлларда ов қилиб юриб, айиқ ва йўлбарсларга йўлиқиб қолганимда улар билан олишганимни, от, эшакларимни кўтарганимни айтиб мақтанар эдим. У агар сўзинг рост бўлса ортимга ўтиб мени торт, агар ўрнимдан жилдиролсанг сўзингга ишонаман, деди Тура солиб, орқасига ўтиб, бор кучим билан тортдим; у қуйилган пўлатдек ёки бир тоғдек бўлиб ўлтираверди. Уни ўрнидан ҳеч қимирлатиб бўлмади. Икки қўлим шалпайиб ишдан чиқди. Қаттиқ кучанганимдан бурнимдан қон отилиб кетди.

— Айтмадимми, сен ёлғон айтасан деб, йўлда келаятгандаёқ мен сенинг кучсиз эканингни билган эдим; чунки оёқ босганигда зарби сезилмас эди; эр кишилар қадам ташлаганларида метидай зарб билан тушади, деди. Сўнгра чап қўлига бир чангал тиллани олиб, агар қўлимни қайира олсанг, шу тилла сеники, деди.

Мен тиллага қизиқиб, бор кучим билан яна униш қўлига ёпишдим. Қўлини очиш у ёқда турсин, ҳатто бирорта бармоғини ҳам қайира олмадим; бармоқлари дсворга қоққан михдек турар эди. Сўнгра у менинг қўлимни тутиб сиққан эди, бармоқларим ялчилиб кетгандай бўлиб оғриғига чидай олмай дод деб юбордим. Ушанда у кулиб қўлимни бўшатди. Шунчалик ҳолинг бор экан, ортиқча баҳодирлик қилиб баҳодирларнинг йўлини тўсма, ўзингни ҳалокатга солиб, ўкиниб нобуд бўлиб кетасан, деди.

Шу онда палов келди. Биргалашиб едик. Сўнг қўлимга беш юз танга бериб, бу сенинг йўлкиранг, эртадан қолмай, бу шаҳардан чиқиб кет; айтиб бўлмайди, яна

пулга алданиб қолсанг, иккинчи марта минг жонинг бўлса ҳам мендан омон қутула олмайсан, деди.

Мен пулни олиб Асас ёнига бордим ва бўлган воқеани айтиб бердим. Амир менга тўн кийдириб, рухсат берди. Мен Бухородан чиқиб, ўз юртимга келдим. Умримда ҳеч қачон бундай кучли одамни кўрмадим.

[Бу қиссадан ҳисса шулки, одам ҳар қанча кучли бўлса ҳам, душмани ўзидан кучлироқ чиқиб қолишини ўйлаши керак; ўз кучига ишониб ҳар ёққа кетавериши тўғри келмайди].

Б а й т:

Худойи ки, балоу паст офарид,
Забардасти ҳар даст офарид.

Таржимаси:

Худойим барча оламини яратди,
Яна зўр устидин зўрни яратди.

Кучли ва баҳодир бўлиб яратилган одамлар агар шу сифатларининг талабларига кўра, талон-торожлик каби ёмон ишларга киришиб кетган бўлса ҳам, бу ишдан камбағал, ожиз ва муҳтожларга ёрдам беришнинг ният қилсин. Масалан, бахилнинг молини олиб, аёлманд, муҳтожликда қолган бир яхшининг қозонини қайнатса, унинг ёмонлигини бунинг яхшилиги билан ёпган бўлиб, бу қилган иши ҳам ажрсиз қолмайди].

[ЯНА] ШЕРНИНГ ҲИММАТИ ВА МУРУВВАТИ ҲАҚИДА

ўжа Муҳаммад Аскоф авлодларидан бири шундай ҳикоя қилади: яшаш жойим Бухоронинг жанубида бўлиб, тўқайга яқин эди. Бир куни ўтин териш учун саҳрога чиқиб, кишилар яшайдиган жойлардан узоқлашиб кетдим. Унда-бунда тўдалаб қўйган ўтинларимни йиғиштириб кетмоқчи бўлиб турганимда, тўқайдан ҳўкиздай катта, ҳайбатли бир шер чиқиб, менга қараб югуриб кела бошлади. Унинг савлатини кўрган бошқа ҳар қандай шер ҳам ундан ҳайиқар эди. Уни кўриб қўрққанымдан қўл-оёғимда жон қолмай, турган жойимда қотиб қолдим.

Қариялардан, кимда-ким шерга йўлиқиб қолса, унга хушомадлар айтиб, ўзини таслим қилса, шернинг раҳми келиб зиён еткизмайди деган гапни эшитган эдим. Шу сўз эсимга келиб жон ваҳмидан ўзимни ерга ташлаб, тилимни ғулдиратиб: шержон, менинг ҳолимга раҳминг келсин, чангалингни мен бечоранинг қони билан бўяма; мен ожиз одамман, ов қилиш учун чиққаным йўқ, балки тирикчилик учун чиққан эдим; мана ўтинларимни тўдалаб қўйдим, шуларни уйимга олиб бормасам ноним

тишмайди, болачақаларим билан оч қоламиз деб ялинган эдим, шер илгариги шахтидан пастга тушиб, менга яқинроқ келиб қуроли йўқми дегандек қилиб, ҳар томонимга қаради. Қўлимда аррадан бошқа ҳеч нарса йўқлигини кўргач, олдимга келиб чўққайиб, ит эркалагандек думини ликкилатиб, хумор кўзи билан менга қараб ўтирди.

Мен унинг юмшаганини кўриб, овозимни чиқариброқ яна ялиниб-ёлвориб, хушомадлар қила бошладим. Шундан сўнг бўйнини эгиб ювошлик билан яна ҳам яқинроқ келди ва ёнбошлаб ётиб, ёншиб яқинроқ кел дегандек, қўли билан ҳам ишорат қилар эди. Мен бўлсам ундан қўрққанымдан, ҳамма ёғимни қалтироқ босиб, нима дейишимни билмай, ҳайрон бўлиб турар эдим. Шу пайт шер қўлини кўтариб елкамга қўйди. Қўрққанымдан хушим қочиб, жоним чиқаёзди. Буни билгандай қўлини елкамдан олди, сўнг тирноғи билан кўйлагимни илдириб, тур дегандай бўлди.

Бунинг менда бирор ҳожати бор шекилли деб ўзимга келиб ирғиб турдим, унинг қўл-оёғига синчиклаб қарасам, чапгали орасига бир ёғоч кириб синиб қолган экан. Ярасига қон-йиринг тўлиб шишиб кетибди. Шер шуни кўрсатгандай бўлди ва олиб ташла дегандай ишорат қилиб, кўзимга жовдираб қараб турарди.

Буни кўргач, қўрқув босилиб, чиққан жон қайтиб киргандай баданимга қон югурди. Сўнг ёнимдан пичоғимни олиб ярани ёриб, ёғочни суғуриб олдим, қон ва йиринглар отилиб кетди. Қаттиқ огриган бўлса керак, шер кўзини юмиб тишини ёғирлатарди. Мен қўрққанымдан қон зардобларини оғзим билан сўриб, туфлаб ташладим ва дарҳол кўйлагимни йиртиб унинг жароҳатини яхшилаб боғлаб қўйдим. Шер бошини кўтариб, оёғига қараб хурсанд бўлгандай бўлиб, мендан рози бўлганини билдирди. Шундан сўнг ўрнидан туриб лапашанглаб югурганича чангалзорга қараб кетди.

Худога шукур қилиб, мен ҳам ўтинларимни кўтариб

жўнаб қолдим. Қишлоққа етмай туриб кун ботди. Бир вақт қарасам, яна чанг-тўзон кўтариб ортимдан (ҳалиги) шер келаяпти. Нима бўлди экан, кетган бало яна қайтди деб қўрқа бошладим. Шер яқинлашгач, унинг елкасида ссмиз бир қўй борлигига кўзим тушди. Қўйни олдимга келтириб ташлади-ю, шу заҳотиёқ келган йўлига қараб кетди. Қўйнинг ҳеч ерида жароҳати йўқ, қўрққанидан ҳушидан кетган экан. Жони борлиги маълум бўлгач, дарҳол уни сўйиб, ўтиннинг устига қўйиб уйга олиб кетдим. Шернинг зиёфати билан бир неча кун қозон қайнатдим.

[Бу ҳикоядан чиққан ҳисса шулки, агар бировнинг сенга ҳожати тушиб бош эгиб келса, душманинг бўлса ҳам унинг узрини қабул қилиб, ҳожатини чиқаргил. Агарда бировдан яхшилик кутар экансан, унга сен ҳам яхшилик қил. Агар шундай қилмасанг бу ҳаракатинг билан сендан кўра йиртқич ҳайвонларнинг яхшироқ эканлигини намоён қиласан.

Б а й т:

Он бувад марди расткори карим,
Қи карам бар жувони пир кунад.
На кунад фил, разм бо пашша,
Шири ҳам раҳм бар фақир кунад.

Таржимаси:

Одамгарчилик қилган жувонмардлар
Барча ёш-қарига карам айлар.
Фил пашшага кучин кўрсатмас,
Арслоннинг ҳам камбағалга раҳми келар].

ТУШЛАРНИНГ БАЕНИ ҲАҚИДА



мон йўлда бузуқчилик қилиб юрган кишилар кўрқинчли туш кўрсалар, ундай туш кўпинча тўғри чиқади. Чунки ундай туш одамни бузуқ йўлдан қайтариш учун кўрсатилган бўлади. Агар ундай одам ёмон йўлдан қайтмаса, тушининг натижасини кўради. Масалан, бир киши тушида кўмир ёки хом гўшт кўрса, уч кун ичида бир хафачиликка йўлиқмай қолмайди.

Шунинг учун, мен ўзим кўрган яхши-ёмон тушларимни ёздим. Чунки кўрган тушларимнинг баъзилари тўғри чиқди, баъзилари эса ҳали ҳам тўғри келгани йўқ. Кўрган тушларим афсонага ўхшаб кетса ҳам бундай афсоналарни баъзи бировлар яхши кўрадилар. Шунинг учун уларни ёзишни лозим топдим. Хоҳлаганлар ўқир, хоҳламаганлар унга назар солмасалар ҳам хафа бўлмаймиз.

Б а й т:

Бори бахиж хотири худ шод микунам,
Ойна хона дигар ижод микунам.

Таржимаси:

Баъзида афсонадан гам кўнглимни шод айлайман,
Гоҳида бошқа бир уй ойнасини ижод айлайман.

Бухоро амири кенагаслар галабасидан сўнг, Самарқанд қалъасида қамалиб қолгач, бунинг устига мулк меросхўрларидан бирови бош кўтариб тўполон бошлагач, бу ишнинг охири нима бўлар экан деб, истихора қилдим. Энг сўнг туш кўрсам бир кенг, текис далада қиблага қараб ўтирибман. Шу чоқ жануб томондан иссиқ шамол эсиб, шимол томонга қараб юрди. Таним унинг иссиқлигини сизди. Шундан сўнг бир парча қипқизил ўт жанубдан чиқиб, бу ҳам шимолга ўтиши билан бутун дашт-саҳроларга ўт тушиб, тутаб ёна бошлади.

Бу тушимни, демак, жануб томондан бир киши чиқиб, унинг ҳукми шимолга ҳам жорий бўлар экан деб таъбир этдим. Аммо унинг натижаси ҳозиргача воқе бўлгани йўқ.

Яна бири: Русия Тошкентни ишғол қилди, Бухоро амири Ўзганга отланди. Тонг отганда уйғониб яна ухлаб кетиб тушимда бир-икки тепа устига чиқдим; қўлимда қоғоз, қаламим ҳам бор эди. Шимолда баланд бир тепа устида чордевор бир иморат турар эди. Ўша вайронада бир киши қўрқиб, душмандан қочгандай девор таги, пана-пастқам ерларда бекиниб юрар эди. Шу орада бир-икки ясовул билан вазир одамлари олдимдан чиқиб қолдилар. Мен улардан вайронада қочиб юрган одамнинг кимлигини сўраганимда, улар, у киши амир, сен бу қўшинларни кўрмадингми, дедилар. Жануб ва Ғарбда бир қанча аскарлар найза ва байроқларни кўтариб турган эдилар. Бу икки тепанинг шарқ томонида бир чуқур сой кўрдим. Тўриқ от минган амир шу ёқдан келиб чиқди. Ўзбек ва найман қўшинлари унинг кетидан келмоқда эдилар. Булар шарқий жанубга келганларида бир милтиқ отилди. Қарасам, амирнинг оёғи

осмондан келиб йиқилиб тушди. Ҳамма қурол-жабдуқли қўшинлар унинг атрофида тўпланиб, шовқин-сурон кўтариб, милтиқ отган одамни ахтарар эдилар. Қулоғимга «бўлмайдиган иш бўлди, энди бошқа маслаҳатни кўринглар» деган туркий тилдаги сўзлар эшитилди.

Шунда саросимага тушиб уйғондим. Туриб худога сажда қилдим. Бу тушнинг таъбири шундай: Нуротадан Каттақўрғонгача бўлган ҳамма жойлар Бухоро амирининг қўлидан чиқиб кетади. Эрон аскарлари ва туркманларнинг қўзғолишлари сабабли, қолган ерлар ҳозиргача сақланиб қолди.

Яна бошқа бир кечаси 12-нчи зулҳижжа душанба куни ярим кечадан ўтгач, соат тўртларда туш кўрдим. Тушимда осмонда ёруқ юлдузлар чарақлаган; зуҳал фалакнинг қайси томонида экан деб қарасам, ғарб томонда 40 даражали юқориликда, ё асат ёки ақраб бурчларининг бирида турган экан. У ўз жойидан қўзғолиб, ерга томон туша бошлади. Унинг куралик ҳайъати ўзгариб, ҳўкиз бошига ўхшаб қолди. У шуъла бериб ялтирар эди. Зуҳал ерга тушгач, икки ҳўкиз калласи кўриниб, бир-бирларига кўз олайтириб, бир-бирлари билан сузишар эдилар. Шунда ҳам уларда қуёшнинг шуъласи бор эди. Уларга қарашдан кўзим қамашиб, қўрқиб қочдим. Аммо уларнинг шуъласидан менинг ҳовлимни саҳни ёриқ бўлган эди.

Уйғонсам, тонг яқин экан, таҳорат қилиб икки ракат намоз ўқиганимдан сўнг бу тушнинг таъбирини ахтариб қуръон очдим. Қуръондан шу оят келиб чиқди: «Менинг қудратимни ер-кўкда ва олди-орқаларида кўра туриб, яна менга қаршилик қиладилар. Агар хоҳласам, уларни Қорун каби ерга юттираман ёки осмондан азоб тошлари ёғдириб, чақмоқ ўти билан ҳалок қиламан». Бу тушнинг таъбирича, дунёда катта инқилоблар бўлади; эски давлат хонадонлари ўзгаради; янги давлат ва янги миллатлар пайдо бўлади. Чунки зуҳал юлдузи хароб этувчидир. Катта давлатлар ва эски ҳукумат-

ларни шунга нисбат берадилар. Унинг ўз жойидан тушиб кетиши бутун дунё бўйича катта давлатларнинг ўзгаришини — «инқилобни» билдиради. Айниқса, Ҳиндистонда қўзғолон кўпроқ бўлса керак, чунки у биринчи иқлимда бўлиб, зуҳал юлдузининг қарамоғидадир.

Зуҳал бошли ҳўкиз суратига кириб иккинчи ҳўкиз боши билан урушди. Бу эса савр бурчагига нисбат берилган ерларнинг хароб бўлишини билдиради; бу тўғрида савр ҳам зуҳалга ўхшайди. Саврни зуҳалнинг уйи дейдилар. Демак, бу зуҳалнинг хонавайрон бўлишидан далолат беради. Бу эса ислом динининг заифланиши, мусулмонларнинг зиён кўришларига далилдир. Чунки ислом динининг юлдузи зуҳал юлдузидир. Яна шу кунларда у ўзини махфийлик бурчагига яшириб, кўзга кўринмасдан турибди. Ҳар бир навқнинг тарбияловчиси ғойиб бўлса, ундан тарбия олган нарса ҳам ғойиб бўлади. Қачонки юлдуз чиқса, яна ислом динининг ривожланиши мумкин. Лекин ўшанда диннинг хонавайрон бўлиши шубҳасиздир. Зуҳалнинг хароблиги, айниқса, савр бурчагида кўпроқ авж қилади. Мен кўрган юлдузларнинг далолатига кўра, Мовароуннаҳр давлатларига халал етади. Балки 5 иқлим бутунлай шўриш ва ғавғонинг остида қолади. Бу иқлимда ислом дини ниҳоятда заифлашади.

Эй худо, бизларни бало ва офатлардан ўзинг сақлагин; агар бир халққа фитна-бало келмоқчи бўлса, ундан илгарироқ ажалимизни еткиргин. Кобулнинг инқилоби, Шералихон давлатининг ўзгариши, фарангларнинг Афғонистонда ғалаба қилиши, Абдурахмонхоннинг қочиб кетиши олдимиздаги улуг инқилобларнинг бошланишидир.

Яна рабиулаввал — 1297 йили (ҳижрий) саҳар вақтида туш кўрдим. Тушимда шарқ томонга қараб бораётган эдим; шимол томоним подшоҳ боғининг девори эмиш. Қуёш ғурубининг шуён шафаққа аралашиб кўринарди. Шарқ томони кўмирдай қоп-қора бўлиб, чанг

Авж олиб ҳавога кўтарилмоқда эди. Ёнимда йўлдошим бўлиб, ҳар иккимиз бир ишга шошилгандай, кетиб бораётиб ҳавога қарасам, шарқи жанубий томоннинг бир қанча ерида ой бўлиб, булутдай бўлиб оқариб қолибди. Саккиз бурчакли бир шакл булут ичида ҳаракат қиларди. Уни кўриб, қуйруқли юлдуз чиққанга ўхшайди, дер эмишман. Унинг атрофида ҳар хил шаклдаги нарсалар ҳаракат қилиб юришар эди. Булут тагида ой тургандай бўлса ҳам, ой кўринмас эди. Менинг йўлдошим бўлса жанубга қараб, экинзорларнинг четидан кетаётиб, агар ойнаи кўрмоқчи бўлсанг, мен томонга ўттил деб таклиф қилди. Мен ҳам ўша томонга ўтиб, жанубга қараб кетаётиб осмонга қарасам, олам қиёфатли ҳисобсиз суратларни кўрдим. Шу юришимча, бир қабристонга кириб қолдим. Унинг бир томонида ҳужралари бўлиб, ҳар бирида биттадан чироқ ёниб турар эди. Ҳужралардан танбур, дутор, нағма-наволар эшитилмоқда эди. Ғарб томонида айвон бўлиб, шимол томони бутунлай девор билан айлантирилган; бир танобча саҳни ҳам бор эди. Баъзи жойда қабр кўринар эди. Буни кўриб, бу харобот бўлса керак, дедим. Шу онда ҳайбатли бир қоп-қора девсимон бир нарса осмондан қабр устига келиб тушди. Мен унинг товушидан чўчиб уйғондим. Шарқдан кўринган қоралик Хитойнинг хуружидан далолат қилади. Жанубдан кўринган турли шаклдаги суратлар фарангларнинг ғалабасига ишорат бўлса керак, хароботликнинг кўриниши эса дин сустлашиб, фитрат замонининг бошланишидан нишонадир.

Бу китобни ёзмасимдан илгари кўрган бир тушимда жаҳонда тўполон юз берди. Туш пайти эди, қуёш тутилди, олам қоронғилашиб бирданига тун қоронғиси босиб, осмонда юлдузлар кўринди. Шу ҳолдан бир фурсат ўтгач, яна ёруғлик бошланди. Бу ҳам давлатларнинг ўзгаришига, фитрат замонининг бўлишига ишоратдир.

Яна 1296 ҳижрий йили жимодиус соний ойида туш кўрдим; тушимда бир чиройли, ҳусн-жамолли хотин

ёнимга келди. У гапирар экан, мен тақсир, тақсир дер эдим. Атрофида фармон кутувчи бир қанча хизматчилари ҳам бор эди. Бу хотинни менга амир никоҳ қилиб олсин деб юборибди, деб ўйлар эмишман. Хотин эса мени катта бир саройга олиб бориб, унда менга кўп мол-дунёларни кўрсатди. Мен эса ундан қўрқиб товозе билан муомала қилар эдим. У ердан чиқиб икковимиз катта бир тоғ устига чиқдик. Қўкатлар ичида бораётиб бирданига бир ҳовуз четидаги чуқурликка тушиб кетдим. Дарҳол ходимлар келиб мени чуқурдан чиқазиб, яна бояги хотинга қўшиб қўйдилар. Сўнг у жойдан ўтиб бир қалъа бурчидаги биллурдек ялтираган уйга кирдик. У ерда ошхона асбоблари тайёр эди. Қўнглимда бундай яхши жойни нега ошхона қилдилар экан, дер эдим. Қариндош хотинлардан ҳам бир нечалари биз билан бирга эдилар. Бу жойни кўришиб сизлар учун шу жойни тайёрлаб қўяйлик, бундай яхши жой топилмайди деганларида, у хотин бизнинг яшашимиз учун тайёрланган олий иморатли жойлар олдимиздадир, деди. Тушим тамом бўлмасидан олдин уйғотиб қўйдилар.

Бу тушимнинг таъбири мартабамнинг кўтарилиши ва даражамнинг ўсишидан далолат беради. Тушдаги хотин дунё молидир. Агар зифоф бўлганда эди, бойликдан фойдаланар эдим. Энди ундан бошқалар фойдаланадилар. Тушдаги йиқилиш-туришлар эса турмушдаги тубанликдан далолат беради.

Яна 1298 ҳижрий йилида туш кўрдим; тушимда бошимни буркаб ариқ бўйида ухлаб ётган эмишман. Шу онда мени бир оғир нарса босиб, тирноғи билан таталади. Бошимни очиб ёнимдаги одамдан мени босган нима эди деб сўрамоқчи бўлиб унга қарасам, у қўрққанидан титрамоқда эди. Ундан бу нима ҳол деб сўраганимда, товушингни чиқарма шер келди, деди. Мен қўрққанымдан бошимни ўраб ётган эдим, яна шер келиб мени босди. Мен унга зорланиб ялиниб-ёлвордим. У ёлворганимга қарамай, мени коптокдай кўтариб олиб жўна-

ди. Бир кўчага кириб, мени деворга суяб қўйиб, йиртиб емоқчи бўлди. Мен эса ичимда калимамни айтиб турар эдим. Ана-мана дегунча чап томонимдан бир парча гўштимни узиб олиб еди. Сўнг яна чангал солиб, кўкрагимдан бир парча гўштимни узиб олиб оғзига солиб чайнай бошлади. Лекин мен бу узиб олинган жойларнинг оғринини унча сезмас эдим.

Шу орада бир киши кўриниб қолди; унга мени қутқариб олинглар деб ёлвордим. У киши шерга қараб бу одамнинг хотин-болалари бор, қанча жон бу кишининг қўлига қарайди. Бу кишини қўйиб юбор, у сендан нажот сўрайди, деди. Унинг сўзидан сўнг шер ювошланди. Мен ўз жароҳатимнинг заҳмини қандай қилсам бўлар экан десам, қаламинг билан заҳмат атрофини чизиб қўйгин, зардоби соғ томонига ҳам оқиб, ярани кучайтирмасин, деди. Қаламим қишлоқда қолган деб эдим, шер бунинг иложи менинг тупигимдадир деб, мени яна қучоғига олиб яраларимни атрофига тупурди, сўнг мени қўйиб, нарироқ бориб ўлтирди. Шу онда кимдир эшикдан кириб мени ўйғотиб юборди.

Бу тушумнинг таъбиридан кўп хаёл суриб юрдим. Сўнггра таъбирномага қараб қаноатландим. Шер билан муомалада бўлиш подшоҳларнинг ишига далолат қилар экан. Бу тушнинг таъбирига кўра, подшоҳнинг менга ҳожати борлиги кутиларди. Аммо бу воқеа ҳозиргача юз берган эмас. Ажаб эмас, бундан сўнг бўлиб қолса...

Бошқа бир зақтда мен Қазали шахрига келган эдим. Қалъа ҳокими мени меҳмонликка чақирди. Турли таом ва шароблар тайёрлаганлар. Замонасозлик қилиб, мезбоннинг кўнглига қараб, дуо ҳам бадан қуввати деган баҳона билан қадаҳ кўтаришдик. Чоғир ҳақидаги наҳйларни ўз ақлимга кўра таъвил қилар эдим. Зулқаъда сийининг 25-нчиси, минг икки юз етмиш олтинчи ҳижрийда қўшхонамизга келганимиздан сўнг, шароб мижозимизга иссиқлик қилиб, ухлай олмадим. Кўзим юмилиши билан қўрқинчли тушлар кўриб, чўчиб ўйғонардим.

Бисмиллони ўқиб, ўзимга дам солиб бурканиб ётсам ҳам, қўрқинчли нарсалар яна кўзимга кўринар эди. Катта, чўзилиб ётган ўлик одамларни кўрар эдим. Уларни оғир гурзилар билан уриб қийнар эдилар. Гурзиларнинг овозлари, қийноқдагиларнинг бақирган товушлари билан чўчиб, кўзимни очар эдим. Ҳайбатли ҳайкаллар кўриниб, қўрқинчли товушлар эшитиларди. Энг сўнг мени ваҳима босиб, ухлай олмай, ўрнимдан туриб ўтирдим... Менинг кўрганларим ана шу шароб таъсиридан бўлса керак, деб хаёл қилар эдим. Баъзан бугун кўпроқ овқат еб қўйдим, ўшанинг оғирлигидандир, деяра эдим. Шу аҳволда тонг ҳам яқинлашиб, кўзим яна уйқуга кетиб, ўзимни Бухорода кўрдим. Сафардан эндигина келган эмишман. Шу онда сени, муқаддар махдум Кўкалдошда (Бухородаги Кўкалдош мадрасаси — *Тарж.*) кутаётирлар деб, икки одам мени чорлаб келишди. Бу одамлар тарки дунё қилган мужаррадлардан бўлиб, қабристонда яшар эдилар.

У одамга ихлосим бўлганидан, дарров Кўкалдошга келдим... Уч-тўрт саллали одамлар ҳамда кулоҳ кийган қаландарсимон бир киши ўлтирар эди. Махдум қўйнидан барра терисидан қилинган бир пўстакни чиқариб ерга ёйди. Менга пўстакнинг устига ўлтир деб имлади. Сен мени шу вақтгача келиб кўрмадинг, аввал менинг ёнимга келишинг керак эди, деб мендан гина қилди. Мен у кишига сўз қайтармай, тақсир, тақсир деб қараб турар эдим. Менинг олдимга бир коса қаймоқ, чой билан иссиқ нон келтириб қўйдилар. Қорним оч экан, уни иштаҳа билан едим. Шунда сафарга тайёрлангандек, беш-олтита кулоҳли одамлар келишиб махдумнинг қошида саф тортиб турдилар. Сўнггра одоб билан қўл қовуштириб, махдумга қарашиб ҳаммамиз тайёр бўлдик, энди юрайлик, дедилар.

— Тақсир, булар қандай одамлар? — махдумдан сўрадим.

— Булар авлиё бандалардир, деди ва сўнг ўрнидан туриб, биз энди жўнаймиз деб, мен билан хўшлашди.

Мен, сиз кетаётирсиз, дуо ижобат бўладиган жойларда мени ёдингизга олинг; мен Аҳмад исмли гуноҳкор банда, осий умматдирман; амал дафтарларимни гуноҳ ишлари билан қорайтирганман деб ўрнимдан ирғиб туриб, махдумнинг қўлини кўзимга суртиб йиғладим. Мен ҳам ҳарам тупроғини кўзимга суртгим келур, бу мақсадга қачон етар эканман деб, махдумнинг қўлига ёпишганимча, ҳамон йиғлар эдим. Махдум фурсат оз, қўлимни қўй, мен сени ҳар жойда дуо қиламан деса ҳам, қўлини қўймас эдим. Ҳай, қўйиб юбор дейман, бошимни расулиллонинг остоналарига қўйиб ҳақингга дуо қиламан, деди. Шу ҳолда, қўлига ёпишганим ҳолда, йиғлаб уйғондим...

Тушимда еган таомнинг лаззати кўп вақтгача оғзимдан кетмай юрди...

БАЪЗИ БИР МУШҚУЛ БАЙТЛАРНИНГ БАЁНИ

Амондош илм аҳлларида баъзиларни мушкул байтларнинг маъносини мендан сўрар эдилар. Ёшларга қўлланма бўлсин деб, қуйида баъзи бир байтларни келтирдим. Чунки замонамизда дақиқ маъноли байтларни ўртага солиб, муколама қилиш ишлари бутунлай йўқолиб кетган. Ҳеч кимнинг ҳиммати ош-нон топиб ейишдан ортмай қолган. Маънога етук баъзи бир одамлар бир-бирлари билан тортишганларида мушкул байтларни ўқиб, маъносини айтишни талаб қилиб, бир-бирларини имтиҳон қиладилар. Қизиғи шундаки, мушкул байтларнинг маъносини топиш у ёқда турсин, айтиб берганда ҳам унинг маъносини англамайдиганлар кўп. Тушунгандай бўлиб ёлғондан бошларини қимирлатувчилар ҳам бордир. Ана шундайлардан бир нечалари мендан тубандаги байтларнинг маъноларини сўрадилар.

Б а й т:

Дар мусаллаҳики ханжари қассоб раҳнаёфт,
Кар дат қатора дар жигар жавҳар ойна.

Маъноси: муссаллахдан мақсад ишқ ва муҳаббатдир. Жавҳар эса юқоридаги қудс оламининг аҳллари, яъни фаришталардир.

«Осмон ва ерга қараб, бу омонатни (ишқу муҳаббатни) ким кўтаради, деб сўрадик. Улар (фаришталар) буни кўтаришдан қўрқиб, уни қабул қилмадилар; шунда инсон ўртага чиқиб, у омонатни кўтаришни ўз устига олди» деган оят бордир. Бедилнинг бу байтида ана ўша оятга ишора қилинган. Ишқ-муҳаббат омонатини кўтаришда уларда (фаришталарда) қобилият йўқ эди. Чунки улар басит эдилар. Уни кўтариш учун эса таркибли бўлиш шартдир. Оятда инсон ниҳоятда золим ва ниҳоятда жоҳил деб сифатланган. Инсоннинг жоҳиллиги унинг мураккаб хусусиятга эга бўлганлигидандир. Инсон тўрт унсурнинг аралашганидан яратилган. Шунинг учун у ўйламай, бу омонатни мен кўтараман, деган. Сўнгра уни яхши сақлай олмай, ожизлик қилиб, бу ҳақда қилган аҳду паймонларини бузиб, ўзига зулм қилган. Аммо қудс оламининг¹ аҳлларида, яъни фаришталарда таркиб бўлмаганидан, мартаба камолини талаб қилмаганлар...

Инсоннинг боши ёруғлик оламига туташиб борса, оёғи қоронғилик оламига қараб тортилади. Инсон доим ана шу икки томонга қараб тортилишда яшайди. Шу тортилишларни ўзи ҳам сезиб туради. Нур арқони билан унинг бўйнидан боғлаб, нур оламига тортадилар; ҳалокат занжирини оёғига солиб, пастга томон судрайдилар. Шунда одам нима бўлди экан деб юқорига қараса, ҳамма яхшиликни кўради. Пастга қарар экан, барча ёмонликлар шунда эканлигини сезади. Ўзидаги таркибий кучларнинг воситаси билан паст-баланд даражаларни ажратгандан сўнг унинг кўнглидан талаб шавқи қайнаб чиқади.

¹ Қудс олами — илоҳий, юқори олам — Тарж.

Б а й т:

Туро аз кунгираи арш мезананд сафир,
Ки манзили ту наин меҳнат ободаст.

Таржимаси:

Арш тоқи устидан чорлар сени руҳонийлар,
Бу қоронғи жойда турма, манзил эмасдир улар.

Б а й т:

Мурғи Лохутию маҳбуси табоеъ монда э,
Боли ҳиммат бор нами афшоней эй бисмил чаро.
Маъмати арш бари насту фазоят афжи қудуз,
Шоҳ бози қудсую даржифаи мойил чаро.
Гурбати саҳрои имконат ду рузи биш нист,
Аз ватан як бора гаштан ин ҳама гофил чаро.

Таржимаси:

Муқаддас қуш эдинг, қайдин табиат тўрига тушдинг,
Қоқ қанот, ҳиммат билан учгил, бу ерда турмагил.
Арш эди жойинг сенинг, ухлар эди йўлдошларинг,
Бу ўлакса жойдир, сен ҳам улардек бўлмагин.
Бу жаҳон саҳросида туришдан ортиқ ким турар,
Шуни деб гафлат босиб, асли ватандин қолмагин.

Аммо инсон аҳли ватанига эришиб, нур оламининг аҳллари билан алоқа боғлаш учун турли риёзатларни чекиб, ҳар хил машаққатларга чидаб, нафсига тарбия бериши лозимдир. Чунки ҳар ишга жиддият билан киришилса, унинг қўлга кириши мумкин. Эшикни қоқа берса, охири у очилади. Шунинг учун инсоннинг энг олиҳимматдилари сарвари оламнинг «ўлмай туриб ўлинглар» деган сўзларига намуна бўлган ишқ-муҳаббат қўшхонасига ўзларини ташлаган эдилар. Ундайлар ҳаётга эришдилар; илмул яқин² мақомидин ўтиб, айнул

² *Илмул яқин* — илмий даража; кўп фанларни эгаллаш маъносида.

яқин³ мартабасига етдилар. Сарвари оламнинг «олло билан бўлган муомалаларимда худонинг энг яқин фариштаси ҳам ўртага сиғмайдирган вақт бўлади» деган сўзлари бунга гувоҳдир.

Нур оламининг аҳллари, яъни фаришталар бу неъматдан маҳрум қолдилар. Бу ишқ қўшхонасининг девори узлат, ханжари риёзат, салоҳи ишқ-муҳаббат, севилган нарсаси лаззат ва роҳат, натижаси парвардигорнинг розилигини топишдир. Қудс оламининг аҳллари инсонда бунчалик камолни кўрганларидан сўнг уларнинг жигарларига ойна (шиша) қадалди. Ер юзида бузқчилик қилиб, қон тўкувчиларни яратасанми деган сўзларига пушаймон бўлишиб, ё раббий, биз билмаган эканмиз дейишиб, узр айтишдилар. Раббил оламин даргоҳидан: «сиз билмаганини албатта мен биламан» хитобини эшитдилар. Ўзларининг бу камолга ета олмасликларини билиб инсоннинг мартаба ва даражасининг улуғлигига иқрор бўлдилар. Чунки отамиз алайҳиссаломга яратилмиш барча нарсанинг исмларини олло ўргатган. Фаришталар уларни билишдан ожиз қолганлар. Шунинг учун инсоннинг даражаси кўтарилган.

Аммо инсонлар ўртасида нафсоний, шахвоний ишларга берилиб, табиатнинг энг чуқур зиндонига қамалиб асли ватанини унутганлар бўлса, улар гул деб тиканни, дур деб сополни биладилар. Олло ундайлар ҳайвонлардир, улар балки ҳайвонлардан ҳам ёмонроқдир, деган сўзни ўшалар ҳақида айтган...

Муҳаббат майдонида тирсиз шаҳид бўлиш муҳаббат натижаси, маърифат ниҳоятига етиш инсоннинг хусусиятидир. Фаришталарда эса бу қобилият йўқдир. Чунки камолга етиш учун уни талаб қилиш лозим. Фаришталар басит бўлиб, таркибсиз бўлганликларидан, уларда талаб қилиш қобилияти йўқдир.

Айюда яқин — илмий даража; барча фанларни эгаллаб, энг юқори илмни бўлиш маъносига — Тарж.

Бедилнинг байти устида менинг кўнглимга келган маънолар шулардир...

Бедилнинг яна бир байти ҳақида тўхтаб ўтайлик.

Б а й т:

Ба пасти то на монанд шавқ, жаҳди кунки хун гирди,
Чу ойна дори ранг кардат, пар бурун орад.

Маъноси: Шавқ фақат пастлик билан боғланиб қолмасин. Сув бошқа рангга кирганда, туси ўзгарганда, қанот чиқариб юқорига кўтарилади. Пастликдан мақсад ноқисликдир. Шавқ эса камол талаб қилишдир. Қоннинг бўлишидан мақсад камол даражасига етишиш, ўзини қобилиятли қилишдир.

Масалан, ғизо моддаси ердан униб чиққан чоқда ноқис бўлади. У камолга етишиш шавқида ўсиб-униб, охири ғизо бўлиш даражасига эришади. Ғизо бўлиб меъдага тушиб сингиганидан сўнг, қонга айланади. Шу билан унда юқори даражага кўтарилиш қобилияти пайдо бўлади. Шунга ўхшаш, сен ҳам яратилиш даврингда янги чиққан ўсимлик кабидирсан. Шавқ талабидан қўлингни тортма, ёлғизгина вужудга қаноат қилма; камолга етишишнинг ҳаракатида бўл. Вужуд сифатида фақат ҳайвонлар эмас, балки бутун жонсиз нарсалар ҳам сен билан шерикдирлар. Сувдап ибрат ол; у огир бўлганидан доим пастликка мойилдир, аммо вақти келиб унинг олий даражаларга шавқи тушса, ҳавога айланиб қанот чиқаради. Райҳон гулларида, дарахтларда ўзини акс эттиради. Яъни пастликдан қутулиб, юқори даражаларга интилади. Шунга ўхшаш, сен ҳам пастликка қаноат қилмай, шавқни ҳаракатга киргиз...

Бедилнинг байти билан менинг кўнглимга тушган сўзлар шулардир. Маъно талаб бўлган илм аҳллари буни қўлланма қилар эканлар, чуқур маъноли байтлар ўқилганда, уларнинг мазмунларига тушунишлари осонлашади.

Шу ерга келганда, ҳали қаламимнинг товуши узилма-май туриб, ёнимда ўлтирган дўстим Восифийнинг «Бадойиул вақое» китобидан қизиқ бир ҳикояни айтди, мен уни ҳам шу ерга муносиб кўриб, ёзиб қўйдим. Чунки ҳукамолар ҳар кимнинг ақл қулоғи очиқ бўлса, ҳар қиссадан ҳисса олади, мижоз кўпригидан ҳақиқат йўлига тушади, деганлар. Оқиллар ҳар ўйиндан бир нуқта, ҳар афсонадан бир насиба топа оладилар. Аммо бизнинг замондошларимиздан баъзи бирлари бошқаларнинг ҳунаrlарини рад қилиб қўл силтайдилар; шу билан улар ўз исmlарига мос тушмайдиган иш қиладилар. Аммо сўзимизнинг юзи буларга эмас, балки сўзга тушунувчиларга қаратилгандир.

Б а й т:

Шабпара гар васли офтоб наҳоҳад,
Равнақи бозор офтоб нагоҳад.

Таржимаси:

Кўршапалак қуёш васлини севмайди,
Аммо бундан қуёш зарар кўрмайди.

* *
*

(Дўстимнинг Восифийнинг «Бадойиул вақое» китобидан келтирган ҳикояси мана будир):

Дўстим бор эди, у бечора моҳулиё дардига йўлиқиб, касалланиб қолди. Қўрсатмаган табиб, қилмаган дори-дармон қолмади. Лекин буларнинг ҳеч биридан шифо топмади. Бир фурсат ўтгандан сўнг мен уни кўргани бордим. Касал соғайиб қолган экан. Мен ундан қандай қилиб тузалганини сўрадим.

— Э, фалончи, ўзингга маълумки, бу тўғрида кўп ҳаракатлар қилдим,— деди у жавобан. Табиб, ғазойимхонлар кетидан юриб, қанча дунёларимдан ажралдим. Аммо уларнинг ҳеч биридан бир чақалик фойда кўрма-

дим. Энг сўнг, бу дарддан қутулишимга менга маймуннинг суҳбати сабаб бўлди.

Бир куни боғимда ҳолдан кетиб ётган эдим, кўча томондан шовқин ва ғавғо эшитилди. Бу нима деб сўраганимда, бир маймунбоз маймун ўйнатаётир, кўпчилик унинг томошасига тўпланган; шовқин-сурон шуларники, дедилар. Менинг ёнимга ҳам келиб ўйнатсин, зора кўнглим очилса, дедим. Шундан сўнг устоз ва шогирд киришиб, бир неча хил ўйинлар кўрсатдилар. Уни томоша қилиб, кўнглим очилиб, ўзимда анчагина енгиллик сездим.

Буни кўриб жон-дилим билан маймунга харидор бўлдим. Маймунбоз сотишга унамади. Маймунни қандай сотаман, менинг бутун тирикчилигим шу маймунга боғлиқ; ўзимнинг саранжомлигим, қозонимнинг қайнаб туриши шунга қарашли; кечаси ёнимда ётади, кундузи уй хизматларимни қилади, бундай нарсадан қандай ажралиб бўлади, деб унамади. Сўнггра мен унга касалликдан хароб бўлаётганимни айтиб, маймун дардимга шифо бўлса ажаб эмас дедим ва ҳозир сенга нақд беш юз танга берай, яна ҳар қанча муҳтож бўлсанг қарашиб турайин, маймунни менга бер, ўзинг бошқа бир маймун сотиб олсанг, бундан сенга ҳам фойда, менинг ҳам ҳожатим чиқади, деб кўп ялинган эдим, аранг рози бўлди. Сўнггра менга маймуннинг феълини айтиб, унга лойиқ нима иши бўлса, тил билан ёки имо-ишора қилиб билдирсанг, кўнглингдагидек қилиб бажаради, ҳатто, одам қила олмаган ишларни ҳам қила олади деб, йўл-йўриқларни айтиб, мен билан хўшлашиб, маймунни ташлаб кетди.

Маймун ҳозир ишларимни бутунлай саранжом қилади. Ерга сув сепиб супуради, қудуқдан сув тортиб келтиради. Унинг зийрак ва ҳушёрлиги ҳайрон қоларли даражада; унинг феъли-хўйига қараб ўлтириб касалдан тузалдим. Менинг саломат бўлишимга ана шу маймун сабаб бўлди.

Унинг (маймуннинг) кишини ҳайрон қолдирадиган қилиқларидан бири шу: бир куни ошпаз овқат қилиш учун қозонга ўт ёқди, сўнгра маймунни чақириб қозонга солинадиган нарсаларни тартиб билан унга кўрсатди: ошпаз гапирса, кўзига тикилиб қараб турар эди. Ҳамма нарсани тайинлаб айтгандан сўнг тушундим дегандек қилиб бошини қимирлатди. Шундан сўнг ошпаз ўз ишига кетди. Мен уларнинг муомалаларига қараб ётар эдим. Ошпаз кетганидан кейин, маймун ариқ бўйига борди, қўлларини яхшилаб ювиб, суртиб, сўнг ҳар бир идиш-товоқни жойига қўйиб, ошпаз айтгандек тартиб билан қозонга масаллиқларни сола бошлади. Мен унинг қилган ишларидан таажжубланиб ётар эдим. Вақти-вақти билан менга қараб қўяр эди.

Мен нима қилар экан деб, бошимни буркаб ухлаган киши бўлиб, парда остидан мўралаб ётдим. Ўзимни унга ухлагандек қилиб кўрсатдим. Маймун мени ухлаган деб ўйлаб, қозонда қовурилаётган гўштдан бир парчасини олиб, уни совутиш учун товоққа солиб қўйди; гўштни совутиб смоқчи бўлди, шекилли. Шу пайт осмонда бир қарға айланиб учиб юрган эди. Унинг кўзи товоқдаги гўштга тушди-ю, маймушнинг иш билан овози эканлигини кўриб, дарҳол пастга тушиб гўштни олиб қочди. Буни кўрган маймуннинг кайфи учиб, нима қилишини билмай, ҳавода қетаётган қарғага қараб оғзини очиб, сакрар эди. Ўғрини қароқчи ургандек маъюсланиб, қозон бошига келиб ўтирди.

Ҳалиги мазахўрак бўлган қарға олиб қочгудек бошқа нарса ҳам бормикин деб, маймуннинг тепасида яна айлана бошлади. У ёқ-бу ёққа учиб ўтиб, қозон бошига қарар эди. Қаргадан қаттиқ газабланган маймун уни кўриб қолди. Ундан ўч олиш мақсадида ўзини дарҳол кўкатлар ичига олиб, япроқлар орасига бекиниб, қипқизил авратини осмонга қаратиб, очиб ётди. Ҳавода учиб юрган қарға кўкатлар орасидаги қизил нарсани кўргач, уни маймуннинг товоғидан тушиб қолган гўшт

деб гумон қилди; иштаҳа ва шавқ билан келиб маймун-нинг чотига қўнди. Маймун тезлик билан уни тутиб олиб, бошини тиши билан узиб ташлади. Суюнганича қозон бошига келиб, қарғанинг парларини юлиб, ичак-човоқларини тозалади. Сўнг ариққа олиб бориб, уни яхшилаб ювди ва яна қозон бошига олиб келди. Қарасам, уни қозонга солмоқчи бўлаётипти. Ирғиганимча туриб, ҳей ҳаромзода, қозонни булғайдиган бўлдинг, деб бақирган эдим, қўлидаги қарғани ирғитиб юбориб, хижолат тортгандек бўлиб қолди (...).

[Бу ҳикоядан чиққан фойда оз бўлса ҳам етарлидир. Қиши ризққа қаноат қилиши керак; олғирлик одамни ҳалокатга олиб боради. Агар қарға биринчи тошган ризқига қаноат қилган бўлса эди, маймун оғзига тушиб ўзини ҳалок қилмас эди...].

ФАРЗАНДЛАРГА ВАСИЯТ. КАСБ ВА ҲУНАРНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА



Эшим элликка етиб, бошимдан яхши-ёмон ишлар ўтди, тирикчиликнинг оғир ва енгилликларини кўтардим, аччиқ-чучукларини тотдим. Шулардан тажриба орттириб, мендан сўнг қоладиганлар учун қўлланма бўлсин деб, қуйида кўрган-билганларимни ёздим. Ҳожат тушганда бу ёзилганлардан фойдалансалар ажаб эмас. Ибрат кўзи билан қараб, ақл қулоғи билан эшитувчилар учун менинг бу сўзларимнинг фойдаси бор. Акс ҳолдаги кишилар учун эса менинг сўзларимнинг фойдаси сув устига хат ёзгандек ёки бўронда чироқ ёққандекдир.

Б а й т:

Чу моро ба ғафлат ба шуд рузгор,
Ту бори дами чанд фурсат шумор.
Пандгир аз мато айби дигарон,
То нагиранд дигарон зий ту панд.

Таржимаси:

Ўтди умрим оҳ ким, ғафлат билан,
Ўтмасин умринг сенинг мендек бўлиб.

Ўзгаларнинг кўрмишидан ибрат ол,
Бошқаларга қолмагил ибрат бўлиб.

Жондан азиз фарзандларим — Абдулкарим ва Асадулло, олло сизларни тўғри йўлдан адаштирмасин. Сизлар ҳали она сутига тўймай, мактабдан бўшамай туриб, менинг бошимга сафар савдоси тушди. Агар бу сафар менга насиб бўлса, келишимдан келмаслигим аниқдир. Келиб қолган тақдирда ҳам сизларнинг ҳолларингга қарашиш учун бўшамаслигим мумкин.

Сизлар йигитлик даврига етгунча устларингда туриб одоб ва ахлоқ ўргатай десам, ҳали ўзимнинг ҳамма ишларим чала, сафар ва ҳазарда керакли асбоб-ускуналар тўлиқ эмас. Шундай бўлса ҳам отанинг бола тарбияси билан шуғулланиши албатта лозимдир. Болага одоб ўргатиш, илм ўқитиш дастлаб уларга айтиш ва кўрсатиш билан бўлади. Болалар бунга қулоқ солмасалар ўриш, сўкишлар ҳам ишлатилади. Шунинг учун аввал сизларга энг зарур нарсаларни айтиб ўтаман. Сизларга дунё ва охиратларингни обод қилгудек яхши йўллارни кўрсатиб, сўнг сизларни оллога топшираман. Агар бахтли бўлсанглар, шу йўлда юрасизлар, бўлмаса бошқа иложим йўқ; у ҳолда мени маъзур тутасизлар...

Эй ўғилларим, билингларки, келажакда олдингиздан турли-туман ишлар келиб чиқади, бошларингга ҳар хил савдолар тушади. Лекин бу ишларнинг сири сизлардан яширинчадир. Чунки жаҳоннинг интизоми учун шундай ҳам бўлиши керак. Инсон боласи онасидан туғилиб, унинг қучоғида ўсади. Елиб-югуришга, ўйинга қизиқади. Йиқилиб-сурилиш, ўрнидан туриш билан бир неча ёшга киради. Кундан-кунга ёши улғайиб, болалик даврини ўтказади. Сўнгра дунёдаги зеб-зийнатлар, ноз-неъматлар, ўйин-кулгиларни кўради ва шулар билан шуғулланади. Кўнглига ҳар ишда мартабасини замондошларидан орттириш ҳаваси тушади. Буларни қўлга кириштиш учун бойлик кераклигини, дунё давлатини олтин,

кумушсиз эгаллаб бўлмаслигини билиб, шуларни топиш чорасига киришади...

Қилган ҳаракатига яраша дунё топгандан сўнг, хотин олиш ва ундан лаззатланиш фикрини қилади. Кўнглига турли табақадаги одамлар билан алоқа қилиш ҳаваси келади. Ёр-дўст билан суҳбат қилиш, ҳусн-жамол эгаларидан баҳра олиш каби ишлар билан овора бўлиб, бир қанча умрини ўтказади. Агар ақли бўлса, энг сўнг, ишнинг тагига тушуниб, умрининг кўпи шамолдек ўтганини тушуниб, кўзи очилади. Шундан сўнг уйнинг бурчагига кириб олиб халқ билан аралашмайди, жуда зарур бўлгандагина аралашиб қўяди. Улар билан борди-келдини йиғиштиришга мажбур бўлади. Шу билан умри ҳам тугайди. Топган-тежаганлари, бола-чақа, ёр-дўстлари бу ерда қолиб, ўзи қандай туғилган бўлса шу ҳолда, яланғоч дунёдан ўтади. Ўйлаб қараса, умри бутунлай бошидан-охиригача меҳнат ва машаққат, қайғу ва ҳасратлар билан ўтибди. Агар шу вақт ичида бирор соат хушвақт бўлган бўлса, унинг кетидан уч соат хафагарчиликка йўлиққан. Агар бир кун роҳатда яшаган бўлса, уч кун меҳнат кўрган.

Бу ҳақиқатларни ҳеч ким инкор қила олмайди. Бу ҳукмдан ҳеч ким ташқари чиқа олмайди. Отамиз давридан бугунгача бирор киши машаққатсиз роҳат, меҳнатсиз неъмат кўрган бўлса эди, дунё тарихида, бирор ерда, бирор киши томонидан унинг белгиси ёзилар эди. Қитобларда уни ҳикоя қилардилар. Аксинча, қитобларда роҳат кўраман деганларнинг, давлатга мағрур бўлганларнинг охири қандай хароб бўлиб, азоб тортганликларини ёзганлар. Намруд, Фиръавяларнинг ҳалок бўлганлари, Қорину Шаддотнинг ер ютиб, илгариги ва кейинги жаҳон халқларининг лаънатларига қолганлари бутун дунёга машҳурдир. Шундай бўлгач, ҳақиқий неъматдан баҳрланиш керак эди...

Энди (ўғилларим), сизларга айтадиган менинг васиятим шулки, сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган

бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар. Киши қарамагудек, бировнинг нонига тама қилмагудек даражадаги тирикчиликка ҳаракат қилинглари. Зинҳор, мол тўплаб, дунё кўпайтиришга тиришманглар. Агар бу билан қизиқар экансизлар, ўлгунча меҳнат ва машаққатдан қутула олмайсизлар. Дунё тўплашга киришганлар ботқоқ лойига ботадилар. Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин. Илм ўқиб, ҳунар орттиришда ватандошларнинг ҳожатларини чиқаришни ният қилинглари; унинг бошқа фойдалари бўлса ҳам шу билан қўлга кираверади.

Ҳар бир ҳунарсманд ўз ҳунарини қилса-ю, лекин бундан мақсади халққа фойда етказиш бўлмаса, ундай ҳунардан барака топа олмайди. Тўқимачилар халқни кийинтириш, ошпаз ва нонвойлар очларни тўйғазишни ният қилсинлар. Агар шундай қилмасанглар дунё ва охиратларингга зиён етказган бўласизлар. Аммо ўзларинг бунни билмай қолишларинг мумкин. Қолаверса, уламо ва ҳукамолардан ҳам бундайларга тушунадиганлар кам топилади.

Ҳар бир мусулмон одам энг аввал ўзига зарур бўлган илмларни ўқиши фарздир. Шундан сўнг тирикчилик учун бирор касб-ҳунар ўрганиш лозим. Қайси илм ва ҳунар кишининг ақлига, руҳига тарбия берар экан, ундай илм ва ҳунар ўз эгасини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қўллаб-қувватлайди. Агар илм ва ҳунар руҳга тарбия бермай, танни семиртириб, орзу-ҳавасни кўпайтириб, нафси шайтонга ёрдам берадиган бўлса, ундай илм ва ҳунарлар эгасининг офати, худонинг лаънатидир. Шариатда илм ўқишда халқни тўғри йўлга солиш, уларга илм-амал ўргатишдан бошқасини, зинҳор ўйланглар, дейилган.

Агар дунё орттириш мақсадида илм ўқиб, энг юқори даражага етиб, шайхулисом бўлсанглар ҳам, худо

олдида сизлардан гўлаҳда ётган бир фосиқ яхшироқдир. Инсон у дунё ва бу дунёда кўрадиган ҳар қандай яхшилик ва ёмонликларни шу унсур жасади воситаси билан кўради. Жасад синдирилгач, дунёга нимага келганини ва нима қилиб юрганини ана ўшанда билади. Лекин у чоқда вақт ўтган бўлади.

Сизларга маслаҳат шулки, имконияти борича, султонга яқинлашманглар, ундан хизмат сўраманглар, ўзларингни унга танитманглар. Агар у таниб қолса, ундан қутула олмайсизлар, тоат-ибодатдан қолиб кетасизлар... Агар шу айтганларимни қилсанглар, яхши иш қилишингиз осонлашади, ёмон ишдан сақлана оласизлар.

Ҳар кимнинг кўнглига қарама-қарши икки куч яратилмишдир. Бу кучларнинг бири раҳмоний бўлса, иккинчиси шайтонийдир. Ҳар бир ишда буларнинг бири қилишга таклиф қилса, иккинчиси ундан қайтаришга уринади. Ҳар бири, шундай қилиб, ўз йўлига киритишга қизиқтириб, далиллар келтиради. Шундай бўлгач, бу далилларнинг фойдали бўлганини кўздан кечириб, ўшанга амал қилинглар. Масалан, бир дўстинг сени кечқурун зиёфатга чақиради. Ўшанда шайтоний куч: зиёфатга бор, бу кеча базм бўлади, нағма-наъво эшитиб, ўйнаб-кулиб, кўнглинг очилади; чиройли маҳбубларни кўрасан, май ичиб маст бўласан; сендан дунёнинг ҳасрат ва қайғулари кўтарилади; pista, бодомлар чақиб, ҳар хил таомлар еб лаззатланасан, дейди. Раҳмоний куч эса: борма, бу базмда ҳар хил фисқ-фасод ишлар бўлади, сен ҳам шуларга аралашиб қоласан, намозларинг қазо бўлади, уйқудан қолиб, эртаси гаранг бўлиб юрасан; мажлисда ҳар хил одамлар бўлади, баъзи бир паст одамлар сенга такаббурчилик қилса, ундан хафа бўласан; одамлар бир-бирларидан еган зиёфатларини қарз деб биладилар, шунинг учун ўз навбатида уларни ҳам зиёфат қилиб чақиришга тўғри келади; агар чақирсанг камида эллик танга сарф қиласан, дейди.

Раҳмоннинг йўли ақлга тўғри ва унинг далили куч-

лидир. Инсоннинг ҳар бир қилган ишида бу икки кучнинг ҳар иккаласи ҳам маслаҳат беради. Агар раҳмоний кучнинг кўрсатган йўлига кирсанг, тўғри йўлга кирган бўлиб, ҳақ йўлни топа оласан. Шунингдек, ҳеч кимдан маелаҳат сўрашга ҳам эҳтиёж қолмайди. Агар эҳтиёж юз берар экан, у шошилганликдан бўлади. Шунинг учун ҳеч бир ишда шошилмагин. Чунки сарвари олам шошилиш шайтондандир, деганлар. Шайтон ҳар ишда инсонни шошилтириб, шунинг воситаси билан уни йўлдан чиқаради. Ҳар бир ишни маслаҳат билан қилиш расулиллонинг суннатларидир. Қўпчиликнинг ишида маслаҳат билан иш қилиш зарурдир. Инсон кўнглидаги раҳмоний қувватнинг амрини юзага чиқариш, шайтоний қувватнинг эса талабини тўсиш учун шариат қонунлари тузилгандир...

Тирикчилик ўтказиш учун бирор касбнинг бошини тутишларингиз лозимдир. Ҳар қандай касб қилсанглар ҳам, унинг кенгчилиги ва торчилиги бўлади. Унинг кенгчилик кунларини кўрсанглар, қувониб унга алданманглар; агар торчиликка йўлиқсанглар, ортиқча қайғурманглар, балки шукур ва сабр қилинглар. Енгил ва оғирликда бандаликни қўлдан берманглар. Чунки банда гоҳида нсъмат ва гоҳида эса меҳнат билан синаб турилади. Шунинг учун синов кунларида сирларинг очилиб қолмасин. Оллонинг давлат қўлларингдан кетса, ўзларингни йўқотиб, умидсиз бўлманглар, давлат келганда ортиқча қувониб ҳам кетманглар, деган сўзига амал қилинглар.

Б а й т:

Умиду яъас вужуди адам, ғубори хаёл аст,
Аз онча нист ва хўр ғам ва зонча хаст бурун о.

Таржимаси:

Жаҳон ичра бу тўрт нарсa хаёлдир:
Умиду ё умидсиз, бору, йўқдир.

Йўқ эса, йўқлигинин бўлма ғамгин,
Бор эрса, борлигин дилдан чиқаргил.

...Агар одамнинг ботин кўзи озроқ очилган бўлса, ортиқча кенгчиликдан ҳам қўрқиб туради. Чунки давлат келиб неъмат ҳар қанча кўпайса, унинг шукрини қилиш шунча оғирлашиб, тўғри йўлдан тойиб кетишликдан қўрқади. Дунёвий ишлари кўпайганлигидан, ўз тирикчилигидан тўйиб, кошки онам мени туғмаган бўлса эди, қандай яхши бўлар эди, дейди. Агар одам дунёдаги ҳаётида қийинчиликка тушар экан, унинг кўнгли сиқилади. Чунки бошқаларни тинч ва роҳатда, ўзини эса меҳнат ва машаққатда кўраркан, жонидан тўяди. Бундай оғир кунларга қолишдан кўра дунёга келмаганим яхши эди, дунёга келиб бундай кунларни кўришимга ота-онам сабаб бўлган деб, уларни қарғайди.

Мен ана шуларни ўйлаб хаёлга чўмардим ва баъзан менинг на бу дунёлик, на у дунёлик қобилиятим бор; шундай экан, нечун мени яратдилар деб фикр қилардим. Мен агар охират одамиман десанг, қилган тоат-ибодатларинг қани; агар дунёвий маданиятнинг кўмакчисиман десанг, нега касб-ҳунар қилиб, тирикчилик ишлари билан шуғулланмайсан; агар давлат ва салтанат хизматчилариданман десанг, нега улардан қочиб, уларга яқинлашмайсан; агар тижорат ёки зироат аҳллари-дан бўлсанг, нега тижорат учун сармоя, зироат учун ерсувинг йўқ; агар меҳнат ва машаққат учун яратилган бўлсанг, нега унга сабр қилмайсан; агар бекорчиликка ўрганган дангасаман десанг, нега бир нафас ишсиз тура олмайсан, деб ўз-ўзимга савол бериб юрардим. Ана шу ҳолда, дунёга нима учун келганимни билолмай юрган чоғларимда сизлар туғилдинглар. Ана ўшанда менинг дунёга келганимнинг сабаби сизлар эканликларингизни билдим.

Энди кўзларингизни очинглар; оталарингизни неча марта аждарҳо орзидан қутқазиб, дашт-саҳроларда қан-

ча йўл кездирдилар. Демак, ҳақ сўз шулки, оталар болалардан нолисалар бу ўринли, аммо болаларнинг оталардан нолишлари ўринсиздир...

Энди сизларга менинг кўрсатадиган йўлим шулки, ҳар ишнинг ҳақиқатига қараб амал қилсанглар, тирикчиликларинг тинчлик билан ўтади; ҳеч кимга сарғайиб эгилмайсизлар. Оз еб, озига қаноат қилсанглар, икки дунёда ҳам бахтли бўласизлар. Ейиш-ичишнинг фойда-зарарларини билмагунча, унинг тагига тушунмагунча, озига қаноат қилмайсизлар. Ўйлаб кўринглар, ҳамма зарарли нарсалар, бузуқчиликлар, гуноҳ ишлар кўп еб-ичишдан келиб чиқади. Масалан, киши таомни кўп еб, унинг тартибига риоя қилмаса, саломатлигига ҳалал етиб, табибларга ҳожати тушади. Тани соғлом, еган овқати яхши ҳазм бўлиб турса, шаҳвати уйғонади. Буни тинчитиш учун ҳалол, ҳароматларга йўлиқиб бир олам ташвишга қолади. Ҳалолдан уйланмоқчи бўлса, унинг қалини, уй-жой учун керакли харажатлар елкасига тушади. Қисқаси шулки, агар текшириб кўрсанг, одамнинг у дунё ва бу дунёсининг фойда ва зарарлари кўп еб-ичишдан келиб чиқади.

Еб-ичишнинг офатларидан қутулай деган одам ейдиган ва ичадиганларини маълум бир миқдорга солиб қўйиши лозим. Агар қўлидан келар экан, бир кеча-кундузда бир марта овқат ейиш билан қаноат қилсин. Агар бунга чидай олмаса, бир кунда икки вақт овқат есин; кун ўртасида ҳам ейдиган бўлса, тўйиб емасин. Тан соғлигини яхши кўриб, унинг қадрига етган одамлар таомни тўйиб емасинлар; энг яхшиси меъданинг учдан бирини бўш қолдиришдир. Ҳар ҳафтада икки марта гўшт ва ёғли таом еб, ички ва ташқи аъзоларини ёғласин. Агар шу тартибни сақласа, ундай одамга бир йилда икки юз тангалик озиқ-овқат етиб ортади. Шаҳвоний қуввати ҳам ўзидан ортмайди. Халқ билан аралашишни ҳам севмай қўяди. Ортиқча гапиргиси ҳам келмай қолади. Ҳар ерга бориб, ҳар ким билан борди-келди қилишни

хоҳламай қўяди. Натижада тани соғлом бўлиб, унга унча-мунча касал юқмайди; табиий умри 120 га етгунча яшайди. Ҳукамоларнинг айтишларича, тиббий қонунларга яхши риоя қилганлар яна ҳам узоқ умр кўришлари мумкиндир.

Халқ билан бўладиган муомала эшиги ёпилса, ҳудода тоат ва ибодат қилиш эшиги очилади. Яратувчининг ибодати учун умри сарф бўлади. Шунинг учун кун ўтарлик овқатга қаноат қилинглари; дунёнинг ортиқча лаззатига қизиқманглари. Чунки худонинг тоат ва ибодатидан ажралиб қоласизлар... Емоқ-ичмоқ ва бошқа тирикчилик учун ортиқча ҳаракат қилмай, ўлмас овқатга қаноат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан кславермайди. Бу дунёдаги ноз-неъматлар, яшнаган боғ-бўстонлар ҳаммани ҳам ўзига қизиқтиради. Агар одам бунинг ҳақиқатига тушунса, булар қудрат кўрсатиш учун очилган дўконлар эканини билса, шундагина озига қаноат қила олади...

Олло олам ичида қоронғи ва ёруғликни бир-бирига аралаштириб, унинг таркибидан инсонни яратди. Булар ичидан нур қувватини ишлатганлар ақлий ишларнинг ҳақиқатига етиб, юқори оламга алоқа боғлайдилар. Қоронғи кучни ишлатиб, уни амалга оширганлар эса ҳис оламининг сирларини очдилар. Оллонинг қудратларини кўрсатиш учун ер юзида инсоннинг яшаши, албатта, лозимдир.

Лекин инсон жисми таркибли бўлганлигидан, доим йўқолиб туради. Йўқолганларнинг жойини тўлдириш учун насл қолдириш лозимдир. Бу эса емоқ-ичмоқни талаб қилади. Емоқлик ва ичмоқликни тайёрлаш учун экин экиш, деҳқончилик қилиш лозимдир. Одамнинг вужудида емоқ ва ичмоқлик талаби унинг ўзи билан бирга яратилганлигидан, уни топиш учун инсон доим тижорат, зироат каби турли касблар билан шуғулланади. Оллонинг сизларнинг ер юзида яшашларинг ва ундан фойдаланишларинг бир қанча вақтгача давом

этади, деган қуръондаги сўзи бунга ишоратдир. Дунёдан фойдаланиш учун касб ва ҳаракат қилсинлар, бу билан ер юзи обод бўлсин деб, шу билан бирга ердан фойдаланишга чек қўймай ҳар кимнинг ўз ихтиёрига қолдирган. Шундай бўлгач, ҳар ким ўз ризқини тайёрлаш учун ҳаракат қилиши лозим. Бу ҳаракати билан ҳар бир одам маданият дунёсига хизмат қилган бўлади.

Ортиқча еб-ичишга қизиққанлар, дунёнинг ноз-неъматларидан лаззатланишни истаганлар, чорасиз, дунёнинг ободонлигига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Кунини ўткудек озига қаноат қилиб тангри буюрган тоат-иbodатга киришганлар эса охират уйини обод қиладилар. Оллонинг юқори ва тубан оламда ажойиб ва фаройиб ишхоналарни қуришдан мақсади инсонни яратиб, уни ер юзига эга қилиш эди. Устимизда айланиб турган шунча кўп чарх-фалакларнинг, даврлардан бери тинмай ишлаб келган корхоналарнинг энг сўнгги чиқарган натижаси шу инсон эканига шак-шубҳа йўқдир. Шунини учун ҳам «лавлока ламо ҳалактал афлок» ёрлигини одамнинг бошига тақдилар. Юқори оламдаги ҳикматларни, табиат дунёсидаги яширин сирларни кашф этишни инсонга топширдилар.

Олло қуръонда, ер юзида менинг ўрнимда иш юртиш учун бир халифа яратаман деган; оллонинг ўш халифаси инсондир. Масалан, дунё подшоҳлари бутун мамлакат ишларини ёлғиз ўзлари қила олмайдилар. Бундай қилишлик уларнинг шон-шавкатларига ҳам ярашмайди. Шунинг учун подшоҳлар ишга ярайдиган ишончли одамлардан ўзларига ёрдамчи топиб, уларни халифа қилиб қўядилар. Булар эса ўз навбатида яна бир қанча одамларни мамлакатни идора қилиш хизматига тайинлайдилар. Бу хизматчилар ичида ҳокимлик ва амирлик каби лавозимларда ишловчи одамлар султон ва унинг халифаси ҳузурида ҳурматли бўладилар. Паст вазифадаги, пастки табақа хизматчилари эса улар ҳузурида ҳурматга эга бўла олмайдилар. Шунга қара-

масдан, мамлакатнинг оғир ишлари ана шулар устига юклатилганлигидан уларни ҳам ўзига яраша кузатиб бориш лозим бўлади.

Б а й т:

Агар канноз на бувад дар мамолик,
Фатад кори шарифон дар маҳолик.

Таржимаси:

Супурмас эрса ахлатчи шаҳарни,
Бўлак ким қилгай эрди бу ҳунарни.
Шаҳар бир йилда вайрон бўлғусидир,
Бугун халқи риёдин ўлғусидир.

Яна шуни айтиш керакки, ҳар бир ҳунаرمанд устоз ўз ҳунарини камолига етказган бўлса, уни юзага чиқариб халққа кўрсатмагунча кўнгли тинчимайди. Билган ҳунари ёки илми яширин қолиб кетишига ҳеч қачон рози бўлмайди. Балки ҳар ким ўз ҳунарини халққа билдириб, уни юзага чиқаришга интилади. Албатта, ҳунар эгаси бўлган устоз ўз ҳунари учун керак бўлган асбоб ва ускуналарни олдиндан тўлиқ тайёрлаб олади ва сўнг ўз ишини қийналмай, чарчамай, енгиллик билан амалга оширади. Тайёрлаган нарсаларининг энг яхшилари халққа кўрсатади, ярамайдиганларини бирор чуқурга иргитади. Масалан, бир чорвадор яхши насли олиш учун ўз биясини зотли арғумоқ айғирга қўяди. Ундан туғилган тойларнинг энг яхшисини ўзига олиб қолади. Бошқаларини сўраган ёр-дўстларига беради. Ундан ҳам ёмонроқ бўлиб чиққанларини жувозга, аравага қўшиб ишлатади. Шунга ўхшаш, олло коинотнинг энг асл гавҳарини яратмоқчи бўлиб оталарга оналарни қўшди. Буларнинг жуфтлашганларидан ер юзига инсон гавҳари келиб чиқди. Булар ичида чин инсонлар ва, шунингдек, сирти инсон-у ичи шайтонлар бор. Қайси инсоннинг мижозиди нури кўпроқ бўлса, унинг борар

жойи энг юқорида бўлади. Қайсисининг кўнглини қоронғилик қоплаган бўлса, энг пастга тушади...

Биз эллик ёшга киргунча, дунёнинг аччиқ-чучукларини тотиб, иссиқ-совуқларини бошимиздан ўтказдик. Тирикчилик дунёсида кўп тажрибалар орттирганимиздан сўнг, бу ҳақиқатни очиб сизларга тайёрлаб бердик. Агар бунга амал қилсанглар, нақд илмга эга бўлиб, бу оламнинг ҳақиқатига, ўзларининг пайдо бўлганлигининг сабабларини яхши тушуниб оласизлар.... Энди шундай бўлгач, ҳақиқий ипсон бўлишнинг талабида бўлинглар. Суратларингни эмас, сийратларингни тузатинглар...

Мен сизларга айтаётган бу илмни одамларнинг оғзидан ёки китоб саҳифаларидан олганим йўқ. Дастлаб мен ўқишга киришганимда менда кишилардан омонат бўлган беш-олти китобдан бошқа китоб ҳам йўқ эди. Шунинг учун мен ҳар бир ишнинг ҳақиқатини текшириб кўрдим. Гумон қилган жойларда унинг жавобини кўнглимдан сўраб, чуқур фикрга чўмганимда, ана шу маънолар кўнглимга илҳом бўлди. Бундай маънолар ҳар вақт меним кўнглимга тушиб турганлигидан, уларни тўғри келган варақларга ёзиб қўяр эдим. Сўнгра шу ёзганларимни бир ерга тўплаб, ушбу китобни ёздим. Бундай илмий ишларни ўртага ташлаб текшириш учун замондошларимда етарли қобилият йўқ эди. Мени эса савдои мижозлигидан шундай ишлар билан шуғулланиб юрибди, деб ўйлар эдилар.

Шундай бўлса ҳам, менинг бу сўзларим сизларга ҳозир тўғри келмайди; чунки сизлар ёшсизлар. Илм ва амалда тажрибаларинг оз бўлганлигидан, отамиз бу сўзларни ўз қўлидан келмаганлигидан, фақирлик ва ожизлиги ошиб кетганлигидан чидаёлмай ёзган бўлса керак, деб ўйлашларинг мумкин.

Б а й т:

Чу гуфт пиразан аз мива мекунанд парҳиз,
Дуруғ гуфт ки, дасташ намирасад бар шоҳ.

Таржимаси:

Кампир дер эканки, мевадан парҳизман,
Елғон гап, қўли етмай деган парҳизман.

Одам еб турган нон, ҳолвасини қандай қилиб қўлидан беради? Пашшадан анқоғача ҳамма фойдаланиб турган оллонинг неъматларидан ўз ихтиёрлари билан кимнинг маҳрум бўлгуси келади? Ер юзидаги барча неъматларни сизлар учун яратдим деган оллонинг ёрлиғини эшита туриб, ақли бор одам халқдан қочиб қашшоқлик ва очликка бўйсунмайди. Оллонинг ҳеч нарсага ҳожати йўқдир. Олло раҳмлиларнинг раҳмлигидир. Сарвари олам гуноҳкорларнинг шафоатчисидир. Дўзахга ким тушибди, ким жаннатни кўриб қайтиб келибди? Гуноҳни кечиртириш ва жаннатга кириш учун бунчалик қийналиш лозим эмасдир.

Б а й т:

Моро ту беҳишт агар ба тоат бидиҳи,
Ин баъи бувад, лутфу атои ту кужост?!

Таржимаси:

Тоат-ибодатимиз учун биҳиштни берсанг,
Бу олиқ-сотиқку, лутфи караминг қани?!

Б а й т:

Агар баҳри раҳмат талотум кунад
Гунаҳ соҳиби ҳешро гум кунад.

Таржимаси:

Худонинг раҳмати тўлқинга кирмас,
Агар кирса гуноҳдан зарра қолмас, —

деб дунё неъматларидан лаззатланиш, роҳат олиш йўллари топасизлар. Бу тўғридаги ҳақиқат сўзларимни юқорида оқилларнинг меҳнати, ёмонлар давлати деган

ном билан ёзиб ўтдим. Бу ердаги васиятномада эса ўз бошимдан ўтган ишларни, шулар воситаси билан топган тажрибаларимни ёзиб сизларга кўрсатаман...

Бутун касб ва ҳунарларнинг фойда ҳам зарарларини, халқ ичида шуҳрат топган илм ва фозилларнинг давлат ва нукбатларининг натижаларини ушбу васиятномада баён қиламиз. Сизлар бундан сўнг қиладиган ҳамма ишларингизни шунга ўлчаб кўрасизлар; бу васиятномани ўзларинг учун қўлланма қиласизлар. Шунга солиштириб кўрганларингда тўғри келадими ёки тўғри келмайдими, ўшанга қараб ўз ақлларинг билан ўйлайсизлар. Фойда-зарарларини текшириб чиқасизлар. Қайси томон фойдали бўлиб кўринса, ўшани қиласизлар. Масалан, қилган ишларинг яхшилик, тоат ва ибодат бўлса, бунинг натижаси худонинг ризолиги ва охират давлатига эришмоқдир. Агар ёмон йўлларга кириб, фисқ-фасод ишларга мойил бўлсанглар, бу ишларинг билан ўз бошларингга кўп қийноқлар ортирасизлар. Агар шуларга тушуинсанглар, бошларингга яхшилик ёки ёмонлик тушган чоқда ё шукур, ёки сабр қиласизлар...

Энди мен сизларга ёшлик чоғимдан бошлаб ўтган аҳволимни айтиб берайин. Сизларнинг боболарингнинг мендан бошқа боласи бўлмаган экан; бўлганлари ҳам илгари-кейин вафот этиб, ёлғиз ўғил бўлиб мен қолган эканман. Мен мактабга бормасдан илгари онам ҳузурда абжад ўқишни, тахтага ёзиб берадиган ҳижо ҳарфларини ўқиб ўрганган эдим. Ҳали мактабга бормаи туриб, сўзларнинг маъноси чиқмаса ҳам, уларни вазнга солиб гапирар эдим. Шу билан ҳали уйда юрган чоқларимда қуръоннинг тўртдан бирини, «Чор китоб»нинг бир китобини ўқиб туширдим. Уларни ёлғиз ёзувларини ўқиш билан қаноат қилмай, маъносини ҳам билишга қизиққанлигимдан Яқуб Чархийнинг тасвирига ўқиган қуръонларимни таққослаб кўрар эдим. Лекин ёш бўлганлигимдан, кўп сўзларга ақлим етавермас эди; «Воҳид» билан «Аҳд»ни ажратолмай хафа бўлардим.

Ана шу кунларда ёшим тўққизга етган эди. Сўнг отам мени қуръон ёдлаш учун мактабга берди. Бироқ мен қуръонни ўқиб, уни ёдлашда кўп қийналардим. Тилимда ҳам бир оз тутқунлик бор эди. Бунинг маъносини билмай туриб, хатини ёдлашдан нима фойда чиқади деб, бу ишга кўнглим қизиқмас эди. Бутун қуръонни ёдлаб чиққанимда ўша домлаларга ўхшаб бола ўқитиб, соғ бошим ғавғога қоладиганга ўхшайди; борадиган жойим шу бўлса, бундан қандай фойда чиқади деб, қуръон ёдлашга кўнглим қўймас эдим. Чунки қуръон ёдлашнинг савобини билмайман, бунинг устига уни менга ҳеч ким тушунтирмайди; шу ҳолда мен унинг қадрини қаёқдан билай!

Мактабдан қутулиб чиқишим билан, югурганимча, қаерда тарихчиларнинг мажлиси бўлса, ўша ерга кириб, ўтмишдаги пайғамбарларнинг аҳволлари, подшоҳларнинг воқеаларини эшитиб ўлтирар эдим. Бу сўзлардан лаззатланиб, уларни қанча эшитсам, яна эшитгим келар эди. Подшоҳларнинг салтанат ва давлат қуришларидаги уруш-талашларини, ноҳақ қанчадан-қанча қон тўкишларини, тахт ва бахтидан ажралган подшоҳларнинг ҳалок бўлганларини, дунёнинг ва дунёдаги халқларнинг қандай ўзгаришлар устида турганларини билиб ҳайрон қолар эдим. Бу тўғрида отамдан, домладан қанча кўп калтак еган бўлсам ҳам, бари бир бу ишни қўймас эдим. Агарда мени уйдан йўқотсалар яна ўша ердан, қиссахоналардан топар эдилар.

Аммо мактабга бориб, дарс ўқиб, савоб бўлган ишдан кўнглим қайтиб қолган эди. Уриш-сўкишлар билан қувуб-сувиб юриб, мени бир сабоқдан аранг иккинчи сабоққа ўтказар эдилар. Қисқаси, кўп қийинчиликлар билан уч йил деганда қуръонни аранг бир марта ўқиб туширдим. Лекин аввал ёдлаганларим бутунлай эсимдан кўтарилиб, ҳеч ўқимагандай бўлиб қолардим. Яна қуръонни бошидан бошлаб, аввалгидан ҳам ортиқроқ қийинчиликка қолардим. Мактабдан кўнглим совуган-

лигидан, ўқишга ҳеч тоқатим қолмади. Ёшлигимда очик фикрли, ўткир зеҳнли эдим. Мактабга қатнаб булардан бутунлай ажралдим ва шунинг ташвиши билан саломатлигим ёмонлашиб, озиқ-овқатни кўнгил тортмай, ётиб қолиш даражасига яқинлашдим. Борган сайин саломатлигимни йўқотиб, кучсизланиб кетаётганлигим отамга ва ўқитувчимга маълум бўлгандан сўнг, қуръон ёдлаб қори бўлишимдан уларнинг умидлари узилиб, мени араб тилини ўрганиш учун мадрасага бердилар.

Қуръонни ёдлай олмаганимнинг сабабини сўнтроқ билиб олдим. Чунки мен яхши ва ёмон, кофир ва мусулмон, турли-туман одамлар билан кўп аралашдим. Ҳар кимнинг нимага лойиқ бўлиб яратилганини ва унинг тирикчилиги қандай бўлиб ва қайси йўл билан боришини, унга қайси ҳунар ва қандай касбни қилса, мумкин эканини билса бўлади. Агар сизлар чуқур фикр қилиб ўйлаб қарасанглар, ҳар кимнинг феъли-хўйига кўра ёшлигидаёқ бу нарсаларни била оласизлар. Ҳар бир одам ўзига лойиқ ишни топмагунча бошқа ишларга кўнгли мойил бўлмайди...

Бу сўзнинг ҳеч қандай далилга ҳожати йўқдир. Масалан, туркий болалар ота-оналаридан кўрганларини ва ўрганганларини қиладилар, чунончи, от миниб кўпқари чопадилар, талон-тортишлар қиладилар; лекин шунга қарамасдан, улардан бир қанчалари шаҳарга бориб ўқиб олим бўладилар. Қозоқ болалари ичида чорва ортидан юравериб зерикиб, шаҳарга келиб ўқиб олим бўлганлари кўпдир. Шундай бўлгач, одам боласи жиббаллат талабига кўра бўлади...

Мен арабча дарсга киришган чоғимда балоғат ёшига етмаган эдим. Шунга қарамай тенгдошларим ичида бўлганлигимдан, тирикчилик учун ақча кераклигини сезиб, кўнглимга мол тўплаб, дунё топиш ҳаваси ўринлашди. Ҳужра ясаб, асбоб-ускуналарни кўпайтиришга киришдим. Борди-келди, ёр-жўраларим кўпайди.

Отамнинг менга етарли қилиб берган нафақаси харажатимга етмаганлигидан, кўпроқ ақча топишнинг кетидан тушдим. Чунки ортиқча харажатни кўтаришга отамнинг қудрати етмас эди. У чоқда менинг кўзим шу парсалар дунёсини кўриб, ундан кўнгил узмаган эди. Ейиш-ичиш, ухлаш, дўстлар билан борди-келди қилиш — инсон мана шулар учунгина яратилган деб ўйлардим. Чунки катта-кичик ҳамма замондошларим шу балогоа йўлиққан эдилар. Ўқиш вақтида отам қарамоғида бўлганимдан, бошқа бирор касб ахтариб пул топишнинг ҳам имконияти йўқ эди.

Ҳар кимдан ўрганмай ўзим ёзиб машқ қилиб юриб, хатим камолга етган эди. Шумликдан китобат қилиш орқали пул топишни ўйлаб, дарсдан чиққанимдан сўнг ёзиб юриб, ҳар ойда бир Бедил девонини тайёрлайдиган бўлдим. Уни бозорга чиқариб 20 тангадан 30 тангача сотар эдим. Бу ақчаларнинг озгинасини сарф қилиб, қолганини тўплардим. Бир қадар пул кўпайган эди, менда бахиллик шундай ғалаба қилдики, агар ёлғиз бўлсам қуруқ ноп ва сувга қаноат қилиб, бошқа нарса емас эдим. Дарсдош болалардан қайси бири чиройли, кўнгилга ёқадиган бўлса, ундан ҳеч нарсани аямас эдим. Ўзи хунук, қилиғи совуқларни ҳужрамга йўлатмас эдим...

Шундай қилиб, емай-ичмай юриб, икки йил ичида 600 тангага эга бўлдим. Пул топишда ҳийлакор маккорлардан ҳам ҳунарманд бўлдим. Пес-песни қоронғида топганидек, хасислигим билан бир неча нон дўстлар ҳам орттирган эдим. Мумсиклик илмини талаб қилиб, мол топиш йўллариини излаб, шайтонга ҳам макр ишлатиб, уни алдар эдим. Чўнтакка кўз тиккан гул юзли маҳбублар ёнидан фириб ва дағдаға билан ўтардим. Менинг балогат ёшига кирган чоқларим ана шундай бўлди. Бир қадар бўлса ҳам ўша вақтларда душман ва дўстни таниган эдим. Хавфли жойлардан сақланиб,

фойдали ишларни қўлга киритишни ҳам яхши билардим.

Минг шукурки, кўнгилларни оздирувчи бундай ишлардан олло мени тез қутқарди. Бунинг сабаби эса бир куни саҳродаги қариндошларимизни йўқлаб, уларга меҳмон бўлиб бордим. Қайтишимда аммамнинг ўғли мени шаҳаргача узатиб қўймоқчи бўлиб бирга чиқди. Йўлда яна бир қариндошимизнинг уйига тушдик. Шу кун кечаси ҳалиги йигитимизга бир касал тегиб, икки соат ичида вафот бўлди. Йигит соғлом, кучли, бир ботмон юкни қўлининг учи билан кўтариб, от устига ортар эди; кетмон урса ерни титратарди. Бу йигитнинг тўсатдан ўлиб қолиши мени уйқудан уйғотди. Мен эса бўлмағур, қолаверса кўримсиз, кучсиз эдим. Кўнглимда, бу йигит шунча куч-қуввати билан бир дамда дунёдан йўқ бўлди; бунинг аҳволи шундай бўлса, бу заифлигим билан менинг ҳолим қандай бўлар эди, деяр эдим. Иш шундай экан, бунча меҳнат қилиб дунё тўплашни сенга пима кераги бор, сен ҳам ўшанга ўхшаб бирданига ўлиб қолсанг, бу тўплаган молларингга бошқалар эга бўладилар; унинг азобини сен тортасан, дер эдим.

Мана шу сабаб бўлиб, бундан сўнг мол тўплаш хирси кўнглимдан кўтарилди. Ёзув-чизувдан, давлатдан ва ва бошқалардан тушган ақчаларимни ҳар ёққа сарф қилар эдим. Емай-ичмай, кўп меҳнат ва машаққатлар билан йиққан олтин, кумушларимни ёр-жўраларим билан еб-ичиб йўқотдим. Олти ойга етарли озиқ-овқатдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган бўлдим.

Менинг тенгдошларимнинг йиллик маошлари тўрт юз таңгадан ортиқ бўлмаса ҳам, ўшандан яна ўзлари учун орттирар эдилар. Менинг эса бир йиллик харажатимга икки минг таңга етмасдан, қарздор ҳам бўлар эдим. Ўшандан бери кўп йиллар ўтган бўлса-да, қарздан ҳали-ҳали қутулганим йўқ.

Ҳозир сизларнинг ақлларинг тўлмаган бўлса ҳам, тирикчилик учун етарли ақлларинг бор. Бундан сўнг

ички қувватларинг кучайиб, ақлларинг ҳам тўлади. Ана шунда биласизлар, мен дунёни ўз ихтиёрим билан ташлаганим йўқ, балки кўп йиллар ўтиб орттирган тажрибаларим орқали менга маълум бўлдики, менинг бахтли бўлишим мол йиғмасликда, бой бўлмасликда экан. Чунки менда яшириниб ётган нафс ва шайтоний ишларнинг кўплиги ўзимга аёндир. Агар менга давлат қуши кўнар экан, фиръавни ҳам хизматимга олмас эдим.

Ф а р д:

Мур ҳамон беҳки на бошад параш.

Таржимаси:

Чумолининг қаноти бўлмагани яхшидир.

Аҳмоқона хаёлларимга кўра, мени бир иқлимнинг ҳукмронлиги қаноатлантира олмас эди. Шунинг учун жуда паст ишлар билан шугулланишни ҳам ихтиёр қилмадим.

Ф а р д:

Гар бор каши бори нигори бори.

Таржимаси:

Юк тоши, аммо бировга ортмагил.

Фақирлик билан сабр қилишга зўр бердим. Кейинчалик табиатимда фасоднинг ғолиб эканини билдим. Чунки мен сўнгги кунларда илм фазллик бўлдим. Давлат томонидан менга сафорат хизматида узоқ сафар қилишга буюрилди. Ана шу восита билан буюк давлатларни кўриб, уларнинг ҳунарпарварлигидаги тартиблари менга жуда таъсир қилди.

Мендан ҳали паст бўлган одамлар анчагина юқори мансабларга эга эдилар. Қолаверса, бизнинг ватанимизда ҳамма катта ва кичиклар фазл ва ҳунар аҳллари

душман кўрадилар. Бизда мансаб ва даража топиш учун фазл-хунарга кўп қарамайдилар. Шунинг учун фазлли одамларнинг топган даражалари менинг кўзимга хор бўлиб кўринади. Нафсим булар билан тўймагач, ўз-ўзимга сенинг ҳожатинг тамом Туркистон мамлакатига эга бўлганинга ҳам қаноатланмайди, дедим. Шундай бўлгач, яна ғам-қайғуга ботсамми деб, тубан даражаларда бўлишни ихтиёр қилмадим. Бу сўзларни ўзинг касалсан-у, яна кокил ташлайсан, гадосан-у, подшоҳлик даъвосини қиласан, бунда нима маъно бор деманглар, деб айтдим.

Б а й т:

Ғафлатан охир бачандин огоҳий иршод кард,
Ҳар ниқоби рокидидон жилван ижод кард.
Дар ҳақиқат дасти ранжи каст талаф сармоя нист,
Кушиши нодониям дар илм ҳам устод кард.
Будам аз дарди ватан оворагиҳо доғиёс,
Имтиёзи ину он бори наҳижам шод кард.

Таржимаси:

Мени онгсизлигим оқибат кўнглимни очди,
Кўринган парда сўнгдан жилва қилди.
Аслда ҳар кимни қўл учи йўқолса сармоя эмас,
Нодонликка ботганлигим охири мени устоз қилди.
Ватан дардидан кўп овора бўлдим,
Ҳар ишни билганлигим оз нарсага қаноат қилдирди.

Менинг бахтимнинг фақирликда бўлиши шул эдики, оламнинг ҳақиқатини менга бир қадар билдирдилар. Шунда мен дунёнинг ҳақ йўлига тўсиқ эканини билдим. Ҳар кимни дунё ишига аралаштирсалар, албатта уни ўз ерига етказмайдилар. Агар ул киши мол-дунёсининг ҳақиқатига тушуниб, бу илоннинг (мол-дунёнинг) захрини қайтаргудек дори тайёрлаган бўлса, ўшанда унинг зараридан сақланиб қолиши мумкин...

Жавҳари фард зот оламидаи чиқиб биринчи тушганида ақли кул деб аталган; буни яна руҳи аъзам, таъйини аввал ва уммил китоб ҳам дейдилар. Иккинчи манзилда нафси кулдир; буни яна ловҳул маҳфуз ва китоби мубин ҳам дейдилар. Учинчиси — уфуқи мубин. Тўртинчиси — ҳаюло; ҳаёт ва китоби мастур ҳамда варақи маншур ҳам деб атайдилар. Бешинчиси — табиати куллия; мабдаи асмоа ва осор ҳам дейдилар. Олтинчиси — фалаки атласким — аршдир. Еттинчиси — курсий; фалаки савобат ҳам дейдилар. Саккизинчиси — фалаки зуҳал. Тўққизинчиси — фалаки муштарий. Ўнинчиси — фалаки миррих. Ўн биринчиси — фалаки шамс. Ўн иккинчиси — фалаки зуҳра. Ўн учинчиси — фалаки аторуд. Ўн тўртинчиси — фалаки қамар. Ўн бешинчиси — фалаки кайвон. Ўн олтинчиси — фалаки баржис. Ўн еттинчиси — фалаки баҳром. Ўн саккизинчиси — фалаки офтоб. Ўн тўққизинчиси — фалаки ноҳид. Йигирманчиси — фалаки тир. Йигирма биринчиси — фалаки қамари азбуруж. Йигирма иккинчиси — фалаки ҳамал. Йигирма учинчиси — фалаки савр. Йигирма тўртинчиси — фалаки жавзо. Йигирма бешинчи — фалаки саратон. Йигирма олтинчиси — фалаки асад. Йигирма еттинчиси — фалаки сунбула. Йигирма саккизинчиси — фалаки мезон. Йигирма тўққизинчиси — фалаки ақраб. Ўттизинчиси — фалаки қавс. Ўттиз биринчиси — фалаки жадӣ. Ўттиз иккинчиси — фалаки далв. Ўттиз учинчиси — фалаки ҳут — унсурлардан бири. Ўттиз тўртинчиси — фалаки оташ. Ўттиз бешинчиси — фалаки ҳаво. Ўттиз олтинчиси — фалаки сув. Ўттиз еттинчиси — фалаки тупроқ — маволидлардан. Ўттиз саккизинчиси — фалаки жамотот ва набодот. Ўттиз тўққизинчиси — фалаки ҳайвонот. Қирқинчиси — фалаки инсон. Агар бу манзилларни доира шаклида тасаввур қилсанг, энг сўнгги нуқтаси инсон бўлиб, энг аввалги нуқтаси эса руҳи аъзамдир; улар бир-бирларига ёпишиб, вужуд доираси ҳосил бўлади.

Ана шу санаб кўрсатилган қирқ манзил ҳар бир инсонга берилган унинг маълум мақомларидир. Ҳар бир одамнинг белгилаб қўйилган ўз мақоми бор, деган оллонинг қуръондаги сўзи шунга иборатдир. Кимки жиддият билан риёзат чекиб, тоат-ибодатга киришса, оллоунга мазкур манзилларнинг ҳеч бирида тўхтамай, дастлабки чиққан жойига бориб етиш қобилиятини бермишдир. Худо берган бу қобилият ҳамма инсонларда борадир. Жавҳари фардлик вақтида қирқ манзилни қандай босиб ўтган бўлса, шу тартиб билан яна чиқади. Жисм олаmidан ой фалагигача бориб қолганлар бу улуғ неъматдан маҳрум бўладилар. Курсий, яъни савобат фалагигача чиққанлар, гарчи нажот топувчилардан бўлса ҳам, бироқ ердан зарар кўрувчилардир.

Бундан юқоридаги фалакни амни-омон олами деб атайдилар. Ундан ҳам юқоридагисини жонлар жаҳони, қудс олами дейдилар. Сизларга равшанроқ бўлсин учун бир мисол келтирай. Инсоннинг асли ҳақиқатини жавҳари фард деб атайдилар. Бу эса ўз жойидан биринчи манзилига келиб тушганида бир бўлиб, иккинчи манзилида икки, учинчисида уч, қирқинчи манзилига етганида қирқ бўлади. Бу жавҳарларнинг ҳар бири ҳар бир навбатдаги манзилга тушганида аслидаги сафо равнақлигидан бир даража камая боради. Чунки нурлар олаmidан жисмлар оламига юзлангач, тақобил воситаси билан жисмларнинг қудрат нурларга тушиб, таркиб оламига яқинлашган сари хиралик ва қорайишлари оша боради. Масалан, ўттиз тўққиз даража камаяди. Агар шу қирқ жавҳар тушганидек қайтадан ўз жойига кўтарилса, бу юқорига кўтарилиш-тушишнинг аксича бўлади. Яъни қирқинчи жавҳар ўз ўрнида қолади, ўттиз тўққизинчи жавҳар ҳам ўз жойида қолади. Шундай қилиб, кўтарилиб борар экан, биринчи манзилига бориб етганида ўз аслига қайтиб бир жавҳар бўлади.

Хулоса шуки, бу жавҳарларнинг ўз ўринларида қолиш-қолмасликлари уларнинг ўзларига боғлиқдир. Агар

бир даража кирланган бўлса, бир даража пастда қолади. Демак, қанча кирланса, шунча пастда қолади. Аксинча, қирқ жавҳар жиддият ва риёзат шартларини бажарган бўлса, бирданига мабдага чиқадилар. Агарда шулардан баъзи бирлари шартларни ўтган бўлса, ўшаларгина чиқа олади. Агар буларнинг ҳаммаси ҳам бунинг учун сайъи-ҳаракат қилмаган бўлсалар, ўз ўринларида қоладилар.

Агар қирқинчининг ўзи амал қилган бўлса, ўшанинг ўзигина биринчи манзилдан ўрин олади. Ўзи биринчи марҳаладан бўлганлар агар айтганларга амал қилмаса, қирқинчи марҳалада қолиб кетаверади. Сизларга яна ҳам очикроқ ва тушунарли бўлсин учун яна бир мисол келтирай. Айтайлик, бир улуг подшоҳ ўз яқинларидан бирига сен фалон ерга бор, бизнинг одамларга ҳам хабар қил, улар ҳам ўша ерга борсинлар; у ерда кўрсатмага мувофиқ иморатлар қурсинлар; қилган хизматлари учун биздан бериладиганлар мана булар, қачонки буйруқни бажарар эканлар, ўз жойларига қайтсинлар, дейди. Буйруқ олган одам бошқаларни ҳам ўрда саҳнидан хабардор қилиб подшоҳнинг буйруғини уларга етказди. Булар ҳам дарҳол буйруқнинг ижросига киришадилар. Борган ерлари кайф-сафоли, об-ҳавоси ёқимли жой бўлиб, улар бу жойни ўз меҳнатлари билан обод қиладилар. Қаналлар қазиб, сувлар чиқазиб, иморат ва зироатлар, боғ-чорбоғлар, гул-гулзорлар қилиб, бу ердаги ноз-неъмат, гул-райҳонларга кўнгил қўйиб, бу жойдан кетгилари келмай қолади. Подшоҳнинг аввалги жойларига қайтиб амал ва мартабаларини эгаллаш ҳақидаги буйруғини унутадилар. Қолаверса, султоннинг бизга ўхшаш навкарлари кўп, бизни эсдан чиқаргандир, у даргоҳда бизнинг бор-йўқлигимиз барабар, шу ерда турганимиз маъқулдир, дейдилар. Бир қанча замон ўтгач, булардан баъзилари ҳалиги обод қилинган жойларни хароб қилишга киришадилар. Баъзи бирлари эса подшоҳни эсдан чиқармай,

Ўзига буюрилган жойни обод қилиб, яна ўзининг аввалги жойига қайтади. Баъзилар ўз топшириқларини бажаришда дангасалик қиладилар, ундайларни қайтиб борганларида ўз амалларидан тубанроққа тушириб қўядилар. Баъзилари эса ишламай, буйруқни бажармай, ҳатто, ишга ҳалал бериб бузуқчиликлар билан шуғулланиб, сўнг қайтганларида уларга ўрин бермай ҳайдайдилар. Чунки султон буларни буйруқ қилган ерга юборгач, уларнинг кетидан яширин одамлар тайинлаб, текширтириб хабардор бўлиб турган. Махсус қўйилган одамлар султонни ҳамма ишдан ва ҳар кимдан огоҳлантириб турганлар. Жумладан, фалончи ана у жойни обод қилди, фалончи эса бу ерни бўзди ёки фалончи яхши ишлади, фалончи эса дангасалик қилди, фалончи бузуқчилик қилди, фалончи эса зулм ва хиёнат қилди деб турганлар. Яхшилик қилиб, яхши ишлаб, султон амрини бажарганлар ўз жойларига қайтиб борганларида ҳурматлари ошиб, даражалари кўтарилган. Ўртача мавақедагилар ўз мансаб ва амалларига қайтадан эга бўлганлар. Ёмон ишлаб буйруқни бажармаганлар даргоҳдан ҳайдалиб, давлатдан маҳрум бўлганлар. Демак, кимки султон амрига итоат қилиб, унинг берган маошига қаноат қилиб, ўзини бузуқчилик ва хиёнатдан сақлаган бўлса, султон буйруғини қониқарли даражада бажарган бўлса, бундай одамлар, албатта, султонга яқин бўлиб, ундайларнинг даражаларини кўтарганлар. Илгари султонга узоқ бўлса, энди хизмат орқали унинг яқинлари қаторига қўшилган. Қимда-ким султоннинг буйруғини бажаришда бепарво бўлиб, ялқовлик қилган бўлса, у ҳар қанча султонга яқин бўлган бўлса ҳам, бу хатоси учун султоннинг назаридан тушиб, йироқлар қаторига кирган.

Ўғилларим, сизларнинг ақлий доираларинг тор бўлганлигидан, бу сўзларга тушунмасликларинг мумкин. Мисолимиздаги султон мабдан аввал, яъни эзиди таоло. Маҳотиб мақраб деганларимиз комил инсон, ҳақиқий

жовҳари фард, экин майдони; маволид унсур олами-дир...

Инсон олами аршгача етиши мумкин. Ой фалаги тагини шаҳодат олами дейилади. Ундан юқорисини ғайб олами, аршдан юқори бўлгани ҳам ўша аршга қўшилади. У жойни ҳукамолар «Лоҳа ло ва ло мало» дейдилар, яъни унда замон, макон йўқ, уни англатиш ифодага сиймайди. Баъзи бир ҳукамолар ва сўфилар улуг аршнинг устини зот олами деб атаганлар. Бу жойни бутунлай нур тўлқини қопламишдир. Унинг таги эса улуг арши курсининг муҳаддаби бўлади.

Б а й т:

Осмон хост дар вилояти жон
Кор фармони осмони жаҳон.

Таржимаси:

Осмонлар бор эрур жон мулкида
Бу кўринган кўк аларнинг илгида.

Худо оламнинг ичида ҳам эмас, ташқарисида ҳам эмас. Аммо бутун олам унинг қудрати остида қолмишдур. Илоҳий файзларнинг қайнаган жойи ўша арш устидаги оламдур. Шундан оллонинг қудрат ва истаклари тўхтовсиз арш устига ёғилиб туради. Қуръон тилида курсий деб аталган, фалаки албуруж, фалаки алсавобатга ҳам ўшандан оқиб туради. Етти осмонга ва ундаги юлдузларга булардан маволиди сулосанинг пайдо бўлиши учун унсур оламига тушади. Булардан мақсад инсоннинг пайдо бўлишидир. Бундан эса ғараз ҳозир ва ғойиб ҳамма оламга инсон воситаси билан оллонинг қудрат ва санъатларини кўрсатишдир. Агар инсон бўлмаганда оллонинг шу қадар кўп қудрат ва санъатлари юзага чиқмасдан парда тагида яширинганича қолаверарди.

Юқори олам соф нурдан иборат бўлганлигидан, унинг аҳллари бўлмиш фаришталар ҳам нурдан яратилмишдир. Шунинг учун нурдан бўлган нарса нурни ажрата олмайди. Қуйидаги кўзга кўринувчи жасад олами қоронғуликдан яратилмишдир. Шунинг учун зулмоний зулматни фарқ қилмайди. Ана шунинг учун нур ва зулматни аралаштириб инсонни яратган. Инсон эса ҳар иккисининг ҳам сирларини очиб, оллонинг қудрат ва санъатларини юзага чиқара олади.

Бу таҳқиқ ўтган ҳукамолардан бирининг айтганига ўхшаб кетади. Унинг айтишича, етти қават осмондан нариги томони шундайгина ялтироқ нурдир. Турувчи, юрувчи юлдузларнинг туйнугидан биз томонга уларнинг шуълалари тушиб туради. Ҳақиқатан, бу юлдузлар ўша нур томонига қаратилиб қўйилган катта ва кичик тешик туйнуклар кабидир... Ундан уч маволиднинг тарбияси учун унсур оламига нур тушади. Масалан, тўрт унсурнинг ҳайюлоси саккизинчи фалакдан тушмоқчи бўлса, у аввал зуҳал юлдузга келиб киради. Бунинг фалагида маълум бир даврни ўтиб ўзини тозалайди. Сўнг-ра муштарий юлдузига тушиб, бунинг фалагида ҳам бир қанча вақт айланиб, кўпайиб-озайишлардан кейин миррих юлдузининг тешигидан кириб келади. Шунга ўхшаш, тадрижий йўсинда пастга тушиб, бир қанча муддаг ўтгандан сўнг унсур оламига, ундан маволидга, ундан эса дунёнинг марказига тушади. Тушганлари тўхтовсиз яна юқорига кўтарилиб туради. Масалан, ўтнинг уч манзилидан доимо ҳарорат, ҳаводан доим совуқлик, уч манзилдаги сувдан доим рутубат, уч манзилдаги тупроқдан доим қуруқлик марказга тушиб туради. Охирги дурдаси шунда қолиб, енгили, мусаффоси яна юқорига кўтарилади. Бу тушиб яна юқорига кўтарилиб туришлар, қуёшнинг нури ўзига қайтганидек, субҳайин дейилган қуюқ тутунлик ҳароратни ер марказига тўплаганидек, кетма-кет бўлиб туради...

Фалакларнинг шакл ва авзолари уларнинг мажбу-

рий ва ихтиёрий ҳаракатларига кўра бир неча хил бўлганидек, руҳларнинг ҳам чиқиб-тушишлари узоқ ва яқин бўлиб туради. Шунингдек, моддаларнинг ҳам чиқиш-тушиш йўлларининг ҳисоби йўқдир. Олти томоннинг бирор томонига ҳам хос эмасдир. Коинотнинг бошлиғи арш устида фалаклар юлдузларга тушганида тўхтамай айланганидек, арш устидаги чоғида ҳам шундай айланади...

Агар сизлар ҳақиқатга тушунсанглар, ўз қадрларингни ўшандагина билган бўласизлар... Қимда-ким гафлатдан уйғониб, риёзат ва ибодат билан нафсини ҳайвоний ва шайтоний сифатлардан пок қилса, уни ҳали тирик чоғидаёқ гайб оламидаги муқаддас жойга етказадилар. Акс ҳолда ҳаракат қилган одам борган сайин инсонлик даражасидан узоқлаша боради. Шундай бўлгач, доим ўзларингни текшириб туринглар, соф бўлинглар, яна ёмонликларинг яхшиликларингдан ошиб кетмасин...

Мол-дунёга қизиқиш, ноз-нсъматга берилиб кетиш натижасида уларнинг меҳнат ва машаққатлари кўзига роҳатдай бўлиб кўринади. Масалан, кунжарани кўриб, қўш ҳайдагандаги тортган азобини унутган ҳўкиздай бўлади. Иккинчидан, мен агар мол топиб, хазина қилиб олсам, умрим борича роҳатда турмуш кечираман деб, хом хаёл қилган бўламан. Тушида подшоҳ бўлгандек кўп одамларнинг умрлари шу хаёл билан охирига етиб, бошлари кафанга ўралади.

Ўғилларим, сизларни юпантириш учун ҳар кун кўз олдиларингдан ўтиб турган бир ишни мисол қилайин: сизларга қўшни бир баққол мол-мулк, ер ва сувга эга; ускуна ва асбоблари кўп; шира-шарват ва ҳар хил ҳўл-қуруқ меваларга тўлган баққоллик дўкони ҳам бор. Уни кўрсанглар оғизларингдан сувларинг оқади; бу сизларга маълум. Бироқ мен унинг аҳволига йиғлагим келади. У ўз дўконига одамларга керак бўладиган ҳамма нарсаларни тўплаган. Узум, анор, ўрик ва майиз

қопларининг ўртасида чивин ва ариларга таланиб ўзи ўлтиради. Унга қарасанглар кўрасизларки, у қартайиб ўлишга яқинлашган; қолган умрини фароғатда ўтказиб ҳар қанча кўп ва исроф қилиб егани билан ҳам бойлиги тугайдиган эмас. Бироқ у ўшанда ҳам икки эшиклик дўконида қишин-ёзин қўзғолмасдан ўлтиради. Қиш совуғи, ёзнинг иссиғига қарамайди. Қиш кунларида унинг кўрган кунни қурсин; бир сопол товоқчага ўт солиб олиб, уни ёнига қўяди; сотаётган савзи-шолғомини ҳар сафар тарозига солганда қўли совуққа қотиб, уни дарҳол ҳалиги товоқчадаги ўтга тутеди; қўли исимай туриб бир киши бир нарса сўраб келса, ўрнидан туриб уни жўнатганча яна бири келади. Шундай қилиб, келганларни узатгунча қўл-оёғи музлаб, бурнидан сувлар оқади. Шу орада уйдан косада овқат келиб қолса, оч қолганидан бир луқмани оғзига солиши билан яна биров келиб, бирор нарсани сўраб қолади. Оғзида нон; ҳалиги киши сўраган нарсасини топиб бергунча, дўконни бир неча марта айланади. Сўнгра номози эсига тушиб, чўчиганича тош-тарози, савзи-пиёзлар ўртасида номоз ўқимоқчи бўлиб тадбирини айтар-айтмас, яна бирови келиб фалон нарса борми деб сўрайди. У боши билан ишорат қилиб, қироат ўқишга киришар экан, яна бир киши келади...

Агар бундай одам жамоатга чиқар экан, бутун хаёли бошқа томонда бўлади; илмоқдаги гўшти мушук олиб кетмадимикин, болалар ғалвирдаги ёнғоқларни талаб қочмадилармикин деб намоз тугагунча қиладиган ибодати шундан иборат бўлади. Агар боғ-чорбоғи бўлса, ёз кунлари уларнинг меваларидан ейиш нари турсин, меваларни кўзи ҳам кўрмайди. Ёз кунлари кун иссиқлигидан унинг дўкони қайнаб кетади. Ҳатто унинг совуқ сув ичишга ҳам қўли тегмасдан, жувозга қўшилган отдек дўконини айлангани-айланган. Ўзи эса доим терга ботган, кийимлари кирланган, терга сасиб кетганлигидан, унинг ёнига бориб бўлмайди. Иссиқ-совуқ демай, молини пойлаб дўконда ётади. Бошини ёстиққа қўйса

ҳам оёғини кўкрагига тортади; чунки оёғини узатишга бўш ўрин йўқ. Агар дўконида моли озайиб қолгундай бўлса, гоҳида эшакли, гоҳида пиёда бозорга бориб, бозордан керакли нарсаларни олиб, ҳарсиллаб нафас ололмай, минг машаққатлар билан бозордан қайтиб, яна дўконини тўлғази ва аввалги ҳаракатини давом эттиради.

Энди, ўзингиз ўйлангчи, бу одамнинг кўрган кунда қандай роҳат бор? Албатта, ҳеч қандай роҳат йўқ. Шунга қарамасдан буларни кўрган меҳнатлари ўзларига билинмайди. Мана шу ғафлат орқали бутун халқ оламнинг ободонлигига киришадилар...

Бир қанча аҳмоқлар уларнинг тирикчилигини кўриб, фалончи ишини роса боплаяпти, худо бизга ҳам шундай ишларни насиб қилса эди, деб орзу қиладилар. Бундай одамларга дунё молига кўнгил боғлаш, унинг орзу-ҳавасига қизиқиш кўп ёмон, бу ҳақда олло бундай деган, сарвари олам бундоқ деганлар деб, уларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлсанг, уларнинг бу сўзларни эшитгиси ҳам келмайди. Аксинча, бизни кўролмаганидан ўзига ўхшаш гадо қилмоқчи бўлиб, бизни бу йўлдан қайтараётир, деб ўйлайдилар. Шундай қилиб, дин ва имонларидан ажрайдилар. Танлари билан кафанга ўралиб, бошлари тўрға кирмагунча кўзлари ғафлат уйқусидан очилмайди. Бу одамлар соғ кишининг сўзига қулоқ солмай ҳалок бўлган кўр кишига ўхшайдилар.

Ҳикоя қилишларича, бир соғ ва бир кўр иккиси ҳамроҳ бўлиб, сафарга чиқибдилар. Қиш фасли бўлиб, ҳаво совуқ экан. Эрта саҳарлаб қоронғида йўлга чиқмоқчи бўлибдилар. Жўнар олдида кўр қамчисини йўқотиб қўйибди. Қамчин излаб, пайпаслаб юрса, қамчинга ўхшаш бир нарса қўлига тегибди. Ушлаб кўрса, ҳалиги нарса сопи йўқ, аммо ўзи янги қамчинга ўхшабди; буни билиб кўр худо менга эски қамчин ўрнига янгисини етказди деб ўйлабди ва манзилга етгач, даста ясатиб

оламан дебди. У эса совуқдан карахт бўлиб ётган заҳарли бир илон экан.

Шу билан кечалаб йўлга тушибдилар. Тонг отиб, кун ёриганда йўлдошининг кўзи кўр қўлидаги илонга тушибди. Ушанда кўрнинг йўлдоши унга камчин деб ушлаганинг заҳарли қора илонку, иссиқ ўтса тирилади, чақиб олса ўласан, тез ташлагин деб бақирганида, кўр йўлдошига қараб: мен қамчинимни йўқотиб қўйган эдим, унинг ўрнига худо подшоҳларнинг қамчиси деб бу қамчинни менга етказди; сен қизғониб буни менга раво кўрмай турибсан, агар мен буни ташласам сен уни дарҳол ўзингга оласан, дебди. Йўлдоши қасам ичиб қўлингдаги нарсга қамчин эмас, балки илондир деса ҳам кўр ёлғон деб, унинг сўзига қулоқ солмабди. Ниҳоят, кўрнинг қўлининг иссиғи ва қуёшнинг иситиши билан илон жонланиб, кўрнинг қўлига ўралиб олиб шундай чақибдики, кўр отдан тушишга ҳам улгурмай жон берибди.

Шунга ўхшаш, дунё аҳллари ҳам билган ва кўзи очиқ кишиларнинг сўзларига қулоқ солмайдилар. Бизни кўролмайди, ўзлари биздек бўла олмаганлари учун бизларга ҳасад қиладилар деб, уларга тухмат қиладилар.

Дунё тўплаш йўлида халқнинг қиладиган касбларининг равишлари ҳам худди шунга ўхшайди. Ҳар бир касб ва ҳунар устидаги қийинчиликларни айтмоқчи бўлсанг, бир неча жилд китоб ёзишга тўғри келади. Сизларнинг оталаринг ҳақиқатга тушунди. Дунё тўплашдаги ҳожатнинг чексизлигига кўзи етди. Шунинг учун кундалик ўлмас овқатга қаноат қилди. Агар сизлар ҳам юкимиз енгил бўлсин десанглар, менинг йўлимни тутиб, озига қаноат қилинглр.

Сарвари олам, икки сойни олтинга тўлдирсанг ҳам одам боласининг кўзи тўймай, учинчи сойнинг ҳам тўла бўлишини истайди; инсоннинг кўзи тупроққа тўлмагунча — тўймайди, деганлар. Мени бу сўзларимга чуқуროқ қарасанглар, бахилликдан қутулиб, озига қаноат

қила оласизлар... Халқ билан яхши муомалада бўлинглар, ҳеч кимга озор берувчи бўлманглар. Ёмон ахлоқлар менинг 25 ёшимдаёқ кўнглимдан кўтарилган эди...

Халқ билан кўп боғланганлигимдан, бўш вақтим қолмас эди. Ёлғиз қолганимда бошимни ўраб ётар эдим; уйғонганимда яна қайғу босар эди. Ўзимни юпатиш учун кеча ва кундуз улфатларимдан ажрамадим. Ёшлик чоғларимда мен ҳам ортиқча илм фазл талаб қилиб, дастлаб сарфи-ҳавои илмини ўқидим. Шерикларимдан бирига жуда кўнгил қўйдим. У менга бир ғазалиёт китобини ёзишимни талаб қилди. Мен буни бош устига қабул қилиб бир неча кун ичида у китобни ёзиб келтирдим. Шеригим эса китобни жадваллаб расмлар билан безатиб келтиришни буюрди. Менинг эса ёзишдан бошқа бундай санъатдан хабарим йўқ эди. Шунинг учун бошқалардан суриштириб юриб, бу ҳунарни устозлари билан муносабат боғлаб кўп уриниш ва меҳнатлар орқали айтганидан орттириб тилла суви билан зийнатлаб расмлар солиб безатдим. Сўнгра уни маҳбубимга берган эдим, унга маъқул бўлди. Унинг олдида тенгдошларимдан кўра даражам кўтарилди.

Буни кўриб бу санъатнинг шавқи кўнглимга тушди. Бу санъатга ҳамма муҳтож эканга ўхшаб қолди. Айниқса, подшоҳ бошлиқ давлат арбоблари дунёда ўз номларини қолдириш учун китоблар ёздириб, унга тилла сувидан ҳал ва жадваллар торттириб, уни зийнатлашни истар эканлар деб, бу санъатга моҳир бўлишга қизиқдим. Ҳар ҳунарни ўрганиш керак деб, бунинг аҳллари билан аралашиб, уларга хушомадлар қилиб юриб, бир йил ичида бу санъатнинг у ёғидан кириб-бу ёғидан чиқиб камолига етказдим. Бу санъат учун керакли қалам, паркор каби ҳамма асбобларни қўлга киритдим. Бу санъатни имтиҳондан ўтказиб, бу фаннинг тараққийси учун керак бўлган усул ва қоидаларини ўйлаб чиқардим. Лавҳадан тортиб жадвал ва нақш ҳамда сақфи девор расми, тасвири офоқи, тасвири хорижи, расми

иморат, тасвири боғ-бўстон, ҳайвонотларнинг сура­тла­ри, ҳар турли қушлар, балиқлар, идишлар, дашт ва саҳ­ро­лар, тоғ-тошлар, оқар дарё ва улуғ денгизлар каби расмларнинг ҳар бирини айрим тахталарга сура­тла­рини тортдим. Турли саъй ва ҳаракатлар қилиб юриб, тур­ли хатлар – хатти сулс, хатти зулф, хатти райҳонларни ўргандим. Бу хатларнинг сўнггиси иморатларда кўпроқ ишлатилар экан. Тоғ расмларини, табиатда бор ҳар хил шаклларни катта иморатларга қўядиган кунгура, шарфа, муқарнасларни ишлашга ҳийла маҳорат пайдо қилдим.

Бунчалик ҳаракат ва чексиз меҳнат-машаққатлар тортиб бу ҳунарлар санъатини ўрганишдан менинг мақ­са­дим — агар султон ўрдада иморат қилса ёки ўзига атаб мадраса-мачит, хонақоҳлар солдирса, ҳамма ҳу­нар ва санъатларимни кўрсатиб, барчани ҳайрон қол­дирмоқчи эдим. Агар подшоҳ томонидан зийнатланган бирор китоб ёздирмоқчи бўлсалар, бу иш ҳам мендан бошқа кишининг қўлидан келмаслигини яхши билар эдим. Халқни ҳайрон қолдирарли даражада бу санъат­ларимни бажарганимдан сўнг ҳаммага номим чиқиб, мамлакатда ва давлатда даражам кўтарилиб, биринчи мартабали одам бўламан деб, ўйлар эдим.

Шундай қилиб, мен бу ҳунар ва санъатларни имти­хондан ўтказиб, камолга етказиб, бир қанча вақт кут­дим. Бахтимга қарши на подшоҳ ва на фуқаро ҳеч ким ҳам иморат қилмади. Ҳунарларимни юзага чиқариш у ёқда турсин, қани сенинг ҳунар ва санъатларинг деб бирор киши сўрамади ҳам. Шунинг учун менинг ҳунар­ларим тупроққа кўмилгандай бўлиб қолиб кетди. Ана шунда кўзим очилиб, ўз-ўзимга: ажаб қизиқ бир хом савдога қолган экансан, сенинг топган илм-ҳунарларинг­ни ишлатадиган жой ёки бирорта харидори ҳам йўқ экан, деб афсус қилдим.

Менинг санъатим халққа маълум бўлганлигидан, баъзи бировлар китоб жузъийларини келтириб зийнат-

лаб, ҳал ва жадвал қилиб беришимни сўрар эдилар. Бу ишни қилиш учун камида юз танга берасиз десам, улар буни эшитиб ҳайрон қолишиб, фалон одам икки тангага ҳам ўрнидан тургиси келмайди; ажаб, бечора савдойи бўлиб қолганга ўхшайди деб, қайтиб кетишар эдилар. Мен эса ҳа ўша жойга боринглар, мени тинч қўйинглар деб, уларни жўнатар эдим. Ҳимматим баланд бўлганидан, ўн минг тилла бўлса ҳам кўзимга оз кўриниб, назарим илмас эди.

Бир куни рассомлик ва наққошлик асбобларидан олти дона қил қалам боғладим. Бу қаламлар ўзининг нафислиги билан рассом Беҳзоднинг қаламини ҳам йўлда қолдиради, деб ўйлар эдим. Агар бунинг қадрига етган подшоҳ бўлса, бу олти қаламимга олти минг тилла берса ҳам арзийди, дер эдим. Бироқ бу қаламларимни қаламдонга солиб қўйганимча, ишлатилмасдан ётиб, уларни қуртлар еб кетди. Ҳақиқатда эса, мени подшоҳ ва шаҳзодалар ишга солишлари керак эди; қилган хизматим, кўрсатган ҳунар ва санъатларимни тақдирлаб, ўзим айтгандан ҳам ортиқроқ қилиб олтин, кумушларни олдимга тўкиб қўйсалар бўлар эди. Чунки ўтмишдаги подшоҳлар санъат аҳлларига қандай катта инъом ва эҳсонлар қилганлар. Расмлар солиниб, тасвирлар тортилган, тилла суви берилган жадваллар билан зийнатланган қанча китоблар амирлар ва ҳокимларнинг амрлари билан ёзилиб қолдирилгандир.

Шунинг учун мен замондошларимиз олдида бу ҳунарни хор қилгим келмай, бу санъатларни ташлашга мажбур бўлдим.

Энди сизлар ҳам чуқурроқ фикр юритинглар... Агар сизларнинг ҳимматларинг баланд бўлиб, бошқалар хизматларингда бўлишини истар экансизлар, у чоқда ақлни ишга солиб, руҳни тарбия қиладиган, энг олий илм-ҳунарларни ўрганишларинг керак. Агар буни қилолсанглар жуда яхши; акс ҳолда, озига сабр қилиб, ўлмас овқатга қаноат қилинглари. Одамлар қиладиган ҳамма

ҳунарларнинг бориб етган жойи ана шудир. Бўзчидан тортиб зарбобчигача ҳамма касб ва ҳунар қилувчилар ҳақиқатда эса ҳақ олиб ишловчилардир. Буларнинг бир-бирларидан фарқи уларнинг кийимларида ва турмуш кечиришларидагинадир.

Бир вақтлар қилич аҳллари ва сиёсий, ҳарбий одамлар билан ҳам аралашиб юрдим. Бунинг сабаби эса менинг бир устозим бўлиб, мен унинг таъсирида эдим. Агар устозимнинг фазл ва камоли, илм ва ҳунарларини ёзсам, ўшанинг ўзиёқ катта бир китоб бўлур эди.

Устозим кўпгина илм ва фанларга олим, хушхатликда тенгсиз, муҳандисликда комил одам эди. Салтанат ўрдасидаги бутун иморатлар унинг раҳбарлигида қурилар эди. Бир куни пайти келиб қолганда устозим мени султонга мақтабди. Фалон одам менинг шогирдим, ҳар турли хат ёзишда моҳирлиги бор, хушхатликда унга бирор киши тенг бўлолмайди; агар у қалам ҳунарини кўрсатса, рассом Беҳзоднинг санъати касодликка учрайди; агар унинг қил қаламлари ишга кирар экан, ажойиб ва ғаройиб санъатлар юзага чиқади, деб менинг номимни кўтарибди.

Шу туфайли мени ўрдага чақириб ёзиш-чизиш хизматига қўйдилар. Мен унда тарих, тиб масалаларига оид китобларни кўчириб ёзишга киришдим. Ҳар жузъийга 10 танга вазифа (ҳақ) тайинладилар. Шу орада устозим дунёдан ўтди. Мен унинг ўрнига тайин бўлдим. Маошим ҳам бир минг тангага кўтарилди. Эртадан кечгача умрим ўрдада ўтадиган бўлди. Султон катта иморатлар ва қурилиш ишларини бошлаганда нақд ва нигор санъаткорлигини менга маслаҳат қиладиган бўлди.

Ана шу вақтларда ҳар хил одамлар билан аралашимизга тўғри келди. Натижада ҳар нарсани тажрибадан ўтказа бошладим... Бир қанча кишилар умрларини бекорга ўтказиб, султонга яқинлашиш учун чора ахтарар эдилар. Улардан бирови илми билан, яна би-

рови шеър айтиб шоирлиги билан, баъзи бирлари санъат ва ҳунари билан, яна бирови эса чавандоз, қиличбозлиги билан мақсадни қўлга киритишга уринар эдилар. Бироқ улар қанча уринмасинлар, ўз мақсадларига эришолмас эдилар. Айни замонда, султонга яқинлашишнинг орқасидан тушмаганларнинг иши ўнг келар эди. Баъзи бировлар султондан озгина бир илтифот кўриши билан уларнинг бошлари осмонга етар эди. Баъзилар эса султондан ҳар қанча меҳрибонлик кўриб турсалар ҳам, яна ундан рози бўлмас эдилар.

Ўрдада хизматда бўлган кишиларнинг оладиган маошлари уларнинг вазифаларига қараб 10 тилладан тортиб 300 тиллагача борар эди; бундан ортиқ маош берилмас эди. Бу эса менга оз туюлар эди. Шунинг учун ҳар қанча фазл ва ҳунар орттирсам ҳам етадиган жойим ва оладиган ақчам шу экан деб, илму ҳунарни восита қилиб нон топишдан воз кечдим. Тақдирнинг ошхонасидан озми-кўпми нима чиқадиغان бўлса, шунга қаноат қилиб ортиқча талаб қилмадим.

Аскарлар махсус ҳунарларни, қуроқ қўлланмаларини, чавандозлик, ўқ отиб милтиқ ушлашлик, қиличбозлик, аскар тузиш, уруш ва талаш ишларидаги йўл-йўриқларни билишлари керак. Халқ ўртасида тараққий топган ҳунарлар эса заргарлик, темирчилик, дурадгорлик, тўқувчилик, тикувчилик ва ҳоказолардир. Деҳқончиликдаги ҳунарлар эса кўчат кўпайтириш, пайвандчилик, боғбонлик ва шунга ўхшашлардир. Буларнинг барчаси тирикчилик учун керакли касб ва ҳунарлардир. Дунё ободонлиги учун буларни билиш, албатта, зарурдир. Бу жиҳатдан қараганда, булар яхши сифатларга эга бўлсалар ҳам, аммо ақл ва руҳ жавҳарларига зарар етказиш томонларига қараб, буларни яхши деб айтмайдилар. Аммо қалам аҳллариининг нон топиш учун қўллайдиган касб-ҳунарлари, бутун зоҳири илмлар: фикҳ ва фароиз, ҳисоб ва фатво, сижил ва тиб, нужум ва шоирлик, муаллимлик ва котиблик кабилар эса мада-

ният учун энг зарурдир. Бу илм ва ҳунарлар инсоният учун фойдали бўлиб, шу билан бирга илмнинг ўсишига йўл очади. Бироқ булардан асл мақсад халққа фойда келтиришдан иборат бўлиши лозимдир; бунинг орқасидан, албатта, нон ҳам топилади. Акс ҳолда, ҳар қандай илм-ҳунар ҳам охири ўзи учун зарарли бўлиб чиқади. Бутун ҳунарларнинг аълоси илмдир...

Юраклари дунё ғаразларидан пок бўлиб мударрислик, муаллимлик хизматларини қилсалар, бундан улуғ касб йўқдир. Агар бу ишларни ғараз билан қилар эканлар, ўзлари ҳам адашадилар, халқни ҳам адаштирадилар...

Илм аҳллари ҳақида айтилган «илм дунёнинг иззати, охираатнинг шарофати» каби ҳадисларни ўқиганда кўнглимга гумон тушиб, бу илм қайси илм бўлди экан, дер эдим. Бир қанча нодон аҳмоқларни тўплаб олиб, уларни ўқитган бўладилар. Улар дарс нима, илм нима, қолаверса, ўқиганларига ҳам ўзлари тушунмасдан, қайси фанни ўқимоқчи ва унинг фойдаси нима бўлишини билмасдан устозлари олдида ғавғо кўтарадилар. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг, илм талаб фақир ўқувчилардан зўрлаб пул йиғадилар. Бир неча товоқ майиз, ҳолва ва сарпо қилиб, устига нақд ақча қўйиб, устозга тақдим қиладилар. У ҳам хурсанд ҳолда ақчани чўнтакка солиб, зўр бериб уларга тушунтирганлигидан, кўнгли озиб саломатлиги йўқолади. Чунки кечалари уйқудан қолиб, китоб қараб чиқади. Кундузи эртадан кечгача ғавғо ва шовқин ичида ўлтиради. Овқат ейишга ҳам вақти бўлмайди. Гоҳи кунлари талабаларнинг тўполони билан фарз намозини ҳам ўз вақтида ўқий олмайди. Катта гумбазни бошига кийиб олиб, қишин-ёзин шунинг ичида қамалгандай бўлиб ўлтиради. Кеч бўлиб уйга қайтар чоғида, устозни отга миндирадилар, сўнг яна у отдан йиқилиб бўйни узилмасин деб, икки аҳмоқ уни икки узангисидан ушлаб уйигача олиб боради.

Ажабо, бунга ўхшаш ишларда қандай иззат бор, деб

ўйлайсан киши. Давлат арбобларидан кўп одамлар ҳам ҳазрати домланинг бу кўрган иззатларидан ортиқроқ иззатга эгадирлар. Миршаб, эшик оғасига ўхшаш сипоҳлар ҳам отлиқ юрганларида жиловларида бир қанча аблаҳларни югуртадилар. Бундай устозлар доим ўрда эшигида султоннинг зулм ва хиёнатига розилик бериб ўтирадилар ва шу билан ҳазрати домланинг иззатига шерик бўладилар.

Сарвари олам менинг олим умматларим бани исроилнинг пайғамбарлари кабидир, деганлар. Замонамизнинг олимлари бўлсалар, ноҳақ фатво берадилар; хушомад учун шарият йўлини хор қиладилар. Шундай бўлгач, булар қайси хислатлари билан пайғамбарларга ўхшай оладилар...?

Мен доим бир нарса устида фикр юритар эдим: агар банданинг нажот топишига шариятнинг зоҳилига амал қилишнинг ўзиёқ етарли бўлса, нега илгариги уламолар ортиқча «нафл намоз, нафл рўзага» киришиб, одамларни намоз ва рўзага ташвиқ қилиб, кўп китоблар ёзганлар? Агар диннинг ҳақиқати шуларнинг айтганича бўлса, нега бизнинг уламо ва машойихларимиз унга амал қилмайдилар? Бу нарсалар устида ўйлаб, айтилганлар амалсиз, қуруқ сўзлар бўлса керак, деярга эдим.

«Сатафтариқу» ҳадисини дарс қилиб ўқиганимдан сўнггина бу масаланинг ҳақиқати менга маълум бўлди. Кўрсам, бутун умматлар ичида нажот топувчилар сўфиюн маслагига одамлар экан. Расулилланинг ва унинг саҳобаларининг таржимаи ҳолларини текшириб қарасам, сўфилик суликлари уларга мувофиқ бўлиб чиқди. Шунда билдимки, замонамизнинг уламо ва машойихлари тўғри йўлда эмас эканлар. Чунки мен уларнинг қилган ишларига қарар эдим. Шунда шайхларнинг алдамчи, уламоларнинг порахўр эканликларини кўрар эдим. Дарс шерикларимдан баъзилари менга насихат қилиб, уламолар ҳақида айтилган оят ва ҳадисларни ўқир эдилар. Мударрисларининг иззат ва обрў-

ларини кўрсатиб, қози, муфти ва раислик каби мансабларни кўз олдимда жилвалантирар эдилар. Фалон одам фалон мадрасага мударрис, фалончи қози, фалончи эса раис бўлибди, дер эдилар.

Мен кўнглимда бу сўзларнинг ҳаммасига қаршилик кўрсатиб, у айтилган оят ва ҳадислардаги уламолар булар эмас, бошқалардир, бу кун эса улар йўқдир, деб қўярдим. Ҳолва ва майизни илм сотиб эмас, бошқачароқ касб билан ҳам тўплаш мумкин. Шу туфайли, қозини арбобдан, раисни қоровулдан, мударрисни болаларнинг ўқитувчисидан устун кўрмас эдим. Балки, аксинча, халқ олдида даражали ҳисобланганлардан кўра даражасизларда фазилат кўпроқ эканлиги маълум бўлар эди. Масалан, ўқитувчининг ўқитадиган болалари мактабга боришга мажбурдирлар. Аммо ўзлари бу ишни нега қилаётганларини билмайдилар. Мударрисларни текшириб кўрсангиз, уларнинг ҳаммалари ҳам бирор мансабга эришиш учун ўқиганлари маълум бўлди. Дарс ўқувчилардан бирортаси онда-сонда мен эътиқодимни тузатиш учун дарс ўқийман деса ҳам, унинг эътиқоди мударрисникидан ошиб кетмайди.

Мударрисларнинг дарс беришлари босмачилик қилиш учун одам қўлига қилич ясаб беришга ўхшайди. Шунинг учун мен дарс ўқишдан ва дарс беришдан четлашдим. Чунки бу касбдан бу жаҳонда ҳам, у жаҳонда ҳам ҳеч қандай фойда топишимга кўзим етмади. Бизнинг мамлакатимизда мударрисларнинг энг юқори даражадаги маошлари уч юз тилладан (динордан) ортмайди. Бу эса мен учун оз бир нарса бўлиб кўринади. Фойда кўриш учун бутун бир ғавғага қолишни табиатим истамади. Ким бу дунёнинг зийнатларини истаса, уни истагига етказамиз, аммо охиратда ундайларга азобдан бошқа нарса насиб бўлмайди, деган оятнинг мазмунига кўра, бундайларга охиратда ҳам савоб йўқдир.

Қалам аҳлларининг энг юқори мансаблари қозилик

ва раисликдир. Замонга қаралса, бу икки ўринда ҳам адолат билан иш олиб бориш мумкин эмасдир. Чунки ҳар жойда қалам аҳли мансабларига сиёсий мансабдорлар ҳукмрондирлар. Шариат ишлари шуларнинг хоҳишларига қараб юргизилгач, зулм ва хиёнатсиз бўлиши ҳеч мумкин эмасдир.

Бундай мансабларда ўтирган қалам аҳли ҳукумат арбобларига, бойларга, чақимчи ва жосусларга хушомад қилмасалар, жон сақлай олмайдилар. Шариат ҳукмини юргизишда, фатво чиқаришда султоннинг хотирига қараб иш қилмасликнинг иложи йўқдир. Демак, қози ва раислар биринчи қадамларидаёқ шариатни буздилар, стимлар молга хиёнат қиладилар. Буларнинг бутун қилган ишлари ҳаром-ҳариждан ҳеч қачон холи бўлолмайди.

Бу мансаблар халқ кўзига улуг бўлиб кўринганидан, булар олдида доим бир қанча одамлар хизматчи, ёрдамчи бўлиб турадилар. Буларнинг маошлари қозининг киссасидан ёки халқнинг косасидан унади. Буларга қарашли одамларнинг қилган гуноҳлари бўлса, қози ёки раиснинг бўйнига юкланади. Чунки буларнинг хизматчилари кимга зулм ва хиёнат қилсалар, хўжайинларига ишониб қиладилар.

Яна бу амалда бўлган одамнинг боши ҳеч қачон ғавғодан қутулмайди... Бунинг устига, бундай кишилар амалдорлик мансабини сақлаб қолиш учун ўрдадаги бошлиқларига доим «қўл учи» бериб турадилар. Қозилик ва раислик мансабларидан тушган даромадларнинг динордан тортиб ўн минг диноргача етади. Бу даромаднинг кўпчилик қисмини султон хазинасига топирадилар. Бу ақчани қўлга киритгунча мусулмонларнинг ҳақлари устида қанча зулм ва хиёнатлар содир бўлиб, ундан чиққан натижа ҳазрати қозининг, эшон раиснинг тўлмас халталарига тушади. Ҳақиқатда эса буларнинг қилган ишлари охират шармандалигидан бошқа нарса эмасдир.

Бунчалик бойликни илми сотмасдан, бошқа бирор касб қилиб топса ҳам бўлади. Чунончи, яҳудийлар ва савдогарлар орасида бирор касб орқали бадавлат бўлганлар кўпдир. Шундай бўлгач, шарофатли илми ҳаром мол топишга восита қилиш ҳеч бир мусулмонга лойиқ эмасдир. Шунинг учун менинг нафсим қозининг шавкати, раиснинг савлатига қараб ўрнидан қимирлаб ҳам қўймайди.

Қалам аҳлларига тегишли мансаблардан яна бири салтанатнинг бош котиблигидир. Бу вазифадаги одамнинг ҳам ҳуши доим бошида, жони чангалда бўлиши керак. Чунки салтанатга яқин бўлиш аждарҳо оғзига кириш демакдир. Давлатнинг бутун кирим-чиқимларининг ҳисоб-китоби, сафарда ва ҳазарда султон жиловидида юришининг машаққатлари, амалдор ва мансабдорларга бериладиган нишонлар, уларни хизматга тайинлаб ёзиладиган ёрлиқлар ва ҳоказолар шуларга ўхшаш ҳамма иш шу бош котибнинг вазифасидир. Бу ҳунарнинг кирими кўп, чиқими йўқ бўлса-да, кишининг қўли ишдан, кўнгли ташвишдан қутулмайди. Жуда бўш бўлдим деганда, бир соатдан уч соатгача аранг дам олиб ухлай олади. Минг хил иш билан мияси айланган бундай одам ётиб уйқуда ҳам тинчимайди.

Киши кундалик ризқини топиш учун ўзини бунчалик азобга солишининг нима кераги бор? Қадимги кишилар айтганларки, мол умрни тинчлик билан ўтказиш учундир, аммо мол ташвиш учун эмасдир. Султоннинг хизматида бўлиб, олтин камар боғлагандан кўра, ўз уйида ўлтириб, арпа нон еган яхшидир.

Илм аҳлларининг касбларидан яна бири муфтилик қилишдир. Муфти даъвогарларга аризалар ёзиб беради; ер-сув, жой сотиб олганларга ҳужжат, васиқалар тайёрлайди;

Ғофил бўлиб юрган кунларимда мен ҳам бир неча вақт шу иш билан шугулланган эдим. Қарасам, эшикдан ким келар экан, келганлар нима берар экан, деб,

келганларга сўз ўргатиб, йўл кўрсатиб, шундан бирор нарсга олиб нон топар эканман. Даво, жанжал қилишиб фатво сўраб келувчилар, албатта, яхши одамлар эмас. Шундай паст одамларга хизмат қилиб, уларнинг қўлларига қараб ўлтиришни ўзимга хўрлик деб билдим. Шунинг учун қўлланма китобларимни, дафтар ва ёзувларимни йиғиштириб, уларни сўраганларга тарқатиб, бу ишдан ҳам қутулдим.

Қалам аҳллари қиладиган касбларнинг яна бири тиб илмидир. Қарасам, бу фанга киришганларнинг кўплари устоздан таълим олмаган ёки устоз кўрмаган нодон кишилар экан. Уларнинг ясаган маҳжун шарбатлари нусхага қараб қилинган. Дорилари мижози билинмаган, тажриба қилиб кўрилмаган дорилардан таркиб топгандир. Шунинг учун бу дориларнинг ўринсиз берилганлигидан, кўп кишиларнинг ҳалокатига сабаб бўлганлар. Бир филуслик дорига бир дирҳам оладилар. Ташриф илмидан, низқорурадан ҳеч ҳам хабарим йўқ. Нўшдору ҳибюл шифоди касалларига берган дорилари заҳар бўлиб, уларга ажал шарбатини ичирадилар.

Мен ўз мижозимга тўғри келадиган маҳжум ва хабларни нусхалардан кўчириб, улардан ўзим фойдаландим. Аммо одамларни алдашга виждоним қабул қилмади. Бу йўлга ўзимни солиш учун нафсимни алдаб кўрсам ҳам, ўз манфаати учун зиён етказиш инсонликдан эмас деб, бу ишни ҳам нафсим қабул қилмади.

Булардан ташқари, ўтмишдаги ва сўнгги илм аҳллариининг фахрланадиган ҳунаrlари нужум илмидир. Буни эгаллаш учун бирмунча билимларни ўрганишга тўғри келди. Масалан, ҳайъат илми, жуғрофия, ҳандаса, масоҳат, ҳисоб кабиларни, албатта, билиш керакдир. Бу фанлар эса аслида шарафли илмлардан бўлса ҳам, ноқис, паст табиатли одамлар бу илмларни нон топиш учун қўллаб, уни восита қилганлар. Шунларнинг касофатидаи бу фанлар қадрсиз бўлиб қолган.

Йўқ эса ўтган пайғамбарлар, ҳукамолар қўллаб келган шарафли илмлардан бўлишига шубҳа йўқдир.

Аммо замонамиздаги бу илм аҳллари энг бахтсиз, энг муҳтожликда қолган одамлардир. Шундай бўлсалар ҳам, нимадандирки, бу илмни бошқалардан яшириб, уни ўргатишга бахиллик қиладилар. Ўзларининг бу илмдан маҳоратлари бўлмаса ҳам, уни ҳар кимга ўргатгилари келавермайди. Ҳар бир сабоқлари учун бир талай пул сўрайдилар. Ақча олиб турсалар ҳам, бу фаннинг сирли жойларини била туриб, уни очик айтмайдилар; бахиллик қилиб, уни бекитадилар. Бу илм аҳлларининг ифлосликда қолишларининг сабаблари шундаки, улар юқориги оламларнинг илмларини тубанги оламнинг пастки ишларига восита қилдилар. Нон осмон илмига етиш учун керакдир. Булар эса нон топиш учун осмон илмини пастга туширдилар.

Лекин мен икки сабабдан бу илм билан шуғулландим. Биринчиси, аввал ўзим ўрганганларимни ҳаммага аён қилар эдим, иккинчиси, ўзимнинг келажагимдан хабардор бўлай дердим. Худо ҳақи, бу илмга киришганимдан сўнг, нужум илмининг бир неча нусхалари юзага чиқди. Илгариги сандиқларда ётиб қолган қанча қўлланмалар ташқарига қадам қўйдилар. Бу фаннинг қоида ва усулларида кўп енгилликлар топдим. Бир юлдузнинг хусусиятлари ўттизга яқин жадвал ишлаш билан аранг чиқарилар эди; мен буни 12 жадвалга келтирдим. Шу восита билан келгусидаги ишларимдан бир оз маълумотли бўлдим.

Бу илмнинг бошқа илмлардан ортиқроқ томони шулким, агар мунажжим соф зеҳнли киши бўлса, оллонинг зот сифатига унинг эътиқоди маҳкам бўлади. Кўпинча нужум олимлари оғир босиб ва сабрли бўлиб, ҳар ишни оллодан кўрадилар; бошқаларга ўхшаш имонлари юзаки ва тил учуда эмас, балки чинакамдир. Булар ҳар йўлга кириб, ҳар эшикни қоқавермайдилар. Улардан бошқа олимлар эса ҳар ёққа юзланиб, ҳар

этакка осиладилар. Султонга арз қилдим эшитмади, амирга бордим ҳожатимни чиқармади, деб ҳар кимга зорланиб ҳасрат қиладилар. Аммо мунажжим фалакнинг даврасидан ўртак олади ва бир муддат ўтгунча унга иқбол юзланолмаслигини билади. Ўшапгача ўзини кўп уринтирмасдан, оллонинг лутфи карамини кутганича, сабр қилиб туради. Агар киши бу илм билан доимий равишда шуғулланса, айрим хат билишдан маълумот олиши мумкиндир. Лекин инсон бундай иш учун яратилмаган; ундан кутилган мақсад бошқачадир. Шунинг учун бу билганимдан ортиқча, бу илмнинг ички сирларини очиш учун умр ўтказишни ўзимга лойиқ кўрмадим.

Қалам аҳллариининг мақтанурлик бир касблари шоирликдир. Агар шеър тизмаларининг вазни, қофиялари келишган бўлиб, ундан маъноли фикрлар чиқарилган бўлса, руҳнинг ғазоси бўлиб, бу инсоннинг олий санъатларидан ҳисобланади. Агар шеърда одобдан ташқари сўзлар бўлса, бойлар ва амирларни мақтаб, бошқаларни ё ёмонлаган бўлса ёки шаҳват нафсини қўзғайдиган, дунё лаззатига, унинг ноз-неъматларига қизиқтирадиган мазмунларни келтирса, бундай шоир сарвари оламнинг айтишларича, шайтон жарчисидир.

Б а й т:

И бисо маъни равшанки зиҳр си шу аро,
Хок жавлонгаҳи асб ва хари аҳли жоҳ аст.
Ви бисо нусхаки дар мактаби ташвиштамаъ,
Ру сиёҳ оят аз мадҳи амиру шоҳ аст.
Сила муштоқ гадо таъби зи мазмун баланд,
Гар ҳамма пойи барафлок ниҳад дар чоҳ аст.
Маржии маъни ин суст хаёлон дарёб,
Тобидони чи қадар фитраташон кўтоҳ аст.
Модихи аҳли сафо бошки дар илм яқин,
Васфи ин тоифа тавсири каломи олло аст.

Таржимаси (мазмун):

Маънили кўп шеърини шоир тамадин хор этар,
Дурри-гавҳар назм этиб, эшак оёғига отар.
Инжу-маржондин тизилган дурри гавҳар сўзларин,
Пул тама айлаб, уларни кўр кишиларга берар.
Васф этар бўлсанг агар, аҳли сафони мадҳ қил,
Ким аларнинг мадҳидин бўйи калом олло чиқар.

Тама чиркини ҳиммат либосининг этагига юқтирма-
ган олий ҳимматли шоирлар таманинг тузоғига илиниб,
Бойларнинг босган изини сўз шоҳидининг кўзига ҳеч
қачон тўтиё қилмайдилар. Асл фитратда, дарё ҳиммат-
ли кишилар, эҳтиёж тўлқини уларни ҳар қанча урса-да,
паст одамларни мақтаб, ўз обрўларини уларнинг оёқ
сстига тўкмайдилар. Агар маънонинг натижаси одам-
ни поклик оламига тортмас экан, у шайтоний илмлар-
дан ҳисобланади. Агар одамнинг қилган касб-камолати
уни қудс мақомига чақирмас экан, у доим залолат
зулмати ичра сарсонликда қолади. Шоирнинг тузган
муаммосидан ўлимтикнинг оти чиқса, унга юз ҳайфдир.
Ҳар маънонинг мусаффо, тиниқлик ойнасидан таманинг
шум юзи кўринар экан, у сўз маҳбубининг гул юзига
тушган кетмас доғли айбдир.

Б а й т:

Эй ки тарихи салотин кардаэ¹,
Машқи таълими шайотин кардаэ.
Чист таълими шайотин ҳубби жоҳ,
Эй шайотин муршидат руят сиёҳ.
Фаҳри таб ад мадҳи шоҳи бишт нист,
Гон ҳама тахту кулохи пишт нист.
Имтиёзи то надони шоҳ кист,
Ин қафас парварди ваҳми жоҳ нист.

¹ Бу байтнинг боши қўлёзманинг 891-бетида бўлиб, давоми эса 888-бетдадир — *Тарж*

Барсараш афтода ин заррин зи жом,
Омада пойяш басанги тахт ном.
Тахти симу афсари заррин дусанг,
Ў чу оташ дар миёни ин дусанг.
Фил ҳақиқат оташаст ў шоҳнист.
Лек ҳар оташпараст огоҳ нист.
Қурби ин оташ балои жону туст,
Балқи дину хирмани имони туст.
Гар бабазми шоҳи қурб андишай,
Бе гумон зардуш кофир пешай.
Равтагир ойинаи динад зидаст,
Нист ҳаргиз ҳақпараст оташпараст.

Таржимаси:

Кимки айлар подшоҳлар мадҳини,
Бил, аниқ устози шайтондир ани.
Етмайин мансабпарастлик ўрганур,
Мақсадига етса ул — шайтон бўлур.
Билмайурсан подшоҳнинг кимлигин,
Бу қафас ичра анинг тушганлигин.
Бошига қўймиш анинг бир неча тош.
Тахт дебон босган оёғи ости тош.
Бош, оёғига қўйибдур тошни,
Бир кун урғай тош билан у бошни.
Икки тош ўртасида ўтдек турур,
Бўлса шундай, подшоҳ қандай бўлур.
Подшоҳ эрмас, у ҳақиқат ўт эрур,
Бу ҳақиқат ўтпарастлар билмайур.
Куйдирур, бу ўт балодир жонига,
Жондин ортиқ қасд этар имонига.
Кимки шоҳ олдида қурбат истайир,
Бегумон, оташпарастлардан бўлур.
Ҳақпараст ҳаргиз худодан ажрамас,
Ўтпараст қайдин бўлолсин ҳақпараст?

Шеър айтиш муҳак тош кабидир. У одамнинг яхши-

ёмонлигини, айб ва ҳунарларини равшан кўрсатади;
ҳам кимнинг яширин сирларини юзага чиқаради.

Б а й т:

Чу марди суҳана гуфта башад,
Айби ҳунараш на хуфта бошад!

Таржимаси:

Агар сўз очмаса қайдин билурсан
Ҳунарликми, ҳунарсизми ул кишини.

Ҳар ким ўзини яхши кўрганидан, қилган иши, айтган сўзи ўзига яхши кўринади. Ўзининг донолигини бошқаларга кўрсатмоқчи бўлиб, сўзлаб қўйиб, аҳмоқ эканлигини ўзи исботлайди...

Қалам аҳлларининг ҳунарларидан яна бири наққошлик ва сурат чизишликдир. Бу ҳам хаттотликка ўхшаш, маданий тараққиёт учун керак санъатдир. Агар киши бу ҳунарни нон топиш учун эгаллаб, уни камолга етказган бўлса, бундан маданият дунёсида хизмат қилувчилар қаторида бир одамчалик хизмат ҳақини ундира олади. Агар бу ҳунардан мақсад фақатгина ҳунар орттириш, шу санъатга комил бўлиш бўлса, азиз умрини бунинг учун сарф қилишга арзимаydi. Шунинг учун ҳам Мавлавий Жомий ўғлига насиҳат қилиб, қуйидаги назмни айтган.

Н а з м:

Бар куни рўйи сўйи хитаи хат¹,
Боядат даррахи он сайри васат.
Хатки аз шоибан ҳусн тиҳи аст,
Баҳраи қоғаз азу Русия ҳист.
Хат чунон беҳ зи қалам рононда,

² Бу шеър қўлёзманинг 889-бетида бошланиб, давоми эса 893-бетдадир — *Тарж.*

Қи биё сояд аз ў хонанда.
 Дар каф нағз хат хуб рақам,
 Ризқро турфа калидист қалам.
 Лек чандон чу қалам ранг мабад,
 Қи бажус хат набуд кори дигар.
 Ми нагуем суханаст шеърӯ фанаш,
 Қи ҳамуш бод забон аз суханаш.
 Гар шавад баҳр макун лабтар азу,
 Вар бувад кон матлаб гавҳар азу.
 Қиса ҳоли куни ҳар пур ҳунарист,
 Мели кури кашн ҳардида варист.
 Рақами дил макунин ҳандасаро,
 Ра ба хотир мадеҳ ин васвасаро . . .

Таржимаси:

Яхши хат ёзишни сен ҳавас қилсанг,
 Ўртача саъйи қил, агар ёзсанг.
 Хатки ёзганда ҳуснидин бўшдир,
 Ҳосил андин қоғоз булғашдир.
 Ҳусни хат ул эрурки, ёзганда,
 Роҳат олғай киши ўқиганда.
 Яхши ёзсанг, хатингни кўргайлар,
 Ризқнинг очқучини берғайлар.
 Шеър айтмакни кўп ҳавас қилма.
 Бу ҳавас бирла умринг ўтказма.
 Рақам этма дилингга ҳандасани,
 Хотирингдан чиқар бу васвасани . . .

Бу ишга қобилиятим зўр бўлганидан, бошқалар кўп
 йилларда ҳам қўлга кирита олмаган унинг нозик жой-
 ларини тез билиб олиб, бир оз кун ичйдаёқ бу санъат-
 га ҳам моҳир бўлдим. Ҳар хил хат, ҳар турли нақшлар-
 ни қаламга олиб имтиҳондан ўтказдим. Чунки бу санъ-
 атга уринган кишиларнинг мақсади ё муаллим бўлиш
 ёки давлатга, шунингдек, бошқаларга котиблик қилиш-
 дир. Менинг кўнглим эса, ҳар икковини ҳам кўтармас

эди. Иккита нон топаман деб ёмонлар олдида турнишга тоқатим йўқ эди...

Инсоннинг ақлига, руҳининг жавҳарларига ёқадиған ҳунарлар ва санъатларнинг ҳақиқатлари шу айтилганлардир.

Энди одамнинг танига, нафсига тарбия берадиган касб ва ҳунарларни шуларга қиёс қилиб қарасанглар, у ҳунарларнинг ҳунар эгасига қанчалик зиён келтиришини билиб оласизлар. Агар касб ва ҳунарларни шаръий йўл билан олиб бормасанглар, сизларни инсоният доирасидан чиқариб, ҳайвонот доирасига яқинлаштирадлар. Фақат шуниси борки, шарият дунёнинг ободонлиги, маданиятнинг тараққий этиб бориши учун ана шу касбларни қилишга буюрган. Агар шу айтилган сўзларнинг моҳиятини чуқурроқ тушунсанглар, сизларда фазл ва ҳунар топишга қизиқиш қолмайди; дунёнинг амал ва мансабларига эришсанглар ҳам, унга парво қилмайсизлар. Агар илм ва фазлга қобилиятларинг бўлиб, уни ўрганиб олсангизлар ҳам, уларга алданмайсизлар. Тезроқ яхшилик амалларига қайтиб, ўз ишларингизни топиб оласизлар.

Илм, хушфазилят ва ҳунар ҳақида айтилган ҳадис ва оятларнинг ҳаммаси кейингиларга илм қолдириш учун ташвиқотдир. Масалан, ҳадисларда олимлар пайғамбарларнинг ноибларидирки, илм йўлида юриб оёқларига чанг, тупроқ ўлтирса, олло унинг жасадини дўзах ўтида хароб қилади, деган сўзлар кўпдир. Агар шундай қилмасалар, араб тилини ўрганишга ҳеч ким қизиқмасди. Халқ ҳам диёнат ишларидан йироқлашар эди. Шу сабабли қуръондан, ҳадисдан маъноли нарсаларни ўрганиш ва уларга амал қилиш учун араб тилини билишлик мусулмонларга фарз бўлди. Чунки қуръон ва ҳадислар араб тилида бўлганидан, шарият ҳукмларини, расулиллонинг ахлоқ ва одобларини ўрганиш учун арабча билиш албатта зарурдир. Заруратдан ортиқчаси даргоҳдан узоқлашишга сабаб бўлади...

Энди халқ билан аралашганда бўладиган муомалаларни гапирай. Агар султонга яқинлашсанглар, амалпараст бўлиб, кўнгилларингга давлат ва салтанатнинг меҳр-муҳаббати тушади. Агар вазир билан бирга бўлсанглар, ҳарбий ишлар ва тўпхона саранжомларининг ташвишига қоласизлар. Котиблар билан сўзлашиб қолсангизлар, имло, иншо ва ҳусни хат тўғрисида бош қотирасизлар. Ҳарбийлар билан эса тўп-тўфанг, отиш, чопиш кабиларни гаплашасизлар. Амир шаб уруш ва қийнашдан, қози дов ва жанжалдан, раис амри маъруф, ва нахийи мункирдан, муфти ёзиш-чизиш ва фатводан, мударрис ўқиш ва ўқитиш ҳамда баҳсу жадилдан, имом меҳроб ва минбардан, мунажжим ер ва осмон, фалак ва юлдузлардан; табиб дори ва дармондан, наққош қалам ва паркордан, муҳандис ернинг узун-қисқалигидан, созанда нағма-наъводан, савдогар фойда ва зиёндан, деҳқон ер-сув, қўш ва ҳўкиздан гапиради. Қушбоз қушини, итбоз итини, отбоз отини мақтайди. Хуллас, қайси ҳунармандга қўшилсанг, ким билан суҳбат қилсанг, уларнинг ҳаммаси ҳам ўз ҳунар ва касбларидан гапирадилар ва уни мақтайдилар. Ҳар ким ўз ҳунарини бошқа ҳунарлардан ортиқ кўради. Қим билан суҳбат қурсанглар, унинг таъсири билан ўша одамнинг касби ва ҳунари кўнгилларингга тушади.

Юз хил ҳунарни билиб, ҳар қанча ҳаракат қилсанглар ҳам, ортиқча толганларингни бошқаларга қолдирасизлар. Ҳар қанча илм ва ҳунарни кўп билсанглар ҳам, камдан-кам жойлардагина баракалла, раҳмат деган сўзларни эшитасизлар. Ўшани ҳам нифоқ билан тил учидан айтадилар. Чунки ҳунарли, илмли кишиларни ҳунарсиз, илмсиз кишилар ўзларига душман кўриб, уларнинг олди-кетларидан ноҳақ сўзларни айтиб шикоят қилиб юрадилар... Қолаверса, илмсиз, ҳунарсизлар — одатда — давлатга, мансабга эга бўладилар. Илм-ҳунарлилар кўпинча ўзларини қийинчиликда, тангликда кўрадилар (...).

Аммо, ўғилларим, сизлар дунёни обод қилиш учун келган одамлар қаторидасизлар; шунга биноан халққа аралашмасдан чораларинг йўқдир. Шунинг учун ўзларинг танлаб ҳунар ўрганишлар ва бошқаларга уни ўргатинглар. Хотин олиб бола-чақа кўринглар, ер олиб уни обод қилинглар. Агар юқори оламда сизлардан талаб қилсалар кўнгилларингга шу талабни соладилар ва ҳиммат ҳамда ҳаракат берадиларки, ана ўшанинг воситаси билан ўз жойларинг қаер бўлса, ўшанга етиб оласизлар. Агар шундай бўлмас экан, сизларда ҳеч қандай ҳужжат-далил бўлмайди... Фақат сизларда бир оз ихтиёр бўлганлигидан, ҳақиқат талаб қилишдан тўхтаманглар; унга етолмасанглар ҳам, ўшанинг орзусида бўлинглар. Сизларни дунёвий ҳаётда алданиб қолманглар деб бутун илм-ҳунарларнинг фойда ва зарарларини очиб кўрсатдим.

Одам дунёга ё ибодат ёки иморат учун келади. Шундан қайси бири учун келганингизни билмоқчи бўлсангиз, уларнинг ўлчовини виждонингизга солиб кўринг; ўзингиз ўйлаб қаранг, кўнгил қайси томонни кўпроқ талаб қилса, шунга қараб иш қилинг.

Барча замондошларингизнинг илм ва ҳунардан кутган мақсадлари нон топишдир. Лекин уни яшириб, илм-ҳунарга ҳар қайсиси турлича от қўйиб олганлар. Илм ўрганишда ўзларини комил қилиш, қазо ва фатво илмларида халқнинг ҳожатини чиқазиб дов-жанжалларни тугатиш, табиатда соғлиқни сақлаш ва бошқа ҳамма ҳунар ва касблардан кутган мақсадлари ҳам нон топишдир. Аммо уни бошқа ном билан юритадилар... Қуръондаги (ризқларингни) исроф қилманглар деган сўзни одамларга берманглар, ерга тўкманглар деб тушунадилар... (Улар) ейиш-ичишнинг сарвари олам ва унинг саҳобалари белгилаб қўйган миқдорини тарки дунёликка, тақводорликка жўйдилар; чунки уларнинг кўрсатган миқдорлари нафсга тўғри келмас эди. Шунинг учун нафсларини қондириб,

қоринларини тўйдириш учун касб-ҳунар ўрганишга киришадилар.

Олло қуръонда «ризқларинг осмонда» деган сўзни айтган. Аммо осмондан қор, ёмғирдан бошқа ҳеч нарса тушганини кўрмаганлар. Шунинг учун ҳар хил воситалар билан нон талаб бўлганлар. Хашак ва пўкак ахтариб қорин тўйдириш ҳайвонлар иши бўлиб, бу ҳақиқий инсоннинг маслаги эмас эди. Шунинг учун ҳам бу ҳаракатлардан уялгандек бўлиб, нон ахтарганларини бекитиб, қиладиган ҳунарларига турлича исм қўйиб олганлар...

(Аммо) ялқовлик, дангасалик билан умр кечирган одам инсоният шарафидан ажралган бўлиб, икки дунёда ҳам зиён кўради. Мана шу айтилган сўзларга чуқурроқ фикр юргизиб қарасанглар, халқнинг имон ва эътиқоди қайси даражада эканлигини яхши биласизлар...

Энди бир неча ўринларда оёқ тоядиган жойлар борки, уларнинг ҳақиқатини очиб берсам, ўшанда ана шу аҳволларингга қаноат қилиб, юмшаб, оғир бўлиб қолсанглар ажаб эмас.

Бу ҳол одамлар билан муомала қилганда пайдо бўлади. Масалан, амирлар, мансабдорлар ва бойларнинг болалари билан улфатлашиб, борди-келди қилсанглар, уларнинг бойлигини, уй-рўзғорларининг тўкин-сочинлигини, асбоб-ускуналарининг кўплигини, ясатилган уйларини ва зийнатланган ҳужраларини кўриб, бизнинг отамиз ҳам шулардек бўлса эди, биз ҳам шундай давлатга эга бўлар эдик, деган фикр кўнглиларингга келади. Бундан ташқари, дунёнинг ҳар хил ноз-неъматларига, боғ-бўстон, иззат ва обрўйларига эга бўлган амалдорларни кўрганларингда худо бизга ҳам шунчалик давлат ва иззат берса эди, биз ҳам роҳат қилиб давр сурардик ва халққа ҳам хайр-эҳсон қилардик деб орзу қиласизлар. Лекин бу давлатмандларнинг илгари бошидан ўтказган ва энди кўрадиган

ишлари хаёлларингизга ҳам келмайди. Агар шундай одамлар билан ҳамсухбат, ҳаммажлис бўлиб юрсанглар, сизларнинг ҳам нафсларинг ширин ҳолва, ёғли нонларга ўрганади. Уларнинг даврахоналарига қараб унга кўнгил қўясизлар.

Агар ўз уйларингда бўлсанглар, тирикчилик эҳтиёжлари билан шуғулланиб, ҳар ишнинг асл ҳақиқатини билиш учун фикр юргизишдан маҳрум бўласизлар. Чунки сизларда фикр қилиш учун имконият бўлмайди; негаки, ҳар бир ишнинг ҳақиқатини фикр қилиб текшириш ҳам илмга боғлиқдир. Кишининг фикри бир иш билан машғул бўлиб турганида, иккинчи бир нарсга устида юргизиш мумкин эмасдир. Шунинг учун ҳам инсоннинг зеҳни баситдир; у бўлмаган бир иш устида фикр қила олади. Бирданига уч замоннинг хонларини хотирлаб кўнгилга сиғдиришнинг имконияти йўқдир...

Кўп ўйлаш ва доим фикр қилиш билан шуғулланувчилар ҳам пастки аносир оламидаги нарсаларни унутмайдилар. Масалан мен ҳазардами, сафардами — қаерда бўлмай, дўстларимнинг уйларини, уларнинг асбоб-ускуналарининг қаерда турганлигини ҳамда кишига керакли идиш-товоқ ва бошқа шу каби буюмларнинг қай аҳволда эканлигини эсимга тушириб, кўз олдимдан ўтказа оламан. Узоқ-яқин сафарларда юрганымда учраган турли табақадаги одамлар, йўлда кўрган тоғу тош, дашту саҳролар, қишлоқ ва шаҳарлар — ҳаммаси кўз ўнгимда кўриниб туради. Рус императорини хотирлаб турган чоғимда Бухоро, Самарқанд, Нақшаб каби шаҳарларнинг иморат ва биноларини, барча асбоб-ускуналарининг ҳаммасини ўз ўрнида кўз олдимга келтира оламан. Шунга ўхшаш, амалдор ва мансабдорларнинг султон тарафидан берилган ёрлиқларни бошларига тақиб, шодланиб юрганларини ҳам кўраман. Улар шу даражага етганларига кўнгиллари хуш бўлиб фахрланадилар. Мен эса уларга раҳмим келиб қайғураман. Чунки амал ва мансабга эришган

одамларнинг азл бўлиб ўринларидан тушган кунларидagi оғир аҳволлари, султоннинг кўнглини овлаш учун ҳар кимнинг эшиги ёнида сарғайиб туришлари кўз олдимга келади.

Дунё аҳли билан алоқа боғлаб, суҳбатдош бўлар экансизлар, кўнгилларингга дунёнинг орзу-ҳаваслари тушмай қолмайди. Уни қўлга киритиш учун эса касб ва ҳунар билан шуғулланасизлар. Ҳаракат қилиб, йўлини топсанглар, мансаб-мартабага эришиб, амалдор ҳам бўласизлар. Аммо ақлларинг бўлса сўнгра пуншаймон бўлиб, мансабдор бўлганларингдан олдинги ҳолларингни орзу қиласизлар. Бироқ сўнгра уни топа олмайсизлар.

Одам дунёнинг ҳақиқатини, унинг фойда ва зарарларини туб томири билан тушунмагунча ундан кўнгил узиб, мол тўплаб давлатга эришишдек хом хаёлдан воз кеча олмайди. Шунинг учун сизларга қисқача бўлса-да, дунё ва унинг аҳллариининг аҳволини тушунтириб ўтай.

Шуни яхши билингларки, дунёда доим яшаш мумкин эмас. (Дунё ишининг ҳақиқатини тушунтириш мақсадида бир мисол келтирай). Осмондан ёмғир ёғди; натижада ердан турли-туман ўсимликлар унди; ер юзи яшнаб, ҳар хил райҳон гуллар очилиб зийнатланади. Шу пайт бирданига гармсел келиб ҳамма кўкатларни қуритади. Гармселдан қуриган бу ўсимликлар энди ўтиндан бошқа ишга ярамайди. Дунё ишлари ҳам ана шундайдир. Дунёда яшайдиган одамлар бировларга ишловчи мардикорлар кабидирлар. Одамлар кетмон, курак воситаси билан ором олишлари мумкин...

Дунё салтанати Фиръавн Шаддотни охири нима қилди? Худонинг газабига учраб азобга қолди. Дунёдан ўтган сон-саноқсиз золим, қонхўр подшоҳлар, Рум қайсарлари, Эрон хисравлари, Туркистон хоқонлари дунё хазинасини йиғиб, давлатларига мағрур бўлди.

лар. Охири шу (давлатлари) туфайли ҳаммалари ҳам ҳалок бўлдилар (Бундай кишилар ҳозир ҳам хароб ва ҳалок бўлмоқдалар). Оллонинг қуръондаги илгаригиларни ҳалок қилдик, кейингиларини ҳам уларнинг кетидан юборамиз, золимларни шундай қиламиз деган сўзи буни исботлайди. Дунёда давлатга эга бўлиб донг чиқариш ёз ёлқуғига - саробга ўхшашдир. Дунёнинг ноз-неъматлари деб, умри мол тўплаш учун сарф қилиш фойдасиз (равешда) тупроқ элашга тенгдир. Бутун ҳаракатлари мол тўплашдан иборат бўлган одамлар (ўзларича) биз яхши иш қилдик деб ўйлайдилар. Қандай яхши бўлсин?! Оллонинг қуръонда айтган энг зиён кўрган одамлар ўшалардир, деган сўзи ҳақдир. Кимки мол-дунё билан оллога яқинлашишнинг кетидан тушар экан, у ундан узоқлашади. Кимки дунё молига кўнгил қўяр экан, ўзини меҳнат балосига йўлиқтиради. Сарвари олам олло зикридан, олло аҳлидан бошқа ундаги барча нарсалар унинг раҳматидан йироқдир, деганлар. Кимки унга кўнгли билан берилар экан, охири давлатдан қуруқ қолади...

Дунё ишлари бир неча кун ичида ўтиб кетади. Энг сўнг худо ёнига бормасдан бошқа чора йўқдир. Дунёда ҳар қанча давлат топиб, бутун ноз-неъматларни қўлга киритсанг ҳам, бир куни ташлаб кетишга мажбур бўласан. Чунки ўлим тўсатдан олдиндан келиб чиқади. Ўшанда бир нафас олишга ҳам фурсат бермайди... Бу шундай дунёдирки, унга мағрур бўлиб, тонган давлат ва неъматларига фахрлансалар, бир куни (ўша давлат ва неъматларининг) оёқ остига тушиб, хор бўлишлари шубҳасиздир...

Давлатли одам доим ташвишда бўлади. Агар одамнинг давлати кўп бўлиб, болаларига мерос қолар экан, бу (ўша давлатнинг) йўқолиши демакдир. Меросга эга бўлган бой болалари уни ўзлари меҳнат қилиб топмаганларидан, унинг қадрига етмайдилар... Шунингдек, хушомадгўй паст ҳиммат одамлар унинг

атрофига тўпланганлигидан, оқиллар суҳбатларидан четда қолиб, илм ва фазлдан ҳам маҳрум бўладилар. Ана шунинг учун бой болалари кўпроқ гўлаҳ кулига булғанадилар ёки майхона мажлисини обод қиладилар. Ҳамма вақт шундай бўлган. Амирзода, бойзодаларнинг ҳар шаҳардан чиқиб туриши ҳаммага маълумдир; бунга мисол келтириб ўлтиришнинг ҳожати йўқ.

Қ и т ъ а:

Вақти афтод фитнаи дар Шом,
Ҳар кас аз гўшаҳо фаро рафтанд.
Писарони вазири ноқиси ақл,
Ба гадон бу русто рафтанд.
Порсо зодагони донишманд,
Ба вазири подшо рафтан.

Таржимаси:

Тушганидан фитна ул Шомга бирон,
Ҳар киши ҳам қўрқишиб қочар ҳар ён.
Беҳунар шаҳзодалар бўлди гадо,
Мўътабарларни сокини бўлиб рустол.

Агар савдогарлар ва ҳунармандларнинг топган давлатлари сизларни қизиқтирган бўлса, шунинг биланларки, улар бу ҳунар ва давлатга кўп меҳнат ва машаққатлар тортганларидан кейингина эришганлар. Бунинг қўлга киритиш учун бозор ва расталарда югуриб юриш, ҳазар ва сафарларда кўп оғирликларга сабр қилиб, чидаш лозимдир. Бунга мисол қилиб юқорида бир баққол қўшнимизнинг аҳволини сизларга баён қилган эдим. Агар шунинг истар экансизлар, ихтиёрларинг ўзларингда. Оқиллар нега меҳнатда-ю, аҳмоқлар эса роҳатда деган масалага келсак, бу ўринда инсоннинг ўзида ҳам ихтиёр борлигини исботлаб ўтган эдим. Сизларни янада қаноатлантириш учун бу ерда ҳам бир қадар эслатиб ўтаман.

Давлат ахтарувчи (киши) тожир бўлса, иссиқ-совуқ демай эрталаб бозорга чиқиб, кечгача олиқ-солиқ ғавғоси билан овора бўлади, қоронғида уйга қайтгач, эртага нима қилсам экан деб, уйқуси қочиб дурустроқ ором одолмайди, (натижада) тирикчилик лаззатлари бузилиб, ҳеч кимнинг сўзи қўлоғига кирмай, ичкиликдан маст бўлган одамлардек бўлиб юради. Агар сафарга чиқса, (унинг кўнглини) сафар хатарлари, қароқчилар, йиртқич ҳайвонлар ва бошқа оғирчилик ҳамда хавфларнинг ташвиши тушади... (Сафарда юриб) ўз жойига мол юборса, моли бориб етгунча унинг ташвишини тортади; Ҳиндистондаги гумаштам нега хат ёзмади, Туркистонга юборган молимдан хабар келмади деб ташвишланади.

Агар у одам деҳқон бўлса, ҳали хирмоннинг, ҳали сувнинг, қолаверса ҳўкиз ва эшакларнинг ғамхўрлигини қилади, бунинг орқасида одамларга хушомад қилишга мажбур бўлади; амин ва арбобларга пора бериб кеча ва кундуз экинлар атрофидан айланиб, қурт-қумурсқа ва қушлар билан талашиб юради. Шунингдек, у тош ва тупроқ устида курак ёки кетмонни бошига қўйиб ётиши, кечалари туриб ҳўкизнинг охиридан хабар олиши, саҳродан шаҳарга, шаҳардан саҳрога дон ташиб юриши, қиш кунлари қовун ва узумларни совуқдан сақлаш учун ертўлага ўт ёқиб туриши ва ҳоказо ташвишлар тортиб юриши лозим; булар ҳақида юқорида гапирган эдик. Уларнинг кўрган роҳатлари, қилган меҳнатлари ва тортган машаққатлари олдида хирмондан бир ҳовуч дон, дарёдан бир чўмич сув кабидир.

Агар сизлар чуқурроқ ўйласанглар, давлатли одамларга раҳмларинг келиб, уларнинг аҳмоқликларига ҳайрон бўласизлар; уларнинг топган мол-дунёлари, кўрган ноз-неъматлари кўзларингга хор бўлиб кўринади. Қоқ нон, қуруқ сув оғизларингга асалдек тотиб, ёвғон овқатлари жуда яхши ҳазм бўлиб кетаверади.

Агар амалдор ва мансаб аҳллариининг шон-шавкатлари кўнгилларининг дунёга мойил қилса, шуни билинглари, ундайлар махлуқнинг, яъни султоннинг ризолигини топиш учун олло ризолигини ташлаган одамлардир. Бу балони ўзларига неъмат чоғлаб, шундан ажралиб қолмагай эдим деб, доим қўрқувда юрадилар. Бундай одамларнинг уйқусида роҳати, уйғоқлигида ҳаловати йўқдир. Уларнинг ҳушлари жойида эмас, сўзлари эса мантиқсиздир. Уларни кўрганлар бу одам давлатга мағрур бўлса керак деб ўйлайдилар. Ҳолбуки ундай эмас, балки ҳар нафасда ғам-ғуссанинг кўплигидан жон бериб жон оладилар. Уларнинг кулгилари йиғига ўхшайди; кўнгиллари доим сиқилишда бўлганлигидан, жонлари қийналиб туради. Чунки султоннинг ғазабига учрасалар, зиндонга тушиб кўрмаган азоблари қолмайди, бунинг устига бутун мол-дунёлари ёрғу бўлади. Бу ҳолни эсловчилар тиркичиликдан қандай роҳат топа оладилар? Бу қўрқув уларнинг эсларидан кўтарилгандагина юзлари кулиб, кўнгиллари очилгандек бўлади. Лекин бу ҳол ўзгариши билан яна аввалгидек ғам ва ташвишга ботадилар...

Султонга яқинлашган давлат арбоблари янги уйлانган куёвга ўхшайдилар. Уйланиб олти ой ўтгач, куёвнинг аҳволи бутунлай ўзгаради; рўзгор оғирлигини кўтара олмай, ички ва ташқи қувватларига ҳалал етади... Шунга ўхшаш, бу бечоралар ҳам ўзларининг паст ҳимматликларидан яхши оту тўнга қизиқиб, минг хил чоралар орқали елиб-югуриб, бу хизматга аранг эришадилар. Мақсадларига етганларидан сўнг кўп вақт ўтмай пушаймон бўладилар. Лекин иш кўплигидан ақли сочилиб, нима дейишини билмай ҳайрон қолиб, шу хизматда юраверадиладар. Куёвга ўхшаб тортган азобни ўзи билиб турса ҳам бошқаларга маълум эмасдир. Бунинг сабаби эса ибодат аҳллари-дан бўлмаганларнинг ғафлатлари орқали ҳар хил

ҳаракатларда бўлиб дунёни обод қилишдир. Шу во-
сита билан халқ ўртасида бой ва камбағаллик, катта
ва кичиклик пайдо бўлиб, жамият хизматига ёрдам
қиладилар.

Мансабдор, амалдорлар ҳамда давлат эгалари
доим ташвишда бўлганлари учун улардан насл ҳам
кам тарқайди. Бўлганларининг ҳам танлари соғлом,
ақллари комил бўлмайди. Чунки бундай одамнинг
ташвиши кўплигидан, шахвоний томони ҳам ҳалланиб,
хотинлар билан алоқа қилиш учун кифоя қилмайди.
Демак, улар бу томондан ҳам яхши лаззатлана олмай-
дилар. Камбағал деҳқонлар, муфлис гадоларнинг вай-
роналарда, тош ва кесак устларида ётиб топган роҳат
ва тинчликларини тахт устида ўтирган подшоҳлар ҳам
топа олмайдилар.

Б а й т:

Ба ҳузбаез хуш рустойи бахуфт,
Ки султон бадонсон дар айвон нахуфт.
Гадоро кунад як дирам сими-сер,
Фирудин ба мулки ажам нимсер.

Таржимаси:

Ухлай олмас подшоҳ тинч уйқуни тахт устида,
Қишлоқлик деҳқонни кўр шудгорда ётиб ухлагай.
Ҳар гадони тўйғазур бир танга онинг қорнини,
Ул фирудин подшоҳ мулки ажамга тўймади.

Давлат арбоблари, амалдор-мансабдорлар амалла-
ридан ажралиб, моллари султон томонидан ёрғу бўлиб,
ўзлари урилиб, зиндонга тушиб, ҳар қанча кулфат
кўрсалар ҳам, озод бўлганларидан сўнг яна шу хиз-
матларини талаб қиладилар. Бунинг сабаби нимада
деб сўрасанглар, бунга жавоб шулки, инсонда дунёдан
роҳат топиш умиди ҳеч вақт узилмайди. Бу сафар
шундай бўлди; доим бундай бўлавермас деган хаёл

билан ўз ишига яна киришаверади. Масалан, киши ёмон хотинини талоқ қилиб, яхшироғи чиқиб қолар деб иккинчи хотинни олади. Унинг ҳам ёмон чиқиб қолиши ажаб эмас. Ўшанда ҳам бундан кейингиси яхши чиқиб қолар деб, яна уйланишни талаб қилади. Давлат аҳллари ҳам шунга ўхшайдилар. Борди-ю, буларнинг бойликлари доимий бўлса, дунёвий бахтлари очилган тақдирда ҳам, охират насибаларидан мақрум бўладилар.

Ҳунармандларнинг аҳволлари ҳам худди шундай. Чуқур лойга ёқаларигача ботганлар бундан қутулиб чиқишнинг иложини топа олмайдилар. Баъзан ўйла-ниб ўлтириб дунёнинг ҳақиқатига тушуниб қолсалар, у чоқда ўзларининг қилаётган ишларидан ўкиниб, фалон жойдаги молимни сотиб (пулига) фалон нарсаларни оламан, тилхат-ҳужжат қоғозларимни ўринлаштириб, ишларимни енгиллаштираман, агар шу йилги ваъда қилган ишларимни тугатсам ўзимни четга тортиб, қолган умримни қаноат билан ўтказаман деб ўйлайдилар. Аммо кундан-кун иши кўпайиб, бу йил деган ваъдаси иккинчи, учинчи йилларга қолиб, тўсатдан ўзи ҳам ўлиб кетади. Шу каби кемаси ғарқ бўлиб ёки мол-дунёси таланиб кетган савдогарлар ҳам хаёлий роҳат умидида яна ҳаракат қиладилар ва мақсадларига етар-етмас шу йўлда қурбон бўлиб, жаҳаннамга кетадилар...

Кўр кўнгилли аҳмоқлар дунёдаги бадавлат кишиларни кўриб, бу кишилар дунёнинг ноз-неъматларига ботиб, доим роҳатда яшайдилар, деб ўйлайдилар. Дунё давлатини топишни осон гумон қилиб, булар ҳам улар кетидан кўрларча эргашиб, бу ишга ўзларини қўшадилар. Бундайларнинг кўплари тубсиз ботқоққа ботиб ҳалок бўладилар, бойликларидан ажраладилар...

Агар кимда-кимнинг мол-дунёси кўп бўлиб, бунинг устига у одам султонга яқинлашса, шуни билин-сларки, ундай одам катта ўчоқда ёнаётган ўтдан бир пәр-

ча чўғни келтириб ўз уйига ташлаган бўлади. Чўғни чангаллаб турган кишидай доим азобда қолади... аждарҳонинг дамида, шернинг оғзида туради. Агар ундай одам қўрғонбеги бўлса, атиги бир тўда аҳмоқларнинг раиси бўлиб, ҳақиқатда эса у ўша аблаҳларнинг хизматчисидир. Чунки уларга озиқ-овқат, асбоб-ускуна тайёрлаш вазифаси унинг устига юклангандир. Агар қози бўлса, доим уруш-талаш, ғавғо, сурон қилувчиларнинг ўртасига тушувчиси бўлиб, шуларнинг дов-жанжаллари устидан нон топиб ейдиган бўлади. Агар у муҳтасиб экан, унинг қилар иши қиморбоз ва ўйинчиларни қувлаб, бузуқларни, фоҳиша хотинларни текшириш билан кун кечиради. Агар муфти бўлса, бир тўда жанжалчи одамларнинг ёзувчиси бўлиб, бузуқ ва аҳмоқ одамларга хизматчидир. Чунки яхши одамларнинг муфтининг фатвосига, қозининг ҳукмига ишлари тушмайди. Агар кимда-ким савдогар ёки деҳқон бўлса, бутун умрини чоракор-мардикорлик хизматлари билан ўтказиб, дин ва дунёларини қурбон қиладилар. Бу айтилганларни юқорида сўзлаган эдик, шунга қарамай яна такрорладик.

Бирмунча ҳимматсиз, паст одамлар шахват нафсига қул бўлганликларидан, манфаат кўриш учун дунё талаблари билан борди-келди қиладилар. Ҳар қанча жон фидо қилиб мол тўпласа ва хазина йиғса ҳам, тўплаган молларидан тўйганларича, қоринларига сиққанича ся оладилар, холос. Агар кўз очлик қилиб, кўпроқ еб қўйсалар, ҳайза, тахма каби касалликларга йўлиқиб соғликларидан ажраладилар.

Бир гадо қуруқ нон еб, сув ичиб қорин тўйғизади, бой эса қоринини турли лаззатли овқатлар еб тўйғизади; аслини олганда гадонинг қорин тўйғизиши билан бойнинг қорин тўйғизиши ўртасида ҳеч фарқ йўқдир. Чунки томоқдан ўтказ, унинг қорнидаги нарсанинг нонми ёки ҳолвами эканлигини ҳеч ким ажрата олмайди. (Кимки) қанчалик катта иморатлар қуриб, боғ-

бўстонлар қилса-да, унинг эга бўладиган жойи икки газдан ортиқ эмасдир. Бу ишда ҳам шоҳу гадо баро-бардир; ортиқча жойлар бошқаларникидир. Энди ўйлаб қаранглар, шунча еб-ичиш, ортиқча жойга эга бўлиш учун бунчалик жонбозлик қилишнинг нима кераги бор? Ҳар қандай ақлли одам ҳам (ортиқча мол-дунё йиғишни, беҳисоб иморатлар солишни) тўғри } деб топмайди.

Б а й т:

Хўрдани ту барги гоҳи бишт нист,
Аз баргон дигарон жон мекани.
Рубъи газ жойи наштаи гоҳ туст,
Баҳри он ҳам кўх, ҳам кон мекани.

Таржимаси:

Еганинг бир парча нондир, кўп эмас,
Нега жонбозлик қилурсан бунчалар?
Бир ярим газ жойда ўлтирсанг етар,
Нега қилдинг бу қадар кўп боқчалар?

Халқ давлат ва роҳатнинг ҳақиқий маъносига тушунмайди. Баъзи одамлар яхши еб-ичишни, яхши кийинишни, қолаверса бировларга ҳам беришни давлат деб биладилар. Аммо бу ишларни олтин ва кумушсиз қилиб бўлмаганидан, ҳадеб ўшаларни топиш чорасига киришиб, кўп меҳнат ва машаққатларга қоладилар. Аммо улар миқдордан ортиқча мол тўплайдилар. Баъзи бировлар эса подшоҳ ва ҳокимларга яқинлашиб, улар олдида қадрли бўлишни катта давлат деб ўйлайдилар. Шу восита билан ўзларини бошқаларга қараганда ортиқ қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Яна бошқа бировлар ер-сув кўпайтиришни, деҳқончилик қилишни давлат деб билиб от, эшак, қўш ҳўкиз ва шунга доир асбоб-ускуналарни тўплайдилар. Шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси бойиш, мол тўплаш балоси-

га қолиб, доим меҳнат ва машаққатлар тортадилар; лекин ҳеч бирлари роҳат нима эканлигини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. —

Баъзи бировлар фақат олтин, кумуш тўплаб хазина қилишнинг ўзинигина давлат деб билиб, шу йўлда қилган меҳнат ва кўрган машаққатларини роҳат деб биладилар. Қисқаси, улар тўплаган давлатнинг ҳақиқий маъносига умр бўйи тушуна олмаганларидек, бу қадар мол-дунёни нима учун тўплаганликларининг сабабини, бу давлатни нима қилмоқчи эканликларини ҳам тушуна олмайдилар. Уларнинг давлат тўплаш йўлида тортган меҳнат ва машаққатларини тоғлар ҳам кўтара олмайди деса бўлади. Шундай қилиб, улар бир нафас ҳам роҳат кўрмай ҳалокат майдонида ҳаллослаб юрадилар ва охири бошлари гўрга суқилди. Уларнинг топган-тўплаган бойликлари ёлғиз ўзларигагина эмас, бола-чақаларига ҳам вафо қилмайди.

Қ и т ъ а:

Қист ким жоду ваш афсунгар аз жояш на бурд?
Қист казжоми фирибаш журъан ғафлат на хўрд?
Қист аблоханки умри сарф касбу жамъи кард,
Ни бакас на он худ хўрду не бохуд бибурд.

Таржимаси:

Жодугар дунё тузоғига илинмовчи ким экан?
Алданиб ғафлат шаробин ичмагувчи ким экан?
Аҳмоқ одам улки, умрин сарф этиб мол тўплади,
Емай, ҳеч кимга бермай, бирга олиб кетмади.

Шуни билинглarki, агар бир одамнинг шаҳарда ёки қишлоқда етарли иморатлар солинган об-ҳаволи ҳовли-жойи бўлса, яшаш учун керакли овқатлар, кийим-кечак, уй асбоблари ва рўзгор учун зарур бўлган бошқа нарсаларни ўз зиммасига олиб, уларни ортиғи билан узлуксиз ўз вақтида етказиб турса, бу

одамнинг кўнглидагидек хотини бўлиб, бир-бирларини Лайли ва Мажнундек севсалар — ана шулар дунёвий давлатнинг меъёридир.

Оқиллар ана шундай одамни бадавлат деб атайдилар. Чунки бундай одам ақлли, яхши кишилардан кимни хоҳласа уйига келтира олади. Чолғучи ва қўшиқчиларни истаган вақтида ҳозир қила олади... Бўш қолган чорида тарих китобларини, шунингдек, бошқа китобларни истаганича ўқий олади. Роҳат олмоқчи бўлса хотини ёнидадир. Мана шундай одамни султондан хавфи, раис ва миршадан андишаси бўлмайди. Агарда бундай одамдан раста ва бозорларни, тижорат ва зироатларни сўрасалар, уларни тушунтириб айтиб бера олмайди. Қисқаси шулки, бундай давлатга эга бўлиш учун ичкари ва ташқаридан стувчи халал ва камчиликлари бўлмаслиги керакдир. Мана шундай давлат ҳамда роҳатни қўлга киритиш учун бир йилда тахминан ўн минг тилла сарф қилиш керак...

Халқ роҳат топиш учун дунё кетидан югуради. Агар улар дунёга бир қадам яқинлашса, роҳат улардан бир фарсах узоқлашади; агар икки қадам яқинлашсалар икки фарсах қочади. Шундай бўлса ҳам ақлсизлар кўр бўлганликларидан, дунё кетига тушиб уни қувадилар... Лекин баъзи бир фаҳмли одамлар, юқорида айтганимиздек, дунё аҳлининг қоши ўртасидаги хатни ўқиб, ҳақиқатни мутолаа қиладилар. Кўнгил кўзлари билан уларнинг аҳволларидан хабар топиб, уларнинг давлат ва иеъматларига қизиқиш нари турсин, уларга раҳмлари келади.

Бир куни мен бир зарур иш туфайли подшоҳ билан бирга шаҳардан ташқаридаги чорбоғда бўлдим. Шу куни жиловчи хизматчиларга икки юз ақча инъом қилдилар. Шунда менинг отимни ушлаб турган одам менга қараб, агар сиз ҳам шу хизматчилардан бўлсангиз эди, сиз ҳам бугун икки юз тангага эга бўлар эдингиз, деди. Мен унга жавобан фараз қилайлик, мен чодир ичи-

да, сояда ўлтириб икки юз танга олдим, сен эса от ёнида, ахлатлар ичида, иссиққа куйиб ўлтирибсан; хўш, бундан сенга нима фойда, дедим. Бироқ у шуни ўзича севиб, роҳат деб билганидан, менинг сўзимга яхши тушуна олмади. Буни очикроқ тушунтириш учун унга яна дедим: шаҳарга қайтиб борганимиздан сўнг миршабга ёзаман, сени зиндонга солсин; сўнг мен сенга эрта-кеч ёғли таомлар, ширин ҳолвалар юбориб турганим яхшими ёки менинг уйимда бўлиб, дарахт тагида, сояларда, гулзорлар бўйида ётиб қоқ нон, қуруқ сувга қаноат қилганинг яхшими? Шулардан қайси бирини хоҳлар эдинг? Ўшанда у: худо сақласин, зиндонда ётиб ёғ, гўшт, қанд-асал еганимдан кўра, албатта, уйда ўз ихтиёримча ётиб-туриб қуруқ сув, қотган нонга қаноат қилганим минг марта яхши, деди.

Ўшанда мен унга дедим: ундай бўлса, подшоҳ хизматида юрган бу одамларнинг ҳаммаси зиндондадирлар. Агар уларга ҳар куни икки юз тангадан бериб турсалар ҳам, қамоқдагиларга берган таомга ўхшаб, уларга юқмайди. Бу бечораларнинг ҳақларига дуо қилишимиз керак — шулар туфайли бизлар роҳатда яшамоқдамиз. Агар булар бўйниларидаги бўйинтуруқларини олиб ташласалар, уни кўтариш бизга ўхшаш заифларнинг елкасига тушади.

Дунёдаги давлат ва ҳукуматларнинг тез-тез ўзгариб туришлари ҳаммага маълумдир. Бу инқилоб ва ўзгаришларда сипоҳ ва фуқароларга кўп ташвишлар тушади. Талон-торожлар, уруш талашлар, ноҳақ қон тўкишлар бўлади. Фаранг донишмандлари буни кўриб бу ҳақда фикр юргизиб чора изладилар. Ўтган давлатларда бўлган ихтилол ва инқилоблар тарихини чуқур текшириб қарасалар бу ишларнинг асосий сабаблари истибдод, яъни бутун давлат ишлари ёлғизгина подшоҳнинг қўлида бўлиши экан. Шундай бўлгач, подшоҳлар ўз хоҳлаганларини қила оладилар. Истаган одамни ишга олиб, хоҳласалар ўрнидан тушира ола-

дилар. (Подшоҳ) ўзига зарарли деб билганларни қамайди, отади, чопади, ёрғу қилади. Сипоҳлар билан подшоҳлар ўртасида ишонч йўқолади. Шунинг учун балво кунларида улар жонбозлик қилмайдилар, балки орқа ўгириб, душманга ён берадилар.

Буни кўрган фаранг сиёсий ҳукамолари бу ҳақда қонун чиқариб, давлат тузумини ўзгартирдилар. Чунки одам болаларининг ҳаммалари роҳат ва меҳнатда, давлат ва нукбатда баробардирлар. Барчалари бир отанинг боласи бўлганликларидан, ҳуқуқда ҳам бир текис бўлишлари зарурдир. Даражаларининг ортиқ ёки кам бўлиши фазл ва ҳунарларининг оз ва кўплигига қараб бўлиши лозим. Шундай бўлгач, давлатни ҳамманинг ўртасида турган киши идора қилиши лозим. Бундай давлатдан ҳар ким ўз қобилиятига қараб ҳақини ола билсин; маълум ҳунарига қараб ўрин олсин, белгили айб билан ўрнидан олсин. Бу гуноҳ билан қамоққа, бу хато билан эса ўлимга деган жазолар тайинлансин.

Давлат тепасида шартсиз истаганича ҳукм юритувчи ҳеч ким бўлмасин. Отига султон қилиб бир киши қўйилса-да, у ҳам кўпчилик қаторида давлатдан маош олсин. Ҳар кимга фақат ҳунарига қараб ортиқ-кам маош берилсин. Султон ана шу қонун ва қарорларни ижро қилишда давлат ноибини деб ҳисоблансин. Аммо назлу насиб, қамоқ ва қатл қонунларида унинг ҳеч қандай дахли бўлмасин. Ана шундай қилганимизда давлат ва салтанатларимизни осонлик билан сақлаб уни ривожлантира оламиз... деб шу маънода қонун туздилар. Шу восита билан ҳамма давлатларни енгиб бутун дунёга эга бўла ёздилар...

(Ўғилларим), агар сизларнинг маданият низомига қобилиятларинг бўлар экан, низомий мансаб ва амалдорларни ихтиёр қилсанглар бошқаларга қараганда яхшироқдир. Бироқ бу кунги турк чингизи низомига ҳеч қачон яқинлаша кўрманглар. Агар биров билан суҳбат қурмоқчи бўлсанглар, ўз сифати билан халққа

яқин бўлган, ақлли, ҳушёв кишилар билан дўстлик алоқасини борланглар. Чунки оқил одамлар ҳеч кимга ёмонликни хоҳламайдилар. Ақлли одамларнинг аломати, улардаги яхшиликнинг ёмонликдан кўпроқ бўлишида ёки баробар бўлишидадир. Бундай одамлар олимлар, қалам аҳллари ичидан топилади. Булардан бошқалари билан дўстлик қилмоқчи бўлсанглар, у вақтда ундай одам ҳеч бўлмаганда бирорта ёмон феълдан ўзини сақлаган одам бўлиши шартдир...

Агар дўстларингизнинг бирор ёмон томонини билсанглар ва уни бу йўлдан қайтаришга кучларинг етса, уни қайтаринглар. Агар буни қилолмасанглар ҳамма билан яхши муомалада бўлинглар. Чунки дунёда айбон дўст топилмайди. Ўз қавм-қариндошларинг орасида бойлар бўлса, улар билан керагидан ортиқча суҳбатлашманглар; уларнинг камбағалларига қўлдан келгунча яхшилик қилинглар. Муфлис (қариндошлар) сизларни кўролмай, фазл ва ҳунарларингга ҳасад қиладилар. Чунки бир тубдан чиққан бутоқ бўлганликдан, ўзларидан ошиб кетишларини севмайдилар. Балки улар фазл-ҳунарга сизлардан кўра ўзларини лойиқроқ кўрадилар. Фазл-ҳунар учун қилган ҳаракатларингни улар билмайдилар. Фалончи кофир, жоҳилликдан умрини бекорга ўтказди деб, сизларга таъна қиладилар. Чунки ҳар кимнинг яратилишида бир ишга қобилияти бўлгач, ўша иш унинг кўзига бошқалардан ортиқроқ кўринади. Шунинг учун ҳар ким ўз ҳунарини мақтайди...

Шуни айтайки, сипоҳлар, сакбозлар ва авом одамлар билан муносабат қилманглар. Улар одамнинг қадрига етмайдилар. Мен сипоҳнинг дўстлигидан кўп зарар кўрганман. (Менинг бир сипоҳ дўстим бор эди, гарчи менинг унга кўп фойдам теккан бўлса-да, у буни билмади). Менинг воситам билан даражаси кўтарилиб, ўрнидан олинмиш ва ёрғудан қутулган эди. Ана шу сипоҳ билан эълик кунлик сафарга ҳамроҳ бўлдим.

Озиқ-овқатларимизнинг мўл бўлишига, яхши отларимизнинг кўп бўлишига қарамай, овқатни тежаб мени оч қолдирди...

Мен сакбозлардан бири билан ҳам дўст бўлдим. Усиз овқат емас эдим. У эса менга ҳеч бир сабабсиз уч минг танга ҳақим бор деб даъво қилди. Холис одамлар орага тушиб, менинг икки юз тангамни олиб бериб, ундан қутқазиб қўйишди...

(Ўғилларим,) хотинларинг билан яхши муомалада бўлиб, яхши чиқишинглар. Улар ҳақида шарият айтганидек қилсанглар, енгиласизлар, шариятга риоя қилмасанглар, албатта, енгасизлар. Хотинлар яхшиларни енгадилар, ёмонлардан эса енгиладилар. Сизлар ўртача иш қилинглар. Ота-оналарингга қилганларингни болаларингдан кўз тутинглар.

Хотинларнинг хислатлари ҳақида юқорида ёзган сўзларимни аниқ деб айта олмайман. Хотинларнинг мижозларини аниқлашда менинг ақлим бир жойга бориб қарор топа олмади. Бир фикрга келиб шунга қарор қилсам, иккинчи хотиннинг мижози унга тўғри келмайди...

Халқ ихтилотидан пайдо бўладиган офатлардан энг зарарлиги шоҳидга кўнгил беришдир. Чунки шайтон уларнинг ичи ва устидан безак кўрсатади.

Б а й т:

Ки аз панжи «шин» руйи рағбат битоб
Шабу, шоҳиди, шаҳду шамъи шароб.

Таржимаси:

Шу беш «шин» га рағбат айлаб алданмагил
Ёқиб тун чироғ шоҳидла шароб ичмагил.

Имконияти борича бу нарсалардан ўзларингга йироқ тутинглар. Иложсиз қолсанглар, фисқ-фасоддан сақланинглар. Бундай мажлисни ўтказгандан

сўнг, янгидан таҳорат олиб истирфох айтинглари. Албатта, фисққа яқинлаша кўрманглари, қоронғи қудуққа тушиб қолсанглари, ундан қутулиб чиқишларинг қийиндир. Бир чиқиб олгач, иккинчи унга қайрилиб қараманглари. Агар иккинчи марта қудуққа тушсанглари, унда қутулишларинг қийинлашади. Қудуқдан чиқиш тавба қилиш демакдир, унга яна тушиш эса тавбани бузишдир...

Ҳар ишда олий ҳимматли бўлишни лозим билинглари. Агар ҳимматларингни йўқотган бўлсанглари, уни ахтариб топинглари. Қандай касб-ҳунарни қилмоқчи бўлсанглари, унинг тинчлик томонини ўйланглари. Замондошларингизнинг қандай ишдан роҳатланишларини билишингиз зарур эмас. Сиз қайси иш билан тинчликда ва роҳатда юрсангиз, ана шуни билишларинг, албатта, лозимдир. Чунки ҳар кимнинг роҳати ўз истаганича ҳар хил бўлади. Бировнинг роҳати гўлаҳ кулида ағанаб ухлашда, баъзи бировнинг роҳати отхона ва қўйхоналардаги тезаклар ичида ёнбошлаб ётишда, бировнинг роҳати эса етти иқлимга ҳукм юргизиб, унга подшоҳлик қилишидадир. Баъзи бировнинг ҳиммати шундай баланддирки, тамоm олам унинг ҳиммат кўзи олдида тариқча ҳам кўринмайди; бу фоний дунёнинг зебу зийнатларига кўз солмайди. Ана шу даражани топиш учун имконият борица ҳаракат қилинглари. Агар бу иш қўлларингдан келмаса, сабр қилиб тинч ўлтиринглари...

Ҳаром-харишдан мол топиб, уни ўринсиз жойларга сарф қилишни олий ҳимматли демайдилари. Чунки осмон тагида бир танга ҳам ўринсиз тушиб ётгани йўқ...

Энди менинг бу ҳиммат китобимдаги сўзларга тушунсанглари, у сизларни тўғри йўлга бошлаб меҳнат, машаққат, фақирлик ва ҳожатларга сабр қилдиради.

Султон шаҳарга кираётганида ёки ундан чиқаётганида эшик оғаларининг ҳой отдан туш, йўлни бўшат

деганларини кўрганимда Туркистон тупроғининг тўртдан бирига ҳам эга бўлмаган кичик бир салтанатга бунча тарақа-туруқнинг нима кераги бор экан, дер эдим. Бу одамларнинг зеб-зийнатли кийимларига, олтин, кумуш зийнатланган эгар-жабдуқли отлар минганларига назар солманглар; булар шариятдан ташқари суннатга маҳолиф ишлардир.

Жума кунлари султон бошлиқ уламо-умаролар ва уларнинг одамлари бош-оёқлари тилла, кумушга ўралиб, катта жомега келишар эди. Улар номозга туриб руку сажда қилганларида, уларнинг ювилмаган бошкўтлари, авратлари кўз ўнгимда яланғоч ҳолда кўринар эди. Бу манзараларни кўп қийинчиликлар билан ўзимдан узоқлаштирар эдим. Чунки уларнинг гўдакликлари ва ўлгандан кейин хароб бўлишлари кўзимга очик кўринар эди. Уларнинг устларидаги кийимларнинг савдогар дўконидagi михга илиб қўйилган чопонлардан фарқи йўқ эди. Бу чопонларни михларга бекор осибдилар, озгина шамол турса тушиб кетади, дер эдим. Яна сизлар бозор ва расталарда айланиб юриб, ҳар ёққа қараганларингда турли нарсалар кўзларингга кўринади. Кўпинча хис офатлари кўздан ўтиб кўнгилга киради.

М и с р а:

Хоқи ки, ба кас дил на деҳи, дийда бу банд.

Таржимаси:

Сақлай десанг кўнглингни юмгин зинҳор кўзингни.

...Турмуш тўғрисида қайси касбга кўнгилларинг чопса, шуни ихтиёр қилинглар. Ортиқчасига қизиқманглар; етарли бўлиши шартдир. Арабчани билиш миқдори шудки, бир оят ёки бир ҳадисни тўғри таржима қила билиш ёки бирор масалани тўғри тушунишдир. Аввал ўзларинг таржима қилиб, сўнгра тавсирларга солиштириб кўрсанглар, тушунчаларинг тўғри ёки нотўғри эканлигини

биласизлар. Бундан ортиқчасини талаб қилиб вақтларингни зойи кетказманглар. Агар бу билан дунё талаб қилмоқчи бўлсанглар, дунё топишнинг бундан бошқа ҳам йўллари бордир...

Сўфи Оллоёрнинг:

Гарчи аҳволашон паришон аст,
Илмашон дастгири эшон аст.

яъни, олимларнинг аҳволлари паришон бўлса ҳам, уларнинг илмлари охири уларни қўллайди. Бу сўзнинг маъноси олимлар ҳар йўлга юрсалар ҳам, ҳар қандай ишларни қилсалар ҳам, уларнинг илмлари у дунёда дўзахдан қутқаради, деган сўз эмас; бундай деб тушуниш янглишдир. Аслида бу байтнинг маъноси ҳақиқий олимлар юзаки кўринишларига эътибор қилмай, ботин учун ишлайдилар; улар фақирлик, тажридликни ихтиёр қилганликларидан, уларнинг кўриниш аҳволлари паришондир... охиратда уларни илмлари қўллайди, ҳисобкитоб азобидан қутқазиб энг олий даражага етказди; ёки уларни шайтон васваса қилиб, кўнгилларини топпоқчи бўлганида, илмлари уларга йўлбошчилик қилиб, ҳақ йўлини топадилар... деганидир...

Киши бирор масалада шубҳаланса ёки аввалги билгани сўнггисига қарши бўлса, ҳақиқатни ботилдан ажратиш устида фикр юритилиб, ҳақ пима, ботил қайси ҳар бирининг далиллари чуқур текширилади. (Бунда) юзаки далилларга қаноат қилиб, ҳақиқатнинг тағига етмаган кишилар тўғри йўлдан адашадилар; унга қарши чиқувчилар олдида хижолатга қоладилар.

Бир кун мен масиҳий олими билан насроний дини устида сўз юритдим. У менинг айтганларимни қабул қилиб эътироф қилар эди. Сўнгра у менга қараб:

— Инсоф қил, сизларнинг шу кундаги динларининг асл ислом динига ўхшайдиган бирор ери борми? Қуруқ тилдагина айтиладиган «ло илоҳа илло Муҳам-

мад расул олло» дейишдан бошқа нима қолди, деб саҳоба ва тобинларнинг сифатларини айтиб ўтди.

Унга қарши юзаки жавоблар айтган бўлсам ҳам, аммо ичимда кўп хижолат тортдим.

Яна уламо ва донишмандлар бирор масала устида музокара қилишсалар, зинҳор, улар олдида сўзга аралшиб овоз чиқара кўрманглар. Чунки савол-жавоблар сизга қаратилиб, унинг уддасидан чиқа олмасангизлар, шарманда бўласизлар. Бунинг ўрнига бошқаларни илгарини суриб, уларнинг сўзларини пайқаб турсанглар, керакли бўлганларини билиб оласизлар. Хулоса шулки, улар ламло наслам ғавғолари билан шуғулланиб турганларида мағизли сўзларини териб олинглар. Чунки инсондаги мутаҳила, мутафиқира ва зокира қувватлари шовқин-сурон кўтарилганида илмий масалаларни юзага чиқара олмайди. Шунинг учун сўз талашиб турган одамни сукут қилдиришга уриниб, одобдан ташқари бузуқ сўзларни ҳам айтиб юборади. Киши бир масала устида сўзлаётганида шовқин қилиш нари турсин, узоқ-яқиндан бирор киши шивирлаб гапирса ҳам унинг фикри бўлинади. Бундай мубоҳаса, мужодала мажлисларида кимки шошмасдан олди-ортини пайқаб гапирса, ана ўша (одам) енгиб чиқади. Сўз устида шовқин солувчилар ўз сўзларидан кўп адашадилар. Ундай одамларни оқиллар ғаламис деб атайдилар...

Яна ғайри динлардан яҳудийлар, насоро ва бошқаларнинг дин ва миллатларини таҳқирлаб гапирманглар. Оқиллар олдида ақл тарозига сиғмаган сўзларни гапирсанглар, хижолатда қоласизлар. Ҳар олимдан яна ортиқ бўлган олим бордир. Аввал уларга шафқат ва меҳрибончилик билан муомалада бўлиб, сўнгра тавозе ва одоб билан ёрдам қилинглари. Бу ҳар икки фирқадан ҳақни қабул қилинглари. Шундай қилганларингда, диннинг шукрини қилиб камолга ета оласизлар. Агар бир масалани таҳқиқлаш устида айтган сўзларингни хасминглар тушунмаса, қўяверинглар, жаҳли

мураккабда қолиб ўлиб кетсин. Унга ҳақиқатни тушунтираман деб ўзларингни азобга солманглар. Худо билдирган ҳақ сўзни кимга бўлса ҳам тортинмасдан айтинглар.

Агар икки киши бир масала устида талашсалар шуни билингларки, бирови қогоз юзидан, иккинчиси эса мусанниф оғзидан гапирди. Агар бири мусанниф маъзидан гапирса, иккинчиси шориъдан гапирди. Агар улардан яна бири шориъдан гапирар экан, бошқа бири эса шориъ сўзнинг ботинидан гапирди. Шундай қилиб, ботиндан-ботинга ўтавериб, охири ловҳул маҳфузга бориб етади. Унга етганда илм тармоқланиб, ниҳоятсизланади. Агар кашф машоҳида мақомига етган бўлсалар ҳар бири у ҳолда, ўзлари қўнган бутқадан гапирдилар. Қобилиятлари турлича бўлганидан сўз-мақомлари ҳам турлича бўлади. Имоми раббони, Муҳиддини арабиларнинг сўзлари бир-бирларига ўхшамаганидек, шогирд ва устознинг ҳам фаҳмлари бир-бирларидан ортиқ-кам бўлиши шубҳасиздир. Буларнинг ҳар иккиси ҳам тушундик, дейдилар. (Лекин) кўпинча шундай ҳам бўладики, буларнинг ҳар иккови ҳам тушунмай қоладилар... Шунинг учун ҳам уламолар фуруи усулида ихтилоф қилганлар...

Яна гуноҳ ишлардан имконият борица узоқ бўлинглар. Агар гафлат босиб, бирор вақт гуноҳ қилиб қўйсанглар, дарҳол тавба қилиб истиғфор қилинглар. Гуноҳнинг аввали нотўғри иш бўлиб, охири эса куфурга етишдир. Бунга йўлиқиб қолган одамлар тўхтовсиз тавба қилиб, садақа бериб, ўзларидан уни йироқ қилсинлар. Зинҳор, тавбасиз иккинчи мажлисга бора кўрманглар. Табиат (мени) асфаласофилга кўп марта олиб бориб-олиб келди. Эътиқодим маҳкам бўлганидан, юза кўринган ҳолларга алданмадим. Ҳар ишнинг аслига назар солганлигимдан, менга унинг ёмонлигини дарҳол кўрсатдилар.

Умримнинг учинчи манзилида Ғаззолининг «Кимёи

саодат» китобини кўриб, бу китобнинг асли бўлган унинг «Эҳёи улум» китобини мутолаа қилганимдан сўнг ислом динининг усуллари кўнглимга ўринлашди. Қарасам, одамларнинг дини ва дунёвий ишлари бутунлай тўғри эмас экан. Шундан бери ҳар ишга киришсам, ундаги хатоликлар дарҳол кўзимга кўринарди. На уламо ва на машойихларнинг суҳбатларидан, на балогатли, фасоҳатли шоирларнинг улфатчилигидан, қисқаси шулки, ҳеч бир нарсадан кўнглим очилиб, руҳим роҳат топмас эди. Май ва маъшуқлик, соз ва овозлик мажлисларда ўлтириб, амирлар ва ҳокимлар билан суҳбат қилсам, ажаб шу мажлисга кириб қолдим деб, шу ондаёқ пушаймон қилардим. Лекин кўпчилик халқнинг расм-одат ва тақлидларидан ажралиб кета олмас эдим.

Шундай қилиб, умрдан эллик ёшни ўтказганимда катта кенг бир йўл борлигини кўрдим. Бир жамоат одамлар йўлбошчилари билан бу йўлдан юрмоқда эдилар. Шуларга қўшилишни кўнглим севиб, уларга йўлдош бўлишни ихтиёр қилдим. Бу йўлнинг бир қанча эгри-бугриларини босиб ўтганимдан сўнг мақсадимга етишдан илгари раҳбаримиз вафот бўлди. (Шундан сўнг) мен мақсадга ета олмай, олға босишга журъат қила олмадим. Бу йўлдан қайтишга тоқат қолмай, йўл юришга раҳбаримиз бўлмай, аро йўлда ҳайрон бўлиб қолдик.

Б а й т:

Ман хостамики, руйи ман буди моҳ,
Лекин чи кунам, маро дар ин нист гуноҳ.

Таржимаси:

Истардимки, юзим бўлсин ойдай,
Лекин, нечора, бу ишда гуноҳим йўқ.

Ҳақиқатга эришиш мақсадида бир неча марта тариқат йўлига кирдим. Лекин йўлим тўсилиб, қайтишга мажбур бўлдим. Менинг инсоний даражамнинг кўтарилишига зоти-зийротим тўсқинлик қилармикин ёки менинг жамият маданиятига ёрдам беришим тақдирда ёзилмаганми, билолмадим. Бир куни мен тарк, тажрид қилсам мақсадга етарманми деб истифода қилдим. Кечаси саҳаргача ғайбдан бирор ишорат бўлғаймикан деб кўз тутдим; саҳар пайтида хотифдан биров бу байтни ўқиди.

Б а й т:

Пеш аз ману ту баррухи жон ҳо кашида анд,
Туғрои ник бахтию нил бадахтари.

Таржимаси:

Сену мендан илгари жоннинг юзига ёздилар,
Ё бахтли, ё бахтсиз белгилаб қўйдилар.

Шундан сўнг кўп йиллар ўтгач, мен бу байтни шайх Саъдийнинг китобида кўриб қолдим. Бу шеърнинг маъноси: биз азалда яхши-ёмонликни ёзиб, бизга кимни яқин ёки йироқ бўлишини тайинлаб қўйганмиз, ундан ортиқ ёки кам бўлмайди, .. деганидир. Хотифдан бундай ишорат бўлганидан сўнг, ўзимни тақдирга топширдим.

Яна шариятнинг зоҳилига қаноат қилиб, алданиб қолманглар. Оят ва ҳадисларда мусулмонлар дўзахга тушмайди, жаҳаннам кофирларники, пайғамбаримиз гуноҳкорларни шафоат қиладилар, деган сўзлар бордир. Лекин қуръон ва ҳадисда айтилган (бу) маънолар ғомил имонга эга бўлган зотларга (тааллуқлидир). Булар эса тўрт тоифадан иборатдирлар: пайғамбарлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалар. Солиҳ бандалар деб авлиёларни айтадилар. Осий гуноҳкор бандалар кофир, мунофиқлар қаторида келтирилгандирлар. Бу тўрт гуруҳдан бошқа мўмин, муте кишиларни, агар худо

хоҳлар экан, уларга қўшади. Кимда-ким худога, расули худога бўйсуниб итоат қилса, пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалар билан бирга бўлади деган қуръон сўзи бунга очиқ далилдир.

Қуръонда айтилган ваъдаларни, мўминларга, вандларга, кофирларга айтилган сўзларни муфсирлар ташвиқот, тарғибот учунгина айтгандирлар. Токи имонга кирганлар (ундан) қайтмасин, кирмаганлар эса киришга қизиқсин. Агар имон келтириш биланоқ киши азобдан нажот топадиган бўлса, солиҳ бандаларнинг тортган риёзатлари, уларнинг қилган тоат ва ибодатлари фойдасиз бўлиб қолади. Чунки ҳеч бир оқил одам охира азобидан қутулишни билганидан кейин, насия фойданинг умиди билан бу дунёдаги нақд рожатдан ажрагиси келмайди; нон ва ҳолвани ташлаб, куруқ толқонга қаноат қилмайди. Энди шундай бўлгач, сизлар сарвари олам ва унинг саҳобаларининг қўлланган ишларига кўз солинглар. Савоб топишда ўшаларнинг тутган йўлларини ўзларингга ўлчов қилинглар. Пайғамбаримизнинг ҳамда солиҳ ва яхшиларнинг қиёматда шафоат қилишлари ҳақдир. Лекин бу дунёда ҳам катталар гуноҳкорларнинг гуноҳини подшоҳдан тилаб олиб, уларни ўлимдан, зиндондан қутқазиб олсалар ҳам, у гуноҳкорларни дарҳол подшоҳ хузурига, унинг зиёфатига киргиза олмайдилар.

Бир куни сув бўйида ўйланиб ўлтирган эдим, сувга ботиб ўлаёзган бир ари ёнимдан оқиб кетаётганини кўриб қолдим. Унга раҳмим келиб сувдан чиқариб қўйдим; қуриганидан сўнг учиб кетди. Шу куниёқ бунинг натижасини кўрдим. Яна бир куни бир туя чумоли ўргимчакнинг тўрига тушиб қолибди; уни зерикмай ўлтириб усталик билан ўзига захм еткизмай, қўл-оёқларини бўшатиб, қутқазиб қўйдим. Шу куни ўзим бир кишининг воситаси билан ҳалокатли ишдан қутулдим.

Яна сизларга шуни айтай: ёру дўстлар қўлида бирор яхши нарсани кўрганларингда, зинҳор, унга қизи-

қиб, у нарсани сўраб олувчи бўлманглар. Чунки яхши нарса ҳамманинг кўзига яхши кўриниб, ҳаммага ҳам керакдир. Бир куни яхши кўрган дўстимнинг ёнида насоралардан бир одам унга олтин ҳалли, ниҳоятда чиройли иккита қутичани совға қилди. Уларнинг чиройли эканига қизиққанымдан, тама қилиб, сўраб олмоқчи бўлдим. Лекин ақлим мени бу ишдан қайтарди. Ҳеч бирига илтифот қилмай, кетмоқчи бўлиб ташқарига чиқдим. Дўстим орқамдан иккала қутичаларни ҳам келтириб, буларни сенга атаб қўйган эдим, нега буларни олмадинг, деди. Мен булар сенга лойиқ ва сенга керак нарсалар десам ҳам, қўймай бирини менга берди; иккинчиси ўзида қолди.

Яна қўлларингдан келмаган бир ишни тузатаман деб, зинҳор уринманглар. Пойтахтдан йироқ бир сафарга кетаётганимизда катталардан бир киши менга шишаси кўчган соатини тузатиб беринг деб, қўлимга берди. Мен усталик қилмоқчи бўлиб, шишасини ўрнатай деб, қаттиқроқ босган эдим, парчаланиб кетди. Унинг хижолати ҳалигача мендан кўтарилмайдди. Ўзинг билмаган нарсани бировнинг қўлидан олиб унга урина кўрма.

Бир куни сафарга кетаётганимизда бир саройга тушдик. Сарой эгасини олти отар тўппончаси бор экан. Уни олиб қўндоғи қайси, ўқи қандай отилади деб, текшириб ўлтирганимда, қўлим қулоғига тегиб отилиб кетган эди, ўзим йиқилиб қолибман. Ўзимга келгандан сўнг қарасам, унинг ўқи шеригимнинг қулоғи тагидан ўтиб, деворга бир қарич ботиб кетибди. Бу балодан қутулганим учун худога кўп шукурлар қилдим. Сал бўлмаса, бировнинг қонига сабаб бўлаёзим. Ҳали ҳам бу воқеа эсимга тушганида кўнглим озиб, қўл-оёғим бўшаниб кетади.

Энди сўзимнинг қисқаси шулки, ҳар ишда ҳам тул-ъи ўз боласига айтган сўзни назарда тутинглар. Тулкининг боласи онасидан итга йўлиқиб қолганимда қўл-

лангудек бирор ҳийлани менга ўргатиб қўй, шуни ишлатиб, ундан қутулиб кетай деб сўраганида онаси: душмандан қутулишнинг ҳийласи кўпдир; энг яхшиси ўз инингдан ташқарига чиқмай жим ётсанг, улар сени кўрмаса, сен эса уларни кўриб турсанг, ҳаммадан осонроғи шудир, деган. Бу сўзнинг маъноси шулки, бутун бузуқчилик, фитна-фасодлар халққа эҳтиёждан ташқари аралашидан келиб чиқади; имконияти борича улардан узлат қилган одам офатдан омон бўлади. Агар амал қилсанглар, шу юқорида айтилган сўзлар сизларга етарлидир. Ҳеч кимнинг нафси бошқа бировнинг комил бўлишига рози эмас. Шунинг учун сизларга аввал ва кейин ўтган уламоларнинг айтганларининг хулосасини айтиб ўтдим. Агар шу қадар илм топишни талаб қилсанглар, уни қўлга киритиш учун кўп йиллар керак бўлур эди... Энди худога шукур-сажда қилингларки, сизлар ёшликларингдаёқ (менинг бу васиятим туфайли) меҳнатсиз тайёр илмга эга бўлиб қўя қолдинглар.

Агар бу айтилганларнинг ҳақиқатига йўл топсанглар, дарҳол кийик терисидан қоғоз қилиб, уни олтин суви билан ёзиб, сандиқда сақланглар. Ақлли одамлардан бошқаларга уни кўрсатманглар. Бошқаларнинг кўзларидан йироқда сақланглар. Бунинг асл гавҳарлардан тўпланган хазина деб билинглар...

(Шундай қилиб,) Аҳмад бин Носир Ал Сидиқий Бухорийнинг қалам ҳаракатлари билан бу китоб тамомига етди.

Менинг бу китобим қарилар учун бори таоло даргоҳида йўл топиш тараққийсига воситадир; ёшларнинг инсоф ва товфиқли бўлишларига сабаб бўлур. Агар бу китобни ғофиллик билан ўқисалар, ҳикояга ўхшайди; агар ҳушёрлик билан назар солсалар, ҳидоят йўлини топадилар. Ҳақиқатда бу китоб турли илмлардан ёндирилган бир чироғдирки, инсон табақаларининг ҳар бирининг базмларида нур, ҳафалик билан паришон

бўлган кўнгилларига суру бағишлайди. Илгариги ва кейинги илмларнинг хулосалари, коинотнинг балант-паст ишоратлари бу китобда берилмишдир. Энди шундай улуғ меҳнатнинг шукронаси учун бу китобнинг ёзувчисининг нажот топишини, умрининг охири яхшилик бўлишини худодан талаб дуо қилишлари лозимдир. Чунки илмдан ёгланган бир луқмани одам оғзига солиб, ҳақ йўлига бошлашдан улуғ неъмат йўқдир.

* *

*

(Ушбу қўлёзма) китобнинг охирги ярми 1352 ҳижрий, 1933 мелодий йил сафар (июнь) ойининг еттинчиси — душанба куни Бухородаги Шўро давлатининг китобхона мудир Солиҳов ва китобхона шарқ бўлимининг мудир Нуриллаевларнинг талаб ва ёрдамлари билан муссанифнинг ўз қўлёзма нусхасидан кўчириб тугатилди. Китобнинг биринчи ярмидан озроғи илгари кўчирилиб, чала ҳолда қолган экан. Китоб нусхаси бутун бўлиб қолсин деб, қолган ярмини ёзишни менга топширдилар. Шунинг учун китоб мўътабар мазкур нусханинг юзидан кўчириб ёзилиб, ноқисликдан комилликка чиқарилди.

Агар ёзишда хатоси бўлса, ўқувчилар уни ислоҳ қалами билан тўғрилаб қўйишлари умид қилинур.

Бухорода Меҳдар Амбар гузарида кўчириб ёзилди.

с

ЛУҒАТ

.

А

аносир — унсурилар, элементлар; тўрт унсур, тўрт элемент: сув, тупроқ, ўт, ҳаво
арш — тахт; осмон сфераси; платформа; сақф, яъни шип, гумбааз
анқо — афсонага кўра Қоф тоғида яшаган қандайдир бир қушнинг
оти; оти бор — ўзи йўқликдан киноя; йўқлик маъносид
ахаморат — амирлик
азл — бўшатиш, мансабдан тушириш

Б

байт — уй, хона, жой
бадойиъ — ажойиб нарсалар, гўзалликлар
ботин — ич, ички; кўнгил, руҳ
ботиний — ички
бурудат — совуқлик
басит — ёйиқ, кенг; содда, оддий; арузда бир бахрнинг номи
барзах — икки нарса оралиғини қўшувчи ёхуд ажратиб турувчи
жой

В

ванд — грамм, аффикс; идиш, коса, қадаҳ, томир

вафак — рози бўлган, қабул қилган; ундош, ундош товуши; му-
вофиқ; дўст; шакл билан ёзилган дуолар

Д

дақиқ — нозик, чуқур маъноли

З

зоҳил — бепарво, унутувчан, паришон; ажабланиш

зоҳир — равшан; юзадаги

зоҳирий — ташқи, устки; кўринишича

зино — бузуқчилик

зироат — экин-тикин, деҳқончилик

зирфат — зеболик, нафислик, зийраклик, юмор

зифоф — куёвнинг уйига тантанали кузатиш

И

ифрот — ҳаддан ошиш, ошириш

ийтидол — муътадиллик, ўрта даража, нормал

имсоқ — сақланиш; бахиллик

истигно — эҳтиёжсизлик, тортиниш, ноз

истихора — диний тушунчага кўра — кўнгилдаги мақсаднинг ҳосил
бўлиш ёки бўлмаслигини билиб олиш мақсадида туш
кўриш учун ният қилиб ухлаш, туш орқали фол кўриш

истигфор — гуноҳни кечиритиш, афв этишни сўраш

ихтилол — тартибсизлик, чатоқлик, касаллик, бузилиш

ихтилот — аралаш, аралашма, қоришма

Қ

куфр — худосизлик; қадр-қимматини ерга уриш, ҳурматсизлик

коҳил — суст, бўш, секин

каманд — бўғов, сиртмоқ; тузоқ ов илинтирадиган нарса; арқон

кафорат — қилинган гуноҳни ювиш учун эваз қайтариш (диний)

кафил — бир ишни бажариш учун сўз берган одам. Бир ишни
ўзига қабул қилувчи ва зомин бўлувчи

М

машварат — кенгаш, маслаҳат, конференция

машваратхона — маслаҳат уйи

мушфиқ — шафқатли, меҳрибон, марҳаматли
 маҳрам — 1) энг яқин қариндош; улфат, ҳамдам, сирдош; 2) хусу-
 сий хизматчи, ички хизматчи
 матлаб — 1) истак, тилак; предмет, тема, масала; 2) вазият
 масихий — христиан (христиан динидаги киши)
 мағриб — 1) ғарб, кунботар; 2) қуёш ботган вақт
 машриқ — шарқ, кунчықар
 матлуб — талаб этилган, орзу этилган, исталган нарса
 маволид — туғилганлар, фарзандлар, юзага келган нарсалар
 масну — 1) санъатли, безакли, ҳунар билан юзага келтирилган;
 1) санъаткорлик билан тузилган
 махлуқ — яратилган нарса
 малакут — 1) подшоҳлик; 2) эгалик, тасарруф; 3) фаришталар
 маҳнотис — магнит
 мудаввар юмалоқ, тўғарак
 муфсид — зарарли, бузувчи
 муколама — сўз юритиш, суҳбат, гаплашиш
 мусанниф — китоб тузувчи, автор
 мусаннаф — тасниф этилган, ёзилган (китоб ҳолига келган) асар
 мусаллаҳ — қуроли, қуrolланган
 муҳандис — хандаса (геометрия) ни яхши билувчи бинокор мута-
 хассис, инженер
 муҳадаба — дўнг, қубба; равшанлик; букур (елканинг бўртиб чиқ-
 қан суяги)
 мужодаला — тортишув, талашув
 масоҳат — ер ўлчаш, таноблаш
 муҳак — ҳақиқий тилла ёки тилла эмаслигини синайдиган тош
 мажозий — 1) мажоз ва истиорага тегишли, мажоз йўли билан
 қўлланилган; 2) ҳақиқий эмас

Н

нужум — юлдузлар
 носур — қотиш, қаттиқ ҳолга келиш; қаттиқ шиш; оқма яра,
 тешик (аъзода)
 нуқис — нуқсонли, камчилиги бор
 набодат — ўсимликлар, кўкаламзор; сабзавот; чақмоқ қанд; новвог
 насоро — христианлар
 насроний — христиан

П

палид — 1) ифлос, хира; лойқа; 2) беобрў қилмоқ

паркор — 1) ишчан, эпчил, билагон; 2) банд; бўш вақти бўлмаган, доимо иш билан банд бўлган (одам)

Р

райят — халқ, фуқаро
рутубат — намлик, захлик
рустон — деҳқон

С

саъйи — ҳаракат, уриниш
суннат — тутилган йўл, равиш
солиҳа — яхши ишлар қилувчи (аёл)
сийрат — хулқ-атвор, хислат, равиш, одат, ҳолат (кишининг ички дунёси)

Т

тафрит — бирор ишга суствик билан қараш; муътадилликдан паст-ки ҳолат
тавозе — адаблилик, ўзини паст тутиш
тасниф — бирор асар яратиш; музикада бирор турларга ажратиш, классификация; куй ажратиш
тадрижий — секин-аста, аста-секин; бора-бора; даражама-даража
тижорат — савдогарчилик, савдо иши
тажрид — ортиқча нарсалардан ҳоли қилиш, четлаштириш, ажратиш, яккалаш
ташрифот — подшоҳлар томонидан бирор кишини улуғлаш учун берилган уст-бош
тамаллуқ — ялиниш, ёлвориш; сохта таъзим
тўфанг — милтиқ, бешотар
тожир — савдогар

У

ушр — ўндан бир (солиқ)
узв — аъзо, гавда бўлакларидан бири (қўл, оёқ каби)
ун — товуш, ёрдам, кўмак, мадад
унсур — элемент

Ф

фиръави — қадимий Миср подшоҳларининг уивони
 фўлус — тангача; балиқ тангалари; майда чақа
 фоний — йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи
 фалак — осмон, кўк; бахт, толе, тақдир
 фарш — тўшаш, ётқизиш; тўшама, тўшалган, ётқизилган нарса
 фақир — камбағал, қашшоқ; муҳтож, бечора; дунё ноз-неъмат-
 ларидан кечган; сўзлаганда, ёзганда ўзини камситиб
 «мен» ўрнида ҳам ишлатилади (камина каби)
 фаромуш — унутилиш, эсдан чиқариш
 фосиқ — ёмон ишлар қилувчи, ёмон йўлга юрувчи, фисқ ишлар
 билан шуғулланувчи (киши)

Х

хотиф — овоз берувчи, товуш чиқарувчи, ғойибдан овоз берувчи
 ҳозик — билимдон, моҳир, уста; зийрак
 ҳадис — сўз; пайғамбар сўзи; янги
 ҳасис — юмшоқ овоз; оловнинг овози
 ҳукамо — олимлар, донишмандлар, табиблар
 ҳодис — янги пайдо бўлган, кейин юзага чиққан

Қ

қаловуз — етакчи, йўл бошловчи; жосус
 қадар — миқдор, даража; эътибор куч, қудрат; тақдир, ёзилиш
 қофила — карвон, сафарга чиққан йўлчилар туркуми

Ғ

ғани — бой, бадавлат; эҳтиёжсиз; ҳеч нарсадан камчилиги йўқ
 ғазл — калава, йнгирилган ип

Ё

ёрғу — жазолаш; мол-мулкни мусодара қилиш

Ч

чоғир — май, ичкилик, шароб

Ш

шар — ёмовлик, гувоҳ

Э

аҳтисоб — калькуляция (молнинг таниархи, харид ва сотиш баҳс-
сини ҳисоблаб чиқиш)

Ю

юбусат — қуруқлик

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	5
— Иброҳим Мўминов — Аҳмад Дониш ва унинг «Наводирул вақое» асари ҳақида	7
— Наводирул вақое	31
[Автордан]	33
— [Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола]	37
— Дунё тарихи ва унинг қадимийлиги ҳақида	91
Ернинг таркиби, ер ости маъданларининг яратилиши ва унга алоқадор сўзлар ҳамда самандар қушнинг баёни ҳақида	95
Рух ва унинг танага муносабати ҳақида	104
Бўлажак ишларнинг албатта амалга ошиши ҳақида	114
✓ Оқилларнинг меҳнати ва аҳмоқларнинг давлати ҳақида	131
✓ Инсон ахлоқлари ва уларнинг табиати ҳақида	151
✓ Никоҳ одобларининг баёни. Уйланишнинг шартлари ҳамда қайнана ва келин ҳақида	164
Фаромушхона ҳақидаги ҳикоя	175
Эронлик бир [савдогарнинг] ҳикояси	198
Ишқ-муҳаббат ҳақида. Севишганларнинг одоблари, ҳақиқий ва мажозий ишқларнинг баёни	212
— Абдулқодирбекнинг элчилиги ҳамда Русиянинг тўй ва базмларида кўрилган ажойиботлар ҳақида	229
— Русияга қилинган яна бир сафар ҳақида	253
[Бир ҳожининг айтган ҳикояси.] Саёҳатнинг фойдалари ҳақида	261
Мулла Холматнинг саргузаштлари	290
[Яна] шернинг ҳиммати ва муруввати ҳақида	302
Тушларнинг баёни ҳақида	305
Баъзи бир мушкул байтларнинг баёни	314
Фарзандларга васият. Касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида	323
Луғат	401

Аҳмад Дониш.

Наводирул вақое. (Нодир воқеалар). ЎзССР
ФА академиги И. М. Мўминов таҳрири остида.
Т., Ўзфаннашр, 1964.

415 бет. Тиражи 3000.

Луғат: бет 409—414.

Ахмед Даниш. Наводир ул-вақое. (Редкост-
ное происшествие).

1Ф(С)+8Ўз

На узбекском языке

Ахмед Даниш

НАВОДИР УЛ-ВАҚОЕ

(Редкостное происшествие)

Изд-во «Наука» УзССР

Ташкент. 1964

Муҳаррирлар: Д. Мўминова, А. Аҳмадхўжаев
Рассом Р. В. Левицкий
Техмуҳаррир З. П. Горьковая
Корректорлар: Ҳ. Саъдуллаева, А. Ҳолиқов

Терешга берилди 27/1-64 й. Босишга рухсат этилди
18/IV-64 й. Қогоз $84 \times 108 \frac{1}{32} = 6,43$ қогоз л. — 21,11 босма л.
Нашриёт л. 18,0 Нашриёт № 1021. Тиражи 3000 Баҳоси 1 с. 08 т.
Муқоваси 20 т.

УзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси,
Хоразм кўчаси, 9. Заказ 232.
Нашриёт адреси: Куйбишев кўчаси, 15.